

**МОЛИЯВИЙ ВА БОШҚАРУВ
ҲИСОБИ**

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент-2006

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

И.Очиллов., Н.Ризаев., Б.Болибеков

МОЛИЯВИЙ ВА БОШҚАРУВ ҲИСОБИ
Ўқув қўлланма

Тошкент-2006

Молиявий ва бошқарув ҳисоби/Ўқув қўлланма. Ҳаммуаллиф -Т.: ТМИ, 2006. 371 б.

Аннотация: ушбу ўқув қўлланма Олий таълим Давлат таълим стандартлари талаблари асосида молиявий ва бошқарув ҳисобидаги сўнги ўзгаришлар ва янгиликлар асосида тузилган бўлиб, 5340200-«Менежмент», 5340600-«Молия», 5340700-«Банк иши», 5340800-«Солиқлар ва солиққа тортиш», 5341200-“Инвестицияларни молиялаштириш”, 5341300-“Сўзурта иши” бакалавриат йўналишида таълим олаётган талабаларга мўлжалланган.

Ўқув қўлланмада бозор муносабатларини чуқурлаштириш шароитида ҳисобнинг моҳияти, унинг турлари, бухгалтерия ҳисобининг методи, усуллари, иккиёкламаёзув ва унинг асосланиши, янги счётлар режаси шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлардаги мавжуд асосий воситалар, товар-моддий захиралар, пул маблағлари ҳисоби ва капитал қўйилмалар ҳисоби, бошқарув ҳисобининг концепцияси: маҳсулот таннархини аниқлаш, харажатлар ҳисоби, бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш, сегментар ҳисоб ва ҳисобот қабилар ёритиб берилган. Бу ўқув қўлланмада таянч сўз ва иборалар, ўз-ўзини текшириш учун саволлар, тест саволлари, интернет маълумотлари, маъруза матнларининг электрон версиялари ва адабиётлар рўйхати тавсия этилган.

Ушбу ўқув қўлланма Тошкент молия институти қошидаги Олий ўқув юртлараро илмий-услубий Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

Иқтисод фанлари доктори проф. А.Ваҳобов таҳрири остида

Тақризчилар:

**и.ф.д. проф. А.Ибрагимов
и.ф.н. доц. И.Қўзиёв**

ТМИ, 2006

Кириш

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг кенг миқёсда ривожланиши иқтисодиётнинг барча тармоқларида кузатилмоқда. Иқтисодиётидаги ўзгаришлар табиийки корхоналар фаолиятидаги ўзгаришларга туртки бўлди ва шу туфайли бу ўзгаришларни объектив акс эттирувчи, тўғри баҳоловчи молиявий ва бошқарув ҳисобига эҳтиёж пайдо бўлди. Янги ҳисоб тизимини ишлаб чиқиш мобайнида халқаро ҳисобнинг кўпгина стандарт ва тамойиллари ҳисобга олинди. Шу нуқтаи назардан, халқаро амалиётни ўрганиб чиқиш ҳозирги вақтда аҳамиятлидир.

Бухгалтерия ҳисобини жаҳон стандартларига мослаб юритиш, ривожланган бозор шароитидаги мамлакатларнинг субъектларида юритилаётган бухгалтерия ҳисоби учун зарур бўлган энг асосий тамойилларини республикамиз хўжалик юритувчи субъектларида жорий этиш ҳозирги кун талабидир. Ислохотларнинг изчил олиб борилиши мамлакатимизда ҳисоб тизимини халқаро стандартларига мослаштирилишига имкон берди, хусусан халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартларига яқинлаштирилган ҳозиргача 24 та миллий бухгалтерия ҳисоби стандартлари қабул қилинди. Ушбу ўқув қўлланмада бухгалтерия ҳисоби тизимининг икки ҳил тури: молиявий ва бошқарув ҳисоби объектларини халқаро ва миллий стандартлар асосида чуқурроқ ёритишга ҳаракат қилинди.

Ўқув қўлланма олий таълимнинг иқтисодиёт йўналишидаги бакалаврият талабалари учун мўлжалланган бўлиб, унда молиявий ва бошқарув ҳисобнинг асосий ташкил этувчилари-пул маблағлари ҳисоби, асосий воситалар ҳисоби, меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисоби, молиявий натижалар ҳисоби, харажатлар ҳисоби, бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш, трансферт баҳони шакллантириш, сегментар ҳисоб ва ҳисобот ҳамда бошқа мавзулар кенг ёритилган. Қўлланманинг айрим мавзуларини ёзишда яиндан рдам берганлиги учун и.ф.н. Қурбонбоев Ж.Э (I, IX-боблар), ва к.ўқит. Х.А.Боқиева (II, III-боблар) ларга чуқур миннатдорчилик билдирамыз.

Муаллифлар,

1-БОБ. МОЛИЯВИЙ ВА БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МЕТОДИ ВА УНИНГ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

1.1 Молиявий ва бошқарув ҳисобининг предмети

Турли ҳил мулкчилик шаклларига асосланган хўжалик юритувчи субъектларда зарур бўлган маблағлар маълум манбаалар (давлатники - давлат ресурслари ҳисобидан, жамоаники пай бадаллари ҳисобидан, акциядорники - акциядорлар ресурслари ҳисобидан ва кқшма корхоналарники - муассисларнинг бадаллари ҳисобидан) ҳисобидан шаклланади. Ишлаб чиқариш - тақсимот, айланиш ва истеъмол жараёнларига хизмат қилатуриб, корхоналар фондлари узлуксиз доирада айланишни амалга оширади. Шунинг учун, бухгалтерия ҳисоби бу ерда моддий бойликларни яратишга йқналтирилган доира ва айланиши жараёнидаги корхонанинг фондлари (маблағлари)нинг ҳолатлари ва улардан фойдаланишни самарали бошқариш учун зарур бўлган ахборотни шакллантиради.

Ноишлаб чиқариш соҳасини аҳолига хизматлар бажарувчи тармоқлар ташкил қилади. Буларга соғлиқни сақлаш, халқ таълими, санъат ҳамда давлат бошқармалари ва мудрофаа муассасалари киради. Ноишлаб чиқариш соҳасида гарчи маҳсулот ишлаб чиқарилмаса ҳам, у ишлаб чиқариш соҳасига қзининг натижалари орқали ижобий таъсир қилади.

Ноишлаб чиқариш соҳаси ташкилотлари ва муассасаларининг хўжалик фаолиятлари, уларга давлат бюджетидан ажратилган ҳамда қзи ишлаб олган маблағлардан қай даражада самарали фойдаланилаётганини бошқаришдан иборат. Шундай қилиб, ноишлаб чиқариш соҳасида ишлаб чиқариш соҳасида яратилган ижтимоий маҳсулотни тақсимоти (қайта тақсимоти) ва истеъмоли содир бўлади. Демак, бухгалтерия ҳисоби ноишлаб чиқариш соҳасига ажратилган маблағларнинг ҳолати, сарфланиши ҳақида ахборотларни шаклландиради.

Моддий бойликларнинг ноишлаб чиқариш соҳасида истеъмол қилиниши, ноишлаб чиқаришнинг бир қисмидир. Ундан ташқари, ноишлаб чиқаришнинг истеъмолига шахсий истеъмол ва жамият аъзоларининг эҳтиёжларини қондириш ҳам киради. Шахсий истеъмолни бухгалтерия ҳисоби бевосита қз ичига олмайди. Лекин, шахсий истеъмол бухгалтерия ҳисобида мутлақо акс эттирилмайди деб қйлаш хатодир. Ҳақиқатда, бухгалтерия ҳисоби уни акс эттиради, лекин уни тавсифлаш учун зарур бўлган барча кқрсаткичларга эга эмас. Шахсий истеъмол тқғрисидаги маълумотларни савдо корхоналари, умумий овқатланиш корхоналари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш муассасалари ва бошқа ташкилотлар ҳисоботларидан олиш мумкин. Бу маълумотлар бўйича (тегишли тартибда қтказилган рқйхатлар ва текширишларда мавжуд бўлган маълумотларга ққшимча равишда) статистика бўклимлари шахсий истеъмолни тавсифловчи кқрсаткичларни аниқлайди.

Ижтимоий маҳсулотни такрор ишлаб чиқаришдан ташқари бухгалтерия ҳисобида ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларини такрор ишлаб чиқаришни ҳам акс эттирилади.

Бухгалтерия ҳисобида ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш, меҳнат кучини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган ҳар хил харажатларни ҳамда иш ҳақи ва уларнинг турли хилдаги даромадлари ҳаракатини ҳисоблаб топиш йқли билан қамраб аниқлаб олинади. Ишчи кучини тайёрлаш харажатлари, иш ҳақини тқлаш ва ҳқжаликларнинг даромадларини тақсимлаш моддий қийматликлар ва пул маблағларини сарфлашни англатади.

Ишлаб чиқариш муносабатларини такрор ишлаб чиқариш бухгалтерия ҳисобида мулкчиликнинг ҳар хил шаклларидаги корхоналар фондларининг мавжудлиги ва ҳаракатини акс эттирган ҳолда қайд қилинади. Такрор ишлаб чиқариш жараёнида уларнинг қзғаришини кқрсатиб, бухгалтерия ҳисоби мулкнинг ривожланишини тавсифлайди ва шу билан ишлаб чиқариш муносабатларини такрор ишлаб чиқариш ҳақида зарур кқрсаткичларни беради.

Юқорида айтилганлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, бухгалтерия ҳисоби предметининг асосий мазмуни корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ҳқжалик фаолиятини амалга оширишда фойдаланадиган ресурсларни самарали бошқариш учун зарур бўлган ахборотни шакллантиришдан иборат. Шу маблағларнинг сарфланиши, ишлаб чиқариш ҳажми ва фаолият натижаларини рационал ва тқғри бошқариш ҳозирги вақтда муҳим аҳамият касб этади.

Бухгалтерия фанининг предмети бўлиб, унинг қзи ҳисобланади. Унинг усуллари, техникаси, шакллари ва ташкил қилиниши ёки такомиллаштириш йқллари топиш мақсадида қилинган илмий янгиликлар қилинади.

Бухгалтерия ҳисобининг предметини қрганишда, унинг тарихий характерини ҳисобга олиш керак. Чунки, бухгалтерия ҳисоби предметининг мазмуни ҳар хил иқтисодий тузумларда бир хил бўлмаган. Уларнинг қзғариши бир тузумдан бошқасига қтиш пайтида, мулкчилик шакллариининг ривожланиши билан белгиланиб борилган.

Жумладан, бошланғич жамоа тузумида унинг ибтидоий ишлаб чиқариш воситалари ва ҳаёт даражаси шароитида ҳисобга унча катта эҳтиёж бўлмаган. Лекин, ҳисобнинг энг содда бўлган шакллари бу жамиятда ҳам ққлланилган, чунки унда овчилик ёки балиқчилик маҳсулотлари, терилган ҳосил ва шу кабиларни ҳисоблаш талаблари юзага келган. Секин - асталик билан деҳқончилик ва такомиллашган металл меҳнат қуролларининг яратилиши билан ҳисоб ҳам ривожланиб борган. Уни юритадиган мутахассислар ҳам пайдо бўла бошлаган.

Бошланғич жамоа тузумида ҳисобнинг предмети сифатида умумий мулкчилик ташкил қилган маблағлар ва шу маблағлардан фойдаланишга доир муомалалар қаралган.

Ушбу мулкчилик жамиятда феодалларнинг ишлаб чиқариш воситаларига ва қулларга бўлган эгалиги ҳисобининг предмети бўлган.

Ҳар хил мулкчилик шаклларига асосланган, ривожланган бозор иқтисодиётидаги жамиятда индивидуал капитал ёки мулк эгасининг капитали бухгалтерия ҳисобининг предмети ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисоби бу ерда биринчи навбатда, мулк эгаси ёки мулк эгалари томонидан корхоналарга (компанияга) қўйилган ресурсларни самарали бошқариш мақсадлари учун ахборотни шакллантиради. Фойдани ошириш мақсадида, асосий ва низомида қўрсатилган бошқа фаолиятлардан ҳамда молиявий фаолият ҳисобига бой берилган имкониятларни қидириб топиш билан шуғулланади.

Демак, бухгалтерия ҳисоби предметининг мазмуни у ёки бу ижтимоий тузумга хос бўлган мулкчилик шакли билан белгиланади. Яъни, ҳар бир жамиятда моддий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва самарали бошқариш учун қандай маълумотлар талаб қилинишига боғлиқ бўлади.

Жамият ривожланган сари ҳисобнинг аҳамияти ҳам узлуксиз қсиб боради. Бунда унинг қўлланиш доирасигина эмас, балки унда акс эттириладиган предмети ва бажарадиган функциялари ҳам тобора кенгайиб боради.

Бухгалтерия ҳисобининг предмети билан бир қаторда унинг объектларини ҳам фарқлаб олиш лозим. Бухгалтерия ҳисобининг объектлари деганда, муайян корхона эга бўлган моддий ва пул маблағлари, унинг бошқа корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар билан бўлган юридик муносабатлари ва шунингдек маблағлар ҳамда муносабатларни қзгартирадиган ҳқжалик муомалалари тушунилади. Корхонанинг моддий ва пул қийматликлари қз фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланиладиган маблағларини ифодалайди. Ҳқжалик муомалалари эса ишлаб чиқариш фаолиятининг мазмунини ифодаловчи жараёнларни ташкил қилади.

Баъзида, бухгалтерия ҳисобининг предмети деб - қз фаолиятини акс эттирувчи муомалалар тушунилади. Лекин, бундай тушунча ҳисоб категорияларини илмий талқинига чалкашлик киритади. Чунки, акс эттириладиган нарсалар бухгалтерия ҳисобининг предмети бўлгани билан, унинг қўлланиладиган жойига ҳам шундай қарашимиз лозимлигини билдирмайди.

Ҳўжалик жараёнлари

Мулкчиликнинг ҳар хил шаклларидаги корхоналарнинг вазифаси қз фаолияти жараёнида маҳсулот ишлаб чиқариш (хизмат қўрсатиш, ишлар бажариш)дан иборат. Бу вазифани бажариш учун биринчи навбатда таъминот жараёнини қтиши, ишлаб чиқаришдан кейин эса уни сотиш (реализация) жараёнига келиши керак. Бу учта босқич ҳар доим бир - бирларининг қрнини эгаллайди ва шу билан корхонада маблағлар (фондлар)нинг узлуксиз айланишини ҳосил қилади.

Маблағлар айланишидаги асосий босқич (фаза) - бу моддий бойликларни яратиш жараёни содир бўладиган ишлаб чиқариш босқичидир. Бу ерда ишлаб чиқарилган буюмлар нафақат ташқи ққриниши ва хусусияти билан, балки қийматининг ҳажми билан фарқ қиладиган янги маҳсулот тайёрланади. Янгидан тайёрланган маҳсулот, сарфланган ишлаб чиқариш воситалари қиймати (тиклаш фонди) ва ходимлар меҳнати билан яратилган ҳамда зарурий

қиймат (иш хақи) ва ққшимча маҳсулот қиймати (соф даромад)га бқлинадиган янги қийматлардан иборат.

Ишлаб чиқариш жараёнини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш, биринчидан, ишлаб чиқаришга қилинган ҳаражатлар - сарфланган ишлаб чиқариш воситалари (меҳнат буюмлари ва меҳнат воситалари амортизацияси) ва ишчи кучи (иш хақи шаклидаги зарурий меҳнат) ва иккинчидан, ишлаб чиқариш маҳсулотлари – тайёр буюмлар қайд этилади. Ишлаб чиқариш ҳаражатлари пул шаклида ҳисобга олинади. Бу ишлаб чиқариш ҳаражатларини ягона қлчов бирлигида ифодалаш ва тайёр маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ҳақида йиғма кқрсатгични олиш учун зарур. Пул шакли билан биргаликда, моддий ҳаражат сарфлари бухгалтерия ҳисобида тегишли тартибда натура ва меҳнат қлчагичларда ҳам кқрсатилади. Бу қлчагичлар пулда баҳолаш учун асос ҳисобланиб, улардан ҳаражатлар ҳажмини бошқариш учун фойдаланилади. Бухгалтерия ҳисоби меҳнат воситалари ва ишчи кучи сарфини акс эттиратуриб, ишлаб чиқариш жараёнининг бошқа томонини англатадиган ишлаб чиқариш истеъмолини ҳам қз ичига олади.

Кқпгина корхоналарда ишлаб чиқариш воситалари бирданига тайёр маҳсулотга айланмайди. Чунки уларга меҳнатнинг таъсири янгитдан яратилган меҳнат маҳсули сифатида, янги кқриниш ёки хусусиятларга эга бқлмасдан олдин маълум вақтни талаб қилади. Шу вақтнинг қтиши давомида улар тугалланмаган ишлаб чиқариш шаклида бқлиб туради.

Ишлаб чиқариш жараёнида яратилган миллий даромаднинг тақсимлаш жараёни вужудга келади. Тақсимлаш пайтида зарурий маҳсулот (корхона ходимларининг иш хақи)нинг пулдаги ифодаси, корхона соф даромади (фойда)нинг ва давлатнинг марказлаштирилган соф даромади (ққшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, фойдадан ажратмалар ва ҳоказо) суммаси ҳисоблаб чиқилади. Бунда корхонанинг фойдаси бухгалтерия ҳисобида кейинроқ, реализация тугагандан кейингина аниқланади ва қайд қилинади.

Корхонанинг маблағлари бошқа босқичларда, яъни муомала жараёнида содир бқлади. Бу - корхона таъминоти ва тайёр буюмларни сотиш босқичларидир.

Таъминот запросида корхона пул маблағлари билан қзига зарур бқлган, моддий бойликларни сотиб олади. Реализация босқичида ишлаб чиқариш жараёнида яратилган маҳсулотнинг истеъмолчилар (харидорлар)га сотиш содир бқлади. Бу босқичнинг якунида корхона фондлари (маблағлари) яна пул шаклига киради.

Корхонанинг таъминоти ва реализация жараёнларини акс эттиришда бухгалтерия ҳисоби қуйидагиларни қайд қилиши зарур: жараёнлар билан боғлиқ бқлган ҳаражатлар, яъни ишлаб чиқариш воситаларини харид қилиш ва маҳсулот реализациясига қилинган ҳаражатлар; таъминот жараёнида харид қилинадиган буюмлар, сотиш учун мқлжалланган ва реализация жараёнида жойлашган ишлаб чиқариш маҳсулотлари ҳамда сотилган буюмлар учун корхоналар томонидан олинадиган пул маблағлари ва ҳ.к.. Сотилган маҳсулотнинг суммаси ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш ва иш ҳақини

тқлаш учун қилинган харажатлар суммасидан корхона томонидан белгиланган соф даромад миқдорига ққп бқлади.

Шундай қилиб, реализация жараёнининг яқунланиши моддий ишлаб чиқариш соҳасида яратилган соф даромадни тақсимлаш имконини беради. Бу ерда бухгалтерия ҳисобида давлат даромадига қтказилиши лозим бқлган, корхона томонидан олинган суммаси, ққшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, фойда (даромад) солиғи аниқланади ва қайд қилинади. Реализация жараёни тугагандан сқнг корхона тегишли органларга (бюджетга, бюджетдан ташқари фондларга, банклар, мол етказиб берувчилар ва ҳоказоларга) берилиши лозим бқлган суммаларни қтказиш имконига эга бқлади.

Товар ишлаб чиқариш шароитида корхона маблағларининг айланиш даври унинг бошқа корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар билан хқжалик алоқаларини юзага келтиради. Бундай алоқалар корхонада мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан таъминот ва маҳсулот сотишни амалга оширишда, бош(она) компания билан - унга у ёки бошқа маблағларни топшириш ёки олиб ққйиш пайтида, банк муассасалари билан - улардан ссудалар олишда, бюджетдан ташқари ташкилотлар билан - ижтимоий эҳтиёжларга доир ҳисоб - китобларда ва ҳоказоларда юзага келади. Хқжалик алоқалари бухгалтерия ҳисобида корхона маблағларини айланиш даврининг тегишли босқичлари акс эттириляётган пайтдан камраб олинади.

Ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучини ишлаб чиқариш мақсадлари учун қилинган истеъмолдан ташқари, корхонада ноишлаб чиқариш истеъмоллари ҳам содир бқлади.

Ноишлаб чиқариш истеъмолига корхона тасарруфидаги фондлар (маблағлар)дан фойдаланиш киради. Уларнинг таркибига уй-жой, маиший хизматлар, соғлиқни сақлаш ва бошқа шу каби маблағлари киради. Бу маблағларнинг ҳолати ва улардан фойдаланиш ҳам бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олинади.

Корхоналар маблағлари (фондлари)нинг айланиш даври шундан иборатки, маблағлар - ишлаб чиқаришга, ишлаб чиқариш - товарларга, товарлар эса яна пул шаклига айланади ва ҳоказо. Демак, маблағларнинг айланиш даври фақат унинг ҳар хил босқичлари (фазалари) кетма - кет узлуксиз келиб турсагина содир бқлиши мумкин.

Маблағларнинг айланиш даврини тқғри ташкил қилиш, уларни ҳар бир босқичли аниқ бқлган муддатларда бқлишини талаб қилади. Корхоналарда мужудга келадиган жараёнлар одатда ҳар доим, деярли узлуксиз содир бқлади. Шунинг учун ҳам, корхоналар ҳар бир босқичда, яъни уч шаклдаги - пул, ишлаб чиқариш ва товар маблағларга эга бқлиши керак. Шу билан бирга бу маблағларнинг миқдори корхона фаолиятининг ҳажмига тқғри келиши ва ҳар бир босқичда нормал ишни таъминлаши керак.

Барча жараёнлар - таъминот, ишлаб чиқариш ва реализация – алоҳида хқжалик муомалаларидан иборат. Масалан таъминот ва реализация қатор харид қилиш - сотиш ҳодисаларидан ташкил топади. Ишлаб чиқаришда меҳнат

буюмларини маҳсулот тайёрлашга сарфлаш, корхона ходимларига бажарган ишлари учун иш ҳақи ҳисоблаш, меҳнат воситаларидан маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланганлик учун амотизация ажратмаларни ҳисоблаш ва ҳоказоларни қайта - қайта қийматда амалга оширилади.

Ҳар бир муомаланинг асосий мазмуни корхона маблағларининг ҳаракати, уларнинг шакллари қзгаришидан иборат. Масалан, материалларни харид қилишда корхона пул маблағлари қрнига қзларига керак бўлган меҳнат буюмларини олади ва уларни сарфлашда меҳнат буюмларни ишлаб чиқариш жараёни юзага келиб, тайёр маҳсулот олинади.

Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки, ҳқжалик муомалалари ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширишда корхона маблағларининг ҳаракатидан иборат экан.

Ҳқжалик муомалаларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бошқариш объекти ҳақида керакли ахборотларни олиш, маблағлардан самарали фойдаланиш даражасини баҳолаш имконини беради. Шунинг учун ҳам, улар бухгалтерия ҳисобининг асосий мазмунини ташкил қилади.

1.2 Хўжалик маблағлари ва уларнинг келиб чиқиш манбаалари таснифи

Хўжалик жараёнлари маълум маблағлар захирасини талаб этади. Шунинг учун ҳам, ишлаб чиқариш корхоналари иморатлар, машиналар, ускуналар, материаллар, пул маблағлари, номоддий активлар ва шу каби бошқа маблағларга эга бўлади. Корхона маблағларининг манбаалари - давлат фондидан, акцияларини чиқариш ва сотиш, муассисларнинг бадалларидан, банкларнинг кредитлари ҳисобидан, бошқа корхоналар ва ташкилотлардан олинган қарзлар ҳисобидан, фойдадан ва бошқалардан ташкил этилади. Хўжалик фаолиятини тўғри бошқаришда корxonанинг қандай маблағларга эгаллиги, уларнинг жойлашуви ҳамда бу маблағлар манбаалари, мақсадларини билиш керак.

Шунга қараб корxonанинг барча маблағлари икки қисмга гуруҳланади: биринчидан, уларнинг турлари ва жойлашганлигига қараб, иккинчидан, ташкил топиш манбаи ва қандай мақсадларга йқналтирилганлигига қараб.

Маблағларни турлари ва жойланиши бўйича гуруҳлаш корхона хўжалик фаолиятининг хусусиятларига боғлиқ бўлади. Саноат корxonаларига биринчи набатда ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун маблағлар бўлиши керак. Ундан ташқари у муомала жараёнининг икки - таъминот ва реализация босқичида ишлатиладиган маблағларга эга бўлиши керак. Одатда корxonалар қз ходимларининг эҳтиёжларига хизмат қиладиган ноишлаб чиқариш соҳасидаги маблағларга ҳам эга бўлади. Шундай қилиб, корхона маблағлари қзларининг турлари ва жойлашиши бўйича қуйидаги гуруҳларга бўлинади: ишлаб чиқариш воситалари; муомала соҳа (сфера)сидаги маблағлар; ноишлаб чиқариш соҳасидаги маблағлар.

Ишлаб чиқариш воситалари меҳнат воситалари ва меҳнат буюмларидан иборат.

Меҳнат воситалари - инсоннинг яратаётган буюмларига қз таъсирини қтказувчи воситалар ҳисобланади. Меҳнат воситалари таркибда ишлаб чиқариш қуроллари (машиналар, асбоб - ускуналар, асбоблар) етакчи ролни қйнайди. Ишлаб чиқариш қуроллари ёрдамида ишчилар меҳнат буюмларини ташқи кқринишини қзгартирадилар, уларга янги тус берадилар ва меҳнат маҳсулига айлантирадилар. Меҳнат воситаларига шунингдек, иморатлар, иншоотлар, транспорт воситалари ва хўжалик инвентарлари ҳам киради. Улар ишлаб чиқариш жараёнини нормал амалга ошириш учун керакли шароитлар яратиб, уни тўғри ташкил этишга ёрдам беради.

Барча меҳнат воситаларининг хусусиятлари шундан иборатки, улар маҳсулотни тайёрлаш жараёнида узоқ муддат давомида қатнашадилар, кқплаб ишлаб чиқариш жараёнларига хизмат қиладилар ва шу билан бирга қз ташқи кқринишлари ва хусусиятларини қзгартирмасдан сақлаб қоладилар. Шу билан бир вақтда меҳнат воситалари қз қийматини аста-секин ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматлар таннархига ва давр ҳаражатларига

(амортизация ажратмалари кқринишида) қтказадилар. Бу уларнинг эскиришига ва қийматини камайишига олиб келади.

Ундан ташқари, корхоналар номоддий активларга эга бўлиб, капитал ққйилмалар ҳамда узоқ муддатли молиявий ққйилмаларни амалга оширишлари мумкин.

Номоддий активлар қз эгаларига узоқ муддатли ҳуқуқлар ёки афзалликлар беради. Номоддий активларга патентлар, муаллифлик ҳуқуқлари, фирманинг баҳоси, савдо маркалари, алоҳида имтиёзлар, лицензиялар, формулалар, технологиялар, ноу-хау, компьютер дастурлари ва ҳоказолар киради. Номоддий активлар ҳам асосий воситалар сингари фойдаланиш муддатларида қзларининг қийматини маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи ва давр ҳаражатларига аста-секин қтказиб боради.

Корхоналар узоқ муддатли характерга эга бўлган бошқа активларга ҳам капитал ққйилмалар қилиши мумкин. Уларнинг таркибига асосий воситаларни сотиб олиш, янги объектларни кқриш ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

Узоқ муддати молиявий ққйилмалар пай ва акцияларга, облигацияларга ҳамда бошқа корхоналарга қарз бериш учун бўш қолган пул маблағларини ққйишдан ҳам иборат.

Меҳнат буюмлари маҳсулот тайёрланадиган бошланғич материалдан иборат. Уларга хом ашё ва материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар ва тугаланмаган ишлаб чиқаришлар киради. Шу гуруҳга ёрдамчи материаллар ва ёқилғилар ҳам киради. Барча меҳнат воситаларининг умумийлиги шундан иборатки, улар фақат биргина ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилиниб, қзларининг қийматини тайёрланаётган маҳсулот танархига бутунлай қтказади.

Хом ашё ва асосий материаллар деб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг асосини ташкил қилувчи меҳнат буюмларига айтилади. Масалан, машинасозлик заводида асосий материаллар сифатида машиналарнинг эҳтиёт қисмлари тайёрланадиган металнинг ҳар хил турлари (пқлат, чқян ва бошқалар) хизмат қилади. Хом ашё деганда ҳисоб амалиётида асосий материаллар (руда, пахта, қанд лавлагиси ва бошқалар) тушунилади.

ёрдамчи материаллар, асосийлардан фарқли қлароқ, тайёрланаётган маҳсулотнинг асосини ташкил қилмай, фақат унинг юзага келишида қатнашади. Бунда улар меҳнат воситаларининг нормал ишлаши учун (суртиш ва артиш материаллари) асосий материалларга ққшиш (бириктириш) йқли билан уларга сифат қзгаришларини киритиш учун (бқёқлар, лаклар, елимлар), ёки меҳнат жараёнига хизмат қилиш учун - биноларни ёритиш, меҳнат шароитларининг керакли санитария ва гигиенасини таъминлаб туриш учун (электротехникавий материаллар, совун, қипиқ ва шу кабилар) ишлатилади.

ёқилғи, қз мохиятига кқра ёрдамчи материалларнинг бир туридир, ёрдамчи материаллар сингари, улар ёки меҳнат воситалари тамонидан истеъмол қилинади (энергетик ёқилғи) ёки асосий материалларга ққшилади (технологик ёқилғи), меҳнат жараёнига хизмат қилиш учун ишлатилади (иситиш учун ишлатиладиган ёқилғи). Ҳисобда ёқилғи ёрдамчи материаллар таркибидан алоҳида гуруҳларга ажратилган. ёрдамчи материалларнинг кқпчилик қисми

сингари, ёқилғининг хусусияти шундан иборатки, у қзининг натура шаклида янги маҳсулотнинг таркибига кирмайди. Лекин сарфланган ёқилғининг қиймати, ёрдамчи материалларнинг қийматига қхшаб, ишлаб чиқариш чиқимлари сифатида бутунлай шу маҳсулотнинг таннархига киритилади.

Ярим тайёр маҳсулотлар, баъзи бир ишлов босқичларини қтган, лекин ҳали тайёр маҳсулотга айланмаган меҳнат буюмларидан иборат. Уларнинг хусусияти шундан иборатки, гарчи улар мазкур босқичдаги (маълум цех ёки маълум участкадаги) барча ишлов операцияларини қтган бқлсалар ҳам, лекин ишлов ёки йиғиш учун навбатдаги босқич (навбатдагги цехга, участкага) йқналтириши керак бқлади. Масалан, ярим тайёр маҳсулотларга машинасозлик заводининг тайёрловчи цехи томонидан ишлаб чиқарилган, лекин шу заводнинг қайта ишлаш цехида ишланиши давом этадиган деталлар киради. Бир цехда ишловдан қтгандан кейин, ярим тайёр маҳсулотлар одатда омборга топширилади, кейинчалик омборлардан, уларга бқлган эҳтиёжга қараб, навбатдаги цехга ишлов ёки йиғиш учун келиб тушади.

Мазкур корхонада тайёрланган ярим тайёр маҳсулотлар қз ишлаб чиқаришининг ярим тайёр маҳсулоти деб номланади. Улардан ташқари, сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ҳам (ушбу корхонанинг буюртмаси билан тайёрланган ва унинг тайёр маҳсулотини бутлаш учун мқлжалланган) бқлиши мумкин. Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар хом ашё ва асосий материаллар гуруҳига киради. Бу гуруҳга шунингдек эҳтиёт қисмлар, ва идиш материаллари ҳам киради.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш бевосита ишловда (иш жойларида) жойлашган меҳнат буюмларидан иборат. Шундай қилиб, улар ҳам, ярим тайёр маҳсулотларга қхшаб, баъзибир ишлов босқичларини қтиши билан ҳали тайёр маҳсулотга айланмаган меҳнат буюмларидан иборат бқлади. Лекин, ярим тайёр маҳсулотлар мазкур цехда барча ишловлардан тқла қтган бқлса, тугалланмаган ишлаб чиқаришда жойлашган меҳнат буюмлари бу ерда ҳали ишланиши лозим бқлади.

Бухгалтерия ҳисобида арзон ва тез эскирувчан буюмлар алоҳида гуруҳга ажратилган холда ҳисобга олинади. Уларга, хизмат қилиш муддатидан қатъий назар қиймати 50 та минимал иш ҳақи миқдоригача бқлган, ва қийматидан қатъий назар, бир йилдан кам хизмат қиладиган буюмлар киради. Масалан, ускуналар, махсус қийим ва махсус пойабзал, кқрпа - ёстиқлар, хқжалик инвентарлари идора товарлари ва ҳоказо.

Муомала доираси (сфераси)даги маблағлар, яъни муомала буюмлари, пул маблағлари, ҳисоб - китобдаги маблағлар (дебиторлик қарзлардаги) ва муомала ва хизмат қилувчи маблағлардан иборат.

Муомала буюмлари корхонада ишлаб чиқарилган ва сотиш учун мқлжалланган тайёр маҳсулотдан иборат. Жойлашган жойга қараб муомала буюмлари омбордаги тайёр маҳсулот ва ортиб жқнатилган товар (тайёр маҳсулот)га бқлинади. Ортиб жқнатилган товарларни муомала буюмларига ққшилишининг боиси шундаки, харидор унинг учун пул тқлагунга қадар (касса усулисида) улар мазкур корхонанинг мулки ҳисобланди. Ҳисоблаш

(начисление) усулидан фойдаланганда харидорларга ортиб жқнатилган маҳсулот уни ишлаб чиқарувчи корхонанинг мулки бқлмай, балки сотиб олувчи корхонанинг мулки ҳисобланади ва тқловнинг йққлиги дебиторлик қарзнинг юзага келганлигини англатади. Ушбу холда мазкур объект муомала доираси (сфераси)дан ҳисоб-китобдаги маблағларга қтади.

Пул маблағлари ҳар хил тқловларни амалга ошириш учун хизмат қилади. Пул маблағлар ёрдамида корхона мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоб қилади, қз ходимларига иш ҳақи тқлайди, давлат доромадларига ҳар хил тқловлар ва ажратмалар қилади ва ҳоказо. Пул маблағлари корхонага харидорлардан - уларга сотилган буюмлар учун, банклардан - кредитлар кқринишида, юқори ташкилотлардан, юқори компаниялардан - вақтинчалик молиявий ёрдам тартибида келиб тушади ва ҳозако.

Пул маблағлари қзларининг жойлашган жойга қараб тақсимланади. Корхоналар қзларининг пул маблағларининг асосий қисмини банкдан ҳисоб-китоб ёки валюта счётларида сақлайдилар. Бунда ҳисоб - китоб счёти корхоналарнинг фақат бқш маблағларини сақлаш учун мқлжалланган бқлмай, у эгасининг барча асосий ҳисоблашувларини мол етказиб берувчилар ва харидорлар, кредит муассасалари, ташкилотлар ва ҳоказолар билан амалга ошириш учун ҳам мқлжаллангандир.

Корхонанинг кечиктириб бқлмайдиган, масалан меҳнат ҳақи, нафақа тқловларини амалга ошириш учун керак бқлган нақд пул захиралари унинг кассасида жойлашган бқлади. Нақд пуллар кассага асосан ҳисоб-китоб счётидан келиб тушади. Фойдаланилмай қолган нақд пуллар ҳисоб-китоб счётига белгиланган муддатларида қайтариб топширилади.

Корхонанинг ҳисоб-китоб счётидаги маълум маблағлар бошқа ҳқжалик юритиш субъектлари ёки шахсларининг қарзларидан ҳам иборат бқлади. Бундай маблағларга, биринчи навбатда, мазкур корхонадан харидор (буюртмачи) томонидан сотиб олинган маҳсулот (улар учун ишлар ёки хизматлар)лар учун қарзлари ҳамда корхона хизматчиларига ҳар хил ҳаражатларини қоплаш мақсадида ҳисобдорлик шарти билан берилган пул суммалари бқйича ҳисоб-китоблар киради. Топшириқни бажариб бқлгандан кейин, ходим (ҳисобдор шахс) томонидан олинган суммаларнинг сарфланганлиги тқғрисида ҳисобот топширилади ва ишлатилмай қолган пуллар корхона кассасига қайтарилади. Бундай ҳисоб-китоблар **ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар** деб аталади.


Корхонага қарзлар бошқа муомалалар (бошқа ҳисоб-китоблар) бқйича ҳам бқлиши мумкин. Уларга, мол етказиб берувчиларга тақдим этилган даъволар бқйича қарзлари, ишчи ва хизматчиларнинг қз эҳтиёжлари учун олинган банк ссудалари бқйича қарзлари киради. Бундай қарздорлар **бошқа дебиторлар** деб номланади.

Муомала соҳасига хизмат қилувчи маблағлар шу соҳада хизмат қиладиган ҳар хил бинолар, асбоб-ускуналар ва инвентарлардан иборат. Бундай маблағларга тайёр маҳсулот омборларининг бинолари, ушбу ишлаб чиқариш корхонасига қарашли савдо иморатлари, шу бино ва иморатлардаги асбоб-

ускуналар (тарозилар, совитувчи қурилмалар, токчалар ҳамда шу ерда жойлашган хқжалик инвентарларининг буюмлари - столлар, стуллар, шкафлар ва ҳоказолар) киради.

Ноишлаб чиқариш соҳасидаги маблағларга мазкур корхона ихтиёридаги уй-жой хқжалиги, маданий - маиший мақсадларга мқлжалланган ва соғлиқни сақлаш воситалари киради. Булар турар-жой бинолари, кино-театрлар, болалар боғчалари ва яслиси, болалар оромгоҳи, болалар дам олиш жойлар, ҳаммомлар, кир ювиш ва сартарошхоналар, амбулаторийлари, тиббиёт пунктлари, бинолари, шу биноларда (корхонага қарашли) жойлашган асбоб-ускуналари ва инвентар ҳамда улардан фойдаланиладиган (корхонанинг мулкани ҳосил қиладиган) материаллар, дори-дармонлардан иборат. Бу маблағларининг барчаси корхона ходимларига хизмат қилиш ҳамда уларга зарур бўлган маиший шароитларни яратиш учун мқлжалланган.

Бухгалтерия ҳисобида капитал иккига бўлиб ҳисобга олинади: актив (ҳаракатдаги) капитал ва ҳаракатдаги актив капиталнинг манбаини крсатувчи пассив капитал.



1-чизма. Маблағлар таркиби.

Ҳар бир корхона ташкил қилиниш дақиқасида қз фаолиятининг ҳажми ва ҳарактерига қараб маблағларини шакиллантиради. Агар уларда ққшимча маблағга вақтинчалик эҳтиёж туғилиб қолса, унда маблағларни муайян манбалардан олишлари мумкин. Ишлаб чиқариш натижасида олинган фойданинг бир қисми ёки махсус мақсадларда жамғарилган фондлардан, давлат грантлари ва субсидияларидан фойдаланади. Шундай қилиб, корхона маблағларини ҳосил қилиш режали ҳарактерга эгадир. Корхона томонидан ҳар

қандай манбадан олинадиган маблағлар маълум мақсадлар учун мқлжалланган бқлади.

Корхона маблағларини ташкил топиш манбалари ва қандай мақсадларга мқлжалланганлиги уларни ушбу корхонага келиб тушиш даражасига қараб амалга оширилади. Маблағлар манбаларининг туси (характери) мулкчиликнинг шаклини акс эттиради. Корхоналар энг аввало қзининг бутун яшаш даври учун умумдавлат фондидан (давлат корхоналари) ёки қзларининг муассисларидан, банклардан, бошқа корхона, ташкилотлардан вақтинчалик фойдаланиш учун маблағлар олади.

Шундай қилиб, корхона маблағларининг ташкил топиш манбалари ва қандай мақсадларга йқналтирилганлигига қараб қуйидаги гуруҳларга бқлинади: қз маблағлари, қарзга олинган (жалб қилинган) маблағлар.

Қз маблағлари давлат корхоналарида, фолиятининг ҳамма даврида берилади ва унга бириктириб кқйилади.

Давлат корхоналарининг маблағларидан фарқли қлароқ, бошқа мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг қз маблағлари айрим юридик ва жисмоний шахсларнинг ққшма ёки индивидуал мулкидан иборат бқлади.

Давлат корхоналарининг қз маблағлари бюджетдан молиялаш, заҳиралар, тақсимланмаган фойда ва бошқа қз маблағлардан иборат.

Капитал (фонд)лар - бозор иқтисодиёти шароитларидан келиб чиққан ҳолда корхонанинг ихтиёри билан шакллантириладиган устав капитали (фонди) ва заҳира (резерв) капиталидан ташкил топади.

Устав фонди, корхонага уни ташкил қилиш пайтида умумдавлат фондидан (давлат корхоналарининг капитали) келиб тушган маблағларни ифодалаб, у давлат корхоналари миқёсида фойдаланиладиган бухгалтерия атамасидир. Устав капитал эса аксинча, муассислардан (мулкчиликнинг бошқа шаклларида) келиб тушган маблағлардан иборат бқлиб, у нодавлат секторидаги корхоналарнинг бухгалтерия ҳисобида фойдаланиладиган иқтисодий атамасидир. Корхоналарга ишлаб чиқариш воситалари, муомала соҳасининг баъзи бир маблағлар турлари (муомалага хизмат қилувчи маблағлар ва йқл маблағлари) ва ноишлаб чиқариш соҳасининг маблағлари (тураржой хқжалиги, маданий-маиший мақсадларга мқлжалланган ва соғлиқни сақлаш) берилади. Корхона ташкил қилинаётган пайтда ҳосил қилинган барча қз маблағларининг пулдаги ифодаси устав фонди (капитали)нинг ҳажмини ифодалайди. Устав фонди (капитали)нинг ҳажми корхонанинг низомида кқрсатилади. Хқжалик фаолияти жараёнида устав фонди (капитали)нинг ҳажми қсади ёки камаяди ва бунда тегишли қзгаришлар заҳира фонди (капитали)да акс аттирилади.

Илгари, фойда ҳисобидан амалга ошириладиган ишлаб чиқаришни ривожлантириш харажатлари, яъни янги техникани жорий этиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш, асосий фонларни янгилаш, ишлаб чиқаришни техникавий такоммиллаштириш ва шу кабилар моддий рағбатлантириш - ходимларни мукофотлаш, уларни алоҳида муҳим топшириқларни бажарганликлари учун рағбатлантириш, уларга яқка тартибдаги ёрдам кқрсатиш; ижтимои-маданий тадбирлар ва тураржой –

қуриш, тураржойларни ва маданий-маиший муассасаларни қуриш, уларни капитал тузатиш ҳамда хизматчиларга маданий-маиший хизматларни яхшилашга қилинган сарфлар ҳисобот даврида содир бўлган харажатлар сифатида акс эттириларди.

Бюджетдан молиялаш - бу давлат корхонаси томонидан қз фаолиятини кенгайтириш учун ққшимча равишда оладиган маблағлар манбаидир. Бюджетдан молиялаш тартибидаги маблағлар давлат корхоналарига янги меҳнат воситаларини сотиб олиш (капитал қўйилмаларни молияшлаш) ёки моддий бойликлар захираси ва пул маблағларини ошириш) айланма маблағларнинг қсиши ва тқлдирилишини молияшлар ҳамда бошқа эҳтиёжларга - болалар ва маданий - маориф муассасаларини сақлаш, илмий - тадқиқот ишларини бажариш, кадрлар тайёрлаш ва бошқалар (мақсадли молиялаш) учун берилади.

Қарзга олинган (жалб қилинган) маблағлар корхонага вақтинчалик фойдаланиш учун маълум бир вақтга, маълум шартлар асосида берилади ва унинг муддати тугагандан кейин улар қз эгаларига қайтарилиши лозим. Уларнинг манбаи узоқ муддатли кредитлар ва қарзга олинган маблағлар, қисқа муддатли кредиторлик қарз ва тақсимотга доир мажбуриятлар ҳисобланади.

Кредитлар ва жалб қилинган маблағларга банкларнинг қисқа муддали ва узоқ муддатлари ҳамда юридик, жисмоний шахслардан қарзга олинган маблағлари киради. Қисқа муддатли банк кредитлари ва қарзга олинган маблағлар корхонанинг вақтинчалик эҳтиёжлари учун ққшимча маблағларнинг асосий манбаи ҳисобланади. Бу товар - моддий бойликлар, йқлдаги ҳисоб-китоб ҳужжатлар ва бошқалар юзасидан олинган кредитлардир. Улар қисқа муддатли кредитлаш тартибида, яъни унча узоқ бўлмаган муддатга (бир йилгача), шу муддатнинг қтиши билан уларни банкка албатта қайтариш шarti билан берилади.

Узоқ муддатли банк кредитлари ва қарзлари корхонага вақтинчалик истеъмоли узоқ муддатли маблағлари (асосий воситалар ва ҳ.к.)га учун, лекин узоқроқ бўлган муддатга олинадиган ққшимча маблағлар манбаини кқрсатади. Бундай кредитлар, янги техникани жорий этиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва ишлаб чиқариш технологиясини яхшилаш; янги маҳсулотни ишлаб чиқаришни ташкил этиш тадбирларига, буюмларнинг сифатини, ишончилигини ва чидамлилигини кқтариш; қз маблағлари ҳисобидан молиялаш қрнига капитал сарфларга ва бошқа эҳтиёжларга харажатлар қилиш учун берилади.

Узоқ муддатли кредитлар ва қарзга олинган маблағлар ҳам муддатли ва қайтариладиган хусусиятларга эга бўлиб, бир неча йилга берилади.

Шундай қилиб, қисқа муддатли ва узоқ муддатли кредитлар ҳамда қарзга олинган маблағлар учун умумийлик - уларнинг муддати ва қайтарилиши ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётида банк кредитлари ва қарзга олинган маблағлар корхоналар томонидан бошқа ташкилотлардан вақтинчалик эҳтиёжлари учун ққшимча маблағлар олишнинг муҳим манбаидир.

Кредиторлик қарзларининг гуруҳи - мол етказиб берувчилар ва бошқа кредиторларга бўлган қарзларни қз ичига олади.

Мол етказиб берувчилар деб, корхонага моддий бойликларни сотадиган ташкилотларга айтилади. Моддий бойликлар бўйича қилинадиган ҳисоб - китоб тизимига биноан, бойликларни олиш вақти билан уларга ҳақ тқланиши қртасида бирқанча вақт қтади. Шу давр давомида мазкур корхона қзларининг мол етказиб берувчилари олдида қарздор бўлиб қоладилар. Натижада мол етказиб берувчиларга бўлган қарз ушбу корхона маблағлари учун вақтинчалик ққшимча манбага айланади.

Бошқа кредиторлар - корхонага бошқа (товарсиз) муомалалар бўйича қарздор бўлган ташкилотлар (ёки шахслар) киради. Уларга ижтимоий суғурта органларига, пенсия, иш билан таъминлаш жамғармаларига ва ҳоказоларга қарзлар, бошқа ҳисоб-китоблар киради. Булар - ишчи ва хизматчиларга уларнинг қз (индивидуал) эҳтиёжлари учун берилган ссудалар бўйича, суд органларининг қарори асосида ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақларидан ҳар хил ташкилот ва айрим шахслар фойдасига ушлаб қолинган суммалар бўйича, ишчи ва хизматчилар томонидан қз вақтида талаб қилиб олинмаган иш ҳақлари бўйича корхонанинг қарзларидир.

Мол етказиб берувчиларга ва бошқа кредиторларга бўлган қарзларнинг хусусияти шундан иборатки, олинадиган маблағлар корхонанинг бизнес-режасида назарда тутилмайди ва корхона уларни жуда чекланган муддатга олади.

Тақсимотга доир мажбуриятлар гуруҳига ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи бўйича, касаба уюшмаси ташкилотларига ижтимоий суғурта ажратмалари бўйича, пенсия, иш билан таъминлаш фонди ва молия органларига - бюджетга тқловлар бўйича мажбуриятлар киради. Жалб қилинган маблағларнинг бу гуруҳи миллий даромадни тақсимлашнинг баъзи шакллари акс эттиради.

Жумладан, ишчи ва хизматчилар олдидаги мажбуриятлар корхонада яратилган зарурий маҳсулотни тақсимлашнинг шаклини англатади. Гап шундаки, қабул қилинган қоидага кқра ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи уларнинг корхонада ишлаган даври тугаб, бир неча кун қтгандан кейин берилади. Масалан бу давр бизда - бир ой, АҚШ да эса - бир ҳафта. Шундай қилиб, корхонанинг ихтиёрида маълум муддат давомида ҳисоблаб ққйилган, лекин ҳали берилмаган иш ҳақига тқғри келадинан маблағлар сақланиб қолади. Шу муносабат билан, унинг доимо ишчи ва хизматчилар олдида иш ҳақини беришда узиладиган мажбуриятлари юзага келиб туради.

Ижтимоий суғурта, пенсия фонди ва иш билан таъминлаш фонди бўйича мажбуриятлар ққшимча маҳсулотнинг тақсимланишини акс эттиради. Корхоналар ҳар ойда ижтимоий суғуртага, пенсия, иш билан таъминлаш фондига ажратмалар қилади ва ҳисобланган суммаларни тегишли бюджетдан ташқари фондларга қтказишади. Бу маблағлар қтказилишига қадар улар корхона ихтиёрида бўлади. Шу муносабат билан унинг яна тегишли суммаларни қтказиш бўйича доимо мажбуриятлари пайдо бўлиб туради.

Молия ташкилотлари олдидаги мажбуриятлар ҳам ққшимча маҳсулотни тақсимлашни тавсифлайди. Корхоналар вақти-вақти билан белгиланган тқловларни давлат даромадига топшириб туради (ққшилган қиймат солиғи, фойдадан ажратмалар). Демак уларда маълум муддатларда молия органлари олдида шу тқловларни қтказишга доир мажбуриятлари пайдо бўлиб туради. Шу тқловлар бўйича суммаларни ҳисоблаш дақиқасидан, тқлаш давригача улар корхона ихтиёрида бўлади.

Тақсимот бўйича мажбуриятларнинг умумийлиги шундан иборатки, бу манбалардан маблағлар четдан олиш йқли билан эмас, балки ҳисоблаш йқли билан ҳосил қилинади.

Ялпи (маржинал) даромад - бу корхонада олинган соф даромаднинг бир қисмидир. Маълумки, ялпи фойда амалда сотилган маҳсулот қиймати ва ишлаб чиқаришга кетган ҳаражатлар қртасидаги фарқ сифатида намоён бўлади. У марказлаштирилган давлат соф даромади ва корхона соф даромадига бўлинади. Марказлаштирилган давлат соф даромади ққшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва фойдадан ажратмалардан ҳосил бўлади. Ққшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи корхона маҳсулотининг реализацияси жараёнида қатъий меъёрлар бўйича ундирилади, фойдадан ажратмалар корхона томонидан уни тақсимлаш пайтида давлат бюджетига киритилади. Фойданинг бошқа қисми корхонанинг ихтиёрида қолдирилади ва давр ҳаражатлари, молиявий фаолиятдан талофотлар, дивидендларни тқлаш ва бошқа эҳтиёжлар ҳаражатларини қоплаш учун ишлатилади. Шундай қилиб, корхона томонидан олинган ялпи фойда икки томонлама йқналишга эга: унинг бир қисми давлат даромадига ажратилади, бошқа қисми эса корхона ихтиёрида қолдирилади. Шунинг учун уни тақсимланишига қадар қз маблағлари ёки жалб қилинган маблағлар манбаига киритиш мумкин эмас ва шу сабабдан у алоҳида гуруҳга ажратилади.

Корхона фойда (даромад) ёки зарарни яратилган маҳсулот (бажарилган иш, ққрсатилган хизматлар) реализациясидан, ортиқча моддий бойликларни сотишдан, молиявий фаолиятдан, жарималар ва пенялар ққринишида, валюта операциялари ва қимматли қоғозлар бўйича муомалалар бўйича ва бошқалардан олади.

Бухгалтерия ҳисоби мазкур корхона ва унинг ҳқжалик бўлинмалари эга бўлган маблағлари ва улардан фойдаланишнинг самарадорлиги керакли ахборот билан таъминлаган ҳолда, уларнинг самарасини оширишга ёрдам бериши керак.



2-чизма. Маблағлар манбалари таркиби.

1.3. Бухгалтерия ҳисобининг усули ва унинг элементлари

Бухгалтерия ҳисобидаи ўз усули билан таърифланади. Ҳисоб юритиш тартибини белгилаб берувчи таркибий қисм сифатида бухгалтерия ҳисобига хос бўлган қуйидаги усуллар маълум:

1. Ҳужжатлаштириш;
2. Инвестиция;
3. Баҳолаш;
4. Калькуляция;
5. Бухгалтерия ҳисоби счетлари;
6. Иккиёқлама ёзув;
7. Бухгалтерия баланси;
8. Ҳисобот.

Бу тушунчалар бухгалтерия ҳисоби усул элементлари дейилади.

Бухгалтерия ҳисобида содир бўладиган барча ҳқжалик жараёнлари, унинг ихтиёридаги барча маблағларни акс эттирувчи ахборотлар шаклланади. Ҳар хил жараёнларда содир бўладиган муомалалар сони ҳамда корхона ихтиёрида жойлашган маблағлар тури ва манбалари жуда ккпдир. Ҳар бир ҳқжалик муомаласи ва маблағлар ҳамда манбалар тури устидан зарурий бошқарув ахборотини умуллаштириш, шакллантиришни ҳужжатлаштириш ёрдамида кузатиб борилади.

Ҳужжатлаштириш бухгалтерия ҳисобининг объектлари (унинг предметининг таркибий унсурлари) устидан ёппасига ва узлуксиз кузатишни амалга ошириш имконини берадиган дастлабки акс эттириш усулидир. Бунинг учун ҳар бир алоҳида муомала учун ёки уларнинг бир турдаги гуруҳи учун дастлабки ҳисоб ахборотини муайян моддий ташувчиси тузилади. Унда амалга оширилган муомаланинг мазмуни қайд этилади.

Ҳужжатлаштириш ёрдамида содир бўлаётган ҳқжалик муомалалари ҳақида мукамал маълумотлар олинади. Бу маълумотлар уларни кейинчалик иқтисодий жиҳатдан гуруҳлаш ва умумлаштириш учун асос бўлиб ҳисобланади. Юридик талабларга риоя қилинган ҳолда ҳужжатлардан фойдаланиш бухгалтерия ҳисобининг маълумотларига исботловчи куч бағишлайди.

Лекин, ҳқжалик жараёнида бўлиб қтаётган барча ҳодисаларни ҳам ҳужжатлаштириш ёрдамида қайд қилиб бўлавермайди. Жумладан, табиий йққолиш, маблағларни қабул қилиш ва топшириш пайтидаги ноаниқликлар, ҳисобдаги хатолар ва қолаверса қғирликлар тегишли қийматликларнинг ҳақиқий миқдорини дастлабки ахборотни ташувчилар ва ҳисобда акс эттирилганларидан четга оғишига олиб келади. Бундай ҳодисаларнинг расмийлаштириш, улар содир бўлаётганда эмас, балки маълум бўлгандагина мумкин бўлади. Дастлабки ахборот ташувчилар томонидан қайд қилинмай қолган ҳодисалар, ҳужжатлаштиришга зарурий ққшимчалар қайта рқйхатга олиш (инвентаризация) ёрдамида аниқланади. Унинг маълумотлари юқорида

келтирилган у ёки бошқа сабабларга кўра қз вақтида ҳисобга олинмай қолган ҳисоб кўрсаткичларини ҳақиқатдагига мувофиқлаштириш учун хизмат қилади.

Шундай қилиб, ҳужжатлаштириш ва рқйхатга олиш бухгалтерия ҳисобининг объектларини дастлабки кузатиш амалга ошириш учун қўлланилади. Улардан фойдаланиш - мулкнинг бут сақланиши устидан назорат қилиш имконини беради. Ҳужжатлаштириш ва рқйхатга олишнинг маълумотлари моддий-жавобгар шахсларнинг хатти-ҳаракатлари, амалга оширилаётган муомалаларнинг қонунийлиги, маблағларнинг тўғри сақланиши, улардан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиш ва шу кабилар устидан кузатиш имконини беради.

Юқорида таъкидланганидек, ҳқжалик муомалалари ва маблағлар жуда турли-тумандир. Лекин, бухгалтерия ҳисоби улар ҳақида йиғма (умумлаштирилган) кўрсаткичларни бериши керак. Бу, йиғиладиган маълумотлар қлчагичларида ифодаланилади. Бунинг учун бухгалтерия ҳисобида баҳолаш усули қўлланилади. **Баҳолаш** ёрдамида натура ва меҳнат кўрсаткичларини пул кўрсаткичларига айлантирилади.

Ҳқжалик жараёнини бошқариш учун уни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган барча чиқимларни ҳисоблаб чиқиш, ҳар бир жараёнда ишлатилган ҳам жонли, ҳам моддийлаштирилган меҳнатни ҳисоблаб чиқиш керак. Бунда ҳар бир чиқим турининг миқдоринигина эмас, балки аниқ бўлган, уларнинг объектига тегишли бўлган умумий суммасини топиш, яъни ҳисобга олинаётган маҳсулотларнинг таннархини аниқлаб топиш лозим бўлади. Маҳсулот таннархи - ишлаб чиқариш ҳаражатларининг миқдори устидан назорат қилиш учун қўлланиладиган калькуляция ёрдамида ҳисоблаб топилади. У объектларнинг ҳақиқий таннархини аниқлаш имконини беради.

Шундай қилиб, **калькуляция** бухгалтерия ҳисоби объектларини қийматли қлчаш учун хизмат қилади. Уларнинг қўлланилиши тижорат ҳисоб-китобини мустаҳкамлаш учун катта аҳамият касб этади. Маълумки, тижорат ҳисоб-китобига риоя қилиш корхона ҳаражатлари билан унинг фаолият натижалари кртасидаги мувофиқликни талаб қилади. Ҳаражатлар билан натижаларни солиштириш ҳақиқий таннарх калькуляцияси маълумотларига асосланадиган пулдаги ифодалаш йқли билан эришилади.

Бухгалтерия ҳисобининг объектлари таркибидаги ва функцияларидаги фарқланишлар уларнинг устидан алоҳида гуруҳлар бўйича, масалан, меҳнат воситалари, меҳнат буюмлари, пул маблағлари ва ҳоказоларни кузатиш зарурлигини тақазо этади. Ундан ташқари, ушбу гуруҳларнинг ичида маблағларнинг алоҳида турлари ва уларнинг жойлашган жойлари бўйича ташкил қилиш керак бўлади. Демак, ҳисоб билан алоҳида ажратилган ҳар бир меҳнат воситасининг тури - бинолар, машиналар, ускуналар ва ҳоказо; меҳнат буюмлари - асосий ва ёрдамчи материаллар, ёқилғи, ярим тайёр маҳсулот ва бошқалар; пул маблағлари уларнинг жойлашган жойлари бўйича ҳисоб-китоб, валюта ва банкдаги бошқа счётлар, корхонанинг кассасида ва шу кабилар қамраб олинган бўлиши керак. Шу билан бирга бундай гуруҳлаш қўпинча камлик қилиб қолади. Масалан, меҳнат буюмларининг ҳар хил турлари

устидан, айтайлик асосий материаллар устидан, кузатиш уларнинг ҳар бир тури, сорти, катта-кичиклиги ва ҳоказолар тўғрисида маълумотлар олишни талаб қилади. Шунга қўшаш гуруҳлаш бухгалтерия ҳисобида маблағлар манбалари ва ҳқжалик жараёнлари бўйича ҳам амалга оширилади.

Ҳқжалик маблағлари ва ҳқжалик муомалаларини акс эттиришда, уларни бошқариш учун зарур бўлган маълумотларни олишда, бухгалтерия ҳисоби объектларини иқтисодий жиҳатдан гуруҳлашда счётлардан фойдаланилади.

Ахборотни дастлабки ташувчилардаги маълумотлар ҳисоб объектларига фақат тарқоқ бўлган тавсиф беради, шу сабабли счётларга эҳтиёж туғилади. Бу маълумотларни умумлаштирган ҳолда гуруҳлаш ва суммалаштириш лозим бўлади. Бундай функцияни бухгалтерия ҳисобида счётлар бажаради.

Ҳқжалик муомалаларини бухгалтерия счётларида акс эттириш иккиёқлама ёзув воситасида амалга оширилади. **Иккиёқлама ёзувнинг** моҳияти ҳар бир ҳқжалик муомаласи натижасида юзага келадиган икки ҳодисани қзаро бўлган ҳолда акс эттиришдан иборат. Масалан, материалларни харид қилиш муомаласини қайд эта туриб, сотиб олинган қийматликларнинг келиши (тайёрланиши) ва мол етказиб берувчиларга тўланган пул маблағларининг сарфланиши (қарзнинг юзага келиши) кўрсаткичлари қзаро бўлганида ёки маҳсулот тайёрлашга материаллар сарфлашни акс эттири туриб, қзаро бўлганликда ишлаб чиқариш чиқимларининг ошиши ва корхона омборидаги материалларнинг камайиши кўрсатилади. Муомалаларни бундай усул билан ёзиш уларнинг иқтисодий мазмунини очиқ беради ва ҳқжалик фаолиятини чуқурроқ қрганишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, счётлар ва иккиёқлама ёзув бухгалтерия ҳисоби объектлари тўғрисидаги маълумотларни жорий гуруҳлаш мақсадида қўлланилади. Улар ёрдамида корхонани тезкор бошқариш, моддий жавобгар шахслар мулкларининг бут сақланиши устидан назорат амалга оширилади. Улар ҳқжалик фаолиятининг йиғма кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш учун зарур бўлган маълумотларни аста-секин жамғариш ва тартибга солиш (системалаш) имконини беради.

Бухгалтерия ҳисоби, аниқ объектларнинг кенг бўлган таркиби корхона ҳқжалик маблағларини доимий қўздан кечириш зарурлигини тақозо этади. Бунинг учун ҳқжалик маблағларини икки хилга, яъни уларнинг турлари ва жойлашиши ҳамда ташкил топиш манбалари ва қандай мақсадга мўлжалланганлигига қараб, кўрсатадиган бухгалтерия баланси хизмат қилади. Ҳқжалик маблағларини акс эттиришнинг бундай тартиби уларнинг барча йиғиндисини қзаро бўлган ҳолда қўриш имконини беради ва корхонанинг улар билан таъминланганлигини таҳлил қилишни енгиллаштиради.

Ҳқжалик жараёнларини вақти-вақти билан қўздан кечириш бухгалтерия ҳисобида уларни тавсифловчи кўрсаткичлар устидан кузатиш йқли билан амалга оширилади. Бундай кўрсаткичлар ҳқжалик фаолиятининг барча асосий участкалари бўйича белгиланади. Бу - ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми, фойда ва рентабеллик, таннарх ва бошқалардир. Буларнинг ҳаммаси ҳисоб маълумотлари асосида бюджетнинг бажарилишининг йиғма тизимини

ифодаловчи ҳисоботда акс эттирилади. Ҳисобот - ҳисоб-китобларнинг илмий асосланган тизими ёрдамида тузилади. У ҳисоблаб чиқариладиган кўрсаткичларнинг тўғрилигини ва уларнинг қтган даврдаги худди шундай кўрсаткичлари билан ҳамда корxonанинг молиявий аҳволини баҳолаш мақсадида бошқа корxonаларнинг худди шундай кўрсаткичлари билан солиштириш мумкинлигини таъминлайди.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, баланс ва ҳисобот бухгалтерия ҳисоби маълумотларини яқунловчи умумлаштириш усули ҳисобланади десак бўлади. Бу усуллардан фойдаланиш бухгалтерия ҳисобининг муҳим вазифалари ҳисобланган корхона ва унинг таркибий бўлинмаларини бошқариш, корxonанинг молиявий аҳволини баҳолаш каби муҳим бўлган вазифаларни ечишни таъминлайди. Корхонада тезкор бошқариш ҳужжатлар ва сўётлар маълумотлари бўйича ҳар куни амалга оширилади, лекин у узоқроқ бўлган муддатдаги корxonалар ишини чуқур таҳлил қилиш имконини бермайди. Ҳўжалик фаолияти натижаларини узоқ бўлган вақтлар учун ҳар томонлана ва мукамал таҳлил қилишни фақат баланс ва ҳисобот ёрдамига амалга ошириш мумкин.

Шу билан бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган усуллар моҳиятини кўриб чиқишга яқун ясаймиз. Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисобининг усули (методи) қўйидаги усул(элемент)лардан иборат экан: ҳужжатлаштириш ва йўқлама қилиш (инвентаризация), баҳолаш ва калькуляция, сўётлар ва иккиёқлама ёзув, баланс ва ҳисобот.

Бу усуллардан баъзи бирлари ҳўжалик ҳисобининг бошқа турларида ҳам кенг қўлланилади. Буларда кенг миқёсда ҳужжатлаштириш, баҳолаш, калькуляция, ҳисобот ва маълум даражада баланс (балансли усул) қўлланилади. Масалан, статистикада баланссли усулдан - меҳнат балансини, турли моддий ресурсларнинг балансини тузиш учун фойдаланилади ва ҳоказо.

Бухгалтерия ҳисобининг амалиётида барча усуллар ажралган ҳолда эмас, балки ягона бутунликнинг бир қисми сифатида қўйидаги кетма - кетликда қўлланилади. Ҳужжатлаштиришдан - ҳўжалик муомалалари ҳақида дастлабки маълумотларни олиш учун фойдаланилади. Маълумотларни ҳужжатлаштириш асосида ҳўжалик фаолиятини бухгалтерия ҳисобида навбатдаги акс эттириш амалга оширилади. Ҳужжатлардан маълумотлар албатта умумлаштирилган пул қўлагичида ифодаланади. Бунинг учун натура ва меҳнат кўрсаткичларидан пул кўрсаткичларига қўказиш имконини берадиган баҳолаш хизмат қилади.

Ҳужжатларда қайд этилган бухгалтерия ҳисоби объектлари тўғрисидаги маълумотлар иқтисодий жиҳатдан гуруҳланади ва суммалаштирилади, бунинг учун эса сўётлар ва иккиёқлама ёзувдан фойдаланилади. Сўётларда олинadиган кўрсаткичлар иккиёқлама ёзув ёрдамида қзаро бўланади. Сўётларда келтирилган маълумотлар йўқлама қилиш жараёнида текширилади ва аниқланади. Текширилган маълумотлар асосида у ёки бошқа объектга тегишли бўлган чиқимлар ҳисоблаб чиқилади, яъни уларнинг таннаҳри ҳисоблаб чиқилади - калькуляция тузилади.

Шунда тезда жорий бухгалтерия ҳисоби юритилади ҳамда корхона ва унинг таркибий бўлиmlарининг фаолияти бошқарилади. Бухгалтерия ҳисоби объектларини жорий акс эттириш маблағларнинг турлари ва уларнинг манбалари синов (пробный) балансида солиштириш билан назорат қилинади ва ички ҳисобот ёрдамида жорий маълумотларни вақти-вақти билан йиғиб яқунланади.

Бухгалтерия ҳисоби усулининг турли унсурлари билан бирга олиб бориш ва улардан амалий фойдаланиш мана шулардан иборат. Усулнинг унсурлари бир бировлари билан чамбарас боғлиқ бўлиб, уларнинг ҳар бири олдингиларидан фойдаланади ёки қзлари кейингиларига маълумотлар беради. Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисобининг усули - бу ҳқжалик маблағлари ва жараёнларини бошқариш учун ахборотни шакллантириш усулларининг йиғиндисидир.

Бухгалтерия ҳисобининг усули қатор усуллардан кенг фойдаланиш билан тавсифланади ва уларнинг ҳар бири маълум мақсадларга хизмат қилиб, биргаликда ягона тизимни ҳосил қилади. Бухгалтерия объектлари унда ёппасига ва узлуксиз қз аксини топади. Бухгалтерия ҳисобининг усули ҳисобга олинаётган объектларни қзаро боғланган ҳолда акс эттириш имконини беради ва шу билан айрим ҳодисалар қртасидаги сабабли боғлиқликни юзага чиқаради. Ҳқжалик ҳодисалари бухгалтерия ҳисобида реал маълумотлар асосида кқрсатилади ва шу билан унинг объективлиги таъминланади.

Бухгалтерия ҳисобининг усули ҳқжалик ҳаётининг барча ҳодисалари, ҳқжалик фаолияти жараёнида содир бўлаётган барча кқп сонли муомалаларни кузатиш имконини берибгина қолмай, ундан ташқари, илмий асосланган бошқарув ечимларини ишлаб чиқиш учун катта аҳамиятга эга бўлган маълумотларни иқтисодий жиҳатдан умумлаштириш имкониятини ҳам яратади.

Бухгалтерия ҳисоби усулидан фойдаланишнинг бош мақсади ҳқжалик фаолиятини бошқаришни амалга ошириш учун талаб қилинадиган кқрсаткичларни ҳисоблаб чиқишдан иборат.

Юқорида ёзилганларга асосланиб бухгалтерия ҳисоби усулининг моҳиятини қуйидагича таърифлаш мумкин.

Бухгалтерия ҳисобининг усули - бухгалтерия ҳисоби объектларини ҳқжалик фаолиятини бошқаришни амалга ошириш мақсадида ёппасига, узлуксиз, қзаро боғланган ва объектив акс эттиришни таъминлайдиган усуллар тизимидан иборат.

Ўз ўзини текшириш учун саволлар:

1. Бухгалтерия ҳисоби предмети деганда нимани тушунасиз?
2. Бухгалтерия ҳисоби предмети мазмуни нима билан белиланади?
3. Бухгалтерия ҳисобининг объектлари деганда нимани тушунасиз?
4. Хқжалик жараёнлари қз ичига қайси боскичларни қамраб олади?
5. Таъминот доираси (сфераси) деб нимни тушунасиз?
6. Ишлаб чиқариш жараёни билан сотиш жараёнини фарқи нимада?
7. Бухгалтерия ҳисобида ққлланиладиган усулларни санаб чиқинг?
8. Бухгалтерия ҳисобининг усули билан услуги (методологияси)ни вазифалари нимадан иборат?
9. Хужжатлаштириш нима учун зарур?
10. Инвентаризациянинг моҳияти нимада?
11. Бухгалтерия ҳисобида баҳолаш нима учун зарур?
12. Бухгалтерия ҳисобини счётларсиз юритса бқладими?
13. Икки ёқлама ёзувнинг моҳияти нимада?
14. Баланс ва ҳиобот тузмаса бўладими?

Таянч сўз ва Иборалар:

2-БОБ. БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ ВА УНИНГ ТУЗИЛИШИ

2.1 Баланс тўғрисида тушунча

Хўжалик субъектларини бошқариш учун энг аввало улардаги маблағлар ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш керак. Шу билан бирга улар, маблағларнинг қандай турларига эга ва бу маблағлар қандай манбаалардан ташкил топганлигини билиш керак бўлади. Бундай маълумотлар умумлаштирилган ҳолда пул кўрсаткичларида маълум бир санага берилиши керак. Маблағлар таркиби ва қандай мақсадларга мўлжалланганлигини қрганиш учун уларни иқтисодий жиҳатдан гуруҳлаш зарур. Мана шу маълумотлар бухгалтерия баланси ёрдамида олинади.

Бухгалтерия баланси ҳўжалик маблағларини уларнинг турлари ва ташкил топиш манбаалари бўйича муайян бир даврга пулда ифодаланиб умумлаштириб акс эттириш, иқтисодий гуруҳлаш усулидир.

Маблағлар турлари ва уларнинг манбааларини ажратиб кўрсатиш мақсадида Қзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 7 февралда 30-сонли буйруғи билан қабул қилинган баланс икки қисмдан иборат бўлган жадвал шаклида тузилган. Унинг чап томонида маблағлар турлари ва уларнинг жойланиши келтирилади ва у актив қисм деб номланади, пассив қисм деб номланадиган қнг томонида маблағлар манбалари ва уларнинг қандай мақсадларга аталганлиги кўрсатилади.

«Актив» атамаси лотинча - фаолиятли, амал қилиш, мавжуд бўлиш деган сўзлардан келиб чиққан. Шундан келиб чиқиб, актив деганда маблағлар қандай амал қилаётганлигини, ишлаётганлигини кўрсатувчи маблағлар гуруҳланишини тушуниш керак.

Активлар – бу олдинги амалга оширилган муаммоларни ёки олдин содир бўлган воқеалар натижасида корхонага келиб тушган, ва улардан фойдаланиш келажакда фойда келтирадиган иқтисодий ресурслардир.

Активлар уч хил хусусиятга эга бўлиши керак:

а) келажакдаги иқтисодий нафни қзида мужассамланиши, бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентларини ққпайтириш имконияти;

б) бу иқтисодий нафларни назорат қилиш қобилиятини мужассамлаш;

в) олдинги битимлар ёки бошқа воқеаларнинг натижаси бўлиши.

«Пассив» атамасининг илдизи ҳам лотинча - фаолсиз, холис (бетараф) турмоқ, тушунтириш каби сўзларнинг илдизидан олинган. Тарихан бу атама дастлаб фақат қарзга олинган маблағларга нисбатан, яъни учинчи шахслар олдидаги мажбуриятларга нисбатан ққлланар эди. Бу билан мулк эгаси қарзга олинган маблағларга бўлган муносабатда қзбошимчалик (бемалоллик)дан қзини тутиши кераклиги таъкидланган эди. Кейинчалик «пассив» атамаси манбааларнинг бошқа моддаларига ҳам тарқатилган бўлиб, фақат корхона

мажбуриятларини тавсифлабгина эмас, маблағлар турларини қандай мақсадларга мқлжалланганлигини ҳам тавсифлаш учун ишлатиладиган бўлди.

Манбааларнинг таркибий қисмини мажбуриятлар ташкил этади. Субъектнинг мажбуриятлари – бу олдинги амалга оширилган муаммоларни натижаси ёки келажакда қзида мужассамланган иқтисодий нафни чиқиб кетиши ёки янги мажбуриятларни вужудга келиши билан яқунланади.

Мажбуриятларни уч хил хусусиятга эга бўлиши керак:

а) активларни чиқиб кетиши ёки хизмат кўрсатиш йқли билан тқлашни вужудга келтирадиган мавжуд доимий мажбуриятни қзида мажассамлаштириши;

б) субъект учун мажбуриятни бажарилиши мажбурийлиги ва қарийиб муқаррарлиги;

в) олдинги битим ёки олдинги воқеалар натижаси бўлиши.

Унинг активда ҳам пассивда ҳам баланс моддалари икки бўлиб кўрсатилади:

Активда: I бўлим. Узоқ муддатли активлар, асосий воситалар.

II бўлим. Айланма активлар.

Пассивда: I бўлим. Қз маблағлари.

II бўлим. Мажбуриятлар.

Баланс кўрсаткичларидан қуйидаги иқтисодий кўрсаткичларни аниқлаб олиш мумкин.

Активлар айланма маблағ билан қз капитали йиғиндисига тенг.

Хқжалик юритувчи субъектнинг қз маблағлари активларидан мажбуриятларини айирганига тенг.

Актив ва пассивнинг ҳар бир унсури (элементи) маблағлар тури ёки уларнинг манбаи баланс моддаси деб аталади. Активда, масалан, қуйидаги моддалар келтирилади: «Асосий воситалар», «Тугалланмаган ишлаб чиқариш», «Тайёр маҳсулот», «Ҳисоб-китоб счёти» ва бошқалар; пассивда - «Устав капитали (фонди)», «Ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)», «Банк кредитлари», «Мол етказиб берувчилардан қарзлар» ва бошқа моддалар.

Бухгалтерия баланснинг хусусияти актив ва пассивлар пуллик яқунларининг тенглигидан иборат. Бу талаб ҳар қандай корхона баланси учун мажбурийдир. Бу талаб активда ҳам, пассивда ҳам маблағларнинг бир хил ҳажмда, фақат ҳар хил гуруҳланишда кўрсатилади: активда - турлари бўйича, пассивда - манбалари бўйича. Баланснинг номи ҳам шунга асосланган, чунки «баланс» сқзи тенглик, баробарликни англатади. Шунинг учун ҳам, баланс активи ва пассиви «баланс» сқзи билан белгиланади.

Баланс корхонанинг хқжалик маблағларини у ёки бошқа саналарга тавсифлаб, унинг қтган даврдаги барча фаолият натижасини қандай ҳолатга олиб келганлигини кўрсатади. Шундай қилиб, баланс корхона маблағларининг турлари ва уларнинг манбалари ҳақидаги муҳим ахборотга эга бўлган хқжалик юритиш субъектлари ишининг яқунлари тқғрисидаги ҳисоботдир десак бўлади.

2.2. Баланс тузилиши ва унинг таркиби

Баланс активида мазкур корхона ихтиёридаги маблағлар тури ва уларнинг маълум даврда айланишидаги жойланиши келтирилади.

«Асосий воситалар» дастлабки қиймат моддасида корхона ихтиёридаги меҳнат воситаларининг қийматини кўрсатади. Шунингдек, қайта тиклаш қиймати - эскириш ва асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати ва ҳоказоларни акс эттиради. «Номоддий активлар» корхона ихтиёридаги сезиларсиз активларнинг қийматини тавсифлайди. Навбатдаги «Амортизация» моддаси номоддий активларнинг дастлабки қиймати қанчага камайганини кўрсатади. «Қолдиқ қиймат» моддаси номоддий активларнинг амортизация суммасини айириб ташлангандан кейинги қолган қийматини акс эттиради.

«Ишлаб чиқариш заҳиралари» моддаси корхона ихтиёридаги «Хом ашё ва материаллар», «ғрамчи материаллар», «ғқилғи» ва омбордаги бошқа ишлаб чиқариш заҳираларининг қийматини умумий суммада акс эттиради. «Тугалланмаган ишлаб чиқариш» моддаси корхонанинг ҳар хил цехларида тайёрланиши ҳали охиригача етказилмаган буюмларга қилинган сарфлар суммаларини акс эттиради. «Тайёр маҳсулот» - бу мазкур корхонада тайёрланган ва сотиш учун мўлжалланган буюмлардир. «Касса» ва «Ҳисоб-китоб счети» моддаларида муайян дақиқада корхона ихтиёридаги пул маблағлари суммасини кўрсатилади. «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бқнақлар» ва «Бошқа дебиторлар билан» ва ҳоказо моддаларда эса бошқа корхоналарнинг ушбу корхонага ундан сотиб олинган маҳсулот учун («Харидорлар») ва бошқа операциялар бўйича («Бошқа дебиторлар») қарзидир.

Кўрииб турибдики, актив моддалари жуда аниқ бўлиб, уларнинг мазмуни кўп тушунтиришларни талаб қилмайди. Пассив моддалари эса бошқачадир. Бу моддалардан баъзиларининг моҳиятини уларнинг қандай мақсадга тайинлинишига қараб аниқлаб олиш ҳар доим осон бўлавермайди. Пассивдаги ҳар бир модданинг мазмунини аниқ кўз олдига келтириш учун пассив умуман нимани акс эттиришини яхши билиб олиш лозим. Юқорида айтилганидек, пассив активда кўрсатилган маблағларнинг корхона маблағларнинг манбаини акс эттиради.

Пассивнинг биринчи моддаси «Устав капитали (фонди)»дир. Унинг суммаси корхонанинг яратилиш пайтида шакллантирилган маблағлар миқдоридан иборат. Бунда корхонанинг қз маблағларини умумий суммаси кўрсатилади ва бу манбаадан берилган маблағларнинг қзи баланс активининг моддаларида аниқ гавдалантирилган бўлади.

«Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» моддасида (кредит сальдоси) корхонанинг фаолият кўрсатишининг бошидан бошлаб ҳисобот давригача бўлган вақт ичида жамғарилган (капиталлаштирилган) фойда суммаси акс эттиради.

«Узоқ муддатли кредитлар» моддасида корхонанинг банкка бўлган қарзи акс эттирилади. Бу моддада кўрсатилган сумма корхона томонидан олинган

узоқ муддатли банк кредитини акс эттириб, белгиланган даврда қайтарилиши керак. Мазкур модда корхона ихтиёрида ҳозирча бўлган (корхона томонидан банкдан олинган) пул маблағларининг миқдорини кўрсатади деб қйлаш нотқўри бўлади, чунки банк томонидан кредит кўринишида бериладиган пул маблағлари одатда корхонанинг ҳисоб-китоб счётига ёзиб қўйилади ёки мол етказиб берувчилардан бўлган қарзни узиш учун қтказилади. Демак, бу маблағ балансинг бошқа моддаларида акс эттирилади.

«Кредиторлар» моддасининг «Мол етказиб берувчилар ва муддатчилар» қаторида келтирилган сумма корхонанинг мол етказиб берувчилардан сотиб олинган ҳар хил моддий бойликлари учун бўлган қарзини кўрсатади.

«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар» моддасида корхонанинг ишчилар ва хизматчиларига ҳисобланган иш ҳақига доир мажбуриятлари акс эттирилади. Бошқача қилиб айтганда, бу модда корхона томонидан ишчи ва хизматчиларнинг бажарган ишлари учун тўланиши керак бўлган иш ҳақи суммаси қанча эканлигини кўрсатади.

«Бюджетга тўловлар бўйича қарз» моддаси корхонанинг бюджет олдидаги ундан ундириладиган ҳар хил солиқлар ва ажратмаларни тўлаш бўйича мажбуриятларининг суммасини, яъни молия органларига бўлган қарзнинг миқдорини акс эттиради. Тўланиши лозим бўлган сумма аниқланганидан кейин, корхона қз балансининг пассивида шу модда бўйича унинг суммасини кўрсатади.

Бухгалтерия баланси қуйидаги белгиларига қараб тасниланади:

1. Тузиш вақтига қараб:

- а) кириш баланси;
- б) жорий (даврий) баланс;
- в) тугатиш баланси;
- г) ажралиш баланси;
- д) ққшилиш баланси;
- ж) санация баланси.

2. Тузиш манбаларига қараб:

а) инвентар баланслари. Фақат инвентар (рқйхати) воситалари асосида тузилади; улар қисқартirilган варианты бўлиб ҳисобланади. Бундай баланслар мавжуд мулк асосида янги корхоналар вужудга келганда ёки ҳқжалик қз шаклини қзгартирганда (давлат корхоналари акционер жамиятларига айлантирилганда) талаб қилинади.

б) дафтар баланси – инвентаризация қтказиш йқли билан олдиндан текширилмасдан фақат дафтарлардаги ёзувлар асосида тузилади;

в) бош (генералний) баланс - ҳисоб ва инвентаризация маълумотларига асосан тузилади.

3. Ахборот ҳажми бўйича:

- а) якка баланс – фақат бир корхона ахборотини акс эттиради;
- б) йиғма баланс – барча корхоналар маблағларини умумий ҳолатини акс эттирувчи суммаларни механик ққшиш йқли билан тузилади;
- в) консолидаллашган баланс.

4. Фаолият характери бўйича:

а) асосий баланс – корхонанинг асосий фаолият тури ва уставига таъри келадиган баланс;

б) асосий бўлмаган баланс – корхонанинг бошқа фаолият турлари (ёрдамчи хўжаликлари, транспорт, турар жой-коммунал хўжалик ва ш.к.) бўйича тузиладиган баланс.

5. Мулк шакли бўйича:

а) давлат корхоналари баланси;

б) акционер жамиятлари баланси;

в) муниципал (шаҳар бошқармасига қарашли) баланси;

г) қўшма корхоналар, кичик ва хусусий корхоналар баланси.

6. Акс эттириш объекти бўйича:

а) юридик шахс бўлган корхонанинг мустақил баланси;

б) алоҳида баланс (филиаллар, цехлар, бўлинмалар баланси).

7. Тозаланиш усули бўйича:

а) брутто-баланс – бу барча тартибга солувчи моддаларни қў ичига олувчи баланс;

б) нетто-баланс – бу барча тартибга солувчи моддаларни чиқариб ташлаб тузилган баланс;

Бизнинг республикамизда нетто-баланс қўлланилади.

2.3. Хўжалик муомалаларининг балансга таъсири

Ҳар бир ҳқжалик юритувчи субъектда қз фаолиятини амалга ошириш жараёнида ққплаб ҳқжалик муомалалари содир бўлади. Барча хилма-хил ҳқжалик муомалаларининг сони икки мингга яқин бўлиши мумкин. 1972 йили профессор А.С. Сотиволдиев томонидан қзбек тилида чоп этилган (Тошкент - 1972) “Колхоз ва совхозларда асосий ишлаб чиқариш-молиявий муомалалари бўйича бухгалтерия балансидаги счётлар корреспонденцияси”да 1401 ҳқжалик муомалалари келтирилган. Агар ҳозирги вақтда ҳисобнинг янги объектлари (лизинг, номоддий активлар, инвестиция, вексел ва ш.к.) вужудга келганини инобатга олсак, мавжуд ҳқжалик муомалалари икки мингдан ҳам ққп бўлиши мумкин.

Бу ҳқжалик муомалаларининг ҳар бири содир бўлганда балансга таъсир қилиб, баланс моддалари суммаларини қзгартириб юборади. Лекин бу ҳқжалик муомалалари балансга фақат тқрт йқл билан таъсир этади.

Шундай ҳқжалик муомалалари борки, улар балансинг фақат активга таъсир этади. Бунда балансинг активда бир модда суммаси ққпайиб, иккинчи модда суммаси айни шу суммага камаяди, лекин балансинг умумий суммаси қзгармайди. Буни биринчи тип қзгариш деймиз.

1. Шундай ҳқжалик муомалалари содир бўладигани, улар балансинг фақат пассивга таъсир қилиб, пассивда бир модда суммаси ққпайиб, иккинчи модда суммаси айни шу суммага камаяди. Бунда ҳам балансинг умумий суммаси қзгармайди. Буни иккинчи тип қзгариш деймиз.

2. Шундай ҳқжалик муомалалари содир бўладигани, улар балансинг фақат пассивга таъсир қилиб, пассивда бир модда суммаси ққпайиб, иккинчи модда суммаси айни шу суммага камаяди. Бунда ҳам балансинг умумий суммаси қзгармайди.

3. Шундай ҳқжалик муомалалари содир бўладигани, улар балансинг активга ҳам пассивга ҳам таъсир этиб, улар суммасини ққпайтириб юборади.

4. Ва ниҳоят, шундай ҳқжалик муомалалари содир бўладигани, улар балансинг активга ҳам пассивга ҳам таъсир этиб, улар суммасини ққпайтириб юборади. Буни тқртинчи тур қзгариш деймиз.

Балансга таъсир қиладиган бундай қзгаришларни мисолларда келтирамиз.

Бухгалтерия баланси ҳисобот даврининг I - кунига тузилади. Ҳқжалик фаолиятини амалга оширишда ҳқжалик маблағлари таркиби ва ҳажми содир бўлаётган операциялар таъсирида узлуксиз қзгариб туради.

Бу қзгаришлар балансга албатта таъсир этади.

Фараз қилайлик, ҳисобот даврининг бошига корхона баланси қуйидагича бўлган:

БАЛАНС

Актив		Пассив	
Маблағлар тури ва уларнинг жойланиши	Сумма	Маблағлар манбаи ва уларнинг тайнланиши	Сумма
Асосий воситалар	350000	Устав фонди	400000
Хом ашё ва материаллар	100000	Фойда	30000
Касса	100	Банк кредитлари	20000
Ҳисоб-китоб счёти	49900	Мол етказиб берувчи	50000
ЖАМИ	500000	ЖАМИ	500000

Мисолни кқриб чиқаётганда корхона маблағлари хқжалик операцияларида қатнашаётганда, қзгармасдан қолмаслигига эътибор берамиз: улар янги хусусиятга эга бқладилар ёки бир шаклдан иккинчи шаклга қтадилар. Шунинг учун давр бошига кқрсатилган дастлабки ҳолати катта қзгаришларга дуч келади. Лекин бунда маблағлар турининг умумий суммаси билан уларнинг манбаларининг умумий суммаси кртасидаги тенглик ҳеч қачон бузилмайди.

Биринчи муомала. Кассадан корхона ходимларига ҳисобдорлик шартлари билан 60 сқм берилди. Пул берилгандан кейин «Касса» моддасидаги сумма 60 сқмга камаяди ва 40 (100-60) сқмни ташкил қилади. Шу билан бир вақтда пулларнинг ҳисобдорлик шартлари билан берилиши ҳисобдор шахснинг ушбу корхонага қарзининг пайдо бқлишига олиб келади.

Демак, баланс активида ҳисобдор шахснинг корхонага бқлган 60 сқмлик қарзи акс эттириладиган «Дебиторлар» моддаси пайдо бқлади. Бунда ушбу операция таъсир этган ҳар иккала баланс моддаси ҳам активидир. Мазкур ҳодисадан маблағлар активининг бир моддасидан иккинчисига қтишигина содир бқлади. Активнинг жами қзгармайди ва актив ҳамда пассив суммалар кртасидаги тенглик сақланиб қолади.

Биринчи муомаладан кейин баланс қуйидаги куринишга эга бқлади:

БАЛАНС

(биринчи муомаладан кейин)

Актив		Пассив	
Маблағлар тури ва уларнинг жойланиши	Сумма	Маблағлар манбаи ва улар қандай мақсадга аталганлиги	Сумма
Асосий воситалар	350000	Устав фонди	400000
Хом ашё ва материаллар	100000	Фойда	30000
Касса	40	Банк кредитлари	20000
Ҳисоб-китоб счёти	49900	Мол етказиб берувчи	50000
Дебиторлар (60)	60	-	-
ЖАМИ	500000	ЖАМИ	500000

Иккинчи муомала. Шунга қўшаган фақат баланснинг активига таъсир қиладиган муомалалар амалда қўллаб учрайди. Соф фойданинг бир қисми (10000 сўм) ҳисобидан корхона ишининг натижаларини яқунлашда қабул қилинган қарорга биноан даргумон қарзлар бўйича заҳира яратилган.

Мазкур муомала корхонанинг тақсимланмаган фойдасини 10000 сўмга камайтиради, лекин балансда қўнг модда пайдо бўлади: худди шу суммага даргумон қарзлар бўйича заҳира. Демак, энди фойда миқдори 20000 (30000-10000) сўмни заҳира фонди эса - 10000 сўмни ташкил қилади.

Иккинчи муомала натижасида фақат маблағлар манбаи қўзғаради. Бир манба (фойда)нинг камайтириши ҳисобига бошқа (заҳира фонди) пайдо бўлади. Бу операция фақат пассив ва контрактив моддаларга тегишлидир. Бунда пассивнинг жами суммаси қўзғармайди. Демак, актив ва пассив суммаларидаги тенглик ҳам бузилмайди.

Иккинчи муомаладан кейинги балансни тузамиз:

БАЛАНС

(иккинчи муомаладан кейин)

Актив		Пассив	
Маблағлар тури ва уларнинг жойланиши	Сумма	Маблағлар манбаи ва улар қандай мақсадга аталганлиги	Сумма
Асосий воситалар	350000	Устав фонди	400000
Хом ашё ва материаллар	100000	Заҳира фонди	10000
Касса	40	Фойда	20000
Ҳисоб-китоб счёти	49900	Банк кредитлари	20000
Дебиторлар	60	Мол етказиб берувчи	50000
ЖАМИ	500000	ЖАМИ	500000

Учинчи муомала. Бунга қўшаган муомалалар ҳам амалда қўллаб учрайди. Мол етказиб берувчилардан сотиб олинган 25000 сўмлик материаллар корхонага келиб тушди, лекин пули тўланмади.

Мазкур муомала, биринчидан, материалларнинг миқдорини қўпайтиришига олиб келади. Демак, баланснинг «Хом ашё ва материаллар» моддаси 25000 сўмга ошади. Иккинчидан, материаллар мол етказиб берувчилардан сотиб олиниб, пули ҳали тўланмагани учун, корхонанинг мол етказиб берувчилар олдида қарзи пайдо бўлади. Балансда бу «Мол етказиб берувчилар» моддаси бўйича акс этирилиб, унинг суммаси ҳам 25000 сўмга ошади ва 75000 сўмга тенг бўлади.

Балансда акс этирилиш тавсифи бўйича ушбу муомала олдингисидан фарқ қилади. У бир вақтнинг қўзида активга ҳам, пассивга ҳам тегишлидир. Лекин унинг активда ҳам, пассивда ҳам юзага келтирилган қўзғаришлари бир хил суммада ифодаланади ва бир томонга йқналтилгандир. Демак, актив ва

пассивнинг жами суммалари бир хилда қзгаради ва уларнинг қртасидаги тенглик сақланиб қолади.

Учинчи муомаладан кейин баланс қуйидагича бқлади:

БАЛАНС

(учинчи муомаладан кейин)

Актив		Пассив	
Маблағлар тури ва уларнинг жойланиши	Сумма	Маблағлар манбаи ва улар қандай мақсадга аталганлиги	Сумма
Асосий воситалар	350000	Устав фонди	400000
Хом ашё ва материаллар	125000	Заҳира фонди	10000
Касса	40	Фойда	20000
Ҳисоб-китоб счёти	49900	Банк кредитлари	20000
Дебиторлар	60	Мол етказиб берувчи	75000
ЖАМИ	525000	ЖАМИ	525000

Тқртинчи муомала. Бунга қхшаган муомалалр амалиётда кқп учрайди. Ҳисоб-китоб счётидан банкка кредит бқйича қарзни узиш учун 20000 сқм қтказилган.

Бу муомала ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларининг камайишига олиб келади ва бир вақтнинг қзида корхонанинг кредитлар бқйича қарзининг қисқаришига олиб келади. Демак, балансда «ҳисоб-китоб счёти» актив моддаси бқйича суммаси 29900 (49900 – 20000) сқмгача камаяди ва «Банк кредитлари» пассив моддаси бқйича 0 (20000 – 20000) гача камаяди, яъни бу модда пассив моддасидан чиқариб ташланади.

Тқртинчи муомала баланс яқунларини бир миқдордаги суммага камайишига олиб келади. Шунинг учун баланс активи ва пассиви яқуний суммалари қртасидаги тенглик бу муомаладан кейин ҳам сақланиб қолади.

Тқртинчи муомаладан кейин баланс қуйидаги кқринишга эга бқлади:

БАЛАНС

(тқртинчи муомаладан кейин)

Актив		Пассив	
Маблағлар тури ва уларнинг жойланиши	Сумма	Маблағлар манбаи ва улар қандай мақсадга аталганлиги	Сумма
Асосий воситалар	350000	Устав фонди	400000
Хом ашё ва материаллар	125000	Заҳира фонди	10000
Касса	40	Фойда	20000
Ҳисоб-китоб счёти	29900	Банк кредитлари	-
Дебиторлар	60	Мол етказиб берувчи	75000
ЖАМИ	505000	ЖАМИ	505000

Келтирилган тқртта муомалалар уларни балансда акс эттиришнинг содир бўлиши мумкин бўлган ҳодисаларни қз ичига олади (баланс қзгаришларининг типлари).

Бошида баланснинг фақат активига ёки пассивига таъсир қиладиган воқеалар (биринчи ва иккинчи муомалалар) кқрсатилган эди. Бунда балансда унинг активи ва пассивини қзгартирмайдиган суммаларнинг фақат қайта гуруҳлантирилиши бўлиб қтган эди. Бу баланс қзгаришларининг биринчи ва иккинчи типларидир. Бошқа операциялар баланснинг активига ҳам пассивига ҳам таъсир этади. Бунда ҳар иккала таъсир қилинадиган моддалар уларнинг ёки кқпайиши (учинчи муомала) ёки камайишини (тқртинчи муомала) юзага келтиради.

Баланс яқунлари тегишли тартибда кқпаяди ёки камаяди. Бу баланс қзгаришларининг учинчи ва тқртинчи турларидир.

Балансли қзгаришлар турларининг моҳиятини аниқлаш баланс хусусиятларини, яъни ҳар қандай муомала унинг албатта икки моддасига таъсир этишини ва ҳеч қачон актив билан пассив кртасидаги тенгликни бузмаслигини тушуниб олиш учун зарурдир. Муомалаларнинг иқтисодий мазмунини крганишга ушбу гуруҳлаш ҳеч қандай алоқаси йққ.

2.4. Ўзбекистондаги ва хориждаги корхоналарда тузилаётган баланслар ўртасидаги фарқлар

Ўзбекистон Республикаси билан чет эл мамлакатлари баланслари бир бировларидан фарқ қилади. Гарчи умумий ташқи кқринишидаги қўшашлик (уларнинг икки томонламалиги, қисмларининг бир хил номланиши ва ҳоказо) бўлган бўлса ҳам, бу фарқлар дастлаб олдинги тузумни ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари билан шартлангандир. Уларнинг қртасидаги бу фарқларни яхши тушуниб олиш учун АҚШнинг йирик компанияларидан бирининг балансини келтириб, уни юқорида келтирилган баланс билан солиштириб, уларнинг хусусиятларини аниқлаш мумкин.

КОМПАНИЯ БАЛАНСИ

20__ й. 31 декабрга

Актив	\$
Жорий активлар (айланма маблағлар)	10360
Касса	2000
<u>Қисқа муддатли инвестициялар</u>	8000
Олинадиган векселлар	35300
Товарлар	60400
Бқнак билан тқланган суғурта	6600
Магазин учун асбоб-ускуна	1060
Офис учун асбоб-ускуна	636
Айланма активлар жами	124356
<u>Инвестициялар</u>	
Келгусида ишлатиладиган ер	5000
<u>Ққчмас мулк, иморатлар ва асбоб-ускуналар</u>	
Ер	4500
Иморатлар	20650
Минус: ҳисобланган эскириш	<u>8640</u> 12010
Ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари	18400
Минус: ҳисобланган эскириш	<u>9450</u>
Офис учун асбоб-ускуна	9600
Минус: ҳисобланган эскириш	<u>5000</u> 4600
Ққчмас мулк, иморатлар ва асбоб-ускуналар жами	29600
<u>Номоддий активлар</u>	
Савдо маркалари	500
Активлар жами	<u>158916</u>

Пассив

<u>Қисқа муддатли кредиторлик қарз</u>	
Тқланадиган счётлар	25683
Берилган векселлар	15000
Иш ҳақи бқйича қарз	2000
Қисқа муддатли қарзлар бқйича жами	42683
<u>Узоқ муддатли кредиторлик қарзлар</u>	
Берилган гаров хатлар	<u>17800</u>
Пассивлар жами	<u>60483</u>

Капитал

Фред Шафернинг капитали	<u>98433</u>
Пассивлар ва капитал жами	<u>158916</u>

Биринчи навбатда шуни таъкидлаш лозимки, уларда қзларининг мазмунлари билан фарқ қиладиган қатор моддалар мавжуд. Масалан, ватанимиз баланси актив моддалари гуруҳланишининг тузилиши ресурсларнинг ноликвидлигига асосланган, шунинг учун аввал номоддий активлар ва уларнинг амортизацияси, асосий воситалар ва уларнинг эскириши, сқнгра ишлаб чиқариш заҳиралари ва чиқимлар ва фақат улардан кейин пул

маблағлари келтирилган. Чет эл мамлакатларининг балансида эса дастлаб пул маблағлари, кейин ишчи капитал ва сқнгида асосий воситалар ва номоддий активлар акс эттирилади. Маблағлар манбаининг муҳим моддаси ҳисобланган «Устав капитали» шу корхоналар маблағларининг асосий қисми фирманинг хусусий капитали ва мулк эгалари томонидан корхонага қўйилган маблағларнинг ҳажмини тавсифловчи фойда ҳисобидан ташкил топар эканлигини кўрсатади. Келтирилган балансида бундайлар корхонанинг акциядорлик капитали, акцияларни сотишдан олинган эмиссия даромадида келтирилган моддалар ҳамда бизнинг балансида битта модда билан акс эттириладиган тақсимланмаган фойдадан иборат. Ундан ташқари, бизнинг балансида «Бюджетдан молиялаш» моддаси кўзда тутилган. Чет эл корхоналаридаги корхоналар балансида давлат бюджетидан ажратилган маблағларни акс эттирувчи моддалар жуда кам учрайди, чунки у ерда давлат фақат унинг буюртмаларини бажарадиган хусусий корхоналаргагина маблағ ажратади. Чет эл корхоналарининг балансида шунингдек бизнинг балансларимизда кўзда тутилмаган моддалар мавжуд. Уларга, масалан, дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоб муомалаларининг алоҳида шаклини англатувчи «Олинадиган счётлар ва векселлар» ва «Тқланадиган счётлар ва векселлар» моддалари киради.

Бизнинг корхоналар баланслари чет эл корхоналари балансларидан шунингдек бир турдаги моддаларнинг ҳар хил салмоққа эга эканликлари билан ҳам фарқ қиладилар. Масалан, корхона кассасида белгиланган лимитдан ортиқ суммани, иш ҳақи бериш кунларидан ташқари, узоқ муддатда сақлаб туриш маън этилган, кўп суммалардаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари одатда кам учрайди. Чет эл корхоналари балансида бу моддаларнинг салмоғи бошқачадир. Бу корхоналар балансида «Нақд пуллар» моддасининг салмоғи анча каттадир. Бу эса акциядорлар ва кредиторларнинг корхонанинг молиявий мустаҳкамлигига бўлган ишончини сақлаб туриш имконини беради. Лекин бу корхоналар балансидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлар моддаси бўйича қолдиқлар бизнинг балансимиздагига қараганда жуда юқоридир, чунки у ерда тижоратли кредитлаш, яъни ҳқжалик ташкилотлари томонидан товарларни сотиш ва харид қилишда улар учун тқловлар муддатларини чқзиш йқлида фойдаланиш кенг тарқалган.

Қзларининг ҳажмларига кўра бошқа корхоналарга турли туман қўйилмаларни акс эттирадиган моддалар (активнинг 6 моддаси) кўпдир. «Қимматли қоғозлар» моддаси (актив моддаси) билан биргаликда улар ушбу корхонадаги бўш капиталнинг йқналишини кўрсатади. Қзларининг капиталларини бошқа корхоналарга, шу жумладан чет элдаги корхоналарга, қўйиш билан замонавий йирик корхоналар қзларининг маблағларини қўйиш объектларини кенгайтиришга ва маҳсулотни сотишнинг янги бозорларини тортиб олишга эришадилар.

Бизнинг ва чет эл корхоналарининг баланслари шунингдек маблағлар ва уларнинг манбалари турларининг ҳар хил батафсиллиги билан ҳам фарқ қилади. Масалан, чет эл корхоналари балансида иш ҳақи бўйича мажбуриятлар,

унча катта бқлмаган суммаларни бирлаштириш мақсадида солиқлар бқйича тқловлар ва бошқа муддатли мажбуриятлар билан (пассивнинг 3 моддаси) биргаликда кқрсатилади.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Баланс тушунчасини қандай ифодалайсиз?
2. Активлар деганда нимани тушунасиз?
3. Пассивлар деганда нимани тушунасиз ва уларнинг қандай хусусиятлари бор?
4. Баланснинг актив ва пассивларида қандай бқлимлар мавжуд?
5. Тузиладиган баланснинг қандай турларини биласиз?
6. Хқжалик муомалалари таъсирида баланснинг биринчи тур кзгаришларига учта мисол келтиринг.
7. Хқжалик муомалалари таъсирида баланснинг иккинчи тур кзгаришларига иккита мисол келтиринг.
8. Хқжалик муомалалари таъсирида баланснинг учинчи тур кзгаришларига учта мисол келтиринг.
9. Хқжалик муомалалари таъсирида баланснинг тқртинчи тур кзгаришларига учта мисол келтиринг.

Таянч сўз ва Иборалар:

3-БОБ СЧЁТ ТИЗИМИ ВА ИККИЁҚЛАМА ЁЗУВ

3.1. Счётлар тўғрисида тушунча ва уларнинг туркумланиши

Корхонанинг хўжалик муомалалари тегишли ахборот ташувчилар асосида счётларда акс этирилади ҳамда шу муомалалар таъсир қиладиган маблағлар мавжудлиги қайд этилади. Шундай қилиб, счётлар ёрдамида хўжалик маблағлари ва хўжалик муомалаларининг жорий этирилиши ва шу билан бир вақтда йиғма кўрсаткичларни олишни таъминловчи ҳисобнинг бир турдаги объектларини иқтисодий гуруҳлаш амалга оширилади. Ундан ташқари, счётлар хўжалик фаолиятининг бориши устидан тезкор назоратни юритиш имконини беради.

Демак, счётлар - бу хўжалик маблағлари ва хўжалик муомалаларини жорий акс этириш, иқтисодий гуруҳлаш ва тезкор назорат қилиш усули деб таърифласак бўлади. Счётларнинг кўриниши ҳисоб ёзувлар қилинадиган жадвалга қўшади.

Счётлардаги ёзувлар, ҳисобга олинаётган объектларнинг хусусиятига қараб ҳар хил қлчагичларда - натура, меҳнат ва пул қлчагичларида олиб борилади. Лекин маълумотларни натура ва меҳнат қлчагичларида ифодалаш билан бирга счётлардаги барча маълумотлар албатта пул қлчагичда ҳам кўрсатилади. Бу умумлаштирилган, якуний кўрсаткичларни олиш учун зарурдир.

Хўжалик маблағларини ҳаракати тегишли баланс моддаларини кўпайишига ёки камайишига олиб келади. Масалан, кассадаги нақд пулларни ҳаракати уларнинг ғазнага келиб тушиши («Касса» моддасининг кўпайиши) ёки ундан берилиши («Касса» моддасининг камайиши) билан тавсифланади; мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобларнинг ҳаракати - бу корхонанинг мол етказиб берувчиларга бўлган қарзнинг кўпайиши («Мол етказиб берувчилар» моддасининг қиши) ёки унинг узилиши «Мол етказиб берувчилар» моддасининг камайишига олиб келади.

Счётдаги умумий суммани ҳисоблаб чиқишни осонлаштириш учун маблағларни кўпайишини, уларнинг камайишидан алоҳида ажратиб кўрсатиш қулайроқ, шунинг учун счёт икки қисмга бўлинади: чап ва қнғ томонга. Унинг бири (чап томони) **дебет**, бошқаси (қнғ томони) **кредит** деб номланади.

Ҳисобнинг ҳар бир объекти ҳамда, маблағлар ва манбаларнинг ҳар бир тури учун алоҳида счётлар очилади. Дебет ва кредит бўйича ёзилган муомалалар суммаларининг жами айланма (оборот) деб номланади. Счётнинг бир томонида қайд этилган суммалар билан унинг бошқа томонида қўсатилган суммалар қртасидаги фарқ **қолдиқ** ёки **сальдо** деб номланади. Қолдиқлар дебети кредитидан ортиқми ёки аксинчами эканлигига қараб, дебетли ёки кредитли бўлиши мумкин. Янги қолдиқни аниқлаш учун аввал маблағларни кўпайганлигини кўрсатувчи айланма суммани бошланғич қолдиққа қўшилади, сқнгра унинг камайишини акс этирувчи айланма суммаси айириб ташланади. Агар қолдиқ бўлмаса, счёт ёпилган ҳисобланади.

Актив ва пассив счётларнинг таърифини келтирамиз.

Актив счётнинг таърифи

Д-т	К-т	Д-т	К-т	Д-т	К-т
Сб		Сб		Сб	
+	-	+	-	+	-
Ай.	Ай.	Ай.	Ай.	Ай.	Ай.
Со		Со		Со	

Сб - бошланғич сальдо

Ай. - даврдаги айланма

Со - охирги қолдиқ

$Со = Сб + Ай.д - Ай.к$

Ай. д - дебетлик айланма

Ай.к - кредитли айланма

Пассив счётнинг таърифи

Д-т	70	К-т	Д-т	68	К-т	Д-т	69	К-т
		Сб			Сб			Сб
-		+	-		+	-		+
Ай		Ай	Ай		Ай	Ай		Ай
		Со			Со			Со

$Со = Сб + Ай.к - Ай.д$

Маблағлар ва уларнинг манбалари қолдиқларининг қзғаришларини счётларда акс эттирилишинини (тархий шаклда) мисолларда кқриб чиқамиз.

1 - мисол. «Касса» моддаси корхонанинг нақд пулларини акс эттиради. Фараз қилайлик кассада 200 сқм бор. Хқжалик маблағлари балансинг активида кқрсатилганлиги боис, счётларда уларнинг қолдиқларини дебетга ёзиш тартиби қабул қилинган. Демак, 200 сқм қолдиқни «Касса» счётининг дебетиги ёзиш керак.

Фараз қилайлик, корхонада шундай муомалалар содир бқлганки, уларнинг натижасида кассага биринчи жараён бқйича 500 сқм, учинчи муомала бқйича 3000 сқм келиб тушган; кассада иккинчи муомала бқйича 600 сқм, ва тқртинчи жараён юзасидан 2800 сқм чиқиб кетган (сарфланган). Пулларнинг келиб тушиши (кқпайиши)ни «Касса» счётининг дебетига, уларнинг чиқиб кетиши

(камайиши)ни унинг қарама-қарши томонига - кредитига ёзиш керак. Бу, кассадаги маблағлар ҳаракатининг яқунларини ҳисоблаб чиқишда нақд пулларни келиб тушишини қолдиққа ққшиш, чиқиб кетишини эса айриш учун керак.

Шундай килиб, 500 ва 3000 сқм «Касса» счётининг дебетиға, 600 ва 2800 сқм унинг кредитига ёзилади.

Нақд пуллар ҳаракатини дебети ва кредити бқйича айланмалар суммаси ҳисоблаб чиқарилгандан кейин қолдиқни аниқлаймиз. У 300 сқмға тенг бқлади (200+3500-3400).

Тқртта муомала ёзилгандан кейин «Касса» счёти қуйидаги кқринишға эға бқлади:

Д-т		К-т	
Кассадаги нақд пулларнинг	200		
Бошланғич қолдиғи			
1) Кассаға нақд пул келиб тушди	500	2) Кассадан нақд пул сарфланди	600
3) Кассаға нақд пул келиб тушди	3000	3) Кассадан нақд пул сарфланди	2800
Келиб тушган - жами (айланма)	3500	Жами сарфланган (айланма)	3400
Кассадаги нақд пулнинг охирги қолдиғи	300		

Бу счётдаги охирги қолдиқ фақат дебетида бқлиши мумкин, чунки мавжуд бқлган нақд пулдан ортиқча сарфлаш мумкин эмас.

2 - мисол «Мол етказиб берувчи ва пудратчиларға тқланадиган счётлар» моддаси корхона маблағлари манбаини акс эттиради. Балансда унга ёзилган сумма - корхонанинг мол етказиб берувчиларға бқлган қарзи миқдорини кқрсатади. Бу модда бқйича қолдиқ 10000 сқмға тенг дейлик.

«Мол етказиб берувчи ва пудратчиларға тқланадиган счётлар» моддасининг қзғаришини англаувчи муомалалар корхонанинг қарзининг ошишини камайишини кқрсатиши мумкин. Фараз қилайлик, учта муомалалар содир бқлган: биринчиси - корхона мол етказиб берувчиларға бқлган қарзининг 15000 сқмға узган, иккинчиси - корхонанинг мол етказиб берувчиларига қарзи 20000 сқмға ошган, учинчиси - мол етказиб берувчиларға бқлган корхона қарзни 35000 сқмға узган.

Мол етказиб берувчиларға доир муомалаларни ҳисобға олиш учун 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларға тқланадиган счётлар» счёти юритилади. Бу счёт маблағлар манбаини акс эттиради, шунинг учун ундаги

ёзувлар, маблағлар турларини ҳисобга оладиган «Касса» счётига қараганда бошқа акс этирилади. Унда қолдиқ, маблағлар манбаининг кредитига ёзилади. Мазкур счётда кқпайишни англатувчи муомалалар - кредитида, камайишни англатувчи муомалалар - дебетида акс этирилади. Демак, 15000 ва 35000 сқм шу счётнинг дебетида, 20000 сқмни эса кредитга ёзиш керак.

Бошланғич қолдиқ ва муомалалар ёзилгандан кейин, дебет ва кредит бқйича айланмалар якунини ҳисоблаб чиқамиз ва янги қолдиқ (сальдо)ни топамиз. У қуйидагича бқлади:

$$(40000+20000-50000=10000).$$

«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тқланадиган счётлар» счёти унга муомалалар ёзилганидан кейин, қуйидаги кқринишга эга бқлади:

«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тқланадиган счётлар» счёти

Д-т	К-т
1) Мол етказиб берувчиларга бқлган қарз узилган 15000	Корхона мол етказиб берувчиларга қарзининг бошланғич қолдиғи 40000
3) Мол етказиб берувчиларга бқлган қарз узилган 35000	2) Мол етказиб берувчиларга ҳисобланган 20000
Узилган - ҳаммаси (айланма) 50000	ҳисобланган ҳаммаси(айланма) 20000
	Корхонанинг мол етказиб берувчиларга қарзининг охириги қолдиғи 10000

Бу счётнинг охириги қолдиғи фақат кредитли бқлиши мумкин, чунки корхона мол етказиб берувчиларга бқлган қарзини узишда, мавжуд мажбуриятдан ортиқ суммани тқламайди.

Счётларнинг қолдиқлари, ҳисобга олинадиган объектларнинг кқпайиши ва камайишига қараб, уларнинг ҳар хил томонларига ёзилади. Счётларнинг бундай тузилиши тасодифий эмас. Қзининг табиатига кқра хқжалик маблағларини турлари бқйича ажратиш уларнинг манбалари бқйича гурухлашга қарама қаршидир.

Шундай қилиб, хқжалик маблағларининг турларини акс этирувчи счётларда ҳисобга олинадиган объектлар қолдиқларини ва кқпайиши дебетида, камайиши эса кредитига ёзилади. Маблағлар манбаларини ҳисобга олиш учун хизмат қиладиган счётларда қолдиқлар ва кқпайишлар кредитида, камайишлар эса - дебетда кқрсатилади.

Маблағлар турини ёки уларнинг манбаларини ҳисобга олишга қараб, счётлар актив ва пассивга бқлинади.

Маблағлар турларини ҳисобга олувчи счётлар **актив**, уларнинг манбаларини акс эттирувчи счётлар эса - **пассив счётлар** деб аталади.

Барча счётларда ҳам қолдиқлар ва муомалалар юқорида келтирилгандек акс эттирилади. Лекин бухгалтерия ҳисобида қатор мураккаб счётлар борки, улар қзларининг тузилишларига ккра бундай оддий тарздан фарқ қилади.

Бундайларга хқжалик жараёнлари, хқжалик фаолиятининг молиявий натижалари, топшириқларнинг бажарилиши ҳисобга оладиган счётлар киради. Бу счётлар ҳисобга оладиган объектларнинг хусусиятларини акс эттиради. Лекин улар ҳам актив ва пассив счётларга мансубдир.

Счётлардан тқғри фойдаланиш учун - у ёки бу счёт ёрдамида қандай кқрсаткичларни олиш мумкинлиги ва унда қандай объектлар ҳисобга олиниши зарурлигини билиш мақсадида счётлар таснифланади.

Счётларнинг ҳар хил турлари хусусиятларини билиш ҳисобини ташкил қилиш учун счётларни туркумлаш зарур. Бундай счётларни туркумлаш икки белги асосида тузилади: қандай мақсадга аталганлиги ва тузилиши ҳамда иқтисодий мазмунига қараб.

Счётларнинг қандай мақсадларга тайинланиши ва тузилиши бқйича туркумланиши, у ёки бу счётлар, нима учун, қандай кқрсаткичларни олиш учун мқлжалланган ва уларнинг тузилиши қандай, яъни уларнинг дебети кредитининг мазмуни қандай, ҳамда улардаги сальдо қандай хусусиятга эга эканлигини кқрсатади. Улар бухгалтерия ҳисобида ққлланиладиган счётларнинг хусусиятларини қрганиш учун хизмат қилади ва уларнинг айрим турлари қандай хусусиятларга эга эканлигини аниқлаш имконини беради.

Счётларни иқтисодий мазмунига қараб туркумланиши (иқтисодий туркумлаш), счётларда нима ҳисобга олинади, яъни унда қандай аниқ иқтисодий объект акс эттирилишини кқрсатади ва мазкур объектга ҳар томонлама тавсиф бериш учун қандай счётлардан фойдаланиш кераклигини аниқлаб олиш имконини беради. Иқтисодий туркумлаш мазкур корхонада, унинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, фойдаланиши керак бқлган счётлар рқйхатини белгилаб олиш учун мқлжалланган.

Ҳар иккала туркумлаш ҳам чамбарчас боғланган қзаро бир-бирларини тқлдиради. Счётларнинг хусусиятларини билиш ва улардан амалиётда тқғри фойдаланиш учун счётларнинг қандай мақсадга тайинланганлиги, тузилиши ва иқтисодий мазмунини қрганиш керак. Счётларнинг туркумланиши мавжуд маълумотлардан хқжалик фаолиятини бошқаришда зарур бқлган кқрсаткичларнинг хусусиятларини (таркибий тузилиш туркумланиши) ва унда ҳисобга олинадиган объектларнинг иқтисодий мазмунини (иқтисодий туркумланиши) аниқлаб олингандан кейингина улардан бошқарув ишларида тқғри фойдаланиш мумкин. Счётларни қандай мақсадларга мқлжалланганлиги ва тузилиши ҳамда иқтисодий мазмуни бқйича туркумланишини кқриб чиқамиз.



5-чизма. Бухгалтерия ҳисоби счётларини тузилиши ва тайинланиши бқйича таснифи

Счётларнинг туркумланиши:

1. Асосий счётлар-Асосий счётлар маблағлар турлари (актив) мавжудлиги ва ҳаракати устидан ва уларнинг манбаларининг (пассив) назорат қилиш учун ишлатилади. Барча асосий счётларга уларда корхона мулкнинг ҳисобга олиниши хосдир. Асосий счётларнинг хусусияти шундан иборатки, агар уларда қолдиқ мавжуд бқлса, уларнинг ҳаммаси баланс таркибига киритилади.

2. Тартибга солувчи счётлар-Тартибга солувчи счётлар маблағлар турларининг баҳоланиши ёки маблағлар манбаларининг суммаларини тузатиш (коррективлаш) учун мқлжалланган. Бу ерда тузатиш жорий бухгалтерия ҳисоби тизимидаги асосий счётлардан ташқари у билан боғланган алоҳида счёт киритиш ва унинг суммасини мазкур объектнинг катта-кичиклигини топиш мақсадида асосий счётнинг суммасидан ёки ундан айириш йқли билан амалга оширилади.

3. Таксимловчи счётлар-Таксимловчи счётлар корхонанинг баъзи ҳаражатлари устидан назорат қилиш ва уларнинг тқғри таксимланишини таъминлаш (шу жумладан айрим фаолият таннархини ҳам аниқлаш) учун тайинланган. Йиғиб-таксимловчи счётлар у ёки бу ҳқжалик жараёнлари бқйича ҳаражатларни, уларни кейинчалик таксимлаш мақсадида, йиғиш учун ққлланилади. Улар актив счётлардир, чунки уларда маблағлар (ҳаражатлар) ҳаракати ҳисобга олинади. Бу счётларда йиғиладиган суммалар мазкур объект бқйича барча ҳаражатлар ҳисобга олинандиган счётларга қтказилади (ҳисобдан чиқарилади).

4. Калькуляция счётлари-Калькуляция счётлари ҳқжалик маблағлари - келиб тушган материаллар, бажарилган ишлар ва хизматлар таннархини аниқлаш учун хизмат қилади. Таннархни ҳисоблаб чиқишга ёрдам берадиган ҳисоб-китоб калькуляция деб номланади. Шундан келиб чиқиб, калькуляцияни тузиш учун керакли маълумотларга эга бқлган счётлар калькуляция счётлари деб аталади.

5. Такқосланувчи счётлар- Солиштирувчи счётлар ҳқжалик жараёнида олинган молиявий натижаларни аниқлаш учун мқлжалланган. Бу натижалар ушбу жараённи тавсифловчи икки ҳар хил айланма (оборот)ларни солиштириш йқли билан топилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳқжалик жараёнларининг молиявий натижаларини аниқлаш учун ққлланиладиган счётлар солиштирувчи счётлар деб номланади. Бу счётлардаги айланмаларни солиштириш, уларнинг бирини - дебетда, бошқасини эса - кредитда акс эттириш йқли билан амалга оширилади. Дебет билан кредит қртасидаги фарқ кидирилаётган натижани англатади, бунда, акс эттирилаётган муомалаларнинг хусусиятига қараб, фарқ дебетли ёки кредитида бқлиши мумкин.

6. Балансдан ташқари счётлар-Бухгалтерия ҳисобида ққлланиладиган счётлар балансда ҳар хил тарзда акс эттирилади. Қолдиққа эга бқлган счётларнинг баланс жадвалига унинг моддалари сифатида акс эттирилиб, уларнинг суммалари баланс якунига киритиладида, баъзи бир счётлар эса, гарчи уларда қолдиқ бқлса ҳам, унинг (балансинг) якуни тегида, балансдан ташқаридаги моддалар сифатида кқрсатилади ва уларнинг суммалари баланс якунига ққшилмайди. Бундай тартиб у ёки бу счётларда ҳисобга олинандиган маблағларнинг кимга тегишлилигига боғлиқ. Балансда фақат ушбу корхонага тегишли бқлган, яъни унинг тқла ихтиёрида бқлган ва корхона раҳбарияти ихтиёри билан фойдаланиш мумкин бқлган маблағларни акс эттирилади. Ушбу корхонаники бқлмаган, лекин унинг чекланган фойдаланишда ёки ихтиёрида бқлган маблағлар, баланс якунининг ташқарисида кқрсатилиши керак.

3.2. Бухгалтерия ҳисоби счётларида иккиёқлама ёзув

Иккиёқлама ёзув-икки ўзаро боғлиқ бўлган ҳқжалик ҳодисаларини акс эттирувчи сифатида манбиқий тоифа (категория)дир. Улар ҳқжалик муомалаларининг ўз моҳиятидан келиб чиқади ва шунинг учун у барча мамлакатлар амалиётида мавжуддир.

Иккиёқлама ёзув ҳар бир ҳқжалик муомаласининг қзаро боғлиқ бўлган счётларда қайд этиш йқли билан амалга оширилади. Бу билан муомалалар таъсир этадиган ҳисоб объектлари қртасида қзаро алоқа қрнатилади ва бу қз навбатида, корхона ҳқжалик фаолияти устидан назорат қилиш ва содир бўлаётган жараёнларни қрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳқжалик муомалаларини икки марта акс эттириш (иккиёқлама ёзув) ҳқжалик маблағларининг давр айланиш жараёнида қиймат шакллари алмашилишининг иқтисодий табиати билан боғлиқдир. Бу жараёнда ҳар бир муомала қийматнинг бир шаклидан бошқа шаклига олиб келади. Қийматнинг бошланғич ва охириги шакли таъминот, ишлаб чиқариш муомалаларида ҳар доим ҳар хил бўлади. Масалан, таъминот муомалаларида қийматнинг дастлабки пулдаги шакли ишлаб чиқариш захиралари шакли билан алмашинади; ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш захиралари қз шакллари маҳсулотлар шаклига қзгартиради; сотиш учун тайинланган хизматларни сотиш муомалаларида, улар қз шакллари яна пул шаклига алмашади. Қиймат шаклининг бундай алмашилиши ҳар бир жараённинг бошқа муомалаларига ҳам хосдир. Шундан келиб чиқиб, мазкур муомалада қатнашувчи қийматнинг ҳар бир шаклини, яъни муомаланинг бошланишидаги кқринишида шаклини ҳам, унинг охирида намоён бўлган шаклида ҳам ҳисобга олиш зарурияти юзага келади.

Ҳқжалик муомалаларнинг икки марта акс эттирилишининг (иккиёқлама ёзувнинг) зарурийлиги баланс қзгаришлар турларини кқриб чиқиш пайтида аниқлаб олинган эди. Ҳар бир ҳқжалик муомаласи икки иқтисодий ҳодисага олиб келади ва албатта баланснинг икки моддасига таъсир этади. Шунинг учун, муомалаларни иккиёқламали ёзув усули билан акс эттириляётганда, юзага келтириляётган икки ҳодиса қайд этилади, яъни баланснинг икки моддасига таъсир этадиган икки счётга ёзилади. Шу билан бир вақтда бунда шу счётлар қртасида юзага келадиган қзаро алоқа белгиланади. Бу билан содир бўлаётган муомалалар устидан назорат қилиш осонлаштирилади.

Шундай қилиб, иккиёқламали ёзув ҳқжалик муомалалари билан юзага келтириладиган икки ҳодисаларни икки счётда қзаро боғлиқ ҳолда бир хил суммада (дебетда ва кредитда) кқрсатиш имконини берадиган муомалаларни акс эттириш усулидан иборатдир.

Масалан, ҳисоб-китоб счётидан корхона кассасига 1500 сқм олинди, деб фараз қилайлик. Бу муомала натижасида маблағларнинг икки турига - кассадаги нақд пуллар ва банкдаги ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларига таъсир этилди. Кассадаги пуллар 1500 сқмга кқпайди ва, аксинча, ҳисоб-китоб счётидаги пуллар шу суммага камайди. Бу мазкур муомаланинг икки ҳодисасидир.

Бу муомалани бухгалтерия счётларида акс эттираётганда, унинг суммасини, биринчидан, «Касса» счётининг дебетига ёзиш керак, чунки бу счёт активдир ва кқпайиш актив счётларнинг дебетида акс этирилади, иккинчидан, «Ҳисоб-китоб счёти» счётининг кредитига ёзилади, чунки бу счёт ҳам активдир ва актив счётларнинг камайиши кредитга ёзилади.

Бу муомаланинг счётларда ёзилиши қуйидагича бўлади:

т «Касса» счёти	- 1500
т «Ҳисоб китоб» счёти	- 1500

Хқжалик муомаласи ва унинг суммасини акс эттирадиган дебетланувчи ва кредитланувчи счётларни белгилаш (кқрсатиш) бухгалтерия ёзуви ёки қтказма (проводка)си деб аталади.

Юқорида кқриб чиқилган муомала счётларда қуйидагича акс этирилади:

«Ҳисоб-китоб счёти» счёти		«Касса» счёти	
Д-т	К-т	Д-т	К-т
Қолдиқ	1) 1500	1) 1500	

Кқриниб турибдики, счётлар бир-бировлари билан қзаро боғланган. Улардаги ёзувлар амалга оширилган хқжалик муомалалари натижасида юзага келган иккита қзғаришни: кассага пулларнинг келиб тушиши ва уларнинг ҳисоб-китоб счётидан чиқиб кетишини кқрсатмоқда.

Хқжалик муомалаларини иккиёқламали ёзиш счётларининг қзаро боғланишига олиб келади. Бундай боғланиш счётлар корреспонденцияси боғланиши деб аталади.

Счётлар корреспонденцияси - хқжалик муомаласи билан юзага келтириладиган икки ҳодисанинг счётларда акс этириш пайтида пайдо бўлади ва у счётларнинг қзаро алоқасини намоён бўлиш шаклидир.

Яна бир мисолни кқриб чиқамиз. Фараз қилайлик, корхонага мол етказиб берувчилардан 7000 сқмлик материаллар ва 5000 сқмлик ёқилғи, ҳаммаси бўлиб, 12000 сқмлик қийматликлар келиб тушди.

Бу муомала корхона омборидаги материаллар ва ёқилғи заҳираларининг кқпайишига олиб келади. Бу қийматликларни ҳисобга олинадиган

«Материаллар» счётининг «Хом-ашё ва материаллар», «ғқилғи» счётлари актив ҳисобланади, шунинг учун 7000 ва 5000 сқм суммалари бу счётларнинг дебетиға ёзилади. Кейин худди шу муомала корхонанинг мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобларида ҳам акс эттирилади. Корхонанинг мол етказиб берувчиларға умумий суммадаги 12000 сқмлиқ қарзи пайдо бқлади (ёки ошади). «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларға тқланадиган счётлар» счёти пассивдир, пассив счётларда эса кқпайиш кредитда акс эттирилади. Шундай қилиб «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларға тқланадиган счётлар» счёти мазкур муомала бқйича 12000 сқмға кредитлашади.

Мазкур муомаланинг бухгалтерия ёзуви қуйидагича бқлади:

Д т «Хом ашё ва материаллар» счёти	- 7000
	сқм
Д т «ғқилғи» счёти	- 5000
	сқм
К т «Мол етказиб берувчилар ва пудратчи ларға тқланадиган счётлар» счёти	- 12000
	сқм

Бу муомала счётларда қуйидагича акс эттирилади:

«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларға тқланадиган счётлар» счёти		«Хом-ашё ва материаллар» счёти	
Д-т	К-т	Д-т	К-т
	2) 12000	2) 7000	
Корхонанинг мол етказиб берувчилардан материаллар ва ёқилғи олиши натижасида қарзининг кқпайиши		Материалларнинг келиши Д-т «ғқилғи» счёти К-т	
		2) 5000	
		ғқилғининг келиши	

Бундан кқриниб турибдики, биринчи муомала бқйича тузилган ёзув бқйича икки счётни, иккинчиси бқйича эса учта счётни қз ичига олади.

Икки счётға таъсир этадиган ёзув (қтказма)лар оддий, уч ва ундан кқпроқ счётларға таъсир этадиганлари эса мураккаб қтказмалар деб номланади.

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, ҳар қандай бухгалтерия ёзуви бир нечта оддий ёзувлардан иборат бқлади. Ҳақиқатда, иккинчи муомала бқйича ёзувни икки оддий қтказмаға ажратиш мумкин:

I. Д т «Хом ашё ва материаллар» счёти	
К т «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тқланадиган счётлар» счёти	- 7000
II. Д т «Ғқилғи» счёти	
К т «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тқланадиган счётлар» счёти	- 5000

Мураккаб ёзувларнинг оддийларга ажратилиши мумкинлигини бир счётнинг қзига таъсир этадиган бир неча муомалалар бирга бирлаштирилиши билан тушунтирилади (бизнинг мисолда «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тқланадиган счётлар» - пассив).

Мураккаб ёзувларни тузиш уларнинг сонини камайтиради ва шу билан ҳисоб ходимларининг меҳнатини енгиллаштиради.

Лекин ҳар қандай мураккаб ёзувларга ҳам йқл ққйиш мумкин бқлавермайди. Улардан тқғри тузилганларига фақат бир счёт дебетланиб, бир неча счётлар кредитланганлари киради. Бир вақтнинг қзида бир нечта счётлар дебетланадиган ва бир нечта счётлар кредитланадиган ёзувлар нотқғри ҳисобланади. Уларда айрим хқжалик муомалалари кртасидаги қзаро алоқаси кқринмайди ва бундай ёзувлар бқйича счётлар корреспонденциясини аниқ белгилаб олиш мумкин эмас. Бу акс эттирилаётган муомалаларнинг мазмунини қийинлаштиради ва бухгалтерия ҳисобидан хқжалик фаолиятини назорат қилиш учун фойдаланиш имкониятларини камайтиради. Шу сабабдан ватанимиз бухгалтерия ҳисобининг амалиётида бундай ёзувлар руҳсат этилмайди.

Чет эл ҳисобида корреспонденцияли мураккаб ёзувлар кқп учраб туради. У ерда улардан, ҳисоб жараёнини кенгроқ компьютерлаш шароитларига мослашиш мақсадида, атайлаб фойдаланишади.

Шундай қилиб, хқжалик муомалаларини иккиёқлама ёзув усули билан акс эттириш албатта икки счётга таъсир этади. Бунда бир счёт дебетланади, иккинчиси эса кредитланади. Қзаро корреспонденцияланувчи счётларнинг дебети ва кредитига ҳар бир муомала бқйича бир хилдаги суммалар ёзилади. Мураккаб ёзув қилинаётганда, бир счёт билан боғлиқ бқлган бир нечта счётлар бқйича кқрсатилган суммаларнинг жами шу счётда ҳисобга олинган умумий суммага тенг бқлиши керак.

Иккиёқлама ёзув усулидан фойдаланганда ҳар бир муомаланинг суммасини икки марта ёзиш шарт эмас. Иккиёқлама ёзув (у томондан юзага келтириладиган икки ҳодисаларни акс эттирувчи) ҳар бир хқжалик муомаласи бқйича икки қзаро боғлиқ бқлган кқрсаткичларни олишни таъминлаши керак. Шунинг учун, замонавий техника шароитида шахмат тамойилида фойдаланган ҳолда, ҳар бир муомаланинг суммасини фақат бир марта ёзишади, лекин шу

билан бир вақтда талаб қилинадиган иккала кўрсаткичларни қзаро боғлиқ ҳолда олишга ҳаракат қилинади. Бухгалтерия ҳисобида АЭХМдан фойдаланганда ҳқжалик муомалалари кодлаштирилади, яъни бир турдаги муомалаларнинг ҳар бир гуруҳига шартли рақам белгилар берилади. Гуруҳлаш натижасида ҳар бир муомала бқйича, уни фақат бир марта акс эттирган ҳолда, иккита маълумот олишади.

Бухгалтерия ҳисобида баъзида иккиёклама ёзув ёрдамида муомалаларни счётларда акс эттиришнинг бошқа тартиблари ҳам ққлланилади. Бу ёзувнинг сторноли усулидир. У манфий сонлардан фойдаланишга асосланади. Бу усулда счётнинг мазкур қисмига қилинган ёзувлардан чегириб ташланадиган суммалар унинг қарама-қарши қисмида эмас, балки қша қисмининг қзида, лекин қизил сиёҳ билан акс эттирилади. ёзувнинг бундай тартиби счётлардаги айланмаларнинг иқтисодий жиҳатдан тқғрилигини сақлаш учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу айланмалар ҳқжалик фаолиятининг маълум кўрсаткичларини ифодалайди ва уларнинг ҳар қандай бузиб кўрсатилиши корхона ишини нотқғри тавсифлашга олиб келган бқлар эди.

3.3. Счётлар билан баланс ўртасидаги боғлиқлик

Бухгалтерия ҳисоби счётлари-бухгалтерия баланси билан чамбарчас боғлиқдир.

Балансинг активида маблағлар турлари кўрсатилади ва уларни жорий ҳисобга олиш учун ҳар бир баланс моддаси бўйича актив счётлар очилади. Баланс пассивида маблағлар манбалари акс эттирилади ва улар бўйича жорий ҳисоб ҳар бир моддага очиладиган пассив счётларда амалга оширилади. Маблағлар турлари ва уларнинг манбалари тўғрисидаги счётлар маълумотлари балансни тузиш пайтида актив ва пассив моддалар бўйича қўйиб чиқилади.

Фараз қилайлик, ой бошига корхона баланси қуйидагича бўлган:

2006 йил 1-февралига бўлган баланс

Актив		Пассив	
1. Асосий воситалар	200000	1. Устав фонди	230000
2. Материаллар	40000	2. Фойда	6000
3. Ҳисоб-китоб счёти	10000	3. Мол етказиб берувчилар	14000
Жами	250000	Жами	250000

«Материаллар» ва «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўқланадиган счётлар» счётлари бўйича қўшимча маълумотлар:

Материал турлари:

А 3000 т. 1 тоннаси нархи 10 сқм	- 30000
Б 5000 кг, 1 кг. нархи 2 сқм	- 10000
Жами	- 40000

Корхонанинг мол етказиб берувчиларга қарзи:

«Ташсельмаш» заводига	- 5000
6 сонли бирлашмага	- 9000
Жами	-14000

Қисқартириш мақсадида таҳлилий ҳисоб учун фақат икки модда бўйича маълумотларидан фойдаланиш билан кифояланамиз.

Корхонанинг февраль ойдаги муомалаларини кўриб чиқамиз.

Биринчи муомала. «Ташсельмаш» заводидан қуйидаги материаллар олинган:

А 1500т., 1т. нархи 10 сқм	- 15000 сқм
Б 1000 дона, 1 донаси 5 сқмдан	- 5000 сқм
Жами	- 20000 сқм

Келиб тушган материаллар учун ҳали ҳисоб-китоб қилинмаган.

Иккинчи муомала. Фолиятни амалга ошириш учун материаллар сарфланган:

А 2000 т., 1 т. 10 сқмдан - 20000 сқм

Б 3000 кг., 1 кг. 2 сқмдан - 6000 сқм

Жами - 26000 сқм

Учинчи муомала. Корхона ходимларига иш ҳақи ҳисобланган 35000 сқм.

Тқртинчи муомала. Мақсадли молиялаш учун бош корхонадан маблағлар олинган 950000 сқм (25000 x 38 сқм)

Бешинчи муомала. Валюта Қз.Респ. нинг Марказий банки курси бқйича сқмга конвертация қилиниб ва ҳисоб - китоб счётига ёзилган 950000 сқм.

Олтинчи муомала. Мол етказиб берувчиларга қарзни узиш учун ҳисоб-китоб счётидан қтказилган.

а) «Ташсельмаш» заводига - 15000 сқм

б) 6-сонли бирлашмага - 9000 сқм

Жами - 24000 сқм

Еттинчи муомала. Асосий восита харид қилинган. 17000 сқм

Сақизинчи муомала. Далолатнома бқйича асосий восита фойдаланишга топширилган - 17000 сқм

Тқққизинчи муомала. Кредиторлардан кқрсатган хизматлари учун пул тқлаш ҳисобланган - 750 сқм

Қнинчи муомала. Ҳар хил кредиторларга ҳисоб - китоб счётидан қтказилган - 750 сқм

Қн биринчи муомала. Мақсадли молиялаш ҳисобидан бажарилган ишлар акс эттирилган - 61750 сқм

Келтирилган муомалаларни ҳисобда акс эттириш учун энг аввал бухгалтерия ёзувлари (қтказмалар)ни тузиб чиқамиз.

2006 йил февралдаги ёзувлар

1.	Д-т «Хом ашё ва материаллар» счёти	- 20000
	К-т «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тқланадиган счётлар	
2.	Д-т «Асосий ишлаб чиқариш» счёти	- 20000
	К-т «Хом ашё ва материаллар» счёти	- 26000
3.	Д-т «Асосий ишлаб чиқариш» счёти	
	К-т «Меҳнатга ҳақ тқлаш бқйича ходимлар билан ҳисоб -китоблар» счёти	- 35000
4.	Д-т «Мамлакат ичидаги валюта счётлари»	- 950000
	К-т «Бошқа мақсадли тушумлар» счёти	- 950000
5.	Д-т «Ҳисоб-китоб счёти» счёти	- 950000
	К-т «Мамлакат ичидаги валюта счётлари» счёти	- 950000
6.	Д-т «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тқланадиган счётлар» счёти	- 24000
	К-т «Ҳисоб-китоб» счёти	- 24000
7.	Д-т «Капитал қуйилмалар» счёти	- 17000
	К-т «Ҳисоб-китоб» счёти	- 17000
8.	Д-т «Асосий воситалар» счёти	- 17000
	К-т «Капитал қуйилмалар» счёти	- 17000
9.	Д-т «Асосий ишлаб чиқариш» счёти	- 750
	К-т «Турли кредиторлардан қарзлар» счёти	- 750
10	Д-т «Турли кредиторлардан қарзлар» счёти	- 750
	К-т «Ҳисоб-китоб счёти» счёти	- 750
11	Д-т «Бошқа мақсадли тушумлар» счёти	- 61750
	К-т «Асосий ишлаб чиқариш» счёти	- 61750

Жами

2082250

Юқоридаги ёзувларни синтетик счётларда акс эттириш қуйидагича амалга оширилади:

«Асосий ишлаб чиқариш» сч.		«Устав капитали» сч.	
Д-т	К-т	Д-т	К-т
Бошланғич қолдиқ			Бошланғич қолдиқ
200000			230000
9)	17000		
Айланма	17000	Айланма -	Айланма -
Охирги қолдиқ			Охирги қолдиқ
217000			230000

«Хом ашё ва материаллар» сч.

Д-т	К-т	
Бошланғич қолдиқ 40000		
1) 20000	2) 26000	
Айланма 20000	Айланма 26000	
Охирги қолдиқ 34000		

«Ҳисоб-китоб счёти» сч.

Д-т	К-т	
Бошланғич қолдиқ 10000		
5) 950000	6) 24000	7) 17000
	10) 750	
Айланма 950000	Айланма 41750	
Охирги қолдиқ 918250		

«Асосий ишлаб чиқариш» сч.

Д-т	К-т	
Бошланғич қолдиқ		
2) 26000	11) 61750	
3) 35000		
9) 750		
Айланма 61750	Айланма 61750	
Охирги қолдиқ		

«Бошқа мақсадли тушумлар» сч.

Д-т	К-т	
	Бошланғич қолдиқ 6000	
1) 61750	4) 950000	
Айланма 61750	Айланма 950000	
	Охирги қолдиқ 894250	

«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тқланадиган сч. счетлар» сч.

Д-т	К-т	
	Бошланғич қолдиқ 14000	
6) 24000	1) 20000	
Айланма 24000	Айланма 20000	
	Охирги қолдиқ 10000	

«Меҳнатга ҳақ тқлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» сч.

Д-т	К-т	
	Бошланғич қолдиқ	
	3) 35000	
Айланма	Айланма 35000	
	Охирги қолдиқ 35000	

**«Мамлакат ичидаги валюта
счётлари» счёти**

Д-т	К-т
Бошланғич қолдик	
4) 950000	5) 950000
Айланма 950000	Айланма 950000
Охирги қолдик	

**«Турли кредиторлардан
қарзлар» сч.**

Д-т	К-т
Бошланғич қолдик	
10) 750	9) 750
Айланма 750	Айланма 750
Охирги қолдик	

«Капитал қуйилмалар» сч.

Д-т	К-т
7) 7000	8) 7000
Айланма 7000	Айланма 7000
Охирги қолдик -	

Синтетик ва таҳлилий счётларга муомалаларнинг ёзувларини ҳар бир синтетик счётнинг жами таҳлилий счётларнинг жами суммаларига тқғри келишлиги нуқтаи - назаридан текшириб чиқиш лозим бўлади. Бундай текшириш тегишли айланма ва қолдиқлар суммаларини солиштириш йқли билан амалга оширилади. У ҳисобнинг тқғрилигини таъминлаш учун зарур бўлиб, ҳисобнинг ишончилигини таъминлаш учун албатта қтказилиши керак.

Таҳлилий счётларга эга бўлган «Хом ашё ва материаллар» ва «Мол отказиб берувчилар ва пудратчиларга тқланадиган счётлар»даги ёзувларни текшириб чиқамиз.

«Хом ашё ва материаллар» синтетик счёти бўйича бошланғич қолдик унинг таҳлилий счётларидаги бошланғич қолдиқлар суммасига тенг ($40000=30000+10000$). Тегишли тартибда дебет ва кредит бўйича айланма суммалари ҳам ($20000=15000+5000$; $26000=20000+6000$) ва охирги қолдиқлар ҳам ($34000=25000+4000+5000$) тенгдир.

**Материаллар таҳлилий счётлари
А материаллари**

Д-т (кирим)				Кредит (чиқим)			
Муомала рақами	Ҳажми, кг	Нархи, сқм	Сумма, сқм	Муомала рақами	Ҳажми, кг	Нархи, сқм	Сумма, сқм
Бошлан. қолдиқ	3000	10-00	30000	2)Берилган	2000	10-00	20000
Келган	1500	10-00	15000				
Айланма	1500	10-00	15000	Айланма	2000	10-00	20000
Охирги қолдиқ	2500	10-00	25000				

Б материаллари

Д-т (кирим)				Кредит (чиқим)			
Муомала рақами	Ҳажми, кг	Нархи, сқм	Сумма, сқм	Муомала рақами	Ҳажми, кг	Нархи, сқм	Сумма, сқм
Бошлан. қолдиқ	5000	2-00	10000	2)Берилган	3000	2-00	6000
Келган	2500	2-00					
Айланма				Айланма	3000	2-00	6000
Охирги қолдиқ	3000	2-00	4000				

Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб -китобларнинг таҳлилий ҳисоби.

«Ташсельмаш» заводи

6-сонли бирлашма

Д-т	К-т	Д-т	К-т
	Бошланғич қолдиқ 5000		Бошланғич қолдиқ 9000
76)Тқланган 15000	1)Материаллар учун 20000	76)Тқланган 9000	
Айланма 15000	Айланма 20000	Айланма 9000	Айланма -
	Охирги қолдиқ 10000		Охирги қолдиқ -

«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тқланадиган» синтетик счёти бқйича маълумотлар ҳам таҳлилий счётлардаги жами суммаларга тқғри келади. Бу счёт бқйича бошланғич қолдиқ - 14000 сқм (5000 + 9000), кредит бқйича айланма - 20000 сқм, дебет бқйича -240000 сқм (15000 + 9000); охирги қолдиқ - 10000 сқм, ҳисоб - китоби ҳали тамомланмаган

«Ташсельмаш» заводининг таҳлилий счёти бқйича охирги қолдиғига тқғри келади.

Демак синтетик ва таҳлилий счётлар бқйича ёзувлар тқғри қилинган экан. Синтетик счётлар асосида корхонанинг янги балансини тузамиз.

Б А Л А Н С
2003 йил 1 мартга

Актив	Сумма	Пассив	Сумма
1. Асосий воситалар	217000	1. Устав капитали (фонди)	23000
2. Хом ашё ва материаллар	34000	2. Бошқа мақсадли тушумлар	894250
3. Ҳисоб-китоб счёти	918350	3. Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тқланадиган счётлар	10000
		4. Меҳнатга ҳақ тқлаш ходимлар билан ҳисоб-китоблар	35000
Жами	1169250	Жами	1169250

Кқриб чиқилган мисол счётлар билан баланс кртасидаги қз боғлиқлик мавжудлигини кқрсатиб турибди. Юзаки қараганда бу қзаро боғлиқлик куйидагида намоён бқлмоқда.

Ҳисобот даврининг бошида баланс маълумотларига биноан счётлар очилади. Мустақил ҳисобга олиниши талаб этиладиган ҳар бир маблағ ёки манба турига синтетик счёт очилади ва уларга қолдиқ актив счётлар бқйича - дебетиға, пассив счётлар бқйича кредитига ёзиб кқйилади.

Ҳисобот даври мобайнида счётларда (синтетик ва таҳлилий) корхонада содир бқлаётган муомалалар синтетик счётларнинг рақамларини кқрсатган холда акс эттирилади ва, ундан ташқари, корреспонденцияланувчи счётлар ҳам кқрсатилади. Таҳлилий счётларда тушунтириш матни ёки шу муомалани расмийлаштирувчи ҳужжатга илова қилинади. Ҳисобот давридаги ёзувлар тугагандан кейин айланмалар яқунлари ҳисоблаб чиқилади ва янги қолдиқлар топилади.

Агар ҳисобот даври мобайнида давр бошиға қолдиғи бқлмаган счётға муомалани акс эттириш зарурияти туғилса, унда бундай счётни ушбу муомаланинг суммасини ёзиш йқли билан очилади.

Синтетик счётларнинг яқунлари асосида (уларнинг ривожига очилган таҳлилий счётларнинг маълумотлари билан текширилгач) навбатдаги ҳисобот санасига корхона баланси тузилади. Шунинг учун счётлардаги қолдиқлар балансининг тегишли моддалари бқйича кқрсатилади.

3.4. Бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси

Счётлар режаси-бухгалтерия ҳисоби тизимидаги ахборотнинг умумий тузилишини, унинг ҳқжалик механизмига мувофиқ ҳолда иқтисодий тавсифини аниқлаб беради.

Бозор муносабатларини, мулкчиликнинг ҳар хил шаклларини, корхоналар мустақиллигини ривожлантиришга мқлжалланган ҳқжалик механизми бухгалтерия ҳисоби счётлар режасининг мазмунига ва тузилиш таркибига янги қарашни талаб этади. Янги ҳисоб объектларининг юзага келиши муносабати билан энди амалдаги счётлар режасига кичик қзгартиришлар киритиш ва модификациялаш билан чекланиб бқлмайди.

Бозор иқтисодиётига қтиш, ишлаб чиқаришни бошқаришда бухгалтерия ҳисоби ролининг ошиши, бухгалтерия ҳисобининг умумий ва бошқарув турларига бқлишини бухгалтерия ҳисоби ахборотининг ҳажмига ва тегишли тартибда счётлар режасининг мазмунига янги талаблар ққяди.

Демак, ҳалқ ҳқжалигини бозор иқтисодиётига қтиши, ҳар хил мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг ривожланиши ҳалқаро стандарларга мос бқлган ҳисоб тизими ва счётлар режасини ишлаб чиқишни талаб қилди.

Шу муносабат билан Қзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 9 сентябрдаги 103 - сонли буйруғи билан Қзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг Миллий стандарти (21-БҲМС) «Ҳқжалик юритувчи субъектларнинг молиявий - ҳқжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни ққлаш бқйича йқрикнома»ни тасдиқлади ва у Қзбекистон Республикаси адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан қайд қилинди.

Ушбу андоза, бюджет муассасалари ва банклардан ташқари, мулк шаклларида қатъий назар барча ҳқжалик юритувчи субъектлар томонидан 2004 йил 1-январдан бошлаб ижро этилиши шарт.

Ушбу счётлар режасини тизимга келтирилган счётлар рқйхати деб таърифлаш мумкин.

Янги счётлар режаси жами бқлиб 249 та балансли ва 14 та балансдан ташқари счётлардан иборат бқлиб, у молиявий ҳисоботларни тузишга мослаштирилган.

Барча счётлар олти қисм бқйича тизимга келтирилган:

- I. Узоқ муддатли активлар;
- II. Жорий активлар;
- III. Мажбуриятлар;
- IV. Жорий капитал;
- V. Молиявий натижаларнинг шаклланиши ва ишлатилиши;
- VI. Балансдан ташқари счётлар.

Биринчи тқрт қисм счётларининг мажбуриятларига асосан молиявий ҳисоботнинг I – шаклига баланс тузилади. Бешинчи қисм «Молиявий

натижаларнинг шаклланиши ва ишлатилиши» счётларнинг маълумотларига асосан молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2 – шакл) тузилади.

Счётлар режасида барча счётлар 9 бўқлимда қуйидаги тизимда келтирилиб кўрсатилган:

1-бўқлим. Асосий воситалар, номоддий ва бошқа узоқ муддатли активлар;

2-бўқлим. Товар-моддий захиралар;

3-бўқлим. Келгуси давр харажатлари ва муддати узайтирилган харажатлар - жорий қисми;

4-бўқлим. Олинадиган счётлар-жорий қисми;

5-бўқлим. Пул маблағлари, қисқа муддатли инвестициялар ва бошқа жорий активлар;

6-бўқлим. Жорий мажбуриятлар;

7-бўқлим. Узоқ муддатли мажбуриятлар;

8-бўқлим. Капитал, тақсимланмаган фойда ва резервлар;

9-бўқлим. Даромадлар ва харажатлар.

Биринчидан саккизинчи бўқлимгача бўқлан счётлар баланс тузилишига мос келса, 9-бўқлим счётлари молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот тузилишига мос келади.

Счётлар режасининг биринчи қисми бир бўқлим (1- бўқлим) дан иборат бўлса, иккинчи қисми тўрт бўқлим (2, 3, 4, ва 5)лардан, учинчи қисми икки (6 ва 7) бўқлимлардан, тўртинчи қисм бир (8 бўқлим) бўқлимдан ва бешинчи қисм бир (9- бўқлим) бўқлимдан иборат (*Иловага қаранг*).

Янги счётлар режасида счётлар беш гуруҳга бўқлиб кўрсатилган.

1. **Актив счётлар (А)** - ҳқжалик активларини акс эттирадиган ва иқтисодий ресурсларнинг ҳисобот давридаги кўпайишини дебет томонида ва шу даврдаги камайишини кредит томонида акс эттирадиган счётлар

2. **Пассив счётлар (П)** - ҳқжаликнинг мажбуриятлари ва капиталини акс эттириш учун тайинланган, ҳисобот даври бошидаги қолдиқни, ҳисобот даври мобайнидаги мажбуриятларни ва капитални қишини кредит томонида ва шу даврдаги мажбуриятлар ва капиталнинг камайишини дебет томонида акс эттирадиган счётлардир.

3. **Контр - актив счёт (КА)** - бу шундай счётки, молиявий ҳисоботда активнинг соф қийматини акс эттириш учун унинг қолдиғи у билан боғлиқ бўқлан актив счётнинг қолдиғидан чегириб ташланади. Бундай счёт пассив счётларга мансуб бўқлиб кўпайиши кредитида, камайиши дебетида акс эттирилади.

4. **Контр - пассив счёт (КП)** - бу шундай счётки, молиявий ҳисоботда мажбурият ёки соф қийматини акс эттириш учун унинг қолдиғи у билан боғлиқ бўқлан пассив счётнинг қолдиғидан чегириб ташланади. Бундай счёт актив счётларга мансуб бўқлиб кўпайиши дебетида, камайиши кредитида акс эттирилади.

Юқорида келтирилган счётларнинг барчаси доимий счётлар ҳисобланиб, улар ҳисобот даврининг охирида қолдиққа эга бўқлан ва бухгалтерия балансида акс эттириладиган активлар, мажбуриятлар ва капитал счётларидир.

5. Транзит (қтказувчи) счётлар (Т) - ҳисобот даврида фойдаланиладиган, лекин ёпилиб кетадиган ва ҳисобот даври охирига қолдиғи бўлмайдиган даромад ва харажатларнинг вақтинчалик счётларидир. Бу счётларнинг маълумотлари молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади. Харажатларни ҳисобга оладиган транзит счётлар актив счётларга мансуб бўлиб ққпайиши дебитида, камайиши эса кредитида акс эттирилади.

Даромадларни ҳисобга оладиган счётлар пассив счётларга мансуб бўлиб, даромаднинг ққпайиши кредитида, камайиши эса дебитида акс эттирилади.

Счётларнинг юқорида гуруҳланишидан ққриниб турибдики янги счётлар режасида актив - пассив счётлар йққ. Счётларнинг барчаси ёки актив - ққпайиши дебитида, камайиши кредитида акс эттирилади, ёки пассив - ққпайиши кредитида, камайиши дебитида акс эттирилади (мажбуриятларнинг вужудга келиш ва уларни тқлаш вақтлари бир ҳисоб регистрида чизиқли ёзув усулида бирлаштирилмайди).

Эски счётлар режасидаги актив - пассив счётлар: бошқа дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб - китоблар, ҳисобдор шахслар билан ҳисоб - китоблар, маҳсулот сотиш ва шунга ққшаган қатор счётлар янги счётлар режасида бекор қилинган.

Турли дебитор ва кредиторлар билан олиб бориладиган ҳисоб - китоблар ҳар бир дебитор ва кредитор қарзлар бўйича алоҳида актив ёки пассив счётларда ҳисобга олинади:

а) Янги счётлар режасининг 4 - «Олинладиган счётлар – жорий қисми» бўлими (4000 – 4900 счётлар) да маҳсулот сотиш ва бошқа муомалалар натижасида вужудга келадиган дебиторлар ҳисобга олинади.

б) Янги счётлар режасининг 5 - «Жорий мажбуриятлар» бўлими (6000 – 6900 счётлар) да мол сотиб олиш ва бошқа муомалалар натижасида вужудга келадиган кредиторлар ҳисобга олинади.

Мисол учун сафар харажатлари бўйича ҳисобдор шахслар билан бўладиган ҳисоб - китобларни олайлик. Ҳизмат сафари учун ҳқжалик ходимларидан бирига нақд пул берилса, 4220 «Ҳизмат сафарлари учун берилган бўнақлар» актив счёти дебетланиб 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти кредитланади. Ҳисобдор шахслар олдиндан олинган бўнақ суммасидан ортиқча харажат қилган бўлса, ҳужжатлар билан расмийлаштирилган ортиқча қилинган харажатлар суммасига 4220 - счёти кредитланмайди, чунки у актив счёт, балки 6970 – «Ҳисобдор шахслардан қарз» пассив счёти кредитланади. Ортиқча қилинган сафар харажатлари суммаси кассадан тқланганда 6970 счёти дебетланиб 5010 счёти кредитланади. Маҳсулот сотиш счёти (эски 46 - «Маҳсулот сотиш» актив - пассив счёти) ҳам шундай. Эски счётлар режаси бўйича маҳсулот сотишдан тушган тушум 46-счёти кредитида, сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи шу счётнинг дебитида ҳисобга олинган бўлса, янги счётлар режаси бўйича маҳсулот сотишдан тушган тушум 9010 «Маҳсулот сотишдан олинган даромадлар» пассив счётларга мансуб бўлган счётнинг кредитида ҳисобга олинса, сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш

таннархи 9110 «Сотилган маҳсулот таннархи» актив счётларга мансуб бўлган счётнинг дебитида ҳисобга олинади.

Счётлар корреспонденцияси фақат тизимли ҳисоб моҳиятини очиб берадиган нарса. Қўллаб счётлар балансли счётлар бўлиб улар тизимлидир. Балансли счётлар корреспонденцияланади. Лекин баланسدан ташқари деб номланадиган тизимсиз, коррес-понденцияланмайдиган счётлар ҳам мавжуд. Баланسدан ташқари счётлар бўйича ёзувлар иккинчи корреспонденцияланадиган счётларсиз амалга оширилади.

Шундай қилиб, корреспонденцияланишига қараб счётлар балансли ва баланسدан ташқари бўлиши мумкин.

Баланسدан ташқари счётлар (БТ) - корхонага тегишли бўлмаган, лекин вақтинчалик унинг фойдаланишида турган мавжуд активлар, шартли ҳуқуқ ва мажбуриятлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун тайинланган счётлардир.

Баланسدан ташқари счётларнинг асосий хусусияти шундаки, улар тизимсиз, оз миқдорда ва кенг тарқалмаган. Диққатга сазовор жойи шундаки, улар активлар бўлиб ҳисобланади, лекин баланسدан ташқари счётларда ҳисобга олинмайдиган объектларни актив ва пассивга бўлиш маълум бир маънога эга эмас. Баланسدан ташқари счётларнинг қўлайлиги кирими, камайиши чиқимига ёзиб борилади.

Счётларни бухгалтерлар томонидан эслаб қолишни осонлаштириш ва ахборотларни автоматлаштириш зарурияти счётларга номерлар беркитишни тақоза этади.

Эски счётлар режасида балансли счётлар икки рақамли, субсчётлар бир рақамли ва баланسدан ташқари счётлар уч рақамли номерлар билан белгиланган бўлса, янги счётлар режасида субсчётлар қўрсатилмаган ва ҳар бир балансли счёт тўрт рақамли номерлар билан белгиланган. Счётлар учун белгиланган номерлар счётларнинг коди дейилади.

Счётлар режасидаги счётлар кодларидан ташқари номига ҳам эга. Счётнинг номи - бу туб маънода счётнинг қизидир. Чунинчи, ҳар бир шахснинг фамилияси унинг қизини рамзи бўлганидек счётнинг номи қизини англатади. Счётлар билан иш олиб борганда асосан уларнинг тайинланиши ва фойдаланиш тамойилларини билиш зарур.

Ҳисоб субъектлари томонидан қўлланиладиган счётларнинг тўлиқ рўйхати счётлар режасидир. Айрим субъектлар томонидан қўлланиладиган счётлар рўйхатида фарқларнинг мавжудлиги икки хил счётлар режасини тақоза этади: биринчиси – намунали, қонунчилик билан белгиланган счётлар режаси, иккинчиси – бухгалтерия ҳисобининг иш (рабочий) счётлар режаси. Ҳар бир корхона умумий қонунчилик билан белгиланган счётлар режасига асосан қўз иш счётлар режасини тузиб олишлари керак. Иш счётлар режасида танлаб олинган счётлар миқдори ҳақжалик фаолияти турига қараб барча қўлланиладиган ҳақжалик муомалалари ҳисобини таъминлаши керак.

Ҳисобнинг барча субъеклари намунали счётлар режасидан фойдаланишга мажбур. Счётлар режасида қўрсатилмаган счётларни қўллаш фақат Ўзбекистон Республикаси молия Вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Счётларга қандай таъриф берасиз?
2. Актив счётларнинг қолдиқлари қандай аниқланади?
3. Пассив счётларнинг қолдиқлари қандай аниқланади?
4. Счётлар нима учун таснифланади?
5. Счётлар таснифланганда қандай счётларга бўлинади?
6. Балансли счётларда нималар ҳисобга олинади?
7. Балансдан ташқари счётларда нималар ҳисобга олинади?

Таянч сўз ва Иборалар:

4-БОБ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

4.1. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш тамойиллари

Бухгалтерия ҳисоби шундай ташкил этиш керакки, у тежамли бўлиб, кам маблағ сарфланган ҳолда ички ва ташқи фойдаланувчиларни ккпроқ ахборотлар билан таъминлансин.

Бозор муносабатларига қтиш ва давлат мулкни хусусийлаштириш ҳкжалик юритишнинг мазмуни, тузулиши ва психологиясида жиддий қзгаришларга олиб келади. Бу қз навбатида, бухгалтерия ҳисобида туб қзгаришларни талаб қилади.

Бухгалтерия ҳисоби халқаро бизнес тили сифатида давлат қонунларини бажарилишини кафолатлаши, тадбиркорликни ривожлантиришига мулкни сақлаш ва ккпайишига хизмат қилиши, манфаатдор (инвесторлар, акциядорлар, банклар, фондлар, мол юборувчилар, мол олувчилар, расмий органлар ва ш.к.) лар томонидан муҳим иқтсодий қарорларни қабул қилишда (капиталини инвестиция қилиш, бозорга чиқиш, ходимларни ёллаш, солиқ сиёсати, молиялаш манбаларини қидириб топиш, ҳисоблашишлар ва ш.к.) зарур бқладиган тқлиқ ва ишонарли ахборотларни қз вақтида етказиб бериш керак.

Бухгалтерия ҳисобини ҳозирги замон талаби даражасида ташкил этиш қуйидаги комплекс тадбирлар билан таъминланади:

1. Бухгалтерия ҳисобини қонуний тартибга солиш ва унинг меъёрий базасини шакллантириш;
2. Услубий таъминот (йқриқномалар услубий кқрсатмалар, шархлар) билан;
3. Кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан;
4. Халқаро профессионал ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш йқли билан;
5. Ҳисобни бошқариш тизимини қайтадан ташкил этиш йқли билан.

Жаҳон амалиётига мос келадиган замонавий «Бухгалтерия ҳисоби тқғрисида»ги қонунсиз бухгалтерия ҳисобини етарли даражада қайта қуриш мумкин эмас. Жаҳон талабларига жавоб берадиган, халқаро тамойиллари ва қоидаларига мос келадиган, Қзбекистонда бухгалтерия ҳисобини ривожланишини ҳуқуқий асосларини таъминловчи қонун зарур эди.

Қонун бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, бухгалтерия ҳужжатлари ва регистрлари, актив ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш ва баҳолашнинг асосий тамойиллари ва қоидалари, қз ва қарзга олинган капитални ҳисоби, молиявий ҳисоботлар олдига ққйилган негиз вазифалар, мақсад ва талабларни белгилаб бериши керак.

Бундай муҳим ҳужжат 1996 йилнинг 30 августида қабул қилиниб «Бухгалтерия ҳисоби тқғрисидаги Қзбекистон Республикасининг Қонуни» номини олди. Қзбек экспертларининг таърифи бқйича бу қонун: бухгалтерия ҳисобини юритишнинг халқоро стандартлари талабларига жавоб беради; Қзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби тизимини тузилиш концептуал

асосларини назарда тутати; турли мулк шаклларига асосланган барча корхона, муассаса ва ташкилотларда ҳисоб юритишнинг ягона давлат томонидан тартибга солишни таъминлайди; бухгалтерия ҳисобини юритиш андазалари олдига қўйиладиган талабларни белгилайди. Бундан ташқари, у бухгалтерия ҳисобини юритишда ҳқжалик юритувчи субъектнинг ҳуқуқи, бурчи ва масъулиятларини, шунингдек молиявий ҳисоботни топшириш ва чоп этиш бўйича қўйилган талабларни белгилаб беради.

«Бухгалтерия ҳисоби тқғрисида»ги Қонунда халқаро талабларга биноан бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг қуйидаги асосий тамойиллари келтирилган:

- бухгалтерия ҳисобини икки ёқламали ёзув усулида юритиш;
- бухгалтерия ҳисобини узлуксизлиги;
- актив ва пассив муомалаларини пулда баҳолаш;
- ахборотларни ишончлилиги;
- ҳисоблаш;
- эҳтиёткорлик;
- шаклдан иқтисодий мазмунининг устиворлиги;
- корхона фаолиятининг давомийлик тамойили;
- ҳисобот кқрсаткичларини таққослаб бқладиганлиги;
- молиявий ҳисоботни холислиги (бетарафлиги);
- қринлилиқ (жойидалиги);
- ҳисобот давр даромад ва харажатларини мувофиқлиги;
- актив ва мажбуриятларни ҳақиқий баҳолаш.

Қонун корхонанинг ички бухгалтерия ҳисоби олдига қуйидаги асосий талабларни ққяди: - раҳбарнинг қонунчилиқка итоат қилиши; ҳисоботда келтирилган ахборотларга ташқи фойдаланувчилар томонидан ишонч ҳосил қилиш мақсадида келтирилган маълумотларни ишончлилигини аудитор томонидан тасдиқлангандан сқнг ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 майигача чоп этиш.

Бухгалтерия ҳисоби юритишнинг тамойилларидан бири махфийлик (ошкор қилмаслик)ни сақлаш бўлиб ҳисобланади. Бундан бухгалтерия ҳисоби регистрлари мазмуни билан танишиш маъмурият руҳсати ёки қонунчилиқ билан тутилган ҳолларда руҳсат этилади. Бухгалтерия ҳисоби регистрлари билан танишишга руҳсат этилган шахслар махфийликни сақлаши керак.

Бухгалтерия ва унинг бошқа бўлимлар билан алоқасаси

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини корхона, муассаса ва ташкилт раҳбари ташкил этади ва у қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- бош бухгалтер раҳбарлигида бухгалтерия ҳисоби хизмати ташкил этиш ёки шартнома асосида жалб қилинган бухгалтерлар хизматидан фойдаланиш;
- бухгалтерия ҳисобини юритишда шартнома аосисида ихтисослашган бухгалтерия фирмаларига ёки таркибидаги бухгалтерия ҳисоби субъекти кирадиган марказлашган ҳқжалик бирлашмалари ҳисоби бўлимига топшириш;

- бухгалтерия ҳисобини мустақил юритиш.

Корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарларига қўйиладиган таъминлаш маъсулияти юклатилган:

- ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- ички ҳисоб ва ҳисобот тизимини ишлаб чиқиш;
- ҳақжалик муомалаларини назорат қилиш тартиби;
- тўқлиқ ва ишончли бухгалтерия ҳисобини юритиш;
- ҳисоб ҳужжатларини сақлаш;
- ташқи ва ички фойдаланувчилар учун молиявий ҳисоботларни тайёрлаш;
- солиқ ҳисоботлари ва бошқа молиявий ҳужжатларни тайёрлаш;
- ҳисоб – китобларни қўзғатиш ва вақтида юритиш.

Бухгалтерия ҳисобини юритишда алоқадор бўлган раҳбарлар, бухгалтерлар ва бошқа шахслар бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишда бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойилларига риоя қилишлари керак.

Бухгалтерия аппарати ҳужжатларни ишлаб чиқиши, бухгалтерия регистрларида ҳисоб ёзувларини оқилона олиб бориши ва улар асосида бошқарув ва молиявий ҳисоботларни тузишни таъминлаши зарур.

Бухгалтерия аппарати, қуйидаги бўлимлардан ташкил топган:

- материал бўлими, бу ерда сотиб олинган материал қийматликларни, материал юборувчилар билан ҳисоб - китобларни, материалларни сақлаш ва фойдаланиш жойлари бўйича кирими ва сарфланишини ҳисоби юритилади. Қўшма катта бўлмаган корхоналарнинг бу бўлимида асосий воситалар, арзон ва тез эскирувчи буюмлар ва тайёр маҳсулотлар ҳисоби ҳам юритилади. Йирик корхоналарда бу участканинг маълумотларини ишлаб чиқиш учун махсус бўлим ташкил этилади;

- ҳисоблашиш бўлими, бу ерда дастлабки ҳужжатларга асосан иш ҳақи ҳисоблаш ва ундан ушланмалар бўйича барча ҳисоблашишлар олиб борилади, меҳнат ҳақи фонди ва истеъмол фондидан фойдаланиш бўйича назорат амалга оширилади, ижтимоий суғурта ва таъминотга ажратмалар бўйича, пенсия фондига бандлик фонди ва бошқалар бўйича ҳисоблашиш ҳисобини олиб боради;

- ишлаб чиқариш - калькуляция бўлими, бу бўлимда барча турдаги ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар ҳисоби юритилади, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи аниқланади ва ҳисобот тузилади, тугалланмаган ишлаб чиқаришга сарфланган харажатлар таркиби аниқланади.

- умумий бўлим, бу бўлимда юқорида санаб қўйилган бўлимларда ҳисобга олинмайдиган муомалалар ҳисоби юритилади, Бош дафтар юритилади ва бухгалтерия ҳисоби тузилади. Йирик корхоналарда молиявий бўлим ажратилиб, унда пул маблағлари, корхона ва айрим шахслар билан ҳисоб - китоблар ҳисоби юритилади.

Бухгалтерия корхонанинг барча ишлаб чиқариш бўлими (цех, бўлим)лари билан бевосита муносабатда бўлади. У улардан бухгалтерия ҳисобини юритиш учун тегишли маълумотлар олади, чунончи:

- кадрлар бўлиmidан – ишга қабул қилинганлиги, ишдан бўшатирилганлиги, таътилга чиққанлиги, корхона ичида бир жойдан иккинчи жойга қтказилганлиги тўғрисида шахслар рўйхати (буйруқ)ни олади;

- оғборлардан – товар – материал қийматликларини ҳаракати (кирим, чиқим, бир жойдан иккинчи жойга қтказилиши) тўғрисида ҳужжатлар олади;

- цехлардан – айрим ҳқжалик муомалалари (маҳсулотни ишлаб чиқариш ва ш.к.) бўйича ҳужжатлар, харажатлар бўйича ишлаб чиқариш ҳисоботи ва бошқаларни олади.

- Бош механикдан – асбоб - ускуналани ҳаркати ва уларни таъмири тўғрисида, автотранспортни ишлари ва бошқалар тўғрисида ҳужжатлар олади;

- Режа бўлиmidан – корхонанинг барча фаолишти бўйича тасдиқланган режа кўрсаткичлари (даромад ва харжатлар сметаси) ни олади;

- Меҳнат ва иш ҳақи бўлиmidан – алоҳида категория ишловчиларига ҳақ тўлаш ва мукофатлаш, ставкалар, оғладлар, штатларни қзғариши тўғрисида низоми.

4.2. Бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солиш

Корхонадаги ҳисоб ахборотларини бозор иқтисодиёти талабларига жавоб беришига, объектив, ҳаммага тушунарли рқйи – рост ва бошқарув фаолияти, шунингдек ташқи фойдаланувчилар учун ҳужжатларни қзлаштирганда эришиш мумкин.

Ўзбекистон ҳудудида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкилий – услубий асосини 1996 йил 30 - августда қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тқғрисида»ги Қонун, Қзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг раиси томонидан 1999 йил 5 - февралда тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тқғрисида»ги Низом ташкил этади. Шунингдек, 21 - сонли бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти «Хқжалик юритувчи субъектлар молиявий - хқжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни ққлаш бқйича йқриқнома» ҳам меъёрий ҳужжатлар жумласига киради. 21 - бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти 2004 йилнинг 1 - январида амалга тадбиқ этилиши мқлжалланган.

Бу меъёрий ҳужжатлар бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг умумий қоидаларини белгилайди ва кимнинг қарамоғида бқлиши, мулк шакллари ва фаолият турларидан, қатъий назар барча корхона ва ташкилотларга тегишлидир.

Шу билан бирга корхоналар бу меъёрий ҳужжатларга асосланиб хқжалик юритишнинг ташкилий – ҳуқуқий шакллари, тармоқ хусусиятлари ва фаолият характерлари, ходимлар малакаси ва бошқа вазифаларни инобатга олган ҳолда бухгалтерия ҳисоби ва назоратни ташкил этиш усулларини қзлари мустақил белгилаш ҳуқуқига эга.

«Бухгалтерия ҳисоби тқғрисида»ги қонун Қзбекистон Республикаси ҳудудида ҳам ундан ташқарида жойлашган барча Қзбекистон ҳудудида ҳам ундан ташқарида жойлашган барча Республикаси рқйхатдан қтган давлат ташкилотлари ва корхоналари, юридик шахслар, уларнинг шқъба корхоналари, филаллари, вакилликлари ва бошқа ташкилий бқлинмалари бухгалтерия ҳисобининг субъектлари эканлигини белгилайди.

Бухгалтерия ҳисобининг мақсади фойдаланувчиларни тқлик ишонарли, қз вақтида тузилган молиявий ва бухгалтерия ҳисобининг бошқа ахборотлари билан таъминлаш бқлиб ҳисобланади.

Бу мақсадга муваффақиятли эришиш учун бухгалтерия ҳисоби қуйидаги вазифаларни ҳал этиши керак:

- бухгалтерия ҳисоби счётларида активлар ҳолати ва ҳаракати, мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳолати тқғрисида тқлик ва ишонарли маълумотларин шакллантириш;
- самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумоларини умумлаштириш;
- молиявий, солиқ ва бошқа ҳисоботларни тузиш.

Ҳисоб сиёсати

Ҳқжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби маълум қоидалар ва тамойиллар бқйича юритилади.

Тамойил ва қоидаларнинг шундай мажмуини қрнатиш керакки, уни амалда ққллаш ҳисоб юритишининг максимал самарасини таъминласин. Бунда самара деб молиявий ва бошқарув ахборотларни қз вақтида шакллантириш кенг доирадаги фойдаланувчилар учун ишончилиги, равонлиги ва фойдалилигини таъминлаш тушунилади.

Назарий жиҳатдан корхоналарда бухгалтерия ҳисоби юритиш қоидаларини қрнатишга уч хил ёндашиш мавжуд:

1. Марказлаштирилган – бунда бухгалтерия ҳисобини юритиш ягона марказдан бошқарилади;

2. Марказлаштирилмаган - ҳар бир ҳқжалик субъекти учун бухгалтерия ҳисоби қоидаларини индивидуаллаштириш. Бу хил ёндашиш ҳисоб ишларини фаолият характериға айнан мос келишини таъминлагани билан бу бозор иқтисодиёти шароитида тқғри келмайди.

3. Аралаш – бу биринчи ва иккинчи ёндашишни оқилона бирлаштиришдир.

Жаҳон амалиёти шунини кқрсатмоқдаки, аралаш усулда марказлаштирилган тартибда қуйидагилар белгиланади.

Молиявий ахборотларни ишончилиги, таққосланувчанлиги ва фойдалилигини таъминлайдиган ҳисоб юритишнинг асосий қоида ва тамойилларини белгилаш.

Ҳисоб юритишнинг умумий қоидалари ва тамойиллари ҳар бир корхонанинг фаолият кқрсатиш шароитлари, ходимлар квалификацияси, мавжуд бошқарув техник базасидан келиб чиққан ҳолда конкретлаштирилади. Бошқача қилиб айтганда корхона қзининг ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

БҲМСга асосан ҳқжалик юритувчи субъект ҳар бир ҳқжалик йили учун қз ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиши керак.

Ҳисоб сиёсати деганда бухгалтерия ҳисоби тамойиллари ва асосларига биноан ҳисоб юритиш учун ҳқжалик юритувчи субъект раҳбари тамонидан қабул қилинади.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларига ҳқжалик фаолияти фактларини гуруҳлаш ва баҳолаш, активлар қийматини ҳисобдан чиқариш, ҳужжат

айланиш ва инвентаризацияни ташкил этиш усуллари, бухгалтерия ҳисоби счётларини ққлаш усуллари, ҳисоб тизими, ахборотларни ишлаб чиқиш ва бошқа тегишли усуллар киради.

Бу ҳисоб сиёсатида моддий қийматликларни тайёрлаш, сотиб олиш ва баҳолаш қоидалари ва тартиби, буюмларни асосий воситалар ва арзон ва тез эскирувчи буюмларга киритиш мезони, уларнинг эскириши, тайёр маҳсулотларни баҳолаш ва сотиш тартиби, бухгалтерия ҳисобини иш счётлар режасини ишлаб чиқиш ва бошқалар белгиланади. Навбатдаги ҳисобот йили учун ишлаб чиқилган ҳисоб сиёсати корхона раҳбари томонидан тасдиқлангандан снг юридик ҳужжат статусига эга бўлади.

Ҳқжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсати ҳқжалик раҳбарининг буйруғи билан тасдиқланади.

Ҳисоб сиёсатининг шакллантиришда субъект томонидан қабул қилинган бухгалтерия ҳисобини юритиш усуллари буйруқ чиққан йилдан кейинги йилнинг 1 - январидан ққлланилади. Бунда ҳқжалик субъекти бўлинмаларининг жойлашган жойларидан қатъий назар, барча структуравий бўлинмалари (алоҳида балансга ажратилганлари ҳам ққшилган ҳолда) томонидан ққлланилади.

Янги ташкил этилган ҳқжалик субъектлари қабул қилган ҳисоб сиёсатини молиявий ҳисоботини матбуотда биринчи нашр этилишигача, лекин давлат рқйхатидан қтган санадан 90 кундан кечикмасдан расмийлаштириши керак.

Календар йили ичида ҳисоб сиёсати қзгармайди.

Фақат қуйидаги ҳолларда ҳқжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсати қзгариши мумкин:

1. Субъект қайтадан ташкил этилса (бирлашиш, ажралиш);
2. Мулкдорларнинг алмашиши натижасида;
3. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги қзгарса ёки Қзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи норматив тизимида қзгариш бўлса;
4. Бухгалтерия ҳисобининг янги усуллари ишлаб чиқилса.

Ҳисоб сиёсати олдига қуйидаги асосий талаблар ққйилади:

- Тқлиқлилиқ (барча фактларни ҳисобда тқлиқ акс эттиришини таъминлаш);
- Эҳтиёткорлик - нобудгарчиликларни акс эттиришга тайёр бўлиш;
- Мазмуннинг шаклдан устунлиги (муомалаларни иқтисодий мазмунига қараб акс эттирилиши);
- Қарама - қаршисизлик (синтетик ва аналитик ҳисоблар маълумотларини тенглиги);
- Оқилона (ҳисобни тежамкорлик билан юритиш).

Такрорлаш учун саволлар:

1. Бухгалтерия ҳисоби тқғрисидаги Қонунда бухгалтерия ҳисобининг қандай тамойиллари келтирилган?
2. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш бқйича корхона раҳбари қандай ҳуқуқга эга?
3. Бухгалтерия аппарати қандай бқлимларга эга?
4. Бухгалтерия аппарати корхонанинг қандай бқлимлари билан бевосита муносабатда бқлади?
5. Бухгалтерия ҳисоби қандай меъёрий ҳужжат асосида юритилади?
6. 21 – БҲМС мазмуни асосан нимадан иборат?
7. Ҳаражатлар таркиби тқғрисидаги Низомнинг асосий мазмуни нимадан иборат?
8. Ҳисоб сиёсати деб нимага тушинасиз?
9. Қайси вақларда ҳисоб сиёсати йил давомида қзгариши мумкин?

5-БОБ. ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ҲИСОБИ.

5.1. Пул маблағлари ва ҳисоб-китоблар ҳисобини ташкил этиш

Мавзунини ўрганишга оид асосий-меъёрий ҳужжатлар:

1. *Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. 1996 йил 30 август.*
2. *«Юридик шахслар томонидан касса муомилаларини юритиш қондаси» Ўзбекистон Марказий банки (1998 йил 24 январ, 46-сон).*
3. *Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (Пул оқимлари тўғрисидаги 9-сон БҲМС)¹.*

Хўжалик юритувчи субъектларда пул маблағлари ҳисобини халқаро миқёсда қабул қилинган андозалар даражасида бўлишини тақозо қилади. Хўжалик юритувчи субъектларда пул маблағлари ҳисобини тўғри ва аниқ ташкил қилиниши, ҳамда уни такомиллаштириш ҳозирги куннинг долзарб вазифасидан бири ҳисобланади. Бундан ташқари хўжалик юритувчи субъектларда пул маблағлари ҳаракати жараёнларини такомиллаштириш масаласи устида изланишлар олиб борилиш лозим. Чунки републикамизда бу жараёнларда айрим муаммолар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида бозор муносабатларининг ривожланиши шартномавий муносабатлар асосларида меҳнат воситалари ва кредитларини харид қилиш, маҳсулот (*ишлар, хизматлар*) ни сотиш-сотиб олиш битимлар тузилаётган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида кенгайиб бормоқда. Бундан ташқари, бюджет, банклар, суғурта органлари, турли жамоат ташкилотлари, хайрия фондлари, бевосита ходимлар ва хоказолар билан тўлов муомалалари амалга оширилмоқда. Хўжалик юритувчи субъектлар, фуқароларнинг ғоятда кенг ва хилма-хил доираси билан амалий алоқалари хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг мунтазам ва объектив жиҳатдан муқаррар шартига айланмоқда. Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ҳар хил тўловлар ва ўзаро ҳисоб-китоблар натижасида пул қарзи тусини олган мулккий мажбурият кўринишида намоён бўлади.

Мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг пул маблағлари, хоҳ у хусусий бўлсин, хоҳ қарзга олинган бўлсин, кассадан ўтувчи пул қолдиқлари ва айланишдан фойдаланиладиган тушумнинг бир қисмидан ташқари, унинг банкдаги ҳисоб-китоб счётида сақланиши лозим. Банк хўжалик юритувчи субъектнинг счётлардан пулни ўтказиш ва бериш тўғрисидаги ҳамда банк қоидалари ва банк билан хўжалик юритувчи субъект ўртасидаги шартномада кўзда тутилган бошқа муомалаларни ўтказиш ҳақидаги фармойишларини бажаради.

Ҳисоб-китоблар ушбу икки шаклда: *нақд пулсиз ўтказишлар йўли билан ва нақд пулли тўловлар тарзида амалга оширилиши мумкин.* Хўжалик юритувчи

¹ Ушбу мавзуга оид иқтисодий адабиётлар рўйхати ўқув ёўлланманинг охирида келтирилган.

субъектлар ҳисоб-китоб счётини очиш учун банкка ариза, нотариус томонидан тасдиқланган таъсис шартномаси ва уставини тақдим этади. Ушбу ҳужжатлар асосида банк вақтинчалик ҳисоб-китоб счётини очади ва хўжалик юритувчи субъектларнинг капитал бадаллари суммасини қабул қилади. Хўжалик юритувчи субъект туман хокимлигида, адлия бошқармаларида, аудиторлик фирмалари ва хорижий компаниялар Адлия вазирлиги ва солиқ инспекциясида рўйхатга олинганидан сўнг банкка маълумотнома тақдим қилади сўнг хўжалик юритувчи субъект раҳбари ҳамда бош бухгалтернинг нотариус тасдиқлаган имзолари намуналари бўлган варақа доимий ҳисоб-китоб счётини очиш учун тақдим этилади. Банк муассасаси бош бухгалтери хўжалик юритувчи субъект уставининг асл нусхасида ҳисоб рақамини кўрсатган ҳолда сёт очилгани тўғрисида белги қўяди ва ушбу фактни гербли муҳр билан тасдиқлайди. Хўжалик юритувчи субъект ўзининг ҳисоб-китоб счётида бўлган барча маблағларини унга амалдаги қоидаларига мувофиқ берилган ҳуқуқлар доирасида эркин тасарруф этади.

Барча ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг банк хизмат кўрсатиши ҳақида шартнома имзоланади ва банк раҳбари томонидан хўжалик юритувчи субъектга маълум бир ҳисоб-китоб счёти номери берилади ҳамда банк бухгалтерия аппарати ходими томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағлари ҳаракати ҳисобини олиб бориш учун жорий сёт очилади.

Ҳисоб-китоб варағидан тўловлар мол етказиб берувчилардан олинган ТМЗ ва асосий воситалар, бюджет ва суғўртага бўлган қарзларини тўлаш учун, иш ҳақи бериш учун кассага нақд пул маблағлари олинади ва бошқа мақсадлар учун амалга оширилади. Ҳар бир тўлов хўжалик юритувчи субъект билан, яъни ҳисоб-китоб варағи эгаси билан келишган ҳолда амалга оширилади, лекин қуйидаги ҳолларда банк хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб-китоб счётидан маблағларни бошқа ташкилотлар ҳужжатлари мажбурий асосда ечиб олади: молия органларининг буйруқлари асосида, агар солиқларнинг тўлаш муддати ўтиб кетган бўлса; кредитдан фойдаланганлик учун фоиз; банк хизмати учун ва ҳоказо.

Нақд пулсиз тўловларни амалга оширишда томонларнинг масъулияти ҳар бир иштирокчи учун белгиланади. Масалан, мол етказиб берувчи учун бу – шартномага ва юклаб жўнатилган маҳсулотга мувофиқ амалга оширилган пул эквивалентини ўз вақтида олиш, харидор учун – мол етказиб берувчи томонидан шартнома шартлари бажарилиши.

Шу билан бирга банклар ҳам мулкчилик шаклидан қатъий назар, миждозлар олдида қабул қилган мажбуриятлар бажарилмагани учун шартнома асосида моддий жавобгар бўлади; уларнинг вазифалари – тўлов муомалаларини ўтказишнинг белгиланган қоидаларига қатъий риоя этилишини амалда таъминлаш, хизмат кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъект ва ташкилотларнинг ишлаб чиқиш ва тўлов муомалаларини тартибини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар киритишдир.

Банк орқали нақд пулсиз ўтказишлар йўли билан тўловлар шакли ёрдамида нафақат мол етказиб берувчилар билан улардан сотиб олинган

моддий бойликлар учун ёки харидорлар билан улар сотган маҳсулотлар, бажарган ишлар ва хизматлар учун ҳисоб-китоблар, балки шунингдек бюджет билан солиқлар бўйича, турли хил дебитор ва кредиторлар, бош (*асосий*) компания ёки бирлашма билан (*ички доиравий, ички хўжалик ҳисоб-китоблар*), касаба уюшма ташкилоти билан ҳисоб-китоблар ҳамда бир қанча бошқа тўловлар амалга оширилади.

5.2. Пул маблағлари ва ташкилотлар ўртасида ҳисоблашишлар ҳисобининг вазифалари.

Хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерияси, одатда, барча тўлов ва ҳисоб-китоб муомалаларини амалга оширади ҳамда ушбу муомалаларни қонунларга мувофиқ, ўз вақтида ва тўғри расмийлаштириш устидан назоратни амалга оширади.

Бухгалтерия ҳисоби олдида пул маблағлари, тўловлар, ҳисоб-китоблар ва кредитларни ҳисобга олиш борасида қуйидаги асосий вазифалар туради:

- хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағларини самарали бошқариш мақсадлари учун керакли ахборот билан таъминлаш;
- нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш;
- ҳисоб регистрларида тўлов ва ҳисоб-китоб муомалалари пул маблағларининг мавжудлиги ҳамда ҳаракатини тўлиқ ва тезкор акс эттириш;
- нақд пул маблағларидан хўжалик юритувчи субъектда ишлаб чиқилган лимитлар ва сметаларга мувофиқ фойдаланишнинг амалдаги қоидаларига риоя қилиш;
- пул маблағлари ва ўзаро ҳисоб-китоблар ҳолатининг инвентарланишини ташкил этиш ҳамда белгиланган муддатларда ўтказиш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини узиш муддатлари ўтиб кетишига йўл қўймаслик;
- кассада, банклардаги ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа счётларда пуллар мавжудлиги ва бутлигини назорат қилиш;
- пул ресурсларининг ҳаракат оқимини башорат қилиш ва пул маблағларининг ҳаракат оқимини мақбул ҳолга келтиришни тартибга солиш бўйича тегишли бошқарув қарорларини тайёрлаш.

Бош бухгалтер хўжалик юритувчи субъект раҳбари билан биргаликда қуйидагиларни таъминлаши керак: келиб тушаётган барча пул маблағларининг тўлиқ ҳисоби, шунингдек бошқа хизматлар (*юридик, молиявий ва ҳоказо*) раҳбарлари билан биргаликда дебиторлик қарзларини ундириш ва кредиторлик қарзларини узиш, тўлов интизомига риоя этиш, пул маблағлари, тўловлар бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар ва мажбуриятлар ҳолатини белгиланган муддатларда инвентарлаш, амалдаги қонунчиликка мувофиқ ундириш мумкин бўлмаган, даъво кўзғаш муддати ўтиб кетган қарзларни бухгалтерия балансларидан ўчириш.

5.3. Нақд пул, касса муомалаларининг ҳисобини юритиш тартиби.

Хўжалик юритувчи субъект кассасидан нақд пулни олиш ва харажатлаш билан боғлиқ бўлган муомалалар касса муомалалари деб юритилади. Хўжалик юритувчи субъектнинг бу борадаги хатти-ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан *“Касса муомалаларини олиб бориш тартиби”* да белгилаб берилган.

Касса муомалаларининг бухгалтерия ҳисоби **5000-“Касса”** ҳисобварағида юритилади. Мазкур счёт хўжалик юритувчи субъект кассаларида турган пул маблағлари ва уларнинг ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўз кассаларида уларга белгиланган лимитдан ортиқ нақд пулларни фақат иш ҳақи, мукофот, ижтимоий суғурта бўйича нафақалар, стипендия ва пенсияларни тўлаш учун, банк муассасасидан пул олинган кунни ҳам қўшиб ҳисоблаганда 3 банк иш кунидан ошмайдиган муддатда (*банк муассасасидан анча олисда жойлашган хўжалик юритувчи субъектлар учун 5 иш кун*) сақлаб туришлари мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектлар нақд пулларни ҳисобот топшириш шарти билан хизмат сафарларига хўжалик харажатлари экспедициялар, геология-разведка гуруҳлари, хўжалик юритувчи субъект раҳбарлари уларга касса хизматлари кўрсатувчи тижорат банки билан келишган ҳолда белгилаган миқдорларда берадилар.

Хизмат сафарлари харажатлари учун нақд пуллар хизмат сафарига юборилаётганларга республика ҳудудида амал қилувчи тартибга асосан белгиланган суммалар миқдорида берилади.

Ҳисобот топшириш шарти билан берилган, лекин харажатланмаган нақд пуллар шу маблағ берилган муддат тугаганидан кейин 3 иш кун

мобайнида хўжалик юритувчи субъект кассасига қайтарилиши керак. Ҳисобот топшириш шарти билан нақд пул олган шахслар харажатланган суммалар тўғрисида хўжалик юритувчи субъект бухгалтериясига (автобус, йўл патталари, меҳмонхона патталари, поезд патталари, самолёт патталари) ҳисобот беришлари шарт.

Илгари ҳисобот топшириш шарти билан берилган суммалар юзасидан тўлиқ ҳисобот берилганидан кейингина яна ҳисобот топшириш шарти билан нақд пул берилиши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектлар кассасидан нақд пуллар чиқим касса ордерлари асосида ёки тегишлича расмийлаштирилган бошқа ҳужжатлар (*тўлов ведомостлари, пул бериш тўғрисидаги аризалар, тўловнома ва бошқалар*) га асосан берилади. Бу ҳужжатларда чиқим касса ордери реквизитлари туширилган штамп изи бўлиши лозим. Нақд пул олиш учун тўлдирилган ҳужжатларда хўжалик юритувчи субъект раҳбари ва бош бухгалтернинг ёки улар ваколат берган шахсларнинг имзоси бўлиши керак.

Чиқим касса ордерларига илова қилинадиган ҳужжатлар, аризалар, тўловномалар (*счётлар*) ва бошқаларда хўжалик юритувчи субъект

рахбарининг ижозат берувчи имзоси бўлган ҳолларда чиқим касса ордерларида раҳбар имзоси бўлиши шарт эмас.

Чиқим касса ордери ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат бўйича алоҳида шахсга пул бераётганда кассир пул олувчидан унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилишини талаб қилади, ҳужжатнинг номи ва рақамини, у ким томонидан ва қачон берилганини ёзиб олади ҳамда олинаётган пулнинг миқдорини сўз билан ёздиради ва пул олувчига имзо чектиради. Агар чиқим касса ордерининг ўрнини босувчи ҳужжат бир неча шахсга пул бериш учун тузилган бўлса, у ҳолда олувчилар ҳам юқорида айtilган шахсни тасдиқловчи ҳужжатларини кўрсатадилар ҳамда тўлов ҳужжатларининг тегишли устунига имзо чекадилар.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ходимлари рўйхатида турмайдиган шахсларга пул тузилган шартномалар асосида ҳар бир шахс учун алоҳида ёзиладиган чиқим касса ордери бўйича берилади.

Кассир пулни фақат чиқим касса ордерида ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатда кўрсатилган шахсга беради. Айрим ҳолларда пул кўрсатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома асосида олинадиган бўлса, чиқим ордери матнида пул олувчининг фамилияси, исми, отасининг исмидан кейин пул олиш учун ишонч билдирилган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми ёзиб қўйилади. Агар пул ведомости бўйича берилаётган бўлса, пул олинганини тасдиқловчи имзо олдида кассир “Ишончнома асосида” деб ёзиб қўяди. Ишончномани кассир олиб қолади ва чиқим касса ордерига ёки ишончномага тикиб қўяди.

Кассир иш ҳақи, иш қобилиятини вақтинча йўқотиш нафақаси, стипендия, пенсия ва мукофотларни ҳар бир олувчи учун чиқим касса ордери тузмасдан, тўлов (*ҳисоб-китоб-тўлов*) ведомостлари бўйича беради.

Тўлов (*ҳисоб-китоб-тўлов*) ведомостининг юзида пул беришга рухсат этувчи устхат ёзилиб, хўжалик юритувчи субъект раҳбари ва бош бухгалтерининг ёки улар ваколат берган шахсларнинг имзолари, пул бериш муддатлари ҳамда сўз билан ёзилган сумма бўлиши шарт.

Иш ҳақи сифатида бир марта тўланадиган пуллар (*таътилга чиқаётганда, касал бўлганда ва ҳоказо*), шунингдек, депонентдаги суммалар, бир неча шахсларга хизмат сафари харажатлари учун ҳисобот топшириш шarti билан бериладиган пуллар ҳам шу тартибда расмийлаштирилади.

Бухгалтерия кассир томонидан тўлов ведомостларига киритган ёзувларни текшириб берилган ва депонентга қўйилган суммаларни инвентаризациялайди. Депонентлаштирилган суммалар банкка топширилади ва ушбу топширилган суммалар учун битта умумий чиқим касса ордери тузилади.

Бухгалтерия кирим касса ордерлари, уларнинг квитанцияларни, шунингдек чиқим касса ордерлари ва улар ўрнини босувчи ҳужжатларни сиёҳли ёки шарикли ручкада аниқ-равшан қилиб ёзиши керак. Касса ҳужжатларда бирор ёзувлар ўчирилиши, чапланиши ёки ўзгартарилишига, ҳатто тузатиш тўғрилиги қайд этилган бўлса ҳам, йўл қўйилмайди. Қуйидаги қоидага риоя қилиш тавсия этилади:

- кирим ва чиқим касса ордерларида уларни тузиш учун асос бўлган ҳамда илова қилинган ҳужжатлар кўрсатилади;

- кирим ва чиқим касса ордерларини ёхуд улар ўрнини босувчи ҳужжатларни пул топшираётган ёки олаётган шахслар кўлига бериш тақиқланади;

- касса ордерлари бўйича нақд пул фақат улар тузилган куни қабул қилиниши ва берилиши мумкин;

- кирим ва чиқим касса ордерларини ёки улар ўрнини босувчи ҳужжатларни олаётганда кассир қуйидагиларни текшириши шарт;

- ҳужжатларда бош бухгалтер имзоси, чиқим касса ордери ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатда эса хўжалик юритувчи субъект раҳбари ёки у ваколат берган шахснинг ижозат устхати борлиги ва ҳақиқийлиги;

- ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилгани;

- ҳужжатларда қайд этилган иловалар мавжудлиги.

Юқоридаги талаблардан бирортасига риоя этилмаган бўлса, кассир бу ҳужжатларни тегишлича расмийлаштириш учун бухгалтерияга қайтаради.

Касса кирим ва чиқим ордерлари бўйича пул берилган заҳоти кассир томонидан имзоланади, уларга илова қилинган ҳужжатлар эса тегишли штамп асосида “Пули тўланган” деб ёзиб, сана (*кун, ой, йил*) ни кўрсатиш йўли билан ҳужжат ёпилади.

Касса кирим ва чиқим ордерлари ёки уларнинг ўрнини босувчи ҳужжатлар кассага юборилишидан олдин бухгалтер томонидан кирим ва чиқим касса ордерларини рўйхатга олиш дафтарида қайд этилади. Иш ҳақи тўлаш учун мўлжалланган тўлов (*ҳисоб-китоб-тўлов*) ведомостларида расмийлаштирилган чиқим касса ордерлари пул тўланганидан кейин рўйхатга олинади.

Касса кирим ва чиқим ҳужжатларини ҳисоблаш техникаси ёрдамида рўйхатга олиб бориш мумкин. Бунда тегишли кун учун тузиладиган “Касса кирим ва чиқим ордерларини рўйхатга олиш дафтаридаги қистирма варағи” машинаграммасида пул маблағлари кўзланган мақсадлар бўйича ҳаракатланишининг ҳисобини юритиш учун керакли маълумотлар ёзилиши ҳам таъминланади.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъектда битта касса дафтари тўтилади. Бу дафтар саҳифалари рақамланган, ипча билан тикилган ва унинг учи сурғучли ёки мастикали муҳр билан тамғаланган бўлиши лозим. Касса дафтаридаги варақлар сони мазкур хўжалик юритувчи субъект ёки юқори ташкилот раҳбари ва бош бухгалтернинг имзолари билан тасдиқланади.

Касса дафтарида ёзувлар копировка қоғози (*қора қоғоз*) орқали шарикли ручкада 2 нусхада ёзилади. Саҳифаларнинг иккинчи нусхаси қирқиб олиниб ҳужжатлар илова қилинган ҳолда кассир ҳисоботи сифатида топширилади. Варақнинг сиёҳда ёзилган асл нусхалари касса дафтарида қолади.

Касса дафтаридаги ёзувлар ўчирилиши ҳамда тасдиқланмаган ўзгартишлар киритилиши ман этилади. Киритилган тузатишлар кассир, шунингдек хўжалик юритувчи субъект бош бухгалтери ёки унинг вазифаларини бажариб турган шахс имзолари билан тасдиқланади.

Кассир касса дафтарига ёзувларни ҳар бир ордер ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат асосида пул олинган ёки берилган заҳоти ёзади. Иш куни охирида кун давомида бажарилган муомалалар якунини ҳисоблаб, кассадаги пул қолдиғини кейинги кунга ўтказиши ва ҳисоботи сифатида иккинчи нусха (кун давомида касса дафтарига киритилган ёзувлар нусхаси) ни кирим ва чиқим касса ҳужжатлари билан бирга бухгалтерга топшириб, унга касса дафтарига имзо чектиради.

Кассир моддий жавобгарлик тўғрисида тузган шартномасига мувофиқ, ўзи қабул қилган барча бойликларни бут сақлаши, қилган ҳатти-ҳаракатлари натижасида, яъни ўз вазифаларига совуққонлик ёки ноҳалоллик билан қараш оқибатида хўжалик юритувчи субъектга етказилган ҳар қандай зарар моддий учун жавоб беради.

Кассада инвентаризацияси бир ойда бир марта ўтказилиб, унинг натижаси акт-таққослаш ведомостида тузилади. Инвентаризация вақтида пул кам чиқса, у моддий жавобгар шахсдан ундириб олинади, ортиқча чиқса, у ҳолда давлат бюджетига ўтказилади.

Текширишни амалга ошириш жараёнида бухгалтер қуйидаги тартибга риоя қилиши керак:

- Кассани текшириш кассир иштирокида амалга оширилади;
- Кассани текшириш пайтида барча касса жараёнлари тўхтатилади. Агар хўжалик юритувчи субъектда бир нечта касса мавжуд бўлса, ўтказиш ҳолда бухгалтер барча кассаларни муҳрлайди. Касса калити кассирда, муҳр эса бош бухгалтерда қолади;
- Кассадаги нақд пуллар ва қимматбаҳо қоғозлар кассир ва бош бухгалтер иштирокида бирма-бир санаб чиқилади. Пуллар қандай ҳолда бўлишидан қатъий назар, тўлиқ санаб чиқилиши лозим. Банк ўрамидаги пуллар ҳам ўрамидан олиб саналади. Санаш тугагач, далолатнома тузилади. Далолатномада кассадаги пуллар белгилари бўйича алоҳида кўрсатилади ва уларнинг тўлиқ суммаси ёзилади. Далолатномага тафтиш ҳайъати, бош бухгалтер ва кассир имзо чекади. Касса харажат ордери билан расмийлаштирилмаган турли хилдаги тилхатлар, ведомостлар ва счётлар текшириш жараёнида ҳисобга олинмайди;
- Кассадаги саналган пулларнинг ва қимматбаҳо қоғозларнинг ҳаммаси шу хўжалик юритувчи субъектга тегишли ҳисобланади, чунки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ва шахсларнинг пуллари ва қимматбаҳо қоғозларини хўжалик юритувчи субъект кассасида сақлаш тақиқланади;
- Кассадаги камомад ёки ортиқча пул маблағлари тўғрисидаги маълумотни аудитор далолатномада ёритади, пул маблағларининг кўпул маблағ ёки кам чиқиши сабаблари тўғрисида кассирдан тушунтириш хати олади. Камомад суммаси ёки суиистеъмол қилинган пул миқдори ҳаддан зиёд бўлса, бухгалтер ҳақда хўжалик юритувчи субъект раҳбарига хабар беради;

- Тўғри расмийлаштирилган касса ҳужжатларини аудитор кассирга текшириш вақтига қолдиқ чиқариш учун беради. Агар текшириш иш ҳақи бериш даврига тўғри келган, ведомостдаги пул қисман тўланган бўлса бу ведомост қоида бўйича бириктирилади ва ҳисоботга кўшилади;
- Кассани текшириш вақтида кассадаги қимматбаҳо қоғозлар (акциялар, облигациялар, сертификатлар), ёқилғи-мойлаш ТМЗларини олиш талонлари, қатъий ҳисобот бланкалари, дам олиш уйлари, сиҳатгоҳларга йўлланмалар ва бошқа пул ҳужжатлари миқдори далолатномада кўрсатилади.

Инвентаризация вақтида барча касса ҳужжатлари кўриб чиқилади. Банкдаги ҳисоб рақамидан олинган пулларни кассага тўла кирим қилиниши ведомостларини таққослаш орқали аниқлайди. Агар касса кирим ордерида, банк кўчирмасида, кассир ҳисоботида ёки чеклар қорешокларида суммалар мос келмаса, улар бевосита банк муассасасига бориб текширилади. Банк кўчирмаларида ўчирилган суммалар изи бўлса, тўғриланган суммалар аниқланса ёки қолдиқлар мос келмаса, ўтказиш ҳолда банкдаги жорий рақамдан ишончли кўчирмалар олинади.

Бухгалтерия томонидан олинган касса ҳисоботлари ва ҳужжатларига ишлов берилади. Ҳар бир ёзув моҳиятига қараб текширилади, бирламчи ҳужжат билан солиштирилади, шундан сўнг ҳисоботга 5000 - “Касса” ҳисобварағи билан аналитик корреспонденцияланадиган жамлама счёт ва счётнинг шифри кўйилади. Кассир ҳисоботи бўйича кун бошидаги пул қолдиғини бухгалтер аввалги ҳисоботда кўрсатилган кун охиридаги пул қолдиғи билан солиштиради ва чиқарилган оборотлар ҳамда қолдиқнинг тўғрилигини текширади.

Кассирнинг ишлов берилган ҳисоботи асосида бухгалтерияда 5000- “Касса” ҳисобварағининг кредити бўйича 1 - журнал-ордерда ва 5000- “Касса” счёт дебети бўйича 1- ведомостда касса муомалаларининг ҳисоби юритилади.

5000- “Касса” счёт дебет бўйича қуйидаги счётлар кредити билан корреспонденцияланади: 9010- “Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилишидан даромадлар” – сотилган маҳсулотлар учун кассага келиб тушган нақд пулларга; 9310- “Асосий воситаларнинг сотилиши ва тугатилишидан фойда” – асосий воситаларни нақд пулга сотишдан олинган тушум суммасига; 9320 – “Бошқа активларни тугатишдан олинган фойда” – бошқа моддий бойликларни нақд пулга сотишдан кассага келиб тушган суммага; 5110 – “Ҳисоб-китоб счёти” – банк муассасаларидан турли мақсадлар учун олинган суммага; 9390 – “Бошқа операцион даромадлар” – дебиторлардан пул келиб тушишига ва бошқа бир қатор счётлар.

5000 – “Касса” ҳисобварағи кредит бўйича қуйидаги счётлар дебети билан корреспонденцияланади: 5110 – “Ҳисоб-китоб счёти” – банкка топширилган нақд пулларга; 6510 – “Ижтимоий суғўрта бўйича тўловлар” – ижтимоий суғўрта фондидан касаллик варақалари бўйича тўловларга; 6710 – “Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар” – нақд пул

билан берилган иш ҳақи, мукофотларга; 4220 – “*Хизмат сафари учун бўнаклар*” - ҳисобот бериладиган бўнаклар тўланишига; 4210 – “*Меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнаклар*” – ижро варақалари бўйича нақд пул, депонент суммаларини тўлашга ва ҳоказо.

1-журнал-ордер ва 1-ведомостдаги жорий ёзувлар, шунингдек, баъзи бир бошқа журнал-ордерлардаги ёзувлар ҳам, айрим счётлар бўйича дебет ва кредит оборотларини ушбу счётлар бўйича таҳлилий ҳисоб олиб бориладиган журнал-ордерлар ёки ведомостларга кўчириш учун расшифровка варақларини тузишга олиб келади.

Қайднома **5000** – “*Касса*” ҳисобварағи бўйича жамлама ва айна вақтда таҳлилий ҳисобнинг регистри ҳисобланади. Ведомостга машинада ишлов бериш асосида дебети бўйича – кирим муомалаларининг, кредити бўйича - чиқим муомалаларининг суммалари гуруҳланадиган **5000**- жамлама счёт (*актив пул ҳисобварағи*) даги касса муомилаларини акс эттириш тартиби ётади. Сўнгра жамлама счётлар бўйича **5000** - счётга доир оборот ведомости тузилади, ундаги маълумотлар эса Бош дафтарга кўчирилади.

Касса жараёнларини инвентаризация пайтида касса ҳисоботларига илова қилинган қуйидаги шаклдаги ҳисоб ҳужжатларидан: КО-3 ва КО-4 “Касса кирим ва чиқим ҳужжатларини рўйхатга олиш журнали”, КО-4 шакли “Касса китоби”, КО-5 шакли “Кассир томонидан қабул қилинган ва тарқатилган пулларни ҳисобга олиш китоби”, 5000- “Касса” ҳисобварағи ҳисоб регистри, бош китоб ва текшириш даврига баланс маълумотларидан фойдаланилади.

Шунинг билан бирга, асосий эътибор касса ҳужжатларини расмийлаштиришда: ҳар бир ҳужжатда хўжалик юритувчи субъект раҳбари ва бош бухгалтернинг барча харажат варақаларидаги пул олувчиларнинг имзолари борлигига, касса ҳужжатлари ёпилганлигига, улардаги кирим ҳужжатларида “олинди”, харажат ҳужжатларида “тўланди”, деган штампларни қўйилганлигига, аниқ вақтлар кўрсатилганлигига, ўчиришлар ва тўғрилашлар йўқлигига қаратилади.

Амалиётлар шуни кўрсатадики, касса соҳасидаги суистеъмоллар асосан иш ҳақи ва ҳисобдор шахсларга берилган пуллардан аниқланади. Шунингдек, ведомостларга ишламайдиган одамларнинг қўшилиши, берилган суммаларнинг жами кўпайтириб кўрсатилиши ва касса ҳисоботларига харажат ҳужжатларини қайтадан қўшиш мақсадида улардаги вақтларни ўзгартириш ҳоллари учраб туради.

Касса ҳужжатларини текшириш бир вақтнинг ўзида касса ва молия интизомига риоя қилишни текшириш ҳисобланади.

5.4. Банк муассасаларидаги пул маблағлари бўйича ҳисоб-китоб, валюта счёти ва банкдаги бошқа счётларнинг ҳисобини ташкил қилиш

Хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг бўш (вақтинча ишлатилмаётган) пул маблағларини банкда сақлашлари шарт. Хўжалик ҳисобидаги ўзининг оборот маблағларига ва мустақил балансига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар учун банк ҳисоб-китоб счёти очади. Ушбу ҳисоб-китоб счётидан пул маблағларини бошқа ҳисоб-китоб счётига ўтказиб қўйиш йўли билан нақд пулсиз ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилади.

Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларининг харажатланиши ёки ўтказилиши хўжалик юритувчи субъект, яъни унинг эгасининг рухсати билан амалга оширилади. Айрим ҳолларда ҳисоб-китоб счётидан пул маблағи хўжалик юритувчи субъект рухсатсиз харажатланиши мумкин; масалан, арбитраж суд буйруқлари асосида, бюджетга солиқ ва тўловларни ўз вақтида тўланмаган бўлса ва ҳоказо. Банк хўжалик юритувчи субъект пул маблағларининг тўғри харажатланиши, яъни белгиланган мақсадга харажатланиши устидан назорат олиб боради.

Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фаолият юзасидан ҳисоб-китоб счётига маблағ қуйидаги ҳолларда келиб тушади:

- 1) харидорларга сотилган маҳсулот учун;
- 2) харидорларга сотилган ортиқча ТМЗлар, асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа товар моддий бойликлар учун;
- 3) таъсисчилар бадали сифатида;
- 4) давлат бюджетидан;
- 5) банкдан олинган кредитлар ва бошқалар;
- 6) беғараз ёрдамлар ва хайрия фондларига ҳадя қилганда.

Ҳисоб-китоб счётидан қуйидаги ҳолларда пул тўланиши мумкин:

- 1) мол етказиб берувчидан сотиб олинган хом ашё, ТМЗ ва бошқа товар моддий бойликлар юзасидан мол етказиб берувчилардан бўлган қарз қайтарилганда;
- 2) банкдан олинган кредитлар қайтарилганда;
- 3) бюджетга ҳар хил тўловлар тўланганда;
- 4) касаба уюшма ташкилотларига ижтимоий суғўрта ажратмалари ўтказилганда;
- 5) кассага иш ҳақи тўлаш учун нақд пул берилганда.

Банк муассасаси хўжалик юритувчи субъект ҳисоб-китоб счётида қолган маблағ чегарасида унинг эгасининг кўрсатмаларини бажаради, яъни ҳисоб-китоб счётидан маблағ беради ёки ўтказилади. Хўжалик юритувчи субъект ўз мажбуриятларини ўз вақтида тўлаши лозим.

Ҳисоб-китоб счётидан тўланадиган маблағ маълум тартибда, яъни ҳисоб-китоб ҳужжатларининг банкка келиб тушиши тартибига қараб навбат билан тўланади. Хўжалик юритувчи субъект, муассаса ва ташкилотлар ўртасида олиб

бориладиган ҳисоб-китобда қўлланиладиган ҳужжатлар ҳамма учун бир хил бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- 1) Тўлов талабнома;
- 2) Тўлов топшириғи;
- 3) Ҳисоб-китоб чеклари;
- 4) Инкасо топшириқномаси;
- 5) Акцепт.

Агар хўжалик юритувчи субъектнинг банкдаги ҳисоб-китоб счётида маблағ бўлмаса ёки счётни тўлаш учун маблағ етишмаса, у ҳолда ҳужжат банкнинг 2-номерли махсус картотекасида сақланади ва счётга маблағ келиб тушиши билан тўланади.

Банк муассасаси маълум белгиланган муддатда (счёт эгаси билан келишилган муддатда) хўжалик юритувчи субъектга ҳисоб-китоб счётидан кўчирма юборади. Кўчирмага бошланғич ҳисоб-китоб ҳужжатлари қўшиб топширилади. Кўчирмада операция суммаси, счётдаги бошланғич ва охири қолдиқ кўрсатилади. Бухгалтерия ходимлари банкдан олинган кўчирмадаги ёзувларнинг тўғрилигини, уларни кўчирмага илова қилинган ҳужжатлардаги суммалар билан мувофиқлигини диққат билан текширадилар. Ҳисоб-китоб счётидаги операциялар ҳисобини юритиш учун 5100 - «Ҳисоб-китоб» счётидан фойдаланилади.

<i>Актив счёт</i>	
<i>Д-т</i>	<i>К-т</i>
5100-Ҳисоб-китоб счёти Бош. қолдиқ. (кўпайиши) + Охири қолдиқ	(камайиши) -

Ҳисоб-китоб счётининг дебети қуйидаги счётлар кредити билан корреспонденцияланади:

- 4010 - сотиш қилинган маҳсулот учун харидордан келиб тушган маблағ ёки бажарилган хизмат учун олинган маблағ суммасига;
- 5010 - кассадан пулнинг қайтарилиши;
- 6810 - банкдан кредит олинганда;
- 4800 - дебиторлар қарзи тўланганда;

Ҳисоб-китоб счётининг кредити қуйидаги счётлар дебети билан корреспонденцияланади:

- 5010-кассага иш ҳақи тўлаш ва бошқа мақсадлар учун нақд пул чек билан берилганида;
- 6010 - мол етказиб берувчилардан сотиб олинган хом ашё, ТМЗлар учун қарз тўланганда;
- 6410 - солиқлар бюджетга ўтказилганда.

Хўжалик юритувчи субъект бухгалтерияси ҳисоб-китоб счётидан кўчирма ва унга илова қилинган ҳужжатларни ҳар томонлама текширгандан сўнг, ҳужжатларни қайта ишлаш учун ҳисоблаш машиналарига беради. Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклини қўлловчи хўжалик юритувчи субъектларда ҳисоб-китоб счётининг кредити бўйича ёзувлар 2-журнал-ордерга, дебити бўйича ёзувлар эса 2- ведомостга ёзиб борилади. Журнал-ордер ва ведомостга ёзув банкдан олинган кўчирма ва унга илова қилинган ҳужжатлар асосида ёзилади. Журнал-ордер ва ведомостнинг ойлик жами суммаси «Бош китоб»га кўчирилади.

Ҳар бир ишлаб чиқариш бирлашмаси учун банкда ҳисоб-китоб счёти очилади. Ҳисоб-китоб счёти бош хўжалик юритувчи субъект жойлашган туманга хизмат қилувчи банкда очилади. Бош хўжалик юритувчи субъектга қарашли филиаллар учун ҳисоб-китоб счёти субсчётлари ёки жорий (текуший) счётлари очилади.

Бирлашма ҳисоб-китоб счётидан бирлашма фаолияти билан боғлиқ ҳамма операциялар амалга оширилади. Ҳисоб-китоб счёти субсчётлари ёки жорий счётга бирлашма ҳисоб-китоб счётидан маблағ ўтказилади. Маблағ иш ҳақи, мукофот тўлаш, мол етказиб берувчилар счётларини тўлаш, хўжалик харажатларини қоплаш ва бошқа мақсадлар учун ўтказилади.

Чет эл валютаси билан боғлиқ муомалаларни ҳисобга олиш:

- 1) чет эл валютаси, яъни бошқа давлатларнинг банкнот, хазиначилик билети, танга кўринишида пул белгиси бўлиб, муомалада қонуний тўлов воситаси сифатида қатнашади. Чет эл давлатларининг счётлардаги маблағи, уларни пул бирлигидир ёки халқаро пул ва ҳисоб-китоб бирлигидир;
- 2) чет эл валютаси - қимматли қоғозлар кўринишида ҳам бўлади. Булар - тўлов ҳужжатлари, чеклар, векселлар, аккредитивлар, фонд қийматликлари, акциялар, облигациялар ва бошқа чет эл валютасида ифодаланган қарз мажбуриятлари;
- 3) қимматбаҳо металллар (олтин, кумуш ва бошқалар).

Чет эл валютаси ундан фойдаланиш нуқтаи назарига кўра қуйидагиларга бўлинади:

- 1) Эркин конвертирланадиган;
- 2) Конвертирланадиган;
- 3) Якка ҳолдаги;

Эркин конвертирланадиган валюта - бу эркин ва чекланмаган ҳолда бошқа чет эл валюталарига алмаштириладиган валютадир (АҚШ доллари, Англия фунт стерлинги, евро ва бошқалар).

Конвертирланадиган валюта - бу иштирокчилар келишган ўзаро муқобил маблағ ва мажбуриятлар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китобдаги валютадир. У бухгалтерия ёзуви кўринишида банк счётида ўз ифодасини топади.

Якка ҳолдаги (конвертирланмайдиган) валюта - бу миллий валюта бўлиб, у фақат битта давлат чегарасида ҳаракатда бўлади ва бошқа чет эл валютасига алмаштирилмайди.

Валюта операциялари - бу валюта бойликларига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектларда амалга оширилган операциялардир.

Чет эл валютаси ва чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялар қуйидаги турларга бўлинади:

- 1) Жорий валюта операциялари;
- 2) Капитал ҳаракати билан боғлиқ бўлган валюта операциялари.

Жорий валюта операцияларига қуйидагилар киради:

- 1) Товарлар, иш ва хизматлар экспорти ва импорти бўйича тўловларни кечиктирмасдан амалга ошириш учун чет эл валютасини Республикага олиб кириш ва Республикадан ўтказиш ҳамда 180 кундан ошиқ бўлмаган муддатга экспорт-импорт операцияларини кредитлаш билан боғлиқ бўлган ҳисоб-китобларни амалга ошириш;
- 2) 180 кундан ошиқ бўлмаган муддатга молия кредитларини олиш ва бериш;
- 3) Республикага ва Республикадан фоизлар, дивидендлар ва улуш бўйича бошқа даромадларни, капитал ҳаракати билан боғлиқ инвестициялар, кредитлар ва бошқа операцияларни ўтказиш; савдо характерида эга бўлмаган меҳнатга ҳақ тўлаш суммалари, нафақа, алиментлар, ҳамда бошқа шунга ўхшаш операциялар суммаларини ўтказиш.

Капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларига қуйидагилар киради:

- 1) тўғри инвестициялар, яъни хўжалик юритувчи субъектни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини олиш ва даромад ундириш мақсадида хўжалик юритувчи субъект устав капиталига маблағ қўйиш;
- 2) портфель инвестициялари, яъни қимматли қоғозларни сотиб олиш;
- 3) бино, иншоот ва бошқа мулк, ер ва унинг бойликлари қўшилган ҳолда республиканинг амалдаги қонунларига кўра, уни жойи, кўчмас мулкка мулкчилик ҳуқуқи тўловини ўтказиш, ҳамда кўчмас мулк бўйича бошқа ҳуқуқлар, товарлар, иш, хизматлар экспорти ва импорти бўйича 180 кундан ортиқ бўлган муддатга тўлов муддатини кейинга суриш ва тақдим этиш;
- 4) 180 кундан ортиқ бўлмаган муддатга молия кредитлари тақдим қилиш ва олиш.

Валюта базаси бўлиб, Ўзбекистон сўми ҳисобланади. Бу шунинг билдирадигани, бухгалтерия ҳисобида ҳамма ёзувлар, бу ёзувлар акс эттирилган хўжалик операцияларида ҳақиқатда фойдаланилган валюта туридан қатъий назар сўмларда олиб борилади.

Валюта курси - бу аукционларда, биржаларда, халқаро бозорларда, тижорат банклари ва бошқа юридик шахс ва фуқаролардан валюта сотиб олиш - сотишда таклиф ва талаб асосида таркиб топадиган бошқа миллий ёки халқаро валюта баҳосининг сўмдаги ифодасидир.

Курс фарқлари - бу уларни бухгалтерия ҳисобида рўйхат қилинган санаси ва ҳақиқатда амалга оширилган ҳисоб-китоб санаси курси бўйича валюта активи ва пасиви баҳолари ўртасидаги фарқдир.

Экспорт - бу Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан қайта олиб кириш мажбуриятсиз товарларни четга чиқариш ва чет эллик шахсларга пуллик хизмат фаолияти натижаларидан ҳуқуқ тавсия этишдир.

Резекспорт - бу Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ташиб келтириладиган ёки ташиб келтирилмайдиган импорт товарларнинг экспорти бўйича операцияларидир.

Чет эл валютасидаги ҳамма операциялар ҳисобда, операция юз берган санага ҳаракатдаги курс бўйича эквивалент суммада акс эттирилади. Эквивалент суммаси, валюта курси асосида чет эл валютасини сўмга қайта ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

Хўжалик операцияларини рўйхатга олиш санаси билан, операциялардан келиб чиққан ҳолда ҳар қандай пул позициялари бўйича аниқ ҳисоб-китобни амалга ошириш санаси ўртасидаги даврда валюта курсидаги ўзгариш курслар фарқини вужудга келтиради.

Курс бекарорлигига қараб ижобий ва салбий курс фарқлари вужудга келади.

5.5. Банкдаги махсус, аккредитив, чек дафтарлари ва бошқа махсус счётлар ҳисоби

“Хўжалик юритувчи субъектларнинг махсус счётларидаги пул муомалалари бухгалтерия ҳисоби 5500–“Банклардаги махсус счётлар” ҳисобварағида юритилади. Мазкур счёт мамлакатимиз ҳудудида ва ундан ташқарида аккредитивлар, чек дафтарчалари, бошқа тўлов ҳужжатлари кўринишида (векселлардан ташқари), жорий, алоҳида ва бошқа махсус счётларда турган миллий ҳамда хорижий валютадаги пул маблағлари ва уларнинг ҳаракати тўғрисидаги, шунингдек аниқ мақсадлар учун молиялаш маблағлари (тушумлари) нинг алоҳида сақланадиган қисми ҳаракати ҳақидаги маълумотларни умумлаштиришга мўлжалланган.

Хўжалик юритувчи субъектнинг валюта маблағлари банкларнинг транзит ва жорий валюта счётларида сақланиши лозим.

Транзит валюта счётида чет эл валютасида келиб тушган маблағларни ўтказиш билан боғлиқ операциялар ҳисоби юритилади.

Жорий валюта счёти эса чет эл валютаси тушумининг бир қисмини мажбурий сотишдан кейин хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қоладиган маблағни ҳисобга олишга мўлжалланган.

5500-“Банклардаги махсус счётлар” счёт таркибида қуйидаги илова счётлар очилиши мумкин:

5510-“Аккредитивлар”;

5520-“Чек дафтарчалари” ва бошқалар.

5530-“Бошқа махсус счётлар”

5510-“Аккредитивлар” илова ҳисобварағида аккредитивларда турган маблағлар ҳаракати ҳисобга олинади. Аккредитив шаклида ҳисоб-китоб қилиш тартиби Марказий банк қоидаларида белгилаб қўйилган.

Аккредитив банкнинг шартли пул мажбуриятномаси бўлиб, банк бу ҳужжатни миждознинг топшириғига кўра шартнома бўйича унинг контрагентига беради. Бу шартномага кўра аккредитив очган банк (эмитент банк) маҳсулот етказиб берувчига пул тўлаши ёхуд шундай тўловлар ўтказиш учун бошқа банкка ваколат бериши мумкин. Бунда миждоз аккредитивда кўзда тўтилган ҳужжатларни тақдим этиши ва аккредитивнинг бошқа талабларини бажариши шарт қилиб қўйилади.

Аккредитивларнинг қуйидаги турлари очилиши мумкин:

- қопланган (депонентланган) ёки қопланмаган (кафолатланган);
- қайтариб олинмаган ёки қайтариб олинмайдиган.

Агар аккредитив очилаётган вақтда эмитент банк тўловчининг ўз маблағларини ёки унга берилган кредитни эмитент банк мажбуриятлари амал қиладиган бутун муддатга “Аккредитивлар” деган алоҳида баланс ҳисобварағига қўйиш учун маҳсулот етказиб берувчи банки (ижрочи банк) ихтиёрига ўтказса, бу қопланган (депонентланган) аккредитив ҳисобланади.

Банклар орасида корреспондентлик муносабатлари ўрнатилган ҳолларда қопланмаган (кафолатланган) аккредитив ижрочи банкда унга эмитент банкнинг ижрочи банкдаги ҳисобварағидан бутун аккредитив суммасининг чиқариб олиш ҳуқуқини бериш йўли билан очилиши мумкин.

Ҳар бир аккредитивда у қайтариб олинадиган ёки қайтариб олинмайдиган шаклдалиги аниқ кўрсатилиши керак. Агар шундай кўрсатма бўлмаса, аккредитив қайтариб олинадиган, деб ҳисобланади.

Қайтариб олинмайдиган аккредитив унинг асосида пул оладиган маҳсулот етказиб берувчининг розилигисиз ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас.

Аккредитив фақат битта маҳсулот етказиб берувчи билан ҳисоб-китоб қилиш учун очилиши мумкин.

Аккредитив амал қиладиган муддат ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўловчи билан маҳсулот етказиб берувчи ўртасидаги шартномада белгилаб қўйилади. Шартномада қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши зарур:

- эмитент банк номи;
- аккредитив тури ва уни ижро этиш усули;
- аккредитив очилганлиги тўғрисида маҳсулот етказиб берувчига хабар қилиш усули;
- аккредитив бўйича пул олиш учун маҳсулот етказиб берувчи тақдим этадиган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати ва аниқ тавсифи;
- товар жўнатилгандан кейин ҳужжатларни тақдим этиш муддати ҳамда уларни расмийлаштиришга доир талаблар;
- бошқа зарур ҳужжатлар ва шартлар.

Эмитент кафолатланган аккредитивларни харидор билан келишувга кўра ва бошқа банк билан ўрнатилган корреспондентлик муносабатлари шартларига мувофиқ очади. Маҳсулот етказиб берувчининг банки бундай аккредитивларни белгиланган тартибда ижро этади.

Аккредитив очмоқчи бўлган тўловчи ўзига хизмат кўрсатувчи банкка (эмитент банкка) аккредитив учун электрон ариза беради. Бу аризада тўловчи қуйидагиларни кўрсатиши шарт:

- аккредитив очиш учун асос бўлган шартнома рақами;
- аккредитив амал қиладиган муддат (аккредитив ёпиладиган кун ва ой);
- маҳсулот етказиб берувчининг номи;
- аккредитивни ижро этувчи банк номи;
- аккредитив ижро этиладиган жой;
- аккредитив бўйича тўловлар ўтказилишига асос бўладиган ҳужжатларнинг тўлиқ ва аниқ номи, уларни тақдим этиш муддати ва расмийлаштириш тартиби (тўлиқ батафсил рўйхат аризага илова қилиниши мумкин);
- аккредитив тури ва унга доир зарур маълумотлар;

- аккредитив қандай товарлар юклаб жўнатиш (хизматлар кўрсатиш) учун очилаётгани, товарлар юклаб жўнатиш (хизматлар кўрсатиш) муддати;
- аккредитив суммаси;
- аккредитивни амалга ошириш усули.

Элетрон тўлов ҳужжатини тўғри расмийлаштириш учун тўловчилар маҳсулот етказиб берувчидан аккредитив бўйича унинг номига очилган счёта рақамини аниқлаб олишлари керак.

Аккредитив очиш тўғрисидаги ариза аккредитив шартларини бажариш учун тўловчи банкка зарур миқдордаги нусхаларда тақдим этилади.

Банк муассасасига келиб тушган аккредитивлар ҳисобини юритиш учун тўловчи банкка “пули тўланадиган аккредитивлар” деган балансдан ташқари счёта очилади.

Ижрога қабул қилинган аккредитив махсус шаклдаги дафтарда рўйхатга олинади. Унда сана, тартиб рақами, маҳсулот етказиб берувчининг номи, аккредитив муддати ва сумма кўрсатилади. Аккредитивга ўтказиш дафтарда рўйхатга олинган тартиб рақами берилади.

Хўжалик юритувчи субъектларда пул маблағлари аккредитивга киритилиши 5500 – “Банклардаги махсус счёталар” счёта дебетда ҳамда 5110 – “Ҳисоб-китоб счёти”, 5210 – “Валюта ҳисобварағи”, 6810 – “Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари” счёталари ва шунга ўхшаш бошқа счёталарнинг кредит қисмида акс этирилади.

5500-“Банклардаги махсус счёталар” счёти бўйича ҳисобга олинган аккредитивдаги маблағлар улардан фойдаланилишига қараб (банк берган кўчирмаларга мувофиқ), одатда, 6010 – “Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар” счёта дебетига ўтказиб борилади. Аккредитивлардаги фойдаланилмаган маблағларни банк улар олинган счётада тиклагандан кейин бу суммалар 5500 – “Банклардаги махсус счёталар” счёти кредитда 5110 – «Ҳисоб-китоб счёти» ёки 5210 – “Валюта ҳисобварағи” счёталари билан корреспонденцияда акс этирилади.

Чеклар билан ҳисоб-китоб қилиш тартиби Марказий банк чиқарган қоидаларда белгилаб қўйилган.

Ҳисоб-китоб чеки - счёта эгаси (чек берувчи) нинг ҳисобварағидан муайян суммани олувчи (чек ушловчи)нинг ҳисобварағига ўтказиш тўғрисида банкнинг махсус бланкида тузилиб, банкка ёзма равишда берган топшириқдир.

Ҳисоб-китоб чеклари хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар билан жисмоний шахслар ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишда қўлланилади.

Ҳисоб-китоб чеклари қуйидаги турларга бўлинади:

- банк акцептламаган чеклар;
- банк акцептлаган чеклар;
- эгасининг номи ёзилган (ҳисоб-китоб) чеклар – бир марталик;
- лимитланган дафтарчалар чеклари.

Чек бланклари Марказий банк билан келишиб белгиланган андозада, тижорат банкларининг буюртмалари бўйича тайёрланади. Чек дафтарчаларининг бланклари қатъий ҳисобда турадиган хужжатлар ҳисобланади.

Лимитланган чек дафтарчаларидан берилган чеклар уларни хизмат кўрсатувчи банкка тақдим этиш учун 10 кун мобайнида амал қилади. Бунда улар ёзиб берилган кун ҳисобга кирмайди.

Чеклар тўлов суммаси белгиланган вақтда ёзиб борилади. Чек дафтарчаларининг эгалари уларни маҳсулот етказиб берувчилар (чек бўйича пул олувчилар) га бериши, шунингдек тўлдирилмаган чек бланкларига имзо чекиб қўйиши тақиқланади.

Дафтарчадан чеклар берилаётганда маблағлар депонентга қўйилиши 5500 – “Банклардаги махсус счётлар” счёт дебетида ҳамда 5110 – “Ҳисоб-китоб счёти”, 5210 – “Валюта ҳисобварағи”, 6810–“Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари” счёт ва шунга ўхшаш бошқа счётларнинг кредит қисмида акс эттирилади. Банкдан олинган чек дафтарчалари бўйича суммалар хўжалик юритувчи субъект берган чеклар пули тўланишига қараб, яъни банк ўзига тақдим этилган чеклар пулини тўлаган (банк берган кўчирмаларга мувофиқ) суммаларда 5500 – “Банклардаги махсус счётлар” счёт кредитидан ҳисоб-китоблар ҳисоби юритиладиган счётлар дебетига ўтказиб турилади. Берилган, лекин банк пулини тўламаган чеклар бўйича суммалар 5500 – “Банклардаги махсус счётлар” ҳисобварағида қолади; 5520 – “Чек дафтарчалари” счётида бўйича сальдо банк берган кўчирмадаги сальдога мос келиши лозим. Банкка қайтарилган (фойдаланилмаган) чеклар бўйича суммалар 5500 – “Банклардаги махсус счётлар” счётнинг кредит қисмида 5110 – “Ҳисоб-китоб варағи” ёки 5210 – “Валюта ҳисобварағи” счётлари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

5520–“Чек дафтарчалари” илова счёт юзасидан таҳлилий ҳисоб олинган ҳар бир чек дафтарчаси бўйича юритилади.

5500 – “Банклардаги махсус счётлар” счётда очиладиган алоҳида аналитик счётларда аниқ мақсадлар учун молиялашга ажратилиб, банкда алоҳида сақланадиган маблағлар (тушумлар) ҳаракати ҳисобга олиб борилади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг алоҳида баланс билан ажратилган ва жорий харажатлар қилиш учун маҳаллий банк муассасаларида жорий счётлар очилган филиаллари, унга кирувчи таркибий бўлинмалар юқорида айtilган маблағлар ҳаракатини 5500–“Банклардаги махсус счётлар” счётнинг алоҳида аналитик ҳисобварағида акс эттирадидлар.

Хорижий валютада пул маблағлари мавжудлиги ҳамда ҳаракати ҳисоби 5500–“Банклардаги махсус счётлар” счётида алоҳида юритилади. Мазкур счётда таҳлилий ҳисоб юритилиши мамлакат ҳудудида ва хорижда аккредитивлар, чек дафтарчалари ва шу кабилардаги пул маблағлари мавжудлиги ҳамда ҳаракати тўғрисида маълумот олиш имкониятини таъминлаши лозим.

Пул маблағларидан чет эл валютасининг ҳисоби касса китобида 1- ва 2- журнал-ордерларда ва шунингдек, 1- ва 2-ведомостларда сўм тенглигида юритилади.

Валюта счётларидан маблағларни тегишли счётга ёзиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган тартибда олиб борилади.

Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 16 ноябрда 1085- сон билан рўйхатдан ўтказилган “Бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларда хорижий валютадаги операцияларни акс эттириш тартиби тўғрисида”ги Низомга, 2003 йил 7 июнда Адлия вазирлигида 1085-2 сон билан рўйхатдан ўтказилган Молия вазирлиги, ДСК, Иқтисодиёт вазирлиги, МБ, Давлат Статистика қўмитасининг қарори билан киритилган ўзгатиришларга мувофиқ, хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобот ойнанинг сўнги санасида ЎзР Марказий банки курси бўйича баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолаш натижасида юзага келган курс фарқини икки усулда ҳисобда акс эттиришлари мумкин:

- молия-хўжалик фаолиятининг натижаларига бевосита киритиш усули билан: - мусбат молиявий фаолиятдан даромадлар ҳисобга олинadиган счёталарга; - манфий-молиявий фаолияти бўйича харажатлар ҳисобга олинadиган счётларда;
- жамғариш усули билан: мусбат-муддати кечиктирилган даромадлар (келгуси даврлар даромади) ҳисобга олинadиган счёталарда, манфий-келгуси даврлар харажатлари ҳисобга олинadиган ҳисобварақларда

Илгари жамғарилган ҳамда баланснинг валюта моддаларини ҳар ойлик қайта баҳолашдан юзага келган курсдаги мусбат ва манфий фарқларнинг ҳисоб сиёсати қабул қилинган жорий йилининг охирига қадар ҳар ойда хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти натижаларига (тенг баравар) ҳисобдан чиқарилади.

Мисол тариқасида курс фарқларини турли усуллар билан акс этирилишини келтириб ўтамиз:

2005 йил «Мустақиллик» фирмаси ўз ишлаб чиқаришидан махсулотни хориж фирмасига сотди. Олди сотди шартномаси бўйича махсулотнинг қиймати 30000, шу жумладан ҚҚС–500 АҚШ долларини ташкил қилди. Харидор кейинги ойда хўжалик юритувчи субъект билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилиб бўлди. Олди-сотди шартномаси бўйича махсулот қийматидан 50 фоиз миқдорда олдиндан тўлов тўланди. Доллар курси қуйидагича бўлган:

- олдиндан тўлов пайтида – 1 доллар учун 795 сўм;
- юклаш пайтида – 1 доллар учун 800 сўм;
- ой охирида – 1 доллар учун 805 сўм;
- валюта ҳисоб варағига пул келиб тушган пайтда – 1 доллар учун 810 сўм.

Ой охирида валютадаги дебиторлик қарзини қайта баҳолаш чоғида юзага келадиган курс фарқи жамғариш усули бўйича: 6230- «Бошқа муддати кечиктирилган даромадлар»

№	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			Жамғариш усули билан		Бевосита киритиш усули билан	
1	Олдиндан тўлов акс эттирилди (50%x4000x795)	1590000	5110	6310	5110	6310
2	Махсулот сотиши акс эттирилди (3000x70)	3200000	3190	6310	9620	6310
3	Юкланган махсулотга ҚҚС ҳисоблаб ёзилди (3000x700x20/120)	533333	3190	6310	9620	6310
4	Олинган бўнак ҳисобга киритилди	1590000	6310	4010	6310	4010
3	Ой охирига сальдо (320000-1590000=1610000/2000=805)	Ой охирида қарз қолдиғи МБ курсига мос келганлиги туфайли қайта баҳолаш ўтказилмайди.				
5	Тўлов олингани акс эттирилди (2000x810)	1620000	5210	4010	5210	4010
6	Курс фарқини молиявий натижаларга ҳисобдан чиқариш акс эттирлади: - жамғариш усули билан (2000x(810-805)) - бевосита киритиш усули билан	10000	6230	9540	4010	9540

4010- «Харидор ва буюртмачилардан олишга доир ҳисобварақлар» ҳисобварағи билан корреспонденцияда акс эттирилиши ёки бевосита киритиш усули бўйича 9540- «Валюта курси фарқларидан даромадлар» ҳисобварағи кредитига ҳисобдан чиқарилиши мумкин. Харидорлар билан ҳисоб-китоблар бўйича ой охиридаги қарз қолдиғи МБ курси билан мос келганлиги туфайли мазкур мисолда қарзни қайта баҳолаш амалга оширилмайди.

Хорижий харидордан юкланган товарлар учун тўлов жамғариш усули бўйича келиб тушганда 4010- счёт улар ҳисобга киритилган санадаги курс бўйича пул маблағлари ҳисобга олинган счёт билан кредитланади- 3240000 сўм (4000x810). Мазкур санадаги қарз 10000 сўм (20000x(810-805)) қўшимча ҳисобланган ҳолда 6230- счёт билан корреспонденцияда 4010- счёт дебети бўйича қайта баҳоланади. Жамғарилган ва валютадаги дебиторлик қарзларини ҳар ойда қайта баҳолаш натижасида юзага келадиган курсдаги мусбат фарқлар уларнинг сўндирилишига қараб молия-хўжалик фаолияти натижаларига киритилади ҳамда 6230- счёт кредитига ҳисобдан чиқарилади.

Бевосита киритиш усули бўйича келиб тушган санадаги ЎзР МБ курси бўйича акс эттирилади, курс фарқи эса 9540- счёт кредитига ҳисобдан чиқарилади.

Юридик шахсларнинг даромадига (фойдасига) солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг (Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 13 мартда 1109-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 10 «л»-бандига мувофиқ валюта счётлари бўйича курсдаги мусбат фарқ фойда солиғини ҳисоб-китоб қилиш чоғида солиқ солинадиган базага киритилади.

Мисол. Хўжалик юритувчи субъект республика ҳудудидан рўйхатдан ўтган ва фаолият юритаётган хорижий компанияга маркетинг хизматларини кўрсатди. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича ишлар қиймати ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда 3000 АҚШ долларини ташкил қилди. Буюртмачи томонидан ўтган ойда юз фоизлик олдиндан тўлов АҚШ долларарида амалга оширилган. Доллар курси қуйидагини ташкил қилган:

- пул келиб тушган пайтда -620 сўм;
- ой охирида -625 сўм;
- бажарилган ишлар далолатномасини имзолаш пайтида-630 сўм.

Жамғариш усули бўйича 15000 сўм $(3000 \times (625 - 620))$ миқдоридан курсдаги манфий фарқ 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар» ҳисоб варағи билан корреспонденцияда 3190 «Бошқа олдиндан тўланган тўловлар» ҳисоб варағи дебетида, бевосита киритиш усули бўйича эса 9620-«Валюта курси фарқларидан зарарлар» ҳисоб варағи дебетида киритилади. Хорижий шерикка ҳисобот оyi охиридаги кредиторлик қарзи 1860000 сўмни $(1845000 + 15000)$ ташкил қилади.

Жамғариш усули бўйича бажарилган ишлар далолатномасини имзолаш чоғида 1890000 сўмлик $(1860000 + 3000) \times (630 - 625)$ суммадаги қарз қайта баҳоланиши ва ҳисобда акс эттирилиши лозим. 3190- Ҳисобварақда жамланган курсдаги манфий фарқлар кредиторлик қарзи сўндирилишига қараб молия-хўжалик фаолияти натижаларига киритилади ҳамда 3190-счёт кредитидан 9620-счёт дебетида ҳисобдан чиқарилади.

Бевосита киритиш усули бўйича курс фарқи 9620- счёт дебетида 4010 счёт билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Хорижий валютага оид операциялар бўйича курсдаги манфий фарқ фойда солиғини ҳисоб-китоб қилиш чоғида солиқ солинадиган базани камайтиради (Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомнинг 3.3- банди).

Бухгалтерия ўтказмалари

№	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, М.с	Ҳисобварақлар корреспонденцияси			
			Жамғариш усули билан		Бевосита киритиш усули билан	
			Дебет	Кредит	Дебет	Кредит
1	100%лик олдиндан тўловнинг олиниси (3000х620)	1860.000	5110	6310	5110	6310
2	Ойнинг охириг санасига Кредиторлик қарзини қайта баҳолаш (3000х(625-620))	15.000	3190	6310	9620	6310
3	Сўндириш санасига кредиторлик қарзини қайта баҳолаш (5000х(730-725))	15.000	3190	6310	9620	6310
4	Маркетинг хизматлари сотишси акс эттирилади	1575.000	4010	9030	4010	9030
5	Кўрсатилган хизматларга ҚҚС ҳисоблаб ёзилди	315.000	4010	6410	4010	6410
6	Бўнак ҳисобга олинди	1860.000	6310	4010	6310	4010
7.	Курсдаги манфий тафавут молиявий натижаларга ҳисобдан чиқарилди: -жамғариш усули билан; -бевосита киритиш усули билан.	5000 15000	9620	3190	9620	4010

5.6. Пул эквивалентлари, йўлдаги пуллар счёти

Пул эквивалентлари-бу пул маблағларига ўхшайдиган, лекин бошқача туркумланидиган активлардир. Улар касса вексель (касса векселлари – бу муомалага чиқарилган, кейин бир йилдан кам муддатга қайтариладиган давлатнинг фоизсиз мажбуриятларидир. Тўлаш қиймати билан чиқарилиш қиймати ўртасидаги фарқ харидорнинг фоиз даромади бўлади. Касса векселлари бир йил ичида ва ундан ортиқ муддатда тўланидиган давлат мажбуриятлари ҳисобланиб, агар улар жорий молиявий йил давомида тўланмаса, қисқа муддатли инвестиция сифатида туркумланимайди), тижорат векселлари (қисқа муддатли вексел – бу корпорациялар томонидан чиқарилган ўзининг қисқа муддатли пул маблағларига бўлган эҳтиёжларини молиялаштирувчи маблағлардир) ва депозит сертификатларидан (тезда талаб қилиб олиш мумкин бўлмаган депозит сертификатлари ёки банк депозитлари, муомаладан чиқариш йўли билан тўланиши мумкин) иборат. Эквивалентлар касса счётида ҳисобга олинади ва кўпинча пул эквивалентларини ҳисоблашиш воситаларига айлантириш эҳтиёжи йўқ.

Пул эквивалентлари ҳамда йўлдаги пул маблағларининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни қайд қилиш, умумлаштириш мақсадида 5600-«Пул эквивалентлари ва йўлдаги пул маблағлари» счётларидан фойдаланилади. Ушбу счётлар актив счётлар бўлиб пул маблағлари счётларининг гуруҳига мансубдир. Пул эквивалентлари 5600 счётда номинал қиймати ҳисобида олиб борилади.

Йўлдаги пул маблағлари, деганда товар ва маҳсулотларни сотиш натижасида кассага олинган нақд пулнинг банкдаги пул маблағларига ўтказиш учун инкассаторларга топширилган, аммо банк томонидан қабул қилинадиган тасдиқланмаган нақд пул маблағлари киради. Ушбу маълумотларни қайд қилиш ва умулаштириш қуйидаги счётлар амалга оширилади:

- 5610 «Йўлдаги пул эквивалентлари(турлари бўйича)»
- 5620 «Йўлдаги пул маблағлари(турлари бўйича)»

Ушбу маблағлар ва муомалаларни тегишли счётларда қайд қилиш қуйидаги ҳужжатларга асосан амалга оширилади:

- Тушган нақд пулларни топширганда - банкнинг патталари , алоқа бўлимларининг патталари, инкассаторларга топширилганлигини тасдиқловчи кузатув қайдномасининг нусхаси ва ҳоказолар;

Бош субъект юборган маблағга – санаси, топшириқнома номери, миқдори, банк ёки алоқа бўлимининг номи кўрсатилган билдиришномани олиш.

Пул эквивалентларининг ҳисоби ҳар бир пул эквиваленти (почта маркаси, давлат божхона маркаси, вексель ва ҳоказо) бўйича алоҳида- алоҳида юритилади.

Хўжалик юритувчи субъектларда, айниқса, хизмат кўрсатувчи соҳаларда кассага қабул қилинган нақд пуллар масъул ходимлар(инкассаторлар) орқали

банкдаги пул маблағлари счётига топшириш учун юборилади. Ушбу муомалаларни маҳсулотларни сотишдан олинган нақд пулларни(тушумларни) топширишни қайд қилиш, яъни сақланиш жойидан кетган (инкассаторларга топширилган) лекин йўналтирилган жойига келиб тушмаган нақд пулларни ҳисобга олиш 5620-«Йўлдаги пул маблағлари» счётида олиб борилади. Ушбу счёт транзит счёти ҳисобланиб, у пул маблағларининг ҳаракати ва ҳолати устидан доимий назоратни ўрнатишда боғловчи босқичини бажаради.

5620 – «Йўлдаги пул маблағлари» счётининг дебет томонида кассадан инкассаторларга топширилган нақд пуллар акс эттирилади ва шу вақтда 5010 ва 5020 счётларининг кредити томонида қайд қилинади. Ушбу маблағлар банкдаги тегишли пул маблағлари счётларига қабул қилингандан кейин эса 5620 – «Йўлдаги пул маблағлари» счётининг кредитидан пул маблағларини счётларининг 5110, 5210 дебетига ўтказилади.

Ушбу маблағлар ҳисобидан қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ва бошқа шахсларга бўлган қарзлар тўланса тегишли 6910-«Банкнинг қисқа муддатли кредитлари», 7510-«Банкнинг узоқ муддатли кредитлари, 6940-«Қисқа муддатли қарзлар» ва 7690-«Бошқа узоқ муддатли тўловлар» счётларининг дебетиде қайд қилиб борилади.

Ушбу счётни бош субъект ўзининг қарамоғидаги мустақил балансга ўтказилган бўлинмаларига пул маблағларини ўтказишда ушбу маблағлар ҳисобот даврининг охирида тегишли счётларига ўтказилмаганда қўллаиди.

Шунингдек, мустақил балансга ўтган бўлинмаларнинг пул маблағлари бош субъектга ўтказилаётганда шунга ўхшаш ҳолатлар вужудга келса, счётни юқорида келтирилган тартибда қўллаидилар.

Юқоридаги счётларда маблағлардан қайд қилиш учун қуйидаги ҳужжатлар асос бўлиб хизмат қилади:

- Кирим қилинган нақд пулларни топшираётганда – банкнинг ва алоқа бўлимининг паттаси, банкнинг инкассаторларига нақд пулларни топшираётганда кузатувчи қайдноманинг нусхаси ва бошқалар;
- Бош хўжалик юритувчи субъект ўзининг бўлимларига берилаётган суммалари бўйича ўтказиш учун пул маблағлари қабул қилган банк ёки алоқа бўлимининг номи ва суммаси ва авизо(хабарнома)нинг санаси, тўлов топшириқномасининг номери кўрсатилади.

Пул эквивалентлари ва йўлдаги пул маблағларининг аналитик ҳисоби уларнинг ҳар бир тури бўйича айрим олган ҳолда юритилади.

Йўлдаги пул маблағларининг ҳолати ва ҳаракатини счётларида акс эттиришнинг қуйидаги чизмаси келтирилган.

5610 – «Йўлдаги пул маблағлари счёти»

Дебет	Кредит
Сальдо – N бошланғич қолдиқ	
5010, Инкассаторларга кассадаги 5020, нақд пулларнинг топширилиши <ul style="list-style-type: none"> ▪ маҳсулотларни сотиш, ишларни бажариш, хизматларни кўрсатишдан тушга тушум ▪ молиявий муомалардан тушган тушум ▪ кассадаги лимитдан ортиқча пуллар 	Пул маблағларининг хи 5110 соблашиш счётига келиб тушиши Пул маблағларининг 5210 валюта сч.тига келиб тушиши Пул маблағларининг 5530 бошқа махсус счётларга келиб тушиши

Хўжалик юритувчи субъект томонидан инкассация қилинаётган пул ўтказмаларини амалга ошираётганда ушбу маблағларнинг ҳолати ва ҳаракати устидан назорат қилиш, яъни йўлдаги ва ўтказмалардаги пул маблағларининг тегишли жойларга банклар ёки олувчиларга бориб етгунча назоратини ташкил қилиш учун алоҳида 5710-«Йўлдаги ўтказмалар» счёти қўлланилади. Бу счётда миллий ва хорижий валюталарнинг ўтказилиши юзасидан яъни, алоқа бўлимларига топширилган, лекин тегишли манзилдаги олувчиларнинг счётларига бориб тушмаган йўлдаги ўтказмаларнинг ҳолати ва ҳаракати устидан назорат ўрнатилади. 5710-«Йўлдаги ўтказмалар» счётидаги тегишли суммаларни ўзиш учун банк муассаларининг патталари, алоқа бўлимларининг патталари ва бошқа тасдиқловчи ҳужжатлар асос бўлиб хизмат қилади.

Тегишли банкдаги пул маблағлари счётларидан банк кўчирмалари олингандан кейингина ушбу маблағлар 5710-«Йўлдаги ўтказмалар» счётининг кредитидан тегишли 5110, 5210, 5510, 5520, 5530, 6310, 6710 ва бошқа счётларнинг дебетига ўтказилади.

Хориж валютасидаги йўлдаги ўтказмалар 5710-«Йўлдаги ўтказмалар» счётида ушбу ўтказмаларнинг турлари бўйича ҳисобга олиб борилади.

5710-«Йўлдаги ўтказмалар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир ўтказманинг тури бўйича алоҳида юритилади.

Такрорлаш учун саволлар

1. *Касса ҳисоботи қандай тузилади?*
2. *Ҳисоб-китоб муомалалари деганда нимани тушунаси?*
3. *Валюта муомалалари нима?*
4. *Счет- фактура ва тўлов топшириқномаси нима?*
5. *Банкнинг қисқа муддатли кредити деганда нимани тушунаси?*
6. *Банкнинг узоқ муддатли кредити деганда нимани тушунаси?*
7. *Қисқа ва узоқ муддатли қарзлар бўйича ҳисоблашишлар?*
8. *Аккредитив нима?*
9. *Акцепт нима?*
10. *Чек нима?*
11. *Нақд пулсиз ҳисоблашиш шакллари нима?*
12. *Банкнинг махсус счётлари деганда нимани тушунаси?*

Асосий таянч сўз ва иборалар: *Ҳисоб-китоб усуллари, Касса, Ҳисоб-китоб счёти, Валюта счёти, Пул эквивалентлари, Йўлдаги ўтказмалар, Қисқа муддатли инвестициялар, Мол етказиб берувчи, Кредит, Бюджет, Олинадиган счётлар, Тўланадиган счётлар, Тўлов топшириқномаси, Тўлов талабномаси, Банк кўчирмаси, Касса ҳисоботи, Касса-кирим ордери, Касса-чиқим ордери, Тўлов қайдномаси.*

Фойдаланишга тавсия этиладиган адабиётлар.

1. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, “Халқ сўзи” 1996 й. 16 сентябр.
2. «Янги ҳисобварақлар режаси» 2004 йил 1 январ.
3. «Йиллик (чорак) ҳисобот шакллари тўлдириш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 27 декабр 140-сонли Йўриқномаси.
4. “Юридик шахсларда касса ва касса муомилаларини юритиш қоидаси” Ўзбекистон Марказий банки (1998 йил 24 январ 46- сон).
5. Умарова М. Эшбоев Ў. Ахмаджонов К. “Бухгалтерия ҳисоби” Тошкент “Меҳнат” 1999 йил.
6. Иткин Ю.М. Сотисолдиев А.С. “Бухгалтерский учет в условиях рыночной экономике Республике Узбекистан” Ассоциация Бухгалтеров и аудиторов, Т. 2000 г. 1-2 том.
7. Бобожонов О, Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб,-Т.: 2003, «Меҳнат».
8. И.А.Завалишина. «Практическое налогообложение», Издательский дом «Мир экономики имтиёз права». –Т.: -2003 -430 с.
9. А.Абдуллаев, И.Қаюмов. «Бухгалтерия ҳисоби» Ўзбекистон Республикаси «Минҳож» нашриёти. Т.: 2002, -186 б.

10. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий Ассоциациясининг тўпламлари. Т.: -2002 -190 б.
11. Ф.А.Ҷуломова. Бухгалтерия ҳисоби бўйича мустақил ўрганиш учун қўлланма/. «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2000. -368б.
12. М.Умарова, У. Эшбоев, К Ахмаджонов "Бухгалтерия ҳисоби" Тошкент "Мехнат"- 1999 йил.
13. А.Иброхимов, А.Каримов "Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби". Тошкент "Ўзбекистон" 1999 йил.
14. А.С. Сотиволдиев, Ю.М. Иткин. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий Ассоциацияси, Т.:2002, 1-2 томлар.

Қўшимча адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари. Ахборотнома 2003 -2005йил сонлари.
2. “Бозор пул ва кредит” журнали 2003-2005 сонлари.
3. “Солиқлар ва божхона хабарлари” газетаси 2003-2005 йил сонлари.

6-БОБ. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ВА НОМОДДИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ

6.1. Асосий воситаларни ҳисобга олиш вазифалари, уларни туркумлаш ва баҳолаш.

Асосий воситалар-бу узоқ муддат ўзининг табиий кўринишини сақлаб турадиган, аста-секин эскирадиган ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот қийматига ўз қийматини аста-секин ўтказадиган меҳнат воситаларидир.

Иқтисодий ислохатларни чуқурлаштиришда хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда асосий воситаларнинг ўрни ниҳоятда каттадир. Асосий воситалар хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш жараёнида жуда катта роль ўйнайди, чунки улар барча хўжалик юритувчи субъект таянадиган ва хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш қувватини баҳолаш мезони бўлган ишлаб-чиқариш техника базасини ташкил этади.

«Асосий воситалар» номли 5-сон БҒМСга асосан, **асосий воситалар** узоқ давом этадиган вақт мобайнида (бир йилдан ортиқ вақт давомида) моддий ишлаб чиқариш соҳасида ҳам амал қиладиган, шунингдек, ижарага бериш учун фойдаланиладиган моддий активлардир.

Хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситаларни ҳисобга олиш қуйидагиларни таъминлаши лозим:

- асосий воситаларнинг олинishi, ҳисобдан чиқарилиши, жойи ўзгартирилишини ҳисобда тўғри ва ўз вақтида акс эттириш;
- асосий воситаларни бошқа активлардан ажратилган ҳолда гуруҳларга бўлиб, уларни ҳисобга олишни ташкил қилиш;
- асосий воситаларни жорий ҳисобда ва бухгалтерия балансида тегишли андозаларга ва меъёрий ҳужжатларга асосан тўғри ва ўз вақтида баҳолаш;
- уларни сотиб олинганидан кейин ҳисобдан чиқарилишига қадар турган жойи (фойдаланиш жойи) бўйича мавжудлиги ва асралишини, айрим ҳолларда уларнинг асралиши учун маъсул бўлган шахслар бўйича назорат қилиш;
- асосий воситаларнинг эскиришини тўғри ва ўз вақтида ҳисоблаб чиқиш ва уни ҳисобда тўғри акс эттириш;
- таъмирлаш бўйича харажатларни аниқлаш ва бу мақсадлар учун ажратилган воситаларнинг оқилона ишлатилишини назорат қилиш;
- эскирган, хўжалик учун ошиқча бўлган асосий воситаларни ўз вақтида ҳисобдан чиқаришни таъминлаш;
- ҳисобдан чиқарилган асосий воситалар бўйича молиявий натижаларни тўғри ва ўз вақтида аниқлаш.

Ҳисоб ва режалаштиришда асосий воситалар маълум гуруҳларга бўлиниб ҳисобга олинади ва режалаштирилади. Чунки асосий воситаларни ҳисобга олиш, режалаштиришни тўғри ташкил қилишнинг муҳим шарти бўлиб, уларни илмий жиҳатдан туркумлаш ва баҳолаш ҳисобланади.

Асосий воситалар ишлаб чиқариш жараёнида қатнашишига қараб ишлаб чиқаришнинг асосий воситаларига ва ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган объектларга бўлинади.

Ишлаб чиқариш жараёнида қатнашадиган ва унга хизмат қиладиган меҳнат воситалари *ишлаб чиқаришнинг асосий фондлари* деб аталади. Уларнинг ишлаб чиқариш жараёнида қатнашишдаги роли ҳар хил, баъзилари, масалан, машиналар, ускуналар, асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришда меҳнат қуроллари сифатида қатнашади, баъзилари эса ишлаб чиқариш жараёнининг тўхтовсиз ишлаб туришини таъминлайди, масалан, иншоотлар, яна бошқалари эса, ишлаб чиқариш учун зарур бўлган шароит яратиб беради. Масалан, ишлаб чиқариш бинолари, йўллар ва бошқалар.

Ишлаб чиқариш жараёнида тўғридан-тўғри қатнашмайдиган объектларга уй-жой-коммунал хўжалиги воситалари, соғлиқни сақлаш муассасаларининг асосий воситалари (касалхона, амбулатория, поликлиника), маданият ва маориф муассасаларига қарашли объектлар (завод клублари, театрлар, кутубхона, болалар муассасалари) ва бошқалар киради.

Иқтисодиёт тармоқларининг туркумланишига мувофиқ асосий воситалар қуйидаги халқ хўжалик тармоқлари ва фаолият турларига бўлинади: саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, алоқа, қурилиш, савдо ва бошқалар. Масалан, саноат хўжалик юритувчи субъектларида «Саноат» тармоғига саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган ҳамда хўжалик юритувчи субъектнинг транспорт моддий-техника таъминоти, омбор хўжалиги ва бошқа бўлимларининг асосий воситалари киради.

Саноат хўжалик юритувчи субъектлари балансида акс эттириладиган ёрдамчи қишлоқ хўжалик бўлимига қарашли объектлар «қишлоқ хўжалик тармоғи», уй-жой-коммунал хўжалигига қарашли объектлар «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш» ва «Уй-жой-коммунал хўжалиги» тармоғига киради.

Демак, саноат корхоналаридан ташқари, бошқа халқ хўжалиги тармоқларига қарашли объектлар ҳам фойдаланишда бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан саноат корхоналарининг асосий воситаларини саноат ишлаб чиқариши ва бошқа халқ хўжалиги тармоқларининг ишлаб чиқариш фондларига бўлиш мумкин. Халқ хўжалиги тармоқларининг асосий воситалари ўз фойдаланиш нуқтаи-назаридан қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Бино;
2. Иншоот;
3. ўтказувчи қурилмалар;
4. Машина ва ускуналар;
 - а) куч машина ва ускуналари;
 - б) ишчи машина ва ускуналари;
 - в) ўлчов ва тартибга солувчи приборлар, қурилмалар ва лаборатория ускуналарига;
 - г) ҳисоблаш техникаси;
 - д) бошқа машина ва ускуналар;
5. Транспорт воситалари;
6. Инструментлар;
7. Ишлаб чиқариш инвентарлари ва жиҳозлари;
8. Хўжалик инвентарлари;
9. Ишчи ва маҳсулдор моллар;
10. Кўп йиллик дарахтлар;
11. Ерни яхшилаш бўйича капитал харажатлар (иншоотларсиз);
12. Бошқа асосий воситалар;

Фойдаланилиши нуқтаи назаридан асосий воситалар ҳаракатдаги, запасдаги ва фойдаланилмайдиган объектларга бўлинади.

У ёки бу хўжалик юритувчи субъектга қарашлилиги нуқтаи-назаридан асосий воситалар корхонанинг ўзига қарашли ва ижарага олинган объектларга бўлинади.

Хўжалик юритувчи субъект ва фирмаларда асосий воситалар ҳисобини юритишни соддалаштириш мақсадида улар муайян тасниф кўрсаткичлари орқали гуруҳларга бўлинади. Асосий воситаларнинг гуруҳларга бўлишнинг тасниф белгилари қуйидагилардир:

- бажарадиган вазифасига кўра;
- объектлардан фойдаланиш даражасига кўра;
- натурал-моддий таркибига кўра.

Асосий воситалар бажарадиган вазифасига кўра ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш воситаларига бўлинади. Ишлаб чиқариш асосий воситалари бевосита моддий неъматларни яратишда иштирок этадиган воситаларидир. Ноишлаб чиқариш асосий воситалари гуруҳига уй-жой ҳамда коммунал-хўжалик, маиший хизмат, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқаларнинг асосий воситалари киритилади.

Асосий воситаларнинг бундай гуруҳланиши улардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш, эскирган воситаларни алмаштириш, кераксиз асосий воситаларни бошқа хўжалик юритувчи субъектга бериш ёки сотиш тўғрисида қарор қабул қилиш, шунингдек уларнинг эскиришини тўғри ҳисоб-китоб қилиш учун зарур.

Ер амалдаги қонунчиликка биноан хўжалик юритувчи субъектга мулк тарзида берилган ер майдонидир. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 17-

моддасига биноан, «юридик шахслар Ер кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин». Ернинг қийматига уни харид қилишда кўчмас мулк агентларига тўланадиган комиссия тўловлар, адвокатлар хизмати учун ҳақ, харид қилишдаги солиқ тўловлари, дренаж қиймати, ерни тозалаш ва бошқа харажатлар қўшилади.

Ерни ободонлаштириш бўйича капитал харажатлар таркибига ернинг унумдорлигини ошириш, автомобиль ва бошқа транспорт турларига тўхташ жойларини барпо этиш ҳамда шунга ўхшаш бошқа харажатлар киради.

Биноларга ишлаб чиқариш корпуслари, цехлар, устахоналар, бошқарма биноси, омборхоналар, турар-жой бинолари ва бошқа ишлаб чиқариш, маъмурий-хўжалик ва ижтимоий-маиший мақсадлардаги объектлар, шунингдек улардан тўғри фойдаланиш учун зарур бўлган жами коммуникация воситалари (иситиш, ёритиш, шамоллатиш, сув-газ таъминоти тизими, ички телефон ва сигнализация воситалари, лифт хўжалиги) киради.

Иншоотларга меҳнат жараёни ва унинг натижаларини ўзгартирмаган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнларининг техникавий ёки умумий вазифаларини бажаришга хизмат қиладиган объектлар (нефть ва газ қудуқлари, шахта йўллари, автомобиль йўллари, кўприклар, эстакадалар, сув омборлари ва бошқалар) киради.

Узатувчи мосламаларга машина-двигателдан иш машиналарига электр, иссиқлик, механик энергияни узатишга, шунингдек суюқ ва газсимон моддаларни бир объектдан бошқа объектга етказиб беришга хизмат қиладиган қурилмалар (электр узатиш йўллари, қувур йўллари, иссиқлик ва газ тармоғи ҳамда бошқалар) киради.

Машина ва жиҳозлар асосий воситаларнинг энг асосий тури ҳисобланади ва ўз навбатида қуйидаги гуруҳлардан таркиб топади:

◆ куч машина ва жиҳозлари электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарадиган ёки уни механик ҳаракат энергиясига айлантириб борадиган генератор-машиналар, двигатель машиналар (қозонхоналар, буғ двигателлари, турбиналар, куч трансформаторлари ва бошқалар)дир;

◆ иш машиналари ва жиҳозлари меҳнат предметларига механик, термик, кимёвий ёки бошқа йўсинда технологик ишлов беришга, уларни ишлаб чиқариш жараёнида қўзғатиш, қазиб олиш, эритиш, тайёрлашга хизмат қиладиган қурилмалар (станоклар, аппаратлар, агрегатлар)дир;

◆ ўлчов ва ростлаш асбоблари ҳамда қурилмалари ва лаборатория жиҳозлари фойдаланиладиган техника ишидаги турли параметр (кўрсаткич)ларни ўлчаш, ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш, хом-ашё, ТМЗлар ва тайёр маҳсулотлар сифатини текшириш, намлик даражаси, шовқин таъсири ва бошқаларни ўлчашда ишлатилади. Уларга манометрлар, тарозилар, микроскоплар, диспетчерлик назорати ва бошқалар киради;

◆ ҳисоблаш техникаси маълумотларни электрон ҳисоблаш машиналарида қайта ишлайдиган воситалардир. Уларга компьютерлар, принтерлар ва бошқа компьютер воситалари киради;

◆ бошқа машина ва жиҳозларга юқорида санаб ўтилмаган машина ва жиҳозлар (ўт ўчириш ва бошқа махсус машиналар) киради.

Транспорт воситалари кишилар ҳамда юк ва турли мақсадлардаги нарсаларни ташишга мўлжалланган ҳаракат воситалари (темир йўл, сув, автомобиль, коммунал транспорти ва муҳим нефть қувур йўллари)дир.

Асбоб ва ускуналар қўл меҳнати жараёнида ишлатиладиган ёки иш қисмларини кучайтириш, ошириш учун машинага бириктириладиган воситалар (электродреллар, вибраторлар)дир.

Ишлаб чиқариш инвентарлари ишлаб чиқариш жараёнини енгиллаштиришда ишлатилади. Уларнинг таркибига бак, контейнер, инвентарь идишлари киради.

Хўжалик инвентари идора (офис) ишларини ва хўжаликни юритишда зарур бўлган нарсалардир.

Иш ҳайвонлари ва маҳсулдор чорва ҳар бир етилган мол (от, хўкиз, сигир)лар бўлиб, алоҳида инвентарь объекти сифатида ҳисобда акс эттирилади.

Кўп йиллик дарахтлар алоҳида хиёбон, парк, боғдаги миқдори ва ёшидан қатъий назар экилган дарахтлар гуруҳидир.

Бошқа асосий воситаларга кутубхона воситалари, ижарага олинган асосий воситалар, консервациядаги асосий воситалар ва бошқалар киради.

«Асосий воситалар» номли 5-сон БҒМСга биноан асосий воситалар қуйидаги баҳоларда баҳоланади:

Дастлабки қиймат-активни харид қилишда ҳақиқатда тўланган пул маблағлари ёки уни барпо этишда амалга оширилган ҳақиқий харажатлардир. Харид қилишнинг ҳақиқий қиймати асосий воситани харид қилиш ва уни ишлатиш учун тайёр ҳолга келтиришда қилинган барча харажатларни, яъни: харид нархи, юридик йиғимлар ва бошқа харажатларни ўз ичига олади. Ташкилот текинга олган асосий воситаларнинг дастлабки қиймати эксперт йўли билан бозор нархида баҳоланган қиймат бўйича тан олинади. Текинга олинган асосий воситани кирим қилинган санада амал қилган нарх асосида жорий бозор қиймати шакллантирилади. Амалдаги нарх тўғрисидаги маълумотлар ҳам ҳужжатлар ва эксперт йўли билан тасдиқланиши керак.

Сотиш қиймати-асосий воситаларни битим пайтида манфаатдор тарафлар ўртасида айирбошлаш мумкин бўлган суммадир.

Асосий воситани пулга харид қилинса, унинг қиймати контрактда иккиламчи бозорда фаол ишлаётган шу сингари активга аниқланган бозор нархи бўйича кўрсатилиши мумкин.

Асосий воситани хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи томонидан яратилган ва уни яратиш чиқимларини аниқ белгилаш мумкин бўлган ҳолларда асосий восита ҳақиқий таннарх бўйича акс эттирилади.

Баъзи вақтларда асосий воситаларни қайта баҳолашга эҳтиёж туғилади. Асосий воситаларни қайта баҳолаганда асосий воситанинг бутун занжири қайта баҳоланиши керак. Қайта баҳолаш натижасида асосий воситанинг баланс қиймати кўпайган ҳолда ушбу кўпайиш аввалги баҳодан ошадиган суммада 8510-«Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» ҳисобварағининг кредитида акс этирилиши лозим. Қайта баҳолаш натижасида асосий воситанинг баланс қиймати камайган бўлса, бу камайиш аввалги баҳодан ошадиган суммада харажат сифатида тан олинади.

6.2. Асосий воситалар ҳаракатини ҳужжатларда расмийлаштириш тартиби

Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

1. *Асосий воситаларни қабул-топишириш далолатномаси (АВ-1 шакл).*

Далолатнома ҳар бир объект учун ёзилиб, бухгалтерияга берилади ва асосий воситани ҳисобга олиш инвентар карточкаларига ёзиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

2. *Таъмир қилинган, тикланган ва такомиллаштирилган объектларни қабул қилиш-топишириш далолатномаси (АВ-2 шакл).*

3. *Асосий воситаларни тугатиш тўғрисида далолатнома (АВ-3 шакл).*

4. *Автотранспорт воситаларини ҳисобдан чиқариш далолатномаси (АВ-4 шакл).*

5. *Асосий воситаларни ҳисобга олиш инвентар карточкаси (АВ-6 шакл).*

. Асосий воситаларни қабул-топириш далолатномалари ва ушбу объект техник ҳужжатлари асосида ҳар бир объектга инвентар карточкаси очилади.

6. *Асосий воситаларни ҳисобга олиш бўйича инвентар карточкалари рўйхати (АВ-7 шакл).*

7. *Асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олиш карточкаси (АВ-8 шакл).*

Туркум гуруҳлари бўйича асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олиш учун қўлланилади. Карточка маълумотлари асосида асосий воситалар ҳаракати ҳақидаги ҳисобот тўлғазилади.

8. *Асосий воситалар инвентар рўйхати (АВ-9 шакл).*

Асосий воситалар хўжалик юритувчи субъектга келиб тушганда раҳбар тайинлаган комиссия ҳар бир объект бўйича алоҳида қабул қилиш-топириш далолатномаси (юкхат)ни расмийлаштириши лозим (АВ-1 шакли).

Далолатномада объект тавсифи, турган жойи, сотиб олинган манбаи, чиқарилган ёки қурилган йили, ишга туширилган сана, объектнинг синов натижалари, унинг техник шартларга мувофиқлиги ва бошқалар кўрсатилиши лозим.

Асосий воситаларни қабул қилиш-топириш умумий далолатномаси билан бир турдаги ва нархи бир хил хўжалик инвентари, асбоблар, станоклар олинганлигини расмийлаштириш мумкин. Қабул қилиш-топириш далолатномасига паспортлар, ишлатиш тартиби, йўриқномалар илова қилинади.

Ҳисобга қабул қилинган асосий воситалар ҳар бир объектига инвентар рақами (сони) берилади, масалан 0001 дан 0999 гача инвентар рақамлари биноларга, 1000 дан 1999 гача иншоотларга, 2000 дан 2999 га қадар бўлган рақамлар узатиш қурилмаларига берилади ва ҳоказо. Берилган инвентар рақами асосий воситалар объектига металл жетонни қоқиб қўйиш, бўёқ билан белги қўйиш ва бошқа усулларда белгилаб қўйилади. Бу белги объект фойдаланишда бўлган жами давр учун сақланади ва бухгалтерия ҳисобининг барча бошланғич

ҳужжатлари ҳамда регистрларида кўрсатилади. Объект чиқим қилинганда унинг инвентар рақами янги кирим қилинган асосий воситаларга берилмайди.

Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси илова ҳужжатлар билан бирга хўжалик юритувчи субъект бухгалтериясига топширилади. Бухгалтерия далолатнома асосида белгиланган намунадаги инвентар варақаси очади (АВ-6 шакли). Бу варақада объект ҳақидаги барча маълумотлар қайд этилади (дастлабки ёки тикланиш қиймати, амортизация ажратмалари меъёри, кирим қилинган пайтдаги эскириш даражаси). Сўнгра инвентар варақалари асосий воситаларнинг тасниф гуруҳлари бўйича махсус рўйхат тузилади (АВ-7 шакли).

Рўйхатда қайд қилинган варақалар асосий воситалар картотекасида тармоқ тасниф гуруҳларига, гуруҳ ичида эса турган жойи, фойдаланиш жойи ва турлари бўйича гуруҳланган тартибда сақланади.

Таракатсиз асосий воситалар объектлари варақалари алоҳида гуруҳланади. Асосий воситаларнинг чиқими далолатнома билан расмийлаштирилади ва бу ҳақида инвентар варақасига қайд қилинади, сўнгра варақа картотекадан олиб қўйилади.

Қайта баҳоланган асосий воситалар объектлари тикланиш қиймати бўйича варақанинг «таъмирлаш, модернизациялаш» бўлимига ёзилади.

Қайта баҳолаш чоғида белгиланган эскириш суммаси варақанинг тегишли бўлимида кўрсатилади.

Асосий воситалар ишлатиладиган жойларда (хўжалик юритувчи субъект цехлари, участкалари, бўлимлари) ҳисоб асосий воситаларнинг инвентар рўйхати бўйича олиб борилади (АВ-9 шакли). Бунда ҳамма моддий жавобгар шахслар билан белгиланган намунада ва икки нусхада моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилади. Шартноманинг бир нусхаси ҳар бир моддий жавобгар шахснинг бухгалтерия (шахсий) делоси (ҳужжатлари мажмуи)да, иккинчи нусхаси шу ходимларнинг ўзида сақланади.

Ҳамма моддий жавобгар шахслар асосий воситаларни ўз жавобгарлигига олганини инвентаризация рўйхатига имзо қўйиб тасдиқлаб беради, асосий воситаларнинг кейинги тушумларида эса бирламчи ҳужжатларга имзо қўяди. Асосий воситаларнинг ҳар қандай кўчиши (бошқага бериш, тугатиш ва бошқалар) моддий жавобгар шахсларнинг иштирокида расмийлаштирилади.

Олинган, ҳисобдан чиқарилган хўжалик юритувчи субъект ичида жойи ўзгартирилган (кўчирилган) асосий воситаларнинг инвентар варақалари тегишли қайдлар ўтказилганидан кейин ой охиригача жой-жойига қўймай, алоҳида сақланади. Чунки ҳар ойда шу варақалар асосида асосий воситалар амортизацияси (эскириш) ҳисоб-китоблари тузилади, уларнинг ҳар бир тури бўйича кирим, чиқим оборотлари жамланади ва асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олиш варақаси тўлдирилади.

Асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олиш варақаси (АВ-8 шакли) жорий йил учун январь ойи бошида очилади. Варақада дастлаб асосий воситаларнинг борлиги, турлари бўйича маълумот 1 январь ҳолатига кўрсатилади, сўнгра ҳар ойда ой давомидаги оборотлар ёзувидан кейин кейинги

ойнинг 1 кундаги ҳолат бўйича асосий воситаларнинг мавжудлиги қайд этилади. Шу маълумотлар асосида асосий воситаларнинг ҳаракатининг оборот рўйхати (ведомост) тузилади. Унинг яқунлари асосий дафтардаги яқунлар билан солиштирилиб чиқилади ва шу асосда хўжалик юритувчи субъектнинг асосий воситалари мавжудлиги ва уларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот тузилади.

Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши АВ-1 ва АВ-3 шаклларидаги далолатнома билан расмийлаштирилади.

Бу шаклларда чиқим қилинадиган объектларнинг дастлабки қиймати ва эскириш суммаси қайд этилади. Инвентар варақаси картотекадан олиниб, далолатномага илова қилинади. Асосий воситаларнинг турган ўрни бўйича инвентар рўйхатида тегишли қайдлар қилинади.

Асосий воситаларни бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиш учун қуйидаги счётлар очилган:

0110-«Ер»;

0111-«Ерни ободонлаштириш»;

0112-«Молиявий лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ўзлаштириш»;

0120-«Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар»;

0130-«Машина ва жиҳозлар»;

0140-«Мебель ва офис жиҳозлари»;

0150-«Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси»;

0160-«Транспорт воситалари»;

0170-«Иш ҳайвонлари ва маҳсулдор ҳайвонлар»;

0180-«Кўп йиллик экинлар»;

0190-«Бошқа асосий воситалар»;

0199-«Консервация қилинган асосий воситалар».

Ушбу счётлар актив бўлиб, уларнинг дебет томонидаги сальдо хўжалик юритувчи субъектда мавжуд асосий воситаларнинг қийматини акс эттиради. Асосий восита объектларининг кўпайиши счётларнинг дебет томонида, камайиши эса кредит томонида акс этирилади.

Асосий воситаларни кирим қилиниши қуйидаги кўринишларда бўлади:

◆ Хўжалик юритувчи субъект томонидан яратилиши;

◆ Бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан сотиб олиш;

◆ Текинга олиш;

◆ Асосий воситаларни муассислар томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг устав капиталига уларнинг улуши тарзида ёки акцияларнинг ҳақини тўлаш ҳисобига киритиш.

Асосий воситалар хўжалик юритувчи субъектга қабул қилинаётганда махсус тузилган комиссия томонидан асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномасини тузиш билан расмийлаштирилади. Ушбу далолатномада асосий воситаларнинг дастлабки баҳоси, эскириш суммаси, қабул қилинаётган воситанинг қисқача тавсифи, комиссия аъзоларининг исми-шарифи, моддий жавобгар шахс томонидан қабул қилиниши кўрсатилади. Бунда ушбу далолатномага таърифловчи техник ва бошқа ҳужжатлар илова

қилинади ва далолатнома хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан тасдиқланади.

6.3. Фойдаланишга қабул қилинган асосий воситаларни ҳисобга олиш

Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси тасдиқлангандан сўнг хўжалик юритувчи субъект бухгалтериясига берилади, шу далолатнома асосида ҳар бир объектга инвентарь варақаси очилади.

Тегишли шартномалар асосида хўжалик юритувчи субъект мутахассислари ва четдан жалб этилган мутахассислар кучи билан барпо этилган асосий воситалар объектлари 0810-«Тугалланмаган қурилиш» ҳисобварағининг кредити билан корреспонденцияда 0110-0190-счётлар дебети бўйича ҳақиқий таннархига қараб асосий воситалар сифатида кирим қилинади.

Қурилиш тугаллангунига қадар бино 0120-«Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар» ҳисобварағида ҳисобга олинмайди, чунки у ҳали фойдаланишга топширилмаган. Қурилиш тугалланганидан кейин ва фойдаланишга топширилганида 0810-счётда жамланган барча харажатлар суммаси 0120-«Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар» ҳисобварағига ўтказилади ҳамда кейинги ойдан бошлаб ундан амортизация ҳисобланиши лозим.

Мисол. «МАЛИКА» ҳиссадорлик жамияти цех биносини ўз кучи билан қуриб, фойдаланишга топширди. Қурилишга харажатланган жами харажат 20000000 сўмни ташкил қилди. Ушбу муомалага ҳисобда қуйидагича проводка берилади:

Д-т 0120-«Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар» - 20000000 сўм

К-т 0810-«Тугалланмаган қурилиш» - 20000000 сўм.

Бошқа хўжалик юритувчи субъект ва шахслардан сотиб олинган асосий воситаларни 0830-«Асосий воситаларни сотиб олиш», 0840-«Асосий подани шакллантириш», 0890-«Бошқа капитал қўйилмалар» счётларининг кредити билан корреспонденцияда 0110-0190-счётлар дебети бўйича кирим қилинади.

Мисол. «МАШЪАЛ» масъуляти чекланган жамият янги ишлаб чиқариш фаолияти учун бино сотиб олди, унинг харид қиймати - 2000000 сўм, брокер хизмати учун 20000 сўм ҳамда юрист хизматига 15000 сўм тўлаган, ҳужжатларни расмийлаштиришга 25000 сўм харажат қилинган. Ушбу муомалага ҳисобда қуйидагича проводка берилади:

- бино харид қилинди:

Д-т 0820-«Асосий воситаларни сотиб олиш» - 2060000 с

К-т 5110-«Пул маблағлари» - 2060000 с.

- бино балансга қабул қилинди:

Д-т 0120-«Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар» - 2060000 с

К-т 0820-«Асосий воситаларни сотиб олиш» - 2060000 с

Фойдаланишга қабул қилинган асосий воситалар бўйича ҚҚС уларнинг дастлабки қийматини кўпайтиради ҳамда эскириш қийматини оширган ҳолда, хўжалик юритувчи субъект харажатларига секин-аста ўтказилади.

Бошқа хўжалик юритувчи субъект ёки жисмоний шахслардан текинга, шунингдек, ҳукумат органларининг субсидияси сифатида олинган асосий воситалар 8530-«Текинга олинган мол-мулк» ҳисобварағи билан корреспонденцияда 0110-0190-счётлар дебети бўйича кирим қилинган санада эксперт йўли билан, бозор қиймати бўйича белгиланган баҳода акс эттирилади.

Мисол. Транспорт воситаси бепул олинди. Ушбу муомалага ҳисобда қуйидагича проводка берилади:

Д-т 0160-«Транспорт воситалари»;

К-т 8530-«Текинга олинган мол-мулк».

Амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ, бепул олинган асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати (идора ичида бериладиганидан ташқари) фойда (даромад) солиғини ҳисоблаш базасига киритилади ва ундан солиқ ундирилади. Таъсисчилар устав капиталига улуш сифатида киритган ёки акциялар ҳақини тўлаш ҳисобига берган асосий воситаларни кирим қилиш 4610-«Муассисларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзлари» ҳисобварағи кредити ҳамда 0110-0190-счётлар дебетида акс эттирилади.

Мисол. Компаниянинг муассисларидан бири устав капиталини шакллантириш бўйича қарзини транспорт воситасини қўшиш йўли билан узди. Қиймати - 2000000 сўм. Ушбу муомалага ҳисобда қуйидагича проводка берилади:

Д-т 0160-«Транспорт воситалари» - 2000000 сўм

К-т 4610-«Муассислар қарзлари» - 2000000 сўм.

Маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизмат кўрсатиш ёхуд ташкилотни бошқариш учун фойдаланилмаётган асосий воситалар объектларининг қиймати бухгалтерия балансидан ҳисобдан чиқарилиши керак.

6.4. Асосий воситалар амортизацияси (эскириши) ҳисоби

Амортизация (эскириши)-бу асосий воситанинг фойдали хизмат муддати давомида амортизация қийматини мунтазам равишда тақсимлаш ва кўчириш кўринишида эскиришининг қиймат ифодасидир.

Асосий воситанинг амортизация қиймати тахмин қилинаётган тугатилиш қийматини чиқариб ташлаган ҳолда активнинг дастлабки қиймати ёки молиявий ҳисоботларда кўрсатилган қиймат ўрнини босадиган бошқа қийматнинг суммаси ҳисобланади.

Асосий воситанинг эскириши билан амортизация ўртасида мустаҳкам алоқа бор. Бироқ улар бир хил тушунчалар эмас. Эскириш асосий воситаларидан фойдаланиш вақтида уларнинг техник ишлаб чиқариш хоссаларини аста-секин йўқотиш жараёнини акс эттиради.

Амортизация анча мураккаб жараён бўлиб, истеъмол қилинган асосий воситалар қийматини уларнинг эскиришига мувофиқ равишда маҳсулот таннархига, давр харажатларига ўтказиш, истеъмол қилинган асосий воситаларнинг ўрнини қоплаш мақсадида пул фондини жамғариш жараёнини акс эттиради. Демак, эскириш амортизациянинг дастлабки шарт-шароитидир.

Асосий воситаларга эскириш ҳисоблашда «Асосий воситалар» номли 5-сон БҲМСга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодексининг 23-моддасига амал қилиш лозим.

Қуйидаги асосий воситаларга амортизация ҳисобланмайди:

- Ер;
- Маҳсулдор ҳайвонлар, буқа ва ҳўкизлар;
- Кутубхона фонди;
- Бюджет ташилотлари, шу жумладан, илмий-тадқиқот, конструкторлик ва технологик ташилотларнинг воситалари;
- Белгиланган тартибда консервацияга ўтказилган асосий воситалар;
- Тўлиқ амортизацияланган асосий воситалар.

Узоқ муддатли ижара ҳолларида ижарага олинган асосий воситалар бўйича амортизация ажратмаларини ижарага олувчи ўтказилади. Қисқа муддатли ижарада амортизация ажратмаларини ижарага берувчи ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 23-моддасига биноан асосий воситаларнинг амортизация нормалари қуйидагича белгиланган:

Асосий восита объектларига амортизация ҳисоблаш меъёрлари*

Асосий воситалар гуруҳлари	Амортизация меъёри
1. Енгил автомобиллар, такси, йўлларда фойдаланиладиган автотрактор техникаси, махсус асбоб-ускуна, инвентарь ва жиҳозлар, компьютерлар, периферия қурилмалари ва маълумотларни қайта ишлаш ускуналари	20 фоиз
2. Юк автомобиллари, автобуслар, махсус автомобиллар ва автотиркамалар, саноатнинг барча тармоқлари, металл қуйиш хўжалик юритувчи субъектси учун машиналар ва ускуналар, темирчилик-пресслаш ускуналари, қурилиш ускуналари, қишлоқ хўжалик машиналари ва ускуналари, офис учун мебель	15 фоиз
3. Темир йўл, денгиз, дарё ва ҳаво транспорти воситалари, кучкуват берадиган машиналар ва ускуналар: иссиқлик-техника ускуналари, турбина ускуналари, электр двигателлари ва дизель генераторлар, электр узатиш ва алоқа қурилмалари, трубопроводлар	8 фоиз
4. Бинолар, иншоотлар ва иморатлар	5 фоиз
5. Бошқа гуруҳларга киритилмаган, амортизация қилинадиган активлар	10 фоиз

*Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, 23-банд, 2000й.

Амортизацияланувчи қиймат мунтазам равишда асосий воситани фойдали ишлатишнинг бутун даврига тақсимланади. Амортизация турли хил усулларни қўллаш йўли билан амалга оширилади:

Тўғри чизикли усул-асосий воситани фойдали ишлатишнинг бутун даври мобайнида эскиришнинг доимий суммаларини ҳисоблаб ёзишдан иборат.

Камайиб борувчи қолдиқ усули-бўйича мунтазам ҳисоблаб ёзилаётган суммалар фойдали ишлатиш муддати давомида камаяди.

Бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда ҳисоблаб ёзиш усулига-биноан амортизация миқдори фақат асосий восита қанча марта ишлатилишига ёки қанча маҳсулот бирлиги ишлаб чиқарилиши кўтиляётганига боғлиқ бўлади.

Кумулятив усулда-амортизация суммаси ҳисоблаш коэффициентининг махражи бўлган объектнинг хизмат муддати йиғиндиси билан аниқланади. Бу коэффициентнинг суратида объектнинг хизмат муддати охиригача қоладиган йиллар сони тескари тартибда кўрсатилади.

Амортизацияни ҳисоблашда унинг тугатилиш қийматига эътибор бериш лозим. Агар бошқа суммани ишончли тарзда ҳисоб-китоб қилиш мумкин бўлмаса, асосий воситанинг қолдиқ қиймати нолга тенг бўлади.

Тўғри чизикли усулда амортизация ҳисоблаш. Тўғри чизикли усул деб тугатилган қиймати айрилган асосий воситалар объекти қийматини даврлар бўйича фойдаланиш муддати давомида тенг нисбатда ҳисоблаш усулига

айтилади. Амортизация суммаси амортизацияланаётган қийматни (тугатиш қиймати айрилган объектнинг дастлабки қийматини) кўзда тўтилган фойдаланиш даврлари сонига бўлиш йўли билан топилади:

Йиллик амортизация суммаси = (дастлабки қиймати–тугатиш қиймати) /хизмат қилиш муддати.

Мисол. «МУСТАҚИЛЛИК» МЧЖда асосий воситага эскириш ҳисоблаш бўйича қуйидаги маълумотлар мавжуд;

- Асосий воситанинг баланс қиймати- 50000 минг сўм;
- Тугатилиш қиймати- 2000 минг сўм;
- Хизмат муддати – 5 йил.

Йиллик амортизация суммаси = $(50000-2000)/5= 9600$ минг сўм.

Амортизацияни тўғри чизиқли усулда ҳисоблашда унинг суммаси фойдаланиш муддати давомида бир хил бўлади, жамғарилган эскириш бир текисда ошиб боради, қолдиқ қиймати эса, баҳоланган тугатиш қийматига етгунча бир текисда камайиб боради.

жадвал

Амортизацияни тўғри чизиқли усулда ҳисоблаш жадвали

Йиллар	Баланс қиймати	Йиллик амортизация суммаси	Жамғарилган амортизация	Қолдиқ қиймати
1-йил	50000	9600	9600	40400
2-йил	50000	9600	19200	30800
3-йил	50000	9600	28800	21200
4-йил	50000	9600	38400	11600
5-йил	50000	9600	48000	2000

Бажарилган иш ҳажмига кўра амортизация ҳисоблаш. Бажарилган иш ҳажмига нисбатан амортизацияни ҳисоблаш усули асосий воситаларнинг ҳар ҳисобот йилида бажарган ишининг ҳисобига асосланган. Мазкур усул билан эскиришнинг ҳар йилги қийматини ҳисоблаш учун жами фойдаланиш муддати давомида умумий баҳоланган ишлаб чиқаришни ҳамда ҳар бир аниқ йилдаги ишлаб чиқаришни олдиндан аниқлаш лозим. Ишлаб чиқариш сифатида ишлаб чиқарилган маҳсулот, ишланган соатлар миқдори ва ҳоказолар олиниши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектда шу давр мобайнида 480000 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. 1-йилда - 80000, 2-йилда - 120000, 3-йилда - 100000, 4-йилда – 80000, 5-йилда - 100000 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Маҳсулот бирлигига кетган амортизация харажатлари қуйидагига тенг:

$(50000-2000)/480000=0,1$ ҳар бир сўмлик маҳсулот учун

Бажарилган иш ҳажмига кўра амортизация ҳисоблаш жадвали

Йиллар	Баланс қиймати	Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми	Йиллик амортизация суммаси	Жамғарилган амортизация	Қолдиқ қиймати
1-йил	50000	80000	8000	8000	42000
2-йил	50000	120000	12000	20000	30000
3-йил	50000	100000	10000	30000	20000
4-йил	50000	80000	8000	38000	12000
5-йил	50000	100000	10000	48000	2000

Бажарилган иш ҳажмига кўра амортизация ҳисоблаш усули объектлардан фойдаланиш муддати, уларнинг тузилиш хусусиятлари билан чекланган ҳамда мазкур активларнинг хўжалик фаолияти ҳажми йилма-йил ўзгарган ҳолларда қўлланилади.

Жадаллаштирилган (тезкор) усуллар. Қолдиқли камайиш ҳамда кумулятив усуллар тезкор усуллар бўлиб ҳисобланади. Тезкор усуллар моҳияти шундаки, асосий воситалардан фойдалана бошлаганда ҳисобланган амортизация суммаси объект хизмат муддатининг якунида ҳисобланган амортизация суммасидан анча юқори бўлади.

Тезкор усуллар, хусусан, технологиялар такомиллаштирилиши туфайли кўп турдаги ускуналар ўз қийматини йўқотиши (маънавий эскириши) билан ҳам тушунтирилади. Шундай қилиб, эскиришнинг катта суммасини келгусида эмас, балки жорий ҳисобот даврида ҳисобдан чиқариш тўғрироқ бўлади.

Янги кашфиётлар ва ТМЗлар илгари харид қилинган ускунанинг маънавий эскиришига олиб келади ва уни жисмоний эскиришдан анча олдинроқ алмаштириш заруратини юзага келтиради. Тезкор усулларнинг яна бир афзаллиги шундаки, таъмирлаш бўйича харажатлар, одатда, объектдан фойдаланиш муддатининг бошидагига нисбатан охирида кўпроқ бўлиши ҳисобланади. Бу эса таъмирлаш харажатларининг умумий суммаси ва амортизация ажратмалари бир неча йиллар давомида амалда доимий бўлиб қолишига олиб келади. Натижада асосий воситалар объектларининг фойдалилиги кўп йиллар давомида бир хиллигича қолади.

Иккала тезкор усулда ҳам дастлабки йилларда ҳисобланган амортизация суммалари анча юқори бўлади, бажарилган ишлар ҳажмига пропорционал равишда эскириш суммасини ҳисоблаш усули эса амортизация ҳажмининг йилдан-йилга кескин ўзгариб туриши туфайли амортизация ўзгаришининг аниқ тамойили ҳақида тасаввур бера олмайди. Гар йили амортизациянинг кескин ўзгариши асосий воситаларнинг қолдиқ қийматида ҳам ўз аксини топади. Тўғри чизиқли усулда эса қолдиқ қиймат миқдори тезкор усуллардаги қолдиқ қийматга нисбатан ҳар доим анча юқори бўлади.

Асосий воситаларнинг ҳар хил турларига амортизациянинг турли усуллари қўлланилишига рухсат этилганлигини, бироқ бунда бир турдаги асосий восита учун фақатгина битта усул қўлланилиши мумкинлигини назарда тутиш лозим.

Солиққа тортиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодексига биноан амортизация меъёрлари қўлланилиши лозим. Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатига кўра ҳисобланган амортизация билан Солиқ Кодексига мувофиқ ҳисобланадиган амортизация ўртасидаги фарқ вақтинчалик фарқ дейилади, у вақтинчалик фарқлар ҳисобининг солиқ самараси ёрдамида ҳисобда акс эттирилади.

Мисол. «МАЛИКА» компаниясида фаолиятнинг дастлабки йилида солиқ тўлангунга қадар бўлган фойда 250 минг сўмни ташкил этган. Бунда ҳисоб фойдаси ва солиққа тортиладиган фойда ўртасида фарқ мавжуд, ҳисоб сиёсатига мувофиқ ишлаб чиқариш усулида ҳисобланган амортизация 130 минг сўмни, солиққа тортиш мақсадлари учун амортизация эса (тўғри чизиқли усулда)- 100 минг сўмни ташкил қилганлигидан юзага келади. Бу айнан вақтинчалик фарқ бўлиб, солиққа тортиладиган фойда уни ҳисобга олганда $250000+(130000-100000)=280000$ сўмга тенг. Фойда солиғининг 20%лик ставкаси бўйича ҳисобланган фойда солиғи $(250000*20\%)=50000$ сўмни ташкил этади, лекин бюджетга $(280000*20\%)=56000$ сўм тўлаш керак бўлади, бу икки миқдор ўртасидаги фарқ вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган фойда солиғи ҳисобланади ва у қайси ҳисобот даврида сўндирилишига қараб боғлиқ равишда 0930 ёки 3210-счётларида акс эттирилади.

Ушбу муомалалар бўйича қуйидагича проводкалар берилади:

Д-т 9810-«Фойда солиғи бўйича харажатлар» - 50000 сўм

Д-т 0950, 3210-«Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад солиғи» - 6000 сўм

К-т 6410-«Фойда солиғи бўйича бюджетга қарзлар» - 56000 сўм.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатига мувофиқ ҳисобланган амортизация Солиқ Кодекси бўйича амортизациядан юқори бўлган ҳолатда мазкур фарқ суммасига солиқ бўйича муддати узайтирилган қарз юзага келади. Юқорида келтирилган мисолнинг аксини кўриб чиқамиз, бунда ҳисоб фойдаси 280000 сўмни, солиққа тортиладиган фойда эса – 250000 сўмни ташкил қилган.

Бухгалтерия ёзуви қуйидагича бўлади:

Д-т 9810-«Фойда солиғи бўйича харажатлар» - 56000 сўм

К-т 6410-«Фойда солиғи бўйича бюджетга қарзлар» - 50000 сўм

К-т 6250, 7250-«Солиқларга оид вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган мажбуриятлар» - 6000 сўм.

Қолдиқли камайиш усулида амортизация ҳисоблаш. Камайиб борувчи қолдиқ усули активдан фойдаланиш муддатида амортизация суммасининг доимо камайиб боришини ифодалайди. Ушбу усулда эскириш меъёри асосий воситаларнинг қолдиқ қийматига кўпайтирилади. Одатда, бу усулда амортизация меъёри икки ҳисса қилиб олинади.

Қолдиқли камайиш усулида амортизация ҳисоблаш жадвали

Йиллар	Баланс қиймати	Йиллик амортизация суммаси	Жамғарилган амортизация	Қолдиқ қиймати
1-йил	50000	$(40\% \cdot 50000) = 20000$	20000	30000
2-йил	50000	$(40\% \cdot 30000) = 12000$	32000	18000
3-йил	50000	$(40\% \cdot 18000) = 7200$	39200	10800
4-йил	50000	$(40\% \cdot 10800) = 4320$	43520	6480
5-йил	50000	4480	48000	2000

Кумулятив усулда амортизация ҳисоблаш. Кумулятив усул (йиллар йиғиндиси усули)да ҳар йилги амортизация меъёри амортизация муддати якунига қадар қолган амортизацияланаётган қийматнинг бўлаги сифатида белгиланади. Бўлак амортизация ҳисобининг тугагунича қолган тўлиқ йиллар йиғиндисини амортизация муддатини белгилайдиган йилларнинг тартиб сонига бўлиб аниқланади.

5 йил фойдаланиш муддатига мўлжалланган асосий воситалар учун йиллик рақамлар йиғиндиси қуйидагича бўлади:

$$5+4+3+2+1=15 \text{ йил ёки } C = \frac{Y(Y+1)}{2} \quad A_c = C : Y * A$$

Кумулятив усулда амортизация ҳисоблаш жадвали

Йиллар	Баланс қиймати	Йиллик амортизация суммаси	Жамғарилган амортизация	Қолдиқ қиймати
1-йил	50000	$(5/15 \cdot 48000) = 16000$	16000	34000
2-йил	50000	$(4/15 \cdot 48000) = 12800$	28800	21200
3-йил	50000	$(3/15 \cdot 48000) = 9600$	38400	11600
4-йил	50000	$(2/15 \cdot 48000) = 6400$	44800	5200
5-йил	50000	$(1/15 \cdot 48000) = 3200$	48000	2000

Жадваллардан кўриниб турибдики, амортизация ҳисоблашнинг охириги икки усулида асосий воситалардан фойдаланиш муддатининг бошида ҳисобланган амортизация ажратмалари объект хизмат муддатининг охирида ҳисобланган амортизация қийматидан ортиқ бўлади

Ушбу усуллар ишлаб чиқаришга тааллуқли асосий воситаларни ҳисоблаш учун қўлланилади, чунки мазкур воситалардан фойдаланишнинг биринчи йилларида самаралироқ фойдаланилади ва таъмирлашга харажатлар унчалик кўп бўлмайди. Кейинги йилларда амортизация харажатлари камаяди, таъмирлаш харажатлари эса одатда ошиб боради.

Асосий воситалар бўйича амортизация ажратмалари улар ҳисоблаб ўтказилган ҳисобот даврида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттирилади. Асосий воситаларнинг айрим объектлари бўйича ажратмалар тегишли суммаларни жамғариш йўли билан ёки объектларнинг дастлабки қийматини камайтириш йўли бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади.

Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олиш учун счётлар режасида қуйидаги счётлар очилган:

- 0211-«Ободонлаштирилган ернинг эскириши»;
- 0212-«Молиявий лизинг шартномаси бўйича олиниб ўзлаштирилган асосий воситаларнинг эскириши»;
- 0220-«Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламаларнинг эскириши»;
- 0230-«Машина ва жиҳозларнинг эскириши»;
- 0240-«Мебель ва офис жиҳозларининг эскириши»;
- 0250-«Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникасининг эскириши»;
- 0260-«Транспорт воситаларининг эскириши»;
- 0270-«Иш ҳайвонларининг эскириши»;
- 0280-«Кўп йиллик экинларнинг эскириши»;
- 0290-«Бошқа асосий воситаларнинг эскириши»;
- 0299-«Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши».

Ушбу счётларнинг кредитида асосий воситаларга ҳисобланган ва ҳисобланаётган эскириш суммалари кўрсатилади. Ҳисобварақларнинг дебитида асосий воситани ҳисобдан чиқариш пайтида унга ҳисобланган эскириш суммасининг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади.

Асосий воситаларга эскириш ҳисобланганида, эскириш суммалари харажатларига ўтказилади. Эскириш суммаси ишлаб чиқариш харажатларига ўтказилганида қуйидагича ёзув қилинади:

Д-т Ишлаб чиқариш харажатлари счётлари

К-т Асосий воситалар эскиришини ҳисобга олувчи счётлар.

Агарда эскириш давр харажатларига ўтказилса қуйидагича ёзув қилинади:

Д-т 9420-«Маъмурий харажатлар»

К-т Асосий воситалар эскиришини ҳисобга олувчи счётлар.

6.5. Асосий воситалар таъмирланишини ҳисобга олиш

Асосий воситалар вақти-вақти билан тамирланиб турилади. Бу эса, ўз навбатида, улардан фойдаланиш муддатини узайтиради.

Асосий воситалар таъмирланиши ҳисобининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- бажарилган тамирлаш ишларининг таннархи ва ҳажмини тўғри ва ўз вақтида аниқлаш;
- таъмирлаш билан боғлиқ харажатларнинг маҳсулот ёки бажарилган иш таннарига тўғри ўтказилишини таъминлаш;
- таъмирлаш ишлари учун ажратилган маблағдан тўғри фойдаланилиши устидан назорат олиб бориш;
- таъмирлаш ишларининг ўз вақтида ва яхши сифатли қилиб олиб борилиши устидан назорат олиб бориш ва бошқалар.

Таъмирлаш харажатлари икки хил усул билан тегишли счётларга ёзилиши мумкин:


- таъмирлаш бўйича ҳамма харажатларни вужудга келиш жараёнида ишлаб чиқариш харажатлари счётларига ёзиш билан;
- махсус резерв фонди ташкил қилиш йўли билан.

Резерв фондининг ташкил қилиниши асосий воситалар тамирлаш харажатларини йил давомида маҳсулот ва бажарилган иш, хизмат таннарига бир текис ўтказилишини таъминлайди.


Тамирлаш ишларини олиб бориш учун резерв хўжалик юритувчи субъектда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги руҳсати бўйича ташкил бўлади. Резерв суммаси ҳар ойда, корхона томонидан мустақил белгиланадиган норматив миқдорда маҳсулот таннарига кўшилади. Норматив беш йил муддатга қатъий белгиланган суммада ишлаб чиқилиши лозим ёки асосий воситалар дастлабки қийматига нисбатан фоиз кўринишида бўлади. Резерв суммасининг тўғри ташкил қилинганлиги ва ундан тўғри фойдаланиш вақти-вақти билан текшириб турилади.

Текшириш смета, ҳисоб-китоб маълумотлари асосида амалга оширилади. Резерв суммаси 8910- «Келгусида қилинадиган харажат ва тўловлар резерви» счётида ҳисоб қилинади.


Асосий восита объекти фойдаланишда бўлган цех кучи билан бажарилган, таъмирлаш ишлари қийматига қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:



Хўжалик юритувчи субъектнинг ўзининг ёрдамчи ишлаб чиқариш цехлари томонидан бажариладиган тамирлаш ишлари қийматига қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:



Таъмирлаш ишлари тугаганидан сўнг, харажатларни тегишли счётларга ёзилиши (қаерда фойдаланишда бўлган объект тамирланганига қараб) қуйидагича проводкада акс эттирилади:




Таъмирлаш ишлари хўжалик ёки пудрат усулида олиб борилади. Хўжалик усулида таъмирлаш ишлари хўжалик юритувчи субъектнинг ремонт-механика цехи ёки асосий ишлаб чиқариш цехлари ишчилари томонидан бажарилади. Пудрат усулида эса таъмирлаш ишлари махсус ремонт-қурилиш ташкилоти томонидан шартнома асосида бажарилади.


Таъмирлаш ишлари пудрат усулида бажарилса, тугалланган таъмирлаш ишлари «қабул-топшириш акти» ҳужжати билан расмийлаштирилади. Актда таъмирлаш ишларининг смета қиймати, ҳақиқий қиймати, объектнинг номи ва бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Акт икки нусхада ёзилиб, бир нусхаси бухгалтерияга топширилади.

Пудрат усулида бажарилган таъмирлаш ишлари қийматига, пудратчи счётига асосланиб қуйидагича бухгалтерия проводкаси тўзилади:




Пудратчи счёти тўланганда:




Асосий воситалар тамирлаш харажатларини счётларга ёзиш, 8910-«Келгусидаги харажатлар резерви ва тўловлари» счётидан фойдаланилган ҳолда акс эттирилиши бухгалтерия проводкалари қуйидагича:


Резерв фондини ташкил қилиш суммасига:




Хўжалик усулида бажарилган таъмирлаш харажатларини счётларга ёзилиши қуйидагича акс эттирилади:




Хўжалик усулида бажарилган тугалланган таъмирлаш харажатларини счётларда акс эттирилиши қуйидагича:




Пудрат усулида бажарилаган, асосий воситаларни тамирлаш бўйича ҳақиқий харажатларни счётларда акс эттирилиши куйидагича:



Ҳисобот даври охирига қолдиқ ёпилади, бунда куйидагича бухгалтерия ёзуви тўзилади:



Асосий воситаларни тамирлаш жараёнида олинган, қайтариладиган чиқиндилар, улардан фойдаланиш баҳоси бўйича қабул қилинади ва асосий воситаларнинг тамирлаш бўйича ҳақиқий харажатларнинг камайишига куйидагича бухгалтерия ёзуви билан ёзилади:



6.6. Асосий воситалар ҳисобдан чиқарилишини ҳисобга олиш

Қуйидаги хўжалик операциялари натижасида асосий воситалар объектларининг қиймати хўжалик юритувчи субъект активлари таркибидан чиқиб кетади:

- ◆ сотиш қилинганида;
- ◆ ундан буён фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмаслиги сабабларига кўра ҳисобдан чиқарилганида;
- ◆ чет хўжалик юритувчи субъект ва шахсларга бепул берилганида;
- ◆ бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг устав капиталига улуш сифатида қўшилганида;
- ◆ молиявий лизинг шартномасига кўра топширилганида;
- ◆ камомад ёки йўқотиш аниқланганида.

Асосий воситалар чиқиб кетганида уларнинг дастлабки қиймати асосий воситаларни ҳисобга олишнинг тегишли счётлари кредитидан 9210-«Асосий воситаларнинг сотиши ва бошқача чиқиб кетиши» ҳисобварағи дебетига ҳисобдан чиқарилади. Асосий воситаларни четга сотишдан тушган тушум 9210-«Асосий воситаларнинг сотиши ва бошқача чиқиб кетиши» ҳисобварағи кредити бўйича 4890-«Бошқа шахсларнинг қарзлари-жорий қисми» ва 0990-«Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлари» счётлари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Асосий воситалар чиқиб кетганида улар бўйича ҳисобланган эскириш суммаси 0210-0290-счётлари дебетидан 9210-«Асосий воситаларнинг сотиши ва бошқача чиқиб кетиши» ҳисобварағи кредитига ҳисобдан чиқарилади.

Тўлиқ амортизация қилинмаган асосий воситаларнинг сотиш қилинишидан кўрилган фойда (зарар) сотиш қилинадиган асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) қиймати, ҚҚС (фақат ҚҚС тўловчилари учун) ҳамда сотиш харажатлари ва тушумларига тўғриланган, ойнинг 1-санасига ҳисобланган эскириш ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Мисол. «МАЛИКА» ҳиссадорлик жамиятида май ойида асосий восита ҳисобдан чиқарилди: баланс қиймати 120000 сўм, эскириш қиймати 30000 сўм. Асосий воситанинг сотиш қиймати 80000 сўм. Молиявий натижани аниқлаб, муомалага қуйидагича проводка берамиз:

- ◆ дастурий таъминотнинг сотиш қийматига:

Д-т 4890-«Бошқа шахсларнинг қарзлари-жорий қисми» - 200000 сўм
К-т 9210-«Асосий воситаларнинг сотиши ва бошқача чиқиб кетиши» - 200000 сўм.

- ◆ баланс қиймати ҳисобдан чиқарилди:

Д-т 9210-«Асосий воситаларнинг сотиши ва бошқача чиқиб кетиши» - 120000 сўм

К-т 0130-«Машина ва жиҳозлар» - 120000 сўм.

- ◆ эскириш қиймати ҳисобдан чиқарилди:

Д-т 0230-«Машина ва жиҳозларнинг эскириши» - 30000 сўм

К-т 9210-«Асосий воситаларнинг сотиши ва бошқача чиқиб кетиши» - 30000 сўм.

◆ ҚҚС ҳисоблаб ёзилди. ҚҚС суммаси асосий воситаларнинг шартномавий қиймати ва қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқдан аниқланади. Солиққа тортиладиган оборот $200-(120-30)=110000$ сўмдан иборат.

ҚҚС= $110000*20/100=18300$ сўм;

Д-т 9210-«Асосий воситаларнинг сотиши ва бошқача чиқиб кетиши» - 18300 сўм

К-т 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» - 18300 сўм.

◆ Асосий воситани сотишдан фойда олинди $(200000+30000-120000-18300)=91700$ сўм:

Д-т 9210-«Асосий воситаларнинг сотиши ва бошқача чиқиб кетиши» - 91700 сўм.

К-т 9310-«Асосий воситаларнинг сотиши ва бошқача чиқиб кетишидан фойда» - 91700 сўм.

Тўлиқ амортизация қилинган асосий воситаларни бепул беришдан кўрилган зарарлар мазкур асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) қиймати ҳамда берилган ойдан олдинги ойднинг 1-санасига ҳисоблаб ёзилган ва бераётган тараф томонидан тўланадиган ҚҚС суммасига кўпайтирилган эскириш ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Мисол. Бошланғич қиймати 70000 сўм бўлган станок бошқа хўжалик юритувчи субъектга бепул берилган, эскириш суммаси-30000 сўм.

Бунда асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати ҚҚСга тортиш объекти бўлиб ҳисобланади, яъни $70000-30000=40000$ сўм.

Ҳисоблаб ёзилган ҚҚС суммаси= $40000*20/100=6700$ сўм.

Асосий воситани бепул беришдан кўрилган зарар суммаси куйидагига тенг: $70000-6700-30000=33300$ сўм. Ушбу муомалаларга куйидагича проводка берамиз:

◆ баланс қиймати ҳисобдан чиқарилди:

Д-т 9210-«Асосий воситаларнинг сотиши ва бошқача чиқиб кетиши» - 70000 сўм

К-т 0130-«Машина ва жиҳозлар» - 70000 сўм.

◆ эскириш қиймати ҳисобдан чиқарилди:

Д-т 0230-«Машина ва жиҳозларнинг эскириши» - 30000 сўм

К-т 9210-«Асосий воситаларнинг сотиши ва бошқача чиқиб кетиши» - 30000 сўм.

◆ ҚҚС ҳисобланди:

Д-т 9210-«Асосий воситаларнинг сотиши ва бошқача чиқиб кетиши» - 6700 сўм

К-т 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» - 6700 сўм.

◆ Станокни бепул беришдан зарар кўрилди $(70000-6700-30000)=33300$ сўм:

Д-т 9430-«Бошқа операцион харажатлар» - 33300 сўм

К-т 9210-«Асосий воситаларнинг сотиши ва бошқача чиқиб кетиши» - 33300 сўм.

Мол-мулкни бепул беришдан кўрилган зарарлар тескари ҳисоблаш йўли билан бераётган хўжалик юритувчи субъектда солиққа тортиладиган базага киритилади.

Асосий воситалар бошқа хўжалик юритувчи субъектнинг устав капиталига бадал сифатида киритилиши мумкин.

Мисол. Хўжалик юритувчи субъект бошқа хўжалик юритувчи субъектнинг устав капиталига бошланғич қиймати 350000 сўм бўлган, 500000 сўм шартнома баҳосига эга бўлган ҳамда эскириши 140000 сўм бўлган станокни улуш сифатида киритди. Ушбу муомалаларга қуйидагича проводкалар берилади:

◆ Бошланғич қийматни ҳисобдан чиқариш:

Д-т 9210-«Асосий воситаларнинг сотиши ва бошқача чиқиб кетиши» - 350000 сўм

К-т 0130-«Машина ва жиҳозлар» - 350000 сўм.

◆ эскириш қиймати ҳисобдан чиқарилди:

Д-т 0230-«Машина ва жиҳозларнинг эскириши» - 140000 сўм

К-т 9210-«Асосий воситаларнинг сотиши ва бошқача чиқиб кетиши» - 140000 сўм.

◆ шартномавий бозор баҳоси бўйича узоқ муддатли инвестициялар:

Д-т 0620-0690-«Узоқ муддатли инвестициялар» – 500000 сўм

К-т 9210-«Асосий воситаларнинг сотиши ва бошқача чиқиб кетиши» – 500000 сўм.

6.7. Лизингга олинган асосий воситалар ҳисоби

Лизинг (ижара) муносабатлари тушунчасининг моҳияти шундан иборатки, бунда ижарачи ижара берувчидан шартнома асосида ишлаб чиқариш воситалари, ер ва бошқа мол-мулкларни маълум бир муддатга ижара тўлови асосида фойдаланиш учун олади.

Ижара муносабатларида ижара ҳақи муҳим роль ўйнайди ва ижарачи билан ижара берувчи муносабатларини келтириб чиқаради.

Ҳозирги даврда саноат ишлаб чиқаришида янги иқтисодий муносабатларни ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, корхона маблағларини ижарага олиш (лизинг) муносабатлари.

Асосий восита ижараси бу, ижарага олувчини хўжалик фаолиятини мустақил амалга ошириши учун зарур бўлган асосий восита объектларидан фойдаланиши ёки мулкчилик ҳуқуқига эга бўлишга асосланган шартномадир.

Ижарага берувчи ва ижарага олувчи ўртасидаги ўзаро муносабат ижара шартномаси билан тартибга солинади. Ижара шартномаси, ижара ҳақи миқдори, ижара муддати, томонларнинг ижара шартларини бажариш бўйича мажбуриятлари ҳақидаги тўлиқ маълумотларни ўзида мужассам этиши лозим.

Ижаранинг қуйидаги турлари мавжуд:

Ижара муддатига қараб:

- 1) узоқ муддатли ижара - бир йил ва ундан ортиқ муддатга;
- 2) қисқа муддатли ижара - бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга;

Мулкни топшириш шартига кўра:

- 1) молиялаштирилган;
- 2) жорий;

Асосий воситаларни молиявий лизинг шартномасига кўра топширишда асосий воситаларни жорий қийматигача қайта баҳолаш амалга оширилиши мумкин.

Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати (агар топшириладиган объектдан фойдаланилмаган бўлса) ёки қолдиқ қиймати (агар топширишгача объектдан фойдаланилган бўлса) ва жорий қиймати орасидаги фарқ, улар молиявий лизинг шартномасига кўра топширилган тақдирда келгуси даврлар даромад (харажат)лари сифатида акс эттирилади. Лизинг тўлови ҳисоблаб ёзилиши давомида улар бир маромда (ҳар ойда) молиявий фаолиятдан олинган даромадга киритилади.

Мисол. Лизинг берувчи хўжалик юритувчи субъект бошланғич қиймати 350000 сўмлик бўлган ускунани молиявий лизинг шартномасига кўра топширади, 300000 сўмлик шартнома қиймати бўйича ҳисоблаб ёзилган эскириш 140000 сўм.

Проводкалар қуйидагича бўлади:

- шартнома баҳоси бўйича чиқиб кетиш ҳамда жорий ва узоқ муддатли қисмини ажратган ҳолда бутун лизинг даври учун белгиланган лизинг тўловларининг акс этиши:

Д-т 0920, 4810-«Молиявий лизинг бўйича олинадиган тўловлар» - 300000 сўм

К-т 9210-«Асосий воситаларнинг сотиши ва бошқача чиқиб кетиши» - 300000 сўм.

- бошлангич қийматни ҳисобдан чиқариш:

Д-т 9210-«Асосий воситаларнинг сотиши ва бошқача чиқиб кетиши» - 350000 сўм

К-т 0130-«Машина ва ускуналар» - 350000 сўм.

- ҳисобланган эскиришни ҳисобдан чиқариш:

Д-т 0230-«Машина ва ускуналарнинг эскириши» - 140000 сўм

Д-т 9210-«Асосий воситаларнинг сотиши ва бошқача чиқиб кетиши» - 140000 сўм.

Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши натижасини акс эттириш қўйидагича бўлади:

Д-т 9210-«Асосий воситаларнинг сотиши ва бошқача чиқиб кетиши» - 90000 сўм

К-т 7230, 6230-«Муддати узайтирилган даромад» - 90000 сўм.

- лизинг тўловлари келиб тушганда:

Д-т 5110-«Ҳисоб-китоб счети»

К-т 4810-«Лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар».

Бир вақтнинг ўзида молиявий фаолиятдан олинган даромаддан муддати узайтирилгани даромаднинг тегишли қисмини ҳисобдан чиқариш бухгалтерияда қўйидагича акс эттирилади:

Д-т 6230-«Муддати узайтирилган даромад»

К-т 9550-«Молиявий лизинг шартномасига кўра мол-мулкни топширишдан олинган даромад».

6.8. Номоддий активлар ҳисобининг вазифалари ва уларни баҳолаш.

Номоддий активлар - хўжалик юритувчи субъектларга хўжалик фаолиятида фойдаланиш ёки бошқариш, узоқ вақт (бир йилдан ортиқ) мобайнида фойдаланиш учун мўлжалланган моддий хусусиятга эга бўлмаган мол-мулк объектларидир.

Номоддий активларнинг ҳисобга олиниши молиявий ҳисоботларни тузувчи хўжалик юритувчи субъектлар учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Уни юритиш тартиби “Номоддий активлар” номли 7-сон БҲМСда акс эттирилган.

7-сон БҲМСда номоддий активлар, активни тан олиниш пайти ва номоддий активларнинг ҳисобга олиниш тартиби тушунчасининг аниқ таърифи баён қилинган.

Ноу-хау-ишлаб чиқариш хўжалик фаолияти жараёнида фойда келтирувчи янги технологиядир.

Ноу-хау хўжалик юритувчи субъект таъсисчилари келишувида аниқланган қиймат бўйича хўжалик юритувчи субъект устав капиталига улуш ҳисобида таъсисчилар киритиши ҳам мумкин.

Ташкилий харажатлар, хўжалик юритувчи субъектни ташкил қилиш давомида вужудга келади, хўжалик юритувчи субъект ҳар бир иштирокчиси фаолиятнинг бошланғич давридаги ташкилий харажатлар ва йўқотишлардан ташқари, маслаҳатчилар хизматлари, реклама тадбирлари, ҳужжатларни тайёрлаш, рўйхат олиш ва харажатлардан иборат бўлади.

Патент - бу юридик жихатдан тан олинган ва рўйхатга олинган мутлоқ ҳуқуқдир. Патентга тегишли ҳуқуқ унинг эгасига ташқаридан бошқа шахслар аралашмаслиги шарти билан буюмдан ёки ғоядан фойдаланиш, уларни ишлаб чиқариш, сотиш ва назорат қилиш имконини беради.

Патентнинг тегишли органлар томонидан рўйхатдан ўтказилиши унинг ҳимояланишига кафолат бермайди. Ушбу ҳуқуқлар судда мувофакқият билан ҳимояланмагунига қадар рақобатбардош бўла олмайди. Шунингдек, судда ҳуқуқ ҳимоя қилиниши билан боғлиқ барча харажатларни патент баҳосининг бир қисми сифатида капиталлаштириш лозимлиги тўғрисида умумий келишув мавжуд.

Мабодо суд жараёнида ютқазилса, у билан боғлиқ харажатлар ҳам амортизация қилинмаган патент қиймати ҳам ҳисобдан чиқарилади

Саноат дизайнини рўйхатдан ўтказиш-ишлаб чиқаришда яратилган буюмнинг намунаси ёки патентга ўхшаб кетади. Аммо патент фаолиятни ҳимоя қилса саноат дизайнини рўйхатга олиш эса ташқи кўринишни ҳимоя қилади. Масалан, компьютер терминалининг янги дизайни дизайнининг рўйхатга олиниши билан янги “Pentium-5”-компьютер эса-патент билан ҳимоя қилинади.

Муаллифлик ҳуқуқлари- мусиқа, адабиёт, тасвирий санъат асарларига тақдим этиладиган муаллифлик ҳимоясидир. Муаллифлик ҳуқуқи соҳибларига ўз ишларини нашр қилиш, қайта нашр қилиш ва кўпайтириш, кўчирма нусхаларини сотиш, ёзиб олиш ҳуқуқи беради.

Муаллифлик ҳуқуқи қиймати таннарх қоидасига биноан ўлчанади, деб фараз қилинади. У кўпинча бутун амал қилиш муддати мобайнида иқтисодий қийматга эга бўлмайди ва унинг қиймати муаллифлик ҳуқуқига оид ишнинг даромад келтира бошлаши кўтиляётган давр давомида амортизация қилиниши лозим бўлади. Аммо у ҳар қандай ҳолатда ҳам бутун амал қилиш муддатидан ортиқ вақт давомида (муаллифнинг ҳаёт эканлиги даврининг яна 50 йил) амортизация қилинмаслиги керак.

Савдо маркалари ёки **савдо белгилари** (мисол учун “Coca-Cola”)- маҳсулот ёки хизматларга оид берилган номлар, рамзлар ёки бошқа хил (аниқлаб берувчи) идентификациялар. Улар эгалик қилишни асослаш учун рўйхатга олинishi, рўйхатга олинганлари эса-уларнинг фаолият муддатларини маълум бир даврга узайтириш асосида янгиланиб бориши мумкин. Бундай ҳолларда номланишлар, рамзлар ва маҳсулотнинг бошқа аниқловчи идентификациялари юридик жиҳатдан ҳимояланади.

Савдо маркасининг сотиб олинishi вақтида тўланган пул маблағлари қиймати капиталлаштириб борилади. Унинг фойдаланилиши, ҳимоя қилиниши, кенгайтирилиши, рўйхатдан ўтказилиши ёки судда ҳимоя қилиниши натижасида юзага келган пул суммалари ҳам капиталлаштирилади.

Бу тариқа капиталлаштирилган суммалар савдо маркасининг фойдали хизмат қилиши муддати мобайнида ёки ушбу муддатлардан қайси бири нисбатан қисқа бўлиб чиқишидан келиб чиққан ҳолда - 40 йил мобайнида амортизация қилиниши лозим.

Франшизалар одатда давлат томонидан давлат мол-мулкидан (масалан, кабель телевидениеси компанияси) фойдаланиш ҳуқуқига эгалик қилиш учун ёки коммунал хизматлар кўрсатиш (электр энергияси), шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар томонидан аниқ мақсадлар ва аниқ хизматлардан (“Ўзбекистон ҳаво йўллари”) фойдаланиш ҳуқуқига эгалик қилишлари учун берилади.

Кўпгина ҳолларда франшизани олиш қиймати юқори бўлади ва одатда франчайзи франчайзорга унинг бошланғич қийматини тўлаши талаб этилади. Франшизанинг бошланғич қиймати капиталлаштирилиши ва ундан кейингина харажатлар юзасидан ҳисобдан чиқарилиши лозим. Франшизалардан амортизация қилиш унинг олдинги даврий баҳолари билан биргаликда аниқ белгиланган хизмат қилиш муддатига асосланади. Бироқ тўлиқ амортизация даври 40 йилдан ошиб кетиши мумкин эмас.

Ташкилий харажатлар-хўжалик фаолиятни ташкил қилиниши вақтида юз берган харажатлардир. Унга бевосита тегишли бўлган харажатлар (масалан, юридик, бухгалтерия, канцелярия ва ҳаракатланиш харажатлари) ташкилий

харажатлар сифатида капиталлаштирилади. Фаолиятнинг биринчи йилида жами суммаларни харажатларга киритиш харажатнинг даромад билан мувофиқ келмаслигига олиб келади.

Энг оммавий тарқалган ва оддий активлар бўлиб **гудвилл (фирма баҳоси)** ҳисобланади. У ўзида фирманинг аниқланадиган активларидан олиниши кўтилаётган даромадларига кўшимча равишда даромадларнинг кўпайишига олиб келувчи фирманинг имиджи натижасида юзага келган қимматликни акс эттиради.

Гудвилл, фақат, бир хўжалик юритувчи субъект иккинчисини сотиб олган ҳоллардагина рўйхатдан ўтказилади. У сотиб олиш далилисиз ҳам амал қилиши мумкин, бироқ бухгалтерия ҳисобида, бир корхона бошқасини сотиб оладиган бўлса еки уларнинг кўшилиши юз берадиган бўлсагина тан олинади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг номоддий активлари таркибида 0400-сон счётида қуйидагилар акс этирилади: патентлар, лицензиялар, ақлий мулк, савдо маркалари (бунга фирма маркалари ва нашр этиладиган номлар ҳам киради), мутлақ ҳуқуқлар, компьютерларнинг дастурий таъминоти, муаллифлик ҳуқуқлари, мижозларнинг рўйхатлари, лицензиялар, маркетинг ҳуқуқлари, импорт квоталари, ташкилий харажатлар (янги хўжалик юритувчи субъектни ташкил қилиш харажатлари, яъни “бошланғич харажатлар”), ноухау, бозор тўғрисидаги билимлар, гудвилл (фирма баҳоси), техникага оид кўникмалар ва ҳ.к.

0500-сон бухгалтерия ҳисобварағининг кредитида номоддий активларнинг йиғилиб борадиган амортизацияси ҳисобга олинади.

Номоддий активлар корхонанинг активи кўринишида, агар у:

- *актив талабини қондирса;*

- *ўлчаш имконига эга бўлса;*

- *ўз аҳамиятига эга бўлса;*

- *ишончли бўлса;*

- *келгусида иқтисодий фойда келтирса;*

- *аниқ (яъни, ундан у ишлатиладиган ишлаб чиқаришдан алоҳида ажратилган ҳолда фойдаланилиши мумкин) бўлганидагина тан олинади.*

Актив, агар хўжалик юритувчи субъект ундан келгусида олинадиган алоҳида сотиш, алмаштириш ёки тақсимлаш имконига эга бўлсагина, бўлиниши мумкин.

Қуйидагилар номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритишнинг асосий қоидалари бўлиб ҳисобланади:

- харид қилиш, вақтида ги таннарх қоидаси;

- кўрилган зарарлар ва мазкур харажатларнинг қилиниши натижасида олинадиган даромаднинг бир вақтнинг ўзида акс этирилишини талаб қилувчи фойдаланиш давридаги мувофиқлик қоидаси;

- ҳисобдан чиқариш вақтида, яъни чиқиб кетишлардан кўрилган фойда ёки зарар ҳисобдан чиқариш вақтида активнинг олинган тўлов ва баланс қиймати ўртасидаги фарққа тенг деб тан олинганидаги даромадни тан олиш қоидаси.

Номоддий активлар қуйидагича баҳоланиши мумкин:

- 1) томонлар келишуви баҳоси бўйича;
- 2) уларни таъсисчилар устав капиталига улуш ҳисобидан киритганда;
- 3) номоддий активлар объектларини тайёрлик ҳолатига келтириш ва сотиб олиш ҳақиқий харажатлари баҳоси бўйича - бошқа ташкилотлар ва шахслардан сотиб олинганда;
- 4) эксперт йўли билан белгиланган баҳо бўйича - бошқа корхона ва шахслардан бепул олинганда.

Номоддий активнинг баҳоси амал қилиш муддати мобайнида ёки мувофиқлик қоидасига биноан номоддий активнинг тахмин қилинаётган хизмат қилиш муддати мобайнида мунтазам равишда ҳисобдан чиқариб борилиши лозим. Мазкур жараён номоддий активларнинг амортизация қилиниши деб аталади.

7-сон БҲМС нинг 39-бандида номоддий активнинг амортизация қилинадиган қиймати мунтазам асосда қуйидаги тарзда тақсимлаб борилиши лозим бўлган амортизация қилиш муддатлари белгиланган:

- унинг фойдали хизмат кўрсатиш муддати мобайнида (бирок хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият кўрсатиш муддати доирасида);

- фойдали фойдаланиш муддатларини аниқлаш имкони бўлмаган 5 йил ҳисобида (бирок, хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият муддати доирасида).

Номоддий активнинг иқтисодий хизмат кўрсатиш муддатини белгилаш одатда қийин бўлгани сабабли, унинг хизмат кўрсатиш муддатини аниқлаш учун қуйидаги омиллар ҳисобга олинishi лозим:

- хизмат кўрсатишнинг энг кўп муддатини чеклаши мумкин бўлган юридик, тартибга солувчи ва шартнома қоидалари;

- мўлжал қилинаётган хизмат қилиш муддатини ўзгартириши мумкин бўлган янгилаш ёки муддатни узайтиришга оид шартлар;

- хизмат қилиш муддатини камайтириш мумкин бўлган эскириш, талаб ва бошқа хил иқтисодий омиллар;

- кўтилаётган иш муддати ёки ходимлар гуруҳига мувофиқ келиши мумкин бўлган хизмат қилиш муддати;

- номоддий активнинг мавжуд рақобатбардошлигини чеклашга қодир рақобатчилар ва бошқа субъектларнинг кўтилаётган ҳатти-ҳаракатлари;

- турли хизмат кўрсатиш муддатларидаги кўпгина алоҳида активларнинг асоси бўлиши мумкин бўлган номоддий актив.

6.9. Номоддий активларни қабул қилиш ва ҳисобдан чиқариш тартиби ҳамда уларни ҳужжатларда расмийлаштириш

Тармоқ корхоналардаги хўжалик муомалаларини, моддий жавобгар шахслардаги қийматликларни, шунингдек бошқа юридик шахслар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ва таҳлил қилишни таъминлаш учун бухгалтерия ҳужжатларидан кенг фойдаланилади. Иқтисодий адабиётларда иқтисодчи олимлар томонидан бухгалтерия ҳужжатлари ва ҳужжатлаштириш ҳақида турли фикрлар билдирилган.

Жумладан, проф. М.Остонақулов «Бухгалтерия ҳисобида ҳужжат деб ҳуқуқий асосга эга бўлган, маълум реквизитли иш қоғозга айтилади» деб таърифлайди.²

М.Умарова томонидан эса қуйидаги фикр билдирилган: «Ҳужжатлаштириш-бу корхона хўжалик фаолиятини кузатиб бориш, ҳисобга олинадиган хўжалик муомалаларини назорат қилиш ва акс эттиришнинг асосий усулидир».³

А.Каримов ва А.Ибрагимов томонидан қуйидаги фикрлар билдирилади: «Бухгалтерия ҳисобида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳар қандай содир бўлган хўжалик муомаласи ҳужжатларда расмийлаштирилиши керак. Ҳужжатсиз бухгалтерия ҳисобида ёзувлар амалга оширилмайди. У юридик асосга эга бўлиб, корхона фаолиятига баҳо беришда бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг ишончлилигини таъминлайди».⁴

В.Кожиновнинг фикрига кўра, «Ҳужжатлаштириш-бу ҳужжатлар мажмуаси бўлиб, корхона хўжалик фаолияти тўғрисида тўлиқ ва узлуксиз маълумотлар билан таъминлайди. Ҳар қандай ҳужжат-хўжалик муомалаларини ёзма равишда қайд этиши керак. Унинг юридик кучга эга бўлиши реквизитлари билан белгиланади».⁵

Тармоқ корхоналарининг молия-хўжалик фаолиятларида содир бўладиган муомалалар мазмуни, тайинланиши ва шаклига кўра турли хил ҳужжатлар қўллашни талаб этади. Унда бухгалтерия ҳужжатлари тайинланиши, муомаларни қайд этиш тартиби, муомалаларни камраб олиш, ёзувларнинг сони ва тузиладиган жойига қараб таснифланади. Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлаштириш асосида бошланғич ҳисоб шаклланади.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатларини тўлдирилиши, хўжалик муомалаларини содир бўлган жойларида акс эттириш, шунингдек уларни тўғри аниқ тузилиши

² Остонақулов М. «Бухгалтерия ҳисоби назарияси». Т.: Меҳнат-1994 йил. 296-бет.

³ Умарова М., Эшбоев.Ў., Ахмаджанов.К. «Бухгалтерия ҳисоби». Т.: Меҳнат-1999 йил. 20-бет.

⁴ Каримов А., Ибрагимов А. «Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби». Т.: Ўзбекистон – 1999 йил. 13-бет.

⁵ Кожинов В.Я. «Бухгалтерский учет», «1 Федеративная Книго Торговая Компания». М.: 1998 г. 39-стр.

ва бухгалтерияга ўз вақтида топширилишини амалга оширади ва назорат қилади.

Бухгалтерия ҳисоби тизимидаги янги объект номоддий активларнинг дастлабки ҳисобини ташкил этиш, корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятларида бухгалтерия ҳисоби ишларини тўғри олиб бориш, харажатларни таннархга ёки давр харажатларига қўшиш, молиявий натижаларни аниқлаш имконини беради.

Тармоқ корхоналарда номоддий активларнинг дастлабки қийматини шакллантириш тартибини қуйидагича ифодалаш мумкин (Жадвал).

Номоддий активларнинг сотиб олиш манбалари баҳолаш даражасига боғлиқ бўлади.

Номоддий активларнинг баҳолари қуйидаги турларга бўлинади: шартнома баҳоси, келишилган баҳо, бозор баҳоси, баланс баҳоси. Мулкнинг, дастлабки қиймати харажатларга бевосита боғлиқ. Бу эса ўз навбатида қўшма корхоналарда номоддий активларни тўғри гуруҳланишини тақозо қилади.

Жадвал

Номоддий активларнинг ташкил этиш манбалари

бўйича дастлабки қийматини шаклланиши

Дастлабки қийматни шакллантирувчи омиллар	Номоддий активларнинг шаклланиш манбалари				
	Устав капиталига ҳисса сифатида қўйиш	Харид қилиш	Корхона-нинг ўзида яратиш	Бошқа активларга алмаштириш	Грантлар асосидан олиш
1	4	2	3	5	6
Номоддий активларнинг баҳоси:					
– шартнома баҳоси		+			
– бозор (жорий) баҳоси				+	+
– баланс баҳоси (қиймати)	+	+	+	+	+
Харид қилиш харажатлари;					
– давлат божлари ва йиғимлари (рўйхатдан ўтиш)	+	+		+	
– солиқлар	+	+		+	
– ижарага бериш харажатлари	+	+	+	+	+
– реклама харажатлари		+			
– бошқа харажатлар	+	+	+	+	

Ҳужжатлаштириш орқали номоддий активлар бухгалтерия ҳисоби счётларида вақтида акс эттирилади ва уларни узлуксиз назорат қилиб бориш мумкин бўлади.

Номоддий активлар ҳисобини юритувчи корхоналар бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларини тузиш ва уларнинг айланишини амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида мустақил равишда белгилайдилар. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қайд этилаётган ҳужжатларда номоддий активларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, номоддий активларни келиб тушиши, чиқиб кетиши, тавсифномаси, фойдали ҳизмат қилиш муддатлари, дастлабки қиймати, амортизация меъёрлари каби муҳим реквизитларни ўз ичига олиши керак.

Номоддий активларни ҳужжатлаштириш маълум хусусиятларга эга. Ушбу хусусиятлар номоддий активларнинг бошланғич ҳисобини тўғри ташкил қилишга имкониятлар беради.

Номоддий активлар таркибига кирувчи патентларни ҳужжатлаштиришда лицензия шартномасини эътиборга олиш лозим. Ушбу ҳужжат Патент идораларида қайд этилган бўлиши лозим. Табиий ресурсларга бўлган (ер, сув, геология) ҳуқуқларини сотиб олиш юридик ва жисмоний шахслар билан тузилган шартномалар асосида белгиланади. Шунингдек айрим номоддий активлар ҳам борки, улар корхона фаолиятида муҳим роль ўйнайди. Масалан, ошкор этилмаган ахборотлар ва уларни ҳимоя қилиниши.

Корхона ва фирмаларда номоддий активлар ҳаракатини ҳисобга олиш уларнинг махсус ҳисоб карточкаларида юритилиши керак. Чунки, кейинги йилларда автомобилсозлик корхоналарида номоддий активларнинг салмоғи сезиларли даражада ошиб бормоқда. Бу ўз навбатида бухгалтерия ҳисоби олдига ҳужжатлаштириш жараёнларини тўғри ва аниқ ташкил этиш ҳамда такомиллаштиришни тақазо этмоқда.

Асосий воситалар бўйича юритиладиган аналитик ҳисоб карточкасининг кераксиз бўлган реквизитларидан озод қилиб номоддий активларга хос бўлган қўшимча реквизитларни қўллаш мумкин.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунга асосан (9-модда) бошланғич ҳисоб ҳужжатлари хўжалик муомалалари амалга ошириб бўлингандан сўнг тузилади. Номоддий активларни ҳисобга олишда дастлабки ҳужжатлар (шартнома, далолатнома) куйидаги асосий реквизитларига эга бўлиши лозим; ҳисоб (архив) рақами, номи ва шартли шифри, ахборотларнинг материал кўриниши, объектлардан фойдаланиш муддатлари, асл нусхаларининг сақлаш жойи, жорий этган шахслар (корхона, ташкилот), объектдан фойдаланувчилар, ҳужжатларни сақлаш рақамлари, харажатларга олиб бориш объектлари ва бошқа кўрсаткичлар. Шунингдек, қонунга кўра ҳисобот даврига тегишли бўлган хўжалик муомалалари ва улар амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар олинмаган бўлса, тегишли бошланғич ҳужжатлар расмийлаштирилиб, бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши кўрсатилади.

Номоддий активларнинг дастлабки ва жамлама ҳисоби иқтисодий адабиётларда тўлиқ ёритилмаган. Илмий тадқиқот жараёнида тармоқ корхоналарида номоддий активлар бўйича дастлабки ҳисобини ташкил

қилишда уларни қайд этувчи янги ҳужжат шакллари ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш керак бўлади. Номоддий активларни киримга олиш учун қуйидаги ҳужжатларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

1. Номоддий активларни қабул қилиш-тошириш далолатномаси (НМА – 1 шакл).

Мазкур далолатноманинг шакли амалиётда меъёрий - ҳуқуқий жиҳатдан ўз тасдиғини топмоқда, унинг шакли диссертация илова қисмида намуна сифатида тақдим этилди. Номоддий активлар қайси манба ҳисобидан қабул қилинмасин (харид қилиш, устав капиталига қўшиш, бошқа активларга алмаштириш, грант ёки субсидия кўринишида олиш, корхонанинг ўзида шакллантириш ва бошқалар), улар шартномаларга мувофиқ «*Номоддий активларни қабул қилиш-тошириш далолатномаси*» *НМА-1 шакл* бўйича расмийлаштирилиши лозим.

Далолатнома номоддий активни қабул қилувчи гуруҳ ҳайъати томонидан ҳар бир объект учун бир нусхада тузилади. Шунингдек, бир турдаги номоддий активлар учун олдин тузилган дастлабки далолатномалар умумлаштирилиб «*Умумий далолатнома*» тузилади. Масалан, саноат намунасига бўлган бир неча хил ишлаб чиқариш ҳуқуқига эгалик қилувчи патентлар ёки турли хил ўлчамдаги бир неча ер майдонларидан фойдаланиш ҳуқуқлари учун руҳсатнома (лицензия) лар бўлиши мумкин. Далолатноманинг асосий воситаларни ҳисобга оладиган далолатномасидан фарқли томонлари шундаки, аввало бу шаклнинг содда ҳамда керакли реквизитларга эга бўлганлигидадир.

Номоддий активларни қабул қилиш далолатномаси тузилиб сўнг бухгалтерияга топширилади. Далолатнома билан бирга объектларнинг бошқа ҳужжатлари ҳам тақдим этилади. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, айрим номоддий активлар объектлари бўйича далолатномани тўлдириш активнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоб юритиш сиёсатида белгиланади.

2. Номоддий активларни тугатилиши (ҳисобдан чиқариш) далолатномаси. (НМА- 2 шакл).

Корхоналарининг ҳисоб юритиш сиёсатида мувофиқ улардаги мавжуд номоддий активларини ҳисобдан чиқариш бўйича «*Номоддий активларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси*» деб номланаган далолатноманинг янги шакли (НМА-2 шакл) ишлаб чиқилди ва уни амалиётга жорий этиш мумкин.

Ушбу шаклда номоддий активлар объектларини ҳисобдан чиқариш пайтида хўжалик юритувчи субъект раҳбари тайинланган ҳайъат томонидан икки нусхада тузилади. Ушбу далолатноманинг биринчи нусхаси бухгалтерияга, иккинчи нусхаси эса жавобгар шахсга берилади. Далолатномада номоддий активларни номи, санаси, инвентар (архив рақами), ҳисобдан чиқариш сабаби, баланс қиймати, амортизациянинг йиллик меъёри, амортизация суммалари акс эттирилади.

Томонлар ўртасидаги патент, лицензия олишга тузилган шартнома шартлари бажарилиб, саноат намунаси ҳуқуқи бўйича патент ёки табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқларига бўлган гувоҳномалар ўз кучини йўқотганда корхонада номоддий активларни тугатиш далолатномаси

расмийлаштирилади. Номоддий активларни ҳисобдан чиқариш комиссия аъзоларининг хулосаларига асосланиб, ҳисобдан чиқарилади ва якуний молиявий натижа аниқланади.

1. Номоддий объектларга амортизациясини ҳисоблаш қайдномаси (НМА-3 шакл).

Корхоналарида номоддий активлардан фойдаланиш жараёнида улар ўзининг дастлабки қийматини йўқотиб боради. Ушбу активлар бухгалтерия ҳисоби миллий стандарт қоидаларига асосан номоддий активда мужассамлашган истеъмол хусусиятлари сарфланганда, баланс қиймати тегишли суммага камайиб боради. Бу эса, номоддий активларнинг бутун фойдали хизмат қилиш муддатлари давомида қолдиқ қиймати чегирилган ҳолда, дастлабки қийматини харажатга мунтазам ўтказиш ҳисобига амалга оширилади. Демак, номоддий активларга амортизация ҳисобланганда белгиланган меъёрларга асосан «Номоддий активларига амортизацияни ҳисоблаш қайдномаси» тузилиши керак.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, иқтисодий адабиётларда амортизация қайдномасининг тегишли бўлган устунларида номоддий активлар амортизация меъёрлари ҳам келтирилади. Лекин, ушбу меъёрлар илмий жиҳатдан тўлиқ асосланилмага. Бунинг асосий сабаби амортизация меъёрлари ҳақидаги махсус ҳужжатлар ишлаб чиқилмаган. Номоддий активлар бўйича амортизацияни ҳисоблаш қайдномасининг амалдаги намунавий шаклига амортизация меъёрларини қайд этувчи устунини киритиш мумкин.

Номоддий активлар амортизациясини ҳисоб-китоб қилишда ишчи жадвали корхона бўйича ҳисобот ойида ёзиладиган номоддий активлар амортизация суммасини белгилаш учун фойдаланилади. Ушбу жадвалнинг қўлланилиши амортизация ҳисоблаш жараёнини янада соддалаштиришга олиб келади. Бунда ҳисоб-китоб қуйидагича амалга оширилади: ой бошидаги амортизация суммасига келиб тушган номоддий активлар бўйича ҳисобланган амортизация суммаси қўшилиб, ўтган ойда ҳисобдан чиққан номоддий активлар бўйича амортизация суммаси чегириб ташланади. Бунда ҳисоб-китоб маълумотлари фақат амортизация қисмида келтирилиб, у номоддий активлар дастлабки қиймати асосида белгиланади.

Номоддий активлар амортизациясининг қиймати гуруҳлашаган меъёрлар бўйича белгиланиб, булар патентлар, лицензиялар кабиларнинг турларига қараб ажратилади. Шунингдек, бу ишланма жадвалида амортизация суммаси ҳар бир фойдаланиш объектлари бўйича белгиланади. Бунда амортизация ажратмалари харажатлар таркибига киритилади.

Номоддий активлар ҳаракатини ҳисобга олувчи дастлабки ва жамлама ҳужжатлар таркибида бизнинг фикримизча кўра қуйидаги ҳужжатлардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

- *Номоддий активларни ишлаб чиқариш жараёнида қўлланганиши бўйича корхона раҳбарининг буйруғи (НМА-4 шакл);*

- *Номоддий активлар объектларидан фойдаланиш муддатлари тўғрисидаги баённома (НМА-5 шакл);*

- *Номоддий активнинг махфийлиги тўғрисидаги корхона раҳбарининг буйруғи (НМА-5а шакл); (8-илова).*

Бундай хужжатлар ўз мазмуни ва аҳамиятига кўра, бир-бирига мос келиши ва унда объектларни хужжатларда акс эттиришга асос бўлади. Номоддий активларнинг ўзини ёки унинг ишлатилиш тартибини баён этувчи хужжатлар, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг у ёки бу мулкый ҳуқуқларини тасдиқловчи хужжатлар анашундай хужжатлар жумласига киради.

Саноат намунаси бўйича олган патент ёки гувоҳномалар махсус хужжатлар билан расмийлаштирилади. Хўжалик юритувчи субъект бирор бир ҳуқуқни сотиб олган тақдирда улар анашу муаллифлик ҳуқуқларини сотган ҳуқуқий ва жисмоний шахс билан тузилган, кучга кирган шартнома асосдагина ҳисобда қайд этилади шунингдек, юқорида кўрсатилган дастлабки ва йиғма хужжатларнинг сонини қисқартириш, тўлдириш тартибини соддалаштириш, сифатини яхшилаш ва уларни компьютер дастурларига мослаштириш керак.

Номоддий активлар харид қилиш баҳоси бўйича акс эттирилади. Харид қилиш қиймати барча харажатларни, шу жумладан- сотиб олиш баҳоси, ташиш бўйича харажатлар, шунингдек, сотиб олиш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳар хил харажатларни ўз ичига олади. Номоддий активларнинг сотиб олинишини оид бухгалтерия проводкалари куйидагича:

Дт 6010 Кт 5110- Етказиб берувчига тўлов

Дт 0830 Кт 6010-Капитал қўйилмалар ҳисобидан сотиб олиш

Дт 0400 Кт 6010-Мол етказиб берувчилардан сотиб олиш.

Агар номоддий активлар пулсиз ёки беғараз алмашиш (бартер) йўли билан сотиб олинса уларнинг қиймати бозор нархи асосидан келиб чиқиб, олинган ҳуқуқлар асосида аниқланиши мумкин:

Дт 0830 Кт 6010

Дт 0400 Кт 0830

Номоддий активнинг фирманинг ўзи томонидан ташкил қилиниши вақтида ва харажатлар суммасини аниқ белгилаб олиш мумкин бўлса, ушбу актив ҳақиқий таннарх бўйича акс эттирилади.

Дт 0830 Бошқа активларни сотиб олиш

Кт 1010,6710,6520,2010 Номоддий активнинг ташкил қилиниш харажатлари

Дт 0400 Номоддий активларни ҳисобварағи

Кт 0830 Бошқа активларни сотиб олиш

Номоддий активлар куйидаги ҳолларда ҳисобдан чиқарилиши мумкин:

- хизмат муддати тугагандан сўнг;
- тўлиқ эскириши вақтида ;
- бошқа жисмоний ва юридик шахсларга сотилиши вақтида ;

- бошқа жисмоний ва юридик шахсларга текинга берилиши вақтида ;
- бошқа жисмоний ва юридик шахсларга устав капиталига бадал сифатида берилиши вақтида .

Ҳисобдан чиқаришга оид бухгалтерия проводкаларини келтирамиз.

Бошқа жисмоний ва юридик шахсларга сотиш ҳолларида:

Дт 5110 Кт 4010 Тушум суммасига
Дт 9220 Кт 6410 ҚҚС суммасига
Дт 9220 Кт 0400 Номоддий активнинг бошланғич қиймати бўйича ҳисобдан чиқарилиши
Дт 0500 Кт 9220 Ҳисобланган эскиришнинг ҳисобдан чиқарилиши
Дт 9220 Кт 9320 Сотидан кўрилган фойда

Бошқа жисмоний ва юридик шахсларга тугатиш ҳолларида:

Дт 9220 Кт 0400 Номоддий активнинг бошланғич қиймати бўйича ҳисобдан чиқарилиши
Дт 0500 Кт 9220 ҳисобланган эскириш
Дт 9220 Кт 6710,6520 Тугатишга оид харажатлар
Дт 9430 Кт 9220 Тугатишдан кўрилган зарар
Дт 1040 Кт 9320 Темир терсақларнинг кирим қилиниши

Бошқа жисмоний ва юридик шахсларга текинга бериш ҳолларида:

Дт 9220 Кт 0400 Бошланғич қиймати суммасига
Дт 0500 Кт 9220 Эскириш суммасига
Дт 9220 Кт 6410 ҚҚС суммасига

Номоддий активларнинг сотилиши ва текинга берилишига оид оборотлар ҚҚСга тортилади. Текинга бериш вақтида ҚҚС тўловчиси бўлиб, уни берувчи томон ҳисобланади (қабул қилувчи томон фойда солиғини тўлайди).

Хўжалик юритувчи субъектлар одатда ҳуқуқий ҳимоя қилинадиган ва лицензион шартномалар билан расмийлаштирилладиган номоддий активлар объектларини эмас, балки улардан фойдаланишга оид ҳуқуқни сотадилар. Бундай ҳолларда номоддий активлар қиймати ва уларнинг эскириш суммаси ўзгармайди ва сотиш ҳисобварағи бўйича фақатгина тегишли номоддий активлар объектларига бўлган ҳуқуқни сотишдан тушган тушум суммасигина акс эттирилади.

Номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва уни юритиш муҳим масалалардан бўлиб, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Номоддий активлар» номли 7-сон миллий стандарт талаблари асосида амалга оширилади. Номоддий активларни тўғри ҳисобга олиш ва доимий равишда назорат қилиниб турилиши керак. Хўжалик юритувчи субъектларидаги номоддий активлар қуйидаги манбалардан қабул қилинади:

- пул маблағлари эвазига;
- кредитлар ҳисобига;
- сотиб олувчи корхона капитали акцияларига алмашиш орқали;
- бошқа корхоналардан ҳадия (текинга) сифатида;
- ўзида яратиш;
- давлат гранти;
- устав капиталига улуш сифатида ва ҳ.к.

Бошланғич ҳужжатлар асосида номоддий активлар қайси манбалардан келишиб тушишидан қатъий назар қабул қилиш ҳужжатлари бўйича киримга олиниши лозим. Номоддий активларни кирим қилишда уларнинг ҳуқуқий эгаллигини тасдиқловчи (муҳофаза этувчи ҳужжатларга) алоҳида эътибор берилиши керак. Ушбу ҳужжатлар номоддий активларни ҳисобга олишга асос бўлади. Ушбу монографияда номоддий активларни бухгалтерия балансида акс эттириш масалалари илмий ва назарий жиҳатдан чуқурроқ тадқиқ этилди.

Пул маблағлари эвазига харид қилинган номоддий активларнинг қиймати уларни сотиб олиш, йиғимлар, солиқ ва бошқа харажатлардан ташкил топади. Кредитга олинган номоддий активларнинг қиймати, қуйидагилардан ташкил топади:

1. Сотиб олишнинг пул ўлчовидаги баҳоси (бозор қиймати);
2. Қарздорлик суммалари бўйича келажакда тўланиши лозим бўлган пул тўловларининг тегишли бўлган бозордаги фоиз ставкаси бўйича дисконтлашган қиймат.

Дисконтлашган қиймат шундай тушунчаки, у келгуси активларнинг кирими ёки чиқимининг бугунги қиймати деб баҳоланади. Агарда қарздорлик ҳужжати фоизсиз ва активнинг жорий пул қийматини аниқлаш имкони бўлса, унда пулдаги қийматидан кўп тўланадиган сумма фоиз бўйича харажатлар кўринишида тан олинади ва бутун қарздорлик даврлари бўйича тақсимланади. Агар, номоддий активларнинг пулдаги қийматини аниқлаш имкони бўлмаса, фоиз бўйича умумий харажатларни аниқлашда ва бу активнинг жорий қийматини ҳисоблаш учун устунликка эга бўлган фоиз ставкасидан фойдаланилади. Шундай қилиб, номоддий активлар пулдаги қийматига эквивалент бўлган баҳода ифодаланиши мумкин.

Корхона акциялари эвазига алмаштириш орқали киримга олинadиган номоддий активлар қуйидагича тартибда ҳисобланиши керак: корхона капиталининг акциялари номоддий активларни сотиб олиш мақсадида чиқарилган тақдирда, номоддий активлар ёки уларнинг ҳақиқий бозор қиймати бўйича ёки чиқарилган акцияларнинг бозор қиймати бўйича уларнинг қайси бири ҳаққоний ва объективлигига қараб акс эттирилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар бирон бир субъектга ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантириш мақсадида номоддий активларни ҳадя сифатида бериши ҳам мумкин. Ҳадя қилинган номоддий активлар ҳисоби фақат ҳақиқий қиймати бўйича баҳоланган таъйини қатъий риоя қилинган ҳолда ифодаланади. Ҳадя қилинган номоддий активларнинг қиймати мавжуд бўлмаса, унда, номоддий активлар қиймати етказиб бериш ҳужжатларидаги қиймат

асосида баҳоланади.

Номоддий активлар ва хусусий капитал счётлари ҳада қилишда активнинг жорий бозор қийматини ҳақиқий баҳолаш натижасида кўпайиб боради. Хусусий капитал счётининг кўпайиши ҳада қилинган номоддий актив ва корхона капиталининг кўпайишини ифодалайди. Шунингдек, ҳада тариқасида олинган амортизацияланадиган номоддий активлар ҳисоб регистрларида акс этирилган баҳолар асосида оддий усулда амортизация қилиниши керак.

Давлат гранти асосида олинган номоддий активларни бухгалтерия ҳисобида акс этиришда қуйидаги мезонлар асос қилиб олиниши керак деб ҳисоблаймиз;

- жорий харажатлар ёки даромадларга таалуқли бўлган ёрдам суммаси даврининг соф фойдасини аниқлашда ҳисобгат олиниши лозим;

- келгуси даврларга таалуқли бўлган ёрдам суммаси муддатини узайтириш керак ва даромадларга олиш у билан боғлиқ бўлган харажатлар пайдо бўлганда амалга оширилиши лозим;

- номоддий активларни олиш билан боғлиқ ёрдам ёки номоддий активнинг амортизацияси олиб ташланган ҳолдаги бошланғич баҳосидан чегириб ташланиши керак.

Масалан, товар белгиси учун гувоҳномага эгалик қилинганда (Сотиб олиш қиймати-300000 сўм) унинг қийматини 40 фоизи давлат томонидан ажратилган гранти ҳисобига қопланади. Гувоҳномадан фойдаланиш муддати 10 йил (ўз кучини йўқотиш муддати).

Биз юқоридаги ҳар икки усулни, яъни соф қиймат ва муддатини узайтириш усуллари ҳисоб-китоб қилиш тартибини бухгалтерия журнал ёзувларида қуйидагича акс этираемиз:

1. Соф қиймат усули бўйича.

а) Сотиб олишни акс этириш (мамлакат валютасида):

Дебет: 0420-«Товар белгиси» счёти -300000 сўм.

Кредит: 5110-«Ҳисоб-китоб» счёти-300000 сўм.

б) Грант олишни акс этириш:

Дебет: 5110-«Ҳисоб-китоб»счёти-120000 сўм.

Кредит: 8810-«Грантлар» счёти –120000 .

в) Ўзгиратиш муддатлари мобайнида ҳар йилнинг охирида амортизация харажатларини акс этириш:

Дебет: 2000, 2300, 2500, 9400-«Харажатларни ҳисобга олувчи» сётлар -18000 сўм.

Кредит: 0520-«Товар белгиларининг амортизацияси» счёти-18000 сўм.

2. Муддатини узайтириш усули.

а) Сотиб олишни акс этириш:

Дебет: 0420 –«Товар белгиси» счёти -300000 сўм.

Кредит: 5110-«Ҳисоб-китоб» счёти-300000 сўм.

б) Грант олишни акс этириш:

Дебет: 5110-«Ҳисоб-китоб» счёти-120000 сўм.

Кредит: 8810-«Грантлар» счёти –120000

в) Гизмат қилиш муддатларида амортизация харажатларини акс эттириш:
*Дебет: 2000, 2300, 2500, 9400-«Харажатларни ҳисобга олувчи счётлар» - 30000 сўм. (1/10*300000).*

Кредит: 0520-«Товар белгисининг амортизацияси» счёти-30000 сўм.

*Дебет: 8810 “Грантлар” счёти –12000 сўм. (1/10*120000).*

Кредит: 2000, 2300, 2500, 9400-«Харажатларни ҳисобга олувчи» счётлар-12000 сўм.

Иккала усулнинг қўлланилиши корхоналар даромадларга бир ҳилда таъсир қилади. Фарқ эса бухгалтерия балансида бўлиб, муддатини узайтириш усулини қўллаганда номоддий активлар (бизнинг мисолда товар белгисига гувоҳнома)нинг умумий қиймати амортизацияланмаган конпенсация суммасига камайтирилган ҳолда акс эттирилади. Соф қиймат усулида эса, номоддий активларнинг соф қиймати акс эттирилади.

Харид қилиб олинаётган номоддий активларнинг дастлабки қиймати ҳам солиқ солинадиган базага таъсир этиш мумкин. Бунда олинаётган номоддий активнинг бозор қиймати билан балансидаги қолдиқ қийматлари олинади. Номоддий активларнинг сотиб олиш ёки текинга олинаётгандаги қиймати балансидаги қолдиқ қийматидан ортиқ ёки кам бўлиши мумкин.

«Давлат субсидияларининг ҳисоби ва давлат ёрдами бўйича кўрсатиладиган маълумотлар» 10-сонли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартида номоддий активлар билан боғлиқ субсидияларни одатда даромад сифатида тан олинishi таъкидланган.⁶

Активларга киритиладиган давлат субсидиялари, шу жумладан ноликвид субсидиялар мақсадли тушумлар деб акс эттирилади ва шу активнинг фойдали хизмат муддати давомида даромад сифатида мунтазам асосида эътироф этилади. Давлат субсидияси номоддий активларнинг баланс қийматини камайтиради ва ҳисобланадиган амортизацияни қикартириш йўли билан унинг фойдали хизмат қилиш муддати даврларида молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларда акс эттирилиб борилиши лозим.

Корхона фаолиятида номоддий активларнинг бир неча турини умумий тарзда харид қилиб олиш мумкин. Чунки кўп ҳолатларда бу активлар тўпламининг баҳоси уларнинг алоҳида сотиб олиш баҳосидан камроқ бўлиши, ўз навбатида бу харидорлар эътиборини жалб этиш мақсадида амалга оширилади. Бошқа ҳолатларда номоддий активлар илова кўринишида харид қилинади, яъни фирма баҳоси (гудвилл) қийматига кадрлар малакаси ва ташкилий харажатлар қўшиб сотиб олинади. Гуруҳли ёки умумий суммага сотиб олиш усули деб аталадиган сотиб олишнинг ушбу тури умумий қийматини сотиб олинган бир неча ҳил номоддий активлар бўйича тақсимлаш муаммосини келтириб чиқаради. Бундай активларни алоҳида идентификацияланиши мумкин эмас, аксинча уларнинг қиймати корхонанинг

⁶ «Давлат субсидияларининг ҳисоби ва давлат ёрдами бўйича кўрсатиладиган маълумот». (БХМС-10) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, 1998 йил, 19-октябр, 52-сон

бошқа активлари билан ўзаро алоқадорлик туфайли ошади. Умумий қилинган харажатларни тақсимлашда ҳар бир номоддий активларни алоҳида объект сифатида бўлиб олиш зарур. Чунки, ҳар бир объект учун харажатларни аниқлаб олиш, келгусида амортизация учун асос бўлади.

Янги счётлар режасига мувофиқ номоддий активларни бухгалтерияда ҳисобга олиш тартиби қуйидаги мазмунга эга;

1. Шартномага асосан компьютер дастурига эга бўлиш. Келишилган нархи-1000000 сўм (ҚҚС билан бирга):

а) Дебет: 0830-«Номоддий активларни сотиб олиш» счёти -1000000 сўм.

Кредит: 6010 «Мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар» счёти-1000000 сўм.

б) Дебет: 0430 «Дастурий таъминот»- счёти-1000000 сўм.

Кредит: 0830 «Номоддий активларни сотиб олиш» счёти -1000000 сўм.

2. Таъсисчилардан улуш асосида номоддий активларнинг олиниши (ер майдонларидан фойдаланиш учун гувоҳнома);

- **Дастлабки қиймати:**

Дебет: 0440 «Ер ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи»-счёти-500000 сўм.

Кредит: 4610 «Устав капиталига бадаллар бўйича таъсисчиларнинг қарзлари»-счёти-500000 сўм.

- **амортизация қиймати;**

Дебет: 4610 «Устав капиталига бадаллар бўйича таъсисчиларнинг қарзи»-счёти-200000 сўм.

Кредит: 0540 «Ер ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқларининг амортизацияси»- счёти-200000 сўм.

- **қолдиқ қиймати:**

Дебет: 4610 «Устав капиталига бадаллар бўйича таъсисчилар қарзи»-счёти-300000 сўм.

Кредит: 8510 «Активлар қайта баҳолаш бўйича, тузатишлар» счёти-300000 сўм.

Юқоридаги бухгалтерия ёзувларини яна қуйидаги кўринишда ҳам акс эттириш мумкин:

Дебет: 0440 «Ер ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи» счёти-500000 сўм.

4610 «Устав капиталига бадаллар бўйича таъсисчиларнинг қарзи» счёти-200000 сўм.

Кредит: 0540 «Ер ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқларининг амортизацияси» счёти-200000 сўм.

4610 «Устав капиталига бадаллар бўйича таъсисчиларнинг қарзи» счёти-200000 сўм.

8510 «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти-300000 сўм

Тармоқ корхоналарининг ҳисоб сиёсатида бухгалтерия ҳисобини журнал-

ордер шакли танлаб олинган бўлса, 0400-«Номоддий активлар» ва 0500-«Номоддий активларнинг амортизацияси» счётлари туркумлари бўйича синтетик ҳисоби 10 ва 13-сонли журнал-ордерда олиб борилиши керак.

Номоддий активлардан, жумладан, патент ёки лицензиялар учун роялти ва «паушал-тўлов» кўринишидаги суммаларни ўтказиб беради.⁷ Лицензия эгаси-бу номоддий активларга эгалик қилувчи ҳамда Давлат Патент Идораси (ДПИ)да рўйхатга олинган лицензиар шартномаси асосида номоддий активдан фойдаланиш ҳуқуқини учинчи шахсга топширган юридик ёки жисмоний шахсдир.

Лицензиат эса, бу лицензия шартномасига асосан номоддий активдан фойдаланиш ҳуқуқини олган жисмоний ёки юридик шахсдир. Ҳар иккисининг фаолияти учун асос тузилган лицензия шартномаси (битим) ҳисобланади. Бу ерда лицензия шартномаси патент эгаси (лицензиар)нинг ақлий мулкани муҳофаза қиладиган объектдан шартномада кўзда тутилган ҳажмда фойдаланиш ҳуқуқини топшириш тўғрисидаги битими ҳисобланади.

Бу битимга мувофиқ бошқа шахс (лицензиат) шартномада кўзда тутилган роялти ва паушал-тўловлари кўринишида тўловларни лицензиарга ўтказиш ҳамда, шартномада кўзда тутилган бошқа харажатларни бажариш мажбуриятини олади. Тўловларга келсак уларни қуйидагича ифодалаш мумкин.

Роялти тўлови лицензиат лицензия битимга биноан маҳсулот қийматидан вақти-вақти билан ажратма сифатида ёки савдо-сотикдан тушган маблағ миқдоридан фоиз тарзида ёки маҳсулот бирлигидан йиғим тарзида лицензиарга тўлайдиган маблағдир.

«Паушал-тўлови» эса сотиладиган лицензияли маҳсулотнинг амалдаги миқдори қанчалигидан қатъий назар лицензия шартномасига биноан ақлий мулк объектларидан фойдаланиш ҳуқуқини берганлиги учун тўланадиган маблағнинг қатъий белгилар қўйилган миқдор бўлиб, уни тўлиқ ёки бўлиб-бўлиб тўлашни ифодалайди. Бу тўловлар операцион фаолиятдан олинган даромадлар бўлиб, «Пул оқимлари тўғрисидаги» бухгалтерия ҳисоби миллий стандартининг 11-банди билан тартибга солинади. Шундай ҳолатлар ҳам бўлиши мумкинки лицензия шартномасида кўзда тутилмаган хизматларга лицензиат тўловларни амалга ошириш керак бўлади. Бу тўлов турини биз «пласт-кост» яъни қўшимча хизматлар учун тўловлар деб аталади. Лицензия шартномасига кўра лицензиат (патентдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс) лицензиарга роялти бўйича тўлайдиган суммаларни қуйидаги бухгалтерия ёзувларда ўз ифодасини топади;

1. Роялти бўйича тўланадиган суммаларнинг ҳисобланиши:

Дебет: 9430 «Бошқа операцион харажатлар»счёти-10000 с

Кредит:6930 «Роялти бўйича қарзлар»счёти-10000 с.

2. Банкдаги ҳисоб-китоб счётидан ўтказиб бериш:

⁷ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 471-сонли “Саноат мулки объектларидан фойдаланиш чоғида юридик ва жисмоний шахсларнинг даромади миқдорини аниқлаш ва даромад(фойда) солғидан озод қилиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқномаси. 1998 йил 10-август

Дебет: 6930 «Роялти бўйича қарз» счёти-10000 сўм.

Кредит: 5110 «Ҳисоб-китоб» счёти-10000 сўм.

3. Лицензиар фаолияти бўйича даромадлар қуйидагича акс эттирилади;

Дебет: 4850 “Олинадиган роялти” счёти –40000 сўм.

Кредит: 9510 «Роялти кўринишидаги даромадлар» счёти-40000 сўм.

Дебет: 5110 «Ҳисоб-китоб» счёти-40000 сўм.

Кредит: 4850 “Олинадиган роялти” счёти –40000 сўм.

Лицензиар «Асосий хўжалик фаолиятдан тушган даромадлар» (2-сон БҲМС) бухгалтерия ҳисоби миллий стандартининг 20-бандига асосан, лицензия учун тўланадиган ҳақни қуйидаги тартибда ҳисоблаш мумкин: «Актив сифатида фойдаланилган лицензиялар ва роялтилар учун тўловлар битимнинг мазмуни ва шартига мувофиқ равишда одатда даромад ҳисобланади».⁸

«Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос»нинг 50-бандида хўжалик юритувчи корхоналар хусусий капитали таркибига устав, қўшилган, заҳира капитали ва тақсимланмаган фойдадан иборатлиги кўрсатиб ўтилган. Заҳира капитали субъектлар уставига мувофиқ соф фойда ҳисобидан ташкил топади, шунингдек у мулкни қайта баҳолаш натижасида ташкил бўладиган инфляция заҳиралари, қайтариб бермаслик шarti билан олинган мулк қийматларида ҳам ҳисобга олинади.

Номоддий активлар бухгалтерия балансига олингандан сўнг, у қайта баҳолаш санасида бозор қиймати бўйича қайта баҳоланади, унда жамғарилган амортизация чиқариб ташланади. Демак, номоддий активларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар ҳам молиявий ҳисоботларда акс эттириши лозим. Бироқ, «Корхоналарнинг чоракли ва йиллик молиявий ҳисобот шакллари тўлғазиш бўйича кўрсатма»⁹га мувофиқ «Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот» 5-шаклда номоддий активларнинг қайта баҳолашдан олинган қийматнинг миқдори учун алоҳида сатр (коди) белгиланмаган.

Бухгалтерия ҳисобини халқаро ҳисоб стандартлари талабларига мувофиқлаштириш ҳисоб объектларини молиявий ҳисоботда аниқ ва тўлиқ акс эттиришни зарурият қилиб қўяди. Шундан келиб чиқиб биз, амалдаги “Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот” шаклига қўшимча равишда 041-сатр “Номоддий активларнинг қайта баҳоланиши” деб номланган сатр рақамини киритилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Бу эса, хўжалик юритувчи субъектлар узоқ муддатли активлари таркибида салмоғи ортиб бораётган номоддий активлар тўғрисида ишончли ахборотларга эга бўлиш имконини беради. Шунингдек, «Корхоналарнинг чоракли ва йиллик молиявий ҳисобот шакллари тўлғазиш бўйича кўрсатма» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 7-

⁸ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги. «Асосий хўжалик фаолиятдан тушган даромадлар» (БҲМС-2 сон) 1998 йил 20-август.¹⁴¹

⁹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 7-феврал Буйруғига 2-Илова.

фералдаги Буйруғининг 2-Иловаси кўра, «Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот» 5-шаклга 6.4.1-банди киритилиб, унда 041-сатр «Номоддий активларларнинг қайта баҳоланиши» моддасида белгиланган қонунчилик талаблари асосида номоддий активлар қайта баҳоланишининг қиймати акс этирилиши лозим. Юқоридаги тавсиялар молиявий ҳисоботларни тузиш ва уларни тақдим этишда бухгалтерия ҳисобининг янги объектлари ҳақида аниқ маълумотларни олиш имконини яратади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 31-моддаси 13-бандига асосан, қуйидаги юридик шахсларнинг номоддий актив объектларидан олган даромадлари (фойда) солиғи тўлашдан озод қилинади;

1. Патент эгаси (лицензиар) ўзига тегишли ишлаб чиқаришда номоддий активлардан фойдаланишдан, шунингдек уларга лицензияларни сотишдан олинган даромадлар ҳаракат муддати доирасида фойдаланиш муддатлари бошланган пайтдан;

- патент бўйича ихтиролар ва селекция ютуқлари 5 (беш) йил давомида; дастлабки патент бўйича ихтиролар ва гувоҳнома бўйича селекция ютуқлари, патент бўйича саноат намуналари 3 (уч) йил давомида; дастлабки патент бўйича саноат намунаси 2 (икки) йил давомида.

2. Лицензиат (лицензия шартномаси буюмидан фойдаланиш ҳуқуқини олган шахс) номоддий активлардан олган даромадлари ундан фойдалана бошланган даврдан бошлаб;

- патент бўйича ихтиролар селекция ютуқлари 5 (беш) йил давомида; дастлабки патент бўйича саноат намунаси 2 (икки) йил давомида; гувоҳнома бўйича товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси-1 (бир) йил давомида (лицензиар маҳсулот ишлаб чиқарганда).

Ушбу Солиқ кодекснинг 58-моддаси "Т" бандига мувофиқ жисмоний шахсларнинг солиққа тортиладиган даромадига қуйидагилар қўшилмайди. Патент эгаси бўлган жисмоний шахс (лицензиар) ўз ишлаб чиқаришида интеллектуал мулкдан фойдаланишдан ёки уларга лицензияни сотишдан олинган даромад миқдори ҳаракат муддати даражасида фойдаланиш бошланган пайтдан, шунингдек лицензиат саноат мулкидан фойдалана бошланган пайтдан:

- патент бўйича ихтиролар ва селекция ютуқлари-5 (беш) йил давомида; дастлабки патент бўйича ихтиролар ва гувоҳномалар бўйича саноат намуналари- 3 (уч) йил давомида; дастлабки патент бўйича саноат намунаси-2 (икки) йил давомида.

Номоддий активларидан фойдаланиб олинган даромадлар (фойда)дан Солиқ Кодексининг 31-моддаси 13-бандларида кўрсатилган солиқ имтиёзларининг муддатлари тугатилгандан сўнг корхона бухгалтериясида олинган даромад миқдори аниқланиб, белгиланган фоизларда даромад солиғи ҳисоблаб чиқилади.

Номоддий активлардан фойдаланишдан олинган даромадни ялпи даромад миқдоридаги улуши ҳақида ахборотларга эга бўлиш мақсадида янги счётлар режасида алоҳида счёт очиш керак деб ҳисоблаймиз. Ушбу счётлар режасида «Даромадлар ва харажатлар» деб номланган 9-бўлимидаги 9000-

«Асосий (операцион) фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби счётлари»га номоддий активлардан фойдаланишдан олинган даромад улушини тўлиқ ҳисобга олиш мақсадида 9060-«Патент ёки лицензия асосида ишлаб чиқилган маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар» счётини киритишни таклиф қиламиз. Ушбу счётнинг маълумотлари субъектнинг молиявий натижаларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин деб ҳисоблаймиз. Чунки, Солиқ Кодексининг 31-моддасига асосан субъект счётида маҳсулот (ишлар, ҳизматлар) сотишдан келган даромадларидан ҳисобланаётган солиқ ставкаларидан маълум вақт давомида тўловлардан озод қилинади. Шунингдек Солиқ Кодексининг 71-моддасида интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни олганлик учун патент бўйича божлар, рўйхатга олиш йиғимлари ва лицензия тўловлар қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод қилинган.

Хўжалик субъектлари ўзларининг мол-мулкидан, шунингдек номоддий активларига эга бўлганлиги учун, ушбу кодекснинг 90-моддасига асосан, номоддий активларининг йиллик баланси ўртача қолдиқ қийматидан 3,5 фоиз миқдорида мол-мулк солиғини тўлаш мажбуриятини олади. Тармоқ корхоналарида «Пул оқимлари тўғрисида»ги ҳисоботида пул маблағларининг ҳаракатини 9-сонли бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти қоидаларига мувофиқ тарзда тузадилар. Мазкур стандартнинг 11-бандида операцион фаолиятдан пул оқими субъектнинг асосий фаолиятидан келиб чиқади деб белгиланади ва роялти билан боғлиқ пул маблағлари тушуми операцион фаолиятининг асосий пул оқимлари сифатида ифодаланади. Патент эгаси (лицензиар) роялти, "Паушал-тўлов» ва «пласт-кост» кўринишидаги (саноат мулки объектларидан фойдаланиш ҳуқуқини берганлиги учун) лицензиатдан олган даромадларини, шунингдек лицензиат эса роялти, «Паушал-тўлов» ва «пласт-кост» кўринишидаги (интеллектуал мулкдан фойдаланганлиги учун) лицензиарга тўловларнинг умумий қиймати «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот» шаклида ҳам акс эттирилиши лозим. Томонлар ўртасида тузилган лицензия шартномасига кўра лицензиат лицензиарга қатъий белгилаб қўйилган бир йўла ёки даврий шаклда ҳақ тўлайди.

Хўжалик субъектларининг бирлашувида ёки бир субъект иккинчи бир субъектнинг соф активлари ва ишлаб чиқариш фаолияти ҳуқуқини сотиб олиши оқибатида бир иқтисодий бирликка қўшилишидан гудвилл (Goodwill) пайдо бўлади.

Гудвиллнинг пайдо бўлишини қуйидаги формула орқали ифодаланади:

$$Gs=(Tr+L)-(Ga+Na); \quad (2.2.1.)$$

Бу ерда: Gs-гудвилл сумаси;

Tr-тўланадиган пул маблағлари;

L-мажбуриятлар;

Ga-жорий активларнинг бозор қиймати⁴

Na-узок муддатли активларнинг бозор қиймати.

Корхоналарнинг бирлашувидан инвентарга ўтган барча сотиб олинган активлар ва пасивлар консолидациялашган ва ҳисобот маълумотларига одатда сотиб олиш санасига бўлган қиймат бўйича киритилади. Сотиб олиш нархини

активларнинг ҳисоб нархидан, шартнома бўйича ўтказиладиган мажбуриятларни чегириб ташлаганда ортиқ бўлиши гудвилл сифатида қайд қилиниши лозим. Сотиб олиш санасига олувчи корхона томонидан консолидациялашган баланс тузилади ва бу асосида ишчи жадваллари тайёрланади. Бу ишчи жадвалида баланс моддалари ва унинг қийматлари, тузатувчи ёзувлар келтирилади: Масалан, бир корхона иккинчи корхонанинг 100 фоиз оддий акцияларини 1500000 сўмга сотиб олди, бу сумма активларнинг қолдиқ қийматидан 300000 сўмга кўп. Бу ортиқ суммани биринчи корхона инвестори қуйидагича ифодалайди: 180000 сўм сотиб олинган корхонанинг активлари қийматини кўпайтириш ҳисобига ва қолган 120000 сўм эса инвестор оладиган гудвилл ҳисобига. Шунингдек, сотиб олиш қиймати номинал қийматидан ошганида амалга ошириладиган тузатишларни кўрсатувчи ишчи жадвалини тузади.

6.10. Номоддий активларга амортизация (эскириш) ҳисоблаш тартиби ва усуллари

«Номоддий активлар» номли 7-сон бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартида амортизацияни қуйидаги усулларни қўллаш тавсия этилади;

1. *Тўғри чизиқли усул (Straight-line method)*, бу усулда активдан фойдаланишнинг бутун даври мобайнида эскиришнинг доимий суммаларини ҳисоблаб ёзишдан иборат бўлади. Бу объектнинг амортизацияланадиган қиймати хизмат қилиш муддатлари мобайнида тенг улушларда ҳисобдан чиқариб борилади. Демак, бу усулда номоддий активларнинг ҳар йилдаги амортизация суммалари бир хил кўринишда бўлади, қопланаётган амортизация бир хил суръатда ортади, натижада объектнинг ички қиймати бир хил даражада камайиб боради. Шунга мувофиқ тўғри чизиқ усулида амортизация ажратмаларини ҳисоб-китоб қилиш қуйидаги формула асосида амалга оширилади:

$$A_s = \frac{D_q - T_q \text{ еки } (T_F - T_H)}{H_M} ;$$

бу ерда:

A_s -амортизация суммаси;

D_q -дастлабки қиймати;

T_q -тугатилиш қиймати;

T_F -тугатишдан олинган фойда;

T_H -тугатилиш бўйича харажатлар;

H_M -хизмат қилиш муддати.

Масалан, Маҳсулотлар белгисига бўлган гувоҳноманинг дастлабки қиймати 500000 сўм, ундан фойдаланиш муддати 10 йил. Бу муддат ичида гувоҳномага ҳар йили бир хил меъёрда амортизация ҳисобланади.

Маълумотларидан кўриниб турибдики, биринчидан, гувоҳнома учун 10 йил давомида амортизация ажратмаси бир хил тартибда ҳисобланган, иккинчидан, қопланаётган амортизация суммаси ҳам бир даражада ортиб борган, учинчидан эса қолдиқ қиймати пропорционал равишда камайиб боради. Ушбу усулда амортизация активнинг хизмат муддатини узок давом этишига боғлиқлигига асосланади ва амортизация меъёрлари доимий ҳисобланади.

2. *Бажарилган ишлар хажмига мутаносиб тақсимлаш усули (Production method)* ёки *ишлаб чиқариш усули*. Бу усул объектнинг фойдалилиги ишлатишнинг бутун даврида унинг жами ишлаб чиқариш тегишли ўлчов бирликлари (натура, қиймат ва меҳнат ўлчовлари) да баҳоланишига асосланган. Ҳисоб-китоб қилинаётган амортизация эксплуатация натижаси бўлиб, унда ҳисобот вақтлари ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди.

Амортизация ажратмалари билан маҳсулот бирлиги ўртасида боғлиқлик бўлиб, жамғарилаётган амортизация (accumulated depreciation) ортиб боради, активнинг қиймати эса аксинча камайиб боради. Ушбу ҳолда фойдаланишнинг i - йилдаги номоддий актив амортизацияси қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$A_i = \frac{(D_q - T_q) P_i}{\sum_{i=1}^n P_i};$$

бунда D_q - номоддий активларнинг дастлабки қиймати;
 T_q фойдаланишнинг охириги n -йилдаги тугатиш қиймати;
 P_i - n -йилдаги ишлаб чиқариш;
 P –фойдаланишнинг бутун давридаги жами ишлаб чиқариш;
 n – объектнинг ҳизмат қилиш муддати.

Масалан, саноат мулк объектларидан фойдаланиб (фойдаланиш учун ҳуқуқий муҳофаза патент) олинган маҳсулотлар бирлиги шартнома бўйича киримга олинган патентнинг дастлабки қийматига нисбатан аниқланади.

3. *Жадаллаштирилган ҳисобдан чиқариш усули (Accelerated methods)*. Бу усулда амортизация тўғри чизиқли усулга нисбатан икки баробар тез ҳисобланади. Активнинг қиймати биринчи йилда охириги йилга нисбатан деярли сезиларли қисми ҳисобдан чиқарилади. Шунинг учун амортизациянинг бу усулини баъзи иқтисодий адабиётларда «Солиқ амортизацияси» деб ҳам юритилади. Бундай амортизациядан солиққа тортиладиган фойдани аниқлашда фойдаланилиши мумкин. Ишлаб чиқариш жараёнларининг такомиллашиб бориши номоддий активлардан фойдаланиш муддатларини қисқартириш, уларни муддатида ҳисобдан чиқариш кераклигини тақазо этади. Жадаллаштирилган амортизация усулининг моҳияти шундан иборатки номоддий активлардан фойдаланишнинг дастлабки йилларида улар бошланғич қийматининг асосий қисми ҳисобдан чиқарилади. Бизнинг фикримизча кўра бунга:

биринчидан, номоддий активлардан энг кўп муддатда фойдаланиш уларнинг дастлабки йилларига кўп тўғри келади;

иккинчидан, амортизация қилинадиган номоддий актив тезликда маънавий эскирган тақдирда уни алмаштириш ёки янгисини харид қилиб олиш учун махсус захира яратиш мақсадга мувофиқдир;

учинчидан, амортизация қилинадиган объектлардан фойдаланишнинг охириги йилларига тўғри келадиган, уларни тузатишга сарфланадиган ҳаражатлар улушини ишлаб чиқариш таннархига кўпайтирмасдан (амортизация суммасининг бу йилларда камайиши ҳисобига) акс эттирилиши лозим.

Жадаллаштирилган усулда амортизацияни ҳисобланганда сонлар яъни кумулятив усулини ҳам қўллаш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Чунки амалдаги меъёрий ҳужжатларда бу масалага етарлича ёндошилмаган.

Амортизация бўйича сонлар йиғиндиси усулини қўллаш яхши самара келтиради. Сонлар йиғиндиси (Sum-of-the-years-digits method) бўйича ҳисобдан чиқариш яъни кумулятив усул активни хизмат қилиш йиллари суммаси орқали аниқланади ва бу сумма ҳисоблаш коэффициентида маҳраж бўлиб хизмат қилади. Коэффицентнинг суръатида активнинг хизмат муддати охиригача қолган йиллар сони туради, бу тескари тартибда кўрсатилади. Сонлар йиғиндиси-номоддий активдан фойдаланишда йиллар мобайнидаги тартиб

рақамларини кўшишдан олинган сумма бўлиб, тегишли йилнинг амортизация меъёри объектнинг дастлабки қиймати билан унинг ликвидлик қиймати ўртасидаги фарққа кўпайтирилади. Умумий формула қуйидаги кўринишда бўлади.

$$A_i = \frac{(n - i + 1) * (D_q - T_q)}{S};$$

бунда – S- жами йиллар.

Амортизация бошланадиган объектлардан фойдаланиш муддати етарлича давомли бўлган тақдирда сонлар йиғиндиси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$S = n(n+1) / 2.$$

бунда n – амортизация объекти фаолият кўрсатадиган йиллар сони.

Жадаллаштирилган амортизациянинг қолдиқни камайиб бориш усули (Declining-balance method)- сонлар йиғиндиси усули тамойилларига асосланган бўлиб, ҳар қандай қатъий меъёр қўлланилиши мумкин бўлса ҳам, лекин тўғри чизиқли усулда фойдаланган меъёрга нисбатан икки маротаба кўпайтирилган меъёр қўлланилади. Бу жараён иккиланган амортизацияда қолдиқни камайиб бориш усули деб аталади. Амортизацияни ҳисоблашда тахмин қилинаётган қолдиқ қиймати, охириги йилдагисидан ташқари ҳисобга олинмайди.

Амортизация қолдиқни камайиб бориш усули билан ҳисобланаётганда тегишли коэффицентлардан фойдаланилади. Бизнинг фикримизча номоддий активларга давлатнинг амортизация сиёсатига боғлиқ равишда икки маротаба тезлаштирилган усулда ҳисобланиши лозим. Хориж давлатларида бу коэффицентлар турли ҳил кўринишда бўлади: хусусан, Францияда активнинг хизмат қилиш муддати 4 йилгача бўлса, 1.5, 5 йилдан 6 йилгача 2.0 ва 6 йилдан ортиқ бўлса 2.5 коэффицентлар қўлланилади. Италияда 2.0, Канадада 2.0 ва 3.0, АҚШда 1.5 ва 2.0, Германияда 1.3 дан 2.0 гача коэффицентлардан фойдаланилади.¹⁰

Номоддий активларнинг юқорида тақидлаб ўтилган амортизациясини ҳисоблаш усуллари таққосланса, ҳисобот даврлари бўйича амортизация суммаларининг ортиши, қолдиқ қийматларининг камайиб боришини кўриш мумкин. Агар маълум йилдаги рақамларга эътибор берилса, тўғри чизиқли ва бажарилган ишлар ҳажмига тақсимлаш усулларига қараганда жадаллаштирилган усулда актив қийматининг деярли 70-80 фоизи амортизация харажатлари кўринишида маҳсулотлар таннархига ёки давр харажатларига олиб борилишини кўриш мумкин. Бу эса аввалги икки усулларда 50-55 фоизни ташкил этади.

Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, ғарб давлатларида бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш мақсадларида амортизацияни алоҳида ҳисоблаб чиқишга йўл қўйилади. Биз солиққа тортиладиган фойдани ҳисоблаб чиқиш учун бухгалтер қайси усулдан фойдаланишдан қатъий назар, номоддий активлар бўйича

¹⁰ О.Мещерякова. “Налоговые системы развитых стран”. (Справочник)- М.: Фонд “Правовая культура”, 1995г. 125стр.

жадаллаштирилган амортизация усулларида фойдаланиб харажатларни жадаллаштирилган қоплаш тизимини жорий этиш лозим деб ҳисоблаймиз. Харажатларни жадаллаштирилган қоплаш тизимига мувофиқ харажатларни қоплаш даври номоддий активларнинг турли объектлари учун 1 йилдан 20 йилгача бўлади. Бунда харажатларни қоплаш даври 1 йилдан 10 йилгача бўлган номоддий активлар учун 2.0 коэффицент билан қолдиқ қиймат усулидан фойдаланилади. Шунингдек, қоплаш даври 10-20 йилгача бўлган номоддий активлар учун 1.5 коэффицент билан қолдиқ қиймат усулидан фойдаланиш корхона учун самарали бўлиши мумкин.

Номоддий активлардан кутилаётган иқтисодий самара ўзгардиган бўлса, уларга нисбатан қўлланиладиган амортизация усули ҳар йили ҳисобот даври охирида қайтадан кўриб чиқиши керак. Амортизация усули ўзгарган тақдирда жорий давр учун ҳисоблаб ёзилган амортизацияга тузатиш киритилади.

«Номоддий активлар» номли 7-сон бухгалтерия ҳисоби миллий стандартининг 41-бандига кўра, ҳисобот даври учун амортизация меъёрларини қайта кўриб чиқиш ва тузатиш мумкинлиги эътироф этилади. Амортизация суммаси қолган даврлар учун тақсимланади, бу эса хўжалик юритувчи субъектларнинг солиққа тортиладиган базасига таъсир кўрсатади. Юқоридаги мисолда дастурий таъминотнинг хизмат қилиш муддати 10 йил, дастлабки қиймати 500000 сўмга тенг. Лекин бу объектдан яна 4 йил фойдаланиш мумкинлиги аниқланди. Демак, дастурнинг фойдаланиш муддати 10 йилдан 5 йилгача камайди. Дастурий таъминотга йиллик амортизация суммаси бухгалтерия ёзувларида қуйидаги тартибда акс эттирилади;

Дебет: 0430 «Дастурий таъминоти» счёти-45000 сўм.

Кредит: 0530 «Дастурий таъминот амортизацияси» счёти - 45000 сўм.

Дастурий таъминотнинг қолган қиймати эса тўрт йил учун тенг бўлган суммада ҳисоб-китоб қилинади:

$(500000 - 45000 - 5000 = 405000 \text{ сўм})$.

Қолдиқ қиймати 405000 сўмга тенг бўлиб у 4 йилга тақсимланади. $(405000/4)$;

Дебет: 9400 «Давр харажатлари» счётлари – 101250 сўм.

Кредит: 0530 «Дастурий таъминот амортизацияси» счёти-101250 сўм

Номоддий активларнинг амортизацияланган қийматини ҳисобдан чиқариш бухгалтерия ўтказмаларида қуйидагича акс эттирилади («Номоддий активларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси НМА-3 шаклига асосан»): амортизация қиймати 5000 сўм бўлган номоддий актив ҳисобдан чиқарилди.

Дебет: 0510-0590-«Номоддий активлар амортизацияси» счётлари-5000 сўм

Кредит: 9220-«Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти-5000 сўм.

Ҷарб давлатларида бухгалтер ходимлар активларнинг амортизация меъёрларини қайта кўриб чиқишгани билан уларнинг баҳосини ўзгартирмайдилар, чунки активларнинг баҳоси ўзгарганда мувофиқлик ёки

таққослаш тамойили бузилади. Бунда ҳисобот йилидаги даромад (фойда) билан харажатлар билан ўзаро солиштириш имкониятига эга бўлинмайди.

Амортизацияланадиган мулк кўпгина ҳолларда активларнинг асосий қисмини ташкил этади. Бу ҳақда иқтисодчи олима М.Юсупова қуйидаги фикрни билдиради: «Амортизация ҳисоби, фақатгина бошқарув ҳисобинигина эмас, балки молиявий ҳисобнинг ҳам асосий бўлагидир».¹¹ Бу фикрларга иқтисодчи олим Б.Ҳасанов. эса қуйидагича ёндошади: «Номоддий активлар бўйича амортизация ҳисоблаш уларнинг бошланғич қиймати унумли фойдаланиш муддатига тенг равишда амалга оширилади».¹²

Номоддий активларга ҳисобланаётган амортизация суммасини харажатлар таркибига тўғри акс эттиришнинг иқтисодиёти ривожланган давлатлар олимлари, жумладан америкалик олимлар Нидлз. Б, Андерсон. Х ва Колдуэлл. Д лар қуйидагича изоҳлайдилар: «Асосий воситалар бўйича эгри тартибда, номоддий активлар бўйича эса тўғри усул билан амортизация ҳисобланиши керак.»¹³

Номоддий активларнинг амортизацияси бизнинг фикримизга кўра, худди шу объектни яна қайта харид қилиб олишни англатмайди. Корхона хўжалик фаолиятида бир неча номоддий активларни харид қилиб олиши мумкин. Амортизация харажатларини бир маротаба қоплаш керак бўлади. Бу эса уларга ҳисобланаётган амортизациянинг тўғри чизиқли усулидан фойдаланиш кераклигини тақазо қилади.

Номоддий активлар бўйича амортизация ҳисобланганда белгиланган меъёрларга асосан «Номоддий активлар бўйича амортизация» қайдномаси (НМА 5-шакл) жорий даврда тузилади. Мазкур қайдномада номоддий активларнинг дастлабки (баланс) қиймати, фойдаланиш (ҳизмат) муддати йиллик амортизация меъёрлари, жами амортизация суммалари, ой давомидаги амортизация суммалари ва қолдиқ қиймати кўрсатиб борилади.

¹¹ Юсупова М.Б, Жумабоев §.Б “ Молиявий ҳисоб тамойиллари” Андижон-1999 йил, 22-бет.

¹² Ҳасанов. Б.А "Моддий ва номоддий активлар амортизацияси". "ЎИА", 2000 й. 8-сон.

¹³ Б. Нидлз, Д. Колдуэлл, Х. Андерсон. “Принпы бухгалтерского учета”. М.; “ФиС”. 1999 г. 229с.

6.11. Номоддий активларни ҳисобдан чиқариш ҳисоби

Иқтисодий юксалиш даврида бозор рақобатига жавоб берадиган маҳсулот (ишлар, хизматлар)ларни ишлаб чиқаришда эски мулк ўрнига янғисини сотиб олиш, эскисини сотиш ҳисобига даромадлар олиш ҳар бир тадбиркорнинг муҳим вазифасидир.

Номоддий активлар қуйидаги сабабларга кўра ҳисобдан чиқарилади: - тўлиқ амортизацияланганда:

- қисман амортизацияланганда:
- сотилганда:
- текинга берилганда:
- устав сармоясига қўшилганда.

Бу «Номоддий активлар» бухгалтерия ҳисоби миллий стандартининг 47-48 бандларида ва «Номоддий активларни баҳолаш, Интеллектуал мулкни баҳолаш» стандартларида ҳам ўз ифодасини топган. Номоддий активларни ҳисобдан чиқаришнинг молиявий натижалари балансдаги ва солиққа тортиладиган фойданинг миқдorigа бевосита таъсир кўрсатади.

Номоддий активлар ҳисобдан чиқарилганда ҳисобдан чиқариш далолатномаси (НМА-3 шакл) тузилади. Уни ҳужжатда номоддий активларни хўжаликдан чиқариш сабаби, баланс қиймати, амортизация меъёри, амортизациянинг жами қиймати кўрсатилади. Номоддий активлар белгиланган хизмат муддатлари давомида амортизацияланиб боради ва хизмат муддати тугагандан сўнг тўлиқ амортизацияланиб ҳисобдан чиқарилади.

Бу активлар бошқа активлардан фарқли ўлароқ тўлиқ амортизациялангандан сўнг улардан қайта фойдаланилмайди ва қолдиқ қиймати нолга тенг бўлади.

Номоддий активлар тўлиқ амортизацияланганда ҳисобдан чиқариш қуйидаги бухгалтерия ёзувлари орқали амалга оширилади;

Дебет: 9220 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти

Кредит: 0410-0490 «Номоддий активлар» счёти.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, номоддий активлар бўйича «Счётлар режаси»да маълум янги счётлар киритиш зарурияти келиб чиқмоқда. Бизнинг фикримизча счётлар режасига алоҳида «Патентларни сотилиши ва ҳисобдан чиқарилиши» (9230) деб номланган счётни киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди, Натижада бир вақтнинг ўзида патентнинг амортизацияланиш қиймати бухгалтерия ёзувларида алоҳида акс этган бўлур эди. Буни қуйидагича ифодалаш мумкин:

Дебет: 0510 -«Патентнинг амортизацияси» счёти

Кредит: 9230-«Патентларни сотиш ва ҳисобдан чиқарилиши» сёт

Патентларни ҳисобдан чиқаришда «Номоддий активларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси» (НМА-3 шакл) билан бирга томонлар ўртасида тузилган шартномалар ҳам асос бўлади. Номоддий активларни сотиш яъни реализация қиймати бу-битим (шартнома) тузилаётган пайтида манфатдор тарафлар ўртасида айирбошлаш мумкин бўлган сумма ҳисобланади. Номоддий активлар хизмат муддати давомида ҳисобдан чиқарилиб, учинчи бир юридик

ёки жисмоний шахсларга сотилганда олинган даромад ёки зарар номоддий активнинг баланс (қолдик) қиймати ўсишидаги тафовут сифатида белгиланади. У «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»да (2-шакл) даромад ёки харажат сифатида тан олинади. Янги счетлар режасига мувофиқ номоддий актив объектларни сотишдан олинган даромад (фойда) «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқимдан олинган фойда» (9320) счётининг «Номоддий активларнинг сотилиши ва турли чиқимдан олинган фойда» (9321) счётида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет: 9220—«Бошқа активларни сотилиши ва турли чиқимлари» счёти

Кредит: 9320—«Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқимдан олинган фойда» счёти

Номоддий активларнинг сотилиши жараёнида олинган фойдани тўғри ҳисобга олиш мақсадида 9321 счётининг «Номоддий активларнинг сотилиши ва турли чиқимдан олинган фойда» счётини таклиф этамиз.

Номоддий активларни сотилишидан кўрилган зарарларни (9432) «Бошқа активларнинг реализацияси ва турли чиқими бўйича зарарлар» счётида акс эттирилади:

Дебет: 9220—«Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти

Кредит: 9432—«Бошқа активларнинг реализацияси ва турли чиқими бўйича зарарлар» счёти.

Ушбу масалаларни қуйидаги мисолларда кўриб ўтамиз.

Корхона тузилган шартномага мувофиқ компьютер учун дастурий таъминот сотиб олган. Олинган дастурий таъминот баланс қиймати –200000 сўм, фойдали хизмат муддати –5 йил. Бу объект 4 йилдан сўнг бошқа юридик шахсга сотилади. Йиллик амортизация меъёри 20 фоиз ёки дастур 4 йилда 80 фоиз (4й*20фоиз)га амортизацияланган;

$E_s = Bq * E_f / 100.$ (2.4.1.)

(200000*80/100=100000 сўм).

Бу ерда: E_s -амортизация суммаси, Bq -баланс (дастлабки) қиймати, T_f -фоиз.

Томонлар ўртасида тузилган келишувга кўра, дастурни сотиб олувчи томон 100000 сўм ўтказиб беришга розилик беради. Демак, субъект ўз тасарруфидаги компьютерни сотишдан 60000 сўм даромад (фойда) олади. Бу қуйидаги бухгалтерия ёзувларида акс эттирилади:

1. *Сотилган компьютер дастурининг дастлабки қиймати ҳисобдан чиқарилди:*

Дебет: 9220—«Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими»счёти 200000 сўм.

Кредит: 0430—«Дастурий таъминот» счёти 200000 сўм.

Бизнинг фикримизга кўра, дастурий таъминотни ҳисобдан чиқариш ва сотиш бўйича 9223 счётни «Дастурий таъминотни сотиш ва турли чиқими» деб

номлаш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Бу эса, номоддий актив объектлари харакати тўғрисида янада аниқроқ бўлган маълумотларни олиш ва баланс тузиш жараёнини соддалаштиради.

2. *Дастурий таъминотнинг эскириш суммаси улардан фойдаланилган бутун давр учун қуйидаги тартибда ҳисобдан чиқарилади:*

Дебет: 0530—«Дастурий таъминотнинг амортизацияси» счёти -160000 сўм.

Кредит: 9223—«Дастурий таъминотнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти-160000 сўм.

Объектдан 48 ой яъни 4 йил фойдаланилган, шунинг учун эскириш 160000 сўмга тенг. (200000/60 ой*48 ой=160000 сўм).

3. *Дастурий таъминотни сотишдан тушум олинди:*

Дебет: 5110—«Ҳисоб-китоб» счёти-100000 сўм

Кредит: 9223—«Дастурий таъминотнинг сотилиши ва турли чиқими счёти»-100000 сўм

4. *Дастурий таъминотни сотишдан олинган даромад (фойда) суммасига:*

Дебет: 9223—«Дастурий таъминотнинг сотилиши ва турли чиқими» счёти 60000 сўм

Кредит: 9323—«Дастурий таъминотнинг сотилиши ва турли чиқимидан олинган фойда» счёти 60000 сўм

Биз шу ўринда 9220 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими» счётининг мазмунини қуйидагича номланишни тавсия қиламиз: 9221— «Номоддий активларнинг сотилиши ва бошқа сабаблар бўйича чиқиб кетиши». Бу эса ҳисоб ишларини яхшилашга олиб келади. Автомобилсозлик корхоналарида номоддий активларни бошқа мулкларга алмаштириши мумкин, Масалан, маънавий жиҳатдан эскириб қолган «Windows-2002» дастурини Windows-2005га алмаштирилади: бундай ҳолларда сотиб олиш баҳоси қарама-қарши савдода сотилган эски объектнинг қиймати ҳажмидаги янги нархдан бериладиган чегиртма суммасига камайтиради. Номоддий активларни айирбошлашдан олинадиган фойда ёки зарарни аниқлашнинг махсус қоидалари мавжуд бўлиб, айирбошланаётган объектлар таснифига боғлиқдир. Бир ҳил гуруҳда бўлмаган номоддий активларни айирбошлашдан олинган фойда ёки зарар алоҳида кўрсатилиши керак. Бухгалтерия ҳисобида янги номоддий активлар объектини (дастурий таъминот) ҳисобга олиш ёки дастурни баланс қийматига тўланган пул маблағларидаги суммани кўллаш билан ифодаланади. Компьютерлар учун дастурий таъминотни айирбошлашда кўрилган зарар счётларда қуйидагича акс этирилади. Юқорида келтирилган компьютер дастурнинг қиймати 100000 сўм бўлган. У ҳолда:

- янги дастур (Windows-2005) қиймати – 500000 сўм;

- эски дастурга чегирма- 20000 сўм;

- зарур бўлган пул маблағлар – 430000 сўм

Демак, чегирма эски дастурнинг баланс қийматидан кам (100000-20000) 80000 сўм. Йўқотишлар, яъни зарар 80000 сўмни ташкил этади:

*Дебет: 0431 "Дастурий таъминот" (янгиси) счёти – 500000 сўм;
0530 "Дастурий таъминотнинг амортизацияси" счёти – 50000 сўм;
9432 "Номоддий активни сотишдан зарар" счёти – 80000 сўм;
Кредит: 0430 "Дастур таъминот (эксиси)" счёти – 200000 сўм;
5110 "Ҳисоб-китб" счёти – 430000 сўм.*

Хизмат муддати тугашга қадар субъектнинг фаолиятдан чиқиб кетган номоддий активлар ҳам мос келувчи бухгалтерия счётларидан ҳисобдан чиқарилади. Амортизация активларни қайта туркумлаш ҳолатида ҳисобга олинади, сўнгра амортизация ортиб бориш якуни билан ва активлар «Бошқа активлар» счётига ҳисобдан чиқарилади. Бундан ташқари агарда активларнинг бозор қиймати уларнинг баланс қийматидан кам бўлса, у ҳолда зарар ҳисобланади ва «Бошқа активлар» бозор қиймати бўйича дебетланади, аксинча бозор қиймати баланс қийматидан ортиқ бўлса «Бошқа активлар» счёти кредитланади, аммо фойда ҳисобга олинмайди. Шундай номоддий активлар борки уларни бухгалтерияда ҳисобга олиш, даромад (зарар)ларни қайд этиш ўзига хос хусусиятларга эга. Кабель телевидениеси орқали узатилган теледастурларни узатишда телестудияларда дастурларнинг қийматини «Бажарилган иш ва ўрсатилган хизматларнинг таннархи» (9130) счёти дебети ва «Харидор ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» (4010 счёти) счётининг кредитида акс эттирилади. Сотиш бўйича бюджетга тўловларнинг суммаси эса счётларда қуйидагича акс эттирилади:

*Дебет: 4010–«Харидор ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» счёти
Кредит: 6410-“Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик” счёти*

Монографияда номоддий активларнинг инвентаризацияси масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Бухгалтерия маълумотларининг номоддий активларга нисбатан ҳақиқийлиги, бошқа мулк каби вақти-вақти билан ўтказилиб туриладиган йўқлама(инвентаризация)лар билан тасдиқланиши лозим. Активларнинг инвентаризацияси «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти билан тартибга солинади.¹⁴

Мазкур стандартнинг 30-бандида номоддий активлар инвентаризация қилинганда қуйидагилар ҳисобга олиниши кўзда тутилган:

- субъектларнинг улардан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжудлигини;
- номоддий активларни балансда тўғри ва ўз вақтида акс эттирилганлигини текшириш.

Текширишда патент, лицензия, гувоҳномалар ва шартномалар ҳақиқатда мавжудлиги, улардан фойдаланиш муддатлари, олинган маҳсулот (ишлар, хизматлар)лар миқдори, келтириладиган даромад (зарар)лар ҳам кўриб чиқилади. Бунда инвентаризация ўтказишнинг асосий манбаси «Номоддий активларни қабул қилиш-топшириш» далолатномаси (НМА-1 шакл) ҳисобланади.

¹⁴ «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш». 19-сонли бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти. (ЎРМВ. 1999й.15-октябр. 17-19-2075.)

Жорий этилган «Инвентаризацияни ташкил қилиш ва ўтказиш» (19-сон БҲМС) стандартнинг умумий қоидалар бўлимида субъектнинг барча мол-мулк таркиби бўйича инвентаризация ўтказиш муддатлари белгилаб берилган, аммо, молия-хўжалик фаолиятда номоддий активларнинг инвентаризациясини ўтказиш муддати ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Номоддий активлар узоқ муддатли активларнинг асосий қисмини ташкил этар экан, уни доимо назорат қилиб туриш зарурияти келиб чиқади. Назорат эса, белгиланган вақтлардаги инвентаризация ўтказиш орқали амалга оширилади. Бизнинг фикримизча номоддий активлар ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг инвентаризацияси муддати камида бир йилда бир марта ўтказилиши керак. Шу билан биргаликда, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасида инвентаризация объектлари, уни ўтказиш тартиби ва муддатлари, инвентаризация бўйича бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ белгиланади деб таъкидланади. Ушбу масалага қонун нуқтаи назаридан ёндашилса, номоддий активлар инвентаризациясини гўё «четлаб» ўтгандек кўрилади. Чунки, «Номоддий активлар» бухгалтерия ҳисоби миллий стандартида уларни инвентаризациялаш банди ишлаб чиқилмаган ва стандартда кўрсатилмаган. Номоддий активлар асосий воситалар каби, ашёвий кўринишга эга бўлмасада, улардан фойдаланиш ҳуқуқлари субъектга келгусида фойда келтирувчи харажатлар деб таърифланади, демак маълум даражада корхона учун қийматга эга.

Тадқиқот натижаларига асосланиб, мазкур стандартга қўшимча 49-бандни «Номоддий активларни инвентаризациялаш» деб номланишини тавсия қилмоқчимиз. Стандартнинг «очиқ бериш»деб номланган 49-банди кейинги рақамлар яъни 50-бандга кўчирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. «Номоддий активларни инвентаризациялаш» 49-бандида қуйидаги иккита банд орқали моҳиятини ёритиб бериши керак деб ҳисоблаймиз:

-номоддий активлардан фойдаланиш ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳақиқатда рўйхатда мавжудлигини аниқлаш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан вақти-вақти билан назорат қилиниши мақсадида муайян вақтда бир йилда камида 1 марта номоддий активлар инвентаризация қилинади.(49.1);

- номоддий активларнинг баланс қиймати уларнинг жорий қийматига мос келмаганлиги аниқланган тақдирда номоддий активлар 7-сонли бухгалтерия ҳисоби миллий стандартининг 37,38-бандларига мувофиқ кўпатирилади ёки камайтирилади.

Ҳалқаро ҳисоб стандартларига мувофиқ ҳар бир алоҳида мамлакат ўзининг иқтисодиётидан келиб чиқиб ушбу стандартга маълум ўзгартиришлар ва қўшимчаларни киритиш мумкинлиги Ҳалқаро ҳисоб стандартлари қўмитаси Кенгаши қарорларида эътироф этилган.

Шу билан биргаликда “Номоддий активлар” деб номланган 38-сонли бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартида уларнинг инвентаризацияси масаласи тўлиқ баён этилмаган. Иқтисодиётимизда номоддий активлардан кенг қўлланилиши туфайли, ушбу нашр бўйича маълум таклифлар ишлаб чиқишни тақазо этади. Номоддий активларни бухгалтерия балансида тўғри ва ўз вақтида

акс эттирилганлигини текшириш учун бизнинг фикримизга кўра қуйидагилар эътиборга олиш керак деб ҳисоблаймиз:

-амалда мавжуд бўлган номоддий активлардан фойдаланиш ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжат (патент, лицензия, маълумотнома)ларни бухгалтерия ҳисоби маълумотларига кўра қиёслаш йўли билан уларни қайд этиш;

-уларни сақлаш қоидаларига риоя этилаётганлигини текшириш;

-номоддий активлар амортизациясининг ўз вақтида тўғри ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилинаётганлигини текшириш/

Такрорлаш учун саволлар

1. *Асосий воситаларга нималар киради?*
2. *Номоддий активлар нима?*
3. *Гудвилл, франшиза, патент нима?*
4. *Амортизация ҳисоблашнинг қандай услари бор?*
5. *Асосий воситалар қандай баҳоланади?*
6. *Номоддий активлар қандай ҳисобга олинади?*
7. *Асосий воситалар таъмирланиши қандай ҳисобга олинади?*
8. *Асосий воситалар қандай ҳисобдан чиқарилади?*
9. *Асосий воситаларнинг ижарага беришнинг турлари қандай?*
10. *Номоддий активларни сотиш ва сотиб олиш қандай счётлар орқали амалга оширилади?*

Мавзунини ўрганишда қўлланиладиган таянч сўз ва иборалар:

Дастлабки қиймат; Амортизация; Қолдиқ қиймат; Тугатиш қиймати; Инвентар карточкалар; Молиявий ижара; Жорий ижара; Капитал қўйилмалар; Патент; Савдо белгилари; Фойдаланиш ҳуқуқи; Ителектуал мулк; Гудвил; Асосий воситаларнинг амортизацияси; Асосий воситаларнинг таъмирланиши; Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиши; Асосий воситаларнинг инвентаризацияси ва қайта баҳолаш; Номоддий активларнинг баҳоланиши.

Фойдаланишга тавсия этиладиган адабиётлар.

Асосий адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон. 1992 й
2. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1996 йил 30 август. «Халқ сўзи» газетаси. 1996 йил 12 сентябр.
3. Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролик кодекси». 1995 йил 21 декабрь.
4. Ўзбекистон Республикаси «Солиқ кодекси». 1997 йил 24 апрел.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Патент божлари тўғрисидаги низомни ва патент божлари ставкаларини тасдиқлаш ҳақида"ги Қарори. 2002 йил 14 октябрь. 357-сон.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисида»ги Қарори. 1997 йил 2 июл №336.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулот (иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори. 1999 йил 5 феврал №54, 444

8. Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари.-Т.: Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси. 1999.-154 б.

9. Абрютин М.С., Грачев А.В. Анализ финансового-экономической деятельности предприятия.-М.: Дело и Сервис.-1998.- 256 с.

10. Америка Қўшма штатларида молиявий ҳисоб. Методик қўлланма. 2-қисм.-Т.: 1996.

11. Астахов В.П. Нематериальные активы сущность, состав, оценка, бухгалтерский учет, налогообложение. Выпуск. №4. М.-1996.

12. Бархат А.П. Международный учет.-М.: 2001.-561 с.

13. Безруких П.С. Бухгалтерский учет в промышленность.-М.: Финансы и статистика. 1997.-256 с.

14. Безруких П.С. Бухгалтерский учет.-М.: Бухгалтерский учет. 1996.-95

15. Бобожонов О., Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб.-Т.: Молия. 2002.-672 с.

16. Бухгалтерский учет (Финансы и бухгалтерский учет. 1-часть).-М.; Инжирино Консалтиновая Компания «ДеКА», 1993. Перевод с английского.

17. Беганов В.С. и др. Особенности бухгалтерского учета в акционерных обществах.-Т.: Мир экономика и право. 1998.-207 б.

18. Бухгалтерия ҳисоби ва унинг хусусиятлари (1-қисм).-Т.: Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси.-1999.-168 бет.

19. Ваҳобов А., Иброҳимов А. Молиявий таҳлил.-Т.: Шарқ. 2002.-224

20. Вуд Ф. Бухгалтерский учет для предпринимателей.- М.: Аскери. 1993.-404 с.

21. Гадоев Э, Югай Л. Рекомендации по разработке национализации стандартов бухгалтерского учета (НСБУ).-Т.: Мир экономики и право. 1998.-245 с.

22. Иткин Ю.М., Гадоев Э.Ф., Сотиволдиев А.С., Тўлахўжаева М.М. Бухгалтерский учет в условиях рыночной экономике Узбекистана.-Т.: Ассоциация бухгалтеров и аудиторов. 2000.-248 с.

23. Ибрагимов А.К., Каримов А.А. Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби.-Т.: Ўзбекистон. 1999.-214 с.

24. Каримов А.А. ва бошқ. Бухгалтерия ҳисоби.-Т.:Шарқ, 2004.-592 б.

25. Касьянова Г.Ю. Нематериальные активы: бухгалтерский и налоговый учет.-М.: Информцентр XXI века. 2001-321 с.

26. Кожинов В.Я. Бухгалтерский учет на основе налогового кодекса.-М.: Федеративная Книготорговая Компания. 1998.-356 с.

27. Коммерциализация интеллектуальной собственности: проблемы и решения.-М.: Дело и сервис. 1996.-196 с.
28. Кондраков Н.П. Бухгалтерский учет.-М.: ИНФРА-М, 1996.- 147 с.
29. Ковалёв В.В., Соколов В.Я. Организация бухгалтерского учета на совместных предприятиях.-М.: Финансы и статистика. 1991.-216 с.
30. Леонтьев. Б.Б. Рынок интеллектуальной собственности и проблемы оценки.-М.: РОО. 1996.-251 с.
31. Мамажонов. Х. Интеллектуал активлар: уларни корхона балансида қандай қилиб тўғри акс этириш керак.-Т.: СБҲ, 2002 й. 11 январь, №3.
32. Матвеев.А.А Консолидированная отчетность. Методика и практика.-М.: ИДФБК-Пресс. 2001.-235 с.
33. Мюллер Г., Гернон Х., Миик Г. Учет: международная перспектива.-М.: Финансы и статистика. 1999.-136 с.
34. Международный бухгалтерский учет GAAP и IAS. Справочник бухгалтера от А до Я.-М.: Дело и сервис. 1998.-192 с.
35. Нидлз Б. и др. Принципы бухгалтерского учета.- М.: Финансы и статистика. 1999.-496 с.
36. Найт К. и др. Оценка финансовый информации для менежеров.-Т.: 1997. 289 с.
37. Новодровский В.Д. и др. Бухгалтерский отчетность: составление и анализ.-М.: Бухгалтерский учет. 1994-314 с.
38. Наринский А.О. Журнално-ордерная форма составление и развитие.-М.: Финансы и статистика. 1993.-165 с.
39. Николаева О.Е. Международные стандарты финансовой отчетности.-М.: УРСС. 2001.-204 с.
40. Петров В.В. Ковалёв В.В. Как читать баланс?- М.; Финансы и статистика. 1993.-154 с.
41. Пучкова С.И. Бухгалтерская (финансовая) отчетность.-М.: ИДФБК-Пресс. 2001.-263 с.
42. Ризакулов А. Узоқ муддатли активлар ҳисоби.-Т.: Фан. 1998.-312 с.
43. Ризакулов А., Усанов А., Гасанов Б., Маматов З. Бухгалтерия ҳисобининг ҳалқаро стандартлари.-Т.: ТМИ, Иқтисодчилар уюшмаси. 1992.-259 с.

Қўшимча адабиётлар

1. Русакова Е.А. Переоценка основных фондов.-М.: Бухгалтерский учет. 1997.-125 с.
2. Рыночная стоимость товарного знака.-М.: Экономика и жизнь. №18. 1995.
3. Соловьева Г.М. Учет нематериальных активах.-М.: Финансы и статистика. 2001.-154 с.
4. Тўлахўжаева М.М. Гисобварақлар режаси 2001 йил. «Солиқлар ва божхона хабарлари» газетаси. 1999 йил.
5. Ткач В.И. Международная система учета и отчетности.-М.: Финансы и статистика. 1991.-263 с.
6. Энтони Р. Рис Дж. Учет: ситуации и примеры.-М.: 1993.-317 с.
7. Юсупова М., Жумабоев §. Молиявий ҳисоб тамойиллари.-Т.: 1999.-126 с.
8. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва унга шарҳ.-Т.: Молия. 1999.-231 с.
9. Хошимов Б.А., Развитие бухгалтерского учета на основе международных стандартов в Республике Узбекистан. Вашингтон. 1996.-268 с.
10. Хасанов Б.А. Моддий ва номоддий активлар амортизацияси.-Т.: Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахбортомаси. 2000 йил №8.
11. Қодирхонов С. Саноат корхоналарида бухгалтерия ҳисоби.-Т.: Ўзбекистон. 1993.-506 с.
12. Ҳуломова Ф.Г. Бухгалтерия ҳисоби бўйича амалий қўлланма. 4-чиқариш.-Т.: 1999.-144 б.
13. Ҳуломов С.С. Инвестицияларнинг лойиҳавий таҳлили.-Т.: 1998.
14. International Accounting Standarts 1999, IASE – London, 1999.
15. Comparative International Accounting – 3d ed – Edited by Noles her., Parfer R. – Preative Hall, Inc., 1993.
16. Orginal Pronouncements: Accounting Standarts as of June 1, 1996 – vol. 1,2. – FASB, 1996.
17. UK GAAP: Generally Accepted Accounting practice in the United Kingdom, - Sth ED – Macmillan Reference Ltd, Ernst & Young, 1997.

7-БОБ. МАТЕРИАЛЛАР ҲИСОБИ

7.1. Материаллар ишлаб чиқаришда тутган ўрни ва бу соҳада ҳисобнинг вазифалари

Товар моддий захиралар-бир ишлаб чиқариш жараёнида ўзининг қийматини тўла равишда маҳсулот таннарига ўтказилади.

Ишлаб чиқаришнинг моддий шароитларидан бири меҳнат буюмлари ҳисобланади. Амалда улар ТМЗлар деб аталади. Асосий воситалардан фарқ қилиб, Материалларнинг ҳар бир тури бўйича норматив миқдори корхона томонидан мустақил белгиланади.

Хўжалик юриштишнинг янги тизими шароитида моддий бойликлардан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш, Хўжасизликка қарши кураш маҳсулот таннархида моддий харажатларнинг улушини камайтириб бориш масалаларига алоҳида эътибор берилади. Материаллар ҳисобининг вазифаларига қуйидагилар киради:

1. Материаллар ҳаракати билан боғлиқ бўлган ўзгаришларини ўз вақтида тегишли ҳужжатларда расмийлаштириш.

2. Материалларни жойлашда уларни тўғри сақланиш устидан назорат олиб бориш.

3. Моддий техника таъминоти режасининг бажарилиши устидан назорат олиб борилади.

4. Материалларнинг ишлаб чиқаришга тўғри берилиши ва уларни сарфлаш меъёрига риоя қилиш устидан назорат олиб бориш.

5. Маҳсулот таннархини ҳисоблашда сарфланган ТМЗларни калькуляция объектларида тўғри тақсимлаш.

6. Ички ресурсларни ишга солиш мақсадида ортиқча ва фойдаланилмаётган ТМЗларни аниқлаш ва сотиш.

Материаллар, янги меҳнат маҳсулотини яратишдаги ролига қараб иккига бўлинади.

а) хом ашё ва асосий материаллар.

б) ёрдамчи материаллар.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг асосини асосий ТМЗлар ташкил қилади. Масалан, машинасозликда – металл, мебель ишлаб чиқаришда ёғоч, газлама ишлаб чиқаришда – пахта ва бошқалар. Қазиб чиқарувчи саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хом ашё деб аталади. Масалан, нефть, руда, пахта, қанд лавлаги ва бошқалар. Бошқа корхоналардан олинadиган машина ва агрегатларнинг тўғри деталлари ва бошқалар ярим тайёр маҳсулотлар деб аталади.

Товар моддий захиралар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 27 август 44-сонли буйруғи билан тасдиқланган

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС-4) га биноан олиб борилади.

7.2 Материал ва хом ашёларни туркумларга ажратиш ҳамда баҳолаш

Хўжалик юритувчи субъектларда ТМЗларни ҳисобга олиш учун 1000-«Материаллар» актив счётидан фойдаланилади. Бу счёт ўз навбатида бир неча счётларга бўлинади.

1010-Хом ашё ва материаллар.

1020-Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар.

1030-Ёқилғи.

1040-Эҳтиёт қисмлар.

1050-Қурилиш материаллари

1060-Идиш ва идишбоп материаллар

1070-Қайта ишлашга берилган ТМЗлар

1080-Инвентар ва хўжалик жиҳозлари

1090-Бошқа материаллар

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти «Товар-моддий заҳиралари» (4-сон) стандартига кўра уларни баҳолаш белгиланган таннархдан ёки сотишнинг соф қийматидан энг кам баҳо бўйича баҳоланади. Материалларни таннархи барча сотиб олиш харажатларини ва уларни манзилга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган транспорт тайёрлов харажатларини ўз ичига олади.

Материалларни сотиб олиш харажатлари сотиб олиш қийматини, импорт божлари ва йиғимларини, товарни сертификация қилиш харажатларини, таъминот, воситачи ташкилотларга тўланган комиссия тўловларни, Солиқларни, хизмат ва заҳираларни сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатларни ўз ичига олади. Бундан ташқари савдо фоизлари ёки чегирмалари ва шунга ўхшаш бошқа чегирмалар ТМЗларни сотиб олиш харажатларини белгилашда амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш заҳираларининг ҳақиқий таннархини аниқлаш, уларни баҳолашнинг қуйидаги усулларини қўллаш билан амалга оширишлади:

1. *Доналаб баҳолаш.*
2. *ФИФО (биринчи тушум охиргиси заҳирага).*
3. *Ўртача қиймат усули.*
4. *ЛИФО (охиргиси чиқимга биринчи заҳирага).*

Доналаб баҳолаш усули автомобил, тасвирий санъатнинг ноёб дурдоналари, қимматбаҳо заргарлик буюмлари кабиларни ҳисобга олишда юритилади ва хар бир буюм алоҳида доналаб баҳоланади. Ўртача қиймат усули ёрдамида сотишга яроқли ТМЗлар ўртача қиймати ҳисоблаб топилади. Вақти-вақти билан рўйхатга олишни ўтказилаётганда ўртача миқдор бутун бир давр учун ҳисоблаб чиқилади. Биринча партия баҳолари, ишлар чиқаришга ҳам биринчи чиқариш (биринчи заҳирага қабул қилинган биринчиси ишлаб

чиқаришга), ФИФО усули энг эски бўлган ТМЗларни биринчи навбатда сотилиши, кейинроқ қабул қилинган харидлар давр охирига захира бўлиб қолишини назарда тутати. ФИФО усулига қарама-қарши бўлган охириги қабул қилинган партия баҳоси ишлаб чиқаришга биринчи чиқариш усул- (охиригиси захирага биринчиси ишлаб чиқаришга) деган (ЛИФО) усулидир. Бунда сотилган ТМЗларнинг қиймати энг кейинги харидларга асосланган бўлиб, давр охирига қолган ТМЗ захираси энг аввалги мавжуд бўлган буюмлар қиймати бўйича баҳоланади.

Доналаб баҳолашда, камроқ қиймати танланган бўлса, 18900 сўмни (120 х 90) + (70 х 100)+(10х110), агар таннархи энг юқори бўлган 150 та буюм танланган бўлса, ЛИФО усулида 20500 сўмни (90 х 110) + (70 х 100) + (40 х 90) ташкил этади. Ўртача қийматда эса 19784 сўм (200 х 98,92) бўлади, яъни $27700 : 280 = 98,92$. ФИФО усулида, 18900 сўм (120 х 90) + (70 х 100) + (10х100) бўлса, ЛИФО усулида 20500 сўм (90 х 110) + (70 х 100) + (40 х 90)ни ташкил этади.

	Кўрсаткичлар	Буюмлар микдори	Бирлигининг баҳоси	Умум. баҳоси
	Материаллар захираси: 01,01га	120	90	10800
	1 июнда сотиб олинган.	70	100	7000
	1 октябрда сотиб олинган.	90	110	9900
	Сотилган ТМЗлар	280	98,92	27700
	Йил давомида сотилган ТМЗлар.	200	?	?
	Давр охирида қолган ТМЗ захираси.	80	?	?

Бу усулларни солиштирадиган бўлсак, қуйидаги кўринишга эга бўлади. (Бу ерда доналаб баҳолаш усули аниқ танлаб олинган буюмларга боғлиқ бўлади).

Баҳолаш усуллари	Сотилган материаллар қиймати сўм.	Давр охирида қолган материаллар	Жами сўм.
ФИФО	18900	8800	27700
Уртача таннарх	19785,5	7915,5	27700
ЛИФО	20500	7200	27700

Молиявий ҳисоботларни тайёрлашда (**БХМС 4-сон**) мувофиқ ФИФО усулини қўллаш мақсадга мос келади, чунки ишлаб чиқариш захиралари қиймати ҳисобот даври охирида жорий баҳога яқинроқ бўлади ва корхона айланма активларини аниқ акс эттиради.

ТМЗ ларни соф сотиш қиймати бўйича баҳолаш.

ТМЗ яроқсиз бўлганда, брак, қисман ёки бутунлай эскирганда, сотувни ташкил қилиш харажатлари ошганда, рақобат кучайиб сотув нархи пасайган ҳолатларда, товар-моддий захиралари ўз таннархидан ишлаб чиқариш қийматидан паст баҳода сотиш қийматида баҳоланиши мумкин.

Соф сотиш қиймати – товар сотилишининг тахминий қийматидан товарларни сотув олдидан тайёрлаш ва уни сотиш харажатларининг айирмасидир.

Товар-моддий захиралари соф сотиш қийматигача қуйидаги усуллар асосида қисман ҳисобдан чиқарилади:

1. Моддалар бўйича усули – бунда товар-моддий захирала-рининг ҳар бир тури баҳоланади;
2. Асосий товар гуруҳларининг усули – бунда товар-моддий захираларининг гуруҳ имтиёзи баҳоланади;
3. Захираларнинг умумий даражаси усули – бунда ҳамма товар-моддий захиралари баҳоланади.

ТМЗни сотиш қиймати бўйича баҳолаш.

«МЕРКУРИЙ» корхонаси ўзининг тижорат фаолиятини ҳисобот даврида унинг эгалари томонидан киритилган 6000000 сўм капитали билан фаолият бошлади. Компания 2000 бирлик товар-моддий захираларни 2000000 сўмга сотиб олди, фрахт харажатлари 200000 сўмни ташкил этди. Йил давомида корхона 1650 бирлик маҳсулотнинг бир бирлигини 1500 сўм баҳода сотди. Йил охирида хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида 350 бирлик маҳсулот бор, улардан 50 таси яроқсиз ҳолга келган эди. Яроқсиз ҳолга келган бирликларнинг ҳар бирини 450 сўм баҳода, қолган 200 донанинг эса ҳар бирини 1500 сўм нархда сотиши мумкин бўлади.

1. Июль охирига бўлган ТМЗ қолдиқлари балансда қандай сумма бўйича ҳисобга олинади?

2. Ушбу муомалалар бўйича яроқсиз ҳолга келган бирликларнинг сотилишининг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга таъсирини аниқланг.

Биринчи саволнинг жавоби:

ТМЗ бирлигининг таннархи:

$2000000 \text{ сўм} + 200000 \text{ сўм} = 2200000 \text{ сўм} / 2000 = 1100 \text{ сўм}$ ни ташкил қилади.

Соф сотиш қиймати:

- яроқсиз ҳолга келган маҳсулотлар учун 450 сўм

- шикастланмаган маҳсулотларнинг бирлиги учун 1500 сўм

Балансда ТМЗ таннархи ва соф сотиш қийматидан энг кичик қиймат бўйича акс эттирилади:

Яроқсиз ҳолга келган маҳсулотлар
 $50 \times 450 = 22500$ сўм

Шикастланмаган маҳсулотлар $300 \times 1100 = 330000$ сўм

Жами ТМЗ қолдиқлари 352500 сўм

Иккинчи саволнинг жавоби:

Сотишдан олинган соф тушум $(1650 \times 1500 \text{сўм}) = 2475000$

Сотилган маҳсулотларнинг таннархи $(1650 \times 1100 \text{сўм}) = 1815000$ сўм

Соф сотиш қиймати $(50 \times 350 \text{сўм}) = 17500$ сўм

Таннарх $(50 \times 1100 \text{сўм}) = 55000$ сўм

Яроқсиз ҳолга келган маҳсулотлардан кўрилган зарар (37500сўм)

Сотувдан келган ялпи фойда $1125000 - 825000 - 42500 = 25700$ сўм

ТМЗни ҳисобга олишнинг даврий усули.

Жорий ҳисобга олиш тизимини қўллашда йил давомида ТМЗнинг ҳар бирининг батафсил ҳисоби юритилмайди. Товар-моддий заҳираларнинг ҳақиқий мавжудлиги инвентаризацияси натижалари бўйича аниқланади. Сотилган ТМЗнинг таннархини инвентаризация яқунланмагунча аниқлаб бўлмайди, чунки сотилган ТМЗ таннархини ҳисоблаш қуйидаги формула билан топилади:

$$Z_K + Z_R = Z_T + Z_{KI} = Z_P, \text{ бунда}$$

Z_K - ҳисобот даври бошига бўлган ТМЗ қолдиғи

Z_R - келиб тушган ТМЗ

Z_T – сотишга тайёр ТМЗ таннархи

Z_{KI} - ҳисобот даври охирига бўлган ТМЗ таннархи

Z_P – сотилган ТМЗ таннархи

Жорий ҳисобга олиш тизимини қўллаганда, товар-моддий заҳираларнинг баланс счётларидаги қолдиғи инвентаризация яқунланмагунча бошланғич даражада қолади. ТМЗнинг бутун ҳаракати харажатларнинг вақтинчалик счётларида акс эттирилади, масалан, метариалларнинг хариди «Товар-моддий заҳиралар» баланс счётида эмас, балки 1510 – «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счётининг дебетида акс эттирилади. Ҳисобот даврининг охирида ТМЗ қолдиқларининг инвентаризацияси натижалари бўйича ТМЗни ҳисобга олиш баланс счётларининг дебетланиши ёки кредитланиши, «Товар-моддий заҳиралар бўйича тузатишлар» ёки «Материалларни харид қилиш бўйича харажатлар» счётлари билан ўзаро алоқода тузатувчи ёзувлар амалга оширилади.

Бутун ҳисобот даври давомида сотилган ТМЗнинг таннархи «Товар-моддий захиралар бўйича тузатишлар» счётининг қолдиғига тузатилган, «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счётининг дебети бўйича йиғилиб борилади. ТМЗни доимий ҳисобга олиш тизимини қўллаганда ТМЗнинг баланс счётларида товар-моддий захиралар қабул қилиниши ва чиқиб кетиши батафсил акс эттирилади. ТМЗни жорий ҳисобга олишда қўлланиладиган харажатларнинг вақтинчалик счётларида бу ҳолда қўлланилмайди. Натижада бутун ҳисобот даврида ТМЗнинг маълум турларининг мавжудлиги ва сотилган захираларнинг таннархи маълум бўлади.

Сотилган ТМЗнинг таннархи сотилиш бўйича «Сотилган маҳсулот (товар)нинг таннархи» счётида акс эттирилади.

Бухгалтерия ҳисобида узлуксиз ва даврий тизимларнинг асосий фарқи шуки, узлуксиз ҳисоб тизимига мувофиқ «Товарлар» счётида доимо янги харидлар, сотувлар ва товарлар билан боғлиқ бўлган бошқа муомалалар акс эттирилади. Захираларнинг даврий ҳисоб тизими юритилганда ушбу счёт тамойил бўйича маълумотлар ҳисобот даврининг охирида мавжуд товар-моддий захираларнинг инвентаризацияси ўтказилмагунча, бошланғич ҳолида қолади. Натижада даврий ҳисоб тизими шароитида ишлатиладиган «Товарларнинг хариди», «Сотиб олинган товарларнинг қайтариб берилиши ва нархининг пасайтирилиши», «Харидорлардан чегирмалар» ва «Товарларни сотиб олиш бўйича транспорт харажатлари» каби счётлар захираларни узлуксиз ҳисобга олиш тизими шароитида ишлатилмайди.

7.3. Материалларни қабул қилишни ҳужжатлаштириш.

Материалларни қабул қилиш, хўжалик юритувчи субъект ичида жойлаштирилиши ва омордан берилиши муомалаларини расмийлаштириш учун бир хиллаштирилган идоралараро дастлабки ҳужжатлар кўзда тутилади.

"Келадиган юкларни рўйхатга олиш журнали" М-1 ҳақли юкларни темир йўллар, сув пристанлари, транспорт экспедицияси идораларидан олиш ва уларни хўжалик юритувчи субъект оморига кирим қилиш билан боғлиқ транспорт, товарга оид ва бошқа ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш учун қўлланилади.

Журналга транспорт ва юк ҳужжатлари, кирим ордерлари, ТМЗни қабул қилиш далолатномаларидаги маълумотлар асосида ёзиб борилади.

Хўжалик юритувчи субъект оморига ТМЗларни қабул қилишига қараб журналга кирим ордерлар (ёки қабул қилиб олиш актлари)нинг тартиб рақамлари ва келиб тушиш саналари ёзиб борилади ёки счёти тўланганлиги ҳақида ахтарув суммаси билан боғлиқ сўровномалар тўғрисида белги қўйилади.

"Ишончнома" М-2 шакли лавозимдор шахснинг ТМЗларни олиш чоғида хўжалик юритувчи субъектнинг ҳуқуқини расмийлаштириш учун хизмат қилади. Хўжалик юритувчи субъект бухгалтерияси ишончномани олувчига бир нусхада бериб, ундан тилхат олади.

"Ишончнома" М-2а шаклини ишончнома бўйича ТМЗлар доимий тусда олинадиган хўжалик юритувчи субъектлар ишлатади. Бундай ишончномаларнинг берилиши олдиндан номерланган ва тикиб қўйиладиган берилган ишончномаларни ҳисобга олиш журналида рўйхатдан ўтказилади.(М-3 шакл)

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТ

Келиб тушадиган юкларни ҳисобга олиш

Ж У Р Н А Л И

_ойи _____ учун.

Рўй хатга олиш	Сана	Материал етказ.	Транспорт хужжат		Товар хужжат.				Тил-хат	Кирим ордери		Юк ахтарув хакида суровнома		Изох
			берувчи	сана	Т/р	сана	Т/р	юк тури		сумма	сана	Т/р	сана	
Рақами			4	5	6	7	8	9	10		12	13	14	15
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10		12	13	14	15

"Берилган ишончномаларни рўйхатга олиш журнали" М-3 шаклида бериладиган ишончномалар ва улар олингани тўғрисидаги тилхатлар рўйхатдан ўтказилади.

М-2 шаклдаги ишончномадан фойдаланишда олинганлик ва берилганлик тўғрисидаги маълумотлар ишончнома қорешогида қайд қилинади. Бу ҳолда журналда берилган ишончномалар ҳисобга олиб борилмайди.

"Кирим-ордери" М-4 шаклида хўжалик юритувчи субъект омборига мол етказиб берувчилардан ёки қайта ишловдан келиб тушган ТМЗлар ҳисоби олиб борилади. ТМЗлар омборга келиб тушган куни моддий жавобгар шахс бир нусхада кирим ордерини тузади. Кирим ордерларининг бланкалари моддий жавобгар шахсларга олдиндан номерланган ҳолда топширилади.

"Материалларни қабул қилиш далолатномаси" М-7 шакли шундай ТМЗларни қабул қилиш учун расмийлаштириладики, уларга доир маълумотларда мол етказиб берувчи илова қилинган хужжатлардаги маълумотлар билан миқдор борасида тафовутлар мавжуд бўлади, шунингдек хужжатсиз келиб тушган ТМЗларни қабул қилишда ҳам тузилади.

Қабул хайъати моддий жавобгар шахс ва мол етказиб берувчининг вакилининг иштирокида икки нусхада акт тузилади ва актни хўжалик юритувчи субъект раҳбари тасдиқлайди. ТМЗлар қабул қилиб олинган хужжатлар илова қилинган актларнинг биттаси хўжалик юритувчи субъект бухгалтериясига

моддий қийматларни ҳисобига олиш учун, бошқаси маҳсулот етказиб берувчига топширилади.

ТМЗларнинг хўжалик юритувчи субъектга ўз вақтида келтирилишининг таъминот бўлими назорат қилади. Бу бўлим ходимлари мол етказиб берувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилишини текшириб, уларга ТМЗ камомади ва сифати бўйича шикоят ва даъволар қўйиш, хўжалик юритувчи субъектга ўз вақтида етиб келмаган юкларни қидириб топиш вазифаларини бажарадилар.

Одатда мол етказиб берувчилар хўжалик юритувчи субъектлардан ТМЗларни таъминот бўлими экспедитори етказиб беради. Мол етказиб берувчи ёки транспорт ташкилотларидан ТМЗларнинг қубул қилинганда таъминотчи идиш ва пломба, тамға, ТМЗлар сифатини текширади. Агар текшириш натижасида камомад ёки юклар сифати бузилганлиги аниқланса, мол етказиб берувчи ёки транспорт ташкилотига даъво қўйиш ҳуқуқини берадиган тижорат далолатномаси тузилади.

Мол етказиб берувчи ёки транспорт ташкилоти омборидан ТМЗларни олиш учун таъминотчига бухгалтерия томонидан 15 кун муддати билан ишончнома берилади. Ишончнома олиш ҳуқуқига эга бўлган ходимлар рўйхати хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан имзоланади. Ишончнома ёзиш учун асос бўлиб шартномалар, наряд, тўловнома, буюртманомга ёки мол етказиб берувчининг бошқа ҳужжатлари хизмат қилади.

Ишончнома 2005 йил 5 августдан амал қилади «Гулистон» корхонаси

(истеъмолчининг номи ва унинг манзили)

(тўловчининг манзили)

Ҳисобварақ: 2020000466988016991 ЎзСҚБда

(банк номи)

1-СОН ИШОНЧНОМА

Берилиш санаси 2005 йил 15 июль

Кимга берилди *муҳандис Баратов Мурод Комилович*

(лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми)

Паспорт серия: СА 0316233

Ким томонидан берилди *А. Икромов тум ИИБ*

Берилиш санаси *01.01.1998 йил*

Олишга *«Қўргон ТҚЮ» ЛТД*

(моддий бойликлар етказувчисининг номи)

10.05.2005 йилдаги 26-сон тўловнома бўйича

20.09.2004 (ҳужжат номи, рақами ва санаси)

№	Моддий бойликлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори (сўз билан)
1	2	3	4
1	Юмалоқ ўрамда қоғоз	тонна	Икки
2	Китоблар	Дона	Бир юзта

Ишончнома олган шахс, Акбаров Х, имзосини тасдиқлаймиз.

М.Ў.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбари
(ташкilot)

А. Иминов

Бош бухгалтер

Б.Охунова

Бериладиган ишончномалар энг аввал ишончномаларни рўйхатга олиш дафтариди қайд этилади. Бу дафтар варақлари олдиндан рақамланиб, тикилиб сўргуч билан муҳрланади. Дафтарнинг охириги бетида бош бухгалтер имзоси билан қуйидаги ёзув қайд этилади: «Бу дафтарда ҳисоб варақлар рақамланган ва тикиб чиқилган» Варақлар сони ҳарф(сўз) билан ёзилиши керак.

Берилган ишончномаларни ҳисобга олиш дафтари

Ишончнома рақами	Берилган сана	Амал қилиш санаси	Ишончнома берилган шахснинг лавозими ва фамилияси	Ишончнома олишга имзо	Махсулот етказиб берувчи	Унга асосан бойликлар олинган хужжат рақами ва санаси	Бойликлар киримини тасдиқлайди-ган хужжат рақами ва санаси
1	2	3	4	5	6	7	8
1	03.01.2003 йил	15	муҳандис Баратов И		«КўрғонТ ҚЮ» ЛТД	26-сон тўловнома, 20.09.2004 йил	8-сон кирим ордери, 10.01.2003 йил

Ишончнома олган ходим ТМЗлар олингандан кейинги биринчи кундан қолдирмасдан унга юклатилган вазифани бажарганлиги ҳамда олинган ТМЗларни омборга топшириши шарт. Ишлатилмаган ишончномалар белгиланган муддати ўтиб кетгандан кейинги кунда бухгалтерияга қайтарилди. Муддати ўтиб кетган ишончномалар бўйича ҳисобот бермаган шахсларга янги ишончномалар бериш ман этилади.

ТМЗларни омбор мудирини ёки омборчини қабул қилади. Омборга қабул қилиш вақтида омборчини келтирган ТМЗлар сони, тури, сифатини мол етказиб берувчи томонидан юборилган ҳужжатлар(ҳисобварақ-фактура, тўлов талабномаси, спецификация, товар транспорти, юк хатлари) билан солиштириб тўғри келиш келмаслигини текшириб кўради. Келтирилган ТМЗлар мол етказиб берувчининг ҳужжатлари билан мувофиқ бўлса, омборчини кирим-ордери тузади. Кирим операциялари сони кам бўлганда мол етказиб берувчи ҳужжатига муҳр қўйишга руҳсат этилади.

«Гулистон» корхонаси

1-СОН КИРИМ ОРДЕРИ

2005 йил 22 август

Операция тури	Омбор	Етказиб берувчи		Корреспонденцияланадиган ҳисобварақ		Код (номенклатура рақами)
		номи	код	ҳисобварақ, илова ҳисобварақ	Кирим қилишга асос бўлган тўловнома ёки бошқа ҳужжатнинг рўйхат рақами	
		<i>Ярашев</i>		1011		13

Номи, нави, миқдори, маркаси ТМЗ дераза блоклари

Ўлчов бирлиги		миқдори		нархи	суммаси	Омбор картотекаси бўйича ёзувнинг тартиб рақами
номи	код	ҳужжат бўйича	Қабул қилинган нархи			
1	2	3	4	5	6	7
<i>Китоблар</i>		200	200	500	100000	11

Қабул қилди Мирзаева Л Топширди Комилов М

Ҳақиқатда кирим қилинган ТМЗлар ва юборилган ҳужжатлар орасидаги тафовут аниқланса, ТМЗларни қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади.(жадвалга қаралсин) Бу далолатнома мол етказиб берувчи ёки бошқа манфаатдорларни ҳўжалик юритувчи субъект вакиллари, омбор мудирини ва таъминот бўлими вақилининг албатта иштирокида комиссия томонидан тузилади. Далолатнома тузилганда кирим ордери расмийлаштирилади.

Мавжуд товар ҳужжатларига мувофиқ келмаганда тузиладиган далолатнома
Хўжалик юритувчи субъект

Товар(ТМЗ) қабул қилинганда миқдор ва сифатдаги тафовутни белгилаш тўғрисида 1-сонли ДАЛОЛАТНОМА

2003 йил 13 март

Далолатнома тузилган жой *Хўжалик юритувчи субъект раҳбари*

Комиссия таркиби: *директор Сотиволдиев Б., омбор мудури Ботиров А, етказиб берувчининг вакили Хўжаёров М.*

К товар(ТМЗ)ни қабул қилди ва миқдор бўйича камомадни аниқлади

(номи ва манзили)

Товар оинувчиники	Етказиб берувчиники	Юк жўнатувчиники	Товар ишлаб чиқарувчиники (фабрика, артель)
<i>«Гулистон» КК, Тошкент ш., Чилонзор, 24-мавзе, 6-уй</i>	<i>«Ҳамза» collection, Фарзона ш., Қора-қамиш., 10.1</i>	<i>Фабриканинг ўзи</i>	<i>Фабриканинг ўзи</i>

Юклар жўнатиш асоси (шартнома, битим, буюртма)

2002 йил 1 мартдаги 18-сон шартнома

Етказиб берувчининг ҳисобварақ-фактура *2003 йил 3 мартдаги 381-сон*

Транспорт юкхати *2003 йил 3 мартдаги 18-сон*

Жўнатиш бекати *Тошкент*

Юборилиш бекати *Тошкент – 2-товар бекати*

Товар белгиланган вақтда келди *2003 йил 12 мартда, соат 8:00*

Товар олувчининг омборига келиб тушди *2003 йил 13 мартда*

Ҳужжатлар бўйича брутто вазни	Етказиб берувчиники, кг	Жўнатиш бекати, кг	Юборилиш бекати, кг
<i>Етказиб берувчиники</i>	<i>525</i>	<i>525</i>	<i>525</i>

Тижорат акти тузилди 2003 йил 10 мартда 13-сон билан

Товар далолатномасини тузиш учун товар олувчининг омборида ўровдан ажратиб, идишлардан олиниб (кераксизи ўчирилсин) тақдим этилади

Товарни сақлаш шароитлари уни очгунга қадар қониқарли

Далолатнома тузилаётган товар туркумида товар олувчининг омборида аниқланган жойлар сони ва вазни бўйича тафовутлар	Жойлар сони	Брутто(кг)	Идиш(кг)	Нетто(кг)
Етказиб берувчининг ҳисобварақ-фактураси бўйича	305	315		315
Ҳақиқатда келиб тушди	300	315		315
Тафовутлар	5			

Далолатнома тузилган пайтда идиш ва ўровлар ҳолати қониқарли

Далолатномани тўлдириш режаси тўртдан уч қисмига

Идишни тамғалаш ва уни транспорт юк хати кўрсатмаларига мувофиқлиги етказиб берувчининг ҳужжатларига мувофиқ келади.

Сифатга доир ва бошқа нуқсонларнинг баёни маҳсулот тегишли сифат ва номда келиб тушади.

Ўровнинг бутлиги камомад етказиб берувчининг айби билан юз бергани тўғрисида хулоса чиқариш имконини беради.

Товарни қабул қилишда белгиланади:

Прейскўрант бўйича т/р	Жой №, товар номи ва саноати	Ўлчов бирлиги	Етказиб берувчининг ҳужжати бўйича				Ҳақиқатда мавжуд				Камомад		Ортиқча		Нуқсон қисқача баёни	Нархи пасайтириши	
			Нав	сон	нархи	сумма	Нав	сон	нархи	сумма	сон	сумма	сон	сумма		сон	сумма
Ип калава эалтисда дона	5	дона	1	1.05	10	1000	1	10	10	100	5	5000			ғалтак сони		

Маҳсулот етказиб берувчининг тўловномаси саналган бошқа товарлар бўйича сифат ва сон бобида тафовутлар йўқ.

Комиссия аъзолари: *Исоев М., Тошматов Д., Камолов Ҷ*

Материалларнинг ички бор омбордан бошқа омборга бир цехдан бошқа цехга силжиши ишлаб чиқаришда фойдаланилмаган ТМЗларни чиқиндиларини омборга қабул қилиш юк хатлари билан расмийлаштирилади.

Омбордан цехларга ТМЗлар мунтазам бериб борилса, к ҳолда лимит олиш карталари қўлланиланди.

Лимит олиш картаси хўжалик юритувчи субъектнинг (участкага) режа бўлими(ёки диспетчерлик хизмати) томонидан ёзилади. Унда шу цехга берилиш лозим бўлган ТМЗ маълум турининг ойлик чекланган меъёри олдиндан кўрсатилади.(Жадвалга қаранг). Лимит картаси икки нусхада ёзилади, бир нусхаси омборга, иккинчи нусхаси цех(участкага) – истеъмолчига берилади. Материаллар берилгандан кейин омборчи лимит карточканинг цех нусхасига имзо қўяди, олувчи эса омборчининг нусхасига ўз имзосини қўяди.

ЛИМИТ ОЛИШ КАРТАСИ

3-сон лимит картаси <i>04. 2003 й</i>	Цех	маҳсулот номи	Бир ойга лимит			
			Сони		Имзолар	
		<i>Ип калава</i>	<i>50 кг</i>		<i>Очилов И.</i>	
Омбор	Номенкл ат№	Материаллар номи	Нави	Ҳажми	Ўлчов бирлиг	нархи
			1		кг	2220
Сана	Талаб қилинди		Берилди			
	соли	Цех бошлиғи имзоси	соли	Ой бошидан	Имзолар	
					олди	берди
12.01.03	10	<i>Мусаев А</i>	10	10	<i>Арипов Н</i>	
22.01.03	15	<i>Мусаев А</i>	15	25	<i>Арипов Н</i>	
28.01.03	15	<i>Мусаев А</i>	15	40	<i>Арипов Н</i>	
			<i>Ва ҳ.к.</i>			

Омборчи ҳар бир муомаладан кенг фойдаланилмаган лимит қолдиғини аниқлайди. Лимит етмаган тақдирда лимитдан ташқари ТМЗлар харажати талабнома билан расмийлаштирилади. Ишлаб чиқаришда цех ходимлари моддий жавобгар шахс бўлган ҳолатда улар томонидан ҳар ойда харажатланган ТМЗлар тўғрисида моддий ҳисобот тузилиб, бухгалтерияга топширилади, бунда лимит олиш карталари расмийлаштирилади.

Қайтарилган чиқиндиларни топшириш ишлаб чиқаришда фойдаланмаган ТМЗларни қайтариш, омбордан омборга ТМЗларни ўтказиш ТМЗларни бошқа ташкилотларга ёки шахсларга сотиш юк хатлари накладной билан расмийлаштирилади.

Омбордан ТМЗларни бошқа ҳужжатлар бўйича ҳамда турли хатлар ёки (эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар) , мансабдор шахсларнинг оғзаки фармоишлари асосида махсулотни омбордан бериш тақиқланади. Омборга келиб тушган , лекин кирим ҳужжатлари билан расмийлаштирилмаган ТМЗларни беришга ҳам йўл қуйилмайди.

Операция тури	Омбор	Олувчи

Беришга рухсат берилди *С.Ахмедова*

МАТЕРИАЛЛАР ХАРАЖАТЛАНИШИ БЎЙИЧА

10-СОН ЮК ХАТ

2003йил 10 декабрь

Берилди *М.Ихтиёровага*

Бериш асоси *4-сон ишончнома*

Харажат шифти	Номенклатура рақами	номи	Ўлчов бирлиги	Сони		нархи	Сумма
				Талаб қилинди	Берилди		
1	2	3	4	5	6	7	8
	6	«В» ТМЗ	кг	20	20	2000	40000
		Жами					40000

Бойликларни берди *Н.Ризаев* Бойликларни қабул қилди: *Б.Бўриев.*

Материалларни хўжалик юритувчи субъект ичида олиб ўтишга

6-СОИ ЮКХАТ

2003 йил 23 декабрь

Операциф тури	Цех(бўлим) участка юборувчи	Цех, объект омбор олувчи	Корреспондентланувчи ҳисрбварақ		Код, номенклатура рақами
			ҳисобварақ, илова ҳисоб-варақ	таҳлилий ҳисоб шифри	
40	02	06	10	1012	1001107

Номи, нави, ҳажми, маркаси *Болтлар 10 x 30 мм*

Берди *Ишмухаммедов У.*

Олди *Умаров Д.*

Кириш ва чиқим ҳужжатлари операция содир бўлган кунда расмийлаштирилади.

Мол етказиб берувчилардан ТМЗларни етказиб берган чоғида камомад суммасини аниқлаш тартибини куриб чиқамиз:

(сўм ҳисобида).

Т /р	Кўрсаткичлар	Материал қиймати ва таърифи	Кўшилган қиймат солиғи	Сумма ҳисоби
1.	Тўлаш учун тақдим этилган.			
а.	ТМЗлар қиймати.	60000	12000	72000
Б.	Ўрни тўлдирилган темир йўл таърифи.	8000	1600	19600
	Жами:	68000	13600	91600
2.	Юк қабулида аниқланган.			
а.	Материаллар камомади.	9000	1800	10800
Б.	Камомадга тўғри келадиган темир йўл таърифи.	1197	239	1436
	Жами:	10197	2039	12236
	Кириш қилинади (1 сатр-2 сатр)	57803	11561	79364
		1010 счёт Дт	6410 счёт Дт	

Камомаднинг умумий суммасини аниқлаш учун: 1. Темир йўл тартиби суммасининг (8000 сўм) қўшилган қиймат солиғисиз (ҚҚС) сотув нархлари бўйича ТМЗлар қийматига фоизли нисбатини аниқлаш лозим. У 13,3%ни

ташкил этади.(8000 сўм: 60000 сўм x 100%). 2. ҚҚС ни ҳисобга олган холда камомад суммасини аниқлаш лозим. У 12236 сўмга тенг (9000сўм + 1197 сўм x 1,20).

Юк счёти тўлангандан сунг келиб тушган бўлса қуйидаги ёзилади:

1010 счёт дебети – 57803 сўм.

6410 счёт дебети – 11561 сўм.

6210 счёт дебети – 12236 сўм.

6010 счёт кредити – 91600 сўм.

Агар юк келиб тушган пайтда хўжалик юритувчи субъект етказиб берувчининг счётини тўламаган бўлса, бу юк ҳақиқий етказиб берилиши бўйича кирим қилин ади.

1010 счёт дебети – 57803 сўм.

6410 счёт дебети – 11561 сўм.

6010 счёт кредити – 79364 сўм.

Бухгалтерия ҳисоби счётларда фактура қилин маган ва йўлда келаётган ТМЗлар бўйича муомалаларни акс эттириш пайтида айникса куп хатолар учрайди. Мол етказиб берувчидан ТМЗлар уларни тулаш учун счети курсатилмасдан олдин мол етказиб берилса, улар фактура қилин маган ҳисобланади. Бу холда ТМЗлар ҚҚС сиз харид нархлари бўйича кирим қилин ади. Мол етказиб берувчининг счети келиб тушганда харид нархлари бўйича ТМЗлар қийматининг аввалги ёзуви сторнировка қилин ади ва тўлов учун курсатилган счёт суммасига натижали ёзувқилин ади.

Масалан, январда 66000 сўмлик юк фактура қилин масдан етказилди. Февралда тулаш учун 83400 сўм тақдим этилди, бунга ҚҚС ҳам киради.

Қуйидаги ёзувлар қилинади:

Январда: 1010 счёт Дебети – 66000 сўм

6010 счёт Кредити (ҚҚС ҳисобга олинмайди.)

Февралда: а) сторнировка ёзуви: 1010 счёт Дебети – 66000 сўм

6010 счёт Кредити- 66000 сўм

б) натижали ёзув: 1010 счёт Дебети – 66000 сўм

6410 счёт Дебети – 17400 сўм.

6010 счёт Кредити – 83400 сўм.

Фактура қилинмаган юклар ой охирида моддий бойликлар ва тўлаш учун тақдим этиладиган счётларнинг амалдаги келиб тушиши ҳақидаги маълумотлар асосида аниқланади.

Мол етказиб берувчи ўз вақтида огоҳлантирилди: унга ТМЗлар қабули ҳақида далолатнома илова қилинган хат юборилади (М-7 шакл).

Агар хаки тўланган бўлсаю (6010 счёт Дт, 5110 счёт КТ) ой охиригача келиб тушмаса ТМЗларни хўжалик юритувчи субъект бухгалтерияси ҳисобот ойида шартли равишда (1010,1210 счёт Дт, 6010 счёт Кт) кирим қилади. Бу ТМЗларни хўжалик юритувчи субъект балансида ишлаб чиқариш захиралари тартибида акс эттириш учун шундай қилинади. Кейинги ойда ТМЗлар ўша коррепонденцияда стонировка ёзуви билан қайд этилади; бк амалда келиб тушганлигига қараб яна кирим қилинади.

7.4. Материалларни омборда ва бухгалтерияда ҳисобга олиш.

Омборларда ТМЗлар омборчи томонидан миқдор кўрсаткичлари бўйича варақларда ҳисобга олинади (жадвалга қаралсин)

Омбор варақлари ТМЗларнинг ҳар бир тури, нави, хили бўйича бухгалтерия томонидан очилади.

Бухгалтерия унга хўжалик юритувчи субъект номи, варақа тартиб рақами, омбор рақами, ТМЗ номи, маркаси, нави, ҳажми, ўлчов бирлиги, номенклатура рақами, ҳисоб нархи ва бошқаларни ёзади.

Варақни олгандан кейин омборчи ушбу ТМЗлар сақланадиган токча ёки жойни кўрсатади. Сақланадиган жойга ТМЗларнинг нархи ва сони ёзилган ёрлик биктирилади.

Материалларни ҳисобга олишнинг омбор карточкиси

Омбор	Стеллаж	Ячейка	Марка	Нав	Йўналиш	Ҳажми	Код (номенклатура рақами)	Ўлчов бирлиг и		Нархи	Захира меёри
								номи	Код		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
								1-сон шаклидаги сатр рақами			
								13			
Қайд санаси	Ҳуж жат рақами	Қайднинг т/р	Кимдан олинди ёки кига берилди	Кириш	Чиқим	Қолдиқ		Назорат (имзо, сана)			
14	15	16	17	18	19	20		21			
			Қолдиқ								
13.03.0 3	2		«Юлдуз» фабрика си	600		600					
20.03 03	20	3			200	400					
1.04 03	30	4			350	50					

Бухгалтер *Ибрагимов И.*

(имзо)

Ҳар доим юқорида кўрсатилган ҳужжатлар асосида омборчи бу варақларга миқдор жиҳатдан ТМЗларнинг кириш ва чиқимини ёзади. Ҳар бир ёзувдан сўнг варақларда ТМЗларнинг қолдиғи ҳисоблаб чиқарилади.

Аввалдан белгиланган кунларда(3-5 кунда бир марта) омборчи кирим ва чиким хужжатларини топшириш рўйхатини икки нусхада ёзади. Рўйхатнинг биринчи нусхасига ластлабки хужжатларни тикиб, уни бухгалтерияга топширади. Материал бўлимнинг бухгалтери бу рўйхат ва унга бириктирилган хужжатларни синчиклаб тешириб чиққандан кейин бу тўғрисида рўйхатнинг иккинчи нусхасини тасдиқлайди. Рўйхатнинг иккинчи нусхаси омборчида қолади.

Бухгалтер омбордаги энг аввало камёб, қимматбаҳо ТМЗларнинг ҳақиқий қолдиқларини танлаб назоратдан ўтказиб, бу тўғрида варақларга текшириш санасини ва имзо қўйиб тасдиқлайди. Танлаб текшириш натижалари бўйича моддий жавобгар шахсларнинг ишида аниқланган камчиликлар тўғрисида маълумотлар махсус дафтарга ёзилиб, бош бухгалтерга хабар қилинади.

Материаллар номенклатураси кам бўлганда омборларда омбор ҳисоби варақлари ўрнига варақларнинг зарур реквизитларини ўз ичига олган нав ҳисоби дафтарларидан фойдаланишга йўл қўйилади.

Ҳар ойнинг биринчи кунда омборчи варақлардаги ойнинг охирига бўлган қолдиқларни омбор бўйича қолдиқ дафтарига кўчиради. Бу дафтар ҳар бир омбор учун алоҳида очилиб, ойнинг охириги кунда омборчига берилади. Кейинги ойнинг 1-2 кунда омборчи бу дафтарни бухгалтерияга қайтаради.

Қолдиқ дафтарининг ТМЗ қолдиғининг умумий суммаси бухгалтерияда ТМЗ ҳаракати бўйича юритиладиган 10-қайднома маълумотлари билан солиштирилади. Сонларнинг тўғри келиши ҳисобот ойида омборда ва бухгалтерияда юритилган ҳисобнинг тўғрилигидан далолат беради.

Товар-моддий бойликларни ҳисобга олишни ташкил этиш услублари турличадир. Бухгалтерлик ва сальдо услублари шуларнинг энг куп тарқалганларидан. ҳисоб-китобни кулда юритиш шароитида сальдо услуби бирмунча илгор услуб ҳисобланади. Бундай услуб бухгалтерлик услубига нисбатан катор афзалликларга эга, ана шу афзалликлар мазкур услубнинг купрок оммалашувини таъминлаган.

Материалларни ҳисобга олишнинг бухгалтерлик услуби.

Аввало шуни қайд қилиш керакки, ТМЗларни ҳисобга олишнинг бухгалтерлик услубини товар-моддий бойликлар сони унча кўп бўлмаган корхоналарда қўлланиш тавсия қилинади.

Бундай услуб қўлланилганида хўжалик юритувчи субъект бухгалтериясида субсчётлар разрядида (1010) ишлаб чиқариш заҳираларининг ҳар бир тури учун сон-микдорли ҳисоб-китоб варақлари очилади. Бухгалтер ушбу варақларда омбордан келиб тушган дастлабки асословчи хужжатлар (кирим ордерлари, ТМЗларни қабул қилиб олиш далолатномалар, юк хаки талабномалари ва бошқалар) нинг маълумотлари асосида моддий бойликлар харажати (сальдо,кирим, чиким) ни акс эттиради. Шундай қилиб, омбордаги ҳисоб-китоб варақларидаги ахборот кейинчалик моддий жавобгар шахсларга доир товар-

моддий бойликларнинг синтетик счёти (1010) нинг хар бири учун алоҳида очиладиган аналитик (сон-микдорли) айланиш ведомостларига кучирилади. Материалларнинг омбор (М-12 шакли) ва бухгалтерлик ҳисоб-китоби (сон-микдорли) варакаларида операцияларни акс эттиришнинг тўғрилиги ва туликлигини текшириш мақсадида хар ойда моддий бойликларнинг хар бир тури бўйича уларнинг натурал курсаткичларини қуйидаги позициялар юзасидан таккослаш утказилади: Ой бошидан сальдо ойдаги кирим ва чиким бўйича айланишлар ой охиридадаги сальдо. Бу курсаткичлар омбор ва бухгалтерия варакаларда бир хил булиши лозим, чунки кирим ва чиким бўйича барча операциялар бир хилдаги дастлабки хажжатлар маълумотлари асосида рўйхатга олинади. Агар номувофиклик аниқланса, аналитик ҳисоб-китобда йўл куйилган хатони топиш ва бартараф қилиш керак. Шунингдек айланиш ведомостларининг якуний маълумотлари хам бош дафтарга ёки назорат журналида кайд қилинган 1010 счётдаги айланишлар ва колдиклар билан таккослаб чиқилиши керак: улар хам бир хилда булиши лозим. Тафовутлар булиши синтетик ҳисоб-китобда хатога йўл куйилганидан далолат беради.

Материалларни ҳисобга олишнинг сальдо услуги.

Материалларни ҳисобга олишнинг оператив-бухгалтерлик (сальдо) усулининг мохияти шундаки, хўжалик юритувчи субъект омборида ТМЗларни омборда М-12 шакли бўйича ҳисобга олиш варакалари, бухгалтерияда эса омбордаги ТМЗлар колдигини ҳисобга олиш бўйича М-14 шаклдаги (сальдо дафтари) ведомость юритилади. Бу дафтарда колдиклар хар ойда факат моддий бойликлар колдиклари акс эттириб борилади, улар тўғрисидаги маълумотларни омбор мудури ёки бухгалтерия хизмати ходими омбордаги ҳисоб-китоб варакаларидан утказиб туради. Хўжалик юритувчи субъект бухгалтериясида сон-микдорли ҳисоб-китоб варакалари ва айланиш ведомостлари юргизилмайди. Сальдо дафтари хўжалик юритувчи субъект бухгалтериясида сақланади.

Моддий бойликларнинг омбордаги ва бухгалтериядаги ҳисоб-китоб маълумотларини узаро таккослаш ва узаро боғлаб туриш учун бухгалтерияда 10-10-А ёки 5-шаклдаги ТМЗларнинг қиймат ифодасидаги ҳаракати ведомости юргизилади. (унча катта бўлмаган хўжалик юритувчи субъектларда), бу ведомостда ой бошидаги сальдо, ой давомида ТМЗларнинг келиши, уларнинг сарфланиши ва ой охиридаги сальдо акс этади. Бундай курсаткичлар ведомостда бирданига икки баҳода: ҳақиқий таннархи бўйича ва ҳисоб-китоб баҳоларида ёзиб юорилади. ҳисоб-китоб баҳоси, ҳисоб-китобнинг сальдо усулини қўлланиш учун асосий негиз ҳисобланади. Бу баҳони хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи белгилайди ва номеклатура баҳолар рўйхатида кайд қилинади.

Агар 10-, 10-А ёки 5- шаклдаги ведомостда (унча катта бўлмаган хўжалик юритувчи субъектлар учун) курсатилган ойнанинг боши (охири) даги моддий ресурсларининг 1010- ва 1210- счётлар бўйича ҳисоб-китоб баҳоларига сальдо

омбордаги ТМЗлар колдигини ҳисобга олишнинг М-14 шаклидаги ведомостидаги ана шундай колдик билан бир хил бўлса, унда бу ТМЗлар ҳаракатини ҳисобга олишга доир дастлабки ҳажжатларни белгилашда хатолар булмаганидан, операциялар ҳақидаги маълумотларнинг омбордаги ҳисоб-китоб варакаларига тўғри ва тулик жойлаштирилганидан далолат беради.

Материаллар ҳаракати ведомостида 1010-"Материаллар"-счёти бўйича ой бошидаги сальдо, ТМЗларнинг ой давомидаги (кирим ва чиқим бўйича) айланишлари ва ТМЗларни ҳақиқий таннархи бўйича баҳолашдаги ой охиридаги сальдонинг акс эттирилиши бош дафтарнинг 1010- счётидаги шунга ухшаш курсаткичлар билан бир хилда булиши керак.

Моддий бойликларнинг аналитик жорий ҳисоб-китобини ҳақиқий таннарх бўйича баҳолашда ёки ҳисоб-китоб баҳолари бўйича баҳолашда юргизиш мумкин. Материаллар номларининг сони нисбатан унча катта бўлмаган кичик хўжалик юритувчи субъектларда ТМЗлар номларининг сони нисбатан унча катта бўлмаган кичик хўжалик юритувчи субъектларда ТМЗларни ишлаб чиқариш (фойдаланиш) эҳтиёжлари учун беришда уларни яхшиси шу ойдаги ҳақиқий таннарх бўйича баҳолаган маъкул. Агар айланишда куп сонли номдаги ТМЗлар мавжуд бўлса, унда аналитик ҳисоб-китобни хар бир номдаги ТМЗнинг ҳисоб-китоб нархлари бўйича баҳолашда юритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

ҳисоб-китоб баҳоларидан фойдаланиш ТМЗлар ҳаракатига доир ҳужжатлар билан ишлаш вақтини жиддий камайтиради, чунки бунда хар бир турдаги ТМЗ учун унинг хар ойдаги ўртача ҳақиқий таннархини аниқлаб утиришга зарурат булмайди.

Ишлаб чиқариш заҳираларининг турларига кура ҳисоб-китоби ҳақиқий таннархга кура юритиладиган хўжалик юритувчи субъектларда бундай заҳираларни ишлаб чиқаришга фойдаланишга, таъмирлаш эҳтиёжларига ва бошқа мақсадларга бериб юборишда сарфланган моддий ресурслар ўртача таннарх бўйича баҳоланади, бундай ўртача таннарх ой бошидаги ТМЗлар колдигининг таннархи ва уларнинг ҳисобот ойида тайёрланган сонининг таннархидан келиб чиқиб аниқланади. Уртача арифметик таннархни белгилаш куп меҳнат талаб қилади, чунки у шу турдаги ТМЗларни сунгги марта етказиб бериш тўғрисидаги маълумотларни ТМЗларни ҳисобга олишнинг сон-микдорли варакаларига олдиндан ёзиб чиқишни талаб қилади.

Материаллар бирлигининг ўртача ҳисобланган таннархини ҳисоблаш.

№	Курсаткичлар	Сони кг	1 кг, нинг баҳоси сўм	Микдори сўм.
1	Ой бошидан сальдо	120	440	52800
2	Ой давомида келиб тушди:			
	1- етказиб бериш	150	420	63000
	1- етказиб бериш	160	500	80000
	Келиб тушди, жами.	310		143000
	Жами келиб тушгани колдик билан сарфланди.	430	455,35	195800
		420		191247
	Ой охиридаги сальдо:	10		4553

Материал бирлигининг ўртача ҳисобланган таннархини ҳисоблаш учун қуйидагиларни бажариш зарур: 1. Хўжалик юритувчи субъектнинг айланишида мавжуд бўлган мазкур турдаги ТМЗ сонини (120 кг + 310 кг) ва ҳақиқий сон қийматини (52800 сўм + 143000 сўм) белгилаш. 2. Матриаллар бирлигининг ўртача таннархини белгилаш: 195800 сўм : 430 кг = 455,35 сўм. 3. Сарфланган ТМЗларнинг ҳақиқий таннархини белгилаш: 455,35 сўм x 420 кг = 191247сўм.

Сарфланган моддий бойликларнинг хар бир тури бўйича ана шундай ҳисоб-китобни амалга ошириш керак.

Материалларни сотиш операцияларини ҳисобга олишда юкларни жунатиш ёки ҳақ тўланган счётларга қараб сотиш тартибини аниқлаш борасида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС-1 сон) "Ҳисоб юритиш сиёсати ва молиявий ҳисобот" га боғлиқ бўлади.

Агар ҳисоб сиёсатида ТМЗлар юклаб жунатилгандан кейин уларни сотилган деб ҳисоблаш қабул қилинган бўлса, у ҳолда, ТМЗлар харидорларга жунатиб турилишига қараб, улар сотилиш нархларида сотилган ТМЗлар сифатида акс эттирилади.

Мабодо ҳисоб сиёсатида пул кассага ёки ҳисоб-китоб счётига келиб тушгандан кейин ТМЗларни сотилган деб ҳисоблаш қабул қилинган бўлса, у ҳолда ТМЗларни харидларга жунатиш чоғида, улар 9010 счёт дебети (1010 счёт кредитига) ёзилади ва унда то ТМЗлар ҳақи тулангунга қадар туради.(5010, 5110 счётлар дебети 9010 счёт кредити). Ҳақ тўланган пайтидан эътиборан улар 9010 счёт кредитдан учирлиб, 9010 счёт дебетига ёзилади. 9010 счётда аниқланган ТМЗларни сотишдан олинган молиявий натижа 9900 счёт "Яқуний молиявий натижа", ҚҚС ни (20%) алоҳида позицияга албатта ёзиб қуйиши керак. Бу Солиқ ҳисоблаб чиқилиши (9010 счёт дебети, 6410 счёт кредити) ва бюджетга утказилиши (6410 счёт дебети, 5110 счёт кредити) лозим.

Товар-моддий бойликларни сотишга доир счётлар корреспонденцияси

Мисол: Материаллар қуйидаги нархларда сотилган
(ҳақиқий таннархи 8000 сўм).

1– ҳолат. Таннархидан паст нархда (8000 сўм).

2– ҳолат. Таннархига тенг нархда (9000сўм).

3– ҳолат. Таннархидан юқори, аммо бозор нархидан паст нархда (9500сўм).

4– ҳолат. Бозор нархида (11000 сўм).

	Операциялар мазмуни	Жами сўм	Корреспонденция счёти	
			Д-т	К-т
1	2	3	4	5
	Ҳақиқий тўланган счётлар бўйича реализация қилиниши			
1	Сотилган ТМЗларнинг ҳақиқий қиймати суммасига	9000	9010	1010
1 а	Бир вақтнинг ўзида ҚҚС суммасига	1800		6410
2	ҚҚС ни қўшганда (20%) ни счёт харидорлари томонидан тўланган 1- вазият (8000 сўм x 1,2) кассага нақд тўланган.	9600	5010	9010
	2- вазият (9000 сўм x 1,2) ҳисоб-китоб счёти	10800	5110	9010
	3- вазият (9500сўм x 1,2) бартер буйича	14300	6010	9010
	4- вазият (11000 сўм x 1,2) олдин тўланган аванс тўловлари счётига	13200	61	9010
3	ҚҚС (20 фоиз) бюджетга тўланган			
	1- вазият (9600 сўм- 8000 сўм)	1600	9010	6410
	2- вазият (10800 сўм- 9000 сўм)	1800	9010	6410
	3- вазият (11400 сўм- 9500 сўм)	1900	9010	6410
4- вазият (13200 сўм- 11000 сўм)	2200	9010	6410	
4	Реализациядан олинган молиявий натижа ҳисобдан учиради.			
	1- вазият {10600 сўм – (9000 сўм + 1600)} зарарлар	1000	9900	9010
	2- вазият {10800 сўм – (9000 сўм + 1800 сўм)}	-	-	-
	3- вазият {11400 сўм – (9000 сўм + 1900 сўм)} фойда.	500	9010	9900
4- вазият {13200 сўм – (9000 сўм + 2200 сўм)} фойда.	2000	9010	9900	

Материаллар бозор нархидан паст нархда сотганда шуни эса тутиш керакки, кушилган қиймат солиги ва баланс фойда солигини солиш учун битим ҳамма ҳолатларда ҳам бозор нархидаги тушумдан (13200 сўм) келиб чиққан холда баҳоланади.

Башарти ТМЗлар жисмоний шахслар (шу жумладан, меҳнат жамоаси аъзолари) томонидан бозор нархидан паст нархда (1,2,3- ҳолатларда бўлганидек) сотиладиган бўлса, у холда бозор нархи билан сотилиш нархи ўртасидаги фарқ жисмоний шахснинг даромади деб ҳисобланади ва унга даромад солиги солинади.

Табиий офатлар оқибатида йукотилган ТМЗларни ҳисобдан чиқариш.

Агар ТМЗлар табиий офатлар натижасида йукотилган (бўзилган) бўлса, бундай холда улар молиявий резерв ҳисобидан (счёт дебети, 1010 счёт кредити), ундаги мавжуд маблағлар доирасида ҳисобдан чиқарилади, колган сумма эса сотишдан ташқари тафолатлар (зарарлар) га (9900 дебети, 1010 счёт кредити) киритилади.

Мол етказиб берувчилардан сотиб олинган ишлаб чиқариш захиралари бўйича ҳисоб-китоб ҳужжатларида кушилган қиймат солиги (ҚҚС) алоҳида курсатилади. ҚҚС Ўзбекистон Республикаси Солиқ амалиётида 1992 йил бошидан жорий этилган булиб, "Товарлар, ишлар ва хизматлар сотилиши жараёнида янгидан вужудга келган қийматдан келиб чиқиб, Солиқ тўловчи соф даромадининг бир қисм ини бюджет даромадига олиш шакли" дан биоратдир. Ушбу Солиқ у жорий этилгунига қадар амал қилган савдо солигига энг яқин бўлган эгри Солиқдир.

Сотиб олинган ТМЗлар бўйича кушилган қиймат солиги суммаси бухгалтерия счётларида қуйидагича акс эттирилади:

Материаллар ҳисобдан чиқарилганда, яъни ишлаб чиқаришга сарфланганда, четга сотилганда ва ҳолатларда қуйидагича бухгалтерия поводқалари расмийлаштирилади:

Ишлатилмай колган ва ишлатилмагн ТМЗларга тўғри келадиган ҚҚС нинг суммасини аниқлаш учун ТМЗлар бўйича Солиқнинг ўртача фоизи ҳисоблаб топилади ва ишлатилмай колган ҳамда сарфланган ТМЗлар захиралари суммасига қупайтирилади. Материаллар бўйича кушилган қиймат солигининг ўртача фоизи қуйидагича аниқланади:

Ой бошига колган	Ой давомида келиб	
ТМЗларга тўғри	+	тушган ТМЗ
келадиган		буйича
ҚҚС		ҚҚС
Ўргача фойз =	<hr/>	
Ой бошига ТМЗ		Ой колдиги келиб туш-
Колдиги қиймати	+	ган ТМЗ қиймати.

7.5. Материаллардан фойдаланишни назорат қилиш.

Ишлаб чиқаришда ТМЗларнинг сарфланиши устидан назорат олиб бориш-бу бир хил маҳсулот ишлаб чиқаришда сарфланган ТМЗларнинг ҳақиқий сонини уларнинг меъёрида курсатилган сони билан тақсимлашдир. Материалларнинг сарфланиши устидан турли усуллар ёрдамида назорат олиб борилади: хужжатлаштириш, инвентар, партия бўйича бичиш ва бошқалар.

Биринчи усул ёрдамида ТМЗнинг бир турини иккинчи тур билан алмаштирилганда вужудга келадиган фарқ ҳисобга олиниб, талабнома билан расмийлаштирилади. Ушбу хужжатда ТМЗнинг меъёр бўйича сарфлаш сони ва алмаштирилган ТМЗнинг сарфланиши хусусида маълумотлар курсатилиб, уларни иаккослаш натижасида фарқ аниқланади. Материаллар сарфланишини назорат қилишдаги хужжатлаштириш усулининг мохияти шундан иборатки, бунда ТМЗнинг сарфланиш меъёрига караганда ортикча харажат ёки иктисод қилин ишига йўл қуйиш ТМЗлар ишлаб чиқаришда сарфланишидан аввал аниқланади.

Назорат қилишнинг партия бичиш усулида сарфлаш натижаси ТМЗнинг хар бир партияси бўйича аниқланади. Буинг учун бичиш варакаси юритилади. Унда ишлаб чиқариш топширигини бажариш учун берилган ТМЗнинг хақиқатдан сарфланганлиги курсатилади. Хар бир бичиш варакаси бўйича ТМЗ сарфлаш натижаси аниқланади.

Инвентар усули бўйича ТМЗ сарфлаш натижаси ҳисобот оyi охирида чиқарилмай, балки колган ТМЗларни инвентаризация қилиш йўли билан аниқланади.

Тасдиқланган бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари хўжалик юритувчи субъектлардан ҳисоббот тузишдан олдин товар-моддий заҳираларни инвентаризация қилишни талаб қилади. Ушбу инвентаризация қуйидаги ҳолларда ва тартибда ўтказилади:

Тузилган йиллик ҳисоботда ТМЗ ҳақиқий ҳолатини аниқлаш мақсадида йилаг бир марта 1-октябрь ҳолатига;

Моддий жавобгар шахсларни алмаштираётганда, уларнинг устидан асосли шикоят тушганда ва табиий офат содир бўлганда;

Бухгалтерия ҳисобидаги маълумотлар билан омборхона ҳисобидаги (ҳисоботидаги) маълумотларда фарқлар вужудга келса.

Инвентаризация ўтказиш учун ҳар йили бошида субъект раҳбарининг имзоси билан доимий ҳаракатдаги инвентаризация комиссиясини тузиш ва унинг аъзолари тўғрисида буйруқ чиқарилади. Унга субъектнинг етакчи мутахассислари, бўлимлардан вакиллар жалб қилинади.

Ҳар бир айрим инвентаризация ўтказиш учун субъект раҳбарининг имзоси билан буйруқ чиқарилади. Унда комиссия аъзолари, инвентаризация объекти ва ўтказиш давр кўрсатилади. Инвентаризация ўтказишдаги ҳақиқий мавжудлигини аниқлашдир. Инвентаризация жараёнида қуйидагилар текширилади:

Товар-моддий захираларнинг саъланиш шароити;

Уларни сақлаш ва чиқариш тартибларининг тўғрилиги ва тортув ва ўлчов жихозларининг аҳволи;

Товар-моддий захираларнинг ҳаракатини ҳисобга олиш тартиби(омборхона ҳисобининг юритилиши);

Инвентаризация ўтказишнинг моҳияти, усули ва қамрови бўйича қуйидагича гуруҳланади:

Текшириш ҳажмининг қамрови бўйича:

ёппасига-объект ҳар томонлама ва тўлиқ текширилади;

Танлама-объектнинг асосий кўрсаткичлари танлаб олиб текширилади;

Ўтказиш вақтига қараб:

режали-субъект томонидан тузилган режега асосан(йилад бир марта) ўтказилади;

кўтилмаган ҳолда-жавобгар шахс кутмаган ҳолда – шикоят тушганда ва ҳоказо ўтказилади.

Инвентаризацияни ўтказиш усулидан умумий раҳбарлик субъектнинг раҳбари ёки унинг ўринбосарлари томонидан амалга оширилади. Буйруққа асосан тузилган инвентаризация комиссиясига ишончли мутахассислар жалб қилинади ва натижасини(далолатномани) раҳбар тасдиқлайди. Инвентаризация комиссияси ўтказиш даврида бухгалтернинг ҳисоб маълумотларига асосланган ҳолда ТМЗ инвентаризация рўйхатини омборлар бўйича(инв-3) тузади. Уни ўтказиш вақтида омбор мудирини томонидан ТМЗ қабул қилиш ва чиқариш таъқиқланади, у инвентаризация комиссиясига ҳамма хужжатларда маълумотлар омборхона ҳисобидаги тегишли карточкаларга ўтказилганлиги ва бухгалтерияга топширилганлиги тўғрисида тилхат беради.

Инвентаризациянинг натижаларини аниқлаш учун ТМЗ қолдиқларини ҳисобга олувчи дафтардан фойдаланиш мумкин, чунки унда

инвентаризациянинг натижаси бўйича тузилган рўйхатга асосан жисмоний кўринишдаги ТМЗ қолдиғини қайд қилувчи махсус устун мавжуд.

Инвентаризация натижасида аниқланган фарқлар-ортиқча ёки камомад, таққослаш қайдномасини тузиш натижасида, ҳақиқий таннархда ҳужжатлаштирилади.

Ортиқча ТМЗлар тегишли счётларда кирим қилинади, дебет 1000, 1100, 2900 ва давр харажатлари камайтиради, яъни муомалавий даромадлар сифатида тегишил 9390-«Бошқа молиявий даромадлар» счётининг кредитида кўрсатилади. ТМЗ камомади эса тегишли счётларнинг кредитидан 9433-«Қийматликларнинг камомади ва бузилиши натижасида йўқотишлар» счётининг дебетига олиб борилади. Кейинчалик инвентаризация комиссиясининг қарори раҳбар томонидан тасдиқланган кейин ёки жавобгар шахс зиммасига олиб борилади дебет счёт 4630, ёки давр харажатлари сифатида 9430 счётнинг дебет томонида қолади(агар ушбу суммани субъект ўз зиммасига олса).

Фирманинг бош директорининг 2005 йил ноябрь ойининг 26-кунида чиқарилган 285-буйруғига асосан 25-омборхона мудир У. Умаровнинг жавобгарлигида 1010 баланс счётида ҳисобга олинган хом-ашё ва ТМЗларнинг ноябр ойининг 1 кунига ҳолатини қайд қилувчи ҳақиқий қолдиғини аниқлаш мақсадида инвентаризация ўтказилди.

Инвентаризация октябрь ойининг 30-кунида бошланиб ноябр ойининг 2-кунида тугатилди.

Инвентаризация натижасида қуйидагилар аниқланади:

№	ТМЗ коди	ТМЗ номи(тури, нави, гуруҳи ва хоказо)	Улчов бир-лиги коди	Баҳоси, сўм	Ҳақиқий мавжудлиги		Ҳисоб маълумотлари	
					М.	С	М.	С
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1	101001	Ишлов берилган чўян	1	200000	50	10000000	50	10000000
2	101002	Қуйилган чўян	1	125000	64	8000000	64	8000000
3	103012	Пўлат вароғи, 6мм	2	700	8000	5600000	7800	5460000
4	103013	Пўлат вароғи, 2,5мм	2	550	14000	7700000	14000	7700000
5	103014	Пўлат вароғи, 5,0мм	2	600	40000	24000000	43000	25800000
		Жами:						
<p>Рўйхатнинг натижасига кўра ҳақиқий қолдиқ сўмни ташкил қилади.</p> <p>Комиссия раиси: бўлим бошлиғи _____</p> <p>Комиссия аъзолари: товаршунос _____</p> <p>Бухгалтер _____</p>								

Ушбу инвентаризация рўйхатида келтирилган номдаги 101001дан 103014гача бўлган моддий қийматликлар менинг иштирокимда текширилди ва қайд қилинди. Инвентаризация комиссиясига давоим йўқ.

Рўйхатда келтирилган ТМЗ омборхонада мавжуд ва мен жавобгарлигимга оламан.

Омборхона мудирини _____ Бозоров Б.

Ушбу рўйхатда келтирилган маълумотлардан текширдим ва ҳисоблаб чиқдим.

Моддий бўлим бухгалтерини _____ Умаров У.

Кейин эса 28-омборни инвентаризация қилиш якунига кўра далолатнома (айрим ҳолларда «Таққослаш далолатномаси») тузилади.

Сарфланган ТМЗнинг ҳақиқий сони цехларда ишлатилмай колган ТМЗларнинг ҳисобот оyi бошидаги колдигига сарфлаш учун олинган ТМЗнинг сонини кушиб, инвентаризация натижасида аниқланган ишлатилмай колган ТМЗлар сонини айриш йўли билан аниқланади. Сунгра сарфланган ТМЗнинг ҳақиқий сони меъёрдаги сон билан солиштирилади ва ўртадаги фарк аниқланади. Материалнинг меъёрдаги сарфи ишлаб чиқарилган маҳсулот сонини битта маҳсулотни ишлаб чиқариш учун белгиланган ТМЗ меъёрига куйайтириш йўли билан аниқланади.

Материал бойликларидан тўғри фойдаланиш мақсадида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект зарур бўлмаган ТМЗларнинг бор ёки йуқлигини текшириб куриши лозим.

Сунгра бу ҳақда юқори ташкилотларга (вазирлик ёки бошқармаларга) маълум қилин ади. Ўз навбатида юқори ташкилот зарур булмаган ТМЗларни карамогидаги мавжуд корхоналар ўртасида кайта таксимлайди. Юқори ташкилотлар томонидан кайта таксимланмаган ТМЗларни корхона бошқа ташкилотларга сотиши мумкин. Бундай операцияларга куйидагича бухгалтерия проводкалари тўзилади:

1.Сотиш:

Д-т – 5110- "Ҳисоб-китоб" счёти.

К-т – 9010- "Маҳсулотларни сотишдан тушум" счёти.

Инвентар ва хўжалик жиҳозлари.

Инвентар ва хўжалик жиҳозлари деб қийматидан катъий назар хизмат муддати 1 йилдан кам бўлган буюмларга айтилади.

Махсус асбоб ускуналар, мосламалар, махсус кийимлар қиймати ва хизмат қилиш муддатидан катъий назар арзон баҳоли инвентар ва хўжалик жиҳозлари киради. Инвентар ва хўжалик жиҳозларининг синтетик ҳисоби шу номдаги 1080-счётда юритилади.

Омбордан фойдаланишга берилган шундай буюмларнинг бошлангич қиймати куйидагича бухгалтерия проводкаси тўзилади:

Д-т- 2010,2310,2510 - Ишлаб чиқариш харажатлари счётлари.

К-т- 1080- Инвентар ва хўжалик жиҳозлари.

Таянч сўз ва иборалар

Хом ашё ва ТМЗлар.

Харид қилинадиган ярим тайёр маҳсулотлар ва конструкция ва деталлар.
Ёқилғи.

Идиш ва идиш ТМЗлар .

Эҳтиёт қисмлар.

Бошқа ТМЗлар.

Қайта ишлашга берилган ТМЗлар.

Хом ашё ва ТМЗлар.

Харид қилинадиган ярим тайёр маҳсулотлар ва конструкция ва деталлар.

Қайта ишлашга берилган ТМЗлар.

Қурилиш ТМЗлари.

ЛИФО.

ФИФО.

Ўртача тортилган усул (АВЕКО).

Қайта баҳолаш.

Транспорт тайёрлов харажатлари.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Материаллар ҳисобининг вазифаларига нималар киради?
2. Материаллар турларини санаб беринг?
3. Материаллар ҳисобини қайси БҲМС бўйича юритилади?
4. Ишлаб чиқариш захираларини қайси баҳоларда баҳоланади?
5. Баҳолаш усуллари ўртасидаги фарқларни айтинг:
6. Материаллар ҳисобига доир муомалаларни қайси ҳужжатларда расмийлаштирилади?
7. Материалларда омборда ҳисобга олишнинг хусусиятлари?
8. Материалларда бухгалтерияда ҳисобга олишнинг хусусиятлари?
9. Материаллар ҳаракати устидан қандай назорат қилиш мумкин?
10. Инвентар ва хўжалик жиҳозларини ҳисобга олишнинг хусусиятлари нима?

Фойдаланилган адабиётлар.

Асосий адабиётлар.

1. "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, "Халқ сўзи" газетаси, 12-сон 1996 йил.
2. "Махсулот (иш, хизмат) таннархига киритиладиган, махсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби, ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш таркиби тўғрисида" ги Низом. **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 феврал 54-сонли қарори.**
3. Ю.М. Иткин. А.С. Сотиволдиев. "Бухгалтерский учёт в условиях рыночной экономики Узбекистана" Ташкент-2000 год,
4. А. Иброхимов, А.Каримов "Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби". Тошкент "Ўзбекистон" 1999 йил.
5. М.Умарова, У. Эшбоев, К. Ахмаджонов "Бухгалтерия ҳисоби" Тошкент "Мехнат"- 1999 йил.
6. Қодирхонов С.Б. "Чет эл фирмалари бошқарув ҳисобини юритиш асослари" ТДИУ (ўқув-услубий қўлланма-1995 йил).
7. "Ўзбекистон Республикасининг Молиявий Қонунлари" 1999-2002 йил сонлари.
8. "Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари" (БХМС - 4) **"Товар моддий захиралар"** Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги. 1998 йил 27 август 14-сон.
9. "Солиқ тўловчининг журнали" 2000-2002 йил сонлари.
10. "Солиқ ва божхона хабарлари" газетасининг 1999-2002 йил сонлари.
11. §уломова Ф.§. Бухгалтерия ҳисобидан мустақил ўрганиш учун қўлланма, -Т. : 2000, "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёти
12. Бобожонов О, Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб,-Т.: 2003, «Мехнат».

Қўшимча адабиётлар:

1. "Управленческий учёт" (под ред. В. Палия), Москва ИНФРА-М, 1997 год.
2. "Бухгалтерский учёт для предпринимателей". Ф.Вуд. Москва ООО Аскери 1996 год.

8-БОБ. МЕҲНАТ ВА ИШ ҲАҚИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

8.1. Меҳнат ва иш ҳақини ҳисобга олиш вазифалари, хўжалик юритувчи субъектнинг шахсий таркиби ва туркумланиши

Хўжалик юритувчи субъект ходимларининг шахсий даромади, яъни меҳнатга ҳақ тўлаш маблағлари-маҳсулот таннархига киритиладиган тўловлар ҳамда хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолдириладиган фойда ҳисобидан бериладиган тўловлардан (дивиденд ва фойзалар) иборат.

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг туб негизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, қилинган меҳнатига яраша тақдирлаш ҳамда турмуш фаровонлигини ошириш масаласи ётади.

Ушбу масалаларни ҳал этиш борасида бугалтерия соҳасида ҳам ижобий ишлар амалга оширилмоқда, хусусан инсон меҳнат қилар экан унинг ҳисобини тўғри ташкил этиш ва юритиш, тўловларни ҳамда ажратмаларни ўз вақтида олиб боришни тақозо этади.

Фуқароларни меҳнат қилиши учун ҳар қандай шароитлар яратилиб уларнинг меҳнатга бўлган муносабатини, мулкий ҳиссиётини уйғотишга оид қатор тадбирлар қилинмоқда. Хусусан Президентимиз ўзининг бир қатор қарор ва қонунларида бу каби юқоридаги масалаларга ижобий ёндашмоқда. Маълумки, машҳур беш тамойилларидан бири»бўлмиш ижтимоий ҳимоя қилиш дастури бунинг яққол асосидир. Чунончи, Ўзбекистон Вазирлар маҳкамасининг 1997 йил 24 декабрдаги №562 сонли қарорига мувофиқ 1998 йилда ҳам меҳнат шароитлари ўта зарарли, ўта оғир бўлган ишчиларнинг даромадларидан чегирмалар даражаси 25% дан ошмаслиги ҳамда ноқулай иқлим шароитида ишлаётганлар даромадига энг кам солиқ ставкаси бўйича 15% миқдорида ундириш тартиби кўрсатиб ўтилган.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг иқтисодий жиҳатдан ўсишини таъминловчи энг муҳим омилларидан бири меҳнат унумдорлигини ўстиришдир.

Ҳозирги пайтда халқимиз олдида турган мамлакат иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий турмушини барқарорлаштириш тадбирлари, яқин вақт ичида истеъмол бозоридаги тақчилликни бартараф қилиш борасидаги вазифаларини бажариш учун, биринчи навбатда, меҳнат унумдорлигини ўстириш талаб этилади.

Тариф тизими ва меҳнатни мувофиқлаштириш, хўжалик юритувчи субъект жамоасига бериладиган мукофотлари уларнинг меҳнат ҳиссаларига қараб белгилаш борасида муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш шакллари, тартиби ва миқдори ҳамда даромадларининг бошқа турлари хўжалик юритувчи субъект томонидан мустақил равишда белгиланади. Бунда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилаётган ишларнинг мураккаблиги ва шароитга қараб табақалаш учун давлат тариф ставкалари бўйича иш ҳақи, маошларидан мўлжал учун фойдаланишлари мумкин.

Хўжалик юритувчи субъект ва ташкилотларга иш ҳақи фонди ва моддий рағбатлантириш фондининг миқдорини белгилайдиган номативлар юқоридан тасдиқланмайди. Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларининг меъёрлаштириладиган миқдори хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи томонидан фақат солиқ солинмайдиган фойдани ҳисоблаб чиқиш учун аниқланади.

Маҳсулот таннархига киритиладиган тўловлар таркибига ишбай иш ҳақи, тариф ставкаси, лавозимлик маошлари (окладлари), рағбатлантириш ва товон (компенсация) тўловлари, ишчи ва хизматчиларни уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятидаги аниқ кўрсаткичлари учун белгиланган мукофотлаш тартибларига қараб ҳисобланган иш ҳақи ҳамда амалдаги қонунларда кўзда тўтилган тўловлар киради.

Истеъмомга йўналтирадиган маблағларни тартибга солиш мақсадида солиқ белгаланган. Бунда истеъмом учун йўналтириладиган маблағлар деб, хўжалик юритувчи субъектдаги барча ходимларнинг меҳнат ҳақи харажатлари суммаси, пул тўловлари, шу жумладан, бир йилдаги йил якунлари бўйича мукофотлар, моддий ёрдам, меҳнат ва ижтимоий имтиёзларни белгилашга аталган суммалар ва яқка тартибдаги хусусиятларга эга бўлган бошқа тўловлар ҳамда ихтиролар, рационализаторлик таклифлар учун тўловлардан ташқари меҳнат жамоасининг аъзолари кўшган маблағлари бўйича тўланадиган даромадлар (дивидендлар, фоизлар)га айтилади.

Солиқ солиш объекти сифатида истеъмом учун йўналтирилган маблағларнинг солиқ солинмайдиган миқдоридан ортиқча суммаси қабул қилинган. Истеъмом учун йўналтирилган маблағларнинг солиқ солинмайдиган миқдори ҳисобот йилининг жорий давридаги хўжалик ҳисоби даромадини шу маблағларнинг ўтган "илнинг тегишли давридаги хўжалик ҳисоби даромадидаги салмоғига кўпайтириш йўли билан топилади. Шундай йўл билан топилган миқдор 0,98 коэффиценти билан тузатилиб, хўжалик ҳисоби даромадининг ўсишини истеъмом учун йўналтирилган маблағларнинг ўсишига қараганда тезлаштиришни таъминлайди.

Истеъмом учун йўналтириладиган маблағларни тартибга солиш учун қабул қилинадиган хўжалик юритувчи субъект хўжалик ҳисобидаги даромади сотилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархи таркибидаги меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари билан хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қоладиган фойда суммалари сифатида ҳисоблаб чиқилади. Бунда хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик ҳисобидаги даромади таққослаш мумкин бўлган нархлар ва шароитларда ҳисоблаб чиқилиши лозим бўлади.

Ҳозирги пайтда иш ҳақини ташкил қилишни қайта қуришнинг муҳим хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- 1) ходимларнинг жуда кенг бўлган доирасига тегишлилиги;
- 2) биринчи марта иш ҳақини ташкил қилишнинг барча қисмларини, яъни таъриф тартиби, ҳақ тўлаш шакллари ва мукофотлаш тартиби, меҳнатни мувофиқлаштириш, қўшимча ҳақ тўлаш механизми, меҳнатга ҳақ тўлаш фондларини ҳосил қилиш ва фойдаланиш каби элементлар комплексини ўз ичига олади;

3) меҳнат жамоасининг роли айниқса оширилади, меҳнатнинг умумий натижасига ҳар бир хизматчи ҳиссасини баҳолаш ҳамда унга ҳақ тўлаш ва мукофотлаш миқдорларини аниқлаш билан боғлиқ бўлган масалаларни ечишдаги кўпчилик тўсиқлар бартараф қилинади;

Меҳнат ва иш ҳақиға тегишли режа топшириқларини ҳисобға олиш ва назорат қилишда бухгалтерия ҳисоби муҳим рол ўйнайди. Чунки унинг ёрдамида хўжалик юритувчи субъектнинг барча бўлимларида меҳнат кўрсаткичларининг бажарилиши ва унинг ўзгариши ҳақида иқтисодий асосланган ахборотлар яратилади.

Меҳнатқашларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш ва хўжалик юритувчи субъект ишини яхшилашға бўлган моддий қизиқишларини янада ошириш мақсадида уларға тўланадиган иш ҳақида хўжалик юритувчи субъект ишининг умумий якунини яхшилаш учун тўланадиган қисмини оширишға кенг йўл очиб берилмоқда. Шунинг учун саноат хўжалик юритувчи субъектларидаги бухгалтерия ҳисобининг энг муҳим вазифаларидан бири меҳнат ўлчови ва унга ҳақ тўлаш устидан назорат қилиб туришдир.

Бухгалтерия ҳисоби ишлаб чиқарилаётган маҳсулотға харажатланган меҳнат миқдорини ва иш ҳақини тўғри аниқлаб бериш лозим.

Ҳар бир саноат хўжалик юритувчи субъект фаолияти тўғри ва нормал олиб борилиши учун унда маълум касб ва малакаға эға бўлган кадрлар ишлаши керак. Хўжалик юритувчи субъектда маълум давр ичида ишлаётган барча ходимлар хўжалик юритувчи субъектнинг шахсий таркиби деб юритилади. У иккиға бўлинади:

- *рўйхатдаги шахсий таркиб;*
- *рўйхатдан ташқари шахсий таркиб.*

Хўжалик юритувчи субъект шахсий таркибининг асосий қисмини рўйхатдаги шахсий таркиб ташкил қилиб, унга доимий ва вақтинчалик ишға беш йилдан кам бўлмаган даврга қабул қилинган ва меҳнат дафтарчалари очиладиган ходимлар ҳамда хўжалик юритувчи субъект асосий фаолияти бўйича бир йилдан кам бўлмаган муддатға вақтинчалик ишға қабул қилинган ва меҳнат дафтарчалари очшмайдиган ходимлар киради.

Рўйхатдан ташқари шахсий таркиб ходимлари хўжалик юритувчи субъектға, одатда, унинг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган вақтинчалик, мавсумли ишларни ва топшириқларни бажариш учун таклиф қилинган бўлиб, улар ушбу хўжалик юритувчи субъект штатига кирмайди ва уларға кадрлар бўлимида меҳнат дафтарчаси юритилмайди. Баъзи пайтларда рўйхатдан ташқари шахсий таркибға тегишли иш ҳақи фондлари ҳисобидан рўйхатдаги шахсий таркибға қарашли ишчи ва хизматчилар томонидан бажарилган ишларға ҳақ тўлаш мумкин. Лекин бундай ишлар уларнинг ўз иш вазифалари билан боғлиқ бўлмаслиги керак.

Саноат ишлаб чиқаришида ишлайдиган ходимларға саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришда бевосита ёки билвосита қатнашувчи ходимлар киради. Бу ходимлар қуйидаги гуруҳлардан иборат:

- *асосий ишлаб чиқаришида банд бўлган ходимлар;*

- хизмат қилувчи ва ёрдамчи ишлаб чиқаришида банд бўлган ходимлар ҳамда асосий ишлаб чиқариш цехларидаги асбоб-ускуналарни созлаш ва тузатиш ишларини бажарувчи ишчилар;

- кўмакчи цехларда ишлайдиган ишчилар;

- хўжалик юритувчи субъектга қарашли тажрибаҳоналар, илмий текшириш муасасаларида ишлайдиган ходимлар;

- завод бошқармасининг ходимлари ҳамда хўжалик юритувчи субъект ишлаб чиқариш фаолиятига хизмат қиладиган конструкторлик бюроси ва шу кабиларнинг ходимлари;

- хўжалик юритувчи субъектдаги барча қоровулчилик ходимлари:

Саноатга тааллуқсиз ходимларга уй-жой ва коммунал хўжалик ходимлари, кўмакчи кишлоқ хўжалик хўжалик юритувчи субъектлари, болалар богчаси, ўқув юртлари ва курслари, тиббий ва маданий-маиший муассасаларнинг ходимлари ҳамда иморат ва иншоатни капитал тузатиш ишлари билан банд бўлган ходимлар киради.

Саноат ишлаб чиқаришида банд бўлган ходимлар хўжаликда қандай вазифаларни бажараётганликларига қараб олти гуруҳга бўлинади:

а) ишчилар; б) муҳандис-техник ходимлар; в) хизматчилар; г) кичик хизматчи ходимлар; д) ўқувчилар; е) қоровул ва ўт ўчирувчи ходимлар.

1. Ишчиларга маҳсулот ишлаб чиқаришда бевосита қатнашувчи ва ишлаб чиқаришни нормал олиб боришни ташкил қилувчи шахслар киради. Ишчилар маҳсулот ишлаб чиқаришда қатнашишларига қараб асосий ишлаб чиқарувчи ва ёрдамчи ишлаб чиқарувчи ишчиларга бўлинади.

Асосий ишлаб чиқарувчи ишчилар деб ушбу хўжалик юритувчи субъектда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни яратишда бевосита қатнашувчи ишчиларга айтилади.

Ёрдамчи ишлаб чиқарувчи ишчиларга иш жойлари учун ишлаб чиқариш хизматларини бажарувчи ишчилар, яъни меҳнат воситалари ва ишлаб чиқариш биноларини жорий тартибда тузатиб, тозалаб туриш, маҳсулотни ортиш, тушириш билан банд бўлган ишчилар киради.

2. Муҳандис-техник ходимларга хўжалик юритувчи субъект фаолияти устидан техникавий ишлаб чиқариш ва иқтисодий жиҳатдан раҳбарлик қилувчи ходимлар киради.

3. Хизматчиларга хўжалик юритувчи субъектлардаги идора ишларини ва айрим маъмурий-хўжалик ишларини бажарувчи ходимлар киради.

4. Кичик хизматчи ходимларга ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган биноларни, ҳовлиларни тозаловчи шахслар, хат ташувчилар киради.

5. Ўқувчилар хўжалик юритувчи субъект ишлаб чиқариш жараёнини яқка-яқка ёки бригада усули билан ўрганаётган шахслар дир.

6. Қоровул ва ўт ўчирувчи ходимларга харбийлаштирилган, қуролланган, вахтёрлик ва ўт ўчиришда хизмат қиладиган ишчилар киради.

Саноат ишлаб чиқаришида ишлайдиган ходимлар касблари, малакалари ва иш стажлари бўйича ҳам гуруҳланади.

Касблари бўйича ходимлар токарлар, фрезерчвлар, слесарлар, монтёрлар, муҳандислар, технологлар, бухгалтерлар ва хоказоларга- бўлинади.

Малака деб ишлаб чиқаришнинг айрим участкаларидаги ҳар хил ишларни бажариш борасидаги бўлимлар ва қобилиятлар йиғиндисига айтилади. Ишчиларнинг малакаси уларга берилган разрядларга қараб белгиланади. Уларнинг малакаси ошган сари разрядлари ҳам ошиб боради. Бошқа ходимларнинг малакаси уларнинг иш стажларига, маълумотларига қараб белгиланади. Ишчи ва хизматчиларга тўланадиган иш ҳақи, улар томонидан харажатланган меҳнатларининг миқдори ва сифатига қараб, моддий ва маиший эҳтиёжларни қондириш учун пул шаклида тўланадиган ижтимоий маҳсулотларнинг бир қисмидир.

8.2. Иш ҳақи фонди, меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва турлари

Иш ҳақи икки турга бўлинади: асосий иш ҳақи ва қўшимча иш ҳақи.

Иш ҳақи саноат хўжалик юритувчи субъектсидаги ходимлар даромадларининг энг муҳим манбаидир. Лекин иш ҳақидан ташқари жамият аъзоларининг даромадлари жамият истеъмол фондлари, давлатнинг суғуртаси, нафақа таъминоти, маориф ва соғлиқни сақлаш, болалар муассасаларини сақлаш, санаторийлар, курортларга ва шу кабиларга қилинадиган харажатлари билан ҳам белгиланади.

Асосий иш ҳақи деб ишчи ва хизматчиларга ишланган иш вақти ёки бажарилган ишларига ва меҳнаткашларнинг айбисиз иш тўхтаб қолган вақтга тўланадиган иш ҳақига айтилади. Асосий иш ҳақига тариф бўйича ҳақ тўлаш, ишбай ишларнинг нархи бўйича ҳақ тўлаш, лавозимлар, ойлик маоши ва уларнинг устига мукофот тарзида тўланадиган қўшимча ҳақ иш вақтидан ташқари ишлар учун тўланадиган қўшимча ҳақ, бригадирларга тўланадиган қўшимча ҳақ, ишнинг нормал шароитидан четга чиқиш пайтларидла бажарилган ишлар учун қўшимча ҳақ тўлаш киради.

Қўшимча иш ҳақи деб ишчи ва хизматчиларга ишламаган вақт учун бериладиган тўловларга айтилади. қўшимча иш ҳақи меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда кўзда тутилган бўлиб, уларга таътил вақтида тўланадиган ҳақ, давлат ва жамоа топширикларини бажариш вақтига тўланадиган ҳақ, оналарнинг болаларни эмизиш даври учун тўланадиган ҳақ ва бошқалар киради.

Асосий иш ҳақи қўшимча иш ҳақи билан биргаликда иш ҳақи фондини ташкил этади. Унга раҳбар, муҳандис техник ходимларга ва хизматчиларга моддий рағбатлантириш фондидан тўланадиган мукофотлар, ихтиро ташаббускорлик ва такомиллаштириш учун тўланадиган мукофотлар, подёмнийлар (йўл пули), суткалик пуллар, талабаларга бериладиган стипендиялар кирмайди.

Меҳнатга тўланадиган ҳақни тўғри белгилаш мақсадида тариф тизими қўлланилади.

Тариф тизими уч қисмдан иборат: тариф ставкаси, тариф сеткаси, тариф-малака билдиргичи.

Тариф ставкаси деб вақт бирлиги (соат, кун, ой) учун тўланадиган иш ҳақига айтилади. Ишчиларнинг тариф ставкаси уларнинг малакаси, меҳнат шароити, ҳақ тўлаш шакли ҳамда саноат тармоклари бўйича марказлаштирилган равишда дифференциация қилинган бўлади.

Ишчиларнинг тариф ставкаси 1- разрядли ишчилар учун кун ёки соат билан, қолган разрядли ишчилар учун эса тегишли коэффициент билан белгиланади. Бошқа юқори разряддаги ишчиларнинг иш ҳақини аниқлаш учун

уларга белгиланган коэффициентни 1- разряд ишчисининг тариф ставкасига кўпайтириш керак.

Бир хўжалик юритувчи субъектнинг ичида ишнинг оғир-енгиллигига қараб 1- разрядли ишчи учун ҳар хил иш ҳақи белгиланган бўлиши мумкин.

Тариф сеткаси меҳнатга ҳақ тўлашда малакани ҳисобга олиш, яъни ҳар хил малакали ишчиларнинг иш ҳақида бўлган тафовутни белгилашда қўлланилади. Тариф сеткасида разрядлар рўйхати ва ҳар бир разрядга тегишли коэффициент келтирилган бўлади. Тариф коэффициента маълум разряднинг ставкаси 1- разряднинг ставкасидан ортиқлигини кўрсатади. 1- разрядга 1 га тенг бўлган коэффициент белгиланади, қолган разрядларники эса меҳнатнинг малакасига қарпаб ошиб боради. Саноат хўжалик юритувчи субъектларида ҳозир асосан 6 разрядли тариф сеткаси қўлланилади.

Тариф-малака билдиргичи деб саноатнинг маълум тармоғида бажариладиган ишлар тури ва шу ишларни бажаришда ишчиларнинг олдига қўйиладиган талаблар рўйхатига айтилади. У барча тариф тузимининг асоси бўлиб саноат тармоклари бўйича тузилади.

Иш ҳақининг икки ҳил шакли мавжуд-ишбай ва вақтбай шакллари.

Ишбай шаклида ишчиларнинг иш ҳақи ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдори ва сифатига қараб белгиланади. Иш ҳақининг бу шакли саноатда асосий ҳисобланиб, у меҳнат унумдорлигини ошириш имконини беради, чунки у ҳар бир ишчининг шахсий ва ижтимоий манфаатини ҳисобга олишни таъмин қилади.

Иш ҳақининг бу шаклида бажарилган иш ишбай усулида тўланади. Ишбай ишларнинг нархини топиш учун ишбай ишловчи ишчиларнинг бир соатлик тариф ставкасини бир соатдаги ишлаб чиқариш меъёрига бўлиши керак.

Вақт бирлигида ишлаб чиқарилиши лозим бўлган маҳсулот миқдorigа маҳсулот ишлаб чиқариш меъёри дейилади.

Ишбай иш ҳақи асосан қуйидагилардан иборат: тўғри ишбай илгор ишбай, аккорд ва ишбай мукофот тизимидан иборат.

Тўғри ишбай тизимида иш ҳақи ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдorigа қараб ягона ишбай иш ҳақи нархларида тўпланади ва ишлаб чиқариш меъёрларининг бажарилиш даражаси ҳисобга олинмайди. Бунда ишчига бажарган ишларига бериладиган иш ҳақини ҳисоблаш учун унинг ишлаб чиқарилган маҳсулоти миқдори маҳсулот бирлигига белгиланган ишбай иш ҳақи нархига кўпайтирилади.

Илгор ишбай тизимида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг белгиланган меъёрдан ортиқ қисмига юқри нархлар тўланади. Масалан, илгор ишбай тизимида ишлаётган ишчи меъёр бўйича бир ойда 1000 дона маҳсулот ишлаб чиқариши керак эди. ҳақиқатда, у 1200 дона маҳсулот ишлаб чиқарган ёки меъёрни 20% ортиғи билан бажарган.

Меъёрдан 10% ортиқ бажарилган маҳсулот учун, масалан, асосий ишбай иш ҳақи нархидан 20% ортиқ тўлаш,—20% ортиқ бажарилганлиги учун 30% ошиқча тўлаш мўлжалланган.

Илғор ишбай тизими саноат хўжалик юритувчи субъектларининг асосан оғир ва маъсулиятли участкаларидагина қўлланилади.

Аккорд тизимида ишбай иш ҳақи ишлаб чиқаришнинг охириги натижасигина қараб ҳисобланади. Бунда ишбай ишнинг нархи ҳар бир алоҳида операцияга белгиланмай, балки ҳамма иш ҳажмига кўра белгиланади.

Аккорд тизимида ишлаётган жамоа аъзоларига бериладиган иш ҳақининг умумий суммаси охириги операциядан кейин техника назорати бўлимига "топширилган маҳсулот миқдориغا қараб белгиланади. Бунинг учун бригаданинг ҳар бир аъзоси томонидан бажариладиган операцияларнинг ишбай иш нархларининг йиғиндисидан ташкил топган маҳсулот бирлигига тегишли ишбай ишнинг нархи аниқланиб, ушбу ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг умумий миқдориغا кўпайтирилади. Бу тизимининг хусусиятларидан бири шундан иборатки, бригаданинг ҳар бир аъзоси ўзининг бажарган ишларини ёзиб юради ва бажарган операцияси учун ишбай ишларнинг нархи унга олдиндан маълум бўлади. Шунинг учун бригада аъзолари ўзларига тегадиган иш ҳақини билиб юрадилар.

Ҳозирги пайтда бизнинг саноатимизда энг кенг тарқалган иш ҳақи тизими ишбай мукофот тизимидир. Бу тизимида иш ҳақининг ишбай тизими маълум ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг яхшиланганлиги учун ишчиларни мукофотлаш билан бирга кўшиб олиб борилади. Бундай мукофотлар масалан, техникавий асосланган ишлаб чиқариш меъёрларининг ортиги билан бажарилганлиги, маҳсулот сифатининг яхшиланганлиги ва шу кабилар учун берилади.

Вақтбай иш ҳақи шаклининг моҳияти шундан иборатки, унда иш ҳақи ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдори ва сифатидан қатъи назар, ходимларнинг малакасига, ишлаган вақтига қараб ҳақ тўланади. Иш ҳақининг вақтбай шакли режалаштириш ва ҳисобга олиш жуда қийин бўлган ёки иш вақтининг харажатланиши ишлаб чиқариш техникаси томонидан юқори даражада регламентга солинадиган ишлар ва участкаларда ҳамда ишчиларни ишбай шаклига ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлмаган жойларда қўлланилади. Бундай ишчиларга, масалан, техника назорати бўлимининг ишчилари, маҳсулот сараловчилар, баъзи бир созлаш, тузатиш ишларини бажарадиган ва шу кабилар киради.

Вақтбай иш ҳақи икки хил бўлади: оддий вақтбай иш ҳақи ва вақтбай мукофот иш ҳақи.

Оддий вақтбай иш ҳақи турида иш ҳақининг миқдори ишланган вақт, соатли тариф бўйича ишҳақи ёки белгиланган лавзимли маошга боғлиқ бўлади. Бундай иш ҳақининг суммаси ишланган соатларнинг сонини бир соатли тариф бўйича иш ҳақиға ёки ишланган кунларнинг сонини маълум лавозим учун белгиланган маошнинг бир кунлик суммасига кўпайтириш йўли билан топилади.

Иш ҳақининг вақтбай-мукофот шаклида ишланган вақт учун тўланган иш ҳақидан ташқари яна вақтбай иш ҳақиға нисбатан мутлоқ суммада ёки фоиз

билан белгиланган мукофот ҳам тўланади. Бундай мукофотлар ишлаб чиқаришнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари учун тўланади. Ишчиларга тўланадиган мукофотнинг бу тури иш ҳақи фондининг бир қисмини ташкил этади. Чунки улар мукофотлашнинг доимий амалдаги қондасига кўра тўланиб, хўжалик юритувчи субъект моддий рағбатлантириш фондининг маҳсулот таннархига киритиладиган қисми ҳисобидан ташкил топади.

Муҳандис-техник ходимлар, хизматчилар ва кичик хизматчи ходимларга бир ойлик лавозимли маош белгиланади. Бундай маошни белгилашда мазкур лавозимдаги ишнинг мураккаблиги, ҳажми, унинг учун жавобгарлик ва бошқа шарт-шароитлар ҳисобга олинади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларини ҳисобга олиш бўйича амалдаги „Харажатлар таркиби тўғрисида“ги Низомнинг 1.2 ва 2.1 моддаларида ушбу харажат турларини қайси бирини таннархга олиб бориш ёки давр харажати сифатида қайси харажатлар олиб бориш тартиби кўрсатиб берилган.

1.2.Ишлаб чиқаришга алоқадор меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари. Ишлаб чиқаришга алоқадор меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари таркибига кундаги моддалар киритилади.

1.2.1. Амалдаги бажарилган иш учун ёзилган ишлаб чиқаришга алоқадор иш ҳақи, бу хўжалик юритувчи субъектда қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлашнинг шакллари ва тизимларига мувофиқ ишбай нархларидан тариф ставкалари ва лавозим маошларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

1.2.2. Ишлар вахта усулига ташкил этилганда, иш вақти жамлама усулида ҳисобга олиб борилганда ва қонунларда назарда тўтилган бошқа ҳолларда белгиланган иш вақтидан ортиқ ишлаганлиги муносабати билан ишчи, хизматчиларга бериладиган дам олиш кунлари учун тўланадиган ҳақ.

1.2.3. Меҳнат ҳақини ўрнига маҳсулот бериш.

1.2.4. Тушум низомлари бўйича рағбатлантирувчи тўловлар, жумладан ишлаб чиқаришдаги натижалар учун мукофотлар, касб маҳорати учун тариф ставкалари ва маошларига устамалар, амалдаги қонунларга биноан ишлаб чиқаришдаги ходимларга белгили муддат хизмат қилганм учун бир маротаба бериладиган мукофотлар.

1.2.5. Иш режими ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ бўлган қоплов тарзидаги тўловлар, хусусан кунда ишлаганлик, иш вақтидан ташқари ишлаганлик, дам олиш ва байрам кунлари ишламаганлик, кўп сменали тартибда ишлаганлик, бир йўла оғир, зарарли меҳнат шароитида ишлаганлик учун устамалар, ҳолда тариф ва маошларга қўшимча ҳақлар.

1.2.6. Амалдаги қонунларга мувофиқ навбатдаги ва қўшимча меҳнат таътилларига, ўсмирларнинг имтиёзли соатларига, оналарнинг боласини боқиш учун ишида бўладиган танаффусларига, тиббий кўриклардан ўтиш, давлат олдидаги бурчларини адо этиш билан боғлиқ бўлган вақтга тўланадиган ҳақлар.

1.2.7. Ишчи ва хизматчиларга қисман иш ҳақи тўланадиган зарурий меҳнат таътиллари ва бошқалар.

8.3. Иш ҳақи ҳамда ундан ушлаб қолинадиган ва чегириладиган суммаларни ҳисоблаш ва уларни ҳисобга олиш тартиби

Амалдаги қонунларга биноан мулкчиликнинг ҳар қандай шаклдаги хўжалик юритувчи субъект ходимлари иш ҳақидан қуйидаги пул ушланмалари ва чегирмалари амалга оширилади:

- даромад солиғи;
- пенсия фондига ;
- ойнинг биринчи ярмида берилган аванс;
- ходим хўжалик юритувчи субъектга етказган моддий зарар қиймати;
- фойдаланилган таътилнинг ишланмаган кунлари учун тўланган пуллар;
- баъзи турдаги жарималарни ундириш;
- ижроия ҳужжатлар бўйича;
- кредитга сотилган товарлар учун;
- ишлаб чиқарилган яроксиз маҳсулот учун;
- касаба уюшмасига бадал;

Даромад солиғи Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ қўмитаси томонидан 1998 йил 23 февралда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 11 июн 1998 йилда рўйхатдан ўтказилган. “Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида”ги йуриқнома асосида ушлаб қолинади.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Давлат Солиқ қўмитаси 2002 йилда Солиқ олиш тартибига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва 2003 йилги Давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида” 455-сонли қарори ва бошқа қонун ҳужжатлари билан киритилган асосий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда 2003 йил январидан бошлаб иш ҳақи, мукофотлар ва жисмоний шахсларнинг бошқа даромадлари суммасидан қуйидаги миқдорда солиқ олинади.

Жами даромад миқдори	Солиқ ставкалари*
Энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдоригача	Даромад суммасининг 13 фоизи
Энг кам иш ҳақининг беш баробари (+1 сўм) ўн бароюари миқдоригача	Энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан олинадиган солиқ + беш бараваридан ошадиган сумманинг 20%
Энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдордан (+1 сўм) ва ундан юқори миқдоридан	Энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдордан олинадиган солиқ + ўн бараваридан ошадиган сумманинг 29 %

*Изоҳ: Даромад солиғи ставкалари солиқ қонунчиликка асосан ўзгариб туради.

2005 йил январь ойи учун жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғи ҳисоб-китоби.

Солиқ солинадиган даромад миқдори	Солиқ суммаси
(5x9400)=47000 сўмгача	Даромад миқдорининг 13 фоизи
47001 сўмдан (10x9400)=94000 сўмгача	47000 сўмдан ортиқ миқдорининг 20 фоизи
94001 сўм ва ундан ортиқ	94000 сўмдан ортиқ миқдорининг 29 фоизи

Солиқ Кодекси 59-моддасига кўра жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни тўлашдан қуйидаги жисмоний шахслар озод қилинадилар:

1. Тўлалигича:

*Божхона хизмати ходимлари

*Мудофа, ички ишлар ва фавқулодда вазиятлар вазир-ликларнинг, Миллий хавфсизлик хизматининг харбий хизматчилари, ички ишлар органлари ходимлари

*Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналарининг бошликлари, аъзолари, консуллик муассасаларининг ходимлари

2. Қисман, ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг турт баравари миқдорда:

*Ўзбекистон Қаҳрамони, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган шахслар, уччала даражадаги Шухрат ордени билан мукофотланганлар.

*Болалиқдан ногирон бўлганлар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлари.

*Қаҳрамон оналар

*Афғонистонда хизмат қилганлар, Чернобль АЭС даги фалокат оқибатида жабрланганлар.

*2 ва ундан ортиқ 16 ёшга тўлмаган болали ёлғиз оналар.

Иш ҳақидаги ушлаб қолинадиган суммалар фақат қонун билан рухсат этилган ҳолларда амалга оширилади. Уларга иш ҳақи ҳисобидан берилган бўлак, даромад солиғи, ижро варақалари бўйича ушланадиган суммалар, ортиқча бериб қўйилган иш ҳақи, шахсий уй-жой қурилиши учун олинган ссудалар бўйича қарзлар, дала боғ қурилиши бўйича ссудалар қарзлари, ёш оилалар олган ссудалар бўйича қарзлар, кредитга олинган товарларнинг тўланмаган қисми, ихтиёрий суғурта суммалари, хўжалик юритувчи субъектга етказилган зарарлар учун ушланадиган суммалар, иш ҳақининг бир қисмини ишчи ва хизматчиларнинг аризасига кўра омонат кассага ўтказиш, касоба уюшмаси аъзоларининг навбатдаги ой учун аъзолик тўловлари ва шу кабилар қиради. Иш ҳақидан ушлаб қолинадиган солиқлар миқдори Молия вазирлиги томонидан белгиланиб, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Даромад солиғи, ўтган ой учун кейинги ойнинг биринчи ярмидаги иш ҳақидан, масалан, март ойи учун апрель ойининг биринчи ярмидаги иш ҳақидан ушланади.

Ишчи ва хизматчилардан ушлаб қўрилган солиқлар давлат бюджетига ўтказилади, шунинг учун бу солиқларни, ушлаб қолишига қўйидагича бухгалтерия проводкаси берилади.

Дебет „Меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан ходимлар билан ҳисоб-китоблар“ счёти.

Кредит „Бюджет билан ҳисоб-китоблар“ счёти.

Бу солиқ суммаси бюджетга ўтказилганда қўйидагича бухгалтерия проводкаси берилади:

Дебет: „Бюджет билан ҳисоб-китоблар“ счёти.

Кредит „Ҳисоб-китоблар счёти“ счёти.

Ижро варақалари бўйича ушланадиган сумманинг миқдори халқ суди томонидан белгиланади ва ана шу ижро варақаларига асосланиб ушланади. "ундан ташқари, алиментлар уни тўловчи шахснинг аризаси асосида ҳам ушланиши мумкин. Алимент ишчи ва хизматчининг бир ойлик барча даромадларидан ҳисобланади ва ушланади.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзида ишлаётган ишчи ва хизматчилардан кредитга олган товарлар учун иш ҳақидан ушлаб қолинган суммаларни савдо ташкилотларининг махсус ссуда счётига ўтказиб туриши

керак. Бундай пулларни ўтказиш кредитга товар олган шахснинг ариза-мажбурияти асосида амалга оширилади. Бундай товарлар учун ҳисоб-китобнинг икки усули мавжуд.

1. Давлат банки ссудаси ҳисобидан кредит бўйича;
2. Савдо ташкилоти томонидан берилган кредит бўйича.

Биринчи усулда хўжалик юритувчи субъектлар аввал ўзларида ишлайдиган хизматчиларнинг топшириқ мажбуриятларига кўра кредитга сотиб олинган товарлар учун уларнинг иш ҳақларидан навбатдаги тўловларни ушлаб қрилиб, савдо ташкилотларига ўтказилади. Шундан кейин ишчи ва хизматчиларга кредитга сотилган товарлар учун хўжалик юритувчи субъектлар Давлат банкидан олинган ссудалар ҳисобидан савдо ташкилотларига тўла суммани ўтказиб, сўнгра банкка бўлган қарзни ҳар ойда ишчилар иш ҳақидан ушлаб қолиш йўли билан қопланади.

1. Биринчи усул бўйича:

1. Давлат банки ссудаси ҳисобидан хўжалик юритувчи субъектда ишлайдиган ходимларнинг савдо ташкилотлари томонидан уларга берилган кредит бўйича қарзи узилди (тўла суммада)—2000 сўм.

Дебет „Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар“ счёти (Кредитга сотилган товарлар субсчёти).

Кредит „Ишловчилар учун банк ссудалари“ счёти.

2. Ишчи ва хизматчилардан навбатдаги тўлов суммаси учун ушлаб қолинди 1000 сўм.

Дебет: „Меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан ходимлар билан ҳисоб-китоблар“ счёти.

Кредит „Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар счёти.

3. Ходимлардан ушлаб қрилган сумма Давлат банкига бўлган қарзни қоплаш учун ўтказилди 1000 сўм.

Дебет „Ишловчилар учун банк ссудалари“ счёти. Кредит „ҳисоб-китоблар счёти“.

2. Иккинчи усул бўйича.

1. Ишчи ва хизматчилардан навбатдаги ушлаб қолинган тўлов суммаси ҳисобига савдо ташкилотлари томонидан берилган қарз қисман узилди (ўтказилди) 2000 сўм.

Дебет „Меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан ходимлар билан ҳисоб-китоблар“ счёти.

Кредит „Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар асосида амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектга келтирилган зарарларни айбдор шахслардан суд ташкилотларининг қарорлари билан ҳамда яроқсиз маҳсулотлар учун ушлаб қолинганда қуйидаги бухгалтерия проводкаси берилади:

Дебет „Меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан ходимлар билан ҳисоб-китоблар“ счёти.

Кредит „Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар счёти“.

Ишчиларнинг иш ҳақи омонат кассаларига ўтказилганда „натга ҳақ ар счёти“ счёти кредитланиб, „Меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан ходимлар билан ҳисоб-китоблар“ счёти дебетланади.

Хўжаликларда иш ҳақи ишлаб чиқариш харажатларининг асосий элементларидан бири ҳисобланади ва шунинг учун хўжалик юритувчи

субъектнинг қандай участкаларида меҳнат харажатланганлигига қараб иш ҳақи ҳам ўша ердаги харажатларга қўшилиши керак.

8.4.Ишчи ва хизматчилар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китобларнинг ҳисоби

Ишчи ва хизматчилар билан иш ҳақи ва турли тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни расмийлаштириш учун-ҳисоб-китоб қайдномасидан фойдаланилади.

Бу кайднома ҳар бир цех ва булимлар учун тузилиб қуйидаги кўрсаткичларни акс эттиради. Ишчи ва хизматчилар ишлаб чиқарган маҳсулотининг, сони, сифати, бажарган ишнинг ҳажми ёки ишлаган вақтига қараб ҳисобланган иш ҳақи, ушлаб қолинаниган солиқлар ва бошқа ушлаб қолишлар ҳамда берилиши лозим бўлган иш ҳақи миқдори кўрсатилади. Ходимни кулига бериланиган иш ҳақи суммаси *иш ҳақини тўлаш кайдномасига* кучирилади. Ушбу кайдноманинг титул варагида хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг рухсат берувчи имзоси бериланди ўз вақтида (3 кун ичида) ишчилар томонидан олинмаган иш ҳақи кейинги ойга қолдирилади ва депонентлаштирилади.

Кассир иш ҳақини олмаган ходимларнинг фамилияси тугрисида “депонентлаштирилди” деган штамп куяди ёки ёзма равишда ёзади.

Шундан сунг тўлов қайдномасидан титул варагида кассир нақд пул билан тўланган иш ҳақи суммасини ва депонентлаштирилган иш ҳақининг умумий суммасини ёзади ҳамда ўз имзосини қуйиб бухгалтерияга топширади. Тўланган иш ҳақини суммасига касса чиким ордери расмийлаштирилади ва бу ордер кассадан пулларни ҳисобдан чиқариш учун асос бўлиб қолади.

Иш ҳақи депонентлаштирилган ҳар бир ходимга депонент вараги тузилади. Кейинчалик депонент вараги орқали иш ҳақи олинади.

Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан ҳисоблашишларнинг синтетик ҳисоби ”Ходимлар билан меҳнат ҳақи юзасидан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи” 6700 счётларда ҳисобга олиб борилади.

Бу счётнинг кредит томонида ишчи ходимларга ҳисобланган иш ҳақи, нафақалар ва бошқа тўловлар дебет томонида эса иш ҳақидан ушлаб қолинаниган суммалар ва берилган иш ҳақи суммаларни акс эттирилади.

ҳисобланган иш ҳақи тегишли харажатлар счётлари ўртасида “иш ҳақини таксимлаш қайдномаси”га мувофиқ таксимланади. Бу қайднома бухгалтерияда меҳнат ва иш ҳақи бўйича расмийлаштирилган бошлангич ҳужжатларга асосланиб тузилади. Ишчи ходимларга ҳисобланган иш ҳақи бухгалтерия ҳисоби счётларда қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузиш билан ҳисобга олинади.

Д-т: 2010;2310;2320;2510;9421;9450;

К-т: 6710;

Иш ҳақидан ушлаб қолинадиган даромад солиғига:

Д-т: 6710

К-т: 6410 "Бюджетга тўловлар юзасидан қарзлар"

Депонентлаштирилган иш ҳақиға:

Д-т: 6710

К-т: 6720

Ишлатилмаган ҳисобдор суммаларни ушлаб қолиш:

Д-т : 6710

К-т: 4420-4490

Кредитга сотилган товарлар учун ушлаб қолинганда:

Д-т: 6710

К-т: 4610

Берилган қарз(заём) ушлаб қолинган:

Д-т: 6710

К-т: 6990, 7690

Моддий зарар ва камомад ушлаб қолинганда:

Д-т: 6710

К-т: 4630 проводкалари берилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг устав капиталига бадал сифатида таъсисчиларнинг меҳнат ҳақидан ушлаб қолиниши счётларда қуйидагича акс эттирилади:

Д-т: 6710

К-т: 4710

Хўжалик юритувчи субъект ходимлари ҳисобидан ижтимоий суғурта ажратмаларининг амалга оширилиши (пенсия фонди ва касаба уюшмасига) счётларда қуйидагича акс эттиради.

Д-т: 6710

К-т: 6520

Кассадан тўланган иш ҳақи, пенсия, нафақа, мукофот ва бошқа тўловларни берилганда:

Д-т: 6710

К-т: 5010

Ишчи ходимлар билан ҳисоб китобнинг аналитик ҳисоби иш ҳақини ҳисоблаш тўлов қайдномасида юритилади.

Бухгалтерия ҳисобида ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи ҳисоблаш ва бу- "иш ҳақини харажат сифатида тегишли харажат счётларига таксимлаш қуйидаги битта мураккаб проводкада кўрсатилади:

Дебет „Асосий ишлаб чиқариш" счёти.

Дебет „Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар" счёти.

Дебет „Умумишлаб чиқариш харажатлари" счёти.

Кредит „Меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан ходимлар билан ҳисоб-китоблар" счёти.

Иш ҳақи суммасини харажат счётларига тарқатиш иш ҳақини таксимлаш ведомости ёки машинограммаси асосида амалга оширилади. Бу ведомость меҳнат ва иш ҳақи ҳисобига тегишли дастлабки харажатларга асосланиб тузилади ва унда иш ҳақи харажатларига қайси счётлар дебетланганлиги ҳамда иш ҳақининг айрим турлари мукамал келтирилади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ҳисобидан ишчиларга мукофот ажратилганда қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади.

Дебет „Асосий ишлаб чиқариш" счёти ва бошқа харажатларни ҳисобга олувчи счётлар.

Кредит „Меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан ходимлар билан ҳисоб-китоблар" счёти.

Меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан ходимлар билан ҳисоб-китобларсчётининг кредитидаги ёзувлар ишлаб чиқариш харажатларини акс эттирувчи рўйхатда, яъни 10 ва 10/1- сонли журнал ордерларда акс эттирилади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан ходимлар билан ҳисоб-китоблар" счётининг дебетида, ходимларга иш ҳақи, мукофотлар, нафақалар ва шу кабиларнинг берилиши ҳамда иш ҳақидан солиқлар, ходимлар томонидан олинган ссудалар бўйича қарзлар, ижро ҳужжатлари ва бошқа қонун билан белгиланган ушлаб қолишлар акс эттирилади. Масалан, ишчи ва хизматчиларга кассадан иш ҳақи ва бошқа тўловлар берилганда қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади.

Дебет „Меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан ходимлар билан ҳисоб-китоблар" счёти.

Кредит „Касса" счёти.

Иш ҳақининг аналитик ҳисобига оид ҳисоб-китоблар тўлов ведомостларида олиб борилади. Бундан ташқари, ишчи ва хизматчиларга тўлаш учун ҳисоблаб қўйилган суммалар белгиланган шаклдаги карточка-маълумотномаларда ҳам акс эттирилади. Бу карточка-маълумотномаларда фақат ҳисоблаб қўйилган суммалар ёзилиб, улар дан таътил пулини, вақтинчалик меҳнат қобилятсизлиги учун бериладиган нафақа ва шу кабиларни тўлаганда ўртача иш ҳақи миқдорини топиш ва ҳар хил маълумотномалар бериш учун фойдаланилади.

Айрим хўжалик юритувчи субъектларда ишчи ва хизматчиларнинг шахсий счёт карточкалари юритилади. Бу карточкаларга ҳисоб-китоб тўлов ведомостидаги ҳар бир ишчи ва хизматчига тегишли барча кўрсаткичлар кўчирилади.

Меҳнат ва иш ҳақи ҳисоби механизациялашган хўжалик юритувчи субъектларда битта машинограмма ҳисоб-китоб ведомости ва варақаваси ҳар бир ходим учун алоҳида шахсий счёт кўрсаткичлари босилган бўлади. Бу машинограммалардан аналитик ҳисоб учун фойдаланиш мақсадида бухгалтерия уларнинг ҳар биридан шахсий счётларни ажратиб олиб, тегишли ходимнинг конвертига солиб қўяди ва конвертни картотекага маълум тартибда тахлаб қўяди.

Ишчиларнинг махсус дам олиш даврлари учун тўланадиган иш ҳақини ҳисоблаш билан боғлиқ бўлган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби алоҳида хусусиятга эга.

8.5. Ижтимоий суғурта ажратмалари ва уларнинг ҳисобидан қилинадиган харажатларни ҳисобга олиш

Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан ижтимоий суғурта бўйича асосан қуйидаги нафақалар берилади: вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик учун, ҳомиладорлик ва туғиш учун, бола туғилгани учун, қўшимча дам олиш кунни ва дафн этиш маросими.

Ишчиларнинг меҳнат таътили вақтига резерв қилинадиган суммани ва ижтимоий суғурта бўйича ажратмаларни ҳисобга олишда асосан қийдаги меъёрий ҳужжатлардан фойдаланилади:

Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг “Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида” ги низомни тасдиқлаш тўғрисида буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил майда рўйхатдан ўтказилган.Рўйхат рақами 1136)

Нафақа, меҳнат қобилияти тикланган, ногиронлик белгиланган, ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаган, вафот этган ёки бола туғилган кундан бошлаб 6 ой муддат ичида мурожаат қилинганда тўланади. Бунда, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси уни олиш учун мурожаат қилинган кунгача бўлган 12 ойдан ошмаган давр учун берилади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик (ҳомиладорлик ва туғиш таътили) кунлари ходимнинг ишдан ноқонуний бўшатилган тўғрисида низо кўрилайётган даврга тўғри келган ҳолларда, у ишга тикланган тақдирдагина (барча меҳнатга қобилиятсиз кунлар учун) нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Нафақа ойига бир марта-ойнинг иккинчи ярми учун бериладиган иш ҳақи билан бирга тўланади.

Хўжалик юритувчи субъект, муассаса, ташкилот (бундан буён-хўжалик юритувчи субъект)лар томонидан иш жойида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларининг ижтимоий суғурта бўйича нафақалар учун мақсадга мувофиқ харажатланиши устидан назорат қилиш Давлат солиқ хизмати органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси қуйидаги ҳолларда берилган:

- вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотиш билан боғлиқ касалликда (шикастланишда)
- санаторий-курортларда даволанганда;
- касалланган оила аъзосини парваришлаш зарур бўлганда;

- карантинда;
- сил ёки касб касаллиги туфайли вақтинча бошқа ишга утқа-зилганда;
- меҳнат қобилиятини тиклаш ёки ясама аъзо (протез) куйдириш учун реабилитация муассасаларига ёткизилганда.

Иккинчи жаҳон уруши ногиронларига, байналмилал жангчиларга, Чернобиль АЭС фалокати оқибатларини тугатишда катнашган шахсларга, шунингдек, санаторийга даволанишни давом эттириш учун даволаш муассасаларидан уткир миокард инфаркти билан касалланган, жаррохлик услуги билан юракнинг аорта-ко-ронар шунтовкаси ва ўт пуфагини олиб ташлашдан кейин бево-сита юборилган ходимларга, шунингдек сил касаллиги билан оғ-риганларга нафақа санаторийда бўлган барча вақт учун берилади.

ўн олти ёшгача бўлган ногирон болани тарбиялаётган ота-оналардан бирига (хомийга ёки васийга), ногирон боланинг сана-торийда даволанган барча даври учун (санаторийга бориб-келиш вақтини ҳисобга олиб) унга якка тартибда парвариш зарурлиги тўғрисидаги тиббий хулоса мавжуд бўлганда нафақа берилади.

Уч ёшгача бўлган болани ёки 16 ёшгача бўлган ногирон болани парваришlashда банд бўлган она касал булиб, болани парваришlashга курби етмай қолган ҳолларда, парвариш билан банд бўлган ишлаётган бошқа оила аъзолари ёки каридошларига (меҳнатга лаёқатсизлик варакасига асосан) нафақа берилади.

Оиланинг касал бўлган аъзосига қараш бўйича вақтинча меҳ-натга лаёқатсизлик варакаси бемор бировнинг парваришига мухтож бўлган, лекин 7 календарь кунидан ошмаган давр учун берилади.

ўн тўрт ёшга етмаган бемор болага қараш учун вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варакаси болага парвариш керак бўлган, аммо 14 календарь кунидан ошмаган давр учун берилади.

Мавсумий ва вақтинчалик ишларда банд бўлган ходимларга меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги оқибатида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа мавсумий ёки вақтинчалик иш тўғрисида тузилган меҳнат шартномасида кўрсатилган иш кунлари доирасида тўланади.

Ишлаётган ногиронларга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа меҳнатда майибланиш ходисалари ёки касб касаллигида ташқари, кетма-кет икки ойдан ва календарь йилда уч ойдан ошмаган муддатга берилади.

Ишлаётган Иккинчи жаҳон урушининг ногиронларига ва им-тиёзлари жихатдан уларга тенглаштирилган бошқа ногиронларга, Чернобиль АЭС даги фалокат ёки унинг оқибатларини бартараф этиш бўйича ишларни бажариш билан боғлиқ сабабларга кўра ногирон бўлган шахсларга вақтинча меҳнатга

қобилиятсизлик нафақаси (меҳнатда майибланиш ходисалари ёки календарь йилда беш ойгача берилади).

Агар ишловчи ногироннинг вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлиги меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги туфайли юз берса, нафақа у тўла соғайгунга ёки меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги билан боғлиқ ногиронлик гуруҳи қайта куриб чиқилгунга қадар тўланади.

Сил касаллиги оқибатида вақтинча меҳнатга қобилиятсиз-лик бўйича нафақа шахс тўла соғайгунга қадар, лекин купу билан 10 ойга берилади.

Ходим сил касаллиги билан қайта касалланганда ёки сил ка-саллтгт оқибатида ногирон нафақа мазкур бандда белгиланган муддатларга тўланади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик қуйидаги даврларга тугри келганда нафақа тўланмайди:

- иш ҳақи сакланмаган таътил;
- болани парваришлаш бўйича таътил;
- иш вақтинча тухтатилган;
- ходим ишдан (лавозимдан) четлаштирилиб, иш ҳақи тўлаш тухтатиб қўйилганлиги сабабли ишламаган;
- харбий укув ёки текширув йигини;
- ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда укув юртларида тахсил
- олиш муносабати билан берилган кушимча таътил.

Ушбу даврларда бошланиб, давом этаётган меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси ходим ишга чиқиши (лавозимга тикланиши) лозим бўлган кундан бошлаб берилади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси қуйидаги ҳолларда берилмайди:

- ишдан ёки бошқа вазифалардан буйин товлаш мақсадида ўз саломатлигига атайлаб зиён етказган ёхуд узини касалликка солганда;
- гиёхвандлик ёки мастлиик билан боғлиқ ҳаракатлар оқибатида, шунингдек, спиртли ва гиёхвандлик моддаларини истеъмол қилиш учун натижасида касаллика чалинганда(жарохатланганда);
- жиноят содир қилиш вақтида жарохатланганда;

суд қарори асосида мажбурий даволанишга юборилганда (рухий касаллардан ташқари);

- хибсда бўлган даврда;
- суд-тиббиёт экспертизасидан утиш даврида.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси иш стажининг давомийлигидан катъи назар иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида қуйидагиларда тўланади:

- ишлаётган Иккинчи жаҳон уруши катнашчиларига;
- байналмилал жангчиларга ва уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга;
- қарамоғида 16 ёшга (ўқувчилар 18 ёшга) етмаган уч ёки ундан ортиқ болалари бўлган ходимларга;
- Чернобиль АЭС даги авария оқибатларини тугатишда қатнашган ходимларга;
- Чернобиль АЭС даги авария натижасида радиоактив ифлосланиш зонасидан эвакуация қилинган ва кўчирилган, кон ҳосил килувчи органлар касалликлари (уткир лейкоз,)

калконсимон без (аденома, рак) ва хавфли ўсмалар билан боғлиқ касалликларга чалинган ходимларга;

- меҳнатда майибланиш ва касб касаллиги натижасида вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бўлган ходимларга;

Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар (сил касаллиги, онкология касалликлари, янгидан пайдо бўладиган хатарли усимталар, жинсий йўл билан ўтадиган касалликлар, СПИД, мохов(лепра) касаллиги, руҳий касалликлар) бўйича ҳисобда турган ходимларга улар томонидан давлат ижтимоий суғурта бадали тўлаган даврининг (умумий иш стажининг) давомийлигига боғлиқ равишда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси қуйидаги миқдорларда тўланади:

а) умумий иш стажи 8 йил ва ундан ортиқ бўлган ходимларга- иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида;

б) умумий иш стажи 5 йилдан 8 йилгача бўлган ходимларга-иш ҳақининг 80 фоизи миқдорида;

в) умумий иш стажи 5 йилгача бўлган ходимларга-иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида;

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа барча ҳолларда белгиланган энг кам иш ҳақидан кам бўлмаслиги ва нафақа ҳисоблаб чиқарилган иш ҳақидан юқори бўлмаслиги лозим.

Нафақа миқдори вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бошланган кунгача, меҳнат дафтарчаси ёки унинг ўрнига берилган бошқа ҳужжат, шунингдек ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан берилган маълумотнома асосида ҳисобланган умумий иш стажига мувофиқ аниқланади.

Ижтимоий суғурта бўйича нафақаларни тайинлаш учун умумий иш стажини ҳисоблаш тартиби

Умумий иш стажи белгиланган тартибда расмийлаштирилган меҳнат дафтарчаси ёки унинг ўрнига берилган бошқа ҳужжат асосида аниқланади.

Умумий иш стажи тўғрисидаги ҳужжатлар бўлмаганда иш даври гувоҳлар кўрсатмаси асосида белгиланади.

Табиий офат, фалокат, фожиа ёки бошқа фавқулодда ҳолатлар туфайли иш стажи тўғрисидаги ҳужжатлар тўлиқ ёки қисман сак-ланмаган бўлса, иш стажини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, туман (шаҳар) хокимиятлари томонидан ту-зиладиган иш стажини аниқлаш бўйича махсус комиссиялар то-монидан амалга оширилади.

Қисман сақланган ҳужжатлар ҳамда гувоҳлар кўрсатмалари асосида юқорида кўрсатилган комиссиялар томонидан белгиланган меҳнат фаолияти даврлари ҳужжатлар билан тасдиқланган иш даври сингари ижтимоий суғурта бўйича нафақа олиш ҳуқуқини берадиган умумий иш стажига ҳисобланади.

Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахс ва деҳқон хўжалиги аъзосининг меҳнат стажига улар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган даврлари киритилади.

Умумий иш стажига қуйидагилар киради:

а) фаолият тури, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларида қатъий назар, ходим давлат томонидан ижтимоий суғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлса.

Ширкат хўжалиги (фермер хўжалиги) аъзоси узрсиз сабабларга кўра хўжаликда белгиланган меҳнатда иштирок этиш минимуми бажармаган бўлса, ишлаган вақтнинг амалда давом этган даври ҳисобга олинади.

Ижодий фаолият билан шуғулланувчи ходимларга иш стажи ижодий уюшмалар бошқаруви томонидан, унинг биринчи босилган ёки дастлабки ижро этган ёхуд мазкур муаллифнинг асари биринчи марта оммага кўрсатилган кундан бошлаб, агар у бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадали тўлаб турган бўлса, иш стажига ҳисобланади;

б) харбий хизмат, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар, миллий хавфсизлик органларидаги ҳамда чегара қўшинларидаги хизмат даври;

в) харбийлаштирилган сокчилик, махсус алоқа органлари ҳамда тоғ-куткарув қисмларидаги хизмат даври, қайси идорага буйсунишидан қатъий назар;

г) диний ташкилотларда ишлаган давр, агар улар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадали тўлаб келган бўлсалар;

д) юридик шахс булмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи шахс ва дехкон хўжалиги аъзосининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган давр;

е) алоҳида фукарларга ёлланиб ишлаган давр (уй ходимлари, котибалар, энагалар, ҳайдовчилар, қоровуллар ва бошқалар), агар улар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаб келган бўлсалар;

ж) асосиз равишда жиноий жавобгарликка тортилган ва кейинчалик окланган фукарларнинг камокда бўлган ва махбусликни утаган даври.

Саноатнинг мавсумий тармоқларидаги хўжалик юритувчи субъектларда банд бўлган ходимларга мавсум давомидаги иш бир йилга, мавсумда тўлиқ ишламаган тақдирда, ҳақиқий ишлаган давр ҳисобга олинади.

Чет элда ишлаган иш даври, агар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига белгиланган суғурта бадаллари тўлаб келинган бўлса ва давлатлараро битимларда бошқа имтиёзлироқ хо-лат кузда тўтилмаган бўлса, иш стажига ҳисобланди.

Ўзбекистон Республикаси фукарларнинг чет элда ёлланиб (битим асосида) ишлаган иш даври Ташки меҳнат дафтарчасига киритилган ёзувлар бўйича, агар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадали тўлаб келинган бўлса, иш стажига ҳисобланади.

Дехкон хўжалиги аъзоси, йил мобайнида ишлаб ундан камида 9 ой бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига белгиланган тартибда суғурта бадали тўлаган бўлса, ушбу давр календарь йил ҳисобланади.

Календарь йил мобайнида юридик шахс булмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи шахснинг асосий фаолияти қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш бўлган ҳолларда, агар мазкур йилда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари белгиланган тартибда камида 9 ой мобайнида тўланган бўлса стажга календарь йил қўшилади.

Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа

Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақани тайинлаш ва тўлаш учун белгиланган тартибда берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақаси асос бўлади.

Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича берилган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси йуқолган ҳолларда нафақа унинг ўрнига такрорий берилган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси (дубликат) асосида берилади.

Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа (шу жумладан, ҳомила тушган ҳолларда) вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасида кўрсатилган барча давр учун тўланади.

Ходим ишдан бўшатилишининг нотўғрилиги ҳақида низо кетаётган даврда ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътил берилганда, нафақа у ишга қайта тикланган тақдирда берилади. Бунда ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа аёлни ишга қайта тиклаш тўғрисида қарор чиққандан сўнг, нафақа тўланмаган барча меҳнатга қобилиятсизлик кунлар учун тўланади.

Олий, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларини, магистратура, аспирантура, клиник ординатура, докторантурани тамомлаган ва белгиланган тартибда ишга юборилган аёлларга ишни бошлагунга қадар ҳомиладорлик ва туғиш бўйича берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақаси асосида нафақа аёл ишга келиши лозим бўлган кундан бошлаб берилади.

Иш ҳақи тўлаш тўхталиб, ишдан (лавозимдан) четлаштириш оқибатида аёл ишламаган даврда ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътил учун меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилган ҳолда нафақа тўланмайди. Агар ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътил ишга қўйилгандан кейин ҳам давом этадиган бўлса, нафақа у ишга чиқиши лозим бўлган кундан бошлаб берилади.

Вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлилик, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақаларни ҳисоблаш тартиби

Вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлилик, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақалар барча ҳолларда ходимнинг ҳақиқий иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади.

Нафақаларни ҳисоблашда асос қилиб олиннадиган ҳақиқий иш ҳақида иш жойидан, суғурта бадаллари ундирилиб тўланадиган жами иш ҳақи тўловлари киради.

Суғурта бадали ҳисобланмайдиган иш ҳақи турлари Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сонли қарори билан тас-дикланган Суғурта бадаллари қушилмайдиган ва пенсияни ҳисоб-лаб чиқишда ҳисобга олинмайдиган иш ҳақида кушилади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ёки ҳомиладорлик таътили бошланган ойдан олдинги 12 ой даврида олган ва суғурта бадал-лари черилган барча мукофотларнинг 1/12 қисми нафақа ҳисоб-лабчиқариладиган ойлик иш ҳақида кушилиб, ўртача ойлик иш ҳақи миқдори аниқланади.

Ходим вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлиги сабабли тўла ишламаган, ҳомиладорлик ва туғиш, бола уч ёшга тулгунга қадар болага қараш таътилида бўлган, ҳарбий укув ёки синов йигинларда ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектда ишлаш учун юборилган ойлар мукофот суммаси булиннадиган ойлардан чиқариб ташланади. Агар ҳисоблаш учун ойдан кам бўлган давр олинса, ҳар бир ойда чорак мукофотининг учдан бир қисми ҳисобга олинади.

Ходим бўлмаган мансаб маошини олган ҳолатларда, нафақа маошнинг ҳақиқатда олиннадиган қисми асосида ҳисобланади.

Нафақани ҳисоблаб чиқариш учун ўртача кунлик иш ҳақи мазкур бандда кўрсатилган иш ҳақи суммасини вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик руй берган ойдаги барча иш кунларига (жадвал бўйича) бўлиш йули билан аникланади. (Эслатма: Ушбу ва кейинги барча ҳолларда иш вақти соатлари нормаси доирасида тузилган иш жадвали назарда тўтилади).

Нафақанинг умумий суммаси кунлик нафақани ушбу ойда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик (ҳомиладорлик ва туғиш таътили) туфайли ишга келмаган иш кунлари сонига купайтириш йули билан аникланади.

Ширкат хўжалиги аъзоларига, шу жумладан механизаторлар ва мутахассисларга нафақа умумий асосларда ҳисоблаб чиқарилади.

Агар ширкат хўжалигида кейинчалик ҳисоб-китоб қилинадиган (даврлар бўйича, йил охирида) авансли ҳақ тўлаш амалга оширилса, нафақа вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик (ҳомиладорлик ва туғиш таътили) бошланган кунгача олиган авансдан ҳисоблаб чиқарилади ва якуний ҳисоб-китоблар амалга оширилган-дан кейин қайта ҳисобланади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш билна берилмасдан, меҳнат кунлари ёзилса ва вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик (ҳомиладорлик ва туғиш таътили) меҳнат кунлари учун ҳақ тўланадиган кунгача бошланган бўлса, нафақа энг кам иш ҳақидан тўланади ва кейинчалик қайта ҳисобланади.

Ушбу коида ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини ҳисоблаб чиқаришда кулланилмайди.

Қўшимча дам олиш куни учун нафақа.

Ногирон боласини тарбилаётган ишловчи ота-онанинг бирига (васийга, хомийга) бола ун олти ёшга тулгунга қадар давлат ижтимоий суғуртаси ва маблағлари ҳисобидан бир кунлик иш ҳақи миқдоридан ҳақ тўланган ҳолда ойга қўшимча бир дам олиш куни берилади.

Дафн этиш маросими учун бериладиган нафақа.

Дафн этиш маросими учун нафақа ходим ёки унинг қарамоғида бўлган **қуйидаги** оила аъзолари вафот этганда берилади:

- а) турмуш ўртоғи;
- в) 18 ёшга тулмаган ёки вақтинча меҳнатга қобилиятсиз (ёшидан катъий назар) болалари, ака-укалари ва опа-сигиллари;
- в) ота-онаси;
- г) бобоси ёки бувиси.

Яшаш учун мустақил маблағ манбаига эга бўлган (иш ҳақи, пенсия, стипендия олувчи, ширкат хўжалигининг меҳнатга қобилиятли аъзолари ҳисобланувчи ва хоказо) оила аъзолари қарамоғида турган деб ҳисобланмайди.

Ходим вафот этганда дафн этиш маросими учун нафақа унинг оила аъзоларига ёки дафн ўтказишни ўз зиммасига олган шахсларга берилади.

Оиланинг вафот этган аъзосини дафн этиш маросими учун нафақа ишловчи ходимга берилмайди.

Аёлнинг хомиласи тушган ҳолларда дафн этиш маросими учун нафақа берилмайди.

Дафн этиш маросими учун нафақа энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдорида берилади.

Ишламайдиган пенсионер вафот этган тақдирда дафн этиш маросими учун нафақа унинг оиласига ёки пенсионернинг дафн маросимини ўтказган шахсга икки ойлик пенсия миқдорида, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг икки хиссасидан кам булмаган миқдорда, ижтимоий таъминот булими томонидан тўланади.

Иш ҳақиға туман коэффициенти белгиланган жойларда дафн этиш маросими учун нафақа миқдори ишлаб чиқариш билан боғлиқ булмаган тармоқлар учун бериладиган туман коэффициентини ҳисобга олган ҳолда аникланади.

Муддатли харбий хишматга чакирилган ходим ёки унинг оила аъзоси вафот этган тақдирда дафн этиш маросими учун нафақа, агар унга сунгги иш ҳақи тўланган кундан бир ойдан куп вақт утмаган бўлса берилади.

Олий, ўрта масус касб-хунар таълим муассасаларида, магистратура, аспирантура, клиник ординатура, докторуантурада тахсил олаётган шахслар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари вафот этганда, агар улар курсларга, мактабларга, институтларга хўжалик юритувчи субъект томонидан юборилган бўлсалар ва уларнинг укиш давридаги иш ҳақи тўла ёки қисман сакланиб қолган бўлса, дафн этиш маросими учун нафақа умумий асосларда берилади.

Нафақаларни тайинлаш ва тўлаш.

Нафақалар ходимнинг асосий иш жойидан хўжалик юритувчи субъектнинг Ижтимоий суғурта бўйича комиссияси ёки шу иш учун вакил қилинган комиссия аъзоси томонидан тайинланади. Комиссия таркиби, аъзолари сони ва раиси хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг буйруги ёки бошқарувнинг қарори билан тасдиқланади.

Комиссия меҳнатда майибланганларга, касб касаллигига чалинганларга нафақа тайинлаш, нафақа тўлашни рад этиш, нафақадан (ёки қисман) маҳрум этиш ва нафақа олиш ҳуқуқи юза-сидан келиб чиккан низоларни, вақтинча меҳнатга лаёкатсиз варакаси ва бошқа ҳужжатларнинг асосли равишда ва тугри берилганлигини куриб чиқиш ҳуқуқиға эға. қолган барча ҳолларда нафақаларни комиссиянинг шу ишға вакил қилинган аъзоси тайинлайди.

Комиссиялар булмаган хўжалик юритувчи субъектларда нафақалар иш берувчи томонидан шу ишга буйруқ билан вакил қилинган шахс томонидан тайинланади.

Юридик шахс булмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи шахслар, дехкон хўжалиги аъзоларига, шунингдек ай-рим фуқароларникида шартнома асосида ишлаётганларга нафақалар ижтимоий таъминот булимлари томонидан тайинланиб, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади.

Ходимлар вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик муддати ту-гагандан кейин чиқишининг биринчи кунндаёқ хўжалик юритувчи субъектга вақтин-ча меҳнатга лаёқатсизлик варақасини тақдим этдилар. Меҳнатга қобилиятсизлик давом этаётган ҳолларда, навбатдаги иш ҳақи бе-рилиши вақти келганда топширилиши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасининг “Табелчи томонидан ва кадрлар булими томонидан тўлдирилади” деган булимларга зарур маълумотлар ёзилади ва вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси (бемор ҳақидаги маълумотлар ёзиб, имзо қўйилади) ижтимоий суғурта комиссиясига топширилди.

Агар бахтсиз ходиса бошқа шароитларда руй берса (уйда, ишга бориш ёки ишдан кайтишда, давлат ёки жамоатчилик бурчини бажараётган пайтда), нафақа руй берган бахтсизлик сабаблари иш берувчи томонидан урганиб чиқилгандан кейингина тайинланади.

куйидаги шароитларда юз берган (жиноят содир қилиш вақтида жароҳатланиш ҳолларидан ташқари) жароҳатланиш меҳнатда майибланиш деб ҳисобланади:

а) меҳнат бурчини бажараётган пайтда (шу жумладан, хизмат сафари вақтида), шунингдек, махсус топширик булмаган ҳолларда ҳам хўжалик юритувчи субъект манфаатини кузлаб қилинган хатти-ҳаракат пайтида;

б) иш берувчининг транспортида ишга бораётган ёки ишдан кайтаётганда;

в) иш вақти давомида (шу жумладан белгиланган танаффус вақтида) хўжалик юритувчи субъект худудида ёки бирон-бир бошқа иш жойида, иш бошладан олдин ёки ишдан кейин иш куруллари, кийим-кечакларини ва хоказоларни тартибга келтириш пайтларида;

г) ички меҳнат тартиб-қоидаларига зид булмаган тақдирда, иш вақти давомида хўжалик юритувчи субъектга якин бўлган жойда ёки бошқа иш жойида (белгиланган танаффусларда) хозир бўлганда;

д) асосий иш билан боғлиқ булмаса ҳам, давлат ва жамоатчилик олдидаги бурчларини бажараётган чоғида;

е) инсон ҳаётини куткариш, ҳуқуқ-тартиботни, давлат ва жамоат мулкани, шунингдек, фуқаролар мулкларини муҳофаза қилиш бўйича фуқаролик бурчини бажараётган пайтида;

ж) донорлик вазифаларни бажариш натижасида меҳнат қобилияти-тининг йукотилиши.

Қасб касалликлари бўйича вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тайинлашда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сон қарори билан тасдиқланган Қасб касалликлари рўйхатда кўрсатилган касалликлар ҳисобга олинади.

Меҳнатда майибланиш туфайли вақтинча меҳнатга қобилият-сизлик бўйича нафақа комиссия томонидан (жарохатланган ходимнинг ахволи комиссия мажлисига келишга имкон берган тақдирда унинг иштирокида) тайинланади. Нафақадан маҳрум этиш, нафақадан ёки қисман рад этиш масаласи нафақа олувчининг иштирокида куриб чиқилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг бош бухгалтерия комиссия билан бир қаторда нафақа тўлаш бўйича маблағларнинг тугри харажатланиши учун жавобгардир.

Агар нафақа тайинланиш ёки ходимнинг умумий иш стажини аниқлаш пайтида қонунчиликда қўзда тутилган қоидалар бузилишига йул қўйилган ёки тўлов учун тақдим қилинган ҳужжатлар нотўғри расмийлаштирилган бўлса бош бухгалтер тўловни амалга оширмай, уларни йул қўйилган хатолар тўғрисидаги ёзма баённомаси билан ижтимоий суғурта бўйича комиссияга қайтариб бериши шарт.

Худудий солиқ органларининг талабига биноан хўжалик юритувчи субъект маъмурияти текшириш ўтказиш учун зарур бўлган нафақаларга оид текширишлар нафақалар тўланадиган маблағларни харажат қилишда суийъстемолик фoш этилган тақдирда ўтказилади. Барча текширишлар белгиланган тартибда амалга оширилади.

Иш берувчи томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидалари бузилиши оқибатида ходимнинг меҳнатда майибланганлиги ёки қасб касаллиги сабабли берилган вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақани тўлашга кетган барча харажатларни қоплаши лозим.

Нафақаларни тўлаш учун қилинган харажатлар қонунчиликда ҳилоф рафишда амалга оширилганда хўжалик юритувчи субъект, ташкилот, муассасалари томонидан қилинган харажатлар Пенсия жамғармаси ҳисобига қабул қилинади ва улар хўжалик юритувчи субъект ҳисобига ёзиб қўйилади.

Ишчиларга меҳнат таътилига тўланадиган иш ҳақи маҳсулот таннархига йид давомида бир текис ўтказилишини таъминлаш учун ҳар ойда маълум маблағ резерв қилиб борилади. Резерв суммаси ишчиларга ҳар ойда

ҳақиқатан ҳисобланган иш ҳақиға маълум фоиз миқдорида ташкил қилинади ва счётларда қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузиш билан акс эттирилади:

Д-т 2010,2110,2310,2320,2510

К-т 8910 “Келгусида қилинадиган харажат ва тўловлар резерви” счёти

Ишчиларнинг меҳнат таътили вақтида ҳақиқатда ҳисобланган иш ҳақини суммасига қуйидагича проводка берилади.

Д-т 8910

К-т 6710

8910 счёт бўйича кредит колдиги фойдаланилмаган резерв суммасини кўрсатади.

Меҳнат таътили ҳақини ҳисоблаш

Маълум хўжалик юритувчи субъектда ўн бир ой узлуксиз ишлаган ишчи меҳнат таътилига чиқиш ҳуқуқига эга. Инфляция шароитида ҳукумат идоралари томонидан меҳнат таътилига чиқиш ойнанинг аввалги ойдаги иш ҳақи суммасидан меҳнат таътилига ҳақ ҳисоблаш тартиби жорий этилган.

Меҳнат таътили учун ҳақ қуйидагича ҳисобланади.

1. ўртача иш ҳақи ҳисобланади. Бунинг учун тарификация ёки лавозим маоши бўйича ҳисоб-китоб кунига белгиланган иш ҳақидан ортиқ суммани 1.12 қисмига кушиб ҳисоблаб чиқилади.

2. ўртача кунлик иш ҳақи ҳисобланди. Бунинг учун ўртача иш ҳақи суммасини 25,4 га булинади.

3. Таътил ҳақи. Бунинг учун ўртача кунлик иш ҳақини таътил кунлари сонига купайтирилади.

Масалан: Ишчи декабр ойида 24 кунга меҳнат таътилига чиқди. унинг ноябрь ойидаги таърификация бўйича иш ҳақиси 12000 сўм. Тарификациясидан ортиқча йиллик сумма 30720 сўм.

Меҳнат таътили вақтига иш ҳақини ҳисобланг.

Ечинг: 1.ўртача иш ҳақи

$$12000+(30720:12)=12000+2560=14560 \text{ сўм}$$

2.Таътил ҳақи

$$14560 \text{ сўм} : 25,4 \times 24 = 13757,48 \text{ сўм}$$

Ижтимоий суғурта бўйича ажратмалар ҳисоби.

ҳар бир хўжалик юритувчи субъект, мулкчиликнинг қайси шааклига қарашли бўлганидан қатъий назар ижтимоий эҳтиёжлар учун аж-ратмаларни ҳисоблаши зарур. Ажратмалар миқдори жорий ойда ҳисобланган иш ҳақиға нисбатан фоизларда давлат томонидан белгиланади. Ҳозирги кунда унинг миқдори 37,2%. Шундан: 35,0%-пенсия жамғармасига; 1,5-бандлик фондига; 0,7-қасаба уюшмалари федерацияси кенгашига. ҳисобланган ажратмалар хўжалик юритувчи субъект харажатларига киритилади.

1997 йилдан бошлаб хўжалик юритувчи субъект ва ташкилотларнинг сотилган маҳсулоти (иш ва хизматлари) ҳажмидан пенсия жамғармасига мажбурий тўловлар жорий этилган. Тўловлар объекти бўлиб:

а) саноат, транспорт, кишлок хўжалик, воситачилик ташкилотлар учун жорий даврда сотилган махсулот (иш ва хизматлар) ҳисобланади (ККС, Акциз солиғи, божхона тўловларисиз)

б) қурилиш, таъмирлаш, илмий ташкилотлар учун бажарилган иш ва хизматлар ҳажми (ККС сиз)

в) тайёрловчи, савдо, умумий оватланиш, таъминот-сотиш ташкилотлари учун ҳақиқий товар обороти олинади.

Ставка ҳақиқатда сотилган махсулот, бажарилган иш ва хизматлар ҳажмининг 0,5% миқдорида жорий этилган (2000 йил 1 январдан бошлаб 0,7%)

Давлат ижтимоий суғуртаси учун, хўжалик юритувчи субъект ходимларининг нафақа таъминоти (пенсия жамғармаси) ва тиббий суғурта ҳамда бандлик жамғармаси учун ажратмалар бўйича ҳисоб-китоб 6520 “Ижтимоий суғурта” бўйича тўловлар деб номланувчи пассив счётада олиб борилади.

Ижтимоий суғурта ажратмалар ҳисобланганда:

Д-т 0710, 0810-0890, 1010-1090, 1510, 2010, 2310, 2510, 2610, 2320, 9450, 2710, 3190, 9414, 9415, 9210;

К-т 6520;

Суғурта органлари фойдасига ижтимоий суғурта бўйича ҳақиқий ўтказилган суммага қуйидагича проводка берилади.

Д-т 6520

К-т 5110

Ижтимоий суғурта бўйича ходимларга берилган пуллар счётларда қуйидагича акс эттирилади.

Д-т 6520

К-т 5010

Касаллик туфайли вақтинчалик меҳнат қобилияти йукотган ходимларга нафақа ҳисоблаш. Даволаш (тиббий) муассаси томонидан берилган меҳнат қобилиятини йукотган тўғрисида варақа-бюллетень нафақани ҳисоблаш учун насос була-ди.

Нафақа миқдори касалликдан илгари ишланган ойнанинг ўртача иш ҳақи, касаллик давом этиш ҳамда узлуксиз меҳнат стажига боғлиқ. Иш штажи 5 йилгача бўлганда иш ҳақининг 60%, 5 йилдан 8 йилгача-80%, 8 йил ва ундан ортиқ бўлганда 100% ҳисобланади. Иш штажидан катъий назар иш ҳақининг 100% миқдорида ҳомиладорлик ва туғиш бўйича, ишлаб чиқариш жарохати ва касб касаллиги бўйича 16 ёшгача (18 ёшгача агар (ўқувчи бўлса) 3 та боласи бўлган ишчиларга, уруш ногиронла-рига тўланади.

Иш ҳақи суммасига ижтимоий суғурта ажратмалари ҳисобланадиган барча иш ҳақи, қушимча ҳақ ва тўловлар (бир маротаба бўладиган мукофотлардан ташқари) киради. Касаллик туфайли вақтинчалик меҳнат қобилиятини йукотган ходимларга нафақа қуйидагича ҳисобланади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай шаклида оладиган шахсларга ушбу охири ойнанинг иш ҳақиға аввалги йилнинг ўртача ойлик мукофот суммалари қушилиб, ўртача ойлик иш ҳақи суммаси аниқланди. ўртача ойлик иш ҳақини

шу ойдаги иш кунларига булиниб, нафақа % га касал бўлган кунларга купайтирилади ва 100 га булинади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай шаклида ҳақ оладиган шахсларга нафақа касалликдан олдинги утган ойдик мукофот суммаси кушилиб ўртача ойлик иш ҳақи суммаси аникланади.

Ўртача ойлик иш ҳақини шу ойдаги иш кунлари сонига булиниб ўртача кунлик иш ҳақи суммаси аникланади. ўртача кунлик иш ҳақини нафақа % ва касал кунлар сонига купайтириб 100 га булинади.

Эслатма: Касаллик нафақаси барча ҳолларда ўртача кунлик иш ҳақини 2 бараваридан булмаслиги лозим.

Мисол: 7-разрядли ишчи январ ойида 3 кун касал бўлган. Бу тўғрисида тиббиёт муассасидан берилган бюллетень яъни меҳнат қобилиятини йукотганлиги тўғрисида варақа ва табелда ёзувлар бор. Узлуксиз иш стажи 7 йил. У декабр ойида

1. Ишбай иш ҳақи- 9000 сўм

2. Вақтбай иш ҳақи- 6500 сўм

3. Меҳнат қобилиятини йукотганлиги учун нафақа-600 сўм

4. Олдинги йилда ўртача ойлик мукофот суммаси-1800 сўм олган. Касал кунлари учун нафақа ҳисобланг.

Ечиш:

1. Ўртача ойлик иш ҳақи

$$9000+6500+1800=17300 \text{ сўм}$$

2. Ўртача кунлик иш ҳақи

$$17300: 23 \text{ кун}=752,17 \text{ сўм}$$

Ўртача кунлик иш ҳақини ишчининг 2 бараварлик тариф ставкаси билан солиштирамиз. 7 разрядли ишчини ойлик тариф ставкаси

а) $3430 \text{ сўм} \times 3,48 \text{ коэф}=11950 \text{ сўм}$

б) $11950 \text{ сўм}: 23=519,56 \text{ кунлик иш ҳақи}$

с) $519,56 \times 2=1039,12 \text{ баробарлик кунлик иш ҳақи}$

Демак, нафақани ўртача кунлик иш ҳақи ҳисобидан ҳисоблаймиз, чунки ишчининг 2 баробарлик тариф ставкаси ўртача кунлик иш ҳақи қийматидан юқори.

$$752,17 \text{ сўм} \times 80\% \times 3 \text{ кун} = 1805,21 \text{ сўм}$$

Ижтимоий суғурта фонди, пенсия фонди хўжалик юритувчи субъект ва ташкилотларнинг тегишли касаба уюшма органлари жорий счётига ўтказилиб ишчи ва хизматчиларнинг асосий ва кўшимча иш ҳақлари ҳамда рағбатлантириш фонди ҳисобидан олинган муокофтларга нисбатан 35 фоиз миқдорида қилинадиган ажратмалар ҳисобидан ташкил топади. Бундай ажратмалар хўжалик юритувчи субъектда ишлаб чиқарилаётган махсулот таннархи ҳисобидан қилинади. Ишчи ва хизматчиларга шу фонд ҳисобидан вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқртганлик варақаси бўйича нафақа, ҳомиладорлик вақти ва бола туғилгандан кейин аёлларга бериладиган нафақа ва бошқа моддий ёрдамлар кўрсатилади. Бундан ташқари, ижтимоий суғурта

фондининг маблағлари санатория ва дам олиш уйлари саклаш ҳамда ишчи ва хизматчиларга дам олиш ва даволаниш учун бериладиган йўлланмаларга харажатланади.

1991 йилдан бошлаб меҳнаткашларга тайинладиган пенсия ва нафакаларнинг турлари анча кенгайиб, уларни миқдори сезиларли равишда ошди. Шу билан бирга, давлат суғуртаси маблағлари икки мустакил бўлган фондга ажратилиб, улардан бири ижтимоий суғурта фонди ва иккинчиси пенсия фонди деб номладиган бўлди, ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминот маблағларидан фойдаланишнинг янги тартиби белгиланди.

Давлат суғурта ва таъминот фондлари асосан хўжалик юритувчи субъект ташкилот ва муассасаларнинг суғурта тўловлари ҳисобидан ҳосил қилинади.

Ҳозирги пайтда пенсия фондига ажратмалар фақат маҳсулот таннари ҳисобидан эмас, ундан ташқари ходимларнинг иш ҳақидан 2,5% миқдорида ушлаб қолинадиган сумма ҳисобидан ҳам қисман ҳосил қилинадиган бўлди. Янги счётлар рўйхатида 6520 „Ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича ҳисоб-китоблар“ счёти ажратилган бўлиб, унда касаба уюшмаси ташкилотлари билан ижтимоий суғурта, хўжалик юритувчи субъект ходимларини пенсия билан таъминлаш ва тиббиёт суғуртасини қилишга дойр ҳамда мажбурий ва ихтиёрий суғуртага дойр ҳисоб-китоблар акс эттирилади.

8.6. Иш ҳақи фонди устидан назорат

Ишлаб чиқариш режасининг бажарилишига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш фонди устидан доимий назорат бевосита хўжалик юритувчи субъект ходимлари ишбай нарх, тариф ставкалари, окладлар, устама ҳақ ва кушимча тўловлар, мукофотларнинг тугри кулланиши ва ҳисобланиши устидан жорий назорат урнатиши керак. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан тугри фойдаланиши устидан жорий назорат урнатиши керак. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан тугри фойдаланиши устидан ташки назорат функциялари давлат томонидан банк муассасалари зиммасига юклатилган.

Банк назорати махсулот ишлаб чиқариш ҳажми ёки хўжалик юритувчи субъект фаолиятини ифодаловчи бошқа кўрсаткичлар (даромад) ҳамда иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоб жорий этилган тартиби асосида ҳар кварталда амалга оширилади.

Банк муассасалари хўжалик юритувчи субъектга иш ҳақи учун маблағларни махсулот ёки даромад ҳажмининг узиш даражаси 0,7 коэффицентига тугриланган иш ҳақи фондининг база даражасига асосланган ҳолда берилади.

Махсулот ҳажми база даражаси айнан шу даврда ишлаб чиқариш ҳисоботларида акс этирилган ишлаб чиқарилган махсулот (иш ва хизматлар) ҳажми белгиланади.

Ҳар кварталнинг биринчи 2,5 ойи ичида иш ҳақи учун маблағлар банк томонидан база даражаси чегарасида ҳақиқатда ҳисобланган суммада берилади. Квартал узил кесил ҳисоб-китоб қилинганда иш ҳақи маблағлар бухгалтерия ҳисоби бўйича хўжалик юритувчи субъект томонидан ҳисобланган иш ҳақи тўғрисида маълумотнома асосида берилади. Бу маълумотнома асосида иш ҳақидан фойдаланиш натижаси (нисбий тежаш ёки ортиқча харажат) ҳақиқатда ҳисобланган иш ҳақи суммаси ва иш ҳақи берилиши мумкин бўлган сумма орасида фарқ сифатида аникланади.

Мисол. 2000 йилнинг IV квартали учун ишлаб чиқариш ҳажмининг база даражаси 3600 минг сўм 2000 йилнинг IV квартал учун ҳақиқатда бажарилган ишлаб чиқариш ҳажми 3694 минг сўм. Ишлаб чиқариш узиш суръатини қайта ҳисоблаш коэффеценти 0,7 Иш ҳақи фондининг база даражаси 1260 минг сўм. Иш ҳақининг ҳақиқатда ҳисобланган суммаси 1275 минг сўм. Иш ҳақидан фойдаланиш натижасини аникланг.

Ечиш: 1. Ишлаб чиқариш ҳажмининг узиши

$$(3694\text{м.с} : 3600\text{м.с} \times 100\%)=2,6\%$$

2. Коэффицентини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш ҳажмининг узиш сурати

$$(2,6\% \times 0,7)+100\%=101,8\%$$

3. Ишлаб чиқариш ҳажмининг узиши даражасида берилиши мумкин бўлган иш ҳақи

$$1269\text{м.с} \times 101,8\% : 100\%=1282,7 \text{ минг сўм}$$

4. Иш ҳақидан фойдаланиш натижаси

$$1282,7 \text{ м.с}-1275\text{м.с}=7,7 \text{ минг сўм}$$

Демак, иш ҳақи фондидан тежалган.

Жорий йилнинг аввалги кварталда хўжалик юритувчи субъект томонидан эришилган нисбий тежам шу йил келгуси чоракларида иш ҳақи тўлаш учун фойдаланилади. Бу тежам суммаси иш ҳақи фондининг база даражасига кушиб қўйилади. Иш ҳақи учун маблағларнинг ортиқча суммасига банк томонидан маблағлар берилмайди.

Таянч сўз ва иборалар

Асосий иш ҳақи

Кўшимча иш ҳақи

Хўжалик юритувчи субъектнинг шахсий таркиби

Иш ҳақи фонди

Меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари

Меҳнатга ҳақ тўлаш турлари

Иш ҳақи

Иш ҳақидан ушлаб қолинадиган ва чегириладиган суммалар

Ижтимоик сугўрта ажратмалари

Иш ҳақи фонди

Даромад солиғи

Такрорлаш учун саволлар.

1. Иш ҳақининг иктисодий мазмуни ва мохияти қанақа бўлади?
2. Иш ҳақининг шакллари ва тизимлари нечига бўлинади?
3. Асосий ва кўшимча иш ҳақларини ҳисоблаш тартиби қанақа бўлади?
4. Иш ҳақидан ушланадиган ушланмалар қанақа тартибда ҳисобланади?
5. Иш ҳақиға нисбатан ҳисобланадиган ажратмалар ҳисоби қандай юритилади?

Фойдаланишга тавсия этиладиган адабиётлар.

Асосий адабиётлар.

1. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, “Халқ сўзи” 1996 й. 16 сентябр.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Тошкент 1998 й.
3. «Янги ҳисобварақлар режаси» (лойиха) 1999 йил 2 апрел Ўз. Р. Молия вазирлигининг 84-сонли буйруғи.
4. «Йиллик (чорак) ҳисобот шаклларини тўлдириш тартиби тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 1997 йил 15 феврал 5-сонли Йўриқномаси.

5. “Юридик шахсларда касса ва касса муомалаларини юритиш коидаси” Ўзбекистон Марказий банки (1998 йил 24 январ 46- сон).
6. Умарова М. Эшбоев Ў. Ахмаджонов К. “Бухгалтерия ҳисоби” Тошкент “Меҳнат” 1999 йил.
7. Иткин Ю.М. Сотиволдиев А.С. “Бухгалтерский учет в условиях рыночной экономики Республики Узбекистан” Ассоциация Бухгалтеров и аудиторов, Т. 2000 г. 1-2 том.
8. А.С. Сотиволдиев, Ю.М. Иткин. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий Ассоциацияси, Т.:2002, 1-2 томлар.
9. Заработная плата на предприятии /Хасанов Н.А., Хайдаров Ш.У., Югай Л.П. –Т.:Издательский дом «Мир экономики имтиёз права», 2003. -288с.
10. А.Иброхимов, А.Каримов "Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби". Тошкент "Узбекистон" 1999 йил.
11. М.Умарова, У. Эшбоев, К Ахмаджонов "Бухгалтерия ҳисоби" Тошкент "Меҳнат"- 1999 йил.
12. Қодирхонов С.Б. "Чет эл фирмалари бошқарув ҳисобини юритиш асослари" ТДИУ (ўқув-услугий қўлланма-1995 йил).
13. Ф.А. Ҳуломова. Бухгалтерия ҳисоби бўйича мустақил ўрганиш учун қўлланма/. «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2000. -368б.
14. Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби. Т.: «Академия нашриёти», 2002, 176 б.
15. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий Ассоциациясининг тўпламлари. Т.: -2002 -190 б.
16. Э.Гадоев, Л.Югай. Бухгалтерия ҳисоби: Саволлар ва жавоблар. (капитал, асосий воситалар, меҳнатга ҳақ тўлаш, ишлаб чиқариш захиралари БК/5) –Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1996. -304 б.
17. Э.Гадоев ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. (Таъсис хужжатлари ҳисоб шакллари, хужжатлар айланиши БК/4) савол ва жавоблар. –Т.: «Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси, 1996. -256 б.
18. И.А.Завалишина. «Практическое налогообложение», Издательский дом «Мир экономики имтиёз права». –Т.: -2003 -430 с.
19. Бухгалтерский учёт на предприятиях на основе измененного План счетов, вводимого с 2004 года. Ч.1./Справочное пособие// Сост.:Д.И.Шаулов, У.Т.Кан. – 2-е изд.,Т.: Издательский дом, «Мир экономики и права», 2003. -304с.
20. Бобожонов О., Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб,-Т.: 2003, «Меҳнат».

Қўшимча адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари. Ахборотнома 1999-2000 йил сонлари.
2. "Бозор пул ва кредит" журнали 1998-2003 сонлари.
3. "Управленческий учёт" (под ред. В. Паляя), Москва ИНФРА-М, 1997 год.
4. "Бухгалтерский учёт для предпринимателей". Ф.Вуд. Москва ООО Аскери 1996 год.
5. "Солиқ тўловчининг журнали" 2000-2003йил сонлари.
6. "Ўзбекистон Республикасининг Молиявий қонунлари" 2000-2003 йил сонлари.
7. "Солиқ ва божхона хабарлари" газетасининг 1999-2003 йил сонлари.
8. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» даврий журнали 2000-2003 йил сонлари.

9-БОБ. МОЛИЯВИЙ ҚЎЙИЛМАЛАР ҲИСОБИ.

9.1. Бозор иқтисодиёти шароитида молиявий қўйилмаларнинг аҳамияти ва ҳисобнинг вазифалари

Молиявий қўйилма-бу корxonанинг қимматли қоғозларни сотиб олиш учун қилган харажатлари, яъни пул маблағларини қўшма корxonалар, акционер жамиятлари, ширкатларнинг асосий воситалари, номоддий ва бошқа активларига қўшиши, шунингдек, бошқа корхона ва ташилотларга қарз бериш тарзида берилган дебитор қарзлардир.

Муддатига қараб молиявий қўйилмалар қисқа муддатли (бир йилгача муддатга қўйилган) ва узоқ муддатли (бир йилдан ортиқ муддатга қўйилган) бўлади. Бундан ташқари молиявий қўйилмаларни у ёки бу категорияга ўтказиш қимматли қоғозларни сотиб олиш мақсадига боғлиқ. Масалан, бир йил ичида ундан фойда олиш ва қайтадан сотиш мақсадида сотиб олинган, қайтариш муддати бир йилдан ортиқ бўлган акция ёки облигациялар қисқа муддатли қўйилмаларга киради.

Молиявий қўйилмалар содир бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиб олинган акциялар, турли сертификатлар, облигациялар, амалга оширилган қўйилмалар суммасига берилган гувоҳномалар, қарз бериш бўйича шартномалар ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъектнинг амалга оширган қўйилмаларига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлари олинмаган молиявий қўйилмалар маблағлари алоҳида ҳисобга олинади. Қимматли қоғозлар сотилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларга облигациялар ва берилган қарзларни қайтарилганини тасдиқловчи олди – сотди далолатномаси, тўлов топшириқлари киради.

Улар бухгалтерия ҳисобида 5800-"Қисқа муддатли инвестициялар" баланс ҳисобварағининг оборот маблағлар сифатида қуйидаги тарзда акс этирилади:

- облигациялар, давлат ва маҳаллий қарз (заём)лар, турли хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорларнинг шунга ўхшаш қимматли қоғозларини олишга оид қисқа муддатли харажатлар ҳаракати ва қолдиқлар;
- банкнинг депозит счётларига ёки ўзга хил айти ўхшаш қўйилмаларга жалб қилинган пул маблағларининг ҳаракати ва қолдиқлари;
- жисмоний ва юридик шахсларга берилган қисқа муддатли пул ва ўзга хил қарз(заем)ларнинг ҳаракати.

Узоқ муддатли молиявий инвестициялар - бу узоқ муомала муддатига эга (12 ойдан ортиқ) активларнинг сотиб олинишига оид қўйилмалар (инвестициялар)дир. Улар бухгалтерия ҳисобида 0600 - "узоқ муддатли молиявий инвестициялар" баланс ҳисобварағида узоқ муддатли активлар

сифатида, куйидагиларни ҳисобга олган ҳолда акс эттирилади:

- бошқа акциядорлик жамиятлари акцияларига ва бошқа субъектларнинг, шу жумладан шуъба субъектларнинг устав капиталларига оид узоқ муддатли инвестицияларнинг мавжудлиги ва ҳаракати;
- давлат ва маҳаллий қарз (заём)лар облигациялар, сертификат ва тижорат банклари, хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлик тузилмаларининг шунга ўхшаш қимматли қоғозларига оид узоқ муддатли инвестициялар;
- субъектларга, ўзга хил тадбиркорлик тузилмаларига берилган узоқ муддатли ва бошқа қарз (заём)ларга оид қарзлар ҳаракати ва қолдиқлари.

9.2. Узоқ муддатли инвестицияларнинг таркиби. Қимматли қоғозлар, акциялар, облигациялар, заёмлар ва бошқалар

Ўзбекистон Республикасида бозор элементларининг ривожланиши асосий йўналишлар бўйича белгилаб олинган ҳамда шу йўл билан оғишмай амалга ошириб борилмоқда. Ҳозирги кунда иқтисодиётда фойдаланилмаётган айланма маблағларини айланишга жалб этиш ҳамда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш давр талаби бўлиб ҳисобланади. Бизнинг республикамизда қимматли қоғозларнинг ривожланиши Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқарилган қарорлар ва йўриқномалар ҳамда Марказий банк томонидан чиқарилган низомларда ўз аксини топган. Қимматли қоғозларни ривожлантириш учун фонд биражалари ташкил топган.

Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорининг муҳим бўғини давлат қисқа муддатли облигациялари бозори ҳисобланади. унинг юзага келишини Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 26 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида қисқа муддатли давлат облигацияларини чиқариш тўғрисида»ги қарори чиқиши билан боғлиқ деб ҳисоблаш мумкин, шундан кейин уч ойлик заём - қисқа муддатли облигациялар муомалага чиқарилган эди.

Давлат қисқа муддатли облигациялари юзага келиши билан тижорат банклари учун маблағларни қўйиш ва даромад олишнинг қўшимча усули, ҳукумат органлари учун эса давлат бюджети камомадини молиялашнинг ноинфляциявий усули пайдо бўлди.

Таъкидлаш лозимки, банкларнинг қимматли қоғозлар билан операцияларига маълум чекланишлар, масалан, банкнинг молиявий институтлардан ташқари хўжалик юритувчи субъектлар устав капиталининг 20 фоиздан ортиғига эга бўлмаслик; банкнинг олди-сотди учун нодавлат қимматли қоғозларга қўйилмаси хажми биринчи даражали банк регулятив капиталининг 25 фоиздан ошмаслик шартлари қўйилган. Ушбу чекланишлар банкларнинг таваккалчилигини камайтиришга, банк активларини диверсификациялашга, молиявий ва ликвидлик ҳолати белгиланган меъёрлар доирасидан чиқиб кетмаслигига, Якуний натижада эса банк омонатчилари ва кредиторларининг мол-мулкини ҳимоя қилишга қаратилган.

Ҳозирги вақтда банклар давлат қисқа муддатли облигациялари бозорининг энг фаол ва энг йирик қатнашчиларидир. Қимматли қоғозлар портфелини шакллантириш мақсадида тижорат банклари жалб қилган маблағларнинг 60 фоизга яқини давлат қисқа муддатли облигацияларига, қолган қисми - хўжалик юритувчи субъектлар акциялари ва облигацияларига тўғри келади.

Банкларнинг қимматли қоғозлар билан боғлиқ фаолияти таҳлили шуни кўрсатадики, амалдаги қонунчиликнинг баъзи номутаносибликлари мазкур бозор иштирокчиларининг фаоллигини оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, «Тошкент» Республика фонд биржасида «акциялар котировкаси» етарли даражада шаклланмаган айни вақтда акциялар муомалага номинал қиймати бўйича киритилиб, акцияларга ҳақ тўлаш йилнинг турли даврларида амалга оширилсада, дивидендлар бир хил тўланиши акциялар учун дастлабки

даврдa ҳақ тўлаган акциядорларнинг ҳуқуқларига зид келиш муаммосини юзага чиқармоқда. Акциялар муомалага киритилиш вақтида йиллик дивиденд тўлашнинг тахминий ҳисобидан келиб чиққан ҳолда, эмитент томонидан акция номинал қийматига «қўшимча қиймат» билан ҳисобланган нархда сотилиши «ўз акциялари нархини котировкалaш» деб ҳисобланади. Қонунчилик талабларига мувофиқ нархларни эмитентларнинг ўзлари котировкалашига йўл қўйилмайди.

Ҳукуматимиз томонидан қимматли қоғозлар эгаларига доир қўйилаётган имтиёзлар инвесторларнинг ушбу бозорга бўлган қизиқишини оширмоқда. Хусусан, 2001 йилнинг 22 июнида қабул қилинган «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга дойр қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорга мувофиқ аҳолининг омонат (депозит) сертификатлардан олинган даромадлари солиқдан озод этилиши фақат банклар томонидан эмиссия қилинадиган қимматли қоғоз - депозит сертификатларнинг муомалада кўпайишига ижобий таъсир этди.

2001 йилда тижорат банкларининг 2,5 млрд. сўмлик омонат (депозит) сертификатлари давлат рўйхатига олинди. Омонат (депозит) сертификатлари бўйича даромадлилик даражаси муомалада мудати ва сотиб олинadиган қийматидан келиб чиқиб, йиллик 84 фоизгача белгиланган.

Омонат касса сертификатлари - бу қимматли қоғознинг шундай бир турики, у эгасига омонат кассага сақлаш ёки фойдаланиш учун вақтинча пул қўйиш ҳуқуқини беради. Белгиланган муддат ўтгандан кейин қоғоз эгаси пулни ҳамда пулдан фойдаланганлиги учун маълум миқдорда фоиз олади.

Қимматли қоғозлар Марказий банк томонидан ишлаб чиқилади ва муомалага қўйилади. Муомалага қўйилишда иқтисодиётнинг тўлов қобилияти ҳамда уларнинг фаолияти бўйича ўрганилиб нақд шаклдаги қимматли қоғозларга ва нақдсиз шаклдаги қимматли қоғозларга бўлинади. Ҳозирги кунда бизда асосан нақдсиз шаклдаги қимматли қоғозлар ривожланмоқда.

Қимматли қоғозлар бозорига оид атамалар луғатида сертификатларга куйидагича таъриф берилган:

Депозит сертификатлари - бу пул маблағлари омонатга қўйилганлиги тўғрисидаги, омонатчи ёки унинг ҳуқуқий ворисининг белгиланган муддат тугаганидан кейин омонат суммасини ва унга тегишли фоизларни олишга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи банк-эмитент гувоҳномасидир.

Сертификатларнинг икки тури мавжуд: 1) хўжалик юритувчи субъект учун; 2) аҳоли учун.

Жамғарма банки аҳоли ўртасида сотиш учун сертификатлар чиқаради; махсус ва тижорат банклари эса хўжалик юритувчи субъектлар учун сертификатлар чиқариш ҳуқуқига эга.

Тижорат банклари векселлар бозори, депозит бозори ва жамғарма сертификатларини шакллантириш 1994 йил охири 1995 йил бошида уларни чиқариш ва муомалада бўлишини тартибга солишга дойр ҳужжатлар туплами қабул қилиниши билан амалга оширила бошлади.

1995-1996 йилларда тижорат банклари ва йирик хўжалик юритувчи

субъектлар ўртасида вексел шов-шуви кўзатилди. Республикада вексел муомаласини тартибга солувчи меъёрий ва қонуний ҳужжатлар туплами қабул қилинган эди.

Мунтазам нотўловлар шароитида хўжалик субъектлари уларга ўтиш даврида кўпгина қийинчиликлардан кўтилиши воситаси сифатида қарадилар. Лекин вексел муомаласи шов-шув босқичидан ўтиб, аста-секин сўна бошлади. Бу бирмунча даражада вексел кредитларининг қайтарилмаганлиги, уларнинг аниқ белгиланган мақсадсиз ишлатилиши ва бошқа суистеъмолликлар билан боғлиқ бўлди. Вексел муомаласини давлат томонидан тартибга солиш жараёни, меърий-ҳуқуқий базада мослашувчан ўзгаришлар қилиш воситасига биноан кечмоқда.

Ўтиш даври иқтисодиёти шароитида бир қанча ҳолатларга кўра, қимматли қоғозларнинг кўпгина истикболли имкониятларидан фойдаланилмаслиги мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1997 йил 29 мартда тасдиқланган ««Векселлар чиқариш ва уларнинг муомалада бўлиши қоидалари» га ўзгаришлар ва қўшимчалар»да векселлардан хўжалик оборотида фойдаланиш чекланади. Шундай қилиб тижорат банклари томонидан вексел кредитлари берилиши вақтинча тўхтатилган, векселларни траст бошқарувига бериш ҳам тақиқлаб қўйилган. Катта ишончлилиқ ва кафотланиш мақсадида ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг вексели банк томонидан кафолатланган бўлиши, яъни аваллаштирилиши лозим. Авални мажбурий тарзда расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банклари томонидан вексел кафолатномасини расмийлаштириш тартиби» тўғрисида 1997 йил 29 мартдаги хати билан амалга киритилган. Тижорат банклари учун бу қўшимча таваккалчилиқ билан боғлиқдир. Векселлар 12 та тижорат банклари томонидан чиқарилган, бироқ юқорида кўрсатилган сабабларга кўра, векселларни чиқариш тўхтатилган.

Акция - акционерлик жамиятининг устав фондига юридик ёки жисмоний шахс муайян ҳисса қўшганидан гувоҳлик берувчи, акция эгасининг мазкур жамият мулкидаги иштирокини тасдиқловчи ҳамда унга дивиденд олиш ва қоида тариқасида ушбу жамиятни бошқаришда қатнашиши ҳуқуқини берувчи, амал қилиш муддати белгиланмаган қимматли қоғоздир.

Акция акционерлик жамиятлари, хўжалик юритувчи субъект, ташкилотлар, тижорат банклари ва кооперативлар томонидан муомалага чиқарилади. Акция ўз эгасига хўжалик юритувчи субъект оладиган фойданинг бир қисмини дивиденд тариқасида олиш ҳуқуқини беради. Акцияларнинг қуйидаги турлари чиқарилади:

- меҳнат жамоаларининг акциялари;
- акциядор жамиятларнинг акциялари;
- корхона акциялари.

Меҳнат жамоаларининг акциялари хўжалик юритувчи субъект, бирлашма, кооперативлар, ижара асосида ишлайдиган бошқа хўжалик юритувчи субъект ва ташкилотлар томонидан чиқарилиб, шу меҳнат жамоалари

аъзоларигагина сотилади.

Акционерлик жамиятларнинг акциялари шу жамият аъзолари ўртасида тарқатилади. Бу акция эгаларининг бошқа акция эгаларидан фарқи шундаки, акционерлик жамияти тарқатиб юбориладиган бўлса, унинг мол-мулки жамият аъзолари ўртасида тақсимланади. Акционерлик жамиятида акциялар чиқариш унинг устав фонди миқдорида амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъект акциялари хўжалик юритувчи субъект, ташкилот, кооперативлардан ташқари, тижорат банклари, хўжалик жамиятлари ва иттифоқлари, хўжалик ассоциациялари томонидан чиқарилади. Бу хўжалик юритувчи субъект акциялари бошқа хўжалик юритувчи субъект ва ташкилотлар, ихтиёрий тарзда тўзилган жамиятлар, банклар ҳамда кооперативларга тарқатилади.

Акцияни унинг эгаси мерос қилиб хоҳлаган одамига қолдириши ёки тақдим этиши мумкин. Акция шахсий мулк ҳисобланади. Акцияни гаров воситаси сифатида ишлатиш мумкин. Акцияни хоҳлаган пайтда ўз қиймати ёки ўз қийматидан юқори нархда сотиш мумкин. Акциянинг бу хусусиятларини яхши билган ривожланган хорижий мамлакатлар аҳолисининг кўпчилиги ундан унумли фойдаланмоқдалар ва кўшимча даромад олмақдалар. Улар қўлларига нақд пул тушса, кўшимча даромад манбаи бўлган қимматли қоғозларни сотиб оладилар.

Ўзбекистон Республикасида акцияни тури бўйича чиқариш тўзилмасида оддий акциялар кўпчилик қисмини ташкил этади. Имтиёзли акцияларни чиқариш сони ҳам, ҳажми ҳам кам. Бироқ улар барқарор даромад олинишини таъминлагани туфайли, жисмоний шахслар эътиборини кўпроқ жалб этади. Имтиёзли акцияларни чиқаришдаги қийинчиликлар ҳам облигацияларни чиқаришга боғлиқ сабабларга ўхшашдир.

Қимматли қоғозлар бозори бизнинг иқтисодиётимизда кундан-кунга ривожланиб бормоқда. У қарздор ёки қарз берувчининг мажбуриятлари сифатида ифодаланадиган, уларга берилган муайян шаклдаги - қимматли қоғозлар деб аталадиган ҳужжатлар билан тасдиқланадиган мулкый муносабатларни назарда тутди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси бозорида 4 хилдаги қимматли қоғозлар мавжуд:

Давлатнинг 12 фоизли ички заёми ёки давлатнинг хазина мажбуриятлари.

Давлатнинг қисқа муддатли облигациялари.

Тижорат банкларининг депозит сертификатлари.

Акциядорлик жамиятлари, шу жумладан хусусийлаштирилган Давлат корхоналарининг акциялари.

Давлатнинг хазина мажбурияти - бу қимматли қоғозларнинг шундай бир турики, у ушбу қоғоз эгасига маълум суммадаги пул маблағини бюджетга топшириш ва бунинг эвазига маълум суммада даромад олишни таъминлайди. Давлат хазина мажбуриятлари 3 хил бўлади:

- узоқ муддатли хазина мажбуриятлари;
- ўрта муддатли хазина мажбуриятлари;

- қисқа муддатли хазина мажбуриятлари.

Узоқ муддатли хазина мажбуриятлари давлат томонидан 5 йилдан 25 йилгача муддатга чиқарилади. узоқ муддатли хазина мажбуриятларини сотиш қийматини белгилаш тартиби Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Хазина мажбурияти бўйича даромад тўлаш қоғоз сотиб олинган кейин бир йил ўтгандан сўнг амалга ошира бошланади, бунда мажбуриятни қайтариш маълум миқдорда фоиз тўлаш билан амалга оширилади.

Ўрта муддатли хазина мажбуриятлари 1 йилдан 5 йилгача муддатда, қисқа муддатли хазина мажбуриятлари эса 3, 6, 12 ой муддатга чиқарилади. Бу қимматли қоғозларнинг кесиб олинган бўлаги (аукцион) бўлмайди.

Облигация - бу қимматли қоғозларнинг бир тури бўлиб, ўз эгасига белгиланган маълум муддатда унинг қийматини қайтариб олиш ҳуқуқини беради. Қиймати қайтарилиши билан бирга белгиланган миқдорда фоиз ҳам тўланади. Облигациянинг ҳамма турлари хўжалик юритувчи субъект ва аҳоли ўртасида ихтиёрий равишда тарқатилади.

Қимматли қоғозлар бозорига оид атамалар луғатида облигацияга қуйидагича таъриф берилган:

Облигация - унинг эгаси пул маблағлари берганлигини тасдиқ этувчи ва қимматли қоғозларнинг белгиланган қийматини уларда кўрсатилган муддатда, қайд этилган фоиз тўланган ҳолда, башарти облигацияларни чиқариш шартларида ўзгача қоидалар назарда тўтилмаган бўлса, доплат мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғоздир.

Облигациянинг қуйидаги турлари чиқарилади:

- ички давлат заём облигациялари;
- хўжалик юритувчи субъект облигациялари.

Облигацияларнинг ҳамма турлари пул кўринишида тўланади, айрим ҳоллардагина чет эл валютаси кўринишида тўланиши мумкин. Хўжалик юритувчи субъектлар облигацияларни хўжалик юритувчи субъект маблағи, жисмоний шахслар (фуқаролар) эса ўз шахсий маблағлари ҳисобидан сотиб оладилар. Давлат заём облигацияларини сотишдан олинган маблағ республика бюджетига ҳамда маҳаллий бюджетларга ўтказилади.

Заём облигациялар банклар томонидан тарқатилади. Облигациялар бўйича даромад аукцион, яъни қимматли қоғозларнинг кесиб олинган бўлаги ёки заём қиймати қайтарилаётган вақтда қийматига нисбатан маълум миқдорда фоиз ҳисоблаш йўли билан тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тижорат банкларига лицензия бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш департаментининг маълумотларига қараганда, кўпгина тижорат банклари бугунги кунда акциядорлик банкларидир. Банк акциядори иқтисодиётнинг у ёки бу соҳасидаги бозор талаби ва таклифи тебранишларидан маълум даражада кафолатланган бўлади. Чунки, банк ўзи маблағ қўяётган тармоқларнинг аҳолини кўзатиб боради ва имкони борича ўз портфелини диверсификация қилади. ўзоқ муддатли мақсадларни амалга ошириш учун инвестицияларни йирик ва ўрта тижорат банклари акцияларига қўйиш кўпроқ самара беради. Ўзбекистонда бугунги кунда Пахтабанк ва

Саноатқурилишбанк каби йирик банкларнинг акциялари энг кўп оммалашгандир. Ҳозирги вақтда улар ишининг самарадорлиги бирмунча юқоридир. Давлат муассасаларидан тўзилган банкларнинг кўпчилиги очик турдаги акциядорлик жамиятлар ҳисобланади. Бу ҳол уларга бўлган ишонч даражасини оширади, уларга ўз маблағи ва жалб этилган маблағлари ҳажмини доимий равишда ошириб боришга, фаол кредит сиёсатини амалга оширишга имкон беради.

Қимматли қоғозлар муомаласи деганда уларни сотиш ёки харид қилиш, шунингдек, қонунчиликда назарда тўтилган қимматли қоғозлар эгасининг алмашувига олиб келувчи бошқа ҳаракатлар тутунилади.

Қимматли қоғозлар дастлабки ва иккиламчи бозорларда муомалада бўлади.

Дастлабки бозор - бу қимматли қоғозларни биринчи ва қайта эмиссиялари бозори бўлиб, унда сармоядорлар ўртасида қимматли қоғозларни дастлабки жойлаштирилиши амалга оширилади.

Дастлабки бозорнинг энг муҳим вазифаси сармоядорларга пул маблағларини харажатлаш учун қимматли қоғознинг турини асосли равишда танлашга имконият яратувчи ахборотларни тўлиқ равишда очиб беришдан иборатдир.

Иккиламчи бозор деганда, илгари дастлабки бозорда жойлаштирилган қимматли қоғозларни муомалада бўлиши тушунилади.

Иккиламчи бозорнинг асосий вазифаси қимматли қоғозларнинг сотувчиларини ва харидорларини бир-бири билан учраштириш ҳамда капитални самарали фаолият доирасига эркин ва тез қўйилишини таъминлашдан иборатдир.

Қимматли қоғозлар биржа ва нобиржа (кўча) бозорларида муомалада бўладилар.

Биржа бозори фонд биржаси тушунчасини ўз ичига олади. Фонд биржаси - бу махсус уюшган бозор бўлиб, унда энг сифатли қимматли қоғозлар муомалада бўлади ва қимматли қоғозлар билан амалларни мазкур биржада қимматли қоғозлар бозорнинг профессионал қатнашчилари амалга оширади.

Нобиржа бозори эса фонд биржасидан ташқарида юзага келадиган қимматли қоғозлар билан амаллар қилишни ўз ичига олади.

Бозорнинг ривожланиши ҳозирги кунда хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзларида акцияларни чиқариши ва акция бозорининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшишдан иборатдир. Акция чиқариш учун хўжалик юритувчи субъектлар устав капиталидаги маблағларнинг ҳолати бўйича акция чиқариш ҳуқуқига эгадир. Акцияларни сотишда хўжалик юритувчи субъект ва ташкилотлар фонд биржаларига мурожаат қилишса мақсадга мувофиқ бўлади.

Қимматли қоғозлар бозорини ташкил қилишда асосий ролни банклар орқали назорат қилиш мақсадга мувофиқдир. Бундай назорат турининг ривожланиши натижасида ривожланган мамлакатлар тажрибаларида ижобий натижаларга эришилган. Ҳозирги компьютерлаштирилиган даврда интернет тизими орқали жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида қимматли

қоғозларнинг ривожланиб бориши асосий кўзга ташланиб турибди.

Қимматли қоғозларни бизнинг республикамызда муомалага чиқариш ҳозирги кунда Марказий банк томонидан амалга оширилади. Амалиёт ўташ жараёни шуни кўрсатдики, ҳозирги пайтда республикамызда айрим йирик хўжалик юритувчи субъектларда ҳисоб-китоб муаммолари вужудга келмоқда. Буни олдини олишда бизнинг фикримизча Марказий банк билан Молия вазирлиги келишилган ҳолда молиявий жихатдан барқарор бўлган хўжалик юритувчи субъектларга мустақил равишда муомалага тўлов воситаси сифатида қимматли қоғозларни чиқариш зарур.

Молиявий инвестицияларнинг тахлилий (тафсилий) ҳисоби қимматли қоғозлар турлари ва инвестиция объектлари (қимматли қоғозларни сотувчи хўжалик юритувчи субъектлар, хўжалик юритувчи субъект иштирокчиси бўлган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар, қарз олувчи хўжалик юритувчи субъектлар ва ҳоказо) бўйича юритилади. Молиявий инвестицияларга оид харажатларни 0600 - «Узоқ муддатли инвестициялар», 5800 - «Қисқа муддатли инвестициялар» счётлари дебети бўйича пул маблағлари ва инвестициялар сифатида берилган бошқа мол-мулкларни ҳисобга олиш счётлари билан корреспонденцияда акс эттириш лозим.

9.3. Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобини ташкил қилиш.

Мамлакатимиз ҳудудида ва хорижда тўзилган бошқа корхоналарнинг қимматбаҳо қоғозларига, авлод, қўшма, уюшган корхоналарнинг устав капиталлари (фондлари)га узоқ муддатли қўйилмалар (инвестициялар)нинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

0610 – “Қимматбаҳо қоғозлар”;

0620 – “Шуъба корхонага инвестиция”

0630 – “Қарам бўлган жамиятларга инвестициялар”;

0640 – “Қўшма корхоналарга инвестициялар”;

0690 – “Бошқа узоқ муддатли инвестициялар”.

Активларни инвестицияларга киритиш тартиби ва уларнинг турлари 12-сон “Молиявий инвестициялар ҳисоби”, 8-сон “Консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботлар ва авлод хўжалик жамиятларига инвестициялар ҳисоби”, 14-сон “Молиявий ҳисоботда қўшма фаолиятда қатнашиш улушини акс эттириш” номли Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БХМС) билан тартибга солинади.

Молиявий инвестициялар - бу фоизлар, дивидентлар, роялти ёки ижара ҳақи, инвестицияланган томондан бошқа тушумларни олиш мақсадида хўжалик юритувчи субъект ихтиёридаги активлардир.

Узоқ муддатли инвестициялар – бу муддати 12 ойдан ортиқ бўлган барча инвестициялардир.

0610 – “Қимматли қоғозлар” счётида давлатнинг фоизли облигацияларига ва маҳаллий заём (қарз)ларга, акционерлик жамиятларининг акцияларига ва бошқа қимматбаҳо қоғозлари (акционер, фьючерслар, депозит сертификатлари ва бошқалар)га узоқ муддатли молиявий қўйилма(инвестиция)ларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади.

Масалан: Сотувчи – корхонага асосий воситаларни бериш йўли билан қимматбаҳо қоғозларнинг сотиб олинishi.

Дебет – 0610, кредит – 9210.

Хўжалик юритувчи субъект бошқа корхоналардан қимматбаҳо қоғозлар сотиб олди:

Дебет – 0610, кредит – 5010 (5110, 5210).

0620 – “Шуъба корхоналарга инвестиция”, 0630 – “Қарам бўлган жамиятларга инвестициялар” “Қўшма корхоналарга инвестициялар”, 0640 – “Қўшма корхоналарга инвестициялар”, счётларида, мувофиқ ҳолда, авлод, қўшма ва ассоциациялашган корхоналарга ҳамда қарам бўлган жамиятларга узоқ муддатли инвестицияларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади.

0690 – “Бошқа узоқ муддатли инвестициялар” счётида давлат корхоналарига ёки бошқа хайрия, экология жамиятларига келажакда молиявий наф олиш мақсадида қилинган узоқ муддатли инвестициялар ҳисобга олинади.

Шундай қилиб, облигацияни ўзиш (қайтариш) муддати етиб келганда уни чиқарган ташкилотга белгиланган қийматда топшириш имконияти яратилади. Бунинг учун облигация ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш қиймати

билан белгиланган қиймат ўртасидаги фарқ шундай амортизацияланган бўлиши керакки, уларни ўзиш муддати етиб келишига баланс қиймати белгиланган қиймати тенг бўлсин.

“Узоқ муддатли инвестициялар” счётида ҳисобга олинган қимматли қоғозларнинг ўзилиши (сотиб олинishi) ва сотилиши “Бошқа активларни тугатилиши” счётининг дебитида ва “Узоқ муддатли инвестицияларлар” счётининг кредитида акс эттирилади.

Бошқа корхоналарга узоқ муддатли молиявий қўйилмаларни асосий восита шаклида киритилган бўлса, 9210 – “Асосий воситаларни тугатилиши” счёти кредитланади, 0610/90 “Узоқ муддатли инвестициялар” счёти дебетланади, агар номоддий активлар, ТМЗлар сарф қилинса, 9220 – “Бошқа активларни тугатилиши” счётида кредитланади.

Масалан:

1. Хўжалик юритувчи субъект акционерлик жамиятидан ҳар бири 50 000 сўмдан 5 та акция сотиб олинди.

Дебет. 0610 – “Қимматбаҳо қоғозлар” – 250 000 сўм.

Кредит. 5110 – “Ҳисоблашиш счёти” – 250 000 сўм.

2. Акционерлик жамияти шуъба корхонадан 10 000 сўмдан 50 та акция сотиб олди. Акционерлик жамияти акцияга тўлов сифатида 300 000 сўмга баҳоланган ердан фойдаланиш ҳуқуқини берди ва ҳисоб-китоб счётидан 200 000 сўм пул ўтказди.

Дебет. 0610 – “Қимматбаҳо қоғозлар” – 500 000 сўм.

Кредит. 0440 – “Ер майдонлари ва табиий бойликлардан фойдаланиш ҳуқуқи” – 300 000 сўм.

Кредит. 5110 – “Ҳисоб- китоб счёти” – 200 000 сўм.

3. Номинал қиймати 500 000 сўмлик облигация 438 000 сўмга олинди. Комиссион тўлов 2000 сўм. Облигацияларни ўзиш муддати 20 ойдан сўнг. Ҳеч қандай оралиқ фоиз тўловлар кўзда тутилмаган. Фоиз сифатида ҳар ойда муайян тарзда 3 000 сўм $((500\ 000 - 438\ 000 - 2\ 000) : 20 = 3\ 000\ \text{сўм})$ тўланади.

Облигацияларни сотиб олиш:

Дебет. 0610 – “Қимматбаҳо қоғозлар” – 438 000 сўм.

Кредит. 5110 – “Ҳисоблашиш счёти” – 438 000 сўм.

Комиссион тўлов:

Дебет. 0610 – “Қимматбаҳо қоғозлар” – 2 000 сўм.

Кредит. 5110 – “Ҳисоблашиш счёти” – 2 000 сўм.

Ҳар ойда фоиз сўммаси даромадга ўтказилади. 20 ойдан сўнг фойдага умумий суммада 60 000 сўм ўтказилади, облигацияларнинг сотиб олиш қиймати эса унинг номинал қийматига тенглашади.

Дебет. 0610 – “Қимматбаҳо қоғозлар” – 2000 сўм.

Кредит. 9560 – “Қимматбаҳо қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар” – 3 000 сўм.

Облигацияларни сўндириш:

Дебет. 5110 – “Ҳисоблашиш счёти” – 500 000 сўм.

Кредит. 9220 – “Бошқа активларни тугатилиши” 500 000 сўм.

Сўндирилган облигацияларнинг баланс қиймати ёзилади:

Дебет. 9220 – “Бошқа активларни тугатилиши” – 500 000 сўм.

Кредит. 0610 – “Қимматбаҳо қоғозлар” – 500 000 сўм.

Унда облигацияларни ўзиш бўйича фойда ёки зарар кўрсатилади, лекин ҳақиқатда корхона ҳисоб-китоб счётига облигацияларнинг номинал қиймати келиб тушганда сарфланган маблағдан 60 000 сўм кўп олди. Бу даромад мазкур 20 ойнинг молиявий натижаларида акс эттирилди, лекин ҳақиқатда бу даромад фақат 20 ойлик муддат охирида келиб тушган. Юқоридаги операцияларни счётларда акс эттириш методикасига тузатиш киритиш зарур. Жаҳон амалиётида қабул қилинган тамойилларга кўра бу операцияни счётларда қуйидагича акс эттириш зарур.

Ҳар ойда облигациялар бўйича фоиз ўтказилади. 20 ойдан сўнг облигациялар нархи унинг номинал қийматига тенглашади.

Дебет. 0610 – “Қимматбаҳо қоғозлар” – 3 000 сўм.

Кредит. 6230 – “Муддати узайтирилган даромадлар” – 3 000 сўм.

20 ойдан сўнг облигацияларни сўндиришга 500 000 сўм келиб тушди.

Дебет. 5110 – “Ҳисоблашиш счёти” – 500 000 сўм.

Кредит. 9220 – “Бошқа активларни тугатилиши” – 500 000 сўм.

Сўндирилган облигацияларнинг баланс қиймати қайд этилди:

Дебет. 9220 – “Бошқа активларни тугатилиши” – 500 000 сўм.

Кредит. 0610 – “Қимматбаҳо қоғозлар” – 500 000 сўм.

Ўтказилган фоиз суммаси ҳисобот даври молиявий натижаларига ўтказилади:

Дебет. 83 – “Муддати узайтирилган даромадлар” – 60 000 сўм.

Кредит. 9560 – «Қимматбаҳо қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар» – 60 000 сўм.

Умуман, янги счётлар режаси бўйича корхона томонидан харид қилинган акциялар, облигациялар ва бошқа шунга ўхшаш қимматбаҳо қоғозларнинг харид қилиш қиймати уларнинг номинал қийматидан юқори бўлса, у ҳолда уларнинг ҳар бири бўйича тегишли даромадни ҳисоблашда харид ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ ҳисобдан чиқарилади. Бунда 4830 – “Олинадиган фоизлар” ёки 4840 – “Олинадиган дивидендлар” (қимматбаҳо қоғозлар бўйича олинадиган даромад суммасига) счётларининг дебети ва 0610 – “Қимматбаҳо қоғозлар” (харид ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ суммасига), 9520 – Дивидендлар кўринишидаги даромад” (4830 – “Олинадаган фоизлар” ёки 4840 – “Олинадиган дивидендлар” счётларидаги суммалари ўртасидаги фарққа) счётларининг кредити бўйича ёзувлар амалга оширилади.

Агар корхона томонидан сотиб олинадиган облигациялар ва бошқа шунга ўхшаш қимматбаҳо қоғозларнинг харид қилиш қиймати уларнинг номинал қийматидан паст бўлса, у ҳолда уларнинг ҳар бири бўйича даромадни ҳисоблашда харид ва номинал қиймат ўртасидаги фарқ суммасига етказиб қўйилади. Бунда 4830 – “Олинадиган фоизлар” ёки 4840 – “Олинадиган дивидендлар” (қимматбаҳо қоғозлар бўйича олинадиган даромад суммасига) счётларининг дебети ва 0610 – “Қимматбаҳо қоғозлар” (харид ва номинал

қиймати ўртасидаги фарқ суммасига) счётининг дебети ҳамда 9520 – “Дивидендлар кўринишидаги даромад” (4830 – “Олинадиган фоизлар” ёки 4840 – Олинадаган дивидендлар”счётларидаги умумий суммага) счётларининг кредити бўйича ёзувлар қилинади.

Юқорида кўрсатилган иккала ҳолда ҳам:

-қимматбаҳо қоғозлар бўйича корхонага тегишли бўлган даромадни ҳисоблашда ҳисобдан чиқариладиган (қўшиб ёзиладиган) харид ва номинал қиймат ўртасидаги фарқ умумий фарқ суммасидан ва қимматбаҳо қоғозлар бўйича даромад тўлашнинг ўрнатилган даврийлигидан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

-қимматбаҳо қоғозларнинг сўндириш муддатига улар 0610 – “Қимматбаҳо қоғозлар” счётида ҳисобга олинган баҳо билан номинал қийматга мувофиқ келиши керак.

Узоқ муддатли инвестицияларни сўндириш ва уларнинг сотилиши 9220 – “Бошқа активларнинг тугатилиши” счётининг дебети ва узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи тегишли счётларнинг кредити бўйича акс эттирилади.

0610 – 0690 счётлари бўйича аналитик ҳисоб узоқ муддатли молиявий қўйилмалар турлари ва объектлари бўйича (сотувчи корхоналар, қимматбаҳо қоғозлар, авлод, қўшма ва уюшган корхоналар, қарам бўлган жамиятлар ва корхона иштирокчиси ҳисобланган бошқа корхоналар ва бошқалар бўйича) юритилади. Бунда аналитик ҳисобнинг тўзилиши мамлакат ҳудудидаги ва хориждаги объектларга узоқ муддатли молиявий қўйилмалар тўғрисидаги маълумотларни олиш имконини таъминлаш керак.

Уюшган облигацияларни сотишдан тушган даромад у ҳақиқатда корхонага келиб тушган ҳисобот даври бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши керак. Узоқ муддатли облигациялар операциялари бўйича зарарлар, қачонки реал харажатлар облигацияларнинг номинал қийматидан ошиб кетса, облигациялар айланиши муддати бўйича тақсимланади ва тенг қисмда ҳар ой корхона зарарига ўтади.

Лекин бундай операциялар корхона учун зарар келтиради, шунинг учун унга йўл қўймаслик керак.

Узоқ муддатли облигациялар кўпинча қирқма томон билан чиқарилади, улар бўйича облигациялар муомала муддати давомида даврий тарзда фоиз тўлаб турилади. Бундай ҳолларда облигацияларнинг харид ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ ҳар гал корхонага тегишли фоиз даромадлари ўтказилганда қайд этилади. Агар облигацияларнинг харид қилиш нархи унинг номинал қийматидан ортиқ бўлса, ҳар бир ўтказилган фоиз даромадлари қиймати облигацияларнинг номинал қийматидан ошган қийматни сўндириш ҳисобига камаяди.

Масалан:

Хўжалик юритувчи субъект ўзига тегишли қимматбаҳо қоғозларнинг номинал ва харид қийматлари ўртасидаги фарқни акс эттириши. Номинал қиймати – 40 000, харид қиймати – 38 200.

Дебет. 0610; Кредит. 5110. -38200 сўм

Йил охирида қимматбаҳо қоғозларнинг харид ва номинал қийматлари ўртасидаги фарқнинг (харид қийматидан юқори) акс эттирилиши:

Дт 0610 Кт 9560 1800

Қимматбаҳо қоғозларнинг камомати счётлар корреспонденциясида қуйидагича акс эттирилади:

Дт 5920 Кт 0610;

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида турли соҳаларга инвестициялар амалга оширилмоқда. Бу албатта иқтисодиётни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Хўжалик юритувчи субъект томонидан амалга оширилган қўйилмалар ҳам, бошқа активлар сингари бухгалтерия ҳисоби активи таркибига фақатгина бу маблағдан корхона иқтисодий фойда кўришга ишонч етарли бўлган ҳолда киритилиши керак. Бу халқаро ҳисоб стандартлари концепциясида қайд этилади. Бунинг учун фақатгина маблағларнинг мавжудлигига етарли асос бўла олмайди. Бу қилинган харажатлар келгусида корхонага фойда келтирилиши аниқ ишонч бўлиши зарур. Агар бундай ишонч бўлмаса, бундай харажатлар корхона учун актив эмас, балки зарарга айланади

9.4. Акцияларни сотиб олиш харажатлари ва молиялаштириш.

Қимматли қоғозлар харид қилиниши чоғида молиявий инвестициялар, брокерлик хизматига оид тўловлар, божлар, банк хизматига оид тўловлар ва бошқа харажатлар каби харид қилишга оид харажатлар билан биргаликда харид қилиш қиймати бўйича баҳоланадилар. Мисол учун: хўжалик юритувчи субъект «А» компаниянинг акциялар пакетини ёки номинал қиймати 20 минг сўм бўлган облигацияларни, «Б» компаниянинг номинал қиймати 17 минг сўм бўлган облигацияларини сотиб олди. Хўжалик юритувчи субъект «А» компаниясининг акциялари учун ҳақиқатда 25 минг ва брокерга комиссия ҳақи 0,5 минг сўм тўлаган. «Б» компаниясининг акциялари учун 15 минг ва комиссия ҳақи 0,7 минг сўм тўлаган. Мазкур ҳолатда молиявий инвестициялар қуйидагиларни ташкил этади:

Узоқ муддатли инвестициялар бўлса:

Дт 0610 Кт 5110 41200 сўм

А компанияси $25+0,5=25,5$ минг сўм

Б компанияси $15+0,7=15,7$ минг сўм

Харид қилинган баҳоси бўйича 41,2 минг сўм

А ва Б нинг номинал қиймати $20+17=37$ минг сўм.

Қисқа муддатли инвестициялар бўлса:

Дт 5810 Кт 5110

А компанияси = 24,5 минг сўм.

Б компанияси = 15,7 минг сўм.

Хўжалик юритувчи субъект амалга оширган узоқ муддатли инвестициялар 06 –счётнинг дебети бўйича ва ана шу қўйилмалар ҳисобига берилган бойликлар ҳисобга олинадиган счётларнинг кредити бўйича акс эттирилади. Масалан, хўжалик юритувчи субъектларнинг қимматли қоғозларини харид қилиш 0610 – счётнинг дебети бўйича ва 5110 — «Ҳисоб-китоб варағи», 5210 - «Валюта ҳисобварағи» счётлари ёки моддий ва бошқа бойликларни ҳисобга оладиган (агар қимматли қоғозларга ҳақ тўлаш моддий ва бошқа бойликларни (пул маблағларидан ташқари) сотувчи хўжалик юритувчи субъектга мулк қилиб бериш ёхуд фойдаланиши учун бериш йули билан амалга ошириладиган бўлса) бошқа счётларнинг кредити бўйича ўтказилади.

Хўжалик юритувчи субъект ўтказган, лекин ҳисобот даврида уларга хўжалик юритувчи субъектнинг тегишли ҳуқуқларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар (акциялар, облигациялар, бошқа хўжалик юритувчи субъектларга амалга оширилган омонатлар суммалари ҳақидаги гувоҳномалар ва бошқалар) олинган узоқ муддатли инвестицияларни 0610 – счётда алоҳида тарзда акс эттирилади.

0610 - «Қимматли қоғозлар» ҳисобварағида ҳисобга олинадиган қимматли қоғозларнинг баҳоси тўланиши (сотиб олиниши) ва сотилиши 9220 - «Бошқа активларнинг тугатилиши» ҳисобварағининг дебети ва 0610 – счётнинг кредити бўйича акс эттирилади.

Қисқа муддатли қимматли қоғозларни, яъни 5810 - «қимматли қоғозлар»

ҳисобварақнинг ҳисобини юритиш ҳам асосан 0610 — счётнинг ҳисобини юритишга ўхшашдир.

Инвестицияларнинг акциялар ёки бошқа қимматли қоғозлар эмиссияси йули билан қисман ёки тўлиқ харид қилиниши чоғида уларнинг номинал қиймати эмас, балки қимматли қоғозлар бозоридаги сотиш қиймати харид қилиш қиймати бўлиб ҳисобланади.

Инвестицияларнинг алмашлаш ёки бошқа активга қисман алмаштириш йули билан харид қилишда харид қиймати берилаётган активнинг бозор қийматига асосланган ҳолда аниқланади.

Молиявий инвестицияларнинг ўз ичига фоизлар улушини, ҳисобланган дивидендларни уларни сотиб олиш вақтигача бўлган давр учун бўлган қиймат бўйича сотиб олиниши харидор томонидан сотувчига тўланган фоизлар суммасини чиқариб ташланган ҳолда харид қилиш қиймати бўйича ҳисобга олинади. Агар молиявий инвестициялар (облигациялар) харид қилиш вақтига кадар ҳисобланган фоизлар билан биргаликда сотиладиган бўлса, у ҳолда уларнинг фоизларни тўлаш куни билан тўғри келмайдиган кунларда сотиб олиниши чоғида харид ва сотувчи ўзаро тегишли суммани бўлишиб олишлари керак. Харидор сотувчига инвестициялар қиймати билан бир қаторда уларнинг сўнгги тўлови амалга оширилган вақтидан бошлаб утган давр учун тўланиши лозим бўлган фоизларни тўлайди. Фоизларни тўлашнинг навбатдаги муддати келган вақтда харидор уларни тўлиқ жами давр учун олади.

Қимматли қоғозлар қуйидаги баҳоларда баҳоланади:

Номинал қиймати - қимматли қоғоз бланкасида кўрсатилган қиймат. Акцияларнинг номинал қийматидаги умумий суммаси ташкилотнинг устав капиталини ҳажмини кўрсатади.

Эмиссия қиймати - қимматли қоғозларни бирламчи жойлаштиришдаги сотиш нархи билан номинал қиймати орасидаги фарқи эмиссия даромадини ташкил этади.

Курс (бозор) қиймати - қимматли қоғозларни бозорда сотиладиган баҳоси.

Ликвидация (ҳисобдан чиқариш) баҳоси – тугатилаётган ташкилотларнинг мулкларини сотишдан олинadиган пулларни бир акцияга тўғри келадиган қиймати.

Акциянинг баланс қиймати — бу баланс бўйича аниқланадиган ўз маблағлар манбаини чиқарилган акциялар миқдорига тўғри келадиган қиймати.

Ҳисоб қиймати – ҳозирги вақтда ташкилотнинг балансида акс эттириладиган қийматдаги сумма.

Номинал қийматидан катъий назар бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг устав капиталига улушлар, шунингдек, олинadиган акциялар учун тўловлар тарафларнинг келишувига биноан ҳар қандай мол-мулкни бозор ёки шартнома баҳосида берилиши шаклида киритилиши мумкин.

Баҳолаш мустақил эксперт хулосаси билан тасдиқланади. Халқаро андозалар бўйича назорат мавжуд бўлган ҳоллардаги инвестициялар ҳисоби қуйидагича куриб чиқилади:

1. Акцияларга оид инвестициялар ҳақиқатдаги чиқимлар билан биргаликдаги қиймат асосида ҳисобга олинади;

2. Дивидендлардан олинган фойда уларнинг олинishi чоғида ишлатилади;

3. Баланс қиймати:

- қиймат бўйича;
- қайта баҳоланган қиймат бўйича ёки;
- биржадан айланувчи акциялар билан бўлган ҳолатда.

Жами пакетнинг ҳажмлари бўйича аниқланадиган харид қилиш баҳосининг ёки жорий нархлар қийматларининг энг кичиги бўйича ҳисобга олинади.

Узоқ муддатли инвестицияларнинг баланс қиймати, агар ҳисобот даври вақтига келиб қимматли қоғозларнинг (вақтинчалик тусга эга бўлмаган) катировкаси пасайиши юз берган бўлса, камайтирилиши керак.

1. Қайта баҳолаш қисқа муддатли инвестициялар бўйича фойда ва зарарлар ҳисобварағига узоқ муддатли инвестициялар бўйича резерв капиталига киритилади.

2. Акциялар савдоси харажатлар чиқариб ташланган ҳолдаги сотиш баҳоси билан баланс қиймати ўртасидаги айирмалар хўжалик фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботда даромадлар ва харажатлар сифатида кўрсатилади.

Халқаро андозалар бўйича сезиларли таъсир мавжуд бўлган чоғидаги (шубба компанияларига оид) инвестициялар ҳисоби акциядорнинг хўжалик юритувчи субъект капиталидаги улуши ҳажмини ҳисобга олувчи усул бўйича амалга оширилади, бундан қуйидаги ҳолатлар мустасно:

- агар капитал қўйилмалар фақат якин келажакда кейинги навбатдаги сотилиши учун амалга оширилса ва сақланса;
- инвестор сезиларли таъсирда бошқа фойдаланмаганда;
- шубба компания ўз фаолиятини қатъий чеклашлар шароитида амалга оширганида.

Фоизларни тўлашнинг навбатдаги муддати келган вақтда харидор уларни тўлиқ жами давр учун олади. Мисол учун: номинал қиймати 100 минг сўм ва эълон қилинган фоиз ставкаси 10 фоиз бўлган облигациялар «Ўзмеvasаноатсотиш» Давлат акциядорлик уюшмаси томонидан 2001 йил 30 апрелда сотиб олинган. Фоизлар йилига икки марта 30 июнь ва 31 декабрда тўланади. Харидор ушбу облигацияларни 103,333 минг сўмга сотиб олган (100 минг сўм + 3,333 минг сўм – 4 ой учун ҳисоблаб ёзилган фоизлар). Харидорни бухгалтерия ҳисобида инвестициялар 100 минг сўм қиймат бўйича акс эттирилади.

Дт 0610 - «Қимматли қоғозлар» 100 минг сўм, Дт 9610 «Фоиз кўринишидаги харажатлар» 3,333 минг сўм, Кт 5110 «Ҳисоб-китоб варағи» 103,333 минг сўм Фоизлар бўйича 1999 йил 1 январидан 30 апрелигача бўлган давр учун ҳисоб-китоблар:

$100 \text{ минг сўм} \times 0,1 \times 4/12 = 3,333 \text{ минг сўм}$ 1 январдан 30 июлгача харидор фоизларни олди.

100 минг сўм $\times 0,1 \times 6/12 = 5$ минг сўм

1 январдан 30 июнгача бўлган фоизларнинг олинини акс эттирилиши:

Дт 5110 - «Ҳисоб-китоб варағи» Кт 9530 - «Фоизлар кўринишидаги даромадлар» 5 минг сўм.

Унда фоизлардан олинган даромад $5 - 3,333 = 1,667$ минг сўмни ташкил этади.

Қарзга оид қимматли қоғозларга инвестицияларнинг харид қилиш қиймати билан сўндириш қиймати ўртасидаги фарқ (дисконт ёки харид қилиш чоғидаги мукофот) одатда инвестор томонидан қимматли қоғознинг харид қилиш вақтидан бошлаб сўндириш вақтигача ҳисобдан чиқарилади, яъни амортизация қилинади.

Дисконтга оид мисолни куриб чиқамиз: Қиймати 20 минг сўм бўлган облигациялар 21 минг сўмга сотиб олинган. Облигацияларнинг сотиб олиш муддати 10 ойдан кейин келади, Облигациялар қийматининг 1000 сўмга ортиб кетиши 10 ой мобайнида 100 сўмдан амортизация қилиб борилади.

Дт 5810 Кт 5110 = 21000 сўм, облигацияларни сотиб олиш. 6920 - «Тўланадиган фоизлар» ҳисобварағи;

9610 - «Фоиз кўринишидаги харажатлар» ҳисобварағи;

1 ой Дт 6920, 9610 Кт 5810 = 100 сўм

2 ой Дт 6920, 9610 Кт 5810 = 100 сўм

3 ой Дт 6920, 9610 Кт 5810 = 100 сўм

Шу тариқа 10 ойнинг ҳаммасида.

10 ойга келиб 5810 – баланс ҳисобварағининг дебитида облигацияларнинг 20 минг сўмдан иборат номинал қиймати акс эттирилади.

Энди бошқа (мукофотли) мисолни куриб чиқамиз: қиймати 18 минг сўмлик облигациялар 17 минг сўмга сотиб олинди. Уларни сотиб олиш (сўндириш) муддати 8 ой мобайнида келади. Мукофот 1000 сўмни ташкил қилди. Бу сумма 8 ой мобайнида амортизацияланади:

$1000/8$ ой = 125 сўм

Дт.5810 Кт 5110 = 17000 сўм облигациялар сотиб олинди.

4830 - «Олинадиган фоизлар» ҳисобварағи;

9530 - «Фоиз кўринишидаги даромадлар» ҳисобварағи;

1 ой Дт 5810 Кт 4830, 9530 = 125 сўм

2 ой Дт 5810 Кт 4830, 9530 = 125 сўм

3 ой Дт 5810 Кт 4830, 9530 = 125 сўм.

Шу тарифа барча 8 ой ва 8 ойда 5810 – баланс ҳисобварағи дебити бўйича 18 минг сўмгача бўлган номинал қийматдаги сумма қўшимча ҳисоблаб ёзилган. Облигация номинал қиймат асосида сотиб олинади (сўндирилади). Келтирилган иккала мисолларда ҳам сотиб олиш кунда улар учун қуйидаги бухгалтерия ёзувларида акс эттириладиган 38 минг сўм (20000+18000) олинади:

Дт 5110 Кт 9220 = 38000 сўм

Дт 9220 Кт 5810 = 38000 сўм

9220 - «Бошқа активларнинг сотилиши» қисқа муддатли облигациялар ва бошқа шунга ўхшаш қимматли қоғозлар учун пул суммаларининг ҳақиқатда

олингунига кадар фойдага нисбатан фоизларнинг ҳисоблаб ёзилишига йул қўйилиши мумкин.

Узоқ муддатли облигацияларга оид операцияларда бу каби ҳисоблаб ёзишларга йул қўйиб бўлмайди, чунки шу тарифа моддийлаштирилмаган фонда ҳосил қилинади. Эҳтиёткорлик қоидасига мувофиқ молиявий натижаларнинг акс эттирилиши чоғида уларни келгуси даврлар даромадлари сифатида акс эттириши зарур. Аниқ мисолда бу нарса бундай кўринишни касб этади: номинал қиймати 400 минг сўм бўлган облигациялар 348 минг сўмга сотиб олинди. Воситачига комиссия ҳақи 2 минг сўмни ташкил этди. Облигацияларни сўндириш муддати 20 ойдан сунг келади. Фоизлар бўйича ҳеч қандай оралик тўловлар кўзда тўтилмаган. Бинобарин, фоизлар сифатида бир текисда ҳар ойда амортизация суммаси ҳисоблаб ёзиб борилиши зарур:

$$400-348-2=50/20=2,5 \text{ минг сўм}$$

$$\text{Облигациялар сотиб олинган Дт 0610 Кт 5110} = 35000 \text{ сўм}$$

ҳар ойда (20 ой мобайнида) облигациялар бўйича амортизация суммаси ҳисоблаб ёзилади. 20 ойдан кейин облигациялар қиймати номинал қийматига к;адар етказилади. $2500 \times 20 \text{ ой} = 50000 \text{ сўм}$.

20 ойдан кейин облигацияларни сўндиришга 400 минг келиб тушади.

$$\text{Дт 5110 Кт 9220} = 400000 \text{ сўм.}$$

Сўндирилган облигацияларнинг баланс қиймати ҳисобдан чиқарилган.

$$\text{Дт 9220 Кт 0610} = 400000 \text{ сўм.}$$

Сўндирилган облигацияларни сотишдан олинган фойда бухгалтерия ҳисобида у хўжалик юритувчи субъектга ҳақиқатда келиб тушган ҳисобот даврида акс эттирилиши керак. Харид қилишги оид ҳақиқатдаги харажатлар номинал қийматдан ортиб кетган ҳолда узоқ муддатли инвестицияларга оид операциялар бўйича зарарлар жами муомала муддати мобайнида тақсимланади ва тенг қисмларда ҳар ойда хўжалик юритувчи субъект зарарлари ҳисобига ҳисоблаб ёзиб борилади. Бироқ бундай операциялар манфаат келтирмайди ва улар амалий ҳаётимизда бўлиши ҳам гумон.

Узоқ муддатли облигациялар кўпроқ облигацияларнинг муомалада бўлиши муддати мобайнида улар бўйича фоизлар вақти-вақти билан тўланиб келинадиган йиртма талонлар (кўпонлар) билан биргаликда чиқарилади. Бундай ҳолларда, облигацияларнинг харид ва номинал қийматлари ўртасидаги фарқнинг бир қисми хўжалик юритувчи субъектга тегишли бўлган даромад (фоиз) ларнинг ҳар бир ҳисоблаб ёзилиши чоғида ҳисобдан чиқариб борилади. Масалан, хўжалик юритувчи субъект бошқа хўжалик юритувчи субъектнинг 35 минг сўмлик номинал қийматга эга облигациялар 37500 сўмга сотиб олинган. Йиртма кўпонлар бўйича йилига икки марта (ҳар 6 ойдан кейин) тўланадиган облигациялар фоизи йилига 16 фоизни ташкил килади. Облигацияларнинг сўндириш муддати 5 йилдан кейин келади, яъни фоизлар 10 марта келиб тушади. Харид ва номинал қийматлар ўртасида фарқ $37500-40000=2500$ сўмни ташкил килади ва ҳар гал фоизлар кўринишидаги ($2500:10=250$) тўлаши лозим бўлган даромаднинг ҳисоблаб ёзилиши чоғида амортизация қилиб борилади:

$$\text{Облигацияларнинг сотиб олинishi Дт 0610 Кт 5110} = 37500 \text{ сўм}$$

Ярим йилдан сунг облигациялар юзасидан йиллик 16 фоизлик ставканинг ярми 8 фоиз миқдорида даромад тўланади:

Дт 4830, 5110 Кт 9530= 2800 сўм;

Дт 9610 Кт0610 = 250 сўм.

35000 x 8 фоиз=2800 сўм бир вақтнинг ўзида облигацияларнинг ҳақиқатдаги ва номинал қийматлари ўртасидаги фарқни амортизация қилиш керак (2500/10)=250 сўм, ва шу тариқа ҳар ярим йилда ва беш йилда.

Шундай қилиб, 0610 – счётадаги облигациялар қиймати ярим йилдан сунг 37250 сўмга, бир йилдан сунг 37000 сўмга баҳоланади, 5 йилдан сунг 35000 сўмни сўндириш муддати етиб келади.

Дейлик, бир йилдан сунг фонд биржасида айлантирилаётган облигациялар котировкаси кескин тушиб кетди. Катировка мувофиқ бизнинг акциялар пакетимиз 36150 сўмга баҳоланади. Ҳисобот санасига облигацияларнинг баланс қийматининг уларнинг ҳақиқатдаги биржа қийматидан 850 сўм миқдорда ортиб кетиши ҳолати юзага келди (36150-37000=-850 сўм). Ҳисобот даври охирига бориб бу сумма қуйидаги тарзда ҳисобдан чиқарилади.

Дт 9430- «Бошқа операцион харажатлар»

Кт 0610 = 850 сўм

Қолган 4 йил учун (йилига икки мартаба 2 x 4=8) облигациялар қийматидаги фарқнинг ҳисобдан чиқариш суммаси қайта кўриб чиқилиши лозим бўлади, у қуйидагиларни ташкил қилади:

1150/8=143,75 сўм

Бир йилдан сунг ҳисобдан чиқариш бизнинг мисолимизда қуйидаги кўринишда касб этади:

Дт 9430 Кт 0610 = 143,75 сўм

Дт 5110, 4830 Кт 9530 == 2800 сўм

Узоқ муддатли облигациялар котировка курсини ортиб кетиши ҳолларида уларнинг баланс қийматидан ортиқ бўлган уларнинг янги орттирилган қиймати бўйича қайта баҳолашлар амалга оширилмайди. Облигацияларнинг катировка курсининг ортишидан олинган фойда бухгалтерия ҳисобида фақатгина уларнинг баланс қийматидан ортиқ бўлган баҳо асосидаги сотилиши далили бўйича акс эттирилади.

Мисол учун: биржада 295300 сўмга облигациялар пакети сотилган. Сотиш қиймати юзасидан брокерга оид комиссия ҳақи 5666 сўмни ташкил қилди. Облигацияларнинг ушбу пакетига бўлган узоқ муддатли инвестицияларнинг баланс қиймати – 225400 сўм. Энди бухгалтерия ҳисоби счётларига оид ёзувларни келтирамиз:

Акциялар пакетидан тушган тушумнинг брокер орқали ҳисоблаб ёзилиши. Дт 4890 Кт 9220 = 295300 сўм.

Брокердан комиссия ҳақи (295300-5666=289634 сўм) айириб ташланган ҳолдаги пуллар келиб тушиди. Дт 5110 Кт 4890=289634 сўм.

Брокерга тўланган комиссия ҳақи сотишда кўрилган харажатга ҳисобдан чиқарилди. Дт 9220 Кт 4890 = 5666 сўм.

Сотилган 225400 сўмлик облигациялар пакети баланс қиймати харажатларга ҳисобдан чиқарилди. Дт 9220 Кт 0610 = 225400 сўм.

Облигациялар пакетини сотишдан олинган фойда:

Дт 9220 Кт 9320 - «Бошқа активларнинг тугатилиши» = 64234 сўм.

Кирим ва чиқимини тўғри акс эттириш бўйича қуйидагилар амалга оширилади:

сотишдан олинган даромад билан баланс қиймати ўртасидаги фарқ, харажатлар чиқариб ташланган ҳолда, даромад ёки харажат сифатида тан олинади;

8531 - «Активларни қайта баҳолаш бўйича тўзатишлар» ҳисобварағида ҳисобга олинган узок муддатли инвестицияларнинг қайта баҳоланишидан олинган суммалар чиқиб кетиш натижасида қабул қилинган ҳисоб сиёсатидан келиб чиққан ҳолда даромад ёки тақсимланмаган даромад сифатида тан олинади. Мисол учун: хўжалик юритувчи субъект баланс қиймати 10 минг сўм бўлган, кўпайиш томонига оид минг сўмдан иборат қайта баҳолаш аввалги суммаси 8531 — ҳисобварағида ҳисобга олинган қиймати 50 минг сўм бўлган узок муддатли инвестицияларни сотиш билан шуғулланади:

Дт 5110 Кт 9220 = 50 минг сўм

Дт 9220 Кт 0610 = 10 минг сўм

Дт 9220 Кт 9320 = 40 минг сўм Дт 8531 Кт 9320 = 2 минг сўм.

Субъектлар инвестицияларни бир тоифадан бошқасига ўтказиши ҳуқуқига эга.

Узок муддатли инвестицияларнинг қисқа муддатлилар тоифасига ўтказилиши қуйидагича амалга оширилиши керак:

А) агар улар харид ва жорий қийматлар юзасидан энг кам баҳолаш бўйича ҳисобга олинган бўлсалар, харид ва баланс қийматлари юзасидан энг кам баҳолаш асосида. Бунда агар инвестициялар аввал қайта баҳоланган бўлса, у ҳолда ўтказиш чоғида уларнинг қайта баҳоланишидан олинган сумма ҳисобдан чиқарилиши керак. Мисол учун: «Ўзгуштсусаноат» Давлат акциядорлик уюшмасининг узок муддатли инвестициялари портфели уларнинг қисқа муддатлилар тоифасига ўтказилиши вақтида қуйидагилардан ташкил топади:

Харид баҳоси	Баланс қиймати
«А» компаниясининг акциялари 100 минг сўм	150 минг сўм
«Б» компаниясининг акциялари 150 минг сўм	180 минг сўм
Жами 250 минг сўм	330 минг сўм

Узок муддатли инвестицияларни ҳар бир инвестиция тури бўйича қайта баҳолаш қиймати асосида ҳисобга олади. Аввал амалга оширилган қайта баҳолаш (кўпайиш) суммаси 90 минг сўм миқдорида «Активларни қайта баҳолаш бўйича тўзатишлар» ҳисобварағида акс эттирилган. Узок муддатли инвестициялар қисқа муддатли инвестициялар тоифасига ўтказилиши чоғида улар баҳоланади ва қисқа муддатли қўйилмаларнинг баланс қиймати бўлиб ҳисобланадилар.

А акциялари 100 минг сўм

Б акциялари 150 минг сўм

Жами 250 минг сўм

80 минг сўм ҳисобот даврига оид даромад сифатида тан олинади.

Б) агар қисқа муддатли инвестициялар жорий қиймат бўйича ҳисобга олинмаган бўлса, баланс қиймати бўйича ушбу қўйилмаларга оид аввал ўтказилган қайта баҳолаш суммаси даромад сифатида тан олинади.

Агар субъект қисқа муддатли инвестицияларни сотиш учун харид қилган, сўнг эса уларни узоқ муддатлилар сифатида ҳисобга олишга қарор қилган бўлса, бу ҳолда у қисқа муддатли инвестицияларни қуйидагилар бўйича узоқ муддатлилар тоифасига ўтказилишини амалга ошириш мумкин:

А) харид ва жорий қийматлар юзасидан энг кам баҳолаш асосида мавжуд фарқ харажат сифатида тан олинади;

Б) агар улар ушбу қиймат бўйича аввал акс эттирилган бўлсалар, жорий қиймат асосида узоқ муддатлилар тоифасига ўтказилиши мумкин.

Республикамиз халқ хўжалигида 21-бухгалтерия ҳисобининг миллий андозасига асосланиб яратилган янги счётлар режаси 2002 йил 1 январдан бошлаб чет эл инвестицияси киритилган хўжалик юритувчи субъект ва ташкилотларда ҳамда аудиторлик фирмаларида кулланила бошланди. 2003 йилнинг 1 январидан бошлаб бюджет ташкилотлари ва банклардан ташқари мулкчилик шаклидан катъий назар барча хўжалик юритувчи субъект ва ташкилотларда ушбу янги счётлар режаси амалиётда қўлланилиши назарда тўтилган.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасига биноан хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларининг тўғрилиги ҳамда ишончилигини тасдиқлаш учун вақти-вақти билан активлар ва мажбуриятларни инвентаризация қилиб туриши керак.

Инвентаризация – бу маълум бир вақтга хўжалик юритувчи субъект маблағлари ва уларнинг манбаларини ҳақиқий мавжудлигини, инвентаризация қилинаётган объектни натура шаклида санаш, яъни колдикларини ҳисоблаш ёки ҳисоб ёзувларини текшириш йули билан ҳақиқий қилинган харажатларни белгилаш.

Инвентаризация бухгалтерия ҳисоби усулларида бири бўлиб, унинг ёрдамида жорий ҳисоб маълумотларининг тўғрилиги текширилади, ҳисобда пул қўйилган хатолар аниқланади, ҳисобга олинмаган хўжалик муомалалари ҳисобга олинади, моддий жавобгар шахслар жавобгарлиги остида бўлган маблағларнинг бутлиги назорат қилинади.

Хўжалик юритувчи субъект, ташкилот ва муассасалар қимматли қоғозларни инвентаризация ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 833-сонли буйруғ билан рўйхатдан ўтказилган 19-сонли БХМА «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш»га тўлиқ амал қиладилар.

Қуйидаги ҳолатларда инвентаризация муддатидан олдин ўтказилиши шарт:

1. Хўжалик юритувчи субъект мол-мулкни ижарага бериш, сотиб олиш, сотиш, шунингдек Давлат корхонаини акциядорлик жамиятига айлантириш

чоғида;

2. Молиявий ҳисобот тузишдан олдин, лекин ҳисобот йилининг 1 октябридан кейин инвентаризация қилинган мулк бундан мустасно;

3. Асосий воситалар ва товар-моддий заҳираларни қайта баҳолашда;

4. Моддий жавобгар шахс ўзгарганида;

5. Талон-тарож қилиш ёки суистеъмол қилиш, шунингдек бойликларнинг бузилиши билан боғлиқ фактлар аниқланганида;

6. Ёнгин ёки табиий офатлар содир бўлганида;

7. Хўжалик юритувчи субъект тугатилаётганида тугатиш балансини тузиш олдидан ва бошқа ҳолларда.

Текшириш кўламига кўра инвентаризация ёппасига ёки танлаб ўтказиладиган, ўтказиш вақти бўйича режалаштирилган ёки тўсатдан ўтказиладиган инвентаризацияларга бўлиниши мумкин.

Инвентаризацияни ўтказиш учун хўжалик юритувчи субъектда доимий инвентаризация комиссияси фаолият юритади. Доимий инвентаризация комиссияси таркибига қуйидагилар киради:

8. Хўжалик юритувчи субъект раҳбари ёки унинг ёрдамчиси;

9. Бош бухгалтер;

10. Бошқа мутахассислар (муҳандис, иқтисодчи ва бошқалар);

11. Ички аудит вакили.

Доимий ҳаракатдаги комиссия асосан қуйидаги вазифаларни бажаради:

а. Қийматликлар бутлигини таъминлаш бўйича профилактика ишларини олиб боради;

б. Инвентаризация ўтказишни ташкил этади, ишчи инвентаризация комиссияси аъзоларига тегишли маслаҳат ва кўрсатмалар беради;

с. Инвентаризация натижаларининг тўғрилигини текширади;

д. Инвентаризация ўтказиш тартиби бўзилганида қайтадан инвентаризация ўтказишга буйруқ беради;

е. Камомад ва нобудгарчилик ҳоллари бўйича моддий-жавобгар шахслардан олинган тушунтириш хатларини кўриб чиқади ва тегишли чоралар кўриш бўйича таклифлар беради.

Агар иш ҳажми кўп бўлса, мулклар ва молиявий мажбуриятлар инвентаризациясини бир вақтнинг ўзида ўтказиш учун хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг буйруғи билан қуйидаги таркибда ишчи инвентаризация комиссияси ташкил этилади:

-инвентаризация ўтказишни тайинлаган хўжалик юритувчи субъектнинг вакили (комиссия раиси);

-мутахассислар (товаршунос, муҳандис, технолог, механик, иш юритувчи, иқтисодчи, бухгалтер ва бошқалар).

Ишчи инвентаризация комиссияси қуйидаги вазифаларни бажаради:

-моддий бойликлар ва пул маблағларини сақлаш ва ишлатиш жойларида инвентаризация ўтказади;

-хўжалик юритувчи субъект бухгалтерияси билан бирга инвентаризация натижасини аниқлашда қатнашади ва камомадни ортиқчаси билан қоплаш,

шунингдек табиий камайиш нормаси доирасидаги камомадни ҳисобдан чиқариш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

-товар-моддий бойликларни қабул қилиш, сақлаш ва жўнатиш.

Уларнинг бутлиги ҳисоби ва назоратини яхшилаш, шунингдек нормадан ортиқ ва фойдаланилмайдиган моддий қийматликларни сотиш тўғрисида таклифлар киритади.

Ишчи инвентаризация комиссиясига қуйидаги мажбуриятлар юклатилади:

Инвентаризация натижасида аниқланган мулкларнинг бухгалтерия маълумотлари билан мавжуд ҳақиқийси орасидаги фарқи қуйидагича тартибга солинади:

Айбдор шахслардан қийматликларнинг ортиқча чиққанлик сабаблари хусусидаги тушунтириш хатлари олинади;

-қийматликларнинг қонунчилик билан белгиланган норма доирасидаги камомади хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг буйруғи билан ишлаб чиқариш, муомала харажатларига ёки молиялаштириш (фондлар)ни камайтиришга ўтказилади;

-қимматли қоғозлар камомадининг айбдори аниқланганида камомад суммаси айбдор шахслардан ундириб олинади. Агар айбдор шахслар аниқланмаса ёки айбдор шахслардан ундириб олиш суд орқали рад этилган бўлса, камомад ва нобудгарчиликлардан кўрилган зарарлар ишлаб чиқариш, муомала харажатларига ёки молиялаштириш (фондлар)ни камайтиришга ўтказилади. Бундай зарарлар келгусида солиққа тортиладиган базага қўшилади.

Инвестициялар – бу хўжалик юритувчи субъектларнинг қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш учун қилинган харажатлар ҳисобланади, яъни қўшма шўъба хўжалик юритувчи субъектлари, акционерлик капиталлари ва кооператив хўжаликларга молиявий, асосий, номоддий ва бошқа активларни қўйиш, шунингдек бошқа хўжалик юритувчи субъект ва ташкилотларга тақдим қилинган заёмлар кўринишидаги дебиторлик қарзлари ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда Давлат корхоналари билан бир қаторда хусусий, оилавий, кооператив (ширкат), кичик ва ижара хўжалик юритувчи субъектлари, жамоат ва бошқа турдаги хўжалик юритувчи субъектлар пайдо бўлишига рухсат этилган. Шу муносабат билан ҳамда хўжалик юритишнинг бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан хўжалик юритувчи субъектлар, ташкилотлар ва шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоб муомалаларида ҳар хил қимматли қоғозлардан фойдаланиш тобора кенгайиб боради.

Инвестициялар бўлинган муддатини ҳисобга олган ҳолда қисқа муддатли (бир йилгача муддатга қўйилган қўйилмалар) ва узоқ муддатли (бир йилдан ошиқ муддатга) қўйилмаларга бўлинади. Бундан ташқари, инвестицияларни у ёки бу котегорияга олиб бориш, қимматли қоғозларни сафарбар қилиш мақсадларига боғлиқ бўлади. Масалан, қайта сотиш ва йил давомида улардан даромад олиш мақсадида қўлга киритилган, муддати бир йилдан ортиқ бўлган акция ва облигациялар қисқа муддатли қўйилмаларга тегишли бўлади.

Инвестицияларни амалга оширилганлиги ҳақида далолат берувчи

хужжатлар, олинган акциялар, ҳар хил сертификатлар, облигациялар, қилинган инвестициялар суммаларига гувоҳномалар, заёмларни бериш учун шартномалар киради.

Инвестиция қилинган суммаларга хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатлар олинмаган инвестициялар маблағлари умумлаштирилган ҳолда ҳисобга олинади. Қимматли қоғозларни сотилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар — бу олди-сотди актлари, тўлов топшириқномалари, қайсики облигацияларни тўланишини ва берилган заёмларни қайтарилишини тасдиқлайдилар.

Бухгалтерия ҳисобида инвестицияларни юритиш, қимматбаҳо қоғозларни сотиш ва олиш, уларни ҳисобини икки хил тарзда юритилади:

- f. қисқа муддатли инвестициялар (бир йилгача муддатда);
- g. узоқ муддатли инвестициялар (бир йилдан ошиқ муддатга).

5800- «Қисқа муддатли инвестициялар» счёти хўжалик юритувчи субъектларнинг бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга, яъни қисқа муддатга бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг қимматли қоғозларига, давлат ва маҳаллий заёмларнинг фоизли облигацияларига ҳамда хўжалик юритувчи субъект томонидан барча хўжалик юритувчи субъектларга берилган заёмларга қилинган қўйилмалари (инвестициялари) ва уларнинг ҳаракатини умумлаштириш учун хизмат қилади. Бунда фоизли облигациялар ва шу каби қимматли қоғозлар ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектларга берилган заёмларга қўйилмалар «Қисқа муддатли инвестициялар» счётида ҳисобга олиниши учун уларни ўзиш муддати бир йилдан ортиқ бўлмаслиги шарт қилиб қўйилган. Ўзиш (коплаш) муддати белгиланмаган бошқа қимматли қоғозлар «Қисқа муддатли инвестициялар» счётида ҳисобга олиниши учун бу қўйилмалардан даромаднинг олиниши бир йилдан ортиқ муддатга мўлжалланмаган бўлиши шарт.

Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар бўйича аналитик ҳисоб икки хил хусусиятини эътиборга олган ҳолда олиб борилади:

- h. қисқа муддатли инвестицияларнинг турлари бўйича;
- i. қўйилмалар амалга оширилган объектлар бўйича (қимматбаҳо қоғозларни сотувчи хўжалик юритувчи субъектлар, ва хоказолар).

Аналитик ҳисобнинг тузилиши қисқа муддатли қўйилмаларнинг мамлакат ҳудудидаги ва хориждаги объектлари бўйича маълумотларга эга бўлишини ҳам таъминлаш керак.

Бошқа хўжалик юритувчи субъектлар устав капиталига инвестициялар қилинганда ҳамда қимматли қоғозлар сотиб олинганда пул маблағлари счёти дебетланади.

Акциялар бўйича олинган даромадлар суммалари, облигациялар бўйича фоизлар, ҳисоб-китоб счётида 9710 «Фавқулодда фойда (зарар)»ларнинг счётлари билан корреспонденцияланган ҳолда ҳисобга олинади. Бунда қуйидаги проводка берилади:

Дебет-5110, Кредит-9710.

Мисол.

Хўжалик юритувчи субъект ўзининг филиалига 100000 сўм миқдорда фоизсиз заём такдим этди. Бунда қуйидаги проводка берилади:

Дебет. –5810 «Қисқа муддатли инвестициялар» —100000.

Кредит. –5110 «Ҳисоб-китоб счёти» —100000 сўм.

Заёмни қайтарилган ҳолатда бухгалтерия проводкасининг акси берилади.

Хўжалик юритувчи субъект активида мавжуд бўлган акционерлик жамиятларидан сотиб олинган акция ёки облигациялар турли хил сабаблар билан сотилиши мумкин:

- акция кўзланган даромадни келтирмаганда;
- акция ёки облигациялар узоқ давр мобайнида даромад олиш учун эмас, балки ушбу қимматли қоғозларни келгусида сотиш натижасида даромад олиш учун сотиб олинган бўлса.

Мисол.

1.Брокерлик контораси фонд биржасида келгусида сотиш мақсадида акционерлик жамиятининг акцияларини 200000 сўмга 20 дона сотиб олди:

Дебет- 5810 «Қисқа муддатли инвестициялар» — 200000. Кредит- 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» — 200000 сўм.

2.Брокерлик контораси олдин сотиб олган 20та акциясини сотиш баҳосида 250000 сўмга сотди:

Дебет-5110 «Ҳисоб-китоб счёти» — 250000сўм;

Кредит-9210 «Асосий воситалар тугатилиши» — 250000сўм.

3.Сотиб олинган акцияларнинг баланс нархи ҳисобдан чиқарилди — 200000 сўм:

Дебет-9220 «Бошқа активларни тугатилиши» — 200000сўм. Кредит-5810 «Қисқа муддатли инвестициялар»—200000.

4.Амалга оширилган муомаланинг молиявий натижаси:

$250000 - 200000 = 50000$ сўмга қуйидаги проводка берилади:

Дебет-9220 «Бошқа активларни тугатилиши» — 50000 сўм;

Кредит-9710 «Фавқулодда фойда (зарар)лар счёти»—50000 сўм.

Облигацияларни сотиб олиш учун қилинган харажатлар суммаси ўртасидаги ва уларни айланиш даври мобайнидаги номинал қийматидаги фарқи бир хилда (ҳар ойда) хўжалик фаолияти натижаларига олиб борилади. Бунда икки хил вариант бўлиши мумкин:

- облигация номинал қийматидан каттароқ қийматга сотиб олинди.

Бу ҳолатда амалдаги қийматлар ўртасидаги фарқни бир қисмини ҳар ойда зарарга ўтказиш йўли билан номиналга етказилади.

- облигация номиналдан камроқ бўлган қийматга сотиб олинган бўлса, яъни чегирма асосида. Бу хилдаги вариантда, сотиб олиш қиймати, ўзиш вақти келгунча, ҳар ойдаги фарқларнинг бир қисмини хўжалик юритувчи субъект фойдасига ҳисоблаш йўли билан номиналга етказилади. Қисқа муддатли облигациялар ва бошқа шу турдаги қимматли қоғозлар учун амалда пул маблағларини олгунга қадар фойдага фоизларни ҳисобга киритишга йўл қўйиш мумкин. Мисол.

- хўжалик юритувчи субъект 5та облигацияни 250000 сўмга сотиб олди, уларни номинал қиймати — 230000 сўм. Облигациянинг ўзиш муддати 10 ой.

Амалдаги ва номинал қийматлар ўртасидаги фарқ 20000сўмни ташкил қилади. Ушбу фарқ 10 й ичида қопланиши керак.

Ҳар ойда учуриш суммаси 2000сўмни (20000:10) ташкил қилади. ҳар ойда бу суммага қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 9710 «Фавкулотда фойда (зарар)лар счёти»—2000 сўм. Кредит 5800 «Қиска муддатли инвестициялар счёти»-2000 Бу йўл билан, ўзиш муддати етиб келганда амалдаги қиймат номиналга етади.

Номинал қиймати 250000 сўм бўлган 5та облигация 230000сўмга сотиб олинди. Муддати ўзиш (қоплаш) вақти 10 ой. Бу ҳолда ҳар ойда фарқ суммасига қуйидаги фарқ суммасига қуйидаги бухгалтерия проводкаси берилади:

Дебет 5810 «Қиска муддатли инвестициялар»—2000сўм.

Кредит 9710 «Фавкулотда фойда(зарар)лар счёти»—2000сўм.

5810-«Қимматли қоғозлар» счётида акцияларга, давлатнинг фоизли акцияларига ва маҳаллий қарзларга, шунингдек бошқа қимматли қоғозларга қўйилган қиска муддатли инвестицияларнинг ҳолати ва ҳаракати ҳисобга олинади.

Облигация ва бошқа қимматли қоғозлар 5810-«Қимматли қоғозлар» счётига сотиб олиш қийматида кирим қилинади.

Қимматли қоғозларни сотишдан кўрилган молиявий натижалар 9590-«Бошқа молиявий фаолиятлардан олинган даромадлар» счётининг кредитида ёки 9690-«Бошқа молиявий фаолиятлар бўйича харажатлар» счётининг дебетида акс эттирилади.

5830-«Берилган қиска муддатли қарзлар» счётида хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа хўжалик юритувчи субъектларга қиска муддатга берган пул маблағлари ёки бошқа қарзларнинг ҳолати ҳисобга олинади.

Берилган қарзлар 5830-«Берилган қиска муддатли қарзлар» счётининг дебети ва пул маблағлари счётларининг кредитида акс эттирилади. Қарзларнинг қайтарилиши пул маблағлари счётларининг дебетида ва 5830 счётининг кредити бўйича акс эттирилади.

5890-«Бошқа жорий инвестициялар» счётида хўжалик юритувчи субъектнинг банк ва бошқа омонатларга сўмда ва хорижий валютадаги қўйилмаларнинг ҳаракати ҳисобга олинади.

Омонатларга пул маблағларининг ўтказилиши 5890 счётининг дебетида ва тегишли пул маблағлари счётининг кредита бўйича акс эттирилади.

9.5. Узоқ муддатли молиявий қўйилмаларни сотиб олиш ва сақлаб туришдан кўрилган молиявий натижалар ҳисоби.

Молиявий натижалар таркибига қуйидагилар кўринишидаги молиявий инвестицияларга оид даромад/харажат киритилади:

- узоқ муддатли ва жорий инвестициялар бўйича фоизлар, роялти, дивидентлар ва ижара тўловлари;
- жорий молиявий инвестицияларнинг сотилишидан олинган даромад ва кўрилган зарарлар;
- қисқа муддатли молиявий инвестицияларнинг харид қиймати ва бозор юзасидан энг ками бўйича акс эттирилиши учун зарур бўлган бозор қийматигача пасайтирилиши ва қайтадан қийматнинг ўзгартирилиши;
- баланс қийматининг пасайтирилиши, узоқ муддатли молиявий инвестициялар қийматининг вақтинчалик пасайтирилиши ва бу каби пасайтиришлар қайтадан ўзгартирилиши ҳоллари бундан мустасно;

Молиявий ҳисоботларда қуйидагилар очиб берилиши керак:

- молиявий инвестицияларнинг баланс қийматини аниқлашлар учун;
- бозор баҳоси бўйича ҳисобга олинган қисқа муддатли (жорий) молиявий инвестициялар бозор баҳосидаги ўзгаришлар талқини учун;
- қайта баҳоланган молиявий инвестицияларнинг сотилиши чоғида (даромаднинг) қайта баҳоланган қийматидан ортиб кетишлар талқини учун;
 - қуйидагилар бўйича даромад таркибига киритилган каттагина суммалар:
 - узоқ муддатли ва қисқа муддатли (жорий) молиявий инвестицияларга оид фоизлар, роялти, дивидентлар ва ижара тўловлари;
 - қисқа муддатли молиявий инвестицияларни сотиш чоғида мавжуд даромадлар ва зарарлар;
 - бу каби молиявий инвестициялар қийматига оид ўзгаришлар бўйича;
 - сотилаётган инвестицияларнинг бозор баҳоси, агар улар бозор баҳоси бўйича тўланмаган бўлса;
 - кўчмас мулкка оид молиявий инвестицияларнинг жорий қиймати, агар улар узоқ муддатли инвестициялар сифатида ҳисобга олинган ва жорий қиймат бўйича ҳисобга олинмаган бўлса;
 - молиявий инвестицияларни сотишга ёки уларнинг сотилиши юзасидан даромад олиншига оид каттагина чеклашлар;
 - қайта баҳоланган ҳисобга олган ҳолдаги қиймат асосида акс эттирилган узоқ муддатли инвестициялар бўйича;
 - қайта баҳоланганнинг ўтказилиши даврийлиги;
 - сўнгги қайта баҳоланганлар санаси;
 - қайта баҳоланган асоси;
 - қайта баҳоланган (наҳнинг камайтирилиши ёки қўшимча баҳоланганлар) олинган натижа;
 - асосий фаолияти бўлиб молиявий инвестицияларга эгаллик қилиш ҳисобланган субъектлар инвестиция портфелининг таҳлили.

Таянч сўз ва иборалар.

Қиймат
Акция
Депозит
Инвестор
Аукцион
Эмитент
Сотиб олиш қиймати
Дивиденд
Қолдиқ қиймат
Тугатиш қиймати
Ижара
Молиявий натижа
Жорий ижара
Капитал қўйилмалар
Номоддий актив
Фойдаланиш ҳуқуқи
Интеллектуал мулк
Гудвилл

Такрорлаш учун саволлар

1. Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицияларнинг аҳамияти қандай?
2. Инвестицияларни туркумларга қандай тартибда ажратилади?
3. Қисқа муддатли инвестициялар қандай тартибда ҳужжатларда расмийлаштирилади?
4. Узоқ муддатли инвестициялар қандай тартибда ҳужжатларда расмийлаштирилади?
5. Инвестицияларни молиялаштириш манбалари нималардан иборат бўлади?

Фойдаланишга тавсия этиладиган адабиётлар.

Асосий адабиётлар.

1. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, “Халқ сўзи” 1996 й. 16 сентябр.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида. Тошкент 1998 й.
3. «Янги ҳисобварақлар режаси» (лойиха) 1999 йил 2 апрел Ўз. Р. Молия вазирлигининг 84-сонли буйруғи.
4. «Йиллик (чорак) ҳисобот шакллари тўлдириш тартиби тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 1997 йил 15 феврал 5-сонли Йўриқномаси.
5. “Юридик шахсларда касса ва касса муомалаларини юритиш қондаси” Ўзбекистон Марказий банки (1998 йил 24 январ 46- сон).

6. Умарова М. Эшбоев Ў. Ахмаджонов К. “Бухгалтерия ҳисоби” Тошкент “Меҳнат” 1999 йил.
7. Иткин Ю.М. Сотиволдиев А.С. “Бухгалтерский учет в условиях рыночной экономики Республики Узбекистан” Ассоциация Бухгалтеров и аудиторов, Т. 2000 г. 1-2 том.
8. А.С. Сотиволдиев, Ю.М. Иткин. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий Ассоциацияси, Т.:2002, 1-2 томлар.
9. Заработная плата на предприятии /Хасанов Н.А., Хайдаров Ш.У., Югай Л.П. –Т.:Издательский дом «Мир экономики имтиёз права», 2003. -288с.
10. А.Иброхимов, А.Каримов "Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби". Тошкент "Ўзбекистон" 1999 йил.
11. М.Умарова, У. Эшбоев, К. Ахмаджонов "Бухгалтерия ҳисоби" Тошкент "Меҳнат"- 1999 йил.
12. Қодирхонов С.Б. "Чет эл фирмалари бошқарув ҳисобини юритиш асослари" ТДИУ (ўқув-услубий қўлланма-1995 йил).
13. Ф.А. Ҳуломова. Бухгалтерия ҳисоби бўйича мустақил ўрганиш учун қўлланма/. «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2000. -368б.
14. Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби. Т.: «Академия нашриёти», 2002, 176 б.
15. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий Ассоциациясининг тўпламлари. Т.: -2002 -190 б.
16. Э.Гадоев, Л.Югай. Бухгалтерия ҳисоби: Саволлар ва жавоблар. (капитал, асосий воситалар, меҳнатга ҳақ тўлаш, ишлаб чиқариш захиралари БК/5) –Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1996. -304 б.
17. Э.Гадоев ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. (Таъсис ҳужжатлари ҳисоб шакллари, ҳужжатлар айланиши БК/4) савол ва жавоблар. –Т.: «Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси, 1996. -256 б.
18. И.А.Завалишина. «Практическое налогообложение», Издательский дом «Мир экономики имтиёз права». –Т.: -2003 -430 с.
19. Бухгалтерский учёт на предприятиях на основе измененного План счётов, вводимого с 2004 года. Ч.1./Справочное пособие// Сост.:Д.И.Шаулов, У.Т.Кан. – 2-е изд.,Т.: Издательский дом, «Мир экономики и права», 2003. -304с.
20. Бобожонов О., Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб,-Т.: 2003, «Меҳнат».
21. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 2000 йил 31 август 9 б 5-сон билан рўйхатдан утган «қимматли қоғозлар бозори игитирокчилари томонидан маълумотларни ошкор қилиш тўғрисида»ги Низом. Солиқлар ва божхона хабарлари газетаси. 1996.

22. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кумитасининг 1997 йил 19 мартдаги «қимматли қоғозлар жараёнида олинган даромадларни солиққа тортиш» бўйича йуриқномаси. Солиқлар ва божхона хабарлари газетаси. 1997.

Қўшимча адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари. Ахборотнома 1999-2000 йил сонлари.
2. "Бозор пул ва кредит" журнали 1998-2003 сонлари.
3. "Управленческий учёт" (под ред. В. Паляя), Москва ИНФРА-М, 1997 год.
4. "Бухгалтерский учёт для предпринимателей". Ф.Вуд. Москва ООО Аскери 1996 год.
5. "Солиқ тўловчининг журнали" 2000-2003 йил сонлари.
6. "Ўзбекистон Республикасининг Молиявий қонунлари" 2000-2003 йил сонлари.
7. "Солиқ ва божхона хабарлари" газетасининг 1999-2003 йил сонлари.
8. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» даврий журнали 2000-2003 йил сонлари.
9. Бобожонов О. «Молиявий ҳисоб», ТДИУ, 2000 йил
10. Астанакулов М. «Бухгалтерия ҳисоби» Т.: «Меҳнат», 1993 й.
11. «Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси, №52 25 декабрь, 2001 й, №3 11 январь, №5 25 январь 2002 йил.
12. Абдуллаев Ё., Шоҳаъзамий Ш. «Қимматли қоғозлар: 100 савол ва жавоб». Т.: МЕҲНАТ, 1997
13. Бердникова Т.Е. «Акционерное общество на рынке ценных бумаг». Москва. «Финстатинформ», 1997.
14. Бердникова Т.Б. «Механизм деятельности акционерного общества на рынке ценных бумаг России». МИНФРА-М, 2000.
15. Бутиков И.Л. «Қимматли қоғозлар бозори». Дарслик. Т.: Конс Аудитинформ, 2001.
16. Бутиков И.Т. «Қимматли қоғозлар бозори». Дарслик-Т.: Консаудитинформ, 2001.
17. Маликов Т. «Молия бозори». Т.: 1999.
18. Гофуров Ш., Беркинов Б., Пичугина О. «Рынок ценных бумаг» Тошкент, 1999.

10-БОБ. БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.

10.1. Бошқарув ҳисоби ва унинг мазмуни. “Бошқарув ҳисоби” фанининг предмети ва методи

Бошқарув ҳисобининг мақсади - корхона раҳбари ва менежерларини ҳар томонлама илмий асосланган қарорлар қабул қилиши учун зарур бўлган маълумотлар билан таъминлаш.

Гозирги шароитда олинган ахборот олий сифатли ва самарадор, ахборотдан ҳам ички, ҳам ташқи фойдаланувчилар талабини қондирадиган бўлиши лозим. Бу шуни англатадики, бухгалтерия ахбороти кўрсаткичларнинг энг кам миқдоридан иборат бўлиши, аммо бошқарув иерархиясининг турли даражаларидаги унинг фойдаланувчиларидан энг кўп миқдорини қондириши лозим. Тақдим этиладиган ахборот зарур, муҳим ва мақсадга мувофиқ бўлиши, ортиқча кўрсаткичларни истисно этиши лозим. Бундан ташқари, бухгалтерия ахбороти энг кам миқдорда меҳнат ва вақт сарф қилган ҳолда шакллантирилиши зарур.

Юқорида қайд этилганларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, ҳисоб ахбороти бухгалтерия ҳисобининг ўзи учунгина эмас, балки унинг ички ва ташқи фойдаланувчиларига фойдали бўлиши, тахминлаш, режалаштириш, меъёрлаштириш, таҳлил ва назорат жараёнларини амалга ошириш, яъни самарали бошқарув қарорларини қабул қилишнинг муҳим воситаси бўлиши учун зарурий асос бўлиб хизмат қилиши керак. Шу нарса равшанки, юқорида санаб ўтилган барча талабларни қондириш учун ахборотни тўплаш, ишлов бериш ва акс эттиришнинг турли усулларида фойдаланиш зарур. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда бу муаммо бухгалтерия ҳисобининг бутун тизимини икки кичик тизим, яъни молиявий ва бошқарув тизимига бўлиш йўли билан ҳал этилган.

Молиявий ҳисоб нафақат ички бошқарув учун фойдаланиладиган, балки контрагентлар, яъни ташқи фойдаланувчиларга хабар қилинадиган ахборотни қамраб олади. Ушбу ахборот ҳам назоратчи давлат органлари, ҳам компанияларнинг ҳиссадорлари, облигациялар ва қимматли қоғозларнинг эгалари, қудратли инвесторлар эҳтиёжларини қондириши керак. Уни юритиш меъёр ва қоидалари миллий бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари воситасида бошқариб урилади.

Молиявий ҳисобдан фарқли ўлароқ бошқарув ҳисоби субъектив (хусусий) ва конфиденциал сирдир, бироқ айнан у бошқарув қарорларини қабул қилишни таъминлашда асосий масъулиятни ўз зиммасига олади ва у билан юксак даражадаги мутахассислар шуғулланадилар.

Ўзбекистон корхоналарида кўпгина бухгалтерлар анъанавий бухгалтерия ҳисоби билан шуғулланидилар. Кўпгина корхоналарда бошқарув ҳисоби олиб борилмайди ёки бу ҳисоб жуда суст ривожланган. Унинг кўпгина унсурлари бизнинг анъанавий бухгалтерия ва оператив ҳисобимизга, иқтисодий таҳлилимиз таркибига киради. Шу билан бирга Ўзбекистон ҳисоб амалиёти ҳали маркетинг имкониятларидан фойдаланган эмас, унда ҳақиқий харажатларнинг тахминийлардан оғишишларини, маҳсулотни сотишнинг зарарсизлик нуқтасини аниқлаш, бюджетлаштириш, трансферт баҳони шакллантириш, ички ҳисоб ва аудитни методикаси каби катта имкониятлардан фойдаланилмаяпти ва ҳ.к.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда фирма ва компаниялар бухгалтерия ҳисоби соҳасида иш вақтининг 90%ни бошқарув ҳисобини тиклаш ва юрғизишга харажат қиладилар, айтиш вақтда анъанавий молиявий ҳисобга фақат қолган қисмигина кетади. Республикамиз корхоналарида эса бу нисбатнинг, афсуски, мутлақо аксини кўрамиз. Бунга сабаб, бошқарув ҳисобининг Ўзбекистондаги мавжуд қонуний ва меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топмаганидир. Масалан, “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунда фақат бухгалтерия ҳисобига аниқлик киритилган, унда на молиявий на бошқарув ҳисоби тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган. Маълумки, у ёки бу ҳодиса моҳиятини тушуниш учун дастлаб унинг тарихан тикланиш ва ривожланиш, шунингдек сабаб-оқибат муносабатларини аниқлаш зарур.

Бошқарув ҳисобининг тикланиши ва шаклланишини калькуляцион ва ишлаб чиқариш ҳисобларини ривожланиши тарихидан ажралган ҳолда тасаввур этиш қийин.

Айрим муаллифларнинг фикрича, калькуляцион ҳисоб капиталистик тузумнинг тикланиш ва ривожланиш шарофати билан пайдо бўлган. В.Ф.Палий ўзининг “Калькуляциялаш асослари” монографиясида қуйидагиларни таъкидлайди: “таннархни ҳисоблашдаги эҳтиёж, демакки калькуляциялаш ҳам капиталистик ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билангина холисона юзага келиши мумкин эди, бу ҳам бирданига эмас. Калькуляциялашни қўллаш учун тарихий жиҳатдан муайян шароитлар қуйидагиларни юзага келтирди: товар сифатида тушуниладиган ёлланма ишчи кучидан фойдаланиб, капиталистик ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлиши; капиталистик асосда ташкил этилган ишлаб чиқаришда меҳнатнинг ижтимоий самарадорлигининг ошиши; нарх-наволардаги ўзгаришлар, бунда товарлар уларнинг таннархга яқин баҳоларда эмас, балки ишлаб чиқариш баҳосига яқин нархларда сотила бошланди ва фойданинг ўртача меъёрини механизми сифатида рақобат келиб чиқди.

XVIII аср охирида содир бўлган саноат ислоҳоти, яқка тартибдаги ишлаб чиқаришнинг фабрика тартибига ўтказиш, кўпдан-кўп саноат корхоналари, компаниялари ва акционерлик жамиятлари, шунингдек эркин ишбилармонликни пайдо бўлиши рақобат, капитал бозорлари, товарлар ва меҳнат, шунингдек эркин нарх-наволарнинг келиб чиқишига имкон туғдирди.

Бундай шароитларда В.Ф.Палий тўғри таъкидлаганидек, энг аввало товарлар рентабеллигини, бозор нархларининг фойдалилик даражасини баҳолаш қуроли сифатида калькуляциялашнинг аҳамияти ортиб кетди.

Барчага маълумки, фойда, асосан, ишлаб чиқариш соҳасида яратилади, бироқ муомала жараёнида моддийлашади. Фойда олиш учун товарларнинг бозорда улар таннархидан юқорироқ нархларда сотилиши зарур. Товарларнинг бу даражадан паст нархда сотилиши ишбилармон учун зарарни англатади. Айнан зарардан кўрқиш, яъни зарар кўриш, Вайцман Р.Я. аниқ ифодалаб берганидек, капиталистнинг кўзи ўнгида калькуляциянинг аҳамиятини ошириб юборди. Корхона бўйича умуман сарф қилинган харажатлар ва олинган даромадлар тўғрисидаги ахборотнинг тўғри қайд қилиниши ва акс эттирилиши амаллари эмас, балки ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар турлари нуқтаи-назаридан бундай қайдларнинг тахлилийлиги биринчи ўринга чиқиб олади. Ўз навбатида рақобат кураши нархларни пасайтириш оқибати, зарурияти ва имконияти сифатида нархларни пасайтириш чегарасини аниқ билиш учун таннархни калькуляциялаш аҳамиятини ошириб юборди.

XIX-XX асрлар мобайнида калькуляцион ҳисоб янада ривожланади. Илмий-техника тараққиёти асосида ишлаб чиқариш концентрацияси билан бир қаторда меҳнатнинг бундан кейинги тақсимланиш ва ихтисослашиш жараёни содир бўла бошлади. Янги ташкилий ва техник ечимлар пайдо бўлди: ишлаб чиқаришнинг узлуксиз ишлаши, буюмларни конвейер усулида йиғиш, ишлов беришининг автоматик линияси қисқа вақт ичида бозорга шу қадар кўп товарлар чиқариб ташладик, улар тўловга қобилиятли бўлган талабни тўла қондирар эди.

Ишлаб чиқаришни бошқариш ҳийла мураккаблашди, маҳсулотни сотиш, айланма маблағлар етишмовчилиги ва қарзга олинган капитални жалб этиш билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлди. Ўз навбатида солиқ идоралари, акционерлар, кредиторлар ва бошқа манфаатдор шахслар ишбилармонлардан уларнинг молиявий ва ишлаб чиқариш-тижорат фаолияти тўғрисида кўпроқ ахборот беришларини талаб қила бошлашди. Шу билан бир вақтда, айтишганидек, “вафотидан кейинги ахборот” берувчи калькуляцион ҳисобнинг камчиликлари аниқланди, бу ахборотсиз тезкор қарорлар қабул қилиш имкони кўп эди.

Сўнгги маҳсулот таннархи ҳақидаги маълумотлар (бу маҳсулотни ўнлаб цехларда, юзлаб участкаларда йирик оммавий корхоналарда тайёрланади) таннарх шаклланишининг бутун манзарасини акс эттиролмай қолди, чунки уни қимматлаштиришнинг сабаблари ва айбдорларини топишга имкон бермас эди. Ч.Гаррисон ёзганидек, аср бошида анъанавий калькуляцион ҳисоб кризиси юзага келди: “Калькуляцион ҳисоб ачинарли кризис ҳолатида ётибди. Биз муҳандислик-техник тафаккурнинг тизимга (калькуляцион ҳисоб – муаллиф изоҳи) қараши унинг услубларининг индустриал ишлаб чиқариш талаб ва сўровларига номувофиқлигида жойлаб чиққан вакилларини кўраимиз”.

Мана шундай шароитларда фойда олиш бошқарув иши самарадорлигига, ишлаб чиқаришни аниқ ташкил этишга ва бойликлар тежалишининг тартибли

сиёсатини ўтказишга кўпроқ боғлиқ бўлиб қолди, бу эса ўз навбатида корхонада бухгалтерия ҳисоби бутун тизимини қайта кўришни талаб этди.

Бухгалтерия ҳисобининг рақобатли иқтисодиёт шартларига мувофиқ келиши зарурияти, ахборотни янада кўпроқ ташқи фойдаланувчиларга тақдим этиш, шунингдек тижорат сирининг сақланишини таъминлаш, корхонанинг илгариги ягона бухгалтериясини икки мустақил қисмга – молиявий ва калькуляция ҳисобига бўлинишини шарт қилиб қўйди.

Бухгалтериянинг мустақил қисмларга бўлиниши молиявий ҳисобни марказлаштиришга ва калькуляцион ҳисобини номарказлаштиришга олиб келди.

Калькуляцион бухгалтерия ўз вазифаларига эга бўла бошлади, улар ишлаб чиқаришни самарали бошқаришга ҳамкорлик қилишга ёрдам берарди, яъни бошқарув жараёнини тезкор-таҳлилий ахборот билан таъминлашга, бўлинмалар барча ишлаб чиқариш тузилмаларини, уларнинг харажатлари ва даражаларини назоратда сақлашга имкон туғдирарди.

Харажатларни тезкор назорат қилиш ва таннархни бошқаришдаги жиддий зарурият Ч.Гаррисон фикрича, ишлаб чиқариш ва сотиш тезкор-калькуляцион ҳисобининг “Стандарт-кост” ҳисоби тизимига ёйилишига олиб келди. Шунини таъкидлаш жоизки, харажатларни меъёрий аниқлашнинг ишлаб чиқариш менежменти тамойилларидан бири ҳисобланган услуги Ф.Тейлор ва ўша вақтдаги бошқа муҳандислар томонидан таклиф этилган эди.

Меҳнат ва моддий бойликлардан фойдаланишнинг “Энг яхши ягона йўлини” аниқлаш учун ишлаб чиқариш менежменти тарафдорлари меъёрий ҳужжатлар қабул қилдилар. Ҳужжатлар ишларнинг бориши режалаштириш жараёнининг ахборот билан шундай таъминладикки, материаллар ва меҳнатдан энг кам даражада истеъмол қилинди. Бироқ ишлаб чиқариш менежменти тарафдорлари меъёрий ҳужжатларини молиявий харажатлар устидаги назорат қилиш қуроли сифатида қараб чиқмадилар. Айнан Ч.Гаррисон 1911 йилда харажатларни норматив асосда аниқланишнинг тўлиқ амал қилувчи тизимини биринчи марта ишлаб чиқди ва татбиқ этди. У яна 1918 йилда ўзгарувчан харажатлар таҳлили учун қатор тенгламаларни биринчи марта чоп этди. Норматив ҳисоб тизимига бағишланган ҳозирги замон адабиётида кўп усуллар унинг базасида ташкил этилган.

Харажатлар меъёрлари, сметалари, маҳсулотнинг норматив калькуляциясини ишлаб чиқиш ишлаб чиқариш давомида ҳақиқий харажатларнинг меъёрий харажатларга мувофиқлигини тезкор назорат қилишга, юзага келган оғишишларни тезкор равишда аниқлаш ва бартараф этишга имкон берди, яъни таннархнинг шаклланиш жараёнини бошқаришнинг янги – **оғишлар бўйича бошқарув** услуги юзага келди.

“Стандарт-кост” ҳисоби тизимини яратиш ва қўллаш шунга олиб келдики, калькуляцион ҳисоб содир бўлган хўжалик ҳодисалари ва далилларнинг шунчаки қайд этувчиси бўлишдан, оғишишларни бошқариш асосида эса ўз нигоҳини келажакка қаратди. Шунини таъкидлаш лозимки,

ҳисобнинг бу тизими ҳалигача АҚШ ва Ҷарбий Европанинг етакчи саноат фирмалари томонидан кенг қўлланилмокда.

Калькуляцион ҳисобни бойитиш ва шу орқали бошқарув ҳисобини тиклаш йўлидаги навбатдаги босқич ҳисобланган бошқа йўналиш - бу “Директ-костинг” ҳисоби тизимини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Биринчи марта бу атама АҚШда 1936 йилда пайдо бўлди. Ушбу тизимнинг асосий ғоялари Америка тадқиқотчиси И.Н.Гаррисоннинг 1936 й. январида саноат ҳисоби Миллий ассоциацияси бюллетенида чоп этилган мақоласида баён қилинган. Харажатларнинг доимий ва ўзгарувчанга бўлиниши тамойили ушбу тизимга асос қилиб олинган эди.

“Директ-костинг” тизимида маҳсулот таннархи ўзгарувчан харажатлар қисмида режалаштирилади ва ҳисобга олинади. Ўз хусусиятига кўра улар ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобланади ва уларни маҳсулот қийматига кўпроқ тўғри йўл билан киритадилар. Доимий харажатларни эса маҳсулот таннархига киритмайдилар, балки улар юзага келган ўша давр фаолияти натижаларига ўтказиб қўядилар. Сотув суммаси ва ўзгарувчан харажатлар ўртасидаги тафвут корхонанинг маржинал даромадини ўзида намоён этади. У маҳсулотнинг зарарсиз сотилиши нархини аниқлашга, шунингдек харажатларнинг ўзаро боғлиқлиги ва нисбати, сотув ва фойда ҳажми таҳлилини ўтказишга ёрдам беради.

“Директ-костинг” ҳисоб тизими айниқса корхона нарх-наво ва стратегик сиёсати соҳасида ҳал қилувчи аҳамият касб эта бошлади.

Масъулият марказлари нуқтаи-назаридан харажатлар ҳисобини ташкил этишни калькуляцион ҳисоб ривожланишидаги муҳим ўрин деб ҳисоблаш мумкин. Масъулият марказлари “Стандарт-кост” ҳисоби тизимига янги қўшимча сифатида ўйлаб топилганди. Ҳисобнинг бундай ташкил этилиши у ёки бу менежерлар ишларини баҳолаш чоғида меъёрий харажатлардан ҳақиқий харажатларнинг юзага келган салбий ва ижобий оғишишларидан фойдаланиш имконини бера бошлади. Бу Дж.Хиггинс томонидан масъулият марказлари, яъни ўз ишлари натижаси учун муайян жисмоний шахслар даражасини аниқлаш концепциясини шакллантиришига олиб келди.

Шундай қилиб, ишлаб чиқариш корхоналарида (“Стандарт-кост”, “Директ-кост” ва “Масъулият-марказлари” бўйича харажатлар ҳисоби) ҳисобнинг янги услубларини татбиқ этиш калькуляцион ҳисоб тизимини бойитди ва ривожлантирди, уни ишлаб чиқариш ҳисоби тизимига айлантди, бу кейинчалик ишлаб чиқариш ҳисобининг бошқарув ҳисобига, ва бинобарин ишлаб чиқариш бухгалтериясининг бошқарув бухгалтериясига ўсиб боришига сезиларли таъсир кўрсатди.

Асримизнинг 40-йиллари охирида АҚШ ва Ҷарбий Европанинг айрим мамлакатларида “ишлаб чиқариш ҳисоби” атамаси аста-секин “бошқарув ҳисоби” атамасига алмашина бошлади.

Бу даврда бухгалтерия ҳисоби бошқарув сиёсати шаклланиши ва ижро этилишида фаол иштирок эта бошлади, бухгалтер эса тахминлашга, режалаштиришга, қарорлар қабул қилиш ва ва корхона бошқарув хизматларини

ахборот билан таъминлаш устидан назорат ўрнатишга эътибор қила бошлади, яъни унда бошқарув ва хўжалик қарорлари қабул қилиш соҳасида қўшимча функциялар пайдо бўлди.

Бошқарув ҳисоби тикланиши ва ривожланиши йўлида мавжуд бухгалтерия базасида икки мустақил счетлар режаси – молиявий ва бошқарув ҳисобини қўллаш амалий қадам бўлиб қолди. Бундай бўлиниш сезиларли тарзда Европа мамлакатларининг ягона миллий режалари шаклланишига таъсир қила бошлади. Гап шундаки, иккинчи жаҳон урушига қадар Европа мамлакатларида (Франция, Германия ва ҳ.к.) бухгалтерия ҳисоби ягона ҳисоб режаси бўйича олиб борилди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин эса Европа иқтисодий ҳаётида америка капитали ҳал қилувчи аҳамият касб этди, шу билан бирга бухгалтерия ҳисобининг шаклланишига инглиз-америка ёндошувчи бўлди. Чунки бошқарув ҳисобида тахминлаш ва режалаштириш функциялари таркибий функциялардан бўлиб қолди, уларнинг ягона бухгалтерияда қўлланиши эса корхонанинг тижорат сирлари бузилишига олиб келди. Шу сабабдан Европа миллий ҳисоб режаларининг бундан кейинги ривожланиши уларнинг молиявий ҳисобот тузиш имкониятига мувофиқлашуви йўлидан борди ва кўпчилик ҳолларда молиявий ҳисоб доиралари билан чегаралана бошлади.

Бошқарув ҳисобининг бухгалтерия ҳисоби таркибида мустақил сифатида расман тан олинishi 1972 йилда содир бўлди. Бу пайтда бухгалтерларнинг америка ассоциацияси томонидан бошқарув ҳисоби бўйича битирувчиларга бухгалтер-таҳлилчи малакаси бериш билан диплом олиш дастури ишлаб чиқилган эди. Бинобарин, мустақил ўқув фани сифатида бошқарув ҳисоби олий ўқув юртларининг ўқув режасига киритилган эди.

10.2. Бошқарув ҳисобининг олдига қўйилган вазифалар.

Бошқарув ҳисоби корхонанинг ички хўжалик алоқалари, яъни корхонанинг ўзида (агентлар) ишлайдиган шахслар ўртасидаги алоқаларни тантанали суратда ташкил этади .

Б.Нидлз, Х.Андерсон ва Д.Колдуэлларнинг ҳисоблашларича, “бошқарув ҳисоби молиявий ҳисобни кенгайтиради ва энг аввало у фирманинг ички операцияларида қўлланилади. Унинг мақсади – аниқ ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришиш учун масъул менежерларни ахборот билан таъминлашдан иборат”. Р.Энтони ва Дж.Риснинг назарида, “бошқарув ҳисоби – бу ташкилот доирасидаги жараён бўлиб, у ташкилот бошқарув аппаратини режалаштириш, ташкилот фаолияти устидан назорат ўрнатиш ва бошқариш учун фойдаланиладиган ахборот билан таъминлайди. Ушбу жараён бошқарув аппаратига ўзининг функцияларини бажариш учун аниқлашни, ўлчашни, тўплашни, таҳлилни, тайёрлашни, талқин этишни, қабул қилишни ўз ичига олади”.

Ч.Т.Хорнгрен ва Ш.Фостер ҳам бошқарув ҳисобини деярли ана шундай таърифлаб беришади. Уларнинг фикрича “Бошқарув ҳисоби – тенглаштириш, ўлчаш, тўплаш, тизимлаштириш, таҳлил, жой-жойига қўйиш, талқин этиш ва бирон-бир иншоотни бошқариш учун зарур бўлган ахборотни ўзатишдир. Унинг иккинчи номи ички ҳисоб ҳисобланади (internal)”.

Бошқарув ҳисобининг ташкилот ички фаолиятига мансублигига швед иқтисодчиси Руне Ленквист ҳам эътиборни қаратади. Унинг фикрича, “ҳисобни икки мустақил қисмга: ташқи ва ички қисмга ажратиш мумкин.

Ички ҳисоб корхона маълумотларидан фойдаланувчиларни ахборот билан таъминлайди, бутунлай корхона ичкарасида амалга ошириладиган муомалаларни қайд этиб боради. Ички ҳисоб аксарият ҳолларда анча батафсиллаштирилган бўлади ва кенг маълумотлардан иборатдир”.

Бошқарув ҳисобининг юзага келишини Ш.Ришар тижорат сири оқибати деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, бошқарув ҳисоби бухгалтерия ҳисобининг динамик концепцияси тури, холос ва тарихий жиҳатдан у тижорат сири оқибати сифатида капиталистик оламда пайдо бўлган. Унинг “махфий ҳисоб” деган номи шундан келиб чиққан”.

XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида бозор иқтисоди ривожланган мамлакатларда стратегик бошқарув роли кескин ўсади, бу бошқарув ҳисоби мазмунида ҳам ўз аксини топади. Ўз навбатида бу Ўзбекистон иқтисодчилари томонидан бошқарув ҳисоби моҳиятининг аниқланишига ҳам таъсир кўрсатади.

В.Ф.Палий ва Р.В.Виль фикрича, “Бошқарув ҳисобининг моҳияти ишбилармонлик фаолияти билан бошқариш жараёнида менежерларга асқотадиган ёки зарур бўлган ахборотни тақдим этишдан иборат”. Шундан кейин улар таъкидлашадики, “бошқарув ҳисобидан келажакка ва ишнинг олға бориши учун нима қилиш мумкин бўлса, шунга асосий эътиборни қаратиш талаб этилади. Ўтган нарсани қайтариб бўлмайди, бироқ уни келажакда қўллаш мақсадида тадқиқ қилиш мумкин”.

“Бошқарув ҳисоби хусусиятларини ўрганиш унинг қуйидаги вазифаларни

бажаришига эътибор қаратилиши керак:

- ишлаб чиқаришни бошқариш ва келажакда қарорлар қабул қилиш учун маъмуриятга зарурий ахборотни тақдим этиш;

- маҳсулот (ишлар ва хизматлар)нинг ва белгиланган меъёрлар, стандартлар, сметалардан оғишишларни ҳақиқий таннархини ҳисоблаш;

- сотилган буюмлар ёки уларнинг гуруҳлари, янги технологик қарорлар, масъулият марказлари ва бошқа позициялар бўйича молиявий натижаларни аниқлаш” .

В.И.Ткач ва М.В.Ткачлар бошқарув ҳисоби аҳамиятини таъкидлаган ҳолда айтадиларки, у “бозорда, шу жумладан ички ахборот негизида юзага келувчи кўплаб муаммоларни ҳал этиш имконини беради. Шу туфайлида тактик ва стратегик бошқарув қарорлари қабул қилиш учун зарурий маълумотларни оладилар ва таҳлил қиладилар” .

10.3. Бошқарув ва молиявий ҳисобнинг ўзаро боғлиқлиги.

Бошқарув ҳисоби моҳиятини ҳар томонлама ва тўлиқ тушуниш учун молиявий бошқарув ва ишлаб чиқариш ҳисобининг ўзаро ҳамкорлиги ва муносабати ҳақидаги масалани эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

Бошқарув ва молиявий ҳисоб ўртасида, назаримизда, кўпгина умумийлик бор, чунки уларнинг иккаласи ҳам корхона ҳисоб тизими ахборотидан фойдаланади. Ушбу тизими бўлимларидан бири ҳам молиявий, ҳам бошқарув ҳисобида зарур харажатлар ва даромадлар ҳисоби ҳисобланади. Молиявий ҳисобнинг қабул қилинган тамойиллари бошқарув ҳисобида ҳам амал қилиши мумкин, чунки корхона раҳбарлари ўз фаолиятларида мутлақо текширилмаган тахминлар ва фикрларга таяниб иш қилишлари мумкин эмас. Бундан ташқари, ҳар иккала кичик тизим ахборотидан зарурий бошқарув қарорлари қабул қилиш учун фойдаланадилар.

Бироқ бирлаштирувчи белгилар бўлишига қарамай, бухгалтерия ҳисобининг бу икки тури - бир-бирдан кескин фарқ қилади. Иқтисодий адабиётда бундай тафовутнинг кўплаб белгилари келтирилади.

Бошқарув ва молиявий ҳисобларнинг турли муаллифлар талқинидаги қиёсий характеристикаси 1-иловада келтирилган.

Ушбу муаммога турли муаллифлар қарашларини умумлаштирилган ҳолда қуйидаги белгиларни таклиф этишни мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Улар кўп даражада бошқарув ва молиявий ҳисоб ўртасидаги мавжуд тафовутларни ва моҳиятини холироқ акс эттиради.

1. Ҳисобнинг мақсади. Молиявий ҳисобнинг асосий мақсади корхона молиявий ҳисоботи (молиявий ҳужжатлар)ни тузиш учун зарур маълумотларни мониторингини ташкил қилишдан иборат. Бу маълумотлар маъмуриятнинг ўзи учун ҳам, ташқи фойдаланувчилар учун ҳам мўлжалланган бўлади. Ташқи фойдаланувчилар, инвесторлар ва кредиторлар корхонанинг молиявий аҳволи, унинг тўлов қобилияти, кредит бериш қобилияти, мазкур корхонага берилган инвестицияларнинг рентабеллик даражаси кабиларга баҳо беришда айнан шу маълумотларнинг аниқ белгиланган талаблар ва стандартларга мувофиқ равишда олиб борилганига эътибор беришадилар.

Бошқарув ҳисоби корхона ичкарасидаги алоқаларнинг асосий тизимини ўзида намоён этади. Унинг мақсади - ўтмишдаги ходисалар таҳлили асосида келажакка мўлжалланган тавсияларни ишлаб чиқиш учун менежерларни тегишли ахборот билан таъминлашдир.

2. Ахборотдан фойдаланувчилар. Молиявий ҳисобни ташқи ҳисоб деб ҳам атайдилар. Унинг натижалари, чоп этиб борилади, бироқ ҳисоботлар нафақат молиявий ахборотларни, шунингдек корхоналар фаолиятидаги муваффақиятларни, уларнинг янги маҳсулотларини намоёиш этувчи реклама тусидаги мақолаларни ҳам ўз ичига олади. Молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар одатда корхонадан ташқарида бўладилар. Ушбу ахборот назоратчи давлат органлари, компанияларнинг акционерлари, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларнинг эгалари, қудратли инвесторлар учун зарур. Бошқарув ҳисобини, бинобарин, ички ҳисоб деб аташ мумкин. Унинг

натижаларидан фақат корхона бошқарув ходимларигина фойдаланадилар. Бу корхонанинг ўзига хос “ошхона”си бўлиб, бу ерда менежерлар учун мақолалар тайёрланади.

3. Ахборот манбалари. Молиявий ҳисоб учун ахборот манбаи бўлиб фақат корхона маълумотларигина хизмат қилса, бошқарув ҳисоби учун корхона ҳисоб эса ундан ташқари солиқ олишга оид маълумотлар, моддий бойликлар ҳаракати меъёрларини тавсифловчи технологик чиқиндилар ҳақидаги маълумотлар, илмий-тадқиқот ишлар ўтказилганлигини, улар натижаларидан ишлаб чиқаришнинг тегишли шароитларида фойдаланиш имкониятлари ҳақидаги ҳисоботлар ва маълумотлар ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади.

4. Ҳисобни олиб бориш мажбурияти. Молиявий ҳисоб - бу расмий ҳисоб бўлиб, истисносиз барча корхона ва ташкилотлар учун уни юритиш мажбурийдир. Молиявий ҳисобот ҳужжатлари солиқ идораларига тақдим этилади, улар аудиторларнинг текширув объекти ҳисобланиб, чоп этилиши ва шартдир.

Бошқарув ҳисобини олиб бориш зарурияти эса корхона раҳбарлари томонидан ҳал этилади. Шу боис қиймати паст бўлган ахборотни тўплаш ва қайта ишлашнинг ҳеч қандай маъноси йўқ.

5. Ҳисобни олиб бориш қоидалари. Молиявий ҳисобни олиб бориш қатъий бўлиб, у давлат меъёрий ҳужжатлари ва миллий стандартлари асосида бошқарилади.

Бошқарув ҳисобини олиб боришда эса меъёр ва қоидалар корхонатомонидан белгиланади. Ташкилотнинг бошқарув аппарати бу қоидалар фойдалилигига боғлиқ равишда ҳар қандай ички қоидаларга эргашиши мумкин. Бошқарув ҳисоби қоидаларини асослайдиган асосий мақсад эса унинг самарадорлиги даражаси ҳисобланади.

6. Ҳисоб тамойиллари. Молиявий ҳисоб умумий тамойилларга таянади, булар иккиламчи ҳисоб тамойили, корхонанинг холислик, маълумотларнинг қиёсланиш тамойили ва ҳ.к.

Бу тамойилларга бухгалтерларнинг ўзлари билан бир қаторда назоратчи идоралар ҳам амал қиладилар.

Бошқарув ҳисоби умумий тамойилларга эга эмас, асосий нарса - фойдаланишда оддийлик ва қулайликдир.

7. Ҳисобнинг асосий объектлари. Молиявий ҳисоботларда корхона одатда ягона, бус-бутун деб таърифланади. Кўп тармоқли фаолият олиб боровчи йирик корхоналар ҳар бир соҳа бўйича, яъни корхонанинг катта сегментлари бўйича кирим ва даромадни акс эттириши шарт.

Бошқарув ҳисоби одатда корхонанинг алоҳида бўлимлари: бўлимлар, цехлар, участкалар, иш жойлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олади.

8. Ҳисобнинг асосий тузилмаси. Молиявий ҳисоб қуйидаги асосий тенгликда қурилади:

$$\text{Активлар} = \text{ўз капитали} + \text{мажбуриятлар}$$

Бошқарув ҳисобидаги ахборот тузилмаси, таркиби унинг фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларига боғлиқ. Бошқарув ҳисобининг ҳар қандай тизими энг аввало харажатлар, даромадлар ва активлар каби категорияларга таянади ва асосли қурилмалардан ўзига ёққанини танлаб олади. Бу тузилмаларни қўллашда асосий мезон - узатиладиган ахборотнинг фойдалилигидир.

9. Ахборотни тақдим этиш шакллари. Молиявий ахборот солиқ назоратига ва бошқа ташқи фойдаланувчиларга хусусан, макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа марказий идоралар томонидан тасдиқланган шакллар бўйича тақдим этилади. Улар ташкилий ҳуқуқий шаклидан қатъи назар барча корхоналар учун ягонадир.

Бошқарув ҳисоби натижалари эсаэркин шаклда, мажбурий шаклда тақдим этилиши мумкин, унинг ягона тасдиқланган шакли мавжуд эмас.

10. Ахборотнинг ошқоралик даражаси. Молиявий ҳисоб маълумотлари унинг фойдаланувчилари учун очиқ ҳисобланади У оммавий тусга эга бўлиб, айрим ҳолларда мустақил аудиторлар томонидан тасдиқланиши мумкин.

Молиявий ҳисобдан фарқли ўлароқ бошқарув ҳисоби субъектив (хусусий) ва сирлилик (махфийлик характерига эга).

Бошқарув ҳисобида корхонадаги ишлаб чиқариш, хўжалик фаолияти кўрсаткичларини шаклланиши тижорат сири, махфий ҳисобланади.

11. Ахборотни акс эттириш услублари ва йўллари. Молиявий ҳисоб қийматида шаклланидиган ахборотни ўз ичига олади. Корхонанинг молиявий ҳисоботи бош дафтардаги барча счетлар бўйича якуний қолдиқларни ўз ичига олади. Ахборотни қайд этиш ва акс эттириш чоғида молиявий ҳисоб фақат ўз услуби ва йўллари таянади, булар: хужжатлар, инвентаризация, баҳолаш, калькуляция, бухгалтерия баланси ва икки ёқламали ёзув ва ҳ.к.

Бошқарув ахборотини қайд этиш ва акс эттириш чоғида эса молиявий ҳисоб услуб ва йўллари билан биргаликда математика, статистика, иқтисодий таҳлилга оид услуб ва йўллари ҳам фойдаланилади. Бошқарув ҳисобида қарорлар қабул қилиш учун самарали ҳисобланган ҳар қандай услублар ва усуллар, йўллардан фойдаланиш мумкин.

12. Ахборотини ҳисобга олиш ўлчови. Хўжалик жараёнларини умумлаштириш учун молиявий ҳисобда фақат қиймат ўлчови қўлланилади, ва сўмларда ифода этилади. Бошқарув ҳисобида эса ҳисоб ўлчовларининг барча турларидан фойдаланилади: моддий, меҳнат, қиймат турлари.

13. Ҳисоботлар тузишнинг даврийлиги. Молиявий ҳисобот қатъий белгиланган муддатларда тузилади. Аниқроғи, бу ҳисобот Ҳар бир квартал охирида ва йилякуни бўйича тузилади ва тақдим этилади.

Бошқарув ҳисобида эса ҳар куни, ҳар ҳафтада, ҳар ойда, ҳар кварталда ва ҳар йили тузилиши мумкин. Бундай ҳисоботларни тақдим этиш муддати бевосита корхона раҳбарияти томонидан белгиланади, бунда қатъий даврийлик йўқ. Муҳими, ҳисобот фойдаланувчига фойдали бўлмоғи ва у ўз вақтида тақдим этилиши лозим.

14. Ахборотнинг содир бўлиши ва вақт. Молиявий ҳисоб корхонанинг молиявий тарихини акс эттиради. Унда хўжалик муомалалари уларнинг содир бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида қайд этилади, яъни ҳисобнинг бу тури корхона хўжалик фаолиятида аллақачон содир бўлган ишни тасдиқлайди.

Бошқарув ҳисобининг мақсади эса содир бўлган воқеалар таҳлили асосида истиқболга мўлжалланган тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Молиявий ҳисоб “бу қандай бўлгани”ни, бошқарув ҳисоби эса “бу қандай бўлиши керак”лигини кўрсатади. Мана шунинг учун ҳам бошқарув ҳисобини гоҳо тахминлаш ҳисоби деб атайдилар.

15. Ахборотнинг аниқлик ва ишончлилик даражаси. Молиявий ахборот содир бўлган операцияларини акс эттиради, шу боис у ҳолислик хусусиятига эга ва аудиторлик текширувидан ўтади.

Бошқарув ҳисоби эса кўпроқ бўлажак даврга мўлжалланган истиқбол билан иш тутаяди. Шу боис бошқарув ҳисобидаги ахборот эҳтимоллик ва субъектив (хусусийлик) характерга эга.

16. Харажатлар ва даромадларни гуруҳлаш йўллари. Молиявий ҳисобда харажатлар иқтисодий элементлар нуқтаи-назаридан, даромадлар эса бутун корхона ва фаолият турлари (сегментлари) бўйича гуруҳланади ва акс этирилади. Харажатлар рўйхати ҳукумат қарорлари билан марказлашган тартибда қатъий белгиланади. Бу гуруҳлаш бутун корхонада маълум вақтда, қандай мақсадга мўлжалланганидан қатъи назар, қилинган харажатлар тўғрисидаги ахборотни олиш имконини беради.


Бошқарув ҳисобида эса харажатлар калькуляция моддалари бўйича, даромадлар эса тузилмавий бўлинмалар ва маҳсулот, ишлар, хизматлар турлари нуқтаи-назаридан гуруҳланади ва акс этирилади. Калькуляция моддаларининг рўйхати корхона томонидан ишлаб чиқилади ва белгиланади.

Калькуляция моддалари нуқтаи-назаридан харажатларининг гуруҳлашини алоҳида тузилмавий бўлинмалар бўйича ҳам, ишлаб чиқиладиган маҳсулотлар нуқтаи-назаридан ҳам қилинган харажатлар тўғрисидаги ахборотни олиш имконини беради.

17. Масъулият даражаси. Молиявий ҳисобни нотўғри олиб борганлиги учун корхона раҳбарлари ва бош бухгалтери маъмурий, ҳам жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Бошқарув ҳисоби соҳасида эса раҳбар ходимлар интизомий (маъмурий) жавобгарликка тортиладилар, бу ҳам бўлса қандайдир бошқарув ҳисоби маълумотларини бузиб кўрсатганлиги учун эмас, балки маълум қилишлари учун.

Я.В.Соколов бошқарув ва молиявий ҳисоб ўртасидаги муносабатни ноёб чизмасини таклиф этади.



А - бошқарув ҳисоби

С - молиявий ҳисоб

Б - ҳисоб сиёсати

*1-чизма. Бошқарув ва молиявий ҳисоб ўртасидаги
боғлиқлик ва нисбат.*

Унинг фикрича, С - соҳаси - фақат ташқи фойдаланувчилар манфаатлари учун олиб бориладиган ҳисобни ўзида намоён этади. Б -соҳаси – бошқарув ҳисобининг ички ва ташқи фойдаланувчилар манфаатларини кўзлаб олиб бориладиган қисмидир, А соҳаси эса – маъмурият талаби асосида шакллантириладиган бошқарув ҳисоби.

Тақдим этилган чизма шуни кўрсатадики, ҳисоб сиёсати бошқарув ва молиявий ҳисоблар ўртасида боғловчи ҳалқа ҳисобланиб, у корхонанинг ички ва ташқи фойдаланувчилари манфаатлари йўлида ташкил этилади.


Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, тезкор, статистик ва солиқ ҳисоби билан бир қаторда бухгалтерия ҳисоби корхонанинг умумий ҳисоби тизимига киради ва икки қисмга бўлинади: молиявий ва ишлаб чиқариш; корхона харажатлари ва даромадлари уларнинг объекти (манбаи) ҳисобланади. Ишлаб чиқариш ҳисобининг таҳлилий (аналитик) ахбороти мутлақо ички бошқарув учун фойдаланилади. Молиявий ҳисобда эса асосан ташкилотнинг тижорат сирини намоён этмайдиган ахборот тўпланади, шу муносабат билан уни янги ташқи фойдаланувчиларга тақдим этадилар.

Бухгалтерлик ҳисобининг бундай бўлишини шу билан асослаш мумкинки, аслида бухгалтерия ҳисобининг бутун тизими ташкилот бошқарув тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. Бироқ “молиявий ҳисоб” ва “ишлаб чиқариш ҳисоби” ибораларини қўланишда асосан учёт амаллари (процедуралари) га зўр берилади.

Бошқарув ҳисоби эса фақат ҳисоб амаллари билан чекланмайди, балки бошқарувнинг бошқа функциялари ҳисобига моҳияти жиҳатидан ишлаб чиқиш ҳисобини бошқарув ҳисобига айлантиради.

Унинг маълумотлари тижорат сирларидан иборат ва маънавий ҳисобдан фарқли ўлароқ мутлақо ташкилот ичкарисида фойдаланилади.

Бошқарув ва молиявий ҳисоб ўртасидаги ўзаро муносабатларини қуйидаги кўринишда тақдим этиш мумкин.



2-чизма. Бошқарув ва молиявий ҳисобот ўртасидаги боғлиқлик

Бошқарув ҳисоби имкониятини очиш учун бошқарув ва ишлаб чиқариш ҳисоби ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кузатиш зарур.

4. Бошқарув ҳисобининг асосий тамойиллари.

Бошқарув ҳисоби тактикаси қуйидагиларидан иборат: ташкил этиш, ҳисоб, назорат, далиллаш, аввал қабул қилинган қарорларни таҳлил қилиш ва мослаштириш, шунингдек унинг ижроси учун жавобгарлик.

Бошқарув ҳисобининг стратегияси узоқ давр мобайнида корхона тарақиётини белгиловчи таҳлил, тахминлаш режалаштириш ва бошқарув қарорларини мувофиқлаштириш тизимини ўзида намоён этади.

Ўзбекистон Республикасининг Корхоналар тўғрисидаги қонунида билгиланганидек: “Корхона ўз фаолиятини мустақил режалаштиради ва хомашё ресурслари ва материалларининг мавжудлиги ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга, бажарилаётган ишга, кўрсатилаётган хизматга бўлган талабларни ҳисобга олиб, тарақиёт истиқболларини белгилайди”¹.

Интеграция жараёнида ҳал қилувчи нуқта харажатлар ва даромадларни таққослаш бўлганлиги сабабли бошқарув ҳисоби учун энг муҳими харажатларни ва даромадларни бошқариш ҳамда даромадларга таъсир қилиш воситаси билан натижалар орқали бошқариш бўлиб қолади.

Бошқарув ҳисоби объектлари бошқарув ҳисоби услубининг асосини ташкил этувчи йўллар ва усуллар мажмуи орқали ўрганилади.

Бошқарув ҳисобида ҳужжатлаштириш ва инвентаризация, баҳолаш ва калькуляция, счетлар ва иккиёклама ёзув, балансда умумлаштириш ва ҳисобот каби молиявий ҳисоб услубининг барча элементларидан фойдаланилади. Бундан ташқари, бошқарув ҳисобида иқтисодий таҳлил, иқтисодий математик ва статистик услублар ҳам кенг қўлланилади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Ўонуни. Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси: фонулар ва фармонлар.-Т.: “Ўзбекистон”, 1992, 87-бет.

Бошқарув ҳисоби тизими кўплаб амаллардан ташкил топади, улар бошқарув мақсадларига боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкин. Шундай бўлсада, улар қуйидаги тамойилларга жавоб бериши керак:

- ташкилот фаолиятининг узлуксизлиги;
- режалаштириш ва ҳисоб учун ўлчовларнинг ягона бирлигидан фойдаланиш;
- корхона бўлинмалари фаолияти натижаларини баҳолаш;
- бошқариш мақсадларида бирламчи ва оралиқ ахборотдан қайта-қайта фойдаланиш ва уни сақлаш;
- бошқарув даражалари ўртасидаги коммуникацион алоқалар асосида ички ҳисобот кўрсаткичларини шакллантириш;
- бошқаришнинг бюджет (смета) услубини қўллаш;
- ҳтсоб объектлари ҳақида ҳал қилувчи ахборотни таъминловчи тўлақонлилик ва таҳлилийлик;
- корхонанинг ҳисоб сиёсатини белгилаш ва тижорат жараёнларини акс эттирувчи даврийлик.

Санаб ўтилган талаблар бошқарув ҳисоби тизимининг таъсирчанлигини таъминлаши керак.

Албатта, бошқарув ҳисобини Ўзбекистон иқтисодиёти учун қандайдир янгилик сифатида қабул қилиш хато бўлар эди. Маълумки, марказлашган режалаштириш режа ва молиявий бўлимларининг бухгалтерия хизматидан аста-секин ажралиб чиқишига, унга бухгалтерия ваколатининг бир қисми берилишига имкон туғдирди. Бу жараён натижасида бухгалтерия ҳисобининг бутун тизими деярли молиявий тизимига айланди ва мутлақо давлат маънафаатларига хизмат қила бошлади. Мустақиллик даврида эса бозор иқтисодиёти шароитида бошқаришнинг марказлашган тизимидан воз кечиб, режалаштиришнинг аҳамияти асосиз равишда пасайиб кетди ва оқибатда у корхона техпромфинпланига айлаиб қолди. Яъни бухгалтерия ва бошқа иқтисодий хизмат муттахасислари (режа бўйича иқтисодчи меҳнат ва иш ҳақи бўйича иқтисодчи, моддий техника таъминоти бўйича иқтисодчи ва ҳ.к.) тор доирадаги ҳисоб ва режалаш билан чекланиб қолдилар.

Бироқ барча қўлланилган чоралар кераклича самара бермади ва бошқарув ҳисобининг ягона тизимини яратишга имкон туғдирмади. Ҳозирги вақтда ҳам уни қўллаш йўлида маълум қийинчиликлар мавжуд. Кўпгина бош бухгалтерлар бунинг учун асосан, мавжуд солиқ тизимини айбдор қилиб кўрсатишади, гўёки у бошқарув ҳисобининг самарали тизимини ташкил этиш учун кўп вақт олиб қўяр эмиш. Шу билан бирга амалиётда кўрилганидек, маълум сабаблар мавжуд бўлишига қарамай, бухгалтернинг бухгалтерия субъектидан бухгалтер-менежерга айланиши тенденцияси кучая бошлади. У тобора кўпроқ корхона бошқарув фаолиятининг фаол субъекти бўлиб бораётир.

Бошқарув ҳисоби – иқтисодий билимларнинг янги ялпи соҳасидир. Унинг катта афзаллиги ҳам шунда, чунки айнан фанлар туташган жойда, турли илмий услублардан фойдаланилганда, янги билимлар ва технологиялар сари жиддий силжишлар содир бўлади.

11. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРДА БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАЖРИБАСИ.

11.1. “Стандарт-Кост” тизими бўйича бошқарув ҳисобини ташkil этиш.

Хорижий мамлакатларда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг замонавий шароитларида техник ва стратегик характердаги бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёни корхонанинг харажатлари ва молиявий натижалари ҳақидаги ахборотга таянади. Корхона харажатларини бошқаришда “Стандарт кост” ҳисоб тизими самарали қуроллардан бири ҳисобланади. Унинг асосида белгиланган нормалар ва норматив ҳужжатлар доирасида ва улардаги оғишлар бўйича ҳисоб ва назорат тамойиллари етади.

Харажатларни норматив ҳужжатлар усулида аниқлаш ХХ аср бошларида АҚШ да пайдо бўлди. Бу Ф. Тейлор, Г Эмерсон ва бошқа муҳандислар таклиф қилган илмий менежмент тамойилларидан бири эди. Улар харажатларнинг норматив ҳисоби тизимини ривожлантириш учун туртки бердилар. Улар меҳнат ва материаллардан фойдаланишнинг “ягона, энг яхши йўл”ни аниқлаш учун стандартлар қўллар эдилар. Бу стандартлар материаллар ва меҳнат истеъмолини энг кам даражага келтирилишни таъминловчи режани қабул учун ахборот манбаи бўлиб хизмат қиладилар.

“Стандарт-Кост” тизими ҳақидаги дастлабки эслатмалар Г. Эмерсоннинг “Меҳнат унумдорлигини текшириш ва иш ҳақининг асоси сифатида” китобида учрайди. Шу билан бир вақтда анъанавий бухгалтерия тарафдорлари калькуляциялар тадбирларини “Тарихий”, яъни ҳақиқий таннархни қидириб топишга олиб келиб қўйдилар. У, анъанавий бухгалтерия шундай камчиликка эга эдики, нима борлиги ва нима бўлиши мумкин эканлиги ўртасида ҳеч қандай муносабат ўрнатилмайди деб ҳисоблар эди. Унинг фикрича ҳисобнинг ҳақиқий мақсади шундан иборатки, эҳтиёткорликлар миқдори ва шиддатлилиги ортсин. У таъкидлардики, “эҳтиёткорликлар” корхона хўжалик фаолиятининг тўғри йўлини топиш учун керак. Уларнинг имконияти нормалардан барча оғишларни қайд этишдан иборат. Шунини қайд этиш лозимки, ҳисоб келажакка қаратилган бўлиши керак, зеро олдиндан қўриш – бу оғоҳлантириш демакдир. Бинобарин, барча хўжалик жараёни аниқ бошланишигача жиддий назорат остига олинган бўлиши керак. Бироқ ўтмишда эришилган нормалардан ўзга норма йўқ, бухгалтерия белгилаб беролмайди, нормаларсиз эса хўжалик фаолияти мақсаддан маҳрум бўлади ва ундан ҳам ёмони маъмурият ҳисоб орқали унумдорлик ҳолатини билолмайди. Унумдорлик, Г.Эмерсоннинг фикрича, ишнинг бутун маъносини тавсифлайди, зеро қаттиқ ишлаш - ишга бутун кучини харажатлаш дегани, унумли ишлаш ишга энг кам миқдорда куч харажатлаш дегани. Унумдорликни аниқлашда у “Мх/Зс”нинг ўзаро

нисбатидан яъни, ҳақиқий харажатларнинг стандарт харажатларга нисбатидан фойдаланишни таклиф этди. Бунда ҳар доим $Zc < Mx$ дан кичик ўзаро нисбати бўлиши керак ёки стандарт харажатлар ҳеч қачон ҳақиқий харажатларидан кўп бўлмаслиги керак. Ҳақиқий ва стандарт харажатлар ўртасидаги фарқ ($Mx - Zc$) қанча кам бўлса унумдорлик шунча юқори бўлади. Ушбу формуладан фойдаланган ҳолда Г.Гант стандарт ва ноишлаб чиқариш харажатлари ўртасидаги фарқни аниқлайди. Натижада Гант ўзининг қуйидаги машҳур қоидадини таклиф қилади: Белгиланганидан ортиқ бўлган барча харажатлар айбдор шахслар зиммасига юклатилиши ва ҳеч қачон харажатларни акс эттирувчи ҳисобларга киритилмаслиги керак.

Шуни таъкидлаш керакки, илмий менежмент тарафдорлари стандартларни молиявий чиқимлар устидан назорат қуроли сифатида қараб чиқмаганлар. Харажатларни норматив харажатлар билан аниқлашнинг тўлиқ амалдаги тизимини биринчи марта 1911 йилда АҚШ да Ч.Гаррисон ишлаб чиқди ва ҳаётга татбиқ этди. Унинг “Таннарх ҳисоби ишлаб чиқаришга ёрдам бермоқда” мавзусига (1918й) бағишланган мақола олдиндан нафақат “тарихий” таннарх ҳисоб тизимининг уйғунлигига эътибор қаратганди, балки “Стандарт-Кост”ни ташкил этиш вариантларининг кўплаб тавсифлари келтирилган.

Ч.Гаррисоннинг “Стандарт-Кост” ғояси иккита қоида билан ифодаланади:

1) барча харажатлар ҳисобда стандартлар билан таққосланган бўлиши керак;

2) ҳақиқий харажатларга стандартлар билан қиёслаганда аниқланган оғишлар сабаблар бўйича бўлақларга ажратилган бўлиши керак.

Г. Эмерсонга қараганда Ч.Гаррисон шундай ҳолатларга йўл қўйган эдики, унда у таклиф қилган натижалар, яъни Zc нинг Mx дан ёки катта ёки унга тенг бўлиш мумкинлиги ($Zc \geq Mx$) стандартлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтирар эди.

Вужудга келишидан бошлаб “Стандарт-Кост” ҳисоб тизимида муваффақиятли ривожланди ва ҳозир бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг кўплаб фирмаларида кенг қўлланилмоқда.

“Стандарт-Кост” атамаси икки сўздан ташкил топган: “стандарт” маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун зарурий ишлаб чиқариш харажатлари миқдорини (моддий ва меҳнат) ёки маҳсулот ишлаб чиқариш ё хизмат кўрсатиш бирлиги учун олдиндан ҳисоблаб қўйилган харажатларни англатса, “Кост” сўзи эса маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатларни билдиради. Шундай қилиб “Стандарт-Кост” сўзи тўлиқ маъносида стандарт харажатларни англатади. Бу тизим - энг аввало ишлаб чиқаришнинг бевосита чиқимларидан фойдаланиш устидан назоратни ўрнатишга қаратилган, бирига боғлиқ калькуляциялар эса қўшимча харажатлар назорати учун мўлжалланган.

“Стандарт-Кост” тизими ишбилармонлар талабларини қондиради ва ишлаб чиқариш харажатларини назорат қилиш учун қудратли қурол бўлиб хизмат қилади. Белгиланган стандартлар асосида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотишга мўлжалланган маҳсулотлар бўйича кутиладиган харажатлар

суммасини олдиндан белгилаш, баҳоларни аниқлаш учун маҳсулот ёки хизмат бирлиги таннархини ҳисоблаб қўйиш, шунингдек келаси йилда кутиладиган даромадлар ҳақида ҳисобот тузиш мумкин. Бу тизимда мавжуд оғишлар тўғрисидаги ахборотдан раҳбарлар тезкор бошқарув чораларни қабул қилиш учун фойдаланадилар.

“Стандарт-Кост” тизимининг таркиби моддалар бўйича харажатларнинг қуйидаги дастлабки (ишлаб чиқариш жараёни бошлангунча) нормаларидан ташкил топади:

- асосий материаллар;
- асосий ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларнинг меҳнат ҳақи;
- ишлаб чиқаришда қўшимча харажатлар (ёрдамчи ишчилар иш ҳақи, қўшимча материаллар, ижара ҳақи, жиҳозлар амортизациеси ва х.к.)
- тижорат харажатлари (сотиш бўйича маҳсулотни сотиш бўйича харажатлар).

Бу нормалар қатъий белгиланган ставкалар сифатида кўриб чиқилади, бунда ҳақиқий харажатлар корхонага моҳирлик билан раҳбарлик қилиш орқали стандартларга мувофиқлаштирилади. Сотилар юзага келганда стандарт нормаларни ўзгартиришмайди, улар бутун белгиланган даврга нисбатан барқарор туради. Янги иқтисодий шароитлар, материаллар, ишчи кучи баҳосининг бир оз кўтарилиши ё тушиши ёки ишлаб чиқаришнинг шарт ва усуллари ўзгаришидан келиб чиққан иқтисодий ўзгаришлар бундан мустасно. Гар бир ҳисобот даврида юзага келувчи ҳақиқий ва тахминий харажатлар ўртасидаги оғишлар йил давомида оғишларнинг алоҳида ҳисобларида тўпланиб боради ва ишлаб чиқариш харажатларига эмас, балки бевосита корхона молия натижаларига тўла равишда қўшиб қўйилади.

“Стандарт-Кост” ҳисоб қуйидаги тизимида тақдим этилиши мумкин:

- ◆ Маҳсулот сотишдан тушган кирим;
- ◆ Маҳсулотнинг стандарт таннархи;
- ◆ Ялпи фойда ;
- ◆ Стандартлардан оғишлар;
- ◆ Ҳақиқий фойда .

Стандарт нормалар ёрдамида ҳисоблаб чиқилган калькуляция ишлаб чиқариш ва харажатларни тезкор бошқариш учун асос бўлиб ҳисобланади. Харажатларнинг белгиланган стандарт нормаларидан оғиш даражаси бу оғишларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш учун таҳлил қилинади. Бу маъмуриятга ишлаб чиқаришдаги камчиликларни тезкор бартараф этишга, келажакда ҳам уларнинг олдини олишга имкон яратади.

Шуни таъкидлаш керакки, “Стандарт-Кост” тизими хориж амалиётида норматив ҳужжатлар билан белгилаб қўйилмаган, шу сабабли бу тизим стандартлар белгилашни ва ҳисоб қайдномаларини юргизишнинг ягона усулига эга эмас. Шу сабабли ҳатто биргина компания ичида турли нормалар амал қилади: базисли, жорий, идеал, тахминий, эришиб бўладиган ва енгиллаштирилган.

Нормаларни белгилашда мазкур маҳсулотни ишлаб чиқариш учун зарур хомашё, ишчи кучи ва хизматлар ҳажми харажатини табиий ҳолда ифода этишга имкон берувчи миқдорий стандартлардан кенг фойдаланилади. Бу стандартлар махсус коэффицентларга кўпайтирилади ва стандарт мақомига эга бўлган баҳо нормалари олинади.

Қўшимча харажатлар. Қисмлаб аниқ ҳисоблаш қийин ёки мақсадга мувофиқ бўлмаган, кўплаб алоҳида моддаларни қамраб олган қўшимча харажатларнинг стандартлари миқдорий нормалари кўрсатилмаган ҳолда пул баҳосида берилади. Бундан қўшимча харажатларнинг энг муҳим таркибий қисмлари мустасно этилади (масалан, иш ҳақи). Уларга қараб айрим ҳолларда миқдорий стандартлар белгиланиши мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида хомашё баҳоси талаб ва таклифга боғлиқ равишда узлуксиз тебраниб туради. Шу боис, хомашё стандарти кўп ҳолларда стандартлар ишлаб чиқиладиган вақтда амал қилган баҳолар даражасидан келиб чиққан ҳолда, яъни етук нормалардан фойдаланиш даври давомида устунлик қиладиган ўртача баҳоларни аниқлашдан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Шунга мувофиқ тарзда технологик жараён операциялари бўйича иш ҳақи ставкаларининг стандартлари аксарият ҳолларда ўртача баҳолар ҳисобланади.

Хомашё ва ҳақи нормалари одатда бир одамга ҳисоб қилиниб белгиланади. Қўшимча харажатлар назорати учун маҳсулотнинг тахминий ҳажмидан келиб чиқиб маълум давр учун ставкалари ишлаб чиқилади. Қўшимча харажатлар сметалари доимий характерга эга. Бироқ, ишлаб чиқариш ҳажми тебранишларида қўшимча харажатлар назорати учун ўзгарувчан стандартлар ва сирпанчиқ сметалар тузилади.

Қўшимча харажатларнинг сирпанчиқ сметалари маҳсулот ишлаб чиқариш миқдorigа боғлиқ равишда доимий, ўзгарувчан ва ярим ўзгарувчан харажатларга бўлинади. Сўнгилари ўз навбатида, доимий ва ўзгарувчан таркибий унсурларга бўлиб чиқилади. Бундай усулда қўшимча харажатларнинг смета ставкаси (нормаси) маҳсулот ишлаб чиқариш ва доимий чиқимлар бирлигига олдиндан белгиланган нормалар улушининг ўзгарувчан қисми сифатида аниқланади.

Маҳсулот стандарти таннархини ҳисоблаш учун хомашёнинг норматив харажатлари, ишчи кучи ва қўшимча харажатлар умумлаштирилади. Улар бўйича юзага келган оғишлар қуйидаги тарзда ҳисоб – китоб қилинади.

	Оғиш турлари	Оёишларни тавсифловчи кўрсаткичлар ва уларнинг ҳисоб китоби
1	2	3
I. Хомашё		
1	Хомашё баҳоси бўйича оғиш	- хомашё бирлигининг норматив таннархи; - ҳақиқий баҳо; - сотиб олинган хомашё миқдори.
2	Хомашё миқдори бўйича оғиш	- аҳсулотни ишлаб чиқаришга кетган хомашёнинг норматив миқдори ; - хомашё учун сарфланган ҳақиқий харажат; - хомашёнинг норматив таннарх.
3	Хомашё бирлигига сарфланадиган харажат бўйича оғиш	- хомашё бирлигига сарфланган меърий харажатлар; - хомашё бирлигига сарфланган ҳақиқий харажат.
II. Ишчи кучи		
1	Иш ҳақи ставкалари бўйича оғиш	- иш ҳақининг норматив ставкаси; - иш ҳақининг соатбай ставкаси; - ҳақиқий ишланган вақт.
2	Меҳнат унумдорлиги даражаси бўйича оғиш	- маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун норматив вақт; - маҳсулот бирлигига сарфланган ҳақиқий вақт; - меҳнатга ҳақ тўлаш норматив соатбай ставкаси.
III. Қўшимча харажатлар		
1	Доимий қўшимча харажатлар бўйича	- маҳсулот бирлигига сарфланадиган доимий қўшимча харажатлари меъёри; - маҳсулот бирлигига сарфланадиган ҳақиқий доимий қўшимча харажатлари; - ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий ҳажми.
2	Ўзгарувчан қўшимча харажатлар бўйича оғиш	- маҳсулот бирлигига сарфланадиган ўзгарувчан қўшимча харажатлар меъёри; - маҳсулот бирлигига сарфланган ҳақиқий ўзгарувчан қўшимча харажат; - ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий ҳажми.
IV. Ялпи фойда		
1	Сотиш баҳоси бўйича оғиш	- маҳсулот бирлигининг меъёрий таннархи; - маҳсулот бирлигининг ҳақиқий баҳоси; - сотилган маҳсулот ҳажми
2	Сотиш ҳажми бўйича оғиш	- смета бўйича сотиш ҳажми; - ҳақиқий сотилган маҳсулот ҳажми; - маҳсулот бирлигига тўғри келган норматив (меъёрдаги) фойда
3	Ялпи фойда ҳажми бўйича оғиш	- норматив бўйича фойда; - ҳақиқий олинган фойда

“Стандарт-Кост” ҳисоб тизимидан фойдаланадиган корхоналар одатда, қуйидаги ҳисобларни юргизадилар:

- хомашё харажати бўйича оғишлар;
- иш ҳақи бўйича оғишлар;
- қўшимча харажатлар бўйича оғишлар;
- тижорат стандарт таннархдан оғишлар;

Зарурат туғилганда (масалан, сабаблар бўйича бўлинмалар билан оғишларни акс эттиришда) бу ҳисобларнинг ҳар бири ундан ҳам кичикроқ таҳлилий ҳисобга бўлиб чиқилиши мумкин.

“Стандарт-Кост”даги асосий талаб - бу харажатларнинг белгиланган нормаларидан оғишлари устидан назорат бўлиб, у харажатлар стандартларини такомиллаштиришга имкон беради. Агар бундай назорат қўлланилмаса, у ҳолда “Стандарт-Кост”нинг қўлланиши шартли бўлиб қолади ва ижобий натижа бермайди.

Шу билан бир қаторда “Стандарт-Кост” тизимининг ўзига хос камчиликлари мавжуд. Хусусан товар бозорида рақобат натижасида содир бўлган баҳонинг ўзгаришини ва инфляцияни, омбордаги тайёр маҳсулотлар қолдиғи ва тугалланмаган маҳсулот баҳосини (қийматини) ҳисоблашни мураккаблаштиради. Стандартларни барча ишлаб чиқариш харажатларига қўллаб бўлмайди, шу муносабат билан жойларда ҳар доим уларнинг назорати бўшашиб кетади. Боз устига, ишлаб чиқариш компанияси қисқа муддат ичида характер ва типи бўйича турли буюртмаларни катта миқдорда текшириши чоғида стандартни ҳар бир буюртмага ҳисоблаб чиқиш деярли мумкин эмас. Бундай ҳолларда илмий асосланган стандартлар ўрнига ҳар бир маҳсулотга ўртача қиймат белгиланади, у маҳсулотга баҳо белгилаш учун асос (базис) бўлиб ҳисобланади.

Бу камчиликларга қарамай фирма ва компанияларнинг раҳбарлари ишлаб чиқариш чиқимлари ва маҳсулот таннархини калькуляциялаш, шунингдек, бошқариш, режалаштириш ва зарурий қарорлар қабул қилиш учун назорат ўрнатишнинг бақувват қуроли сифатида “Стандарт-Кост” ҳисоб тизимидан фойдаланадилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳисоби назариясига “Стандарт-Кост” тизими 1933 йилда М.Гаррисоннинг “Стандарт-Кост” китоби таржимасининг чоп этилиши муносабати билан кириб келди. Бошқа бир америкалик иқтисодчи Т.Даунинг бир йилдан кейин “Стандарт-Кост тизимли ҳисоб” китобида бу тизимнинг соддалаштирилган варианты қараб чиқилган, барқарор баҳода бухгалтерия ишлари китоблари ва техникаси баён қилинган, ҳисоб натижаларини ҳақиқий даражага келтириш учун улар кейинчалик тўғрилانган.

Ҳисобнинг иккала тизимини ўрганиш улар ўртасида умумийлик кўп деган хулосани чиқаришга имкон беради. Демак, ҳар иккала тизим учун қуйидагилар умумий тамойил бўлиб ҳисобланади:

- ◆ харажатларни кескин нормалаштириш;
- ◆ харажатларни алоҳида моддалари бўйича захирасиз харажатнинг

белгиланган нормадаги (стандартлари) асосий норматив калькуляциясини олдиндан (ҳисобот даври бошлангунча) тузиш;

◆ оғишларнинг юзага келиши ва жавобгарлик марказлари нуқтаи назаридан улардаги оғишлар бўйича ва жорий нормалар бўйича харажатларнинг бўлиниш ҳисоби ва назорати;

◆ ишлаб чиқариш жараёнида ва харажатларни бошқаришдаги салбий ҳодисаларни бартараф этиш учун ахборотдан фойдаланиш мақсадида юзага келган оғишларни тизимли умумлаштириш ва таҳлил қилиш;

◆ маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усулида ва харажатлар ҳисобининг барча усулида қўллашнинг ҳар тарафламалиги ва имкониятини инобатга олиш.

Шуни таъкидлаш лозимки, қайд қилинган умумий тамойиллар ўртасида айрим тафовутлар мавжуд. Улар қуйидагилардан ибора:

Норматив ҳисобдан фарқли ўлароқ “Стандарт-Кост” ҳисоб тизимида харажатлар нормалари ўзгаришларининг алоҳида ҳисоби олиб борилмайди. Харажатларнинг дастлабки ҳисобланган нормалари ҳақиқий харажатларни ишлаб чиқаришга мохирлик билан раҳбарлик қилиш орқали стандартларга мувофиқ ҳолга келтириш учун қатъий белгиланган ставкалар сифатида кўриб чиқилади. Оғишлар юзага келганда стандарт нормалари ўзгармайди. Улар бутун белгиланган даврга нисбатан барқарор бўлиб қолади. Янги иқтисодий шароитлар, хомашёлар, ишчи кучи баҳосининг кўтарилиши, (пасайиши) ёки ишлаб чиқариш шартлари ва усулларининг ўзгариши билан юзага келган жиддий ўзгаришлар бундан мустасно. Бу тизимда стандарт харажатлар бевосита ишлаб чиқариш ҳисобларига қўшиб қўйилади. Гар бир ҳисобот даврида юзага келувчи ҳақиқий ва тахминий харажатлар ўртасидаги оғишлар йил давомида (Ўзбекистон норматив ҳисобидан фарқли ўлароқ) оғишларнинг алоҳида ҳисобларида тўпланиб қолиши ва тўла ҳолда ишлаб чиқариш харажатларига эмас, балки бевосита корхона молиявий натижаларига қўшиб қўйилиши мумкин. Бундан ташқари “Стандарт-Кост” дан фарқли ўлароқ норматив ҳисоб ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлиб, сотиш жараёнига мўлжалланмаган. Бу эса маҳсулотнинг сотиш баҳосини ишлаб чиқиш ва асослашни қийинлаштиради.

Юқоридагиларни умумлаштириб, шундай хулоса қилиш мумкинки, харажатлар ҳисобининг норматив усули ва “Стандарт-Кост” тизими бир бирига ўхшаш тушунчалар эмас. Бироқ ҳар иккала тизим ғояси битта – стандартларни белгилаш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишдаги муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида оғишлар ҳисобини аниқлаш.

Гозирги вақтда Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби тизимини ислоҳ қилиш жараёни кечмоқда. У бозор иқтисоди ва молиявий ҳисобот стандартларининг талабларига тобора кўпроқ мувофиқлаштирилмоқда Ўзбекистоннинг 1-сонли “Молиявий ҳисобот ва корхона ҳисоб сиёсати” БҲМС кўра корхоналарга ҳам ҳақиқий, ҳам норматив таннарх бўйича бухгалтерия ҳисоби объектларини баҳолаш ва акс эттириш, бухгалтерия ҳисоби юргизишнинг шакл ва усулларини мустақил белгилаш ҳуқуқи берилди. Масалан, норматив таннарх бўйича тайёр

маҳсулотларнинг синтетик ҳисобини ташкил ҳолда сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари янги ҳисоб режасига мувофиқ (2001й) “Маҳсулот” (ишлар, хизматлар, ишлаб чиқариш) 40-ҳисобини қўллашлари мумкин. Бу ҳисоб ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳақидаги ахборотни умумлаштириш ва унинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархининг норматив таннархидан оғишларини аниқлаш учун мўлжалланган.

Ишлаб чиқарилган ва кирим дафтарига ёзиб қўйилган тайёр маҳсулотларнинг норматив таннархи ҳисобот даври давомида ишлаб чиқариш корхоналари “Тайёр маҳсулот” 2810-ҳисобининг дебети ва 2810-ҳисобининг кредити бўйича қайд этиб қўйишлари мумкин. Ҳисобот охирида “Асосий ишлаб чиқариш” 2010-ҳисобига қайд этилган ишлаб чиқарилган маҳсулотларининг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи шу ҳисоб кредитидан 2810 счет дебетига ўтказилиши керак. Бунда ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулот ҳақидаги ахборот икки баҳода шаклланади: дебет бўйича – ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи, кредит бўйича – норматив таннарх. Охирида 2810 - ҳисоб бўйича дебетли ва кредитли айланмаларни таққослаш билан ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархининг норматив таннархдан оғиши аниқланади. Оғиш суммаси 2810 ҳисоб кредитидан “Сотишлар” 90-ҳисоби дебетига киргизилиши керак. Гар ойда 2810 -ҳисоби ёпилиши ва келаси ойнинг бошигача қолдиққа эга бўлмаслиги керак.

Шуни таъкидлаш керакки, сут ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарининг амалий ишида норматив таннарх категориясидан маҳсулот таннархини калькуляция қилиш ва харажатлар ҳисобини халқаро “Стандарт-Кост” ҳисоб тизимига яқинлаштиради. Шу билан бирга ҳисоб амалиётида 2810-счетовдан фойдаланиш, кўпинча, ҳам ижобий ҳам салбий жиҳатларга эга. Бу ҳисобдан фойдаланиш чоғида маҳсулот ҳақиқий таннархининг ишлаб чиқарилган, юклаб жўнатилган ва сотилган маҳсулот бўйича ҳисоб баҳолари бўйича унинг қийматидан оғишларнинг алоҳида меҳнатталаб ҳисоб-китоблари тузиш зарурияти қолмайди. Чунки тайёр маҳсулотлар бўйича аниқланган оғишлар дарҳол 9010-счетовга ёзиб қўйилади. Бироқ бу вариант фақатгина маҳсулот ишлаб чиқарилган ва ўша ойнинг ўзида сотилган бўлсагина, сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини олишга имкон беради. Бордию, маҳсулотнинг бир қисми ой бошида омборда қолса, ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархининг норматив таннархдан унга тегишли оғишлари маҳсулотни сотишга ёзиб қўйилса, унда сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархини ҳисобга олишда ва сотишдан келадиган молиявий натижаларни аниқлашда хатоликка йўл қўйилган бўлиши мумкин. Амалдаги ҳисоб режасини амалиётга қўллаш корхоналардаги “Материаллар” 1010-1090 счётларидаги материалларни синтетик ҳисобини икки усул билан олиб боришга имкон яратади.

- ҳақиқий таннарх бўйича
- ҳисоб баҳолари бўйича

Корхона ҳисоб баҳолари сифатида материаллар сотиб олишнинг норматив ёки режадаги қийматидан, сотиб олиш ёки ўртача баҳолари ва х.к.

дан фойдаланиши мумкин.

10-счёт бўйича 1-усулда материаллар сотиб олиш ва тайёрлаш бўйича барча ҳақиқий харажатлар акс эттирилади.

2-усулда “Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш” 1510- ва “Материаллар қийматидаги оғиш” 1610- счётида қуйидагича тарзда фойдаланиладилар. У ёки бу усулнинг қўлланилишини корхона мустақил белгилайди ва унинг ҳисоб сиёсатида кўрсатилади.

Норматив таннарх бўйича материалларнинг синтетик ҳисоби олиб борилган ҳолда тушумнинг ҳақиқий таннархи 1510- счётини дебетлаштирадилар. Бунда кирим дафтарига ёзилган материалларнинг норматив қиймати 1010- счёт дебети бўйича 1510- счёт кредитидан акс эттирилади. Сотиб олиш ҳақиқий таннархнинг норматив таннархдан юзага келган оғишлари 1610- счёта акс эттирилади. Ишлаб чиқариш мақсадларида материалларни ҳисобдан чиқариш вақтида уларни норматив таннархи 1010- ҳисобни кредитлаштирадилар ва харажатлар ҳисоби ҳисобини дебетлаштирадилар. Ой охирида харажатланган материаллар ҳақиқий таннархнинг улар норматив таннархидан оғишлари ёзиб қуйилади, бу оғишлар 1610-ҳисобда ҳисобга олинган. Бунинг натижасида харажатлар ҳисоби ҳисобида материаллар харажати ҳақиқий таннарх бўйича акс эттирилади. Бундан ташқари, 1610 счёта ой охирида ишлаб чиқаришга жалб қилинмаган, омбордаги материаллар қолдигига тўғри келадиган сальдо қолади. Бухгалтерлик балансида 1010-1610 счётлари бўйича қолдиқлар бир қатор билан акс эттирилади, яъни материаллар қиймати якуний ҳисобида ҳақиқий қиймат бўйича кўрсатилади.

Бунинг натижасида, корхона балансида материал (моддий) ва ишлаб чиқариш заҳираларининг акс эттирилиши “Стандарт-Кост” ҳисоб тизимини ташкил этишга салбий таъсир кўрсатади. Чунки бир томондан, тайёр маҳсулот заҳиралари ва ортилган товарлар корхона балансида норматив таннарх бўйича акс эттирилса, иккинчи томондан материаллар заҳиралари ва тугалланмаган ишлаб чиқариш бу балансда ҳақиқий таннарх бўйича қайд қилинади. Шу мақсадда ҳисоб режасида ҳақиқий харажатларнинг норматив харажатлардан оғишларини ишлаб чиқаришга эмас, балки фаолият натижасига езиш билан ҳисоб қилиниши ва акс эттирилиши учун махсус синтетик ҳисоблар ажратиш кўзда тутилган. Бу ҳолда 2810- счётни қўллаш зарурати қолмаган бўлади, чунки азалданоқ маҳсулот таннархи норматив таннарх бўйича шаклланган бўлар эди. Бунинг устига, бундай имкониятни бизга бухгалтерия ҳисоби бўйича счётларнинг янги замонаси тақдим этмоқда. Ишлаб чиқариш корхоналари учун счётларнинг ишчи режасида ҳақиқий харажатларнинг норматив харажатлардан оғишлари ва счёт учун махсус синтетик счётлар ажратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Масалан, меҳнатга бевосита ҳақ тўлаш бўйича оғишлар счёти учун 17-счётни, умумишлаб чиқариш-18, умумхўжалик харажатлари бўйича 19-счётни қўллаш лозим. Бундай ҳолда аниқланган оғишларни бевосита ишлаб чиқаришга эмас, сотишлар натижасига қўшиб қўйиш имкони бўлар эди. Бинобарин, “маҳсулот (ишлар, хизматлар) чиқариш” 2810-счётини қўллаш

зарурати қолмаган бўларди. Чунки маҳсулот таннархи азалдан норматив таннарх бўйича “Асосий ишлаб чиқариш” 2010- сметида шаклланган бўларди. Бу ўз навбатида бизнинг амалиётимиздаги норматив счет тизимини “Стандарт-Кост” ҳисоб тизимига яқинлаштирган бўларди.

11.2. “Директ-костинг” тизими бўйича бошқарув ҳисобини ташкил этиш

Ривожланган бозор муносабатлари шароитида корхона ишлаб чиқариш фаолиятини самарали бошқариш тобора кўпроқ уни ахборот билан таъминлашга боғлиқ бўлиб бормоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги мавжуд бухгалтерия ҳисоби тизими кўп жиҳатдан ҳамон идоравий иқтисод ҳисоби бўлиб қолмоқда ва солиқ олинадиган база ҳисоб китоби функциясини бажармоқда. Шу пайтгача корхоналаримизда маҳсулот (ишлар, хизматлар) бирлигига сарфланган тўла ҳақиқий таннарх ҳисоби ва ҳисоб этилишини кўзда тутувчи бухгалтерия ҳисобининг харажат усули қўлланилмоқда. Бироқ, бутунжаҳон тажрибаси асосида маҳсулотнинг қисқартирилган таннархини ҳисобга олиш ва маржинал даромадни аниқлаш вақти етган. Бухгалтерия ҳисобида маржинал даромад усулининг қўлланилиши - директ-костинг ҳисоб тизимидан самарали фойдаланишда ўз аксини топди.

Маржинал даромад усулидан ғарб мамлакатларида ишлаб чиқаришни (экстенсив) ривожлантириш модели ўрнига янги модел - интенсив ривожланиш модели устиворлиги шароитида фойдалана бошладилар. Бундай моделдан фойдаланиш, ўз навбатида, харажатларни бевосита ва билвосита, асосий ва қўшимча, доимий ва ўзгарувчан, харажатларга аниқ бўлишни ва шу асосда бошқаришнинг стратегик вазифаларини ҳал этишни талаб қилади.

Харажатларни бундай тасниф этишнинг назарий асосларини 1781 йилда Т.Е.Клинштейн ўзининг “Ҳисобда муқобиллар ҳақида таълим” китобида металлургия корхонаси мисолида ёритган эди. Хусусан у ишлаб чиқариш харажатларни алоҳида фазалари бўйича ҳиоб-китоб қилинишини, яъни:

- ишлаб чиқариш (кўмир ишлаб чиқариш);
- шлакларни қайта ишлаш;
- эритиш ва ҳ.к. ларни таклиф қилган эди.

У қўшимча харажатларни давр учун бевосита натижалар ҳисобига киритишни лозим деб ҳисоблайди.

Ҷарбда чегараланган харажатлар тўғрисида ҳам кўп баҳслар борган. Бундан харажатлар ҳақида биринчи бўлиб О.Шмеленбах ўз фикрини билдирди. 1899 йилда “Немис адабиёти” газетасида босилган “Фабрика ишида бухгалтерия ва калькуляция” мақоласида у харидорнинг бевосита ва билвосита харажатлари ўртасидаги фарқни кўрсатди. Бундан ташқари шу мақолада “Бирламчи қўшимча харажатлар”, “Иккиламчи қўшимча харажатлар”, “Доимий харажатлар”, “Ўзгарувчан харажатлар”, “Прогрессив харажатлар”, “Дегрессив харажатлар” деган тушунчалар тилга олиб ўтилган. О.Шмеленбах ўшандаёқ фақат бирламчи қўшимча харажатлар муайян харидорлар ҳисобдан мансуб, иккиламчилари эса, ялпи фойда ҳисобидан копланди. қоплаш суммалари ҳисобини ташкил этиш ғояси биринчи марта у томонидан 1902 йилда босилган “Таннарх ҳисоби асослари ва баҳолар сиёсати” ишида эълон қилинганди. 1903 йилда Г.Глесс ҳам доимий харажатлар ва қисмларга бўлинган ўзгарувчан харажатлар ўртасида харажатларни аниқ чегаралаш заруриятини кўрсатиб

ўтганди. Шу муносабат билан у шундай деб ёзган эди: “Доимий харажатларга мен корхонанинг умумий ўзгарувчан харажатларини, шунингдек, - барча қолган унсурларга сарфлашни назарда тутувчи барча моддаларни мансуб деб биламан бераман”.

Харажатларни доимий ва ўзгарувчан харажатларга ажратиш ғоясининг назарий ва амалий жиҳатларни. уларнинг ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқлигини биринчи марта Ж.Кларк асослади. 1923 йилда у ишлаб чиқариш ялпи чиқимларини ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ равишда доимий ва ўзгарувчан чиқимларга бўлишни таклиф этди. Доимий чиқимларга, унинг фикрича, қуйидагилар кириши керак:

-асосий капиталнинг амортизацияси;

-маъмурий ва техник ходимларни саклаш харажатлари; жиҳозларни лозим ҳолатда тутиш;

-сотиш тармоқларини тутиш;

-амалга киритилган капиталга қўйилган одатдаги фойда суммаси.

Ш.Кларкнинг ёзишига кўра, ўзгарувчан харажатларга ишлаб чиқариш ҳажми катталигига боғлиқ равишда ўзгариб турувчи хомашё, материаллар, электр қуввати, ишчи кучи, жиҳозлардан фойдаланиш ва хоказоларни киритиш лозим.

Ушбу ғояни ривожлантириб экан, Америка иқтисодчиси Жонатан Гаррисон 1936 йилда “Директ-костинг” таълимотини яратди. Унга кура таннарх таркибида фақат бевосита харажатларни ҳисобга олиш керак. Бу тизимнинг асосий ғоялари 1936 йилда “Саноат ҳисоби миллий ассоциацияси” бюллетенида чоп этилган эди. Аввалига бу ғояни унчалик қўллаб қувватлашмади, тўлиқ таннарх тарафдорларининг танкидига учради. Уларнинг фикрича, тўлиқ таннарх акционерлар, капитал қуёвчилар ва хатто бошқарувчилар учун ҳам керак. Фақат кейинчаликки “Директ-костинг” харажатлар ҳисобининг устувор усули бўлиб қолди.

Шуни назарда тутиш керакки, “Директ-костинг”нинг пайдо бўлиши соф бухгалтерия билан боғлиқ эди. Ҳисоб ходимлари ўша даврда шундай хулосага келишдики, барча харажатларни мазкур ҳисобот даврига ва маҳсулот чиқариш билан боғлиқларга (улар маҳсулот сотилгандаги ҳисобот даврига тегишли) бўлиши лозим. Биринчиси доимий харажатлар, иккинчиси, ўзгарувчан харажатлар деб айтилди.

Агар бу ёндашув тўғри бўлса, табиийки, таннарх таркибига вақт билан боғлиқ бўлган бевосита харажатларни киритиш мумкин ва керак. Бу ҳолда балансдаги тугалланмаган маҳсулот баҳосининг пастлиги, ҳар бир ҳисобот даври харажатларининг ортиб кетганлиги, юқорида қайд қилинганларга айтилганларга қарши асосий эътироз ҳисобланади.

XX асрнинг 30-йилларида “Директ-костинг” тизими соҳасида Вальтер Равутентштраух, Жон. Х.Уильямс, Чарльз М.Кноппель ҳам илмий тадқиқот олиб борганлар. Улар бюджет ва ишлаб чиқариш ўртасидаги боғланишни ифодаловчи графикни ишлаб чиқдилар. Шу график ёрдамида маҳсулот ҳажми, таннарх ва фойда кўрсоткичлари ўртасидаги алоқани кузатиш мумкин эди.

“Директ-костинг” ғоясини ривожлантиришда “Харажатлар ва ишлаб чиқариш катталиклари мутаносибликлари асосида харажатлар ҳисобининг ягона тизими” китобини чоп этган К.Румель талайгина хисса қўшган. Унда харажатлар ҳисобининг амалий йўл-йўриқлари мавжуд. Хусусан, унда “Блоклар бўйича харажатлар ҳисоби” тушунчаси берилган киритган. Унинг фикрича, агар доимий харажатлар блокини мутаносиб равишда харажатлар блокига қарама қарши қўйилса ва маҳсулотга сарфланган харажатларини эмас, фақат мутаносиб харажатлар киритилса, бундай тизимини “Блоклар бўйича харажатлар ҳисоби” деб айтиш лозим бўлади. К.Румель ғоясига биноан маҳсулот ҳажмига ҳамда календар давр давомийлигига тегишли харажатлар бевосита харажатларни элтувчиларга киритилади. Бунда давр давомийлигига тегишли харажатлар бир блокда тақсимланмаган харажатлар каби тўпланади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда “Директ-костинг” тизими бирмунча анча ривожлана бошлади. Ишлаб чиқариш харажатлари соҳасида назоратнинг кучайтирилиши таннарх соҳасида бундан кейинги тадқиқотларни рағбатлантира бошлади. Бунда ишлаб чиқаришнинг зарарсизлик нуқтасини топиш билан боғлиқ ҳисоб-китоблар кенг тарқалди. Бунинг натижасида, деб таъкидлайди Н.Г.Чумоченко, XX асрнинг 50- йилларида АҚШ да бир қатор комбинациялар фақат бевосита харажатларни эмас, балки материаллар ва ишчилар иш ҳақидан ташқари яна ўзгарувчан қўшимча харажатларни ҳам таннархга қўшиб юбормоқдалар .

АҚШда “Директ-костинг” тизимининг ҳақиқий татбиқ этилиши бугунги кунда барча иқтисодий ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилмоқда. Германия ва Австралияда мазкур усул “қисман харажатлар ҳисоби” деб аталади. Британияда у “маржинал харажатлар ҳисоби”, Францияда – “маржинал бухгалтерия” ёки “маржинал ҳисоб” деган номларни олган. Ўзбекистонда эса “чекланган, нотўлиқ ёки қисқартирилган таннарх ҳисоби” тушунчалари қўлланилиб келмоқда. Бизнинг назаримизда, “бухгалтерия ҳисобининг маржинал усули” деб аташ ўринли ҳисобланади. Биз бундай ёндошувни “Директ-костинг” тизимида асосий кўрсаткич маржинал даромад бўлганлиги билан боғлаймиз. Унинг ёрдамида ишлаб чиқариш рентабеллиги даражаси аниқланади, маҳсулотни зарарсиз сотиш баҳоси белгиланади, корхонанинг ассортимент сиёсати тузилади ва ҳ.к. Шундай “маржинал усули” атамаси Ўзбекистон мутахассислари учун “Директ-костинг” га қараганда тушунарлироқ ва маънолироқ бўлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон ҳисоб назариясига “Директ-костинг” атамаси яқинда кириб келди ва кенг оммалашиб кетди. Илмий мулоқотда “Директ-костинг” тизими тавсифи билан боғлиқ масалаларни кўтариб чиққан олим-иқтисодчиларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин. Масалан, Н.Г.Чумаченков ва С.С.Сатубалдин рисолаларида “Директ-кост” ҳақидаги мақола шарбдаги мавжуд ҳисоб амалиёти тавсифи тартибида баён этилади. В.Ф.Палий ва С.А.Стуков рисолаларида эса бу тизимнинг Ўзбекистон амалиётида бугунданок қўлланиш имконияти ҳақидаги масала кўндаланг қўйилган. Шу муносабат билан С.А.Николаеванинг рисоласи

диққатга сазовор. Унда “Директкост” тизимининг моҳияти, унинг айнан ғарб мамлакатларида келиб чиққанлиги ва ривожланганлиги, бошқарув ва ишлаб чиқариш ҳисоблари тизимлари ва Ўзбекистон корхоналарида амалий қўлланиш имкониятлари билан ўзаро муносабатларига дахлдор масалалар тизимини баён этишга биринчи марта жиддий уриниб кўрилган.

Немис иқтисодчиси Д.Бернер шартли ўзгарувчан харажатлар ҳисоби усули ҳақида гапириб қуйидагиларни таъкидлайди: “Директ костинг” - бу корхона умумий чиқимларини, вақт бирлигида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори билан бевосита боғлиқ бўлган ўзгарувчан харажатларга асосланувчи таннарх ҳисоби тизимидир. Чиқимларнинг фақат сўнгги гуруҳи бевосита харажатлар билвосита ўзгарувчан харажатлар маҳсулот таннархи ҳисобига жалб этилади. Бу асосан ҳисобот даврида сотилган маҳсулотларга дахлдор харажатларнинг якуний йиллик баланси ва баҳосини тузишда ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар захираларини баҳолашга кўл қилади. Доимий харажатлар фойдалар ва зарарлар сметида ҳисобида ҳисобга олинади”.

Юқорида келтирилган тавсиялардан кўриниб турибдики, “Директ костинг”нинг асосий тавсифи корхона харажатларининг ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришга боғлиқ ҳолда доимий ва ўзгарувчи харажатларга бўлишдан иборат.

Дастлабки босқичларда таннархга фақат бевосита харажатлар киритиларди, билвосита харажатларнинг турлари эса бевосита молиявий натижаларга тузиларди. Direct-Costing-System (бевосита харажатлар ҳисоби тизими) номи ҳам шундан келиб чиққан. Кейинроқ “Директ-костинг” шундай ҳисоб тизимига кўчиб ўтдики, унда таннарх нафақат бевосита ўзгарувчан қисмида ҳисоб қилинарди. Номдаги бир қатор шартлилиқ ана шундан келиб чиқади.

Шу муносабат билан Ткач В.И ва Ткач М.В. таъкидлайдиларки, “Директ костинг” усулининг икки варианты бор:

1) ҳисобда фақат ўзгарувчан (тезкор) харажатлар тўғрисидаги маълумотлардан асосланган оддий директ-костинг;

2) ривожланган директ-костинг ўзгарувчан харажатлар билан бир қаторда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича бевосита сотиш бўйича, бевосита ўзгарувчан харажатлар ҳам таннархга киритилади.

Ч.Т Харакер ва Д. Форетрларнинг фикрларига биноан, ҳозирги вақтда “Директ костинг” атамаси мазкур тизим тавсифини тўлиқ акс эттирмайди ва уни бошқа атама билан аташни таклиф этишади. Ўзларини “Бухгалтерлик ҳисоби: бошқарув аспекти” китобида улар эътиборини шу нарсага тортадиларки, ҳозирги вақтда доимий харажатлар тўпламини сотишга кетганда калькуляциялаш усулини белгилаш учун иккита: “Директ костинг” ва “Врибл-костинг” атамасидан фойдаланилмоқда. Уларнинг фикрича, “Врибл-костинг” атамаси усул моҳиятини аниқроқ акс эттиради, чунки захиралар на фақат бевосита материаллар ва меҳнат харажатларига тегишли, балки ўзгарувчан ишлаб чиқариш харажатларига ҳам тегишли..

Тасаввуримизда, “Директ-костинг” тизими тавсифи учун нафақат ном, балки у кўзлаган мақсад ҳам муҳим аҳамият касб этади. 1965 йилда Р.Энтони

шундай ёзган эди: “Ҳисоб-китоблар учун кўпгина компаниялар таннарх ҳақидаги уч турдаги маълумотдан фойдаланадилар:

-жавобгарлик марказлари бўйича таннарх тўғрисида (масъул ижрочилар фаолиятини режалаштириш ва назорат қилиш учун);

-тўлиқ ишлаб чиқариш таннархи тўғрисида (яхши ҳолатларда баҳо белгилаш ва бошқа тезкор қарорлар қабул қилиш учун);

-бевосита ишлаб чиқариш таннархи ҳақида - махсус ҳолатларда, масалан, эркин қувватларни ишга олиш зарур бўлган ҳолларда баҳоларни белгилаш ва бошқа тезкор қарорлар қабул қилиш учун)”.

“Директ-костинг”ни турли вариантларда қўллаш имкониятига В.Ф.Палий ҳам эътиборни қаратади: “Тозир директ-костинг бир неча вариантларда қўлланилади: бевосита (асосий) харажатлар (барчаси ўзгарувчан) бўйича калькуляциялашни кўзда тутувчи мумтоз директ-костинг; ўзгарувчан харажатларни калькуляциялаш бу ўзгарувчан харажатлар бўйича амалга оширилади, уларга бевосита харажатлар киради); ишлаб чиқариш қувватларига зўр бериш билан боғлиқ харажатлар калькуляциялаш (бунга барча ўзгарувчан харажатлар ва доимий харажатларнинг бир қисми киради). Буларнинг барчаси ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициентига мувофиқ равишда аниқланади. Улардаги умумий нарса шуки, таннарх тўлиқ эмас, қисман калькуляция қилинади”

Юқоридагиларни умумлаштириб, таъкидлаш мумкинки, “Директ-костинг” тизимининг моҳияти, харажатларни ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришга боғлиқ ҳолда уларни таркиб топдирган доимий ва ўзгарувчан харажатларга бўлишдан иборат. Бундай шароитда махсулот таннархи фақатгина ўзгарувчан харажатлар қисмида режалаштирилади ва ҳисобга олинади, махсулот сотишдан тушган кирим билан ўзгарувчан харажатлар ўртасидаги фарқ маржинал даромадда намоён бўлади. Бу тизимда доимий харажатларни махсулот таннархи ҳисоб-китобига киритмайдилар ва бевосита корхона фаолиятини камайтиришга ёзиб қўядилар.

Директ-костинг” тизимида фойдалар ва зарарлар ҳақидаги ҳисоблар тизими куйидаги кўринишда акс эттирилади (2-жадвал)

2-жадвал.

**“Директ-костинг” тизими бўйича молиявий
натижани аниқлаш тартиби**

№	Кўрсаткичлар	Сумма
1	Махсулот сотишдан кирган кирим	1000000
2	Ўзгарувчан харажатлар	600000
3	Маржинал даромад (1қ-2қ)	400000
4	Доимий харажатлар	300000
5	Операцион фойда	100000

Шундай қилиб, “Директ-костинг” ҳисоб тизими қисқартирилган кўринишда куйидаги хусусиятларга:

1) Ғисобни биринчи навбатда маржинал даромад, яъни оралик натижани аниқлашга йўналтирилиши;

2) Маҳсулотни фақат ўзгарувчан харажатлар нуқтаи-назаридан ҳисоб қилиш ва ишлаб чиқариш таннархини аниқлаш;

3) Бутун корхона бўйича доимий харажатлар ҳисоби ва уларни якуний молиявий натижани аниқлаш учун операцион фойдани камайтиришга қаратиш;

4) Баҳолар ва уларни тезкор бошқариш жараёни базаси сифатида маржинал даромадни аниқлаш;

5) Сотиш ҳажми, таннарх ва фойда ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва муносабатни аниқлаш;

6) Зарарсизлик нуқтасини белгилаш, (бунда маҳсулот сотишдан тушган кирим унинг тўла таннархига тенг бўлади).

“Директ-костинг ҳисоби тизими”нинг асосий афзалликлари қуйидагилар:

1. Маҳсулот таннархини ҳисоблашдаги соддалаштириш ва аниқлик (чунки таннарх фақат ўзгарувчан харажатлар қисмидагина режалаштирилади ва ҳисобга олинади).

2. Меҳнат турлари ўртасида доимий харажатларни шартли тақсимлаш учун мураккаб ҳисоб-китоблар тузиш бўйича процессорларнинг йўқлиги (уларни маҳсулот таннархи таркибига киритмайдилар ва молиявий натижани камайтиришга бевосита ёзиб қўядилар).

3. Рентабеллик даражаси (зарарсизлик нуқтаси, сотиш ҳажми), корхона заҳираси ва маҳсулот ёки буюртма баҳосининг қуйи чегарасини аниқлаш имконияти.

4. Маҳсулотнинг хилма-хил турлари бўйича рентабеллик даражасини қиёсий таҳлил қилиш имконияти.

5. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг қулай дастурини аниқлаш имконияти.

6. Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот ёки хизматлар, уларни четдан сотиб олиш ўртасидаги танлов имконияти.

“Директ-костинг” раҳбарларга бутун корхона бўйича ҳам, турли маҳсулотлар бўйича ҳам маржинал даромаднинг ўзгаришига эътиборни кучайтиришга имкон беради: юқори рентабелли маҳсулотни аниқлаш, чунки сотиш баҳоси ва ўзгарувчан харажатлар суммаси ўртасидаги тафовут алоҳида маҳсулотлар таннархи доимий харажатларни ёзиб қўйиш натижасида яшириниб қолмайди, тизим бозор шароитлари ўзгаришга жавобан ишлаб чиқаришни тез илғаб олиш имконини беради. Бундай шароитда у яна бозор ва эркин рақобат шароитида корхонани бошқариш тизими-маркетингнинг таркибий қисмига айланади.

С.А. Стуковнинг таъкидлашича, “Директ-костинг”нинг яна бир муҳим афзаллиги шундаки, “таннархни фақатгина ўзгарувчан харажатлар билан чегаралаб қўйиш харажатлари, моддаларнинг кескин камаювчи миқдорини нормалаштириш, режалаштириш, ҳисоб ва назоратнинг соддалаштиришга имкон туғдиради: таннарх кўпроқ “кўзга кўрина бошлайди”, алоҳида харажатлар эса-яхшироқ назорат этилади.

Назорат қилинадиган объектлар қанча кўп бўлса, улар ўртасидаги эътибор шунча кучлироқ тарқайди, назорат шунча бўшашиб кетади”.

Бундан ташқари, “Директ-костинг” ҳисоби тизими доимий харажатлар устидан тезкор назорат ўрнатишга имкон беради, чунки таннархни назорат қилиш жараёнида стандарт (норматив) харажатлар (яъни директ-костинг Стандарт-Кост билан биргаликда ташкил этилади) ёки мослашувчан сметалардан фойдаланилади. “Директ-костинг” тизимида стандартлар қўлланар экан, ҳам ўзгарувчан ҳам доимий харажатларга нормалар белгиланади. Мослашувчан сметалар асосида назорат ўртасида биринчи навбатда харажатларни доимий ўзгарувчанларга бўлишга таянадилар. Шу билан бир вақтда шуни назарда тутиш керакки, тўла таннарх ҳисоби тизимида қўшимча харажатлар тақсимланмаган суммасининг бир қисми бир даврдан бошқасига ўтади, шу боис уларни назорат қилиш сустралади. Бундай ҳолда “Директ-костинг қўшимча харажатлар тақсимланишининг меҳнатталаблигини камайтиришга ёрдам беради. Шу билан бирга “Директ-костинг”нинг назарий ва амалий тадқиқоти уни хос бўлган камчиликларини аниқлашга имкон беради:

1) Рақобат курашида демпинг – бу алоҳида маҳсулотлар бўйича бозорда имтиёзли ҳолатга эришиш учун атайлаб пасайтирилган баҳолар бўйича товарлар сотишдан фойдаланганда шундай хатар юзага келадики, доимий харажатлар маржинал даромад ҳисобидан қопланиши мумкин бўлмайди, яъни корхона зарарлар қопқонига тушиб қолади.

2) “Директ-костинг” тизимини қўллаб қувватламайдиганлар фикрича, амалий фаолиятда харажатларни доимий ва ўзгаруви харажатларга тақсимлашда бирмунчақийинчиликлар юзага келади. У сўнграқ кўриб чиқилладиган вақтнинг узоклигига ва маҳсулот ҳажмининг таҳлил этиладиган миқёсига боғлиқ бўлади. Уларнинг фикрича, “Директ-костинг” тизимида чиқарилган маҳсулот қанча туради ва унинг тўлиқ таннархи қанақа деган саволларга жавоб бермайди. Шу боис тайёр маҳсулот ёки тугалланмаган маҳсулотнинг тўлиқ таннархини билиш зарур бўлганда шартли-доимий харажатларнинг қўшимча тарзда тақсимлаш талаб этилади. Акс ҳолда улар қиймати пасайиб кетади.

3) Фақат ишлаб чиқариш таннархи, яъни моддаларнинг қисқартирилган номенклатураси нуқтаи-назаридан ҳисоб олиб бориш ҳисобнинг Ўзбекистон тизими талабларига жавоб бермайди, чунки қонунга биноан зарурий маҳсулотнинг тўла таннархи ҳисоб-китоби йўқ бўлади.

Энди “Директ-костинг” тизимини Ўзбекистон корхоналарини бошқаришда қўллашнинг имкониятлари ва мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқамиз.

Калькуляцион вариант Ўзбекистон ҳисоби учун анъанавий ҳисобланади. Ундаги ҳисоб маҳсулотнинг тўла таннархи ҳақида маълумотлар олишга қаратилган. Бу вариантда маҳсулот таннархи доимий ва ўзгарувчан, асосий ва қўшимчаларга, бевосита ва билвосита, узлуксиз ишлаб чиқариладиган ва даврийликка бўлинишдан қатий назар корхонанинг барча харажатлари киради.

Бевосита маҳсулотга таълуқли бўлмайдиган харажатлар бир ой мобайнида йиғув тақсимот ҳисобларида тўпланади, сўнгра танланган базага мутаносиб тарзда маҳсулот таннархига ўтказилади. Бироқ бу вариантда бир муҳим ҳолат ҳисобга олинмайди: маҳсулот бирлиги таннархи маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажми ўзгарганда ўзгаради. Агар корхона маҳсулот чиқариш ва сотишни кенгайтирса маҳсулот бирлиги бирлиги таннархи пасаяди, агар корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини қисқартирса, таннарх ўсади.

Бундай шароитда Ўзбекистон корхоналарида “Директ-костинг” тизими қўллаш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги долзарб бўлиб қолади. Бу борада 1991 йил бурилиш даври бўлди. Бунда Ўзбекистон корхоналари аста-секин чекланган таннархни калькуляция қилишнинг Ўзбекистон ҳисоби учун ноанъанавий бўлган усулини ўзлаштира бошладилар. Бу усул “Директ-костинг” тизими асосида жорий қилина бошлади. Ўзбекистон Молия Вазирлигининг 1991 йил 2 июлдаги 40-сонли “Бухгалтерлик ҳисобини юргизиш ва кичик корхоналарда ҳисоб регистрларни қўллаш бўйича товарлар тўғрисида”ги хатида белгилаб қўйилганки, ҳисоб объектларининг арзимаган миқдорига (маҳсулот турлари, ишлаб чиқариш субъектлари ва ҳ.к.) ва бевосита харажатлардан холи қилинган умумхўжалик (қўшимча) харажатларни ҳисобга олувчи ишлаб чиқариш жараёнининг қисқа муддатли даврга эга кичик корхоналар уларни ҳар ойда тўла равишда сотилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) га кетган харажатларга ёзиб қўйишлари мумкин. “Мазкур тавсия бухгалтерия ҳисобида қўшимча харажатлар “Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни сотишдан олинган даромадлар” 9100 счётнинг дебети ва “умумхўжалик харажатлар” 9400 счётнинг кредити бўйича қайд этиб қўйишни кўзда тутган”.

Бу иқтибос ҳам корхоналар ва ташкилотлар молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисобларининг янги режаси йўриқномасининг таҳририда, 9400 счётга тушунтиришларда пайдо бўлади. Унда шундай деб кўрсатилган: “Корхона ишлаб чиқаришга кетган харажатларни корхона қабул қилган тартибга боғлиқ равишда кўрсатиб ўтилган харажатлар шартли-доимий харажатлар сифатида “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотиш” 9000 счёт дебетига ёзиб қўйишлари мумкин”: Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги эски (1992 йил) ва янги (1994 йил) қондасининг 55 банди, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида “Бухгалтерлик ҳисоби ва бухгалтерия ҳисоботини олиб бориш бўйича Қоида”нинг 64 банди (1998) тугалланмаган маҳсулотни қуйидаги баҳода акс эттиришга рухсат берилган: “Кўплаб ва туркумлар ишлаб чиқаришдаги тугалланмаган маҳсулотнинг ҳақиқий ва норматив (режавий) ишлаб чиқариш таннархи ёки харажатларнинг бевосита моддалари бўйича, шунингдек хомашё, материаллар ва ярим тайёр моллар қиймати бўйича балансда акс эттирилиши мумкин”.

“Директ-костинг” ҳисоб тизимини вақтинча корхоналарда татбиқ этишда бухгалтерия ҳисоботи тузиш билан боғлиқ норматив хужжатлар имкон берди.

Хулоса қилиб таъкидламоқчимизки, “Директ-костинг” тизими бўйича Ўзбекистон корхоналари ҳисоби амалиётини ташкил этиш шунчаки хавас эмас,

балки уни амалиётга жорий этиш бугунги кун талабидир. Уни қўллаш корхоналар ишлаб чиқариши ва тижорат фаолияти самарадорлигини оширишга, санаб ўтилган кўрсаткичлар назоратини, таҳлилийлиги ва ишончлилигини кучайтиришга ва маҳсулот таннархини пасайтиришнинг заҳираларини тўла аниқлаш ва фойдаланишга имкон беради.

Такрорлаш учун саволлар

1. Бошқарув ҳисоби деганда нимани тушинасиз?
2. Бошқарув ҳисобининг асосий вазифалари нималардан иборат?
3. Бошқарув ҳисоби ва молиявий ҳисобнинг ўзаро боҳлиқлиги ва фарқли томонларини изоҳлаб беринг?
4. Хорижий давлат олимлари бошқарув ҳисобига фан сифатида қандай нуқтаи-назар билдирмоқдалар?
5. “Директ-костинг” тизими бўйича бошқарув ҳисоби қай тариқа олиб борилади?
6. “Директ-костинг” ҳисоб тизимининг қандай афзалликлари мавжуд?
7. Хориж иқтисодчиларининг фикрича, “Директ-костинг” ҳисоб тизимининг қандай вариантлари бор?
8. “Директ-костинг” ҳисоб тизими бошқа ҳисоб тизимларидан қандай хусусиятлари билан фарқланади?
9. “Стандарт-Кост” тизимининг моҳияти нимадан иборат?
10. “Стандарт-Кост” тизимини амалиётга қўллаш бўйича хориж олимларининг ғоялари нималардан иборат?
11. “Стандарт-Кост” тизими қандай харажат моддаларини ўз ичига олади?
12. “Стандарт-Кост” тизимининг қандай тамойиллари мавжуд?

Таянч сўз ва иборалар

1. Бошқарув ҳисоби;
2. Менежер;
3. Ички фойдаланувчилар;
4. Ташқи фойдаланувчилар;
5. Молиявий ҳисоб;
6. “Директ-костинг”;
7. Стандарт-кост;
8. Бошқарув тамойиллари;
9. Харажатлар;
10. Даромадлар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: “Ўзбекистон”, 1997й, 325 б.
2. “Маҳсулот (иш ва хизмат)лар таннархига киритиладиган, маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом. - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999й. 5 февраль 54- сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари. Т.: №1-5-8 сонлар. 2000й.
4. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби Миллий Стандартлари. Т.:БМА нашриёти. 1999й.
5. Аксененко А.Ф., Шеремет А.Д. Учет, калькурование и анализ себестоимости продукции. – М.: МГУ, 1984. – 264с.
6. Друри К. Введение в управленческий и производственный учет.-М.: Аудит, ЮНИТИ. 1997.-556 с.
7. Ивашкевич В.Б.Управленческий учет в информационной системе предприятия // Бухгалтерский учет, 1999, № 4.
8. Калькуляция себестоимости продукции в промышленности. Учебник. В.А. Белобородова, А.П.Чечета, В.Т. Стаблинский и др. -М.: Финансы и статистика, 1989.-279 с.
9. Карпова Т.П. Основы управленческого учета. Учебное пособие. -М.: ИНФРА -М, 1997.-172 с.
10. Кондратова И.Г Основы управленческого учета. Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 1998. – 144 с.
11. Николаева О.Е., Шишкова Т.В. Управленческий учет. Учебное пособие. – М.: УРСС, 1997. – 368 с.
12. Палий В.Ф., Палий В.В. Управленческий учет – новое прочтение внутрихозяйственного расчета. // Бухгалтерский учет, 2000, № 17.
13. **Тейлор Ф.У. Менеджмент.//Контроллинг, 1992.**
14. Ткач В.И., Ткач М.В. Управленческий учет: международный опыт. - М.: Финансы и статистика, 1994. – 138 с.
15. Управление – это наука и искусство: А. Файоль, Г. Эмерсон, Ф.Тейлор, Г.Форд. – М.: Республика, 1992. 240 с.
16. Сотиволдиев А.С, Иткин Ю.М Замонавий бухгалтерия ҳисоби., ЎРАваБУ-2002 й. 2-том.
17. Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма. Тошкент, Т.: “Академия” нашриёти. 2002. 176 б.

Қўшимча адабиётлар:

1. Палий В.Ф., Вандер Виль Р. // “Управленческий учет” -М.: Инфра –1997, 480 с.
2. Ризақулов А.А., Ибрагимов А.К., Хасанов Б.А., Маматов З.Т., А.Усанов “Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари” Тошкент. 1994, 1-2-3 томлар. 320 б.
3. Стоун Т. Управленческий учёт. –М., “Финансы и статистика”. 1996, 135 с.
4. Хошимов Б. А. Развитие бухгалтерского учета на основе международных стандартов в Республике Узбекистан. ИЭР., Вашингтон, 1996, 124 с.
5. Хасанов Б.А., Узоқов К. Солиқлар ва назорат. Т.: -1994, 93 б.
6. Хасанов Б.А., Бобобеков Б. Бухгалтерия ҳисоби назариясидан кўргазмалари қўлланма. ТМИ босмахонаси-2000, 95 б.
7. Қодирхонов С., Жуманиёзов К., Қодирхонов Н. Чет эл фирмаларида бошқарув ҳисобини юритиш асослари.Т.:,1995,160

12 ХАРАЖАТЛАРНИНГ ТУРКУМЛАНИШИ ВА ҲИСОБИ.

12.1. Харажатлар ҳақида тушунча. Харажатларни турли хил белгиларига кўра туркумланиши

Харажат-бу моддий ресурсларни сотиб олишга қилинган сарфлар бўлиб, даромадлар ва харажатлар концепциясига кўра, ўша даврнинг ўзида даромад келтириши керак. Ишлаб чиқариш харажатлари деб маҳсулотни тайёрлаш учун моддийлаштирилган меҳнат сарфларининг пул шаклидага ифдасига айтилади. Ишлаб чиқариш харажатларини тўғри режалаштириш ва ҳисобга олиш мақсадида улар маълум тартибда туркумларга ажратилади:

1. Маҳсулотни тайёрлашдаги техник-иктисодий ролига қараб:
 - асосий;
 - устама.
2. Айрим маҳсулот турларининг таннархига кўшилиши (тақсимланиши)га қараб:
 - бевосита (тўғри);
 - билвосита (эгри).
3. Тайёрланаётган маҳсулот миқдорига боғлиқлигига қараб:
 - ўзгарувчан;
 - ўзгармас (шартли).
4. Харажанинг турига қараб:
 - иқтисодий элементлар;
 - калькуляция моддалари.
5. Таркибига қараб:
 - бир элементли;
 - комплекс.
6. Ишлаб чиқариш билан боғлиқлигига қараб:
 - ишлаб чиқаришдаги;
 - ноишлаб чиқаришдаги.
7. Маҳсулот таннархини ҳосил қилишдаги характериға қараб:
 - унумли;
 - унумсиз.
8. Режага киритилишига қараб:
 - режалаштириладиган;
 - режалаштирилмайдиган.
9. Ҳосил бўлиш жойига қараб:
 - цех;
 - участка;
 - бўлим;
 - бригада.
10. Тақвим даврига тегишлилигига қараб:
 - жорий давр;

- келгуси давр;
- келажакдаги харажатлар резерви.

12.2. Жавобгарлик марказлари бўйича бошқарув ҳисобини ташкил этиш.

Жавобгарлик марказлари бўйича ҳисоб ғоясини биринчи бўлиб 1952 йилда Жон Хиггинс олға сурди. Унинг фикрича, жавобгарлик марказлари бўйича ҳисоб - бу бевосита, харажатларни бошқариш ҳисобидир. Бу ҳисоб натижалари марказ ҳисоботида тўпланади ва акс эттирилади,. Унинг қуйидаги машҳур қондаси ҳам Ж. Хиггинс номи билан боғлиқ: корхонанинг ҳар бир тузилмавий бирлигини у жавоб бериши мумкин бўлган ва назорат қиладиган фақат ва фақат ўша харажатлар ёки даромадлар тўлдириб туради.

Ўзбекистон адабиётига “жавобгарлик маркази” атамаси яқинда кириб келди ва дарҳол қизғин баҳсларга сабаб бўлди. Айрим иқтисодчилар шундай ҳисоблай бошлашдики, харажатлар келиб чиқиш жойи, харажатлар марказлари ва жавобгарлик марказлари бир хил тушунчадир ва улар фақат атамалари билангина фарқ қилади. Бошқалар эса арзимаган тафовут юзасидан уларнинг бўлинишини мақсадга мувофиқ эмас деб ўйлашди. Учинчи гуруҳ олимлар эса аксинча, уларни биттама-битта қараб чиқишни таклиф этмоқдалар. Масалан, П.С.Безрукихнинг ёзишича, ишлаб чиқаришга кетган харажатларни “харажатларнинг юзага келиш жойлари” (цеҳлар ва бошқа тузилмавий бўлинмалар) бўйича, кейин эса ҳисоб объектлари бўйича гуруҳлаштириш керак. Агар харажатларнинг келиб чиқиш жойлари-бу шубҳасиз ўша ҳисоб объектнинг ўзи эканлиги эътиборга олинса, муаллиф уларни биттама-битта санаб ўтилган бошқа объектлардан ажратиб олишга ҳаракат қилади. В.Б.Ивашкевич харажатларни келиб чиқиш жойларига (“харажатлар жойи”) ишлаб чиқаришни, участкаларни, бўлимларни киритади, харажатлар марказларига эса - асбоб-ускуналар гуруҳларини, машиналарни, иш жойларини киритади. У харажатлар жойлари ва марказлари тушунчасининг бир хил маънода эмаслигини махсус таъкидлайди. Унинг фикрича, “харажатлар жойларини ишлаб чиқариш соҳасида харажатлар келиб чиқишининг бирламчи марказлари йиғиндиси сифатида қараб чиқиш лозим” .

С.А.Стуков ўарб ҳисоби тузилмаси тўғри фикр юритар “Корхонанинг барча цеҳ ва бўлимлари одатда мутлақо ҳисоб-калькуляцион (аммо ишлаб чиқариш эмас) бўлинмаларни намоён этувчи марказларга тақсимланган деб таъкидлайди”.

Бошқа иқтисодчилар бутун диққат эътиборларини харажатлар марказларига қаратадилар, билан улар харажатларнинг келиб чиқиш жойларини бирлаштириб юборадилар. Масалан, С.С. Сатубалдин фикрича, “урушдан кейинги йилларда АҚШ саноат фирмаларидаги ишлаб чиқариш харажатлари устидан назоратни кучайтириш учун цеҳлар ёки буюмлар бўйича ишлаб чиқариш чикимлари ўрнига чикимлар марказлари бунёд эта бошладилар”. АҚШ тажрибасини умумлаштирар экан, Н.Г. Чзионкова шундай хулосага келдики: “харажатлар маркази харажатлар таҳлили ҳисобининг бу

харажатлар устидан назорат ўрнатиш учун белгиланадиган бирламчи бўғинни ўзида намоён этади. Харажатлар маркази ташкилий бирлик билан мос келиши мумкин (цех, бўлим, участка билан) ёки бу ташкилий бирликларнинг янада касрлашган бўлинмалари бўлиши мумкин. Фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, экспертизалар ва функцияларни бажаришишнинг ягоналиги харажатлар марказларининг ажралиб чиқиши учун асос ҳисобланади”.

Бизнинг назаримизда харажатлар ажралиб чиқиш марказларининг асосий тамойиллари цехларда фойдаланиладиган жиҳозлар ва бажариладиган операциялар ягоналигига эришиш қийинлигига ишора қилади. Замонавий корхоналарнинг йирик цехлари харажатлар ягона мақсадли йўналиши билангина чекланиб қололмайди.

В.Ф.Палий ўзининг “Калькуляциялаш асослари” монографиясида харажатлар марказларини ўз функциялари ва ишлаб чиқариш операцияларининг бир хиллиги, техник жиҳатдан жиҳозланиши ва меҳнатнинг ташкил этилиши даражаси, харажатларнинг йўналтирилганлиги билан фарқ қилувчи бирламчи ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатувчи бирликлар сифатида таърифлайди. Унинг фикрича, харажатларни янада батафсиллаштириш, харажатлар устидан назоратни кучайтириш ва калькуляциялаштириш аниқлигини ошириш мақсадида уларни ҳисоб объектлари миқёсида ажратиш мақсадига мувофиқ ҳисобланади.

В.Ф.Палий корхоналар хўжалик ҳисоби бўлинмаларини ҳам ана шу жавобгарлик марказларига киритади, унинг фикрича, “Жавобгарлик маркази-режа ва меъёрий хизматлар устидан назоратни, жамоа ва якка шахс масъулияти ва таннархни пасайтиришга манфаатдорликни таъминловчи (жавобгар шахслар ва хўжалик ҳисобидаги бўлинмалар бўйича ишлаб чиқаришга кетган) харажатларни гуруҳлаш зарур”.

Турли муаллифларнинг юқорида баён этилган фикрларни умумлаштирар эканмиз, шуни таъкидлаш лозим, “Харажатлар маркази” ва “жавобгарлик маркази” атамалари икки турли тушунчани англатади, шу боис уларни синоним сифатида қўллаш мумкин. Шу муносабат билан биз Л.В. Соколовнинг “жавобгарлик марказини харажатларнинг келиб чиқиш марказидан фарқлаш зарур. Масалан, цехдаги ёқиклашмовчи-харажатларнинг келиб чиқиш жойи, электр энергия сарфини ёзиб борувчи счетчик кўрсаткичига жавоб берувчи одам жавобгарлик марказидир” деган фикрини тўла қўллаб-қувватлаймиз.

Жавобгарлик маркази корхонани бошқариш тизимининг бир қисмини ўзида намоён этади ва ҳар қандай тизим каби кириш ва чиқишга эга. Кириш - бу хом-ашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, меҳнат ва турли хизматлар харажатларидир. Чиқиш эса - бу жавобгарликнинг бошқа марказига кетадиган ёки четга сотиладиган маҳсулот (хизматлар)дир. Бундай шароитларда ҳар бир жавобгарлик маркази фаолиятини унинг ишлаш самарадорлиги нуқтаи назарида баҳолаш мумкин.

Жавобгарлик марказлари бўйича ҳисобнинг асосий мақсади ҳар бир жавобгарлик маркази бўйича фаолият харажатлари ва натижалари ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш ва улар бўйича мавжуд оғишишларни муайян

шахс зиммасига юклашдан иборат.

Бошқариш нуқтаи-назаридан корхонанинг жавобгарлик марказларига бўлиниши, назаримизда, муайян вазият хусусияти билан белгиланиши ва қуйидаги асосий талабларга жавоб бериши керак:

- жавобгарлик марказлари корхонанинг ишлаб чиқариш ва ташкилий тузилмаси билан боғланган бўлиши:

- ҳар бир жавобгарлик марказида фаолият ҳажмини аниқлаш харажатларни ҳисоблаш ва уларни тақсимлаш учун база вазифасини бажариши;

- ҳар бир жавобгарлик маркази менежернинг ваколатлари ва жавобгарлиги соҳасини аниқ белгилаши зарур. Менежер фақат у назорат қила оладиган кўрсаткичлар учун жавоб беради;

- ҳар бир жавобгарлик маркази учун ички ҳисобот шаклларини ўрнатиш зарур;

- жавобгарлик маркази менежерлари ўтган давр учун марказ фаолияти таҳлилини ўтказишда ва келгуси даврга режалар (бюджетлар) тузишда иштирок этишлари лозим.

Бундан ташқари, корхонани жавобгарлик марказларига бўлишда тегишли марказлар раҳбарларининг баҳона ва этирозларига таъсир қила оладиган ижтимоий-психологик омилларни ҳисобга олмоқлари зарур.

Шуни назарда тутиш лозимки, ишлаб-чиқариш корхонасини жавобгарлик марказларига бўлиш тармоқ хусусиятлари, ишлаб чиқариш жараёни технологияси ва ташкил этилиши, дастлабки материаллари, ишлаб чиқариладиган маҳсулот таркиби, техник жиҳозланиш даражаси ва бошқа омилларга боғлиқ.

Жавобгарлик марказларини ташкил қилиш жараёнига корхона ишлаб чиқариш ва ташкилий тузилмалари ўз таъсирини кўрсатади.

Корхона ишлаб чиқариш тузилмаси ишлаб чиқариш турларини, цехлар, хизматлар таркиби ва тузилмасини, уларнинг қувватини, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ҳар-бир даражасидаги тузилиш ва ўзаро боғлиқлик шаклларини ўзида ифода этади.

Корхонанинг ташкилий тузилмаси эса иш ўринларини ўзида акс этади. Аслида у корхона фаолиятининг айрим турлари ва корхонанинг асосий вазифа ва мақсадларини бошқариш бўйича келишувини таъминлайди.

Корхонанинг ташкилий тузилмаси доирасида бошқаришни ташкил этишнинг қуйидаги шаклларини ажратиб кўрсатиш мумкин: чизиқли, функционал, чизиқли - функционал, матрицали.

Чизиқли деганда “вертикал бўйича” бошқариш тушинилади, бунда қуйида турувчи бўғинлар қатъий равишда юқорида турувчи бўғинларга бевосита бўйсунди. Одатда чизиқли тизим ишлаб чиқариш цехлари ва корхона участкаларини бошқариш учун характерлидир.

Функционал бошқариш - бу алоҳида функциялар бўйича бошқаришдир (молия, таъминот, сотиш, кадрлар, лойиҳа - конструктор ва технологик ишловлар, иш юритиш, ташқи иқтисодий алоқалар ва ҳоказолар). Бунда юқорида турувчи бўғин барча ёки қисман қуйиларга, аммо фақат биргина

функция доирасида раҳбарлик қилади. Функционал бошқариш шартларида бир шахс, бўлинмада турли функциялар бўйича ҳам раҳбарлик қилиши мумкин.

Амалиётда бошқаришнинг чизиқли – функционал тузилмаси энг кўп қўлланилади. Бундай тузилма доирасида чизиқли бўлинмалар маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича асосий фаолият билан шуғулланади, ихтисослашган функционал бўлинмалар эса (маркетинг бўлими, режа, молия бўлимлари, карлар бўлими) асосийларига хизмат қилади. Бу ҳолда бошқарувнинг ихтисослашуви, унинг тамойиллари ва яккабошчилик биргаликда тўлароқ амалга оширилади. Тайёрланадиган қарорларининг юксак даражалилиги ва ҳар бир ишлаб чиқариш бўғинига ёппасига раҳбарлик қилиш ҳам таъминланади.

Матрициали тузилмада функционал бўлинмалар билан баравар муайян ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этиш учун махсус органлар (лойиха гуруҳлари) тузилади. Бу гуруҳлар бошқарув иерархиясининг турли даражаларида турган алоҳида функционал бўлинмалар мутахассисларидан таркию топган.

Матрициали тузилманинг афзаллиги шунда намоён бўладики, у ташкилот ичкарисидаги тўсиқларни бартараф этиш имконини беради, бунда функционал ихтисослашиш ривожига ҳалал этмайди. Функционал қиймат таҳлили (ФҚТ) гуруҳнинг вужудга келиши ҳам бунга мисол бўлиши мумкин.. Унинг мақсади энг кам харажат қилган ҳолда энг яхши хулосали ва ўлчамли (параметрли) янги буюмни ишлаб чиқаришга эришидир.

Бошқаришни ташкил этишнинг матрициали шакли энг кўп даражада раҳбарларнинг ҳамжиҳатликдаги фаолиятининг марказлашган гуруҳ аъзоларининг шахсий қобилиятларига намаён бўлиши учун шароитлар яратади.

Ташкилий тузилмага мувофиқ жавобгарлик марказларини тузиш ҳар бир бўлинма фаолиятини муайян шахслар масъулияти билан боғлашга, ҳар бир бўлинма натижаларини баҳолашга ва уларнинг корхона фаолияти натижаларига қўшган ҳиссасини аниқлашга имкон беради.

Бу бўлинмалар бўйича бошқарув ҳисобини муваффақиятли ташкил этиш учун уларни қуйидаги белгиларидан келиб чиққан ҳолда таснифлаш зарур деб биламиз:

- ваколатлар ва жавобгарлик ғўлами;
- марказ бажарадиган функциялар.

Ваколатлар ва жавобгарлик қўлампидан келиб чиққан ҳолда жавобгарлик марказларини харажатлар, сотиш, фойда ва инвестициялар марказларига бўлмоқ зарур.

Харажатлар маркази – бу фақат харажатларгагина жавоб берадиган корхонанинг тузилмавий бўлинмасидир (масалан, ишлаб чиқариш участкаси, ишлаб чиқариш цехи, конструкторлик бюроси ва ҳ.к.). Шундай марказ доирасида назорат, таҳлил қилиш ва бошқариш мақсадида ишлаб чиқариш омиллари харажатларининг режалаштирилиши, меъёрлаштирилиши ва ҳисоби ташкил этилади.

Харажатлар марказини, ўз навбатида, бошқариладиган ва эркин харажатлар марказларига бўлиш зарур.


Бошқариладиган харажатлар маркази учун маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ва ҳамма ўртасидаги самарали муносабат белгиланади. Масалан, ишлаб чиқариш цехида материаллар харажати меъёрлари, маҳсулот бирлигини меъёрий меҳнат талабига ва ҳ.к. мавжуд, материаллар ва меҳнат ҳақиға кетадиган умумий харажатлар меъёрий харажатларни маҳсулот бирлигига ва режалаштирилган маҳсулот ҳажмига кўпайтириш йўли билан аниқланади. Шундай марказларнинг харажатларини бошқариш олдиндан тузилган мослашувчан бюджетлар ёрдамида амалга оширилади. Бошқариладиган харажатлар марказининг раҳбари энг аввало маҳсулот бирлигига кетадиган харажатларни энг кам миқдорга келтиришга жавоб беради ва унинг фаолияти маҳсулот бирлигига кетган меъёрий ва ҳақиқий харажатларни таққослаш йўли билан баҳоланади.

Эркин харажатлар маркази фаолияти учун самарали ўзаро нисбат мавжуд эмас. Ташкилот раҳбарияти бундай марказлар харажатлари ҳажмига таъсир қила олмайди ва уни тайёр ҳажми сифатида қабул қилади. Конструкторлик бюроси, кимёвий-техник назорат лабораторияси ва ҳ.к. лар эркин харажатлар марказларига мисол бўла олади.

Сотиш маркази жавобгарлик марказининг бир тури ҳисобланади, раҳбари фақат киримга жавоб берадиган (бирок ҳор сотиш бўлими, экспедиция, дўкони, омбор учун эмас) бўлинмадир. Бундай марказ фаолиятига кетган харажатлар ва тушум миқдори ўртасида ўзаро боғлиқлик деярли йўқ, шу муносабат билан сотишдан тушган тушум, шунингдек уни белгиловчи кўрсаткичлар: сотиш ҳажми, сотувдан олинган тушум ва баҳо асосий назорат назорат қилинадиганувчи кўрсаткич ҳисобланади.

Жавобгарлик марказлари бўйича бошқарув ҳисобини ташкил этиш шуни кўрсатдики, ҳар бир бўлинма фаолияти натижаларини баҳолаш учун ҳар бир муайян жавобгарлик марказининг олиши кутилаётган фойда ҳажмини белгилаш зарур. Бундай шароитда жавобгарлик марказлари доирасида фойда марказлари тузиш алоҳида аҳамиятга эга.

Фойда маркази – бу бўлинма раҳбари ҳам харажатлар, ҳам фойда учун жавоб берадиган бўлинмадир. Бундай марказларда даромад ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг пул ифодаси, харажат-фойдаланилган захираларининг пул ифодаси, фойда эса-даромад ва харажат ўртасидаги фарқдир. Фойда маркази менежери баҳо ва сотиш ҳажмини, шунингдек харажатларни назорат қилади. Шу боис бундай марказ учун асосий назорат қилинувчи кўрсаткич билан фойда белгиланади.



3-чизма. Ишлаб чиқариш корхоналарида жавобгарлик марказларининг тузилмаси

Инвестициялар маркази-бу раҳбари нафақат даромадлар ва харажатларга, балки капитал қуйилмаларга ажратилган маблағга ҳам жавоб берадиган бўлинмадир. Амалиётда соф фойдасини инвестиция қилиш ҳуқуқига эга бўлган Бундай марказнинг мақсади нафақат фойда олиш, балки сарфланган

маблағларнинг рентабеллиги, инвестицияларнинг даромадлилиги ва хусусий маблағнинг ортишига эришиш ҳам ҳисобланади.

Инвестициялар маркази фаолиятини операцион бюджет, уни ижро этиш ҳақидаги ҳисобот, шунингдек пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот, баланс ёрдамида бошқариш мумкин.

Жавобгарликни асосий марказлари бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш, истеъмолчилар учун ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланади. Уларнинг харажатлари бевосита маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритилади. Асосий ишлаб чиқариш участкаси ва цехларни, сотиш бўлимини ана шундай марказларга киритиш мумкин.

Жавобгарликнинг ёрдамчи марказлари жавобгарликнинг асосий марказларига хизмат қилиш учун мавжуд бўлади. Бу марказларининг харажатларини аввалига жавобгарликнинг асосий марказлари бўйича тақсимлайдилар, шундан кейингина асосий марказларнинг умумий харажатлари таркибида маҳсулот, ишлар, хизматлар таннархини киритадилар. Маъмурий-хўжалик бўлимини, техник назорат бўлимини, таъмирлаш цехини, асбоб-ускуналар устахонаси ва бошқаларни шундай марказлар жумласига киритиш мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, жавобгарлик марказини аниқлашда корхона технологик тузилмасини эътиборга олиш, кейин уни горизонтал ва вертикал кесимларига ажратиш зарур. Биринчиси, марказ учун жавобгар ҳар бир шахс фаолияти доираси билан чегараланади; иккинчиси бошқарув қарорлари қабул қилувчи ваколатли ҳуқуқи бор шахснинг ерархия пиллапоясини кўзда тутати.

Жавобгарлик марказининг ҳар бири бир вақтда харажатлар, даромадлар, фойда ёки инвестициялар маркази бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда харажатлар бўйича, иккинчи ҳолда сотишлар (кирим) ҳажми бўйича, учинчи ҳолда – фойда бўйича ва тўртинчи ҳолда инвестициялар ҳажми ва қопланиш муддатлари бўйича тузилади. Марказ раҳбари вазифаларини бажариш бўйича қабул қилинган мажбуриятларига молиявий жавобгарликни зиммасига олиш шарт. Бунда ҳар бир марказ хилма-хил функцияларни бажариши мумкин (ишлаб чиқариш, маркетинг, техник хизматлар, ҳисоб, назорат ва ҳ.к.). Бу шу билан боғлиқки, муайян олинган функциялар ёки воситалар эмас, балки инсон, агент, маъмур марказ объекти бўлиб ҳисобланади. Корхона жавобгарлик марказини горизонтал ва вертикал кесимларда кўриб чиқиш марказлаштирилган раҳбариятни умумий мақсадга корхона тузилмавий бўлинмалари раҳбарларининг иложи борича энг кўп ташаббуси билан қўшиб юборишга имкон беради.

Шундай қилиб, жавобгарлик марказлари - бу маълум таълимот ҳисобланиб, бошқарув ходимлари ҳатти-ҳаракатини ташкил этишга йўналтиришнинг янги психологик талқинидир. Унинг мақсади назоратдан кўра кўпроқ ўз-ўзини бошқаришни ташкил этишда бошқарув ходимларига ёрдам беришдан иборатдир, зеро ҳеч бир одам ўзига фойдали бўлган мақсад ва мезонларни бузишга журъат этмайди.

Такрорлаш учун саволлар

1. Харажат деганда нимани тушунаси?
2. Харажатлар қандай туркумланади?
3. Харажатларни ҳисобга олишда технологиянинг таъсирини айтинг?
4. Жавобгарлик марказлари деганда нимани тушунаси?
5. Фойда маркази нима?
6. Инвестиция маркази нима?
7. Сотиш маркази нима?

Таянч сўз ва иборалар

1. харажат;
2. асосий харажат;
3. устама харажат;
4. тўғри харажат;
5. эгри харажат;
6. унумли харажат;
7. унумсиз харажат;
8. цех;
9. бўлим;
10. бригада;
11. иқтисодий элементлар;
12. ўзгарувчан харажат;
13. ўзгармас харажат;
14. жавобгарлик марказлари;
15. фойда маркази;
16. инвестиция маркази;
17. сотиш маркази.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар:

1. “Маҳсулот (иш ва хизмат)лар таннархига киритиладиган, маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом. - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999й. 5 февраль 54-сонли қарори.

2.. Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари. Т.: №1-5-8 сонлар. 2000й.

3. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби Миллий Стандартлари. Т.:БМА нашриёти. 1999й.

1. Друри К. Введение в управленческий и производственный учет.-М.: Аудит, ЮНИТИ. 1997.-556 с.

2. Друри К. Учет затрат методом стандарт-кост.-М.: ЮНИТИ, 1998.-224 с.

3. Иванов Н.Н. Нормативный учет производства .-М.: Госфиниздат, 1956.-220 с.

Қўшимча адабиётлар:

4. Калькуляция себестоимости продукции в промышленности. Учебник. В.А. Белобородова, А.П.Чечета, В.Т. Стаблинский и др. -М.: Финансы и статистика, 1989.-279 с.

5. Карпова Т.П. Основы управленческого учета. Учебное пособие. -М.: ИНФРА -М, 1997.-172 с.

6. Кондратова И.Г Основы управленческого учета. Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 1998. – 144 с.

7. Мюллендорф Р., Карренбауэр М. Производственный учет. – М.: ЗАО “ФБК-ПРЕСС”, 1996. – 158 с.

8. Наринский А.С. Калькурование себестоимости в строительстве. - М.: Финансы, 1979. – 152 с.

9. Николаева О.Е., Шишкова Т.В. Управленческий учет. Учебное пособие. – М.: УРСС, 1997. – 368 с.

10. Николаева С.А. Особенности учета затрат в условиях рынка: система “директ-костинг”: Теория и практика. - М.: Финансы и статистика, 1993. – 124 с.

11. Новиченко П.П. Учет и калькулирование себестоимости продукции в важнейших отраслях промышленности. – М.: Экономика, 1975. – 191 с.

12. Палий В.Ф., Палий В.В. Управленческий учет – новое прочтение внутривозвратного расчета. // Бухгалтерский учет, 2000, № 17.

13. Рудановский А.П. Руководящие начала (принципы) фабричного счетоведения, вытекающие из понятия себестоимости. – М.: Макиз, 1925 – 47 с.

14. Ткач В.И., Ткач М.В. Управленческий учет: международный опыт. - М.: Финансы и статистика, 1994. – 138 с.

15.Трусов А.Д. Калькулирование себестоимости продукции

16. Управленческий учет. Учебное пособие. / Под ред. А.Д. Шеремета. – М.: ФБК-ПРЕСС, 1999 – 510 с.
17. Управление – это наука и искусство: А. Файоль, Г. Эмерсон, Ф.Тейлор, Г.Форд. – М.: Республика, 1992. 240 с.
18. Чумаченко Н.Г. Методы учета и калькулирования себестоимости промышленной продукции. – М.: Финансы, 1965, - 124 с.
- 23.. Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма. Тошкент, Т.: “Академия” нашриёти. 2002. 176 б.
24. Палий В.Ф. Управленческий учет -М.: “Союзаудит”. 1997, 260 с.
25. Ризақулов А.А., Ибрагимов А.К., Хасанов Б.А., Маматов З.Т., 53. А.Усанов “Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари” Тошкент. 1994, 1-2-3 томлар. 320 б.
26. Стоун Т. Управленческий учёт. –М., “Финансы и статистика”. 1996, 135 с.
27. Хошимов Б. А. Развитие бухгалтерского учета на основе международных стандартов в Республике Узбекистан. ИЭР., Вашингтон, 1996, 124 с.
28. Хасанов Б.А., Узоқов К. Солиқлар ва назорат. Т.: -1994, 93 б.
29. Қодирхонов С.Б. Саноат корхоналарида бухгалтерия ҳисоби. Т.: “Ўзбекистон”. 1993, 360 б.
30. Қодирхонов С., Жуманиёзов К., Қодирхонов Н. Чет эл фирмаларида бошқарув ҳисобини юритиш асослари.Т.:,1995,160

13-БОБ МАҲСУЛОТ (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР) ТАННАРХИНИ

КАЛЬКУЛЯЦИЯ ҚИЛИШ

13.1. Маҳсулот таннархини таркиби ва турлари. Ишлаб чиқаришни бошқаришда маҳсулот таннархини калькуляция қилиш аҳамияти

Мамлакат иқтисодини бозор муносабатлари йўлига ўтказиш, корхоналарга ўз фаолияти натижалари учун тўла иқтисодий мустақиллик ва жавобгарлик берилиши назарий жиҳатдан ўз харажатлари ва таннархи билан самарали бошқаришда корхона манфаатдорлигини ошириш учун шароитлар яратиш керак эди. Бироқ собиқ шўролар тизимидан мерос қолган корхоналар ўртасидаги анъанавий хўжалик алоқаларининг узилиши, нархларнинг ошиши, биринчи навбатда хом-ашё, энергия узатувчи ва транспорт хизматига баҳоларнинг ошиши таннархининг кескин кўтарилиб кетишига, ишлаб чиқариш ҳажмининг камайишига, кўп ҳолларда эса корхонанинг фаолиятининг тўхтаб қолиши ва уларни тугатишга олиб келди. Саноатдаги инқироз шунга олиб келдики, сўнги ўн йил ичида амалда қўлланиб келган харажатлар билан бошқариш тизимининг фойдали элементлари қўлдан бой берилганди. Шундай қилиб, харажатлар ва таннарх билан самарали бошқаришга амалий жиҳатдан қайта ўрганиш вақти келди.

Бу муаммони ҳал этиш кўп жиҳатдан бошқарув ҳисобининг ва хусусан маҳсулот таннархи харажатлари ва калькуляция қилиш ҳисобининг таъсирчан тизимини ташкил этишга боғлиқ. Шу муносабат билан аввалига маҳсулот таннархи харажатлари ва калькуляцияси ҳисоби услубларига нисбатан ўз қаршимизни аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ;

Я.В. Соколов “Бухгалтерия ҳисоби назарияси асослари”ишида турли муаллифлар нуқтаи-назарини умумлаштириб, мазкур муаммога тўртта ёндашувини ажратиб кўрсатади: 1) калькуляция харажатлар ҳисобини шарт қилиб қўяди; 2) харажатлар ҳисоби калькуляцияни шарт қилиб қўяди; 3) калькуляция ва ҳисоб бир-бирига ўхшайди; 4) калькуляция ва харажатлар ҳисоби бир-бирига боғлиқ бўлмаган тушунчалардир.

Мазкур муаммо бўйича турли нуқтаи-назар вакиллари ўз фикрини қандай асослаштиришни кўриб чиқайлик.

Биринчи нуқтаи назар вакиллари сарасига А.З.Попов, Н.А. Балатов, Б.А. Бунимович ва бошқалар киради. Улар ўз нуқтаи-назарларини шу билан асослайдиларки, таннарх бухгалтерия ҳисобини асосий манбаи, корхона фаолиятининг синтетик кўрсаткичи ҳисобланади. Бинобарин маҳсулот таннархини ҳисобга олиш харажатлар ҳисоби юргизиш заруриятини шарт қилиб қўйди. Улар фикримизча, таннархи бу мақсад, харажатлар ҳисоби эса-мақсадга эришиш воситаси ҳисобланади.

Бизнингча, бу фикр баҳсга сазовордир. Маҳсулот таннархини аниқлаш

чоғида мутахассисларни биринчи навбатда харажатлар ҳисоби тартиби ва уларни турли қайдномаларга акс эттирилиши ҳақидаги эмас, балки кўпроқ харажатларнинг ўзи ҳақидаги ахборот қизиқтиради. Бунинг устига, тахминий ёки режавий таннархни аниқлаётганда бухгалтерия ҳисобининг ҳақиқий кўрсаткичлардан, одатда, фойдаланмайдилар. Бундан ташқари, ҳисобнинг калькуляция мақсадларга тобелиги алоҳида менежерларнинг “зарур” маълуматлар олишига, оқибатда эса маҳсулот ҳақиқий таннархининг бузиб кўрсатилишига олиб келиши мумкин.

Иккинчи нуқтаи-назар вакиллари К.И. Арнольд, Д.А. Мудров, В.И. Стоцкий, Р.Я. Вейцман, М.Х. Жебрак ва бошқалар киради. Ўз нуқтаи-назарларини асослашда асосий дастак қилиб, маҳсулот таннархини ҳисобга олиш учун биринчи галда уни ташкил этувчиларни қайд этиш зарур, яъни харажатлар ҳисобини юргизиш зарур, шундан кейингина калькуляция қилинади. Уларнинг фикрича, харажатлар ҳисобини калькуляция шакллантирмайди, балки аксинча, харажатлар ҳисоби таннархни аҳамиятини оширади. Бу ёндашувда харажатлар ва калькуляция ҳисоби қатъий ажратиб қўйилган босқичлар деб қаралади:

- харажатлар ҳисоби бирламчи, калькуляция эса иккиламчи. Бунда харажатлар ҳисоби калькуляциясиз калькуляция эса харажатлар ҳисобисиз мавжуд бўла олмайди. Шунини таъкидлаш жоизки, бундай ёндашув олимлар томонидан икки томонлама танқидга учради: 1) методология ва калькуляция қилиш ҳисоби мақсадлари ўртасида чегара пайдо бўлади; 2) ишларни такроран олиб бориш хавфи келиб чиқади: бир томондан харажатлар ҳисоби бўйича, иккинчи томондан - маҳсулот ҳақиқий таннархни калькуляция қилиш бўйича.

Учинчи нуқтаи назар вакиллари С.Ф. Иванов, Н.В. Богородский, А.С. Маргулис ва бошқалар олдинги ёндашувни тўла инкор этадилар. Масалан, А.Ш. Маргулис айтадики, “калькуляция қилиш методини харажатлар ҳисоби методидан узилиб қолиши, бунинг устига методнинг иқтисодий асосда чиқимларни аниқлаш ва ўрганишга ёндашув сифатида техник ҳисоб-китоб варианты билан алмаштирилиши калькуляция жараёнининг таъсири пасайиши, уни ҳисоб базасидан сунъий равишда ажратиб қўйишни англатади”.

Бироқ масала муаммони бир-бирига ўхшаш ва уларни таркиби жиҳатдан қўшиб юборишга бўлган уринишлар самарали бошқарув қарорларига олиб келолмади. Бундай ёндашувда харажатлар ҳисоби мақсади деб бошқарув қарорлари қабул қилиш учун ахборот тақдим этиш эмас, балки маҳсулот таннархини калькуляция қилиш деб тан олинади.

Тўртинчи ёндашув олдингисига жавоб ҳисобланади. Унинг вакиллари (Н.Г. Чумаченко, Э.К. Гильде, В.Б. Ивашкевич ва бошқ.) калькуляцияни харажатлар ҳисобидан ажратиб қўйишни ва уларни турли-турли тушунчалар деб қарашни зарур деб ҳисоблайдилар. Масалан, И. А. Басманов шу муносабат билан ёзадики, ўзгариш предметлари каби англаш усулларининг ҳам турли-туманлиги харажатлар ва калькуляцияга хос нарсалардир. Н. Г. Чумаченко ва

П. П. Новиченколар мазкур нуқтаи-назарни қўллаган ҳолда маҳсулотга харажатлар ҳисоби усулларини ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усулларини ажратишни таклиф қиладилар.

Биз харажатлар ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усулларини турли тушунчалар деб караш зарур деган нуқтаи-назарни қўлловчи иқтисодчиларнинг фикрларини қўллаб-қувватлаймиз. Шу муносабат билан Я. В. Соколовнинг "...харажатлар ҳисоби ва калькуляцияни тўла бир-биридан ажратиб қўйиш зарур деган қарашни энг тўғри қараш деб ҳисоблаймиз, чунки бу ҳолда қуйидагилар эътироф қилинади: 1) ҳақиқий харажатлар ҳисоби бўлиши мумкин, аммо калькуляция бўлмаслиги ҳам мумкин; 2) ҳақиқий харажатлар ҳисоби бўлмаслиги ҳам мумкин, аммо калькуляция бўлиши мумкин, масалан, таннархнинг ишлаб чиқаришни ривожлантириш маҳсулотга ҳисоб қилиниши. Бинобарин, ҳар иккала тушунча мустақил ва бир-бирига боғлиқ бўлмаган амалий жиҳатдан рўёбга чиқиш мумкин. Улар ўртасидаги муносабат хусусий харажатларга эга" деб айтиш фикрлари диққатга сазовордир.

Шундай қилиб, биз калькуляциянинг ҳисобидан ва харажатлар ҳисобининг мустақил эканлигини таъкидлашимиз керак. Бизнингча, улар ўртасидаги чамбарчас боғлиқликка қарамай, улар ҳисоб шароитининг алоҳида босқичлари ҳисобланади, улардан ҳар бири ўз мақсади ва объектига эга.

С.А. Щенков таъкидлайдики, на расмий хужжатларда, на маҳсул адабиётлар "Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннарх калькуляцияси методи" атамасининг бирон-бир тугал тафсили йўқ. Шу боис у бу атамани "Таннарх ҳисоби методи" атамаси билан алмаштиришни таклиф қилади. Бироқ "Таннарх ҳисоби" иборасини ҳам тўғри деб бўлмайди, чунки ҳисоб воситаси билан бухгалтерлик ҳисоби ҳисоблар тизимида харажатларнинг тайёр маҳсулот ва унинг хилларига олиб ўтилган турлари акс эттирилади ва гуруҳлаштирилади. "Таннарх" кўрсаткичи эса ҳисобга олинмайди, балки маҳсулот таннархини ҳисоб-китоб қилиш ёрдамида аниқланади. Бизнингча, у ёки бу тушунчалар моҳиятини тўғри англаш учун улар кўзлаган мақсад ва тадқиқот объектларини кўриб чиқиш зарур. Харажатлар ҳисобини калькуляцияси турли мақсадларини кўзлайди. Харажат ҳисоби мақсади корхона раҳбарлари ўз вақтида сифатли бошқарув қарорлари қабул қилиш учун уларга ахборот етказиб бериш ҳисобланади. Калькуляция мақсади эса маҳсулот, кишилар, хизматлар бирликларининг таннархни ҳисоблашдир. Харажатлар ҳисоби ва калькуляция бир-биридан ўз объектлари билан ҳам фарқ қилади. Харажатлар ҳисоби объекти улар келиб чиққан жой (қарашлар ва жавобгарли марказлари), яъни корхона, ишлаб чиқариш, цехлар, участкасткалари, хўжалик ҳисобидаги бригадалар, қайта ишловчилар, буюртмалар, оқим чизиклари (конвеер) ва ҳ.к. лар ҳисобланади. Харажатлар ҳисоби объектини танлашга технологик жараёнлар хусуслари, ишлаб чиқариш намунаси, тузилма, бошқаришлар, ички хўжалик ҳисобининг аҳволи ва бошқалар таъсир кўрсатади. Калькуляция қилиш объектлари эса корхона ишлаб чиқарадиган маҳсулотларининг айрим

турлари ишлар ва хизматлардир.

Амалда калькуляция ва харажатлар ҳисоби объектлари тез-тез бир-бирига мос келиб туради. Бундай ҳолатда маҳсулот бирлиги таннархини ҳисоблаш учун ҳисоби объекти бўйича харажатларнинг умумий суммаси тайёрланган буюмлар миқдорига бўлинади. Улар бир-бирига мос келмай қолган ҳолда эса калькуляция объекти бирлиги таннархни аниқлаш учун ҳисоб объекти бўйича харажатлар умумлаштирилади ва олинган натижа тайёрланган маҳсулот миқдорига бўлинади. Бундай ҳолда харажатлар ҳисоби объектлари калькуляция объектининг бир қисми (улуши) бўлиб ҳисобланади.

13.2. Калькуляциянинг тамойиллари, объекти ва усуллари. Жараёнли, бўлимли ва буюртмали таннархни ҳисоблаш усуллари

Ишлаб чиқариш корхоналарида харажатлар ҳисобини турли усуллар билан ташкил этиш мумкин.

1) Харажатларни баҳолаш усули бўйича;

2) Ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларига нисбатан харажатлар нисбати бўйича;

3) Харажатларни маҳсулот таннархига киритишнинг тўлиқлиги бўйича.

Харажатларини баҳолаш усули бўйича ҳақиқий, норматив ва режавий (тахминий) таннарх бўйича харажатлар ҳисоби усулларини ажратиб олиш зарур.

Ҳақиқий таннарх бўйича харажатлар усулидан фойдаланишда ҳисобот давридаги ҳақиқий харажатлар ҳажми қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$X_x = M_z \times \Phi_z x$$

бунда X_x - ҳақиқий харажатлар, M_z - фойдаланилган захираларни ҳақиқий миқдори

Φ_z - фойдаланилган захираларни ҳақиқий баҳоси.

Ушбу усул афзаллиги ҳисоб-китобларнинг оддийлигидадир. Қўйидаги сабабларни ушбу усул камчиликларига киритиш мумкин:

- фойдаланилган захиралар миқдори ва уларга қўйилган баҳолар назорати учун меъёрий ҳужжатлар мавжуд эмаслиги;
- оғишишларни аниқлаш, сабаблари, айбдорлари ва жойини аниқлаш ва таҳлил этишнинг имконияти йўқлиги;
- ишлаб чиқариш жараёнида харажатларни ҳисоб-китоблари фақат ҳисобот даври охирида ўтказилиши мумкин ва ҳ.к.

Биринчи усулга нисбатан харажатлар ҳисобининг меъёрий усули нафақат қандай харажатлар бўлиши, балки улар қандай бўлиши кераклигини ҳам баҳолашга имкон беради.

Меъёрий харажатлар деганда технология ўзгаришига тузатишлар киритиш билан боғлиқ харажатларнинг жорий меъёрлари таъкидланади. Амалий фаолиятда маълумот операцияси ишлаб чиқариш корхонасидаги турли нормалардан фойдаланишлари мумкин: фақат миқдор бўйича, фақат баҳолар бўйича, миқдор ва баҳолар бўйича биргаликда.

Фақат миқдор бўйича меъёрлардан фойдаланишда қўйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$X_x = \Phi_z x (K_\phi + M_{xx})$$

бунда M_{xx} - ҳақиқий харажатларнинг фойдаланилган захираларнинг меъёрий ўзгаришдан келиб чиққан оғишишлар.

Фойдаланилган захираларни фақат кераги бўйича нормадан фойдаланганда қўйидаги формулани қўллаш мумкин:

$$X_x = (C_n + X_{xi}) x K_\phi$$

бунда X_{xi} - ҳақиқий харажатларнинг нормалардан баҳо захиралари

туфайли келиб чиққан бўлиши:

Фойдаланилагн захираларнинг ҳам миқдори, ҳам баҳоси бўйича нормалардан фойдаланганда қуйидаги формула қўлланилади:

$$X_x = (\Pi_n + X_{xii}) \times (K_n + X_{xii})$$

Харажатлар ҳисобини норматив усули норматив калькуляцияларни ҳар бир буюм бўйича мажбурий дастлабки тузилишни кўзда тутаяди, улар ҳисобот даврида боши амал қилувчи харажатлар нормалари базасида ҳисоб-китоб қилинади. Ташкилий ва илмий-техник тадбирларни татбиқ этиш, нормалари ва норматив харажатлар янгилашиш баробарида норматив калькуляциялар ҳам янгиланади.

Норматив усул чоғида харажатлар роли белгиланиш нормалари доирасида ва улардан оғишишлар бўйича олиб борилади. Мавжуд оғишишлар ҳақидаги ахборот маҳсулот таннархини шаклантириш жараёнида тезкор таъсир ўтказиш мақсадида бошқарув қарорлари қабул қилиш учун катта аҳамиятга эга.

Ушбу усулда маҳсулотнинг ҳақиқий норматив таннархи ҳар бир модда бўйича нормалардан оғишишларини улушига қўшиш (олиб ташлаш) йўли билан белгиланади.

Норматив усулдан муваффақиятли фойдаланиш учун қуйидаги шартлар зарур:

- захиралар барча турлари ҳужжатларини белгилаш;
- норматив калькуляцияларни олдиндан тузиш;
- ҳам нормалар доирасида, ҳам улардан юзага келиш жойи, сабаблари ва айбдорлари нуқтаи-назаридан оғишишлар ўртача ишлаб чиқариш харажатларини қайд этишга имкон берувчи бирламчи ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- ҳар бир ишлаб чиқариш бўлинмаси ва бутун корхона бўйича маҳсулот таннархини шаклантириш устидан ўрнатилган назорат натижаси бўйича тезкор бошқарув қарорлари қабул қилиш ва яқунлар чиқариш бўйича ишларни ташкил этиш.

Меъёрий усул омбор хўжалигини тўғри ташкил этишни ҳам талаб қилади: омборда оғирлик ўлчов жиҳозлари билан таъминлаш, ишлаб чиқариш баҳоларини эса - сув, газ буғ, электр қувватини истеъмол қилиш ҳисоби учун асбоблар билан таъминлаш; корхоналар номенклатурасини ишлаб чиқариш; бирламчи ҳужжатлар ва бошқа ташкилий-техник тадбирларни сифатли расмийлаштиришдан иборат.

- норматив усул умуман харажатларни бошқариш вазифасини самарали ҳал этади. Бу усулнинг асосий афзаллиги қуйидагилардан иборат:
- норматив калькуляциялар тузиш йўли билан харажатлар устидан назорат ўрнатиш имкони;
- ҳақиқий миқдорларни норматив миқдор билан таққослаш йўли билан харажатлар устидан назорат ўрнатиш имкони;
- ҳақиқий харажатларни норматив харажатлардан оғишишдаги юзага келишидаги жой, сабаблар ва айбдорларини аниқлаш ва таҳлил қилиш имкони;
- фақат ҳисобот даври охиридагина эмас, ишлаб чиқариш жараёнида ҳам

тезкор чоралар кўриш имкони ва ҳ.к.

Ушбу усул камчиликлари соҳасига ҳисоб-ҳисоблаш ишлари меҳнат талаблигининг ортиши ва харажатлар нормалари доирасида бўладиган улардан оғишишлар бўйича ҳам ҳисобни ташкил этиш заруриятини киритиш мумкин.

Режавий (тахминий) таннарх усули билан харажатлар ҳисобини ташкил этишда маҳсулот ва буюм бирлигига кетадиган тахминий харажатларни олишни мақсадга мувофиқ деб биламиз. Бунда технологиянинг илғор тажрибали ва ишлаб чиқаришни, ташкил этишни, шу мақсадга мавжуд захираларни ҳисобга олиб материаллар, ёқилғи, энергия, иш ҳақи харажатлари ва бошқа харажатларни прогрессив нормаларидан келиб чиқилади. Ушбу усулнинг асосий афзаллиги шундан ибортки, режавий харажатлар эришилган даражага эмас, балки келажакдаги тахминга асосланган. Бунда технология харажатларидан, келгуси даврга етказиб берувчиларнинг баҳолар ҳақидаги маълумотлари, эксперт баҳолари ва ҳ.к. даги фойдаланилади.

Асосий фаолиятда харажатлар режавий нормалари сифатида энг юқори даражадаги андозалардан ва қўлга киритилган маълумотлардан фойдаланиш мумкин.

Қўлга киритилган андозалар корхоналар фаолиятини аниқ шароитларининг назарда тутилиши билан белгиланади: қабул қилинадиган захираларнинг сифати, чиқиндилар, браклар фоизи ва ҳ.к. Бундай стандартлар корхонанинг келажакдаги харажатларини анча аниқ баҳолаш имконини беради, бироқ уларни пасайтириш қудратига эга эмас. Шу боис корхонада харажатлар стандартларини шундай белгилаш тавсия этиладики, уларга етишиш унча осон бўлмасину аммо мумкин бўлсин.

Харажатларнинг стандартлари нисбатан узоқ даврга белгиланади, ҳам менежерлар қарорлар қабул қилишда уларга таяниб иш кўра олишади. Бироқ стандартларни долзарблигини йўқотмаслик учун уларни вақти-вақти билан қайта кўриб чиқиш зарур.

Амалда йиллик режани бюджетни ишлаб чиқиш жараёнида тез-тез шундай қилинади.

стандартлар харажатларнинг барча турларига белгиланди. Харажатлар ҳисоб-китоб формуласи норматив таннарх ўртача ҳисобда фойдаланадиган формулага ўхшаб кетади:

$$З_{\text{ф}} = (\text{Ц}_{\text{н}} = \text{О}_{\text{н}}) \times (\text{X}_{\text{н}} + \text{О}_{\text{к}})$$

бунда n - тегишли ҳажмларнинг режа маъносидан индекси.

Режавий (тахминий) таннарх бўйича харажатлар ҳисоби усулини барча ижобий хусусиятларини сақлаб қолади, бироқ уларга қараганда кўпроқ қўшимча афзалликларга эга: норматив ҳажмларга нисбатан режавий ҳажмларни чуқурроқ асосланганлиги тахминлар аниқлиги назорат самарадорлигини оширишини таъминлайди.

Технологик жараёнига нисбатан харажатлар ҳисобини харажат усуллари нуқтаи-назардан ташкил этиш мумкин: қайта тақсимлаш бўйича (харажатлар бўйича) ва буюртмалар бўйича.

Харажатлар ҳисобини қайта тақсимлаш (жараёнлаш) бўйича усули

шундай ишлаб чиқаришда қўлланадики, у ерда тайёр маҳсулот дастлабки нормаини алоҳида технологик танаффусли босқичларда, фоизларда ёки қайта тақсимлашда обдон ишлов бериш натижасида олинади.

Қайта ишлов ишлаб чиқариш технологик операцияларини шундай малакасига айтиладики, у оралик маҳсулот (ярми тайёр маҳсулот) га ишлов бериш ёки тугал тайёр маҳсулот олиш билан ниҳоясига етади.

Қайта ишлов усули моҳияти шундан иборатки, харажатлар ҳисоби қайта ишловлар (жараёнлар) бўйича, уларнинг ичкарасида эса калькуляция моддалари ва маҳсулот турлари бўйича олиб борилади. Бу усулда бевосита харажатлар ҳар бир қайта ишлов бўйича, бевосита харажатлар эса цех, ишлаб чиқариш, бутун корхона бўйича ҳисобга олинади, кейин эса базалар қабул қилган тақсимотга биноан қайта ишлов берилган маҳсулот таннархи ўртасида тақсимланади.

Маълумот координациясида қайта ишлов бўйича усул колбаса, консерва, пиво, алкоголизм маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Харажатлар ҳисоби қайта ишлов усулининг икки варианты мавжуд: ярим маҳсулот ва ярим тайёр маҳсулотсиз.

Ярим тайёр маҳсулотли усулда ҳар бир олдинги қайта ишлов маҳсулоти кейинги қайта ишлов учун ярим тайёр маҳсулот саналади ёки ташқарига сотиши мумкин. Бу ярим тайёр маҳсулотларни ҳақиқий, норматив ёки режавий таннарх бўйича, ёхуд ҳисоб-китоб ёки маҳсулотни чиқариб юбориш баҳолари бўйича баҳолаш заруратини белгилайди. Бу вариантда ярим тайёр маҳсулотлар қиймати алоҳида - “Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар” деган моддада акс эттирилади.

Ярим тайёр маҳсулотсиз вариантда ҳар бир қайта ишлов бўйича, асосан, фақат ишлов беришга кетган харажатлар олинади. Тайёр маҳсулот таннархи хом-ашё, дастлабки материаллар харажатлари, ишловга берилган барча қайта ишловлар харажатлари ва ишлаб чиқариш харажатларини умумлаштириш билан ҳисоб қилинади. Бунда фақат тайёр маҳсулот таннархи калькуляция қилинади.

Харажатлар ҳисобининг буюртмалар бўйича усули хусусий ва майда туркумли ишлаб чиқаришида, шунингдек тажриба экспериментал ишлаб чиқаришда ва таъмир ишларида қўлланиши мумкин.

Буюртмалар бўйича усул моҳияти шундан иборатки, харажатлар ҳисоби бир буюмни ёки бир хилдаги буюмларнинг унча катта бўлмаган туркумини тайёрлашда буюртмалар бўйича амалга оширилади. Бунинг учун ҳар бир буюртмага бухгалтерияда алоҳида карточка очилади, унда буюртма бўйича харажатлар уни бажаришнинг бутун муддати мобайнида ҳисобга олинади.

Бевосита харажатлар бирламчи ҳужжатлар асосида цехлар ва буюртмалар нуқтаи-назаридан ҳисобга олинади. Бундай харажатлар ҳисоби бўйича бирламчи ҳужжат ҳар бир буюртмага алоҳида расмийлаштирилади. Бевосита харажатлар корхонада мутаносиб равишда қабул қилинган тақсимот базасида тақсимлаш йўли билан таннархга киритилади.

Буюртмани бажариш муддати даомида харажатлар тугалланмаган ишлаб

чиқариш (маҳсулот) сифатида ҳисобга олинади. Ишлар тугагандан кейин карточка ёпилади ва буюртмани бажаришга кетган харажатлар чиқилади. Бу харажатлар қайтиб келган чиқиндилар, мутлақо брак ва фойдаланилмаган материаллар омборга қайтариш харажатлари чиқариб ташлангач, буюртма бўйича ишланган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи бўлиб қолади. Борди-ю, буюртмага мувофиқ бир неча хил буюм тайёрланса, бирлик таннарх харажатлар суммасини ишлаб чиқилган маҳсулот миқдорига калькуляцион моддалари бўйича бўлиш билан аниқланади. Сут ва сут масулотларида буюртма бўйича усул сут маҳсулотлари корхонасида, савдо ва технологик жиҳозлар ва ҳ.к. ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Кўпгина ҳолларда ташкилот корхона амалий фаолиятида қайта ишлов бўйича усул билан бир қаторда буюртма бўйича усулнинг унсурларини қўшиб юборувчи аралаш тизимлардан фойдаланилади. Бундай тизимлардан туркумли ва оқимли ишлаб чиқаришларда фойдаланилади: қандолатлар ишлаб чиқаришда, сут ва сут ишлаб чиқариш саноатида ва ҳ.к. Жумладан, операциялар бўйича усул энг истиқболли аралаш тизимлардан бири ҳисобланади, ундан фойдаланишда харажатларни киритишнинг асосий объекти операция ҳисобланади. Гар бир операцияга харажатларни мазкур операциядан ўтган маҳсулотлар бирликлар бўйича қўшимча харажатларнинг ўртача салмоғига мутаносиб равишда тақсимлайдилар. Асосий материалларга кетган харажатларни буюртма бўйича усулга ўхшаб маҳсулотнинг муайян турига киритадилар. Операциялар бўйича усулни афзаллиги калькуляцияни технологик шароитга “тиркашдан” иборат.

Ишлаб чиқариш корхоналари харажатларни маҳсулот таннархи тўланишга боғлиқ ҳолда харажатлар ҳисобини тўлиқ ёки чекланган таннарх (маржинал усул) бўйича ташкил этиш мумкин.

Тўлиқ таннарх бўйича харажатлар ҳисоби усулида маҳсулот таннархи доимий ва ўзгарувчан бевосита ва билвоситага бўлинишдан қатъий назар корхонанинг барча чиқимлари киритилади. Бевосита маҳсулотга киритиб бўлмайдиган харажатларни аввалига улар келиб чиққан жавобгарлик марказлари бўйича тақсимлайдилар, кейин эса танланган базага мутаносиб равишда маҳсулот таннархи олиб ўтадилар. Кўпинча тақсимлаш базаси сифатида ишлаб чиқариш ишчиларининг иш ҳақи, ишлаб чиқариш таннархи ва ҳ.к. лар ҳиобланади.

Тўлиқ таннарх бўйича харажатлар ҳисоби усули биргина буюмни чиқариш ва сотиш муносабати билан корхона қиладиган барча харажатлар ҳақида тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Масалан, корхона “А” буюмни чиқариш билан шуғулланади ва бу буюм бирлигини ишлаб чиқаришга кетадиган харажатларга 28,9 сўм. ни ташкил этади. Агар буюм баҳоси 35 сўм бўлса, “А” буюм бирлигини сотишдан корхона оладиган фойда 6,1 сўм.ни ташкил этади.

Таъкидлаш керакки, бу усул мамлакатимизда кенг тарқалган ва молия ҳисоби ва солиқ сотиш бўйича норматив ҳужжатлар талаблари ва Ўзбекистонда юзага келган анъаналарга мос келади. Бироқ мазкур усул бир муҳим ҳолни

ҳисобга олмайди: буюм бирлиги таннархи маҳсулот чиқариш ҳажми ўзгарганда ўзгаради. Агар корхона маҳсулот ва сотишни камайтирса, маҳсулот бирлиги таннархи пасаяди, борди-ю, корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини қисқартирса, таннарх ўсади.

Хўжалик юритишнинг ҳозирги шароитларида чекланган таннарх яъни маржинал усул бўйича харажатлар ҳисоби усулига афзаллик бериши зарур, бунга мувофиқ маҳсулотга корхона чиқимларининг ҳаммасини ёзиб қўймайдилар, балки унинг бир қисми - ўзгарувчан харажатни ёзадилар. Бу усулда доимий харажатларни маҳсулот таннархи киритмайдилар ва шундай харажатлар юзага келганда уша давр фойдасини камайтиришга ҳисоб қиладилар. Тўғри тасаввур ҳосил қилиш учун қуйидаги мисолдан фойдаланамиз.

“А” буюм бирлигини ишлаб чиқариш ва сотишга корхона харажатлари сўм.да қуйидаги тусни олади:

1. Баҳо	35,00
2. Ўзгарувчан харажатлар	21,00
3. Маржинал даромад	14,00
4. Доимий харажатлар	7,90
5. Фойда	6,10

Мисолдан кўришиб турибдики, буюм бирлигига маржинал даромад 14,00 сўм. (35,00-21,00) ни ташкил этади ва ўзига хос ялпи фойда-брутто фойдасини намоён этмоқда. Доимий харажатларни маржинал даромадни камайтиришга ҳисоб қилингандан кейин операцион фойда-нетто фойдасини оладилар.

Маржинал даромад анча фаол роль ўйнайди ва бутун маҳсулот каби алоҳида буюм рентабеллигининг умумий даражаси ҳақида дарак беради.

Бинобарин, буюмлар сотув баҳоси ва ўзгарувчан харажатлар суммаси ўртасидаги фарқ қанча баланд бўлса, маржинал даромад ва рентабеллик даражаси ҳам шунча баланд бўлади. Бундан ташқари харажатларнинг доимий ва ўзгарувчанларга бўлиниши корхона фаолиятини бошқариш ва таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади, жумладан ассортимент сиёсати, шунингдек зарарли фаолият юритиш ҳолда ёпиб қўйиш ёки касод топганлигини эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилиш учун ҳам керак.

Мазкур бошқарув харажатлар ҳисоби маржинал усулни қўллашнинг самарадорлиги ҳақида ҳулоса чиқаришга имкон беради. Бу усулнинг асосий авзаллиги доимий ва ўзгарувчан харажатларнинг бирлашишидан иборат. Бу харажатларни бошқариш қуйидаги энг муҳим вазифаларини ҳал этиш имконини беради:

- маҳсулот ёки буюртма баҳосининг қуйи чегарасини аниқлаш;
- маҳсулот хилма-хил турига фойдалигининг қиёсий таҳлили;
- маҳсулот чиқариш ва сотишнинг қулай дастурини аниқлаш;
- маҳсулот ёки хизматларнинг ўз маҳсулоти ва уларни четдан сотиб олиш ўртасидаги танлов;
- ишлаб чиқариш технологиясининг иқтисодий нуқтаи назардан қулайлигини танлаш;

-корхона бардошлилиги захираси ва зарарсизлик нуқтасини белгилаш ва ҳ.к.

Ишлаб чиқариш корхоналарида харажатлар ҳисобининг юқорида келтирилган усуллари доирасида маҳсулот таннархини ҳисоб қилиш учун калькуляциянинг қуйидаги усулларини қўллаш мумкин:

- калькуляция қилишнинг норматив усули;
- бевосита ҳисоб-китоб усули;
- зарарли маҳсулотга харажатларни чиқариб ташлаш усули;
- харажатларни мутаносиб тақсимлаш усули;
- калькуляция қилишнинг аралаш усули.

Калькуляция қилишнинг норматив усули харажатлар ҳисоби норматив усулининг таркиб қисми ҳисобланади. Ушбу усулни қўллашнинг афзалликлари: харажатлар норма ва норматив бўлимларнинг мавжудлиги; ишлаб чиқариладиган буюмлар бирлиги таннархининг норматив калькуляциясини тузиш; амалдаги нормалар нуқтаи назардан ва улардаги оғишишлар бўйича харажатлар ҳисоби ва ишончли ҳужжатлар.

Бевосита ҳисоб-китоб усули шундан иборатки, маҳсулот таннархи эса шу маҳсулот бўйича харажатлар умумий миқдорида бўлиш билан ҳисобга олинади.

Шу усул билан таннархни ҳисоблашга харажатлар ҳисоби объектлари, калькуляция объектлари билан мос келганда эришилади. Харажатларни умумлаштириш усули шундан иборатки, маҳсулот таннархи буюмни алоҳида қисмлари ёки уни тайёрлаш жараёни бўйича аниқланади. Бу усул, одатда, ишлаб чиқаришларда қўлланилади, бу ерда харажатлар ҳисоби учун қайта ишлов бериш (жараёнини) усули қўлланилади.

Қўшимча маҳсулотга харажатларни чиқариб ташлаш усули шундан иборатки, ишлаб чиқаришда олинadиган маҳсулотлар асосий, қўшимча ва чиқиндиларга бўлинади. Асосий маҳсулот таннархини аниқлаш учун қўшимча маҳсулотлар ва чиқиндилар олдиндан белгиланган баҳолар бўйича умумий харажатлардан чиқариб ташланади.

Харажатларнинг мутаносиб тақсимланиш усули буюмларнинг бир қанча турини бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш шартларида маҳсулот таннархини калькуляция қилиш учун қўлланилади, уларга харажатларни бевосита киритиб бўлмайди. Бу усул аралаш маҳсулотлар ишлаб чиқаришда қўлланилади, бунда бир вақтнинг ўзида бир технологик жараёнда маҳсулотнинг бир қанча турини оладилар. Харажатларнинг қўйилган ҳисоби ишлаб чиқариладиган буюмлар гуруҳи бўйича ташкил этилади, гуруҳлар ичидаги харажатлар эса иқтисодий жиҳатдан асосланган, базида мутаносиб равишда маҳсулотларнинг алоҳида турларига тақсимланади.

Калькуляция қилишнинг аралаш усули агар ҳар бирини алоҳида қўллаш имконини бермаса ёки таннархни асосли ҳисобга олишни таъминланса, юқорида санаб ўтилган бир қанча усулларининг бирикувини ўзида намаён этади. Масалан, ўсимлик шуносликда харажатларини ҳисобдан чиқариш усули билан асосий ва бириктирилган маҳсулот таннархини аниқлайдилар, сўнгра харажатларни мутаносиб равишда тақсимлаш усулида фойдаланиб,

маҳсулотлар ҳар бир тури таннархини чиқариб ташлайдилар. Асосий маҳсулот бирлиги таннархи бевосита ҳисоб-китоб усули билан калькуляция қилинади.

Калькуляцион бирликни тўғри белгилаш маҳсулот таннархини ҳисобдан чиқаришда муҳим масала ҳисобланади.

Калькуляцион бирлик - бу калькуляцион объект ўлчамидир. Уни танлаш маҳсулот тайёрлаш хусусиятлари, номенклатура кенглиги, ўлчашнинг қўлланадиган бирликлари, амалдаги андозалар ва ишлаб чиқиладиган буюмнинг техник шартларига боғлиқ бўлади.

Амалий фаолиятда ишлаб чиқариш корхоналари калькуляцион бирликларининг қуйдаги гуруҳларидан фойдаланадилар:

-шартли бирликлар - 100% ўткирликдаги спирт, амалдаги моддани фоизга қайта ҳисоблангандаги минерал ўғитлар (азот, фосфор, кальций) ва ҳ.к.;

-табиий бирликлар - доналар, килограмлар, тонналар, метрлар, куб метрлар, киловатт-соатлар ва ҳ.к.;

-шартли - табиий бирликлар-консерваларнинг 100 шартли банклари, маълум турдаги 100 жуфт пойафзал ва ҳ.к.;

-фойдаланиладиган (эксплуатацион) бирликлар - қувват, маҳсулдорлик ва ҳ.к.;

-ишлар бирликлари-ташиб келтирилган юкнинг бир тоннаси, йўл қопламасининг юз метри ва ҳ.к.;

-вақт бирлиги - машина-кун, машина-соат, норма-соат ва ҳ.к.

Корхоналарда маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархини ҳисоблаш учун калькуляцион бирликлар барча мажмуидан битта ўлчагичга афзаллик берилади ва у асосий деб қаралади. Одатда, у маҳсулот (иш) ҳажми ўлчами бирлиги билан мос келади. Агар маҳсулот маълум тури учун икки ўлчагичдан фойдаланилса (масалан тонналар ва қувват бирлиги), унда таннарх калькуляцияси учун асосий ўлчагич қўлланилади.

Калькуляцион бирликлар тармоқ йўриқномалари билан белгиланади. Нон ёпиш корхоналари учун центнер, пиво тайёрлаш корхоналари учун - бир декалитр (дал) ва ҳ.к. калькуляцион бирлик ҳисобланади.

Маҳсулот коперацияси ишлаб чиқариш корхоналарида хўжалик юритишнинг ҳозирги шароитларда улар ишлаб чиқарадиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) нинг турлари ўртасидаги билвосита харажатларни тақсимлаш масаласи алоҳида долзарб бўлиб турибди. Уларни, одатда, аввалги фаолият турлари (йўналишлари) бўйича, кейин эса (фаолият ҳар бир тури ичида) ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари бўйича тақсимлайдилар.

Уларнинг қанчалик оқилона тақсимлаганларига қараб маҳсулот технологик турлари бўлиб таннархни аниқлашга боғлиқ. Сўнгиси, ўз навбатида, баҳо-наво ва унинг тузилмавий сиёсати соҳасида (маҳсулот чиқариш ва сотиш номенклатурасини шакллантириш) корхона сиёсати учун катта аҳамият касб этади.

Маҳсулот алоҳида турлари таннархини аниқлашнинг икки асосий усули мавжуд:

-ишлаб чиқариш билвосита харажатларни тақсимлаш умумзавад базаси

асосида (plant-wide over head application base);

-бўлинмалар даражасида ишлаб чиқариш билвосита харажатларининг тақсимланиши (department wide over head application base).

Ишлаб чиқариш билвосита харфларни тарқатишнинг умумзавад базаси асосида маҳсулотлар турлари бўйича таннархни ҳисоблаш усули шундан иборатки, корхона ишлаб чиқариш билвосита харажатлар бир синтетик ҳисобда ва ҳисоб даври охирида уларни тақсимотини ягона базаси асосида маҳсулот турлари бўйича тақсимланади (бевосита умумий харажатлар, бевосита моддий харажатлар, жиҳозлаш иши соатлари ва ҳ.к.). Ушбу усулни афзаллиги унинг оддийлиги ва кам меҳнатлилигидир. Унинг асосий камчилиги шундан иборатки, маҳсулот хилма-хил турлари ҳақиқий таннархнини аниқлаш чоғида у жиддий бузулишларига олиб келади. Демак, корхонада икки: “А” ва “Б” маҳсулот тури чиқарилади. Бунда “А” буюм машина технологияси асосида, “Б” эса қўл меҳнати асосида чиқарилади. Шунда “Меҳнатнинг бевосита харажатлари” тақсимлаш базаси қўлланилганда, биринчи тур маҳсулот таннархи пасайган, иккинчисиники кўтарилган, “Асбоб-ускуна иш соатлари” тақсимлаш базаси қўлланилганда эса - бунинг акси бўлган.

Бўлинмалар даражасида ишлаб чиқариш билвосита харажатлар тақсимлаш усули анча меҳнат талабдир. Бироқ олдинги усулга нисбатан маҳсулот алоҳида турлари таннархининг аниқ тасвири берди. Мазкур моддадан фойдаланиш уларнинг ҳар бири учун очиқ алоҳида суб ҳисоблар очиш билан бўлинмалар даражасида ҳисобга олинади. Ҳисоб даври охирида маҳсулот турлари бўйича ишлаб чиқариш билвосита харажатлар тақсимоти ҳар бир субҳисоб учун алоҳида амалга оширилади. Бунда ҳар бир субҳисобга бўлинма технологик жараёни хусусиятини акс эттирувчи ўз тақсимот базаси мос келади. Масалан, автоматлаштирилган цехни ишлаб чиқариш билвосита харажатларни ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари бўйича асбоб-ускуналар иш соатларига биноан тақсимланиши мумкин қўлда йиғиш цехининг ишлаб чиқариш билвосита харажатлари - меҳнатнинг бевосита харажатларига кўра тақсимланади. Ишлаб чиқариш билвосита харажатларни ҳисобга олишда мазкур усулни қўллаганда бузилишларни батамом бартараф этиб бўлмайди: биринчидан, умумзавад ишлаб чиқариш билвосита харажатлар тақсимоти қолади, иккинчидан, алоҳида бўлинма ичида турли ишлаб чиқариш линиялари бўйича ишлаб чиқариш билвосита харажатлари тақсимотида хатолар бўлиши мумкин.

У ёки бу тақсимлаш базасини танлаш корхона (тақсимотнинг умумзавад базасидан фойдаланилганда) ёки унинг алоҳида хизматлари (бўлинмалар даражасида ишлаб чиқариш билвосита харажатлар ҳисобида) ишининг функциянал хусусияти билан шарт қилиб қўйилади. Бунда у ёки бу технологик линияда захиралари хилма-хил турларининг қўшилиб кетиши тақсимот базасини танлашнинг асосий мезони бўлиб ҳисобланади.

Маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асосий захиралар қуйидагилар ҳисобланади:

- моддий айланма воситалар (хом-ашё, материаллар, бутловчилар);

- асосий воситалар (амортизация қисмида);
- меҳнат заҳиралари (иш ҳаққи қисмида).

Шундай қилиб, корхона алоҳида бўлинмалари, цехларининг технологик жараёни:

- меҳнат талаблиги;
- капитал талаблиги;
- материал талаблиги;

даражалари билан фарқ қилади.

Агар бўлинма фаолияти меҳнатталаб бўлса (қўл меҳнатининг катта улуши), шу бўлинма цехининг умумзавад харажатларини меҳнат заҳираларини истеъмол қилиш билан боғлиқ кўрсаткичларни асос қилиб олиб, маҳсулот турлари бўйича тақсимлаш лозим бўлади. Мазкур бўлинма ишлаб чиқариш билвосита харажатлари тақсимотининг базаси сифатида қўйидагилардан фойдаланиш мумкин:

- меҳнатнинг ҳақиқий харажатлари (маҳсулот турлари бўйича 2010 счет корреспонденциядаги 6710 счет кредити);
- меҳнатнинг норматив (режавий) бевосита харажатлари;
- у ёки бу технологик жараёнда харакатга келтирилган ходимлар миқдори.

Агар бўлинма фаолияти капиталлаб бўлса (автоматлаштириш ишлаб чиқариш линиялари), шу бўлинма умум ишлаб чиқариш харажатларини асосий воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ кўрсаткичларини аср қилиб олиб, маҳсулот тўлдириш бўйича тақсимлаш мумкин. Бу ерда ишлаб чиқариш билвосита харажатлар тақсимоти базаси сифатида:

- маҳсулот турлари бўйича амортизацион чегирмалар;
- асбоб-ускуналарнинг ҳақиқий иш соатлари;
- у ёки бу техник жараёнда харакатга келтирилган асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати.

Агар бўлинма фаолияти материалталаб бўлса (мазкур бўлинмада маҳсулот қийматига қўшилган харажатлар кўп ҳолларда хомашё ва материаллар харажатлари ҳисобланади), тақсимот базаси деб:

- хом-ашё ва материалларнинг ҳақиқий бевосита харажатлари (1010 ва 2110 счетлар кредити билан корреспонденцияда 2010 счет дебети);
- хом-ашё ва материалларнинг режавий (норматив) бевосита харажатлари.

Агар бўлинма фаолияти қанақа бўлишини (меҳнатталаб, капиталталаб ёки материалталаб) аниқ белгилаш мумкин бўлмаса, тақсимотнинг заҳиралар икки ёки ундан кўпроқ турлари асосида ҳисоб қилинадиган аралаш базасидан фойдаланиш мумкин:

- тўлиқ бевосита моддий харажатлар (жорий моддий харажатлар плюс амортизация) - фойдаланиладиган хом-ашё, материаллар ва асосий воситаларнинг катта солиштирма оғирлигида;

- қўшилган қиймат (амортизацион плюс меҳнатнинг бевосита харажатлари) - меҳнат заҳиралари ва капитал (асосий воситаларнинг) катта солиштирма оғирлигида;

-тўла бевосита харажатлар - бирон-бир захиралар тури устиворлиги йўқлигида.

Тақсимот базалари корхона (бошқарув аппарати) функционал хизматлари учун ҳам мавжуд бўлади. Бундай ҳолда улар, одатдагидек, бошқарув аппарати хизмати бажарадиган асосий функционаллардан бирининг миқдор жиҳатини характерлайди. Демак тақсимотнинг асосий базалари қуйидагилар бўлиши мумкин:

-дисперциялаштириш хизмати учун-ташиб кетиладиган тайёр маҳсулот тонна-километрлиги;

-омбор хўжалиги учун - бир кунга сақлаш бирлигига омбордаги ўртача қолдиққа кўпайтирилган норматив харажатлар ёки тайёр маҳсулотнинг сақлаш бирлиги кубометражи;

-юкни жўнатиш бўлими учун - тайёр маҳсулотни юклаб жўнатиш бўйича шартномалар миқдори.

Ишлаб чиқариш билвосита харажатларининг энг адекват (мос) базасини ҳисоблаш учун хийла жорий харажатлар талаб қилиниши мумкин. Шу боис қатор ҳолларда гарчи бироқ адекват (мос) бўлсада, унча меҳнатталаб бўлмаган бошқа “қўшимча” тақсимот базаларини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Корхона хўжалик фаолияти жараёнида автоматик тарзда мўлжал қилинадиган молиявий кўрсаткичлар, одатда, қўшимча тақсимот базалари ҳисобланади. Шу боис уларнинг ҳисоб-китоби ҳеч қанақанги қўшимча чиқимларини талаб этмайди. Шундай кўрсаткичларга қуйидагилар киритилиши мумкин:

-маҳсулот чиқариш ҳажми;

-маҳсулот сотиш ҳажми;

-сотиш таннархи;

-маҳсулот чиқариш таннархи;

-хом-ашё ва материаллар сотиб олиш таннархи;

-маржинал даромад;

-ходимларнинг ўртача рўйхат миқдори.

Маҳсулот сотиш ҳажмлари ва таннархи (сотиш таннархи, чиқариш таннархи, хом-ашё ва материаллар сотиб олиш таннархи) кўрсаткичлари ишлаб чиқариш билвосита харажатларини тақсимлашнинг қўшимча базалари сифатида фойдаланилади.

Сотишлар ҳажми фаолияти рағбатлантиришга йўналтирилган бўлинмалар учун тақсимланма “қўшимча” базаси ҳисобланади. Бу, масала, маркетинг бўлими ёки сотиш бўлими бўлиши мумкин.

Сотиш таннархи ва чиқариш таннархи фаолияти молиявий цикл (айланма)нинг талайгина қисмини ёки чиқариладиган маҳсулотларнинг кўп турлари ва технологик жараёнларни қамраб оладиган бўлинмалар учун тақсимотнинг “қўшимча” базаси сифатида қўлланиши мумкин. Корхона ишлаб чиқариш бўлинмалари даражасида бу йиғув цехи, техник назорат бўлими, автотранспорт хизмати, бошқариш хизматлари даражасида номолиявий ва юридик бўлимлар, ахборотни ишлаб чиқиш бўлими бўлиши мумкин. Хом-ашё, материаллар ва бутловчи материаллар сотиб олиш таннархи функциялари ва фойдали харакати

“кирувчи” молиявий ва моддий оқимларга (диспечерлаш хизмати, моддий-техника таъминоти хизмати) йўналтирилган бўлинмалар учун тақсимотнинг “қўшимча” базаси ҳисобланади.

Биз маҳсулот турлари бўйича ишлаб чиқариш билвосита харажатлари тақсимотининг асосий усул ва усуллари тўғрисида қисқача сўзлаб бердик Уларнинг сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарининг амалий фаолиятида қўллашни тавсия этамиз. Ишлаб чиқариш билвосита харажатлари тақсимотнинг тўғри ёндашувини танлаш асосида маҳсулот алоҳида турлари бўйича маҳсулот чиқариш ва сотиш таннархини аниқ белгилаш аслида корхона учун у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқариш қанчалик фойдали, унинг рентабеллиги шундай, бинобарин маҳсулотни чиқариш (отпускной) баҳонинг қайси даражаси энг мақбул эканлиги ҳақидаги ишончли ахборотни олишга имкон беради. Ишлаб чиқариш билвосита харажатлари тақсимотининг самарали тизимларини тадбиқ этиш масалаларини назар-писанд қилмаслик кўп ҳолларда шунга олиб келадики, ишлаб чиқариш дастурида, сотишлар ва корхона баҳо сиёсатида мутаносиблик жиддий бузилади, бу эса ўз навбатида, корхона фаолиятининг молиявий натижалари ёмонлашувига олиб келади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Хориж амалиётида харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш муаммосига қандай ёндошилади?
2. Харажатлар ҳисоби калькуляциясидан мақсад нима?
3. Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляциялашнинг қандай услублари мавжуд?
4. Норматив усулдан фойдаланиш қандай шартларни талаб қилади?
5. Харажатларни баҳолаш усулининг камчиликлари нималардан иборат?
6. Ярим тайёр маҳсулотли усулнинг моҳияти нимадан иборат?
7. Ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулот таннархини ҳисоб қилиш учун калькуляциянинг қандай усулларидан фойдаланилади?
8. Қўшимча харажатлар тақсимоти услубиётининг моҳияти нимадан иборат?
9. Қўшимча харажатлар тақсимоти услубиётига кўра маҳсулот алоҳида турлари таннархини аниқлашнинг нечта усули мавжуд?
10. Қўшимча тақсимот базалари қандай таркибий қисмлардан иборат?

Таянч сўз ва иборалар

1. маҳсулот;
2. таннарх;
3. калькуляция;
4. жараёнли усул;
5. бўлимли усул;
6. буюртмали усул;
7. тўлиқ таннарх;

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати Асосий адабиётлар:

1. “Маҳсулот (иш ва хизмат)лар таннархига киритиладиган, маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом. - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999й. 5 февраль 54-сонли қарори.

2.. Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари. Т.: №1-5-8 сонлар. 2000й.

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби Миллий Стандартлари. Т.:БМА нашриёти. 1999й.

Друри К. Введение в управленческий и производственный учет.-М.: Аудит, ЮНИТИ. 1997.-556 с.

2. Друри К. Учет затрат методом стандарт-кост.-М.: ЮНИТИ, 1998.-224 с.

3. Иванов Н.Н. Нормативный учет производства .-М.: Госфиниздат, 1956.-220 с.

5. Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма. Тошкент, Т.: “Академия” нашриёти. 2002. 176 б.

Қўшимча адабиётлар:

6. Калькуляция себестоимости продукции в промышленности. Учебник. В.А. Белобородова, А.П.Чечета, В.Т. Стаблинский и др. -М.: Финансы и статистика, 1989.-279 с.

7. Карпова Т.П. Основы управленческого учета. Учебное пособие. -М.: ИНФРА -М, 1997.-172 с.

8. Кондратова И.Г Основы управленческого учета. Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 1998. – 144 с.

9. Мюллендорф Р., Карренбауэр М. Производственный учет. – М.: ЗАО “ФБК-ПРЕСС”, 1996. – 158 с.

10. Николаева О.Е., Шишкова Т.В. Управленческий учет. Учебное пособие. – М.: УРСС, 1997. – 368 с.

11. Новиченко П.П. Учет и калькулирование себестоимости продукции в важнейших отраслях промышленности. – М.: Экономика, 1975. – 191 с.
12. Палий В.Ф., Палий В.В. Управленческий учет – новое прочтение внутрихозяйственного расчета. // Бухгалтерский учет, 2000, № 17.
13. Ткач В.И., Ткач М.В. Управленческий учет: международный опыт. - М.: Финансы и статистика, 1994. – 138 с.
- 14. Трусов А.Д. Калькулирование себестоимости продукции**
15. Управленческий учет. Учебное пособие. / Под ред. А.Д. Шеремета. – М.: ФБК-ПРЕСС, 1999 – 510 с.
16. Управление – это наука и искусство: А. Файоль, Г. Эмерсон, Ф.Тейлор, Г.Форд. – М.: Республика, 1992. 240 с.
17. Чумаченко Н.Г. Методы учета и калькулирования себестоимости промышленной продукции. – М.: Финансы, 1965, - 124 с.
18. Палий В.Ф. Управленческий учет -М.: “Союзаудит”. 1997, 260 с.
19. Ризакулов А.А., Ибрагимов А.К., Хасанов Б.А., Маматов З.Т., 20. А.Усанов “Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари” Тошкент. 1994, 1-2-3 томлар. 320 б.
21. Стоун Т. Управленческий учёт. –М., “Финансы и статистика”. 1996, 135 с.
22. Хошимов Б. А. Развитие бухгалтерского учета на основе международных стандартов в Республике Узбекистан. ИЭР., Вашингтон, 1996, 124 с.
23. Хасанов Б.А., Узоков К. Солиқлар ва назорат. Т.: -1994, 93 б.
24. Қодирхонов С.Б. Саноат корхоналарида бухгалтерия ҳисоби. Т.: “Ўзбекистон”. 1993, 360 б.
25. Қодирхонов С., Жуманиёзов К., Қодирхонов Н. Чет эл фирмаларида бошқарув ҳисобини юритиш асослари.Т.:,1995,160

14-БОБ БОШҚАРУВ ҚАРОРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

14.1. Ишлаб чиқариш зарарсизлигини таҳлил этиш. CVP- бошқарув қарорлари қабул қилиш учун асос сифатидаги таҳлил

Амалий фаолиятда ҳар қандай ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари турли хил бошқарув қарорлари қабул қилишга мажбур бўлади. Баҳолар, корхона харажатлари маҳсулот сотиш ҳажми ва тузилмасига дахлдор ҳар бир қабул қилинган қарор пировард-оқибатда корхона молиявий натижасида намоён бўлади. Зарарсизлик нуқтасини белгилаш - бошланғич вақтидан корхона даромадлари унинг даромадларини тўла қоплашини аниқлаш бу категориялар ўртасидаги ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро алоқадорликни аниқлашнинг оддий ва хийла аниқ усули ҳисобланади.

“Харажатлар-маҳсулот ҳажми-фойда” (Cost-Volume-Profit, CVP- таҳлил) ўзаро алоқадорлик таҳлили услуобиёт зарарсизлик нуқтасини аниқлашда менежерларнинг қудратли қуролларидан бири ҳисобланади.

Таҳлилнинг бу тури корхона фаолиятини режалаштириш ва тахминлашнинг энг самарали воситаларидан бири саналади. У корхона раҳбарларига ўзгарувчан ва доимий харажатлар, баҳо ва маҳсулот сотиш ҳажми ўртасидаги қулай мутаносиблигини аниқлаш, ишбилармонлик имконини туғдиради. Мазкур усулдан фойдаланар экан, бухгалтерлар, аудиторлар, экспертлар ва консултантлар молиявий натижаларга кўпроқ теран баҳо беришлари ва корхона ишини яхшилаш учун тавсияларни аниқроқ асослашлари мумкин.

Маржинал даромад, рентабеллик чегараси (зарарсизлик нуқтаси), ишлаб чиқариш дастаги ва чидамлилиқ маржинал захираси CVP - таҳлилининг асосий унсурлари ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида маржинал даромад деб маҳсулот (ишлар хизматлар) сотишдан корхонага тушган тушум ва унинг ишлаб чиқариш таннархи сўммаси ўртасидаги тафовутга айтилади.

Рентабеллик чегараси(зарарсизлик нуқтаси) - маҳсулот сотиш ҳажмини характерлайдиган кўрсаткич бўлиб, бунда маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотишдан корхонага тушган тушум унинг барча муштарак харажатларига тенгдир, яъни сотишларнинг шундай ҳажмики, унда корхона на фойда кўради, на зарар.

Ишлаб чиқариш дастаги - бу маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотиш ҳажмининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда корхона фойдаси билан бошқариш механизидир.

Чидамлилиқнинг маржинал захираси - бу маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотишдан тушган ҳақиқий тушумнинг чегараси (рентабеллик остонаси) дан оғиш фоизидир.

Доимий ва ўзгарувчан харажатларни қопловчи тушум ҳажмини ҳисоб-китоб қилиш учун ишлаб чиқариш корхоналари ўз амалий фаолиятларида

маржинал даромат ҳажми ва коэффиенти каби кўрсаткичлардан фойдаланадилар.

Маржинал даромад ҳажми корхонанинг доимий харажатларини қоплаш ва фойда олишга қўшган ҳиссасини кўрсатади.

Маржинал даромад ҳажмини аниқлашнинг икки усули мавжуд.

Биринчи усулда сотилган маҳсулот учун корхона тушумларидан барча ўзгарувчан харажатларни чиқариб ташлайдилар. Иккинчи усулда эса маржинал даромад ҳажми корхона доимий харажатлари ва фойдасини кўпайтириш йўли билан белгиланади.

Маржинал даромаднинг ўртача ҳажми деганда маҳсулот баҳоси билан ўртача ўзгарувчан харажатлар ўртасидаги тафовут тушунилади. Маржинал даромаднинг ўртача ҳажми буюмнинг доимий харажатларини қоплашга қўшган ҳиссаси ва олган фойдасини акс эттиради.

Маржинал даромад коэффиенти деб маҳсулот сотишдан тушган тушумдаги маржинал даромад ҳажмининг улуши ёки (алоҳида буюм учун) товар баҳосидаги маржинал даромад ўртача ҳажмининг улушига айтилади.

Иқтисодий назария амалиётида CVP-таҳлили ўтказишнинг кўплаб усуллари мавжуд. Уларни синчиклаб ўрганиш шуни кўрсатадики, зарарсизлик нуқтасини белгилаш ва уларга таъсир этмайдиган омилларни аниқлаш учун кўплаб формулалар қўлланилади (беш-ўн тача). Шу билан бирга, амалиётнинг ўзиёқ шундай бир ҳар ёқлама формулани қўллашни талаб этадики, у CVP-таҳлилини ташкил этувчи барча баҳоларнинг ўзаро алоқадорлигини ўрнатишга ва хийла оддий йўл билан ҳар бир омилнинг таъсирини аниқлашга имкон туғдирсин. Назаримизда, бундай мақсадга эришиш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$N = \frac{S^{Jb''U''} + P}{M_{\#U P'}} = \frac{S^{Jb''U''} + P}{\dots_{\#U P'} - S_{\#U P}^{-kk}}$$

бунда N - табиий кўрсаткичлардан маҳсулот ҳажми;

P - фойда сўммаси;

$\Pi_{\text{бирл}}$ - доимий харажатлар сўммаси;

$S_{\text{доим}}$ - доимий харажатлар сўммаси;

$S_{\text{бирл}}^{\text{ўзг}}$ - ўзгарувчан харажатларни маҳсулот бирлиги сўммаси;

$M_{\text{бирл}}$ - маржинал даромаднинг маҳсулот бирлигига сўммаси.

$$N = \frac{S^{Jb''U''} + P}{\dots_{\#U P'} - S_{\#U P}^{-kk}}$$

Бу ердан маҳсулот зарарсиз сотиш ҳажми қуйидагини ташкил этади:

$$N = \frac{S^{Jb''U''} + P}{\dots_{\#U P'} - S_{\#U P}^{-kk}} = \frac{150000}{100 - 60} = 3750 \text{ ھ}$$

2. Берилган координатлардаги кутилган фойда суммасини аниқлаймиз.

$$P = N(\dots_{\#U P'} - S_{\#U P}^{-kk}) - S^{Jb''U''} = 5000(100 - 60) - 150000 = 5000 \text{ р} - \text{ғ}$$

3. Берилган координатлардаги доимий даромадлар суммасини аниқлаймиз.

$$S_{\text{ЎП}}^{\text{Б}} = N(\dots_{\text{ЎП}} - S_{\text{ЎП}}^{\text{Б}}) - m = 5000(100 - 60) - 50000 = 5000\text{р} - \text{Ў}$$

4. Сотишларнинг режалаштирилган баҳосини аниқлаймиз.

$$\dots_{\text{ЎП}} = S_{\text{ЎП}}^{\text{КК}} - m = 5000(100 - 60) - 50000 = 5000\text{р} - \text{Ў}$$

5. Ўзгарувчан даромадларнинг бирон бирлигига суммасини аниқлаймиз.

$$S_{\text{ЎП}}^{\text{КК}} = \dots_{\text{ЎП}} - \frac{S_{\text{ЎП}}^{\text{Б}} + P}{N} = 100 - \frac{150000 + 50000}{5000} = 60\text{р} - \text{Ў}$$

6. Маржинал даромаднинг маҳсулот бирлигига суммасини аниқлаймиз.

$$m = \frac{S_{\text{ЎП}}^{\text{Б}} + P}{N} = \frac{150000 + 50000}{5000} = 40\text{р} - \text{Ў}$$

Шуни таъкидлаш керакки, корхона харажатларини доимий ва ўзгарувчанларга бўлиш СVP - таҳлилининг асосий шарти ҳисобланади. Маълумки, доимий харажатлар ишлаб чиқариш ва сотишлар ҳажмига боғлиқ бўлмайди, ўзгарувчанлар эса - бу кўрсаткич ўзгаришига мутаносиб равишда ўзгариб туради. Шу боис келтирилган формулага нисбатан зарарсизлик нуқтасини белгилаш учун маҳсулотни мўлжаллаш коэффициенти кўрсаткичидан фойдаланишни мақсадга мувофиқ биламиз.

Уни куйидаги формула бўйича аниқлаш мумкин:

$$K_N = \frac{N_z}{N_m}$$

бунда K_N - маҳсулотни мўлжаллаш коэффициенти

N_B - маҳсулотни зарарсиз сотиш ҳажми

N_P - маҳсулотни фойдали сотиш ҳажми

Бизнинг мисолимиз учун маҳсулотни мўлжаллаш коэффициенти:

$$K_N = \frac{2750}{5000} = 0,75$$

ни ташкил этади.

Мазкур коэффициент ёрдамида маҳсулот сотиш ҳажмига боғлиқ зарарсизлик кўрсаткичини аниқлаймиз.

1. Маҳсулот сотиш ҳажмини баҳо ифодасида аниқлаймиз.

$$50000 \times 0,75 = 375000 \text{ сўм.}$$

2. Маҳсулотни зарарсиз нарҳини белгилаймиз.

$$100 \times 0,75 = 75 \text{ сўм.}$$

3. Маҳсулот бирлигига ўзгарувчан харажатларни аниқлаймиз.

$$60 \times 0,75 = 45 \text{ сўм.}$$

4. Маҳсулот бирлигига маржинал даромад суммасини аниқлаймиз.

$$40 \times 0,75 = 30 \text{ сўм.}$$

СVP-таҳлилидан фойдаланиш маҳсулот ишлаб чиқариш корхоналарини иш амалиётида кўп вазифаларини, масалан, маҳсулот чиқаришини хилма-хил ҳажмда ўлчашни тезкор ва сифатли ҳал этишга ёрдам беради.

Корхона доимий харажатлари маҳсулот ишлаб чиқаришга боғлиқ

бўлмаганидан барча учала вариантлар учун маржинал даромад ҳажми ва фойдани (маржинал даромад ҳажми билан доимий харажатлар сўммаси ўртасидаги тафовут сифатида) топамиз (6. 1. жадвал)

Маржинал даромаднинг ўртача ҳажми барча учала вариант учун бир хил бўлгани сабабли ҳисоб-китобни соддалаштириш мумкин. Маҳсулот чиқаришнинг ҳар қандай ҳажмида корхона фойдасини аниқлаймиз. Бунинг учун:

Маржинал даромад ўртача ҳажмини маҳсулот чиқариш ҳажмига кўпайтириб, маржинал даромаднинг ўртача ҳажмини оламиз;

Маржинал даромаднинг умумий ҳажмидан доимий харажатларини чиқариб ташлаймиз.

CVP – таҳлилини амалиётда гоҳо зарарсизлик нуқтаси таҳлили деб, ҳам айтадилар. Зарарсизлик нуқтаси деганда корхона ишлаб чиқаришнинг шундай тушуми ва шундай ҳажми тушуниладики, улар учун барча харажатлар ва кунлик фойдасини ҳоҳлашини таъминлайди, яъни бу сотишнинг шундай ҳажмики, унда корхона на зарар кўради, на фойда. Бу нуқта “Хатарли” ёки “Ўлик” ёки “Мувозанат” нуқтаси дейилади. Иқтисодий адабиётларда қўшимча бу нуқта ВЕР (“Break-even point”-қисқартмаси) сифатида белгилашларини учратиш мумкинки, у рентабеллик нуқтаси деб айтилади.

Зарарсизлик нуқтаси (рентабеллик остонаси) нуқтасини чиқариб ташлаш учун уч усулдан фойдаланадилар: график, тенгламалар ва маржинал даромад.

График усулда зарарсизлик нуқтасини топиш “харажатлар-ҳажми-фойда” мажмуий графигини тузишга олиб келади. График тузишдаги изчиллик куйидагилардан иборат:

Графикда доимий харажатлар чизиғини тортамыз, бунинг учун абциссаларни тўғри, параллел ўқлари чизилади;

Абциссалар ўқида қандайдир нуқтани танлаймиз, яъни қандайдир ҳажм катталигини. Зарарсизлик нуқтасини топиш учун муштарак харажатлар (доимий ва ўзгарувчан) катталигини ҳисоблаб чиқамиз. Графикда бу миқдорга жавоб берувчи тўғри чизикни чизамиз.

Абциссалар ўқида яна исталган нуқтани танлаймиз ва унинг учун сотишдан тушган тушумнинг суммасини топамиз. Бу миқдорга жавоб берувчи тўғри чизикни чизамиз. Графикдаги зарарсизлик нуқтаси - бу маъносига кўра тўғри тузилган харажатлар ва тушумнинг кесишув нуқтасидир.

Зарарсизлик нуқтаси (рентабеллик остонаси) - бу ялпи тушум ва муштарак харажатлар графикларининг кесишув нуқтасидир. Фойда ва зарарлар ўлчамлари штрихлаб кўйилган. Зарарсизлик нуқтасида корхона оладиган тушум унинг муштарак харажатларига тенгдир, бунда фойда пулга тенг. Зарарсизлик нуқтасига мос келувчи тушум остонавий тушум деб айтилади. Зарарсизлик нуқтасидаги ишлаб чиқариш (сотиш) ҳажми ишлаб чиқариш (сотишлар)нинг остонавий ҳажми днб аталади. Агар корхона солтишларининг остонавий ҳажмидан оз маҳсулот сотса, у зарар кўради, кўп сотса- фойда олади.

Зарарсизлик нуқтасини аниқлаш учун халқаро амалиётда корхона фойдасини ҳисоблашга асосланган тенгламалар усулидан фойдаланадилар,

унинг формуласи куйидагича:

Формула кўрсаткичлари ҳисоб-китоби тартибини таъкидлар эканмиз, уни куйидагидек тасаввур қилиш мумкин:


$(\text{Бирликлар баҳоси} \times \text{Бирликлар миқдори}) - (\text{Бирликка ўзгарувчан харажатлар} \times \text{бирликлар миқдори}) - \text{Доимий харажатлар} = \text{Фойда}$

Тўпламалар усули билан зарарсизлик нуқтаси (рентабеллик остонаси)ни аниқлаш учун куйидаги мисолдан фойдаланамиз.

$$\text{Ялпи тушум} - \text{Ўзгарувчан харажатлар} - \text{доимий харажатлар} = \text{Фойда}$$

(Харажатлар ёки тушумнинг умумий суммаси пул бирликларида)

Тенгламалар усулидан, бундан ташқари, маҳсулот ассортиментидида тузилмавий ўзгаришлар таъсирини таҳлил қилишда ҳам фойдаланиш мумкин. Бундай ҳолда сотиш (реализация) ундан



4-чизма. Зарарсизлик нуқтаси (рентабеллик остонаси) графиги

тушган тушумнинг умумий суммасидан маҳсулотнинг нисбий умумлри жамламаси каби қараб чиқилади. Агар тузилма ўзгарса, тушум ҳажмини маълум катталиқка етиши мумкин. Бундай шароитларда фойдага бўлган таъсир ассортиментдаги ўзгариш қандай содир бўлганига боғлиқ. Маҳсулотнинг паст рентабеллиги томонига ёки юқори рентабеллиги томонига.

Маржинал даромад усули тенгламалар усулини турларидан ҳисобланади, бунда зарарсизлик нуқтаси (рентабеллик остонаси) куйидаги формула билан аниқланади:

$$\text{Зарарсизлик нуқтаси} = \frac{\text{Доимий харажатлар}}{\text{Маржинал даромад нормаи}}$$

Зарарсизлик нуқтасини қандай топса бўлади? Бу саволга мисол билан жавоб топамиз.

Чидамлиликнинг маржинал захираси - бу маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотишдан тушган ҳақиқий тушумнинг сотишнинг зарарсизлигини таъминловчи остонали тушумдан ошиб кетишини кўрсатувчи катталиқдир. Бу кўрсаткич қуйидаги формула билан белгиланади:

$$\text{Чидамлиликнинг маржинал захираси} = \frac{\text{Ҳақиқий тушум} - \text{Остонали тушум}}{\text{Ҳақиқий тушум} \times 100 \%}$$

Зарарсизлик сотув чоғида маҳсулот баҳосини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$\text{Зарарсизлик баҳоси} = \frac{\text{Остонали тушум}}{\text{Табиий ифодада ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми}}$$

Зарарсизлик баҳоси формуласини билган ҳолда ҳар доим ишлаб чиқаришнинг белгиланган ҳажмини сотиш чоғида фойданинг маълум ҳажмини олиш учун сотишнинг зарурий баҳосини белгилаш мумкин.

Ишлаб чиқариш дастаги (leverage сўзма-сўз таржимада-ричаг, дастак) - бу корхона фойдасини бошқаришнинг доимий ва ўзгарувчан харажатлар ўзаро нисбатига яхшилашга асосланган механизми (қурилма)дир. Унинг ёрдамида сотишлар ҳажми ўзгаришига боғлиқ равишда корхона фойдаси ўзгаришини тахминлаш, шунингдек зарурсизлик фаолият нуқтасини аниқлаш мумкин. Корхона харажатларини доимий ва ўзгарувчан бўлишга асосланган маржинал усулда фойдаланиш учун ишлаб чиқариш дастаги механизминини қўлланишига зарурий шартдир. Корхона харажатлари умумий суммасидаги доимий харажатларнинг солиштирма бирлиги қанча паст бўлса, корхона тушуми ўзгариши суратига фойда ҳажми шунчалик катта даражада ўзгаради.

Ишлаб чиқариш дастаги қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\text{Эл} = \frac{MD}{n} \tag{1}$$

$$\text{ёки} \quad \text{Эл} = \frac{,ЪЪЪ"Ц n}{n} = 1 + \frac{,ЪЪЪ"Ц}{n} \tag{2}$$

бунда Эл - ишлаб чиқариш дастаги самараси;

MD - маржинал даромад

З доим - доимий харажатлар

П- фойда

(1) формуласи ёрдамида топилган ишлаб чиқариш дастаги самарасининг қиймати бундан кейин корхона тушуми ўзгаришларига боғлиқ равишда фойданинг ўзгаришини тахминлаш учун фойдаланилади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланилади.

$$\Delta \cdot ' = \frac{\Delta n}{\Delta e} \quad (3)$$

бунда $\Delta \Pi$ - фойданинг ўзгариши, % да

ΔB - тушумнинг ўзгариши, % да.

Янада равшанроқ тушуниш учун ишлаб чиқариш дастаги таъсирини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз.

сўм

1. Сотишлар суммаси (тушум)	375000	
2. Ўзгарувчан харажатлар	250000	
3. Маржинал даромад (1б-2б)	125000	
4. Доимий харажатлар	80000	
5. Фойда (3б-4б)	45000	
6. Сотилган маҳсулот ҳажми, дона	500	
7. Бирлик баҳоси, сўм	750	
8. Ишлаб чиқариш дастаги таъсири	2, 78	(3б-5б)

Ишлаб чиқариш дастаги механизмидан фойдаланган ҳолда тушум ўзгаришига боғлиқ равишда корхона фойдаси ўзгаришини олдиндан айта оламиз, шунингдек зарарсиз фаолият нуқтасини аниқлаймиз. Бизнинг мисолимиз учун ишлаб чиқариш дастаги таъсири 2, 78 бирлигини ташкил этади. (125000 : 45000). Бу шуни англатадики, корхона тушуми 1%га пасайганда фойда 2, 78% га қисқаради, тушум 36%га пасайганда эса биз рентабеллик остонасига етамиз яъни фойда пул бўлади. Фараз қилайлик, тушум 10% га қисқарди ва 337500 сўмни ташкил этди. (375000-375000x10:100) Бундай шароитда корхона фойдаси 27, 8% га қисқаради ва 32490 сўмни ташкил этади. (45000-45000x 27, 8:100).

Ишлаб чиқариш дастаги менежерга харажатлар ва фойдани бошқаришда корхонанинг фойдаси стратегиясини танлашга ёрдам берувчи кўрсаткич ҳисобланади. Ишлаб чиқариш дастаги ҳажми қуйидагилар таъсири остида ўзгариши мумкин:

-сотишлар баҳоси ва ҳажми;

-ўзгарувчан ва доимий харажатлар;

-ҳар қандай саноат ўтилган омиллар комбинацияси.

Юқорида келтирилган мисол асосида ҳар бир омилнинг ишлаб чиқариш дастаги самарасига таъсирини кўриб чиқамиз.

Сотиш баҳосини 10% (бир донаси 825 сўм гача) ошиши сотишлар ҳажмини 412500 сўмгача, маржинал даромаднинг 162500 сўмгача (412500-250000) ва фойдани 82500 сўм. (162500-80000) гача ошишига олиб келади. Бунда биргина ҳисоб-китобда маржинал даромад ҳам 250 сўмдан (12500 сўм: 500 дона) 325 сўмгача (162500 сўм: 500 дона) ошади. Бундай тартибда доимий

харажатларни қоплаш учун сотишларнинг кичик ҳажми талаб этилади: зарарсизлик нуқтаси 246 донани (80000 сўм:325 сўм) корхона чидамлилигини маржинал захираси эса 254 дона (500дан-246 дона) ёки 50, 8 гача ортади. Оқибатда корхона 37500 сўм (82500-45000) суммасида қўшимча фойда олмади. Бунда ишлаб чиқариш дастагининг самараси 2, 78 дан 1, 27 бирликкача (162500:82500) пасаяди.

Ўзгарувчан харажатларни 10%га пасайиши (250000 сўмдан 225000 сўмгача) маржинал даромадни 150000 сўмгача (375000-225000) ва даромаднинг 75000 сўмгача (150000-80000) ортишига олиб келади. Бунинг натижасида зарарсизлик нуқтаси (рентабеллик остонаси) 200000 сўмгача [80000:(150000:375000)] ортади, табиий ифодада бу 400 дона (200000:500)ни ташкил этади. Бинобарин, корхона чидамлилигини маржинал захираси 175000 сўм (375000-200000)ни ёки 233 дона (175000 сўм: 750 сўм) ни ташкил этади. Бундай шароитда корхонадаги ишлаб чиқариш дастаги самараси икки бирликкача (150000:75000) пасаяди. Доимий харажатларнинг 10%га пасайиши чоғида (80000 сўмдан 72000 сўмгача) корхона фойдаси 53000 сўмгача (375000-250000-72000) ёки 17, 8 сўмгача ортади. Бундай шароитда зарарсизлик нуқтаси пул ифодасида 216000 сўм [72000:(125000: 275000)] табиий ифодада эса 288 дона (216000-750) ташкил этади. Бунда корхонада чидамлилигининг захираси 159000 сўм (375000-216000) ёки 212 дона (159000:750)ни ташкил этади. Бинобарин, доимий харажатларни 10% га пасайиши натижасида ишлаб чиқариш дастаги самараси 2, 36 бирликни (125000:53000)ни ташкил этади ва дастлабки даражасига нисбатан 0, 42 бирликка (2, 78-2, 36) пасаяди

Келтирилган ҳисоб-китоблар таҳлили шундай хулоса чиқариш имконини берадики, ишлаб чиқариш дастаги самарасини ўзгариши асосида корхона харажатлари умумий суммасидаги доимий харажатлар солиштира оғирлигини ўзгариши ётади. Бунда шуни назарда тутиш зарурки, сотишлар ҳажми ўзгаришига фойданинг доимий ва ўзгарувчан харажатлари нисбати турлича бўлган корхоналарда бир хилда бўлмаслиги мумкин. Корхона харажатлари умумий суммасидаги доимий харажатларни солиштира оғирлиги қанча паст бўлса, корхона тушуми ўзгариши суръатларига нисбатан фойда ҳажми шунчалик катта даромадда ўзгаради.

Шуни таъкидлаш жоизки, муайян вазиятларда ишлаб чиқариш дастаги механизмининг намоён бўлиши қатор хусусиятларга эга бўлиб, уларни ундан фойдаланиш жараёнида ҳисобга олиш зарур. Бу хусусиятлар қуйидагилардан иборат.

1. Ишлаб чиқариш дастагининг ижобий таъсири корхона ўз фаолиятининг зарарсиз нуқтасини баргараф этгандан кейингина намоён бўла бошлайди.

Ишлаб чиқариш дастагининг моддий самараси намоён бўла бошлаши учун корхона аввалги ўз доими харажатларни қоплаш учун маржинал даромаднинг етарли миқдорларнинг олиши керак. Бу шу билан боғлиқки, корхона сотишларининг муайян ҳажмидан қатъий назар ўзининг доимий харажатлари ўрнини тўлдиришга мажбур, шу боис доими харажатлар суммаси

қанча баланд бўлса у бошқа тенг шароитларида шунча кеч ўз фаолияти зарарсизлиги нуқтасига етади. Шу муносабат билан, ҳам корхона ўз фаолияти зарурсизлигини тامينламаган экандини, доимий харажатларнинг юқори даражаси зарарсизлик нуқтасига етиш йўлида кўшимча (юк) бўлиб қолаверади.

2. Сотишлар ҳажмининг бундан кейинги ортиб бориши ва зарурсизлик нуқтасидан узоқлаша бориши ишлаб чиқариш дастаги самараси пасая боради. Сотиш ҳажмини ўсишининг ҳар бир кейинг фоиз фойда суммаси ўсишининг ортиб борувчи суратига олиб келади.

3. Ишлаб чиқариш дастаги механизми тескари йўналишга ҳам эга - сотишлар ҳажмининг ҳар қандай пасайишида корхона фойда ўлчами янада каттароқ даражада камайиб бораверади.

4. Ишлаб чиқариш дастаги ва корхона фойдаси ўртасида тескари боғлиқлик мавжудм корхона фойдаси қанча юқори бўлса, ишлаб чиқариш дастаги самараси шунча паст бўлади ва шунинг акси. Бу шундай хулоса чиқаришга фаолиятини амалга ошириш жараёнидаги таваккал даромади нисбатини бараварлаштирувчи курул ҳисобланади.

5. Ишлаб чиқариш дастаги самараси фақат қисқа даврда намоён бўлади. Бу шу билан изоҳланадики, корхона доимий харажатлари қисқа вақт оралиғидагина ўзгаришсиз қолади. Сотишлар ҳажми ортиш жараёнида доимий харажатлар суммасининг навбатдаги самараси рўй бериш биланоқ корхона зарарсизликни янги нуқтасини бартараф этиши ва унга ўз ишлаб чиқариш фаолиятини мослай олиши зарур. Бошқача айтганда, бундай сақлашдан кейин ишлаб чиқариш дастаги самараси хўжалик юритишнинг янги шартларида янгича намоён бўлди.

Ишлаб чиқариш дастаги намоён бўлиши механизмини тушиниш ҳаётий фаолияти босқичи ва товар бозори конструктураси турли тенденциаларида ишлаб чиқариш хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадаларида доимий ва ўзгарувчан харажатлар сифати билан аниқ мақсадли бошқариш имконини беради.

Товар бозорининг сотишлар ҳажми пасайиши мумкинлигини белгилаб берувчи ноқулай конструктурада, шунингдек корхона ҳаётий фаолиятининг илк босқичларда, ҳали у зарарсизлик нуқтасини бартараф этмаган вақтда, корхона доимий харажатларни пасайтириш учун тадбирлар кўрмоғи зарур ва аксинча, товар бозорининг қулай конструктурасида ва чидамлилиқни маълум захираси мавжудлигида доимий харажатлар иқтисодий режимини амалга оширишга бўлган талаблар хийла сусайган бўлиши мумкин. Бундай даврларда корхона асосий ишлаб чиқариш фондларини қайта қуриб, реал инвестициялар ҳажмини хийла кенгайтириши мумкин.

Доимий харажатларни бошқариш чоғида шу нерсани назарда тутиш жоизки, уларни юқори даражаси анчагина миқдорда фаолиятнинг ишлаб чиқаришадиган маҳсулотнинг фонд сифмини даражасини, меҳнатни механизациялаштириш ва автоматлаштириш даражасининг фарқланмасини белгиловчи тармоқ хусусиятлари билан аниқланади. Бундан ташқари хусусиятлар билан аниқланади. Бундан ташқари шуни таъкидлаш жоизки,

доимий харажатлар кам бўлсада, тез ўзгаради, шу боис ишлаб чиқариш дастагининг юқори қийматиға эға корхоналар ўз харажатларини бошқаришда калаванинг учини йўқотиб қўяди.

Бирок ушбу маълум чеклагичларға қарамай ҳар бир корханада доимий харажатларнинг, зарурат туғилганда, суммаси ва солиштирма оғирлигини пасайтириш учун етарли даражада имкониятларға эға. Бундай заҳиралар сирасига: товар бозорининг ноқулай конъюктурасида қўшимча харажатлар (бошқариш бўйича харажатлар)ни жиддий қисқартириш; амортизациян чегирмалар оқимини пасайтириш мақсадида номоддий активлар ва фойдаланилмайдиган асбоб-ускуналар қисимини сотиш; мулк учун сотиб олиш ўрниға машиналар ва асбоб -ускуналар лизимининг қисқа муддатли шакллардан кенг фойдаланиш, қатор истеъмол қилинадиган комунал хизматлар ҳажмини қисқартириш ва х. к. лар киради.

Ўзгарувчан харажатларни бошқаришда асосий мўлжал уларни иқтисод билан доимий тарзда таъминлаб туриш бўлмоғи лозим, чунки ушбу харажатлар, ишлаб чиқариш ва сотишлар ҳажми ўртасида бевосита боғлиқ мавжуд. Корхонанинг зарарсизлик нуқтасини бартараф этишгача шу иқтисод билан таъминлаши маржинал даромаднинг ўсишиға олиб келади, бу мазкур нуқтани тезроқ бартараф этиш имконини беради. Зарарсизлик нуқтаси бартараф этилгандан кейин ўзгарувчан харажатлар иқтисоди суммаси корхона фойдасининг бевосита ўсишини таъминлайди. Ўзгарувчан харажатлар иқтисодининг асосий заҳиралари сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин: ходимлар меҳнати унимдорлигини ошириш ҳисобига асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш ходимлари сонини камайтириш; товар бозори ноқулай конъюктураси даврида хом-ашё, материаллари ва тайёр маҳсулот заҳиралари ҳажмини қисқартириш; хом-ашё ва материаллар етказиб беришнинг корхона учун қулай шароитларни ёритиш ва бошқалар.

Ишлаб чиқариш дастаги механизмдан фойдаланиш, доимий ва ўзгарувчан харажатларни аниқ мақсадға йўналтириш ва юритишнинг беқарор шароитларда улар ўзаро нисбатининг тезкор ўзгариши корхона фойдасини шакиллантириш қувватини оширишға имкон Реал бозор хўжалиги шароитларида ишловчи ишлаб чиқарувчилар ушбу усулнинг таҳлилий имкониятларини муносиб равишда баҳолай оладилар.

2. Баҳони шакллантириш бўйича қарорларни қабул қилиш.
(1,3,4,6,7,9,10,12,13,14)

Сотиладиган буюмлар (товарлар, хизматлар) га илмий асосланган баҳо сиёсатини ишлаб чиқариш бошқарув ҳисобининг асосий вазифаларидан бири саналади.

Маълумки, ҳар қандай тижорат корхонанинг асосий мақсади ишлаб чиқариш фаолиятини бундан кейин ҳам ривожлантириш ва кенгайтириш, унинг ходимлари ва мулкдорлари-муассасалари фаровонлигини ошириш, шунингдек солиқлар, чегилмалар, йиғилмалар ва х. к. кўринишда ўз вақтида ва тўлиқ тўловлар воситасида жамият олдидаги ўз мажбуриятларни бажариш учун зарурий фойда олишдир.

Ўз маҳсулотини чиқара бошлашидан аввал ҳар бир корхона у қандай фойда, қандай даромад ола билиши мумкинлигини аниқлайди. Корхона фойдаси, одатда, асосан икки кўрсаткичга боғлиқ: маҳсулот баҳоси ва уни ишлаб чиқаришга кетган харажатлар.

Бозордаги маҳсулот баҳоси талаб ва таклифнинг ўзаро ҳамкорлиги остида эркин рақобат шароитида маҳсулот баҳоси ишлаб чиқарувчи ёки харидор хоҳиши бўйича баланд ё паст бўлиши мумкин эмас, у автоматик тарзда бараварлаштириб борилади. Маҳсулот ишлаб чиқаришга кетган харажатлар ишлаб чиқариш чиқимлари бу бошқа гап. Истеъмол қилинадиган меҳнат ва моддий бойликлар, техника даражаси, ишлаб чиқариш ни ташкил этиш ва бошқа омилларга боғлиқ равишда улар ўсиб ёки пасайиб кетиши мумкин. Бинобарин, ишлаб чиқарувчи харажатларни камайтиришнинг кўпайиб дастаклари (воситалари) га эга, оқилона раҳбарлик қилиб у уларни ҳаракатига келтириши мумкин.

Шу билан бирга, корхона қайси бир бозор томонидан турмасин, аниқ баҳо сиёсатисиз фаолият кўрсата олмайди, шунингдек ишлаб чиқариш ҳажмлари, маҳсулот ва харажатларни жиддий таҳлил қилолмайди ва бошқаролмайди.

Агар корхона ўз фаолиятида харажатларни қоплаш ва яхшигина фойда олиш учун биз қандай баҳони белгилашимиз зарур деган саволга қараб иш тутса, бу дегани унда ўз баҳо сиёсати йўқ экан, бинобарин уни рўёбга чиқаришининг қандайдир стратегияси ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Агар савол сал бошқачароқ қўйилса: “Мавжуд бозор баҳоларида фойда олишимиз учун қандай харажатлар қилишимиз мумкин” дейилса, баҳо ҳақида гап юритса бўлади. Агар “Мана бу товарни харидор неча пулга сотиб оларкан?” деган савол билан иш тутса, корхонада баҳо сиёсати мавжудлиги ҳақида гапиришга арзимайди. Баҳо борасида менежерни ташвишга солган савол қуйидагидек жарангламоғи даркор: “Ушбу товар харидорларимиз учун қанчалик қимматга эга ва уларни қўйган баҳосимиз иш қийматига келишга қандай ишонтира олишимиз?” Ва ниҳоят, баҳонинг ҳақиқий билағони саволни мана бундай кўндаланг қўёлмайди: “Сотишларнинг мақбул ҳажмларига ёки бозор улушига эришмоғимиз учун қандай баҳолар бизга қўл келаркан?” У мазкур муаммога бошқача қарайди: “Сотишларнинг қандай ҳажми ёки бозор улуши биз учун кўпроқ фойдали?” Амалиётда корхона молия ва маркетинг хизматлари раҳбарлари ўртасида зиддиятли вазифалар тез-тез содир бўлиб туради. Маркетинг тадқиқотчилари товарни “Ўз қийматидан ортиққа” олишни истамайдиган харидорлар манфаатини ҳимоя қилишга тиришадилар. Буни шу билан изоҳлайдиларки, фақат мана шундай талабларга эътиқод қилинмагандагина корхона ўз тижорат мақсадларига эришиши мумкин. Молиячилар, аксинча, корхона ўз маҳсулотини унинг харажатларини қоплайдиган баҳоларда сотишни талаб қиладилар. Охири-оқибатда улар ўз манфаатларининг балансига эришишлари керак. Бу манфаатларни келиштириш-қуйидагиларга эришиш керак бўлган корхона олий раҳбариятининг вазифасидир:

1) молиячилар ва бухгалтерлардан харажатларини сифатининг керакли даражасини олишни таъминловчи минимумгача пасайтирган ҳолда уларни бошқариш уқуви, шунингдек маҳсулот харажатлари ва ҳажмлари ўртасида аниқ боғлиқни аниқлаш, токи аниқлаш бу боғлиқликлар асосида маркетинглар учун вазифаларни аниқроқ қўйиш мумкин бўлсин;

2) маркетинг бўйича мутахассислардан маҳсулотни (хизматларни), шунингдек тижорат сиёсатидаги рақобатбардош афзалликлар мавжудлигида корхона тижорат счётининг асоси бўла оладиган бозор сегментларини танлаш ўқуви.

Баҳолар ҳақидаги масала бўйича молиячилар ва маркетинглар ўртасидаги зиддиятлар баҳога нисбатан икки муқобил ёндошув, харажатлар ва қийматлар ёндошувлари ўртасидаги рақобат қилолмаганда келиб чиқади. Уларнинг моҳиятини б. 2. чизма- ёрдамида таъсирлаш мумкин.

I-Харажатлар ёндошуви

Меҳнат → технология → харажатлар → баҳо → технология → харидорлар

II-Қиймат ёндошуви

Харидор → Қиймат → Баҳо → Харажатлар → Технология → Маҳсулот

Баҳога нисбатан харажат ёндашуви тарихга эга қадимги ва бир қарашда энг ишончли ёндашувидир. Унинг асосида реал категория ётади, бу - маҳсулот ишлаб чиқариши ва сотилишига кетган корхона харажатлари, бу харажатлар бухгалтернинг бирламчи ҳужжатлари билан тасдиқланган бўлади. Бош устига, маълум даражада бу ёндашув нуфузи иқтисодий назариянинг ўзи билан қўллаб-қувватланади: у баҳони корхона учун зарурий нуқтаий назардан қараб чиққанда маҳсулотлар ўртасида тўғри тақсимланган ўзининг барча харажатларига дурусгина даромад олишни назарда туттади. Аслида бу ёндашув мутлоқ бартараф этиб бўлмайдиган камчиликка эга. Кўп ҳолларда бу ёндашув чоғида баҳо асоси бўлиши лозим бўлган маҳсулот бирлигига солиштирма харажатлар ҳажмини баҳо қиладиган бўлгунга қадар аниқлаш иложи йўқ.

Маҳсулот сотишнинг бозор тартибида баҳо даражасини сотишларнинг эҳтимол ҳажми ва шунга кўра - ишлаб чиқаришнинг эҳтимол миқёси белгилайди. Шу билан бирга иқтисодий назария ҳам, бошқариш ҳисоби ҳам эътироф этадики, маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга солиштирма харажатлар катталиги бевосита ишлаб чиқариш миқёсига боғлиқ. Ишлаб чиқариш харажатлари ўсишида бир буюмга тўғри келадиган доимий харажатлар суммаси пасаяди ва бинобарин уни ишлаб чиқаришга кетган ўртача харажатлар катталиги ҳам. Бинобарин, ақлли менежер баҳоларини белгилаш харажат усулининг қайтий асосида содир бўлганда ёки рақобатчилар баҳо қарорлари таъсир остида пассив баҳо қўйиши йўлини ихтиёр қилмаслиги керак.

Энг оқилона ёндошув-актив баҳодир, бунда баҳоларни бошқариш орқали мос келувчи ўртача харажатлар катталигига эришиладики, бу корхонани фойдалалиликнинг исботлаган даражасига олиб чиқади.

Агар актив баҳо мантиқига энг кўп миқдорда ўхшаш масалаларини

шакллантиришга ўрганилса, улар қуйидаича жаранглаши мумкин: “Энг паст баҳода катта миқдордаги фойда олиш учун сотиладиган товар миқдорини қанчагача оширишимиз керак?” ёки “Юқорироқ баҳода олинадиган кўпроқ фойда олиш учун сотиладиган товарларнинг қанча миқдорини қурбон қилишимиз керак?”

Айнан мана шундай ёндошув “Заиф” бозорларда (яъни ёмонлашаётган номеклатурали бозорларда) ёки “кучли” бозорларда (яъни талаб учиб борувчи бозорларда жуда юқори баҳолар харажат баҳосининг жиддий камчилигини четлаб ўтиш имконини беради).

Шуни таъкидлаш жоизки, харажат баҳосини воз кечиш корхона менжерларига осон бўлмайди, чунки ҳақиқатда у баҳо ҳақидаги масала бўйича улар нуқтаи назарни ишлаб чиқаришга янги маҳсулотни инвестиция қилингунга қадар аниқлашни талаб этади. Бу ривожланишни ҳаракатлантиргич ҳар доим буюмнинг ўзи бўлган Ўзбекистон корхоналари учун айниқса номақбулдир. Маълумки, Ўзбекистон корхоналарининг жуда кўпчилик раҳбарлари техник маълумотга эга ва ўз ўрниларига инжинерлик лавозимлардан келганлар (одатда бош муҳандис ёки ишлаб чиқариш бўйича муовин лавозимидан). Шу боис улар беихтиёр сувратда янги маҳсулот яратишнинг қуйидаги жараёнини қўллаб-қувватлашдилар.

Ташаббус “замонавий техник даражага мос келувчи” ўлчамлар ва хоссалари бўлган буюмни таклиф этган конструкторлардан келиб чиқади. Сўнгра иқтисодий бўлим ва бухгалтерияга келиб чиқади. Кейинги қандай-молиячилар ишга келиб қўшилади, улар ишлаб чиқаришни янги буюм лойиҳаси технологларга, улардан иқтисодий бўлим ва бухгалтерияга келиб тушади. Кейинги қадам – молиячилар ишига келиб қўшилади, улар чиқаришни янги буюм билан таъминлайдилар. Ш босқичнинг ўзида баҳо ҳам аниқланади, у харажатларнинг уриниш тўлдириш ва инвестицияларни керакли даражада қоплаши керак. Шундан сўнггина маркетингларни (ахир шундай мутахассислар бор бўлса) ёки сотиш бўлими ҳажмини чиқарадилар. Уларга сотишни ташкил этиш, белгиланган баҳони буюм ҳоссаси ва сифати оқлашга уларни ишонтиришни текширадилар. Агар бундай “тарғибот” натижаларини кўнгилдагидек бўлмаса, корхона раҳбарияти одатда баҳодан чегириш таклифи ҳисобига вазиятни сақлаб қолишга харажат қилади. Лекин бу йўл анча ишончсиз оқибатда харид қилишдан бош тортган харидорларни баҳо чегиришлари билан мукофатлашда бўлиб қолади. Бундай шароитда одатда харидорлар бозори деган вазият юзага келади. Бунда айнан улар ўз шартларини пеш қила бошлайдилар ва сотувчилардан янада кўпроқ арзонлаштиришга эришадилар, акс ҳолда товарни сотиб олишдан бутунлай бош тортади.

Айтилганлардан шундай хулоса келиб чиқадики, харажатлар баҳога мўлжал қилиб, мувофақиятга эришиш ғоят мушқил. Бундай шароитда қимматли баҳога кўпроқ эътибор бериш керак бўлади. (чизма-. 6. 2.)

Баҳога нисбатан қийматли ёндашув вазифаси мижозларнинг мамнун бўлишидан иборат эмас. Бундай муруватга катта чегиришлар ҳисобига эга бўлиш қийин эмас. Қийматли баҳо, аввало, корхона учун “қийматлар

харажатлар” нисбати фойдасига эришиш ҳисобига фойда олишни таъминлаши керак, сотишлар ҳаммаларини тобара авж олиш ҳисобига эмас.

Қийматли баҳода маркетологлар ва сотадиганлар харажатларни шу нарсага ишонтироқлари лозимки, улар бу товар учун кўпроқ ҳам тўлашса арзийди, чунки уларнинг “ўзлари аввалги ўйлаб кўришлар” га қараганда бу уларга кўпроқ фойдали. Агар бунча молиячилар ва бухгалтериялар уринишларини ҳам қўшса (бошқарув ҳисоби бўйича мутахассилар), корхона интилиши лозим бўлган ўша натижа юзага келади: харидор ҳақини тўлашга тайёр бўлган товар қиймати ва товарни худди шундай хоссалар билан тайёрлаш учун корхонага зарурий харажатлар ўртасидаги энг катта тафовут. Бундай шароитда баҳо вазифаси айнан шундан иборат бўладики, бу тафовутни энг катта қисми корхона фойдасига ва энг кичик харидор ютуғига айланади. (6. 4. чизма).

Табиийки, бу вазифани ҳал этиш, одатда, яна учинчи томон - иш бозорда рақобатда бўлган бошқа корхоналар таъсирига ҳам боғлиқ. Шу боис оқибатда корхона баҳо счёти бухгалтерлар, молиячилар, маркетологлар, менежерлар ва бозорлар вазиятини ўрганувчи ахборот хизматчиларининг доимий ҳамкорлиги натижасида туғилади ва такомиллашади. Бундай шароитда корхона баҳо сиёсатини ишлаб чиқиш жараёни сотиладиган буюмга у ёки бу баҳо вариантларида корхона сотуви ва фойдалилиги шароитига таъсир ўтказишга қодир турли омилларни бирлаштириш ҳисоби билан тузилган бўлиши керак.

Баҳо	Харидор ютуғи	Қиймат
	Корхона фойдаси	
	Корхона харажатлари	

5-чизма. Товар қиймати ва унинг баҳога нисбати.

Баҳо сиёсати соҳасида бошқарув қарорлари қабул қилиш чоғида маҳсулот зарарсиз сотилишини белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Зарарсиз сотув чоғида маҳсулот баҳоси қуйидаги формула ёрдамида белгиланади.

Остона тушуми

$$\text{Зарарлилик баҳоси} = \frac{\text{Остона тушуми}}{\text{Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми}}$$

Бундай баҳони белгилаш учун қуйидаги мисолдан фойдаланамиз.

1-мисол. Корхона битта товарни ишлаб чиқаради ва сотади. Қуйида унинг фаолиятини изоҳлайдиган маълумотлар келтирилган.

Сотувчидан тушган тушум, сўм 150000

Ўзгарувчан харажатлар, сўм 90000

Доимий харажатлар, сўм 40000

Фойда, сўм 20000

Ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажми, дона 200

Биринчи навбатда биз остона тушумини белгилаб олишимиз керак. Бундай ҳолда ҳисоб-китоблар кетма-кетлиги қуйидагидек бўлади.

1. Маржинал даромад катталигини топамиз

$$150000-90000=60000$$

2. Маржинал даромад коэффициентини чиқариб ташлаймиз.

$$60000:150000=0,4$$

4. Остона тушумини аниқлаймиз

$$40000:0,4=100000$$

Остона тушумини билгач, маҳсулотни зарарсиз сотиш баҳосини аниқлаш мумкин. Бизнинг мисолимизда у 500 сўм (100000, 2000)га тенг.

Зарарсизлик баҳоси формуласи маҳсулотнинг белгиланган ҳажмини сотиш чоғида фойданинг маълум катталигини олиш учун сотишнинг зарар баҳосини белгилашга имкон беради.

Баҳо ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча харажатларни қоплаши ва корхонага фойда келтира бошлашига имкон бериш учун сотиладиган буюмга уни қандай белгилаш керак Бу саволга жавоб бериш учун қуйидаги мисолдан фойдаланамиз.

2-мисол. Корхона 5 дона товар сотмоқчи ишлаб чиқариш ва сотишга кетадиган ўртача ўзгарувчан харажатлар 800 сўмни ташкил этади. Доимий харажатлар-1 млн. сўм. Корхона 1, 5 млн. сўм миқдорида фойда олиши мўлжалланган. Товарни қандай баҳода сотиш керак

Маржинал даромад катталигини топамиз, доимий харажатларга фойданинг режаланган ҳажмини кутамиз. .

$$1\text{ млн. сўм}+1,5\text{ млн. сўм}=2,5\text{ млн. сўм}$$

2. Маржинал даромад ўртача катталигини топамиз, маржинал даромад суммасини сотиладиган товарлар миқдorigа бўламиз:

$$2,5\text{ млн. сўм}:5\text{ минг дона}=500\text{ сўм. дона}$$

Товар баҳосини топамиз, маржинал даромад ўртача катталигига ўртача ўргатувчан харажатларни қўшамиз.

$$800\text{ сўм}+500\text{ сўм}=1300\text{ сўм}$$

Транспорт баҳолар механизминини ишлаб чиқиш ҳам корхона баҳо счётининг таркибий қисми ҳисобланади.

Трансферт баҳо- бу бир ташкилот ичида бир марказдан бошқа марказга ўтказиладиган маҳсулот (материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, тайёр маҳсулотлар) ёки хизматлар баҳосини аниқлаш учун фойдаланиладиган баҳодир.

Транспорт баҳосини белгилаш ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг мавжуд шакллари: марказлаштирилган ва номарказлаштирилган шакллorigа боғлиқ бўлади.

Ишлаб чиқишни марказлаштирилган ҳолда ташкил этиш шароитларида жавобгарлик марказлари ўртасида маҳсулот ва хизматлар алмашинуви кўпроқ ҳақиқий (андазали) таннарх асосида амалга оширилади.

Ишлаб чиқаришни номарказлашган ҳолда ташкил этиш шароитларида жавобгарлик марказлари нисбатан мустақил бўлиб, фирма ичидаги узатув баҳоси шундай ҳисоб-китоблар билан белгиланиши керакки, унинг ёрдамида ҳар бир бўлинма учун фойданинг аниқ ва ишончли кўрсаткичини аниқлаш мумкин бўлсин. Фирма ичидаги узатув баҳосини танлаш нафақат бўлинма

фаолияти натижаларини аниқлаш учун, балки “қандай қилиб ишлаб чиқариш ва сотиб олиш”, “сотиш ва бундан кейин ишлов бериш” каби саволлар бўйича қарорларни қабул қилиш учун ҳам, шунингдек ишлаб чиқаришнинг муқобил вариантларини кўриб чиқиш чоғида катта аҳамият касб этади.

Трансферт (фирма ичида) баҳони белгилаш қуйидаги асосий талабларга жавоб бермоғи керак:

- ишлаб чиқариш корхонасининг мақсадига эришишни таъминлаш ва бўлими мақсадларининг ташкилот умумий мақсадлари билан уйғун ҳолда бирикиб кетишини таъминлаш;

- бошқарувнинг турли даражалари менежменлари учун мослашувчан ва бир хилда бўлиши керак. Транспорт баҳо сотувчига бўлинмаган у маҳсулот ва хизматларни бўлинма-харидорга топшириш чоғида етарли миқдордаги натижани бериши керак, бунда шу нарсани кўзда тутиш керакки, топшириш (узатув) баҳоси бўлинма-сотувчи фаолиятини самарадорлигига салбий таъсир қилмаётганмикан?

- ҳам сотувчи, ҳам сотиб олувчи бўлинмалари раҳбариятларига уларнинг номарказлашган асосида бошқарилишига имкон берувчи мустақилликни сақлаб қолишга имкон туғдириши керак;

- ички ва ташқи бозорларнинг ўзгарувчан шароитларни тез илғаб олиш, фойдани ундан яхшигина фойдаланиладиган жойга йўналтириш имконини бериш. Масалан, энг юқори фойдаларни солиқлари паст бўлган соҳаларига, юқори бўлмаган фойдани солиқлари юқори бўлган соҳаларига йўналтириш лозим, зеро улардан янги ишлаб чиқариш қувватлари қурилишида фойдаланиш даркор;

- қонунлар талабларига мос келиш;

- ишлаб чиқариш тузилмавий ва минтақавий типлари ўртасидаги ривожлантиришга ҳамкорлик қилиш.

Ўзаро алмашувлар чоғида пул қиймати катталиги қандай боғлиқ бўлмоғи керак? Фирма ичидаги узатув чоғида транспорт баҳоларни белгилашнинг кўпдан-кўп усуллари мавжуд шу жумладан:

- бозор қиймати;

- тўлиқ таннархдан фойда, тўлиқ харажатлардан % сифатида;

- ўзгарувчан харажатлардан фойда, ўзгарувчан харажатлардан % сифатида;

- бўлиқ ёки қисқартирилган таннарх;

- томонларнинг ўзаро шартлашиши асосида

Афсуски, барчани олиб раҳбариятни ҳам, бўлинма-сотувчини ҳам, бўлинма харидорни ҳам бирдек қониқтирадиган ягона трансферт баҳоси бўлмайди. Амалиётда корхоналарнинг бир қисми баҳодан шартномали бозор қийматида фойдаланади, бошқа бир қисми эса - баҳодан таннарх плюс фойдага қўшимча бўйича фойдаланишни афзал билади.

Маҳсулот ёки харажатларнинг шартномали бозор қиймати катталиги қулай трансферт баҳо ҳисобланади, чунки бу баҳо ўзаро мақбул саналади ва фойданинг ҳар бир марказини мустақил хўжалик бирлиги сифатида қараб

чиқиш имкониятини беради. У ана шундай хизматлар кўрсатиш учун мукофот миқдорига ёки ташқи бозорда операциялар ички харакатлари оқибатида (транспорт харажатлари, банк кредитлари бўйича фоизлар ва ҳ. к) харажатлар иқтисодидан ички даромадлар суммасини чиқариб ташлаб, худди шундай буюм учун сотиш баҳосига тенг келади.

Агар ташқи бозорда баҳо анча аниқ бўлса (масалан, янги маҳсулот турига муқобил товарлар бозори бўлмаганда ва баҳо олдиндан белгиланмаган ёки фирма ичидаги топширув баҳоси сифатида фойдаланиш учун ҳаддан ташқари баланд бўлса), унда баҳони смета таннархидан фойдага қўшимча негизда қўллаш жоиз бўлади, чунки бундай баҳо бозор қийматига яқин ҳисобланади ва бўлинмалар фаолияти камчиликларини аниқлашга имкон туғдиради. Фойдага қўшимча (нагбавка)ни белгилаш чоғида бутун ташкилот фойдалилик коэффицентини эмас, балки мазкур бўлинма учун харажатларни хусусиятларини ҳисобга олиш жоиз. Фойдани кўпинча қўйилган капиталдан тушган даромадлар фоизи сифатида ҳисоблайдилар, қўйилган режа кўрсаткичини ўзида намоён этади, бу кўрсаткич ишлаб чиқаришнинг смета ёки ўртача ҳажми негизда доимий харажатларни унификациялаш (бир хиллаштириш) чоғида фойдаланишга мўлжалланган бўлади. Бу фоизни ташкилот ҳисоб сиёсати тамойилларидан келиб чиққан ҳолда белгилайдилар. У ишлаб чиқариш бўлинмаси, таъминот бўлими ёки умуман ташкилот фаолиятидан келадиган ўртача кутилган даромад сифатида аниқланади. Агар трансферт баҳо сифатида смета таннархи плус фойдага қўшимча (нагбавка) дан фойдаланилса, хом-ашё, материаллар, хизматлар ва иш ҳақи миқдорлари баҳосининг ўзгаришларига тузатишлар киритадиган қоидага амал қилиш зарур. Фойдага қўшимча миқдори шу қадар аниқ бўлиши керакки, унда бўлинма ишлаб чиқариш фаолияти ва у ишлаб чиқарадиган маҳсулот характери акс эттирилсин.

Трансферт баҳолари ҳақиқий таннарх плус фойдага қўшимча негизда белгиланиши мумкин. Мазкур усул хусусан менежерлар ўз бўлинмаларида маблағлар харажати учун жавобгар бўлган жойларда қўлланилади. Бироқ бу усул маблағларни исроф қилишга олиб келувчи камчиликка эга. Ҳақиқий таннарх қанча юқори бўлса, бўлинма сотувчи сотиш баҳосини шунча баланд белгилайди, бунда у баҳо бошқа бўлинмаларини маблағларни бундай кетиши ҳам исроф қилишга туртки беради.

Шу нарсани назарда тутиш зарурки, таннарх негизда трансферт баҳоларни белгилаш чоғида ташкилот таркибига кирувчи корхоналар фойда ёки инвестициялаш марказлари сифатида эмас, балки харажатлар марказлари сифатида қараб чиқилади. Шу боис бундай мезонлар қийматларни капитал курилишига қаратилган маблағ фойдаси ёки қолдиқ фойда сифатида баҳоланиши учун бунда фойдаланиши мумкин эмас. Бундай шароитларда ўзгарувчан харажатлар асосида белгиланган трансферт баҳолар афзаллиги шубҳасиздир. Ўзгарувчан харажатлар негизда фирма ичидаги топширувлар чоғидаги баҳо усули тўлиқ харажатлар асосидаги усул олдида шуниси билан афзалликка эгаки, у аввал бошданок ташкилот захираларидан янада

самаралироқ фойдаланишини таъминлашга қаратилган. Бу шундай омил билан изоҳланадики, эга бошданок доимий харажатлар ўзгармас бўлиб қолади ва маблағлардан доимий қўшимча харажатларсиз ҳар қандай фойдаланиш бутун ташкилот фойдасини очириб боради.

Келтирилган маълумотлар корхона томонидан мослашувчан баҳо сиёсати ўтказилганда унинг асосий ахборот негизи ҳисобланган бошқарув ҳисоби самарадорлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

3. Бошқарув ҳисоби тизимида инвестицион лойиҳалар бўйича қарорлар қабул қилиш. (1,2,5,7,8,9,10,11,12,14,)

Хўжалик фаолияти жараёнида ҳар бир корхона ўз инвестицион фаолиятига муттасил эътибор қилиши керак.

Инвестицион фаолият капитал харажатлашининг корхона иқтисодий қудратини қаратилган энг самарали шакллари асослаш ва рўёбга чиқариш жараёнини ифода этади.

Инвестициялар йўналтириладиган соҳага боғлиқ равишда улар ишлаб чиқариш ва молия инвестицияларига бўлинади.

Ишлаб чиқариш инвестицияси – бу фаолиятнинг муайян соҳаси ва турига реал капитал ўсишига яъни ишлаб чиқариш воситаларининг, моддий – буюм бойликлар ва заҳиралар ошишига омил бўлувчи харажатлардир.

Молиявий инвестициялар қимматли қоғозлар ва молиявий бойликларга қилинган харажатларни ўзида намоён этади. Бундай харажатлар ўз-ўзидан реал моддий капитални ўстира олмайди, бироқ фойда келтиришга қодир. Шу жумладан турли жойлардаги олди-сотдиларда қимматли қоғозлар курсининг вақтга қараб ўзгариши ёки пуллар тафовути ҳолатига олиб сотарликдан келган фойда ҳам.

Инвестиция пул, бойликларни узоқ муддатга қўйиш деганидир. Бироқ бу муддатлар ғоят хилма хил бўлиши мумкин, шу муносабат билан узоқ муддатли инвестициялар (1 йилдан ортиқ) ва қисқа муддатли инвестицияларга фарқланади.

Инвестициялар ҳақидаги масала одатда ҳар қандай ташкилот учун энг мураккаб ҳисобланади, чунки инвестицион харажатлар фақат келажакда даромад келтириши мумкин. Шу боис, тўғри инвестицион қарорлар қабул қилиш учун ташкилотлар таклиф этиладиган лойиҳаларнинг энг аввало иқтисодий жозибадорлигини баҳолашлари, одатда унинг эркин пул маблағларини анчагина улуши жалб этиладиган жараёнлар ҳақида кўпроқ аниқ тахминлар олишга ҳаракат қилишлари зарур. Заём воситалар инвестициялар манбалари бўлиши мумкин. Бундай ҳолда ташкилотларга уларни қўллашнинг муфассал ҳисоб-китоби зарурки, у бундай қўйилмаларнинг мақсадга мувофиқлигига инвесторни ишонтирсин \$\$\$\$

Муайян ишга капитал куйиш, одатда, куйиладиган, маблағларни маълум турига оид замонавийлаштирилладиган, келиштирилладиган иқтисодий субъектга ёки олдинга қўйилган мақсадларга эришиш учун зарур объектлар гуруҳи, жараёнларга, юзага келган муаммоларни ҳал этишга боғлаш воситасида содир бўлади. Аниқ йўналиш, мўлжалга эга қўйилма лойиҳа қўйилмалари дейилади.

Бир томондан, бу унинг моҳиятини очиб берувчи ва унинг амалий фаолияти имкониятини тасвирловчи тафсилотлар, ҳисоб-китоблар, чизмалар, тасвирлар кўринишидаги объект фикри, ғояси ва рамзидир. Иккинчи томондан, иқтисодий маънода лойиҳа – бу аниқ, ғоявий ижтимоий-иқтисодий фикрни амалий жиҳатдан рўёбга чиқариш бўйича амаллар тадбири чоралар дастуридир.

Инвестицион лойиҳалар икки маълум белгига эга: лойиҳага йирик қўйилмалар зарурияти ва қўйилмалар ва улардан фойда олиш ўртасида вақтинчалик масофа мавжудлиги.

Инвестицион лойиҳа бир қанча босқичда амалга оширилади. Энг аввало лойиҳани ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни фарқлайдилар.

Лойиҳани ишлаб чиқиш – бу лойиҳа мақсадларига эришиш бўйича иш-ҳаракат тарзи, модели, ҳисоб-китобларни амалга ошириш, вариантларни танлаш, лойиҳа қарорларини асослашдир. Инвестицион лойиҳани ишлаб чиқишда энг асосий нарса - лойиҳани амалга ошириш ҳақида қарор қабул қилиш ва шу лойиҳага инвестиция ажратиш асосида асосий харажат бўлиб ҳисобланувчи хар тарафлама техник – иқтисодий асосланишни тайёрлашдир. Техник-иқтисодий асосланишга қўшимача равишда ёки унинг таркибида агар лойиҳа тижорат характериға эга бўлса, лойиҳанинг бизнес режаси ишлаб чиқилади.

Лойиҳани амалга ошириш. Уни амалий жиҳатдан рўёбга чиқариш, лойиҳа тарзини муайян иқтисодий воқеликка айлантириш, лойиҳада қўйилган мақсадларга эришишдир.

Кўриб чиқилган ҳар иккала босқич бир бутунликка бирлаштирилади, келишилади ва ишлаб чиқариш ва лойиҳани рўёбга чиқариш жараёнини бошқариш воситасида мувофиқлаштирилади, бунинг учун бошқариш органлари мавжуд ёки юзага келтирилади.

Кўрсатилган бўлиниш билан бир қаторда ва у билан узвий алоқада инвестицион лойиҳа инвестициялар характери ажратилиши йўналиши ва улардан фойдаланишга, шунингдек маблағларни объектга қўйишдан фойда олишга боғлиқ равишда фазаларга булинади.

Инвестицион лойиҳалаштиришга бағишланган адабиётда тўлиқ инвестицион жараёни уч асосий фазага бўлиш қабул қилинган. Бу бутун даврни лойиҳа хаёти муддати ёки хаётий жараён деб аталади. Лойиҳа инвестицион жараёнининг фазалари моҳияти ва фарқини тўлдирган ва тугалроқ тасаввур қилиш учун графикда (чизма- 6. 6) вақтда лойиҳани амалга оширишда харажат қилинадиган инвестицион захиралар ҳажми (графикнинг куйи қисми) ва даромаднинг (фойданинг) лойиҳага (графикнинг юқори қисми) капитал харажатлашдан келадиган фойда самарани тавсифловчи катталиги қандай ўзгаришини тасвирлаймиз.

Жараённинг биринчи фазасига мос келувчи босқичда лойиҳани асослашда тадқиқот ва ишловлар ўтказилади, лойиҳа ҳужжатлари ҳам тайёрланади. Бу фазада лойиҳанинг тадқиқот ва ишловлар ўтказилади, лойиҳа ҳужжатлари ҳам тайёрланади. Бу фазада лойиҳанинг иқтисодий, техник ва технологик ишлови бир-бирига уюшиб кетади. Уни амалга оширишнинг

ташкилий асослари ишлаб чиқарилади ва инвестициялаш манбалари мўлжал килинади. Биринчи фазанинг инвестиция олди деб аташ қабул қилинган, чунки у лойиҳага асосий инвестициялар қўйилишдан олдин келади.

Иккинчи фаза. Одатда инвестицион деб аталади. Бу фазанинг асосий мазмуни зудлик билан ажратилаётган ва сингиб кетаётган пул инвестицияларининг лойиҳада кўзда тутилган маҳсулот ишлаб чиқаришнинг яққол омилига айланишига олиб келади. Бу фаза давомида иморатлар ва иншоотлар тикланади, жиҳозлар сотиб олинади ва ростланади, ишлаб чиқариш инфраструктураси тузилади, тажриба ва ундан кейин маҳсулотни туркумли ишлаб чиқариш ва сотиш бошланади. Бу инвестициялар асосий ҳажмини сотиб юборувчи харажатлар фазасидир. Бироқ, қанчадир вақтдан бошлаб товарнинг биринчи турини сотилиши баробарида фойда келтирадиган лойиҳа нафақат харажатли балки даромадли бўлиб қолади.

Инвестицион фаза тугалланиши баробарида объект курила бошлагач инвестицион харажатлар ҳажми камая бошлайди, лойиҳа келтирадиган даромад ҳажми эса ортади, чунки у аста-секин лойиҳа қувватига чиқа бошлайди, бу ишлаб чиқариш чиқимлари камайиб сотиш ҳажмининг хийла ортишига имкон беради. Лойиҳанинг бу тариқа ривожини унинг фойдаланиш деб аталувчи учинчи ҳал қилувчи фазасида кузатилади. Чунки у ишлаб чиқаришдан фойдаланиш лойиҳага кўра яратилган объектни ишлатиш вақти ва режимига мувофиқ келади. Инвестициянинг учинчи фазасида одатда пасайиб боровчи ҳажмда ишлаб чиқаришни тутиб туриш уни орттириш учун ҳам жиҳозлар амортизацияси зарур. Бироқ маҳсулот сотишдан келадиган даромад бу фазада инвестицион харажатлардан анча-мунча ошади. Бунинг оқибатида Т1 вақтнинг бу шунча муддатда даромаднинг умумий суммаси лойиҳага қўйилган капитал қийматига тенг бўлади. Бу лойиҳа қоплаш нуқтасига етгандан гувоҳлик беради.

Кейин лойиҳа аста-секин эскира бошлайди. Унинг маҳсулотига бўлган талаб тушиб кетади. Маҳсулот баҳоси пасаяди. Бу лойиҳа даромадлилигини сусайтиради шу билан бир вақтда лойиҳани асосий воситалари ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан эскиради. Шу муносабат билан уларни сақлаб туриш инвестициялар ҳажмининг ортишини талаб этиши мумкин.

Шу нарса равшан бўладикки, лойиҳанинг хаёт жараёни интихога ета бошлайди ва лойиҳанинг зарарлига айланишини четлаб ўтиши учун уни йўққа чиқариб қўя қолиш мақсадга мувофиқ деб топилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, лойиҳани ишлаб чиқариш ва амалга ошириш жараёнида унинг барча фазасида унинг молиявий аҳволи баланслаштиришини текшириш нуқтаи назаридан лойиҳани молиявий жиҳатдан баҳолаш зарур. Бунинг учун лойиҳанинг айна ҳолда тўлов қобилияти деб аталадиган кадрлилигини ўтказилади. Лойиҳани ишлаб чиқарувчи, амалга оширувчи, молия билан таъминловчи шахслар шу нарсани кузатишлари керакки, ҳар бир дақиқада лойиҳага тўлаш учун зарурий пуллар, келадиган тўловлар лойиҳани молия билан таъминлаш манбалари маблағлари тушуми билан таъминланган бўлади. Инвестицияларга қаттиқ эҳтиёж уларнинг яққол етишмаслиги ҳар доим инвестицион заҳиралардан оқилона самарали фойдаланиш заруриятини

келтириб чиқаради. Бу вазифа 2 хил турда кузатилиши мумкин. Агар иқтисодий лойиҳани амалга ошириш учун инвестициялар ҳажми маълум бўлса, харажатланадиган инвестиция ҳажмидан эҳтимол тутилган энг кўп иқтисодий самара олишга интилиш керак, бинобарин, инвестицион захиранинг хар бир бирлигидан хам. Агар капитал харажатлаш ҳисобига зарурий натижа олиш маълум бўлса, унда қўйилган молияга етишга имкон берувчи инвестицион захираларнинг энг кичик харажати қидириб топиш керак. Инвестициялар самарадорлигини баҳолашда “иқтисодий самара” ва “иқтисодий самарадорлик” тушунчаларини фарқламоқ лозим бўлади. Самара бу инвестициялаш капитал харажатлаш ҳисобига эришиладиган натижа бўлса самарадорлик бу самара ва самара олишни шарт қилувчи инвестициялар катталиги ўртасидаги нисбатдир.

Харажатланган капиталдан (К) олинадиган мутлақ иқтисодий самара (Э) харажатланган капитал ҳисобига олинган даромад (Д) ва қўйилмаларнинг ўз катталиги ўртасидаги тафовут кўринишида белгиланади, яъни $\text{Э}=\text{Д}-\text{К}$.

Мутлақ самара вақт функцияси ҳисобланади. Аввалига у манфийдир (салбийдир), чунки қўйилган (харажатланган) капиталга ҳали даромад олинган йўқ. Кейин эса капиталдан келган фойда баробарида аста-секин ортиб боради ва нисбат ижобийга айлана бошлайди ва капитал харажатланишидан келган даромад қўйилманинг ўзидан ортиб кетади. Инвестицион харажат қўйилмалар мутлақ иқтисодий самараси ўзгариши жадаллиги 6.6.-чизмада яққол кўриниб турибди. Қўйилмалардан келган даромад қўйилмаларга тенг бўлган давр давомида илгари айтганимиздек инвестицияларни қоплаш муддати деб аталади. Бу иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш секторидаги капитал харажатлаш самарадорлигининг энг изчил кўрсаткичидир. Кичик бизнесга қўйилмалар тез ишга туша биладиган объектлар одатда 2-3 йил ичидек қопланади, узоқ муддатли қўйилмаларни қоплаш учун эса 10-15 ва ундан кўпроқ йил керак бўлади. Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлиги ёки нисбий иқтисодий самара даромад муносабати, қўйилган капитал қайтишига нисбатан инвестициялардан тушган фойда белгиланади. Корхона алоҳида иқтисодий лойиҳа даражасидаги инвестициялар самарадорлиги

$$\text{Э} = \frac{\text{П}}{\text{К}}$$

нисбати кўринишида аниқланади. Бунда П капитал қўйиш ҳисобига олинган фойда.

Шу нарса равшанки, қўйилмалар самарадорлиги охир оқибатда бирликдан ортиб кетиши керак шундагина у қопланади. Инфляциялар ва вақтинчалик масофалар ҳисоби инвестициялар самарадорлигига баҳо бериш чоғида бир оз қийинчилик туғдиради. Инвестиция ҳисобини эса оддий усули инфляциялар йиллик фоизи катталигига инвестициялар йиллик фойдалигини камайтиришдан иборат (баҳоларини кўтариш). Вақтинчалик ошишлар учун дисконтлашни қўллайдилар, у самара ва харажатларни маълум базис даврига олиб келади. Харажатларни дисконтлаш, яъни харажатларни “Т” фойдасига

ҳисоб-китоб даври бошига (яъни лойиҳани руёбга чиқаришнинг бошланиш муддати) келтириш бу харажатларни “Д” дисконтлаш коэффициентига кўпайтириш билан амалга оширилади ва

$$D = \frac{I}{(1+E)^t}$$

формуласи билан аниқланади. Бунда Е дисконтнинг вақтда пул захиралари қиймати ўзгариши мавзусини тавсифлайдиган ва банк фоизи ўртача нисбий ставкасига тенг равишда қўлланадиган нисбатдир.

Формуладан маълумки, “Т” йилида харажатлар келажакда дастлабки даврдагига қараганда арзонроқ баҳоланади. Дарҳақиқат, пулларни дарҳол харж қилар эканмиз, биз уларни банкка жойлаштириш имконини йўқотамиз ва улардан фоиз олиш, шу боис пулларни келажакда харажат қилган фойдалироқда. Бу қўйидаги берилган фойда катталигига ҳозиргисига қиёсан бўлажак харажатлар қийматини пасайтиради.

Инвестициялаш одатда узоқ жараёни намоеън этишини ҳисобга олиб, корхона инвестицион фойдасини шакллантириш билан бошқариш амалиётида аксарият пулларин инвестициялаш бошида улар қийматини уларнинг қайтиш оқими чоғидаги пуллар қиймати билан “солиштиришга” тўғри келади. Шу мақсадда икки асосий тушунча пулларни келажакдаги қиймати ва уларнинг ҳозирги қийматидан фойдаланадилар.

Пулларнинг бўлажак қиймати ҳозирги вақтда инвестицияланган маблағларнинг суммасини ўзида намоеън этади, улар фоизнинг маълум ставкасини ҳисобга олган ҳолда маълум вақт даври орқали шу суммага айланади. Пулларнинг бўлажак қийматини аниқлаш йўл активлари қийматининг ошиб бориши (компаундинг (жараёни билан боғлиқ, у уларнинг дастлабки миқдорига фоиз (фоиз тўловларининг) суммасини қўйиш йўли билан босқичма-босқи ўтказишни ўзида намоеън этади. Бу сумма “фоиз ставкаси” деган нарса билан ҳисоб-китоб қилинади. Инвестицион ҳисоб-китобларда фоиз ставкаси на фақат пул маблағлари қийматини ошириб бориш қуроли сифатида, балки ундан кўра кенгроқ маънода – корхона инвестицион операциялари фойдалилик даражаси ўлчагичи сифатида қабул қилинади.

Пулларнинг ҳақиқий қиймати. Фоизнинг маълум ставкаси (дисконт ставкаси) ни ҳисобга олиб ҳозирги даврга келтирилган бўлажак пул маблағлари суммасини ўзида намоеън этади. Пулларнинг ҳақиқий қийматини аниқлаш улар қийматини вақтдаги дисконтлаш жараёни билан боғлиқ, у пул маблағларининг шартланган бўлажак миқдориди ортиб боришга тескари операцияни ўзида намоеън этади. Бундай ҳолда фоиз суммаси (дисконт) пул маблағларининг якуний суммаси (бўлажак қиймати) 0 ни чиқариб ташланади. Қандай вариант маълум даврдан сўнг олдинги шартлашган суммани олиш учун бугун қанча миқдордаги пул маблағини инвестиция қилиши лозимлигини аниқлаш зарур бўлган пайтларда юзага келади.

Маблағларни инвестиция қилиш ва инвестицион фойдани шакллантириш

билан боғлиқ молиявий ҳисоб-китобларни ўтказиш чоғида пул маблағи қийматини ошира бориш (компаундинг) ва дисконтлаш жараёнларини ҳам оддий, ҳам мураккаб фоизлар бўйича амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Оддий фоизлар, одатда қисқа муддатли инвестициялашда, мураккаблари эса узоқ муддатли инвестициялашда қўлланилади.

Оддий фоиз деб маблағларни инвестициялаш шароитлари билан шартланган тўловнинг ҳисобот даври (ой, квартал ва х. к.) охирида қўйилманинг дастлабки (ҳақиқий) қиймати бўйича ҳисоб қилинади.

Оддий фоиз суммасини ҳисоб-китоб қилишда қўйилма ортиб бориши (компаундинг) жараёнида қўйидаги формуладан фойдаланиш мумкин.

$$I_n = K * n * C_n$$

Бунда I_n – умуман инвестициялашни шартланган даври учун фоиз ставкаси.

K – қўйилманинг дастлабки суммаси,

n - инвестициялашнинг давомийлиги (ҳар бир фоизли тўлов амалга ошириладиган даврлар миқдори билан ифодаланган).

C_n – унли қаср билан ифода этилган фойдаланиладиган фоизли ставка.

Бундай ҳолда қўйилманинг бўлажак қиймати (K_6) фоиз суммасини ҳисобга олиш нуқтаи назаридан қўйидаги формула бўйича ҳисобланади.

$$K_6 = K + I_n = K(1 + nC_n)$$

1-мисол. Қўйидаги шартларда бир йил учун фоиз суммасини аниқлаш зарур. Қўйилманинг дастлабки суммаси 300 минг сўм ҳар кварталда тўланадиган фоизли ставка – 10%. Бу миқдорни формулага қўйиб чиқиб, фоиз суммасини оламиз.

$I_n = 300000 * 4 * 0,1 = 120000$ сўм ($1 + nC_n$) миқдори оддий фоизлар суммаси ортиб бориши коэффиценти ёки кўпайтириш дейилади. Унинг миқдори ҳар доим бирдан кўпдир.

Пул маблағи қийматини яъни дисконт суммасини дисконтлаш жараёнида оддий фоиз суммасини ҳисоб-китоб қилишда қўйидаги формуладан фойдаланиш мумкин.

$$D = K_6 - K_0 \frac{1}{1 + nC_n}$$

2-мисол. Қўйидаги шароитларда бир йил учун оддий фоиз бўйича дисконт суммасини аниқлаш зарур. Қўйилманинг якуний суммаси 300 минг сўм миқдорида белгиланган.

Дисконт ставкаси кварталга 10%ни ташкил этади.

Бу миқдорларни дисконт суммаси ҳисоб-китоб формуласига қўйиб чиқсак, қўйидагини оламиз.

$$D = 300000 - 300000 \frac{1}{1 + 4 * 0,1} = 85714 \text{ сўм}$$

бир йилдан сўнг 300000 сўм олиш учун зарур бўлган инвестицион харажатларнинг ҳақиқий қиймати қўйидагиларни ташкил этиши керак:

$$K=300000-85714=21428 \text{ сўм}$$

Мураккаб фоиз деб ҳисоб қилинган оддий фоиз суммаси ҳар даврдан кейин тўланмайдиган, балки асосий қўйилма суммасига қўшилиб, кейинги тўлов даврида ўзи даромад келтирадиган шароитда инвестиция қилиш натижасида юзага келадиган фойда суммасига айтилади.

Қўйилма суммаси ҳисоб-китобида мураккаб фоизлар бўйича унинг ортиб бориши жараёнида қўйидаги формуладан фойдаланиш мумкин.

$$K_{6c}=K(1+C_n)^n$$

Бунда K_{6c} - қўйилманинг мураккаб фоизлар бўйича унинг ортиб боришидаги бўлинган қиймати.

Шунга кўра фоиз суммаси (Ип) бундай ҳолда ушбу формула бўйича аниқланади.

$$Ип=K_{6c}+K$$

3-мисол. Қуйидаги шароитларда инвестициялашнинг бутун даврида мураккаб фоиз суммаси билан қўйилманинг бўлажак қийматини аниқлаш зарур.

Қўйилманинг дастлабки қиймати 300000 сўм фоиз ставкаси мураккаб фоизнинг ҳисоб китоб чоғида фойдаланиладиган суммаси кварталга 10% қилиб белгиланган.

Инвестициялашнинг умумий даври - Ушбу кўрсаткичларни юқоридаги формулаларга қўйиб оламиз

Қўйилманинг бўлажак қиймати.

$$K_{6c}=300000(1+0,11)^1=439230 \text{ сўм}$$

Шунга биноан фоиз суммаси бу ҳолда 139230 сўм (439230-300000)ни ташкил этади.

Пул маблағининг ҳақиқий қиймати ҳисоб китобида мураккаб фоизлар бўйича дисконтлаш жараёнида қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин.

$$K_c = \frac{K_6}{(1+C_n)^n}$$

бунда K_c мураккаб фоизлар бўйича ҳисоб китоблар ёки қуйилманинг дастлабки суммаси, шунга биноан дисконт суммаси (D_c) бу ҳолда ушбу формула билан аниқланади. $D_c=K_6-K_c$

4 мисол қуйидаги шароитларда бир йил учун мураккаб фоизлар бўйича дисконт суммаси ва пул маблағининг ҳақиқий қийматини аниқлаш зарур. Пул маблағининг берилган қиймати 300000 сўм.

Мураккаб фоизнинг дисконтлаш учун фойдаланиладиган ставкасини кварталга 10% ни ташкил этади.

Ушбу микдорларни формулага қўйиб чиқиб, қуйидагиларни оламиз.

$$300000$$

$$\text{Ҳақиқий қиймат} = \frac{300000}{(1+0,1)^4} = 204904 \text{ сўм}$$

дисконт суммаси 95096 сўм (300000-204904)ни ташкил этади.

Вақтдаги пул қийматини баҳолашда шу нарсани назарда тутиш керакки,

баҳолаш натижасига нафақат фойдаланиладиган фоиз ставкаси, балки бу йил мобайнида ва ўша умумий муддатда тўлов, даврийлиги (ёки, тўлов даврлари микдори) ҳам таъсир кўрсатади. Баъзан пулни кичик фоиз ставкасига, аммо тўловларнинг катта даврийлиги билан инвестиция кичик иштирок фойдалидир.

Пул оқимларининг (теппа-тенг тўловларининг бундай бир текислиги аннуитет деб аталади. Купон облигациялари ёки омонат сертификатлари бўйича фоизларнинг ҳар квартални суммалари, ижарадаги мулк учун ва уларнинг бир текис тўлови ва х. к. лар аннуитетга мисол бўла олади. аннуитет кўринишида пул оқимлари (тўловлар)ни кетма-кет тақдим этиш ортиб бориш жараёнини анча енгиллаштиради ёки пул қийматини дисконтлаш махсус жадвалларда келтирилган алоҳида кўрсаткичларнинг андазаси микдорлари бўлган соддалаштирилган формулалар тўпламидан фойдаланиш имконини беради.

5-мисол. Инвестор олдида 300000 сўм ни 1 йил муддат билан депозит қўйилмага жойлаштириш вазифаси қўйилган. Бир банк инвесторга мураккаб фоизлар бўйича кварталига 7, 5% микдорда тўлашни таклиф қилади, иккинчиси эса 10%микдорида тўрт ойда бир марта, учинчиси – 15% микдорида йилда икки марта, тўртинчиси – 30% микдорида йилига бир марта.

Инвестициялашнинг қайси варианты яхшилигини аниқлаш учун 1-жадвални тузамиз.

3-жадвал

Инвестициялашнинг турли шароитларида қўйилманинг бўлажак қиймати ҳисоб китоби.

Вариант	Қўйилма-нинг ҳақиқий қиймати	Фоиз Ставкаси	Яқундаги бўлажак қиймат			
			1д	2д	3д	4д
1	300000	7.5	322500	346687.5	372689	400640
2	300000	10.0	330000	363000	399300	-
3	300000	15.0	345000	396750	-	-
4	300000	30.0	390000	-	-	-

Вариантлар қиёси шуни кўрсатадики, 1-вариант анча самарали ҳисобланади.

Масалан, аннуитетни бўлажак қийматини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$A_6 = A \times d_a$$

Бунда A_6 -маълум давр охирида аннуитетнинг умумий бўлажак қиймати; A - аннуитет тўлови суммаси

d_a - аннуитет қиймати ортиб боришининг фоизнинг қабул қилинган ставкаси ва даврлар микдорини ҳисобга олган махсус жадвал бўйича аниқланадиган коэффиценти.

Шунга биноан, аннуитетни ҳақиқий қийматини аниқлаш учун формула

қуйидаги кўринишни олади:

$$An = \frac{A}{Ad}$$

Бунда A_n – аннуитетнинг ҳақиқий қиймати;

A - аннуитет оқлови суммаси;

A_d - қабул қилинган дисконт ставкаси ва даврлар миқдорини ҳисобга олиб, махсус жадваллар бўйича аниқланадиган аннуитет дисконт коэффициентини.

Вақтда пул қийматини баҳолаш концепциясига олдин таъкидлаганимиздек, инфляция омили ҳам боғлиқ, у вақт ўтиши билан пул маблағлари қийматини тушириб юборади. Бу шу билан боғлиқки, инфляцияни ўсиши (ўртача пул индекси) пулнинг сотиб олиш қобилиятини тегишли пасайишига олиб келади.

Инфляцияни ҳисобга олиб инвестициялаш жараёнида пул оқимларини тўғрилаш билан боғлиқ ҳисоб-китобларда икки асосий тушунча – пул маблағларнинг номинал ва ҳақиқий суммасидан фойдаланиш қабул қилинган.

Пул маблағларининг номинал суммаси

Пулнинг сотиб олиш қобилияти ўзгаришини ҳисобга олмай унинг катталигини баҳолашни ўзида намоён этади.

Пул маблағларининг ҳақиқий суммаси.

Инфляция жараёни муносабати билан пулнинг сотиб олиш қобилияти ўзгаришини ҳисобга олиб, унинг катталигини баҳолашни ўзида намоён этади. Бундай баҳолаш пул маблағлари бўлажак қийматини ҳам, ҳозирги қийматини ҳам аниқлашда амалга оширилиши мумкин.

Инфляцияни баҳолаш жараёнида икки асосий кўрсаткичдан фойдаланилади.

1) инфляция суръати. (T_i) кўриб чиқиладиган даврда (n) баҳоларнинг унлик касрда инвестицион ҳисоб китобларда ифода этилган ўрта даражадаги ўсишни тавсифлайди.

2) инфляция индекси (J_i) $1+T_i$ деб белгиланадиган кўриб чиқиладиган даврда (n) инфляцияни ҳисобга олиб пул маблағлари ортиб кетган қийматини қуйидаги формула билан тўғирланади.

$$K_p = \frac{K_c}{J_i}$$

Бунда K_p – пул маблағларининг бўлажак ҳақиқий қиймати;

K_{it} – пул маблағларининг бўлажак номинал қиймати;

J_i – инфляцияни таъминий индекси.

Ушбу формула бўйича қилинган ҳисоб китоблар, агар пул қиймати ортиб бориши жараёнидаа фоизнинг фойдаланиладиган ставкасида унинг инфляцион таркиби ҳисобга олинган бўлмаса, пул маблағларининг аниқ тўланган қийматини аниқлаш имконини беради.

Такрорлаш учун саволлар

1. “Харажатлар-маҳсулот ҳажми-фойда” (Cost-Volume-Profit, CVP- таҳлил) таҳлил турининг моҳияти нимадан иборат?
2. CVP - таҳлилининг қандай асосий унсурлари мавжуд?
3. Ишлаб чиқариш дастаги механизмини намоён бўлиши қандай хусусиятларга эга?
4. Ишлаб чиқариш дастаги ҳажми қандай омиллар таъсири остида ўзгариши мумкин?
5. Корхона фойдаси қандай кўрсаткичларга боғлиқ?
6. Баҳолар ҳақидаги масала бўйича молиячилар ва маркетинглар ўртасида қандай ёндошувлар мавжуд?
7. Баҳога нисбатан харажат ёндашувининг моҳияти нимадан иборат?
8. Бозор шароитларида баҳо ва харажатлар ўртасидаги қандай боғлиқлик мавжуд?
9. Трансферт (фирма ичида) баҳони белгилаш қандай талабларга жавоб бериши керак?
10. Бошқарув ҳисоби тизимида инвестицион лойиҳалар бўйича аниқ қарорлар қабул қилишнинг қандай ижобий томонлари мавжуд?
11. Инвестицион лойиҳа қандай босқичларда амалга оширилади?
12. Инвестицион жараён нечта асосий фазага бўлинади?

Таянч сўз ва иборалар

1. Зарарсизлик нуқтаси;
2. маржинал даромад;
3. ассортимент;
4. баҳо;
5. бизнес;
6. реструктуризация;
7. таҳлил.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати.

Асосий адабиётлар.

1. “Маҳсулот (иш ва хизмат)лар таннархига киритиладиган, маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом. - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999й. 5 февраль 54-сонли қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби Миллий Стандартлари. Т.:БМА нашриёти. 1999й.

3. Андерсон Г., Нидлз Б., Колдуэлл Д. Принципы бухгалтерского учета. М.: “Финансы и статистика”, 1993, 496 с.

4. Аксененко А.Ф., Шеремет А.Д. Учет, калькурование и анализ себестоимости продукции. – М.: МГУ, 1984. – 264с.

5. Друри К. Учет затрат методом стандарт-кост.-М.: ЮНИТИ, 1998.-224 с.
6. Иванов Н.Н. Нормативный учет производства .-М.: Госфиниздат, 1956.-220 с.

Кўшимча адабиётлар:

7. Кондратова И.Г Основы управленческого учета. Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 1998. – 144 с.
8. Мюллендорф Р., Карренбауэр М. Производственный учет. – М.: ЗАО “ФБК-ПРЕСС”, 1996. – 158 с.
9. Палий В.Ф., Палий В.В. Управленческий учет – новое прочтение внутрихозяйственного расчета. // Бухгалтерский учет, 2000, № 17.
- 10.Ткач В.И., Ткач М.В. Управленческий учет: международный опыт. - М.: Финансы и статистика, 1994. – 138 с.
- 11.Управленческий учет. Учебное пособие. / Под ред. А.Д. Шеремета. – М.: ФБК-ПРЕСС, 1999 – 510 с.
- 12.. Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби. Ўқув кўлланма. Тошкент, Т.: “Академия” нашриёти. 2002. 176 б.
13. Палий В.Ф. Управленческий учет -М.: “Союзаудит”. 1997, 260 с.
14. Хошимов Б. А. Развитие бухгалтерского учета на основе международных стандартов в Республике Узбекистан. ИЭР., Вашингтон, 1996, 124 с.
15. Қодирхонов С.Б. Саноат корхоналарида бухгалтерия ҳисоби. Т.: “Ўзбекистон”. 1993, 360 б.
16. Қодирхонов С., Жуманиёзов К., Қодирхонов Н. Чет эл фирмаларида бошқарув ҳисобини юритиш асослари.Т.:,1995,160

15-БОБ КОРХОНАНИНГ СЕГМЕНТАР ҲИСОБОТИ.

15.1. Сегментар ҳисоботнинг моҳияти, аҳамияти ва уни ташкил этиш қоидалари

Бозор муносабатлари шароитида бизнес сегменти деб аталувчи янги атама бошқарув ҳисобига кириб келди, бу эса корхонанинг маълум қисмини ёки нисбатан мустақил бўлинмасини муайян ваколатлар ва масъулият бериш мақсадида ажратишни билдиради.

Бошқарув бухгалтерия ҳисоби корхонанинг ташкилий тузилмасига амал қилган ҳолда, жавобгарликнинг турли марказлари мажмуидан таркиб топади. Сегментар ҳисоботни жавобгарлик марказлари (бизнес сегментлари) бўйича шакллантирилган ҳисобот сифатида таърифлаш мумкин.

Бозор иқтисодиёти таркиб топган мамлакатларда сегментлар бўйича ҳисоботни шакллантириш тартиби 14-сонли молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) билан тартибга солинади. Бу сегментар ҳисобот 1993 йилдан амал қилиб келмоқда. Унга кўра, сегментларнинг иккита, яъни хўжалик ва жуғрофий турлари ажратиб кўрсатилади.

Жуғрофий сегмент – бу муайян иқтисодий муҳитдаги товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришда иштирок этувчи ва таваккалчилик ва фойда – таъсиридаги, таваккалчиликлар ва фойдадан фарқ қилувчи, сегментларга хос бўлган, бошқа иқтисодий шарт-шароитларда амал қилувчи ажратиб чиқариладиган компонентдир.

Ташқи истеъмолчилар учун сегментлар бўйича молиявий ҳисоботни тузиш тартиби “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” номли Ўзбекистон Республикасининг 1-сонли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС) билан тартибга солинади ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 14 августда 474-сон билан рўйхатга олинган. Ушбу стандартларнинг 96-бандида қуйидагича таъкидланади: “Ҳисоб сиёсати хусусиятларининг фойдаланувчилар учун устувор жиҳатлари қаралганда корхона раҳбарларини таваккалчиликни баҳолаш имкониятлари ва хўжалик субъектларининг келгусидаги пул маблағлари оқимини назарда тутишлари лозим. Ҳисоб сиёсати қуйидагиларни ўз ичига олиши, аммо қуйидаги ахборотлар билан чекланмаслиги лозим:

96.17. фаолият турларини, жуғрофий сегментларни ва харажатларни сегментлар ўртасида тақсимлашни аниқлаш”¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари. - Т.: изд. АБ и А, 2001, б 34.

Шуни таъкидлаш мақсадга мувофиқки, юқорида кўрсатилган меъерий ҳужжатларда сегментар ҳисоб ва ҳисоботни муаммоси ўзининг тўлиқ ечимини топмади.

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг 1-сонли “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” номли миллий стандарти Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги Қонуни асосида ишлаб чиқилган, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг 1996 йил 30 августдаги 1-сонли қарори билан кучга киритилган Қонунда таъкидланганки, корхона раҳбари ҳисоб ва ҳисоботнинг ички хўжалик тизимини, хўжалик операцияларини назорат этиш тартибини, ташқи истеъмолчилар учун молиявий ҳисоботни, солиқлар ва молиявий ҳужжатларнинг бошқа шакллари ва ҳ.к. ларни ташкил этишга мажбур (7-модда)². Ушбу моддага кўра, корхона раҳбари бухгалтерия ҳисобини юритишни шартнома бўйича ихтисослашган бухгалтерия фирмасига ёки бухгалтериянинг марказлашган бўлимига (бунга хўжалик юритувчи субъект ҳам киради) топшириш ҳуқуқига эга. Ушбу қонуннинг 22-моддасига кўра, бухгалтерия ҳисобини юритишда махфийликка риоя қилинади, бухгалтерия қайдлари мазмуни билан танишишга фақат раҳбарият рухсати билан ёки қонунчиликда рухсат этилган ҳолларда йўл қўйилади. Ташқи истеъмолчилар учун мўлжалланган ва молиявий ҳисоб маълумотлари базасида ишлаб чиқиладиган молиявий ҳисоботдан фарқ қилган ҳолда сегментар ҳисобот ички истеъмолчилар учун яратилади ва махфий ҳисобланади. Амалиёт кўрсатадики, кўпинча шундай ҳоллар ҳам мавжуд бўладики, солиқ ва бошқа назорат органлари бошқарув ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларига тўғридан-тўғри кириб бориш имкониятига эга бўлади.

Молиявий ҳисоботнинг шундай афзаллик томонини таъкидлаш лозимки, агарда у молиявий ҳолатини, унинг фаолияти натижаларини таҳлил этишда ахборот базаси сифатида қўлланилса, сегментар ҳисобот маълумотлари эса бизнеснинг ҳар бир сегменти иш сифатини баҳолаш имконини беради. Сегментларни ажратишни тақозо этадиган, фарқ қилувчи ҳолатларни, яъни кўпчилик омилларнинг мос тушишини 1-жадвал бўйича кўриш мумкин.

²Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни-Т.: Халф сўзи, 1996 йил 12 сентябр.

Хўжалик ва жуғрофий сегментларнинг белгилари бўйича қиёсий тавсифи

Мезон	Сегментлар	
	Хўжалик	Жуғрофий
Сегмент ҳосил қилиш учун мезон (Ушбу сегментларни ажратишни тақозо этадиган, кўпчилик омилларнинг мос тушиши)	<p>Маҳсулотлар (иш ва хизматлар) ўзаро боғлиқ бўлади, агарда қуйидаги ҳолларда ўхшашлик кўзга ташланса:</p> <ul style="list-style-type: none"> – Уларнинг тавсифланишида; – Ишлаб чиқариш жараёнлари тавсифида; – Мижозлар тури ва тавсифида; – Уларни тарқатиш усулларида; – Муайян фаолият турлари учун тартибга солувчи муҳит талабларида (масалан, солиқлар, банклар ва суғуртада) 	<p>Бир нечта мамлакатлардан гуруҳ, алоҳида мамлакат, мамлакат ичидаги минтақа қуйидаги ҳолларда:</p> <ul style="list-style-type: none"> – Бир хилдаги ўхшаш иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитлар; – Амалга ошириладиган операцияларнинг айнанлиги; – Мазкур жуғрофий туманда операциялар билан боғлиқ, фавқулдда таваккалчиликлар; – Валюта назоратининг алоҳида қоидалари; – Валюта операцияларидан кутилаётган таваккалчиликлар.

Сегментлар бўйича (жавобгарлик марказлари бўйича) ҳисобни ташкил этишга зарурат пайдо бўлганлиги муносабати билан бошқарув ҳисобида унинг чегараларини аниқлаштириш лозим:

- Мустақил ҳисобот сегменти қандай кўринишда бўлиши лозим (яъни, сегментар ҳисобот бирликларини ажратиш мезони);
- Сегментлараро ўзаро ҳисоб-китобларга баҳони шакллантиришнинг қайси усули қўлланилиши лозим;
- Даромадлар ва харажатлар, активлар ва мажбуриятларни

сегментларга тақсимлаш учун нима асос бўлади?

Мустақил ҳисобот сегменти шаклланиши шарт-шароитлари сифатида ҳар бир хўжалик ва жуғрофий сегментнинг ички ҳисоботи иштирок этиши лозим, бунда қуйидаги шартлар талаб қилинади:

- Барча сегментларнинг ташқи ва ички даромадлари ташқи ва сегментлараро даромадларнинг камида 10% ини ташкил этади;

- Сегмент фойдаси (ёки зарари) барча сегментлар умумий натижасининг камида 10% ини ташкил этиши лозим;

- Активлар барча сегментлар активлар йиғиндисининг камида 10 % ини ташкил этади;

Бозор шароитларида трансферт нарх ҳосил бўлиши ҳам муҳим аҳамият касб этади, бунда битта жавобгарлик маркази юзага келади ва ўз маҳсулоти ёки хизматларини бошқа жавобгарлик марказига узатади, бошқача айтганда – бу жараён битта корхона сегментлари ўртасида ички ҳисоб-китоб нархларини ўрнатишдир.

Одатда, трансферт нархларни ўрнатиш тамойили бўлиб, шундай трансферт нархлари хизмат қиладики, у корхонага энг юқори даражадаги маржинал даромадни таъминлайди.

Трансферт нархлари бўйича сегментар ҳисоботни тузиш муносабати билан, шубҳасиз трансферт нархларни ҳисоб-китоб қилишнинг учта усулини кўриб чиқишга тўғри келади:

1) Бозор нархлари асосидаги;

2) Таннарх (ўзгарувчан ёки тўлиқ) асосидаги, “таннарх плюс” тамойили бўйича;

3) Шартномавий трансферт нархлар асосидаги, маҳсулот (хизмат кўрсатиш) ишлаб чиқаришдаги бозор конъюктураси ва харажатлари таъсири остида.

15.2. Сегментар ҳисобот жавобгарлик марказлари фаолиятини баҳолашнинг асоси сифатида

Корхонанинг аксил марказлашув шароитларида, бозор нархлари объектив характерда бўлган шароитда, трансферт нарх жавобгарлик марказларини харид қилувчи ва сотувчи, менежерларнинг ўзаро муносабатлари ва малакаларига боғлиқ бўлмайди, бунда бизнинг фикримизча, биринчи усулни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ушбу усулнинг заиф томонини ҳам таъкидлаш жоиздир, яъни унинг жорий этилиши учун бозор ривожланган ва цивилизациялашган бўлиши лозим, бундан ташқари корхона жавобгарлик марказлари (сегмент) ишлаб чиқарадиган, маҳсулотлар, хизматларга бозор нархларининг даражаси тўғрисида ахборот йиғиш бўйича кўшимча харажатлар қилиши лозим.

“Таннарх плюс” деган иккинчи усулда амалиёт кўрсатишича, кутилаётган фойда миқдоридан устига фоиз қўйишдан фойдаланилади. Мисол учун агарда битта бўлинма “Маҳсулот (ишлар, хизматлар) тўлиқ таннархининг 110 %” нинг ҳисоб-китобидан келиб чиқса, бошқа сегмент эса сегментни узатувчи маҳсулот бирлигига “ўзгарувчан таннархни 150 %” ҳисоб-китобидан келиб чиқиши мумкин.

Учинчи усул бўйича трансферт нарх ҳосил қилишда шартномавий нархни аниқлаш формуласидан фойдаланилади:

$$ТБ = МЎТ + УМД,$$

Бу ерда,

ТБ – трансферт баҳоси;

МЎТ – маҳсулотнинг ишлаб чиқариш (ўзгарувчан) таннарх;

УМД – умумий маржинал даромад, ташқи сотишларни рад этиш натижасида сотувчи бўлинмалардаги сарфланадигани (утраченный).

Профессор Вахрушина М.А.нинг фикрлашича “сегментлар – жавобгарлик марказларининг “энг ривожланган” турлари, айнан инвестициялар марказидир. Бу сегментлар хусусий активларига эга бўлиб, улар мажбуриятларга қиёсланади, уларга даромадлар ва харажатлар асосланган ҳолда киритилиши мумкин”¹.

14-сонли МҲХСга кўра, сегментар ҳисобот бирламчи акс эттириш сифатида қуйидаги ҳолатларни назарда тутиши лозим²:

- Ташқи мижозлардан олинган даромадлар;
- Бошқа сегментлар билан бўлган муомалалардан даромадлар;
- Сегментнинг молиявий натижаси;

¹ Вахрушина М.А. Бухгалтерский управленческий учет: учебник для вузов. М.: ЗАО “Финстатинформ”, 2000.- с.374.

² Международные стандарты финансовой отчетности. М.: Аскери – АССА, 1998, 1999.-с.330-336.

- Активларнинг баланс суммаси;
- Сегментнинг мажбуриятлари;
- Асосий воситалар ва номоддий активларни сотиб олиш харажатлари;
- Амортизация харажатлари;
- Бошқа пулсиз харажатлар;
- Ассоциациялашган компаниялар ёки қўшма корхоналарда иштирок этишдан олинган соф фойда ёки зарарлар ва инвестициялар ҳиссаси;
- Даромадлар ва харажатлар, активлар ва мажбуриятларни солиштириш.

Сегмент даромадлари – бу тушум (даромадлар), корхона сегментига ёки умумий тушум қисмига бевосита киритилиши мумкин, у эса асосланган ҳолда мазкур сегментга киритилиши мумкин. Сегмент даромадларига қуйидагилар тегишли эмас:

– Молиявий қуйилмаларни сотишдан олинган фоизлар, дивидендлар ва даромадлар (бундай даромадлар сегментнинг асосий фаолияти бўлган ҳоллар бундан мустасно);

– Фавқулоддаги тушумлардан даромадлар (форс-мажор мажбуриятлар).

Сегмент харажатлари – бу харажатлар сегментга бевосита киритилиши мумкин ёки улар корхона умумий харажатларининг бир қисми сифатида намоён бўлиши мумкин, улар эса асосланган ҳолда мазкур сегментга киритилиши мумкин. Сегмент харажатларига қуйидагилар тегишли эмас:

Сут маҳсулотлари комбинатининг молиявий натижалари тўғрисидаги
ҳисобот ва унинг операция сегментлари,

минг сўмда

Кўрсаткичлар	Товарлар ишлаб чиқариш сегментлари:				Жами
	Тиббиёт муассасалари	Мақтабгача тарбия муассасалари	Савдо корхоналари	Умумий овқатланиш корхоналари	
1	2	3	4	5	6
1. Сотишдан олинган тушум	39,8	50,8	26,0	132,0	248,6
2. Чегирмалар устамалар	+34,0	+16,8	+10,6	-38,6	+21,6
3. Сотиш-нетто	73,8	66,4	36,6	93,4	270,2
4. Сегментларнинг харажатлари	29,2	18,8	17,0	12,6	77,6
5. Сегментларнинг молиявий натижалари	64,2	55,0	49,4	24,0	192,6
6. Тақсимланмаган харажатлар (маъмурий)	-	-	-	-	60,0
7. Компаниянинг молиявий натижаси	-	-	-	-	132,6

– қисқа ва узоқ муддатли молиявий қуйилмалар бўйича харажатлар (агар улар мазкур сегментнинг асосий фаолияти

бўлган ҳол бундан мустасно);

– даромад (фойда) солиғи;

– фавқулодда харажатлар (форс-мажор мажбуриятлари).

Бухгалтер-аналитик бошқарув ҳисоби ахборотига ишлов бериш натижалари бўйича ички (сегмент) ҳисоботларни тузади. Мамлакатимиз ҳисоб амалиётида ва МДҲ амалиётида бундай тажрибанинг мавжуд эмаслигини, ҳисобга олган ҳолда, уни тузишнинг баъзи шарт-шароитларига тўхташ жоиздир:

1. Сегментар ҳисобот манзили ва муайян бўлиши лозим ва асосан харажатларни аниқлашни сотиш ҳажмини ҳисобга олишга қаратилиши лозим”
2. Ички ҳисобот тезкор хусусиятга эга бўлиши лозим ва менежерни режалари, психологияси ва услубини назарда тутиши керак;
3. Ҳисобот жавобгарлик маркази ишини янада яхшилашга йўналтирилиши лозим;
4. Сегментар ҳисоботларнинг шакллари ва регистрларини тез-тез ўзгартириш мақсадга мувофиқ эмас, чунки бу унинг самарадорлигини камайтиради;
5. Бошқарувчига минимал ҳажмдаги, мураккаб ҳисоб-китоблар билан тўлиб тошмаган, системалаштирилган ҳисобот тақдим этиш лозим;
6. Ҳисоботнинг бош мақсади жамоани яқинлаштириш ва уларнинг куч-ғайратларини корхона бизнес режасини бажаришга йўналтириш лозим;
7. Бухгалтер-аналитик ёзма ҳисоботлар билан бирга, менежер билан суҳбатда керакли ахборотни оғзаки ҳолда етказиши лозим.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, ҳар қандай сегментар ҳисобот кутилаётган натижани бериши учун ҳақиқатдаги кўрсаткичларнинг режадагидан четга чиқишини ҳисобга олиш тамойилига таяниши лозим, бу эса биринчидан, ҳар бир бўлинма ёки маҳсулот бўйича фойданинг ўсиш омилларини ёки зарарлар юзага келиш сабабларини тезкорликда аниқлаш имконини беради. Шу билан бирга у юзага келган ноқулай четланишлар учун жавобгарликни аниқлаш имконини беради, яъни четланишларни таҳлил қилиш бўлинма миқёсида ҳам шунингдек корхона миқёсида ҳам амалга оширилади.

б-жадвал

Бошқаришнинг турли даражаларида харажат марказлари бўйича умумлаштирилган ҳисобот, сўмда

Кўрсаткичлар	Ҳисобот даври		Жами йил бошидан	
№1 бригада бўйича ҳисобот				
Асосий материаллар	8600	-200	26800	+240
Ёрдамчи материаллар	3700	-60	8000	-160
Бевосита меҳнат ҳақи харажатлари, ажратмалари билан	42800	+480	113660	+1680
Технологик эҳтиёжлар учун энергия харажатлари	1960	+70	5880	+500
Бошқа харажатлар	680	+20	1080	+80
№1 бригада бўйича жами	57740	+310	155420	+2340
Сут цехи бўйича ҳисобот				

№1 бригада	57740	+310	155420	+2340
№2 бригада	35440	+222	129700	+1780
№3 бригада	44680	+20	137000	+720
№4 бригада	39700	-60	128640	+360
Бригадалар бўйича жами	177560	+492	550760	+5200
Умумцех харажатлари				
Цех мастерининг иш ҳақи, харажатлари билан	25200	-	140000	-
Цех ускуналарининг эскириши	20800	-	61600	-
Цех умумишлаб чиқариш эҳтиёжларига қарши рақобатланган электрэнергия	7000	+520	20900	+1280
Цех хизмат кўрсатувчи ходимлар харажатлари	3780	-134	16700	-600
Умумцех харажатларини жами, бригадалар харажатлари билан бирга	234340	+878	789960	+5880
Комбинат бўйича ҳисобот				
Сут цехи	234340	+878	789960	+5880
Пишлоқ пишириш цехи	240600	-780	861200	-1740
Сут-қатиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича цех	269580	+1160	974640	+3940
Ёрдамчи цехлар	178700	-380	605358	+460
Цехлар бўйича жами	923220	+878	3231158	+8560
Давр харажатлари:	7000	-	33000	-
Корхона идораси биноларининг эскириши				
Бошқарув ходимлари иш ҳақи, харажатлари билан	47000	+2460	97520	+9156
Асосий воситаларни суғурталаш харажатлари	16800	+300	42600	+956
Бошқа маъмурий харажатлар	1400	+150	8000	+653
Давр харажатларининг жами	72200	+2910	181120	+10756
Комбинат бўйича жами	995420	+3788	3412278	+19325

Хулоса қилиб, таъкидлаш лозимки, сегментар ҳисобот – бу бугунги кун зарурияти, бу даврнинг руҳи, ҳаттоки бозорнинг талабидир, усиз сегмент харажатлари ва даромадларини аниқлаб бўлмайди, бу эса оқибатда корхона бошқарув тизими самарасиз ишлашига олиб келади. Бошқарув сегментар ҳисоботи фақатгина корхона ҳисоб сиёсатигагина тенглашишни эмас, балки молиявий ҳисобнинг халқаро стандартларига, ҳисоб ва ҳисоботнинг миллий

стандартларига, давлатимиз томонидан қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий базага асосланиши лозим.

Такрорлаш учун саволлар

1. Бизнес самарадорлигини баҳолашда бошқарув сегментар ҳисоботининг аҳамияти нимадан иборат?
2. Хўжалик ва жуғрофий сегментларнинг қандай фарқли жиҳатлари мавжуд?
3. Мустақил ҳисобот сегменти шаклланиши учун қандай шартлар талаб қилинади?
4. Сегмент харажатлари нима?

Таянч сўз ва иборалар

1. сегмент
2. ҳисобот
3. ташқи фойдаланувчилар
4. ички фойдаланувчилар
5. бизнес самарадорлиги
6. хўжалк сегмент
7. жуғровфий сегмент

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати Асосий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: “Ўзбекистон” 1992, 8 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси: қонун ва фармонлар. Т.: “Ўзбекистон” 1997, ноябрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” ги Қонуни (янги таҳрири) 2000й, 26 май.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида, Т.: “Ўзбекистон”, 1995, 269 б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат мафкура. Т.: “Ўзбекистон” 1996, 261 б.
6. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.: “Ўзбекистон” 1996, 275 б.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: “Ўзбекистон”, 1997й, 325 б.

8. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.:“Ўзбекистон”1998,686 б.

9. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2000, 30 б.

10. “Маҳсулот (иш ва хизмат)лар таннархига киритиладиган, маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом. - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999й. 5 февраль 54-сонли қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари. Т.: №1-5-8 сонлар. 2000й.

12. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби Миллий Стандартлари. Т.:БМА нашриёти. 1999й.

13. “Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари” Т.: “Солиқ тўловчининг журнали” №7-8-9-10. 1999й, №1. 2000й. сонлари.

14. Андерсон Г., Нидлз Б., Колдуэлл Д. Принципы бухгалтерского учета. М.: “Финансы и статистика”, 1993, 496 с.

Энтони Р.Рис Основы бухгалтерского учета. М.: 1996, 320 с.

12. Аксененко А.Ф. Себестоимость в системе управления отраслью: Учет и анализ. – М.: Экономика, 1984. – 168с.

13. Аксененко А.Ф., Шеремет А.Д. Учет, калькуирование и анализ себестоимости продукции. – М.: МГУ, 1984. – 264с.

14. Ананькина Е.А., Данилочкина Н.Г. Управление затратами. Конспект лекций. – М.:ПРИОР, 1948. – 64с.

15. Гаррисон Ч. Оперативно-калькуляционный учет производства и сбыта.-М.: Техника управления, 1930.-300 с.

16. Друри К. Введение в управленческий и производственный учет.-М.: Аудит, ЮНИТИ. 1997.-556 с.

17. Друри К. Учет затрат методом стандарт-кост.-М.: ЮНИТИ, 1998.-224 с.

18. Иванов Н.Н. Нормативный учет производства .-М.: Госфиниздат, 1956.-220 с.

Қўшимча адабиётлар:

19. Ивашкевич В.Б.Управленческий учет в информационной системе предприятия // Бухгалтерский учет, 1999, № 4.

20. Калькуляция себестоимости продукции в промышленности. Учебник. В.А. Белобородова, А.П.Чечета, В.Т. Стаблинский и др. -М.: Финансы и статистика, 1989.-279 с.

21. Карпова Т.П. Основы управленческого учета. Учебное пособие. -М.: ИНФРА -М, 1997.-172 с.

22. Кондраков Н.П. Бухгалтерский учет. Учебное пособие -М.: ИНФРА-М, 1999.-548 с.

23. Кондратова И.Г. Основы управленческого учета. Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 1998. – 144 с.
24. Лука Пачоли. Трактат о счетах и записях. – М.: Финансы и статистика, 1994. – 320 с.
25. Мюллендорф Р., Карренбауэр М. Производственный учет. – М.: ЗАО “ФБК-ПРЕСС”, 1996. – 158 с.
26. Мюллер Г. Учет: международная перспектива. – М.: Финансы и статистика, 1994. – 172 с.
27. Наринский А.С. Калькуирование себестоимости в строительстве. - М.: Финансы, 1979. – 152 с.
28. Николаева О.Е., Шишкова Т.В. Управленческий учет. Учебное пособие. – М.: УРСС, 1997. – 368 с.
29. Николаева С.А. Особенности учета затрат в условиях рынка: система “директ-костинг”: Теория и практика. - М.: Финансы и статистика, 1993. –124 с.
30. Новиченко П.П. Учет и калькулирование себестоимости продукции в важнейших отраслях промышленности. – М.: Экономика, 1975. – 191 с.
31. Палий В.Ф., Палий В.В. Управленческий учет – новое прочтение внутрихозяйственного расчета. // Бухгалтерский учет, 2000, № 17.
32. Пизенгольц М.З. О содержании управленческого учета // Бухгалтерский учет, 2000, № 19.
33. Ришар Ж. Бухгалтерский учет: теория, практика. – М.: Финансы и статистика, 2000 – 160 с.
34. Рудановский А.П. Руководящие начала (принципы) фабричного счетоведения, вытекающие из понятия себестоимости. – М.: Макиз, 1925 – 47 с.
35. Сатубалдин С.С. Учет и затрат на производство в промышленности США. – М.: Финансы, 1980. – 141 с.
- 36. Тейлор Ф.У. Менеджмент.//Контроллинг, 1992.**
37. Ткач В.И., Ткач М.В. Управленческий учет: международный опыт. - М.: Финансы и статистика, 1994. – 138 с.
- 38. Трусов А.Д. Калькулирование себестоимости продукции**
39. Управленческий учет. Учебное пособие. / Под ред. А.Д. Шеремета. – М.: ФБК-ПРЕСС, 1999 – 510 с.
40. Управление – это наука и искусство: А. Файоль, Г. Эмерсон, Ф.Тейлор, Г.Форд. – М.: Республика, 1992. 240 с.
41. Хорнгрен Ч.Т. Фостер Дж. Бухгалтерский учет: управленческий аспект. – М.: Финансы и статистика, 1995. – 415 с.
42. Чумаченко Н.Г. Методы учета и калькулирования себестоимости промышленной продукции. – М.: Финансы, 1965, - 124 с.

43. Чумаченко Н.Г. Учет и анализ в промышленном производстве США. – М.: Финансы, 1971. – 240 с.
44. Яругова А. Управленческий учет: опыт экономики развитых стран. – М.: Финансы и статистика, 1991. – 247 с.
- 45. Anderson, Sollenberger “Managerial Accounting” College Division South-Western Publishing Co., 1992.**
48. Antony P.H. Planning and Control Systems. St. Framework for Analysis. Boston, Massachusetts, Harvard University Press, 1965.
49. Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма. Тошкент, Т.: “Академия” нашриёти. 2002. 176 б.
50. Палий В.Ф. Управленческий учет -М.: “Союзаудит”. 1997, 260 с.
51. Палий В.Ф., Вандер Виль Р. // “Управленческий учет” -М.: Инфра – 1997, 480 с.
52. Ризақулов А.А., Ибрагимов А.К., Хасанов Б.А., Маматов З.Т., 53. А.Усанов “Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари” Тошкент. 1994, 1-2-3 томлар. 320 б.
54. Сатубалдин С.С. Учет затрат на производство в промышленности США. М.: “Финансы” 1980, 141 с.
55. Стоун Т. Управленческий учёт. –М., “Финансы и статистика”. 1996, 135 с.
56. Ткач В.И., Ткач М.В. Международная система учёта и отчетности. -М.: “Финансы и статистика”. 1991, 160с.
57. Умарова М., Эшбоев У., Ахмаджонов К. Бухгалтерия ҳисоби. Т.: “Меҳнат”, 1999, 262 б.
58. Хошимов Б. А. Развитие бухгалтерского учета на основе международных стандартов в Республике Узбекистан. ИЭР., Вашингтон, 1996, 124 с.
59. Хасанов Б.А., Узоқов К. Солиқлар ва назорат. Т.: -1994, 93 б.
60. Хасанов Б.А., Бобобеков Б. Бухгалтерия ҳисоби назариясидан кўргазмалар қўлланма. ТМИ босмаҳонаси-2000, 95 б.
61. Қодирхонов С.Б. Саноат корхоналарида бухгалтерия ҳисоби. Т.: “Ўзбекистон”. 1993, 360 б.
62. Қодирхонов С., Жуманиёзов К., Қодирхонов Н. Чет эл фирмаларида бошқарув ҳисобини юритиш асослари.Т.:,1995,160
63. Қодирхонов С. Хитойда аудиторлик назорати. “Иқтисод ва ҳисобот” Журнали, № 2-сон. 1993, 34-36 б.
64. Қаюмов Х. Аудиторлик назорати (услубий қўлланма). Фарғона, 1995, 100-б.
65. Абдурахмонов Қ. ва бошқ./ Персонални бошқариш: (ўқув қўлланма).- Т.:”Шарқ”,1998.-272-б.

16-БОБ. КАПИТАЛ, ФОНДЛАР ВА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ҲИСОБИ

16.1. Капиталнинг корхона фаолиятида тутган ўрни ва ҳисобнинг вазифалари.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг молиявий ресурсларини ташкил қилиши ва ундан фойдаланиши мумкин. Бу маблағларнинг манбаи эса фойда, амортизация ажратмаси, қимматбаҳо қоғозларни сотишдан тушган маблағлар, акция эгаларининг бадаллари ва таъсисчиларнинг улушлари, кредитлар, ажратилган грантлар, мақсадли молиялаштириш маблағлари ва шунга ўхшаш йўналишдаги маблағлардир.

Субъектнинг хусусий капитали қонунга мувофиқ ёки таъсис ҳужжатлари асосида яратилган жамғармалар ва заҳиралар кўшилган ҳолда, уларнинг ҳаракати ва ҳолати ўрганилади ва назорат қилинади.

Хусусий капитал хўжалик юритувчи субъектнинг активи ва мажбуриятлари ўртасидаги фарқни ўзида мужассамлаштиради. Хусусий капитал, ишлаб чиқариш ва мулк эгасига тўлаш, кўшимча инвестиция ва бошқа фаолиятларнинг натижаларига боғлиқ ҳолда кўпайиши ёки камайиши мумкин. Хусусий капитал уч қисмдан ташкил топади:

- 1) Устав капитали;
- 2) Кўшилган капитал;
- 3) Резерв капитали.

Субъектнинг устав капитали унинг маблағларининг ташкил бўлишида асосий манба ҳисобланади. Бу капитални ташкил қилиш қонун ва таъсис ҳужжатларига асосан тартибга солинади.

Давлат корхоналарининг устав капитали давлатнинг бюджети томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг фойдаланишига топширилган вақтда ажратилган маблағларнинг йиғиндисидир. Нодавлат субъектларнинг капитали эса акциядорлар томонидан қўйилган маблағларнинг йиғиндисидан иборатдир.

Мулкчиликнинг тегишли шакллари тааллуқли хўжалик юритувчи субъектларда устав капиталини ташкил қилиш тартиби таъсис ҳужжатлари ва ҳукуматнинг тегишли қонунлари асосида тартибга солиниб турилади. Устав капитали ҳаракатининг бухгалтерия ҳисоби 8300 – «Устав капитали» счётида, 13–журнал ордерда юритилади.

Устав капитали (фонди)нинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда олиб борилади:

8310-«Оддий акциялар»

8320-«Имтиёзли акциялар»

8330-«Пай ва қуйилмалар»

16.2. Капиталнинг таркиби ва уни ташкил этиш манбалари.

Устав капитали - таъсис ҳужжатларида белгиланган, субъектнинг мулкани ташкил этишда, унинг фаолиятини бир маромда ташкил этишда таъсисчиларнинг пул ифодасида қўйган маблағларининг йиғиндисидир.

Акционерлик жамиятлари давлат рўйхатидан ўтгандан кейин, иштирокчилар улушининг умумий суммаси счётларда қуйидагича акс эттирилади:

Дт-8310

Кт-4610

Иштирокчилар улушининг ҳақиқатда (нақд пул, ТМЗ, асосий восита, номоддий активлар, ҳисоб-китоб счётига ёки валюта счётига пул ўтказилиши) келиб тушиши счётларда қуйидагича акс эттирилади:

Дт-5000, 5100, 5200, 0100, 1000, 0400

Кт-4610

Устав капиталининг аналитик ҳисоби иштирокчилар (таъсисчилар) бўйича карточкалар ёки ведомостларда юритилади.

Акционерлик жамияти ўз акцияларини акционерлардан сотиб олиши, сотиши ёки бекор қилиши счётларда қуйидагича акс эттирилади:

Дт-5000, 5100, 5200 ва бошқалар

Кт-8610

Бу акцияларни кейинчалик қайта сотиш счётларда қуйидагича акс эттирилади:

Дт-8610

Кт-4610

Юқорида келтирилган ёзувлар натижасида 4610 – счётининг дебет томонида ҳосил бўлган қолдиқ акционерларнинг қарзини, яъни олинган акциялар учун тўланмаган маблағ ёки таъсис ҳужжатида эълон қилинган устав фондига кўчирилиши лозим бўлган улуш миқдорини кўрсатади. Бу тўловлар ёки акция қиймати тўланганда келиб тушган маблағ суммасига 4610 – счёти кредитланиб, устав капитали миқдори ўзгаришсиз қолдирилади.

Акционерлар сотиб олган акциялар учун акционерлик жамияти фойдаси ҳисобидан дивиденд оладилар. Унинг миқдори хўжалик юритувчи субъект хўжалик фаолияти натижаларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Фойдадан бюджетга солиқ, резерв капиталига, хўжалик юритувчи субъект умумий мақсадларига ажратмалар қилингандан кейин акционерлар учун дивиденд тўланади.

Бу счётларда рўйхатдан ўтказилган акциялар қийматининг чегарасидаги ёки пули тўланган акцияларнинг номинал қийматидаги устав капитали акс эттирилади. Устав капиталининг ҳажми уставда рўйхатдан ўтказилган

суммадан ошиб кетиши мумкин эмас. Субъект устав капиталининг кўпайиши ёки камайиши фақат таъсисчиларнинг қарори билан ва субъект низоми ҳамда бошқа таъсис ҳужжатларига ўзгаришлар киритилгандан сўнг амалга оширилади.

Таъсисчилар кўйилмаларининг ҳақиқий келиб тушиши 4610-«Устав капиталига улушлар бўйича таъсисчиларнинг қарзлари» счётининг кредитига ўтказилади, ҳар хил активларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебети билан боғланган ҳолда моддий қийматликлар ва номоддий активлар, устав капиталига киритилган кўйилмаларнинг қиймати аниқ, ҳақиқатда мавжуд бўлган бозор баҳосида ёки таъсисчиларнинг розилиги бўйича баҳоланади.

8310-«Оддий акциялар» счёти овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган оддий акцияларнинг қиймати қўшилган ҳолдаги акциядорлар капиталининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ва имтиёзли акциялар учун тўланадиган дивидендлар қайд этилгандан кейин қолган соф даромадни тақсимлашда қатнашувчилар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Акциядор жамиятлари ўзининг устав капиталини янги акцияларни чиқариш ёки уларнинг номинал қийматларини ошириш йўли билан кўпайтириши мумкин.

Акцияларни тугатиш мақсадида уларни майдалаб юбориш, яъни уларнинг номинал қийматини мутаносиб равишда камайтириб, умумий миқдорини кўпайтириш лозим бўлади.

Ушбу акцияларни майдалаш натижалари акциядорлар капиталининг ҳажмига таъсир қилмайди, фақатгина янги чиқарилган акцияларнинг номинал қийматини ва муомаладаги акцияларнинг миқдорини кўпайтиради. Ушбу муомалалар бўйича бухгалтерия ёзувлари амалга оширилмайди, лекин ушбу муомалаларни **8310**-«Оддий акциялар» счётига очилган аналитик ҳисоб регистрларида қайд қилиш зарур.

8310 - «Оддий акциялар»нинг ҳисоби бўйича ҳисоб хўжалик шаклланишини таъминлаши зарур.

8320-«Имтиёзли акциялар» счёти имтиёзли акция кўринишида чиқарилади, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган, лекин акция эгасига дивиденд кафолатини берадиган, яъни олинган фойдани тақсимлаш жараёнида оддий акция эгаларига нисбатан имтиёзи белгиланган (дивиденд олиш кафолати) акциядорлар капиталининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун қўлланилади.

Акцияларнинг ҳисоби **8320**-«Имтиёзли акциялар» счётида ушбу акцияларнинг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

Ушбу акцияларнинг номинал қийматидан юқори баҳода сотишдан олинган ҳар бир сумма **8410** – «Эмиссия даромади» счётида қайд этилади.

Имтиёзли акциялар бўйича аналитик ҳисоб ҳўжалик юритувчи субъектлар бўйича ва капиталнинг шаклланиш босқичи бўйича ахборотларнинг шаклланишини таъминлаши шарт.

Уставда қайд қилинган ва таъсис ҳужжатларида кўрсатилган таъсисчиларнинг улуши ва омонатларидан ташкил топган субъектнинг устав капиталини рўйхатдан ўтказилгандан кейин таъсисчиларнинг улуши ва омонатларининг суммаси **8330** – «Улуш ва омонатлар» счётининг кредити ва **4610** –«Устав капитал (фонди) га бадаллар бўйича таъсисчиларнинг қарзлари» счётининг кредитида ва пул маблағларини, моддий ва номоддий қийматликларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебет томонида кўрсатилади.

16.3. Капитал ҳаракатини ҳисобга олиш тартиби

8310 – «Оддий акциялар ҳисобварағи» уставга мувофиқ акциядорлик жамияти томонидан чиқарилган (чиқаришга рухсат берилган) оддий акцияларнинг сумма номинал қийматида ифодаланган акциядорлик капитали ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни жамлаш учун мўлжалланган. Мазкур ҳисобварақ кредити бўйича оддий акциялар қисмида рўйхатга олинган акциядорлик капитали ҳажми акс эттирилади. Дебет бўйича – бу турдаги сармойанинг камайиши кўрсатилади.

8530 – «Имтиёзли акциялар» ҳисобварағи имтиёзли акциялар қисмида уларнинг номинал қиймати бўйича акциядорлик капиталининг ҳолати ва ҳаракати ҳақидаги маълумотларни жамлайди. Имтиёзли акцияларнинг тахлилий ҳисоби худди оддий акциялар ҳисоби каби амалга оширилади.

8530 – «Пай ва қуйилмалар» ҳисобварағи акциядорлик жамиятларидан ташқари бошқа ҳамма ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги хўжалик юритувчи субъектлар: давлат ва хусусий корхоналар, ширкатлар ва шерикчиликда хўжалик юритувчи субъектлар учун устав капиталининг ҳолати ва ҳаракати ҳақидаги маълумотларни жамлашга мўлжалланган.

Давлат корхоналарида эса бу устав фонди деб номланади, у давлат томонидан хўжалик юритувчи субъектга ажратилган асосий ва оборот воситалар мажмуидан иборат.

Улушли капитали – хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун ширкат аъзолар томонидан киритилган улушлар жамидир.

Устав капитали – таъсис ҳужжатларида белгиланган доирадаги фаолиятни таъминлаш учун хўжалик юритувчи субъектни ташкил этиш чоғида унинг мулкига муассислар (аъзолар) қўшган улушларининг жамини (номинал қиймати бўйича ҳиссалари, акциялар) пул бирлигида ифодалашдир.

Шундай қилиб, ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектнинг устав капитали унинг муассислари томонидан қўшилган маблағларидан тўпланиб боради. У бир вақтнинг ўзида муассисларнинг жамоавий мулки ҳамда юридик шахс бўлган хўжалик юритувчи субъектнинг мулки ҳисобланади. Бу нуқтаи назардан қараганда устав капитали бир томондан хўжалик юритувчи субъектнинг ўз маблағлари фонди, бошқа томондан эса ҳар бир муассиснинг мулки сифатида намоён бўлади.

Устав капиталини шакллантириш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва ташкилий-ҳуқуқий шаклига мувофиқ таъсис ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Уставни рўйхатга ўтказиш пайтида эълон қилинган устав капиталининг бутун миқдори қуйидаги проводка орқали ифодаланади:

4610 – «Устав капиталига бадаллар бўйича мулкдорлар қарзлари» ҳисобварағи дебети.

8310 (8312, 8313) – «Устав капитали» ҳисобварағи кредити.

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ хўжалик юритувчи субъект мулкдорлар хўжалик юритувчи субъект рўйхатидан ўтказилгандан кейин бир йил мобайнида ўз улушларини тўлиқ қўшишлари шарт.

Хўжалик фаолиятининг 3 та асосий ташкилий-ҳуқуқий шакли мавжуд: якка эгалик, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари акциядорлик жамияти (корпорация).

Якка эгаликдаги уставни рўйхатга ўтказиш чоғида рўйхатга олинган устав капитали (УК) ҳажми ёзувида кайд этилади:

4610 – «Устав капиталига бадаллар бўйича мулкдорларнинг қарзи» ҳисобварағи дебети.

8510 – «Устав капитали» ҳисобварағи кредити.

Бунда 8330 – ҳисобварақда хўжалик юритувчи субъект ягона мулкдор улушининг миқдори акс эттирилади. Хусусий корхона амалдаги қонун ҳужжатларига кўра ўз уставини устав капитали миқдорини маълум қилмасдан ҳам рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқига эга.

Устав капиталига улушларнинг келиб тушиши устав капитали ҳисоб варағига таъсир кўрсатмайди, балки муассис қарзини сўндиради. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ устав капиталига бадаллар даромад ҳисобланмайди ва солиққа тортилмайди.

Муассис устав капиталига турли активларни киритиш мумкин, бироқ уларнинг турлари албатта кохона уставда акс эттирилиши шарт. Маслан, агар кохонанинг устав капитали фақатгина пул маблағлари ҳисобига тўлдирилади деб уставда ёзилган бўлса, у ҳолда муассис устав капиталига асосий воситаларни кирита олмайди. Бу ҳол устав коидасининг бузилиши сифатида тавсифланади.

4610 – «Устав капиталига бадаллар бўйича муассислар қарзи» ҳисобварағи устав капиталига қўйилмаларга оид хўжалик юритувчи субъект муассислари билан барча турдаги ҳисоб-китоблар ҳақида маълумотларни жамлайди. Ҳисобварақ актив ва дебетли сальдогагина эга бўлиш мумкин. ҳисобварақ дебет бўйича муассиснинг хўжалик юритувчи субъект олдидаги устав капиталига бадаллари бўйича қарзи, кредитида эса – ҳақиқатда келиб тушган қўйилмалар акс эттирилади. қўйилмалар киритилган тақдирда 4610-ҳисобварақ сальдога эга бўлмайди.

Хусусий хўжалик юритувчи субъектнинг устав капиталини шакллантириш.

Муассис томонидан мебель киритилган. Мазкур ҳолатда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари кайд этилади:

0140 – «Мебель ва офис жихозлари» ҳисобварағи дебети.

4710 – «Устав капиталига бадаллар бўйича мулкдор қарзлари» ҳисобварағи

кредити.

Муассис томонидан маълум маҳсулот ишлаб чиқариш (сотиш) учун патент киритилган:

0410 – «Патент, лицензия, ноухаулар» ҳисобварағи дебети.

4710 – «Устав капиталига бадаллар бўйича мулкдор қарзлари» ҳисобварағи кредити.

Муассислар томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш фаолияти учун хом ашё ва ТМЗлар киритилган:

1010 – «Хом ашё ва ТМЗлар» ҳисобварағи дебети.

4710 – «Устав капиталига бадаллар бўйича мулкдор қарзлари» ҳисобварағи кредити.

Муассис сотиш учун товарлар киритган:

2910 – «Товарлар» ҳисобварағи дебети.

4710 – «Устав капиталига бадаллар бўйича мулкдор қарзлари» ҳисобварағи кредити.

Бунда пул кўринишида булмаган барча активлар (моддий ва номоддий) ҳақиқий бозор нархларига йуналтирилган қиймат бўйича Устав капиталига киритилиши лозим.

Муассислардан асосий воситалар ва номоддий активлар олинганда хўжалик юритувчи субъект кейинги ойдан бошлаб амортизацияни ҳисоблаши керак, агар хўжалик юритувчи субъект мол-мулк солиғи тўловчиси ҳисобланса, у ҳолда икки йиллик имтиёзли муддат тугаши билан ушбу воситалар қиймати мол-мулк солиғи тўланадиган базани оширади.

Давлат корхонаси устав капиталининг шаклланиши.

Давлат корхоналарида устав капиталининг ҳажми унинг хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун давлат томонидан белгиланган мол-мулк суммасига мос келади. Мазкур миқдор таъсис ҳужжатларида – хўжалик юритувчи субъектни ташкил қилиш ва унинг балансига мол-мулк ўтказиш тўғрисидаги буйруқда кайд этилган миқдорга мувофиқ бўлиши лозим.

Давлат корхонаси устав капиталини шакллантириш бўйича проводка:

0130 – «Машина ва ускуналар» ҳисобварағи дебети.

1010 – «Хом ашё ва материаллар» ҳисобварағи дебети.

1080 – «Инвентар ва хўжалик жихозлари» ҳисобварағи дебети.

5010, 5110 – «Пул маблағлари» ҳисобварағи дебети.

8300 – «Устав капитали» ҳисобварағи кредити.

Маъсулияти чекланган жамият устав капиталининг шакллантирилиши.

Пул бирлигида баҳоланган устав капиталига қўйилмалар устав капиталидаги иштирокчининг улушини ташкил этади. Ҳар бир иштирокчи (муассис) МЧЖга таъсис шартномасига мувофиқ моддий ва (ёки) номоддий активларни киритади. Устав капиталини шакллантириш бўйича бухгалтерия ёзувлари якка эгаликдаги ёзувларга айнан ўхшаш бўлади, муассислар бўйича тахлилий ҳисобгина зарур.

МЧЖ устав капиталининг энг кам миқдори рўйхатдан ўтказилган санада энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан кам булмаслиги лозим. Муассислар, пул кўринишида булмаган киритилаётган активларни баҳолаш тўғрисида келишувга эришишлари керак, бунда баҳо актив ўтказиладиган санадаги адолатли баҳосини ифодалаши шарт.

Устав капиталини шакллантиришнинг чекланган муддати давлат рўйхатидаги ўтказилган пайтдан бошлаб, агар бошқа ҳолатлар қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган бўлса, бир йилдан ошмаслиги лозим. Мазкур давр мобайнида МЧЖ аъзолари томонидан ўз қўйилмалари киритилмаган ҳолларида, агарда таъсис ҳужжатларида бошқа ҳолатлар назарда тутилмаган бўлса, улар муддати узайтирилган тўловлар суммаси 25% йиллик тўлов тўлайдилар.

Аъзолар жамиятга ўз мол-мулкларини киритганларидан кейин улар узларининг якка тасарруф этиш ҳуқуқини йукотадилар. Мол-мулк янги хўжалик юритувчи субъект активига айланади, шерикларнинг барчаси биргаликда эгалик қилишга утадилар.

Бундай бадалларнинг ҳар бири муассислар мажлисининг баённомасида расмийлаштирилади., бу эса актив белгиланиши ва баҳоланишига барча мулкдорларнинг розилигини ифодалайди.

Мустакил малакали баҳоловчи томонидан киритиладиган мол-мулкни баҳолашни амалга ошириш давлатга ёки қисман карашли бўлган баҳолаш объектлари битимга жалб этиладиган ҳолларда мажбурий ҳисобланади. Шунингдек Фан ва техника Давлат Қўмитасининг хорижий инвестициялар иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлар устав фондига киритиладиган номоддий активлар тоифасига тегишли бўлган интеллектуал мулк ва бошқа объектларни баҳолаш тўғрисидаги хулосаси зарур.

Хўжалик юритувчи субъектнинг устав капиталини узгартиришга фақат муассислар қарорига кўра йул қўйилади, бунда устав капитали узгаргани ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали хабар қилиш ҳамда таъсис ҳужжатларини кайти рўйхатдан ўтказиш лозим.

Устав капиталининг камайган тўғрисида МЧЖ қарори бу ҳақда ахборот эълон қилинганидан сунг камида уч ой утгач кучга киради.

Хўжалик юритувчи субъект бухгалтерияси давлат органларида рўйхатга олиниши билан тасдиқланган муассисларнинг тегишли қарорларисиз устав капиталининг узғариши билан боғлиқ операцияларни ақс эттира олмайди.

Устав капиталининг оширилиши

Муассисларнинг қарорига асосан мавжуд муассисларнинг қўйилмалари ошиши, янгиликларни жалб этиш, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобига устав капитали оширилиши мумкин.

Янги муассисни (аъзо)ни жалб этиш.

Янги аъзо жамият муассиси бўлиши мумкин:

- Устав капитали улушини битта ёки бир неча шерикдан сотиб олиш йўли орқали;

- Қўшимча капитал қилиш йўли билан.

Бироқ исталган ҳолда унинг номзоди аввалги аъзоларнинг барчаси томонидан маъқулланиши лозим.

Биринчи ҳолатда капитал сотиб олинган улуши олдинги муассис капитали ҳисобварағидан янгисиникига ўтказилади.

Муассислар таркибидан чиқиш.

Муассис таркибидан чиқишга ҳамда ўз улушини олишга қарор қилганда қуйидаги провоткалар қайд этилади:

8330 – «Пай ва улушлар» ҳисобварағи дебети.

6620 – «Чиқиб кетаётган муассислардан улушлари бўйича қарзлар» ҳисобварағи кредити.

Агар муассис чиқиб кетаётган пайтда МЧЖ маълум жамғарилган фойдага эга бўлса, у ҳолда таъсис ҳужжатларида белгиланган нисбатга мувофиқ унга ҳам, мазкур ҳолатда 70% ёки 30% берилиши лозим.

8720 – «Жамғарилган фойда» ҳисобварағи дебети.

6620 – «Чиқиб кетаётган муассисларда улушлари бўйича қарзлар» ҳисобварағи кредити.

Муассис чиқиб кетаётганида олган жамғарилган фойда суммасидан жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиқларини тўлашлари лозим. Муассиснинг устав капиталидан (8330 ҳисобварақлардан) ўз қўйилмасини қайтариб олиши ҳеч қандай чегирмаларсиз соф тарзда амалга оширилади.

Чиқиб кетаётган муассис олдидаги қарз сўндирилган ҳолат қуйидагича ақс эттирилади:

6620 – «Чиқиб кетаётган муассислардан улушлари бўйича қарзлар» ҳисобварағи дебети.

5010, 5110 – «Пул маблағлари» ҳисобварағи кредити.

Акциядорлик жамиятларидаги (корпорациялардаги) устав капитали ёки акциядорлик капитали, одатдагидек, чиқарилган (чиқарилишига рухсат этилган) акцияларнинг номинал ёки эълон қилинган қийматига тенг бўлади.

Акция – акциядорлик жамияти мол-мулкидаги улушга эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи қимматли қоғоз ёки бошқача қилиб айтганда, корпорациянинг мол-мулки бирлигидир. Корпорация чиқариш мумкин бўлган акцияларнинг энг юқори миқдори уставда белгиланади.

Акциянинг номинал қиймати – қимматли қоғозда кўрсатилган қиймати, акциядорлик жамияти капиталининг ҳажмини белгилайди ва акция эмиссия чиқаришга рухсат этилганлигини рўйхатдан ўтказишда белгиланади.

Мисол. Акциядорлик жамияти таъсис ҳужжатларида кўрсатилишича, оддий (одатдаги) акциялар сони 20000 дона, бир дона акциянинг номинал қиймати 100 сўм, 2000000 сўмлик суммадаги акцияларни чиқаришга рухсат этилган. 20000 дона акциядан хозирча 7000 дона сотилган, чиқарилган акцияларнинг қолган 3000 донаси сотилмаган деб тасаввур қилайлик.

Ҳисобда акциядорлик капитали тузилмаси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

- Чиқарилишга рухсат этилган акциялар 20000 дона – 2000000 сўм.

Шу жумладан:

- Сотилганлари 17000 дона – 1700000 сўм; улардан ҳақи тўланмаганлари 700000 сўм, ҳақи тўланганлари 1000000 сўм.

- Сотилмаганлари – 3000 дона - 300000 сўм

Турли хил қийматидаги акциялар. Акцияларнинг ҳисоб қийматини аниқлаш.

Акцияларга нисбатан қўлланилаётган «қиймати» сўзи бир қанча маънони англатади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, номинал ёки эълон қилинган қиймати фирманинг юридик капиталини белгилайди.

Корпорация акцияларининг ҳисоб ёки баланс қиймати унинг барча активлари ва мажбуриятлар (қарзлар) айирмасидан иборат; бу компания акциядорларнинг мулки ёки нетто активларидир. Шундай қилиб бир дона акциянинг ҳисоб қиймати улуш эгасига қарашли бир дона акцияни корпорациянинг нетто активларини ифодалайди.

Мисол. Акционерлик жамияти баланси қуйидаги кўринишга эга:

Активлар:

Узоқ муддатли – 1200000

Жорий – 1400000

Жами активлар – 2600000

Пассивлар:

Ўз капитали:

Оддий акциялар (20000 дона, номинал – 100 сўм) – 2000000

- Жамланган фойда – 400000 сўм

- Мажбуриятлар жами – 200000 сўм

Жами пассивлар – 2600000

20000 дона номинал қиймати бўлган акциянинг ҳисоб қиймати қуйидагига

тенг:

Активлар (2600000) – мажбуриятлар (200000) : 20000 дона акция = 120 сўм, ёки ўз капитали (2400000) : 20000 дона акция = 120 сўм.

Бу акционерлик жамиятига қарашли ҳар бир акция 120 сўмлик мол-мулк билан таъминланганлигини билдиради.

Акциянинг бозор қиймати – очик бозорда акция учун инвесторлар тўлашга рози бўлган баҳодир.

Акционерлик жамиятлари акцияларини 2 турини чиқаришлари мумкин: оддий (одатдаги) ва имтиёзли. Улар кўрсатувчи номига номланиши мумкин.

Мисол. 3000 сўмлик номинал қийматидаги имтиёзли акцияларнинг 10 %и ҳар бир акция учун 300 сўм миқдорида йиллик дивиденд тўланадиган акциялардир.

Бироқ, бошқа томондан оддий акциялар одатдагидек, ўз эгаларига овоз бериш ҳуқуқини берувчи ягона акциялар тури ва фақатгина уларни сақловчилар акционерлик жамиятлари фаолиятини назорат қилиш имкониятига эгадирлар.

Қўшилган капитал ҳисоби.

Қўшилган капитал оддий ва имтиёзли акцияларни сотишдан олинган суммаларининг номинал қийматидан ошиқча суммаларининг, бундан ташқари қайтариб бермаслик шарти билан олинган мулклар қийматининг йиғиндисидан ташкил топади.

Қўшилган капитал, акцияларнинг номинал қийматидан ошиқча баҳоси бўйича биринчи сотувдан олинган эмиссия даромадини акс эттиради. Бундан ташқари, қўшилган капиталнинг таркибида устав капиталига қўйилган омонатларни тўлашда ҳосил бўладиган курсдаги фарқларнинг суммаси ҳам ҳисобга олинади.

Қўшилган капиталнинг мавжудлиги ва ҳаракати қуйидаги:

8410 – «Эмиссия даромадлари»

8420 – «Устав капиталини шакллантиришда курсдаги фарқлар» ҳисобварақларида юритилади.

8410 – «Эмиссия даромадлари» счёти акцияларнинг номинал қийматидан юқори олинган маблағлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Келиб тушган суммалар **8410** – «Эмиссия даромадлари» счётининг кредити бўйича ҳисобга олинади, хусусий акцияларни сотиб олишда ва сотиб олинган хусусий акцияларни бекор қилишда курсдаги фарқларни қоплаш учун фойдаланилганда ушбу муомалалар бу счётнинг дебети бўйича ҳисобга олинади.

8420 —«Устав капиталини шакллантиришда курсдаги фарқлар» счёти устав капиталини шакллантириш жараёнида ҳосил бўладиган курсдаги фарқларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган.

Валюта ва валюта қийматликлари ҳисобига устав капиталини шакллантириш вақтида устав капиталига бадал тўлаш вақтида амал қилинган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича баҳоланади.

Валюта ва валюта қийматликларини баҳолаш ва бошқа мулкларни рўйхатдан ўтказиш вақтида таъсис ҳужжатларидаги баҳолардан фарқ қилиши мумкин. Ҳосил бўлган бу курсдаги фарқлар **8420** —«Устав капиталини шакллантиришда курсдаги фарқлар» счётида ҳисобга олинади. Баҳолардаги ижобий фарқлар, мулклар, валюта ва валюта қийматликлари счётларининг дебети бўйича ва **8420** —«Устав капиталини шакллантиришда курсдаги фарқлар» счёти кредити бўйича, салбий фарқлар эса тесқари тартибда бухгалтерия проводкалари бўйича акс эттирилади. Баҳолардаги ва курсдаги баҳоланишнинг бу тартибда ҳисобдан чиқарилиши таъсис ҳужжатларида олдиндан келишилган устав капиталидаги таъсисчилар улушининг ўзгармаслигига имкон беради.

Устав капиталини шакллантиришда ҳосил бўлган курсдаги фарқларнинг аналитик ҳисоби, очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг акция эгалари билан ҳисоблашишдан ташқари, ҳар бир таъсисчи бўйича юритилади.

Хўжалик юритувчи субъект қайта рўйхатдан ўтказилгунга қадар ўзгармасдан қолиш лозим бўлган устав капиталидан фарқли улароқ қўшилган капитал қуйидаги операциялар натижасида тўлдирилиши мумкин:

- Эмиссион даромадни юзага келтирувчи номинал қийматидан юқори баҳода акциялар бирламчи сотилиши ҳолатида;

- Курсдаги фарқни келтириб чиқарувчи хорижий инвестицияли хўжалик юритувчи субъектлар устав капиталини шакллантириш чоғида;

- Эмиссион даромад юқорида кўриб ўтилгандек, акциялар сотилиш баҳоси ва номинал қиймати ўртасидаги тафовутни ҳисобга олинган ҳамда фақатгина бирламчи эмиссия чоғида акс эттирилади.

- Мисол. 1000 сўмлик номинал қиймати бўлган акциялар 1200 сўмдан сотилган, қуйидаги ёзувлар кайд этилади:

- 5110, 5010 – пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари дебети – 1200.

- 4610 – «Устав капиталига бадаллар бўйича муассислар қарзи» ҳисобварағи кредити – 1000.

- 8410 – «Эмиссион даромад» ҳисобварағи кредити – 200.

Резерв капитали ҳисоби.

Резерв капитали счётларида хўжалик юритувчи субъект таъсис ҳужжатларида одатдагидек, узоқ муддатли активларни қайта баҳолашда юзага келадиган инфляцион резервларга мувофиқ фойда ҳисобига ташкил қилинадиган резерв ҳисоби учун мўлжалланган.

8510 – «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти қайта баҳолаш натижасида активлар қийматини ошишини ҳисобга олади.

Асосий воситаларни қайта баҳолаш, одатда, ҳукумат қарорига кўра, номоддий активлар, қимматли қоғозлар ва бошқа узоқ муддатли инвестицияларни бозор қийматигача қайта баҳолаш активнинг бозор қийматини аниқ белгилаши мумкин бўлган шароитда хўжалик юритувчи субъект ҳисоб сиёсатига мувофиқ амалга оширилади. Бунда, қайта баҳолашни шундай амалга ошириш керакки, ҳар бир ҳисобот санасидаги активнинг баланс қиймати унинг бозор қийматиидан кескин фарқланмасин.

Мисол. Компаниянинг қимматли қоғозлари 800 минг сўмлик баланс қийматида эга. Уларнинг ҳисобот даври охиридаги бозор қиймати 880 минг сўмга ошган.

Агар хўжалик юритувчи субъект ўз инвестицияларини қайта баҳоланган қиймати бўйича ҳисобга олса, у ҳолда қайта баҳолашдан олинган даромад резерв сармоя счётларида акс эттирилиши лозим.

0610 – «Қимматли қоғозлар» ҳисобварағи дебети – 80000 сўм.

8510 – «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» ҳисобварағи кредити 80000 сўм.

Агар навбатдаги ҳисобот даврига келиб бу қимматли қоғозларнинг бозор қиймати камайса, унда мазкур қимматли қоғозлар бўйича аввалги қайта баҳолаш доирасида резерв сармойанинг камайтириш ҳисобига уни қоплаш мумкин. Бу қимматли қоғозлар бўйича ташкил этилган резервдан ошувчи нархнинг пасайиш суммаси харажат сифатида тан олинади.

Асосий воситаларни (ҳукумат қарорига биноан) қайта баҳолаш суммаси, шунингдек ўз капиталининг ошиши сифатида акс эттирилади.

Баланс қийматида юқори баҳода бошқа хўжалик юритувчи субъект устав капиталига мол-мулкни киритиш чоғида ҳам «Резерв сармоя» счётида қўлланилади.

ТМБ каби жорий активларни қайта баҳолаш бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойилларини («эҳтиёткорлик» ёки «консерватизм» тамойиллари) зид келади ҳамда «Товар моддий резервлар» 4 – сон БХМСга мувофиқ ТМЗ таннархи ва соф фойда қийматиидан энг кам баҳо бўйича баҳоланади. Бироқ, агар гарчи ТМЗни қайта баҳолаш амалга оширилган бўлса, қайта баҳолаш суммаси уларни сотиш (ёки ишлаб чиқаришга жалб этиш) тадбирлари бўйича хўжалик юритувчи субъектнинг даромадига қўшилади.

Фақатгина фавқулодда ҳолатларда (резервларни баҳосини пасийишида, резервларга зарар етишида, уларнинг эскиришида) ТМБ баҳоси пасаяди ҳамда шунингдек ўз капитали счётларга таъсир кўрсатмайди.

8520 – «Резерв капитали» ҳисобварағида турли резервлар ҳисобга олишда фойдаланилади.

Акциядорлик жамиятлари резерв капитали уставда белгиланган миқдорда унга қадар ҳар йили соф фойдадан ажратмалар йули билан шакллантирилади:

8710 – «Ҳисобот давридаги таксимланмаган фойда (копланмаган зарар)» ҳисобварағи дебети.

8510 – «Резерв капитали» ҳисобварағи кредити.

Резерв капитали унинг зарарларини қоплаш, имтиёзли акциялар бўйича дивидентлар тўлаш, акциядорлар талабларига кўра акцияларни сотиб олиш, жамият облигацияларини сўндириш, қарзни ҳисобдан чиқариш ҳамда бошқа сўндириш имкониятлари мавжуд бўлмаганда бошқа мақсадлар учун мўлжалланган.

Масалан, ҳисобот даврида фойда мавжуд бўлмаганда имтиёзли акциялар бўйича дивидентлар тўланади:

8510 - «Резерв капитали» ҳисобварағи дебети.

6610 – «Тўлов учун дивидендлар» ҳисобварағи кредити.

Хўжалик юритувчи субъект тугатилаётганда турли дебиторларнинг қарзлари ҳисобдан чиқарилади.

8510 - «Резерв капитали» ҳисобварағи дебети.

4010 – «Буюртмачи ва харидорлардан олинadиган ҳисобрақамлар» ҳисобварақлари кредити.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларда таъсис ҳужжатларида белгиланган миқдорларда резерв капиталини ташкил этиш ҳам қонун ҳужжатларида назарда тўтилган. Адлия вазирлигидан 1997 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилган. «Юридик шахслардан ундириладиган даромад (фойда) солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги 382 – сон йўриқномага мувофиқ хорижий инвестиция иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлар учун солиққа тортиладиган даромад резерв фондига 20% гача миқдорда ажратмалар суммасига мазкур фонд устав капиталининг 25% и миқдорига етгунга қадар камайтирилади.

Таъсис ҳужжатларига ва ҳисоб сиёсатига мувофиқ турли мақсадларга учун резерв фонди бошқа хўжалик юритувчи субъектларда ҳам ташкил этилиши мумкин.

Резервларни ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган муомалалар 2010, 2310, 2510, 9400 – счётларнинг дебетида ва 8910 – «Келгуси давр харажатлари ва тўловлар резерви» счётининг кредитида акс эттирилади.

Ташкил этилган резерв ҳисобидан қопланган харажатлар суммасига 8910 – «Келгуси давр харажатлари ва тўловлар резерви» счёти дебетланиб, 2310 – «Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 6710 – «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб – китоблар» счётлари кредитланади.

16.4. Молиявий натижаларни аниқлаш ҳисоби

Хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг молиявий натижасини таърифловчи асосий кўрсаткич бўлиб, баланс (ялпи) фойда ва зарари ҳисобланади.

Молиявий натижани аниқлаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54 – сонли қарори билан «Маҳулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом»нинг янги қайтадан ишлаб чиқилгани тасдиқланиб 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб амалга тадбиқ этилди.

Ушбу Низомнинг аҳамияти катта бўлиб, у солиққа тортиладиган фойда билан бухгалтерия счётида (баланс фойда) ҳосил бўладиган фойда фарқини аниқлаш имкониятини беради.

Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом бир томондан хўжалик юритувчи субъектларга ҳисобот даври ичида содир бўлган харажатлар ва даромадлар тўғрисидаги аниқ маълумотларни олиш имкониятини берса, иккинчи томондан солиқ қонунларига биноан солиқ органларига ҳисоботларни тузиб топшириш имкониятини беради.

Хўжалик юритувчи субъект баланс фойдасини аниқлаш учун сотишдан тушган тушумдан олиб ташланадиган харажатлар рўйхати ушбу Низомнинг асосий матнида келтирилган. Бундан кейин хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия ҳисоби счётларида кўрсатилган фойдани солиқ қонунчилигига биноан тузатиб (корректировка қилиб), солиққа тортиладиган фойдани аниқлайди. Бухгалтерия ҳисоби счётларидаги фойдани солиқ қонунчилигига биноан тузишга мисол қилиб нормадан ортиқ харажатланган сафар харажатлари, реклама харажатлари ва бошқаларни келтириш мумкин.

Демак, солиққа тортиладиган базани ҳисоблаб чиқиш учун бу харажатлар (1 ва 2 иловага биноан) ни солиққа тортиладиган фойдага қайтадан қўшиш керак. Бунинг натажасида хўжалик юритувчи субъект қуйидаги маълумотларга эга бўлади:

- қанча ва хўжалик юритувчи субъектнинг қайси бўлинмаларидан ишлаб чиқариш, молиявий ва бошқарув фаолияти натижасида фойда олинди;
- хўжалик юритувчи субъектнинг якуний фаолиятига давлатнинг солиқ сиёсати қанчалик таъсир қилганлиги;

• якуний натижада хўжалик юритувчи субъект бюджетга қанча пул ўтказиб бериши.

«Харажатлар таркиби тўғрисида»ги Низомда айтилганидек, ишлаб чиқариш – хўжалик фаолияти натижасида хўжалик юритувчи субъект томонидан даромад қуйидаги асосий бўлимлар бўйича акс эттирилади:

- сотишдан олинган соф тушум;
- асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар (операцион даромадлар);
- молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;
- фавқулодда фойда.

Молиявий натижа қуйидаги формулалар ёрдамида аниқланади:

$$СФ = ЯФ + (АФФ - АФЗ) + (УФ - УЗ) + (СТФ - СТЗ)$$

Бунда:

СФ – йилнинг соф фойдаси;

ЯФ – маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда;

АФФ – асосий фаолиятдан олинган фойда;

АФЗ – асосий фаолиятдан олинган зарар;

УФ – умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда;

УЗ – умумхўжалик фаолиятидан олинган зарар;

СТФ – солиқ тўлангунга қадар фойда;

СТЗ – солиқ тўлангунга қадар зарар.

Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда эса ўз навбатида қуйидагича аниқланади:

$$ЯФ = МТ - ҚҚС - Акц - ИТ$$

Бунда:

ЯФ – маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда;

МТ – маҳсулот (иш, хизмат) лар сотишдан тушум;

ҚҚС - қўшилган қиймат солиғи;

Акц – акциз солиғи;

ИТ – сотилган маҳсулот (иш, хизмат) ларнинг ишлаб чиқариш таннари.

Асосий фаолиятдан кўрилган фойда ёки зарар эса қуйидагича аниқланади:

$$АФФ = ЯФ - ДХ - БД - БЗ$$

Бунда:

АФФ – асосий фаолиятдан олинган фойда;

ЯФ – ялпи фойда;

ДХ – давр харажатлари;

БД – асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;

БЗ – асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар.

Умумхўжалик фаолиятдан олинган моливий натижа қуйидагича аниқланади:

$$УФ = АФФ + МД - МХ$$

Бунда:

УФ – умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда;

АФФ – асосий фаолиятдан олинган фойда;

МД – молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;

МХ – молиявий фаолият харажатлари.

Солиқ тўлангунга қадар фойда эса қуйидагича аниқланади:

$$СТФ = УФ + ФФ - ФЗ$$

Бунда:

СТФ – солиқ тўлангунга қадар фойда;

УФ – умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда;

ФФ – Фавқулодда фойда;

ФЗ – фавқулодда зарар.

Молиявий натижаларнинг шаклланиши янги сўётлар режасининг 9– бўлимидаги қуйидаги транзит сўётларда ҳисобга олинади:

9000 – «Асосий фаолиятдан олинган даромадлар»

9100 – «Сотилган махсулотларнинг таннарни»

9300 – «Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар»

9400 – «Давр харажатлари»

9500 – «Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар»

9600 – «Молиявий фаолият бўйича харажатлар»

9700 – «Фавқулодда фойда (зарар) лар»

9900 – «Якуний молиявий натижа»

Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомдга «Сотишдан соф тушум» тушунчаси киритилган. Сотишдан олинган соф тушум янги сўётлар режаси бўйича 9000 – «Асосий фаолиятдан олинган даромадлар» сўётининг кредитидан олинади. унга товарларнинг қайтариллиши, харидорлар учун берилган чегирмалар ва бошқалар киритилмайди.

Хўжалик юритувчи субъектлар харажатлар, даромадларнинг ҳисобини юритиш ва якуний молиявий натижаларни аниқлаш учун янги сўётлар режасида қуйидаги сўётлар ажратилган:

I. Харажатларни ҳисобга олувчи счётлар:

1. 9100 – Сотилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг таннархини ҳисобга олувчи счётлар:

- 9110 – «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи»
- 9120 – «Сотилган товарларнинг таннархи»
- 9130 – «Бажарилган иш ва хизматларнинг таннархи»
- 9140 – «Товар – моддий заҳираларни сотиб олиш»
- 9150 – «Товар – моддий заҳираларнинг баҳосини муқобиллаш»

2. 9400 – Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар:

- 9410 – «Сотиш билан боғлиқ харажатлар.
- 9420 – «Маъмурий харажатлар».
- 9430 – «Бошқа операцион харажатлар» счётлари.
- 9440 – «Келгусида солиққа тортиладиган базадан чегириладиган ҳисобот даврининг харажатлари»

3. 9600 – Молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга олувчи счётлар:

- 9610 – « Фоиз кўринишидаги харажатлар»
- 9620 – « Валюта фарқлари бўйича зарарлар»
- 9630 – «Қимматбаҳо қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар»
- 9690 – « Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар»

4. 9700 – Фавқулоддаги зарарларни ҳисобга олувчи счётлар:

- 9720 – «Фавқулоддаги зарарлар»

II. Олинган даромадларни ҳисобга олувчи счётлар:

1.9000 – Асосий фаолиятдан олинган даромадларни ҳисобга олувчи счётлар:

- 9010 – «Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар»
- 9020 – « Товарларни сотишдан олинган даромадлар»
- 9030 – «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун олинган даромадлар»

- 9040 – «Сотилган товарларнинг қайтарилиши»
- 9050 – «Харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар»

2.9300 – Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларни ҳисобга олувчи счётлар:

- 9310 – «Асосий воситаларни тугатилишидан олинган фойда»
- 9320 – «Бошқа активларни тугатилишидан олинган фойда»
- 9330 – «Ундирилган бокиманда жарима ва бурчсизликлар»
- 9340 – «Ўтган йил фойдаси»
- 9350 – «Жорий лизинг юзасидан олинган даромадлар»

- 9360 – «Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқариш натижасида олинган даромадлар»

- 9370 – «Хизмат кўрсатувчи хўжалик даромади»

- 9380 – «Қайтарилмайдиган молиявий ёрдам»

- 9390 – «Бошқа операцион даромадлар».

3.9500 – Молиявий фаолият натижасида олинган даромадларни ҳисобга олувчи счётлар:

- 9510 – «Роялти кўринишидаги даромадлар»

- 9520 – «Дивиденд кўринишидаги даромадлар»

- 9530 – «Фоиз кўринишидаги даромадлар»

- 9540 – «Валюта курси фарқидан олинган даромадлар»

- 9550 – «Молияланадиган лизингдан олинадиган даромадлар»

- 9560 – «Қимматбаҳо қоғозларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар»

- 9590 – «Бошқа молиявий фаолиятлар натижасида олинган даромадлар»

4. Фавқулодда фойдани ҳисобга олувчи счётлар:

- 9710 – «Фавқулодда фойда»

Умумхўжалик фаолиятининг натижаларини – фойда ёки зарар суммасини аниқлайдиган асосий оқимлардан бири фаолият бўйича олинадиган даромадлар ёки амалга оширилган харажатлардир (давр харажатлари). Чунки ушбу даромад суммалари фойдага кўшилади ва харажатлар эса фойда ҳисобидан қопланади, натижада умумий фойда суммасини камайтиради.

Хўжалик фаолият кўрсатиш жараёнида бир нечта харажатларни амалга ошириш зарурати келадик, лекин ушбу харажатлар махсулот таннархига кўшилмайди, балки Низом кўрсатмасига асосан субъектнинг ҳисобот даврида олган фойда суммаси ҳисобига қопланади. Ушбу харажатлар давр харажатлари деб номланган бўлиб, унга ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлмаган харажатлар киради, яъни:

- махсулотни сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар;

- маъмурий – бошқарув харажатлари;

- умумхўжалик аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар ва зарарлар.

Ушбу харажатларнинг аниқ ва уларнинг тегишли моддалари ва элементлари Низомнинг тегишли 2, 2.1, 2.2, 2.3 ва 2.4 бўлимдаги моддаларида батафсил келтирилган.

Юқорида қайд қилинган харажатларни ҳисобга олиш даврининг охирида субъектнинг фойдасига олиб бориш ёки зарарига ўтказиш учун

9400 – «Давр харажатларини ҳисобга олувчи» транзит счётининг гуруҳи қўлланилади. Ушбу счётда давр харажатларини ҳисобга олиш мақсадида счётларнинг гуруҳи очилган:

9410 – «Маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ харажатлар»

9420 – «Маъмурий харажатлар»

9430 – «Бошқа операцион харажатлар»

9440 – «Келгусида солиққа тортиладиган базадан чегириладиган ҳисобот давридаги харажатлар».

Маҳсулотларни, хизматларни сотиш билан боғлиқ харажатларга қуйидаги харажатлар киради:

- маҳсулотларни, хизматларни транспортда ташиш харажатлари ва ушбу транспортларнинг бекор туриб қолган вақти учун тўланган жарима суммалари;

- маҳсулотни ўраш, сақлаш, жўнатиш жойигача етказиш ва транспортга юклаш харажатлар (агарда ушбу харажатлар истеъмолчи – харидорлар томонидан қопланмаса);

- тасдиқланган меъёردаги реклама харажатлари – бозор ва кўрғазмаларда қатнашиши, шартномага асосан харидорларга бепул берилган товарларнинг қиймати;

- маркетинг харажатлари – товар бозорлари ва истеъмолчиларнинг талаб ва хоҳишларини ўрганиш, ваколатхоналар очиш харажатлари.

Давр харажатлари туркумининг 2 - қисми маъмурий харажатлар йиғиндисидан иборат бўлиб, бу бўлимда умумхўжалик аҳамиятига эга бўлган маъмурият ва бошқарув ходимларининг меҳнат ҳақлари, иморат ва иншоотларни асраш ва улардан фойдаланиш ва бошқа тегишли харажатлар киради. Бу харажатларни бир тизимга келтириш ва йиғиб бориш учун 9420- «Маъмурий харажатлар номли счётларнинг гуруҳи очилган. Ушбу счётда харажатлар қуйидаги моддалар бўйича ҳисобга олиб борилади:

- бошқарув ходимларига ҳисобланган меҳнат ҳақи;

- ушбу ҳисобланган иш ҳақиға нисбатан ижтимоий суғурта ажратмалари;

- хизмат юзасидан олиинган автомобиллар, ижарага олинган транспорт воситаларини асраш, ижара ҳақи ва таъмирлаш харажатлари;

- хўжалик юритувчи субъект ва унинг таркибий бўлинмаларини ташкил этиш ва бошқариш харажатлари;

- бошқарувнинг техник ва алоқа воситалари, ҳисоблаш техникасини асраш ва улардан фойдаланиш харажатлари;

- алоқа узелларига хизмат ҳақи (АТС, йўлдош, уяли, рейтинг) шаҳарлараро ва халқаро алоқа хизмати ҳақи харажатлари;

- маъмурий – бошқарув учун зарур бўлган иморат ва иншоотларнинг ижара ҳақлари;
- асосий воситаларни асраш, таъмирлаш ва амортизация ажратмалари;
- юқори ташкилотлар – бирлашма, концернлар ва вазирликларни асраш учун ажратмалар;
- ходимларни ва мулкни мажбурий суғурта қилиш харажатлари;
- хизмат сафарлари харажатлари;
- хўжалик юритувчи субъектнинг вакиллик харажатлари;
- биноларни текинга бериш ва коммунал хизмат ҳақлари;
- экология харажатлари.

Ҳисобот даврининг охирида 9410 – «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш билан боғлиқ харажатлар» ва 9420 – «Маъмурий харажатлар» счётларида йиғилиб келинган ушбу харажатлар тегишли 9910 – «Якуний молиявий натижа» счётининг дебет томонига олиб борилади. Субъектнинг фойдаси ҳисобидан қопланадиган харажатларга бошқа муомала юзасидан харажатланган харажатлар киради. Ушбу харажатларнинг турлари Низомнинг 2.3 бандида келтирилган ва ҳисобот даврида тегишли 9430 – «Бошқа операцион харажатлар ва зарарлар» счётларида ҳисобга олиб борилади ва ушбу харажатлар қуйидаги гуруҳлардан ташкил топади:

- кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, янги ташкил қилинган субъектда ишлаш учун тайёрланадиган кадрлар учун харажатланган харажатлар бунга кирмайди;
- лойиҳа ва қурилиш – монтаж ишларида аниқланган чала ишларни бартараф этиш, объект ёнидаги омборгача ускуналарни ташиши вақтида уларнинг шикастланишини тузатиш ва шунга ўхшаш субъект зиммасига олинадиган харажатлар;
 - маслаҳат ва ахборот хизматларига ҳақ тўлаш;
 - аудиторлик хизматларига ҳақ тўлаш;
 - ўзининг хизмат кўрсатувчи тармоқлари ва хўжалиklarининг фаолияти натижасида кўрилган зарарлар;
 - саломатликни муҳофаза қилиш ва дам олишларни ташкил қилиш;
 - вақтинча тўхтатиб қўйилган ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини асраш харажатлари;
 - банк ва депозитарий хизматлари тўловлари;
 - бюджетга мажбурий тўловлар, амалдаги қонунчиликка мувофиқ бюджетдан ташқари махсус жамғармаларга тўловлар;
 - экология, маданий – маиший ташкилотлар ва хайрия жамғармаларига ўтказиладиган бадал суммалари;
 - зарарлар, жарималар ва пенялар;
 - ҳукумат қарорига асосан қоплама (компенсация) тўловлари;

- кўп йиллик хизматлари учун бир вақтда бериладиган мукофот, рағбатлантириш ва тўловлар;
- вақтинча меҳнат қобилятини йўқотганлиги учун қўшимча тўланган сумма;
- нафақага қўшилган сумма;
- ишчи ва ходимларга тўланган моддий ёрдам;
- суд харажатлари;
- даъво муддати ўтган дебитор қарзи бўйича кўрилган зарарлар;
- жорий йилда аниқланган, ўтган йилларда содир бўлган муомалалар бўйича кўрилган зарарлар;
- субъектнинг мулкларини сотишдан кўрилган зарарлар;
- бепул берилган мулклар бўйича кўрилган зарарлар;
- тўланиши шубҳали қарзлар бўйича захирага ажратмалар;
- табиий офатлар натижасида кўрилган зарарлар;
- солиқ кодекси ва бошқа қонунларни бузганлиги учун жарималар ва пенялар.

Ушбу харажат ва харажатлар ҳисобот даври мобайнида тизимга солинган ҳолда 9430 – «Бошқа операцион харажатлар ва зарарлар» счёти гуруҳининг дебет томонидан йиғиб борилади ва давр охирида 9910 – «Якуний молиявий натижа» счётининг дебет томонига ўтказилди (Д-т 9910, К-т 9430).

Молиявий фаолиятдан олинган молиявий натижа ҳисоби.

Молиявий фаолият даромад ва харажатларини шакллантириш тартиби 2-сон "Асосий хўжалик фаолиятдан даромадлар", 6-сон "Лизинг ҳисоби", 12-сон "Молиявий инвестициялар ҳисоби" Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари ва «Харажатлар таркиби тўғрисида»ги Низом билан тартибга солинади.

Молиявий фаолият бўйича даромад ва харажатлар тўғрисидаги ахборотни акс эттириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

- 9510 "Роялти кўринишида даромадлар"
- 9520 "Дивидендлар кўринишида даромадлар"
- 9530 "Фоизлар кўринишида даромадлар"
- 9540 "Валюта курсларидаги фарқлардан даромадлар"
- 9550 "Узоқ муддатли ижарадан даромадлар"
- 9560 "Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар"
- 9590 "Молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар"
- 9610 "Фоизлар кўринишида харажатлар"
- 9620 "Валюта курсларидаги фарқлардан зарарлар"
- 9630 "қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш харажатлари"

9690 "Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар"

9610- ҳисобварақда эса роялти бўйича тўланган (ҳисоблаб ёзилган) суммалар юритилади. Бу ҳисобварақ ҳисоб-китоблар ва пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Масалан, олувчи тарафда роялти бўйича даромад ҳисоблаб ёзилди:

Дт 4850 "Олинадиган роялти"

Кт 9510 "Роялти кўринишида даромадлар"

уни олиш чоғида:

Дт 5110 "Ҳисоб-китоб ҳисобварағи"

Кт 4850 "Олинадиган роялти".

Тўловчи хўжалик юритувчи субъектда роялти бўйича суммалар тўланиши:

Дт 9690 "Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар"

Кт 5110 "ҳисоб-китоб варағи"

9520-ҳисобварақда бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улушбай иштирок этишдан олинган даромадлар ва хўжалик юритувчи субъектга тегишли акциялар бўйича дивидендлар акс эттирилади.

Масалан, дивидендлар кўринишида даромад акс эттирилди:

Дт 4840 "Олинадиган дивидендлар"

Кт 9520 " Дивидендлар кўринишидаги даромадлар "

уни олиш чоғида:

Дт 5110 "Ҳисоб-китоб варағи"

Кт 4840 " Олинадиган дивидендлар"

Ҳисоб-китоб ҳисобварақда узоқ муддатли ва жорий инвестициялар бўйича фоизлар кўринишида даромадлар, 9610-ҳисобварақда эса банклар, маҳсулот етказиб берувчилар кредитлари ва заемлар бўйича фоизларни тўлаш харажатлари акс эттирилади.

Масалан, берилган заёмлар бўйича фоизлар ҳисоблаб ёзилган:

Кт 9530 "Фоизлар кўринишида даромадлар"

Дт 4830 "Олинадиган фоизлар"

Уларни олиш чоғида:

Дт 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи»

Кт 4830 "Олинадиган фоизлар .

Тўловчида фоизларни ҳисоблаб ёзиш (олинган заёмлар бўйича)

Дт 9610 "Фоизлар кўринишида харажатлар"

Кт 6920 "Ҳисоблаб ёзилган фоизлар".

Тўлаш чоғида:

Дт 6920 "Ҳисоблаб ёзилган фоизлар"

Кт 5110 "Ҳисоб-китоб варағи".

Фоизлар бўйича ҳисоблаб ёзилган харажатлар заём (кредит)нинг баланс қийматиини купайтирган эски ҳисобварақлар режасидан фарқли равишда ҳисобварақларлар режасида заём ва кредитлар (6800, 7800-ҳисобварақлар) фоизлар бўйича қарздан алоҳида ҳисобга олинади (6920-ҳисобварақ), яъни заём (кредит)нинг баланс қийматиини ҳисоблаб ёзилган фоизлар миқдорига ўзгармайди.

9540-ҳисобварақда валюта ҳисобварақлари бўйича мусбат курс фарқларига доир, шунингдек хорижий валюталардаги операциялар бўйича даромадлар, 9620-ҳисобварақда эса манфий курс фарқлари ва хорижий валюталардаги операциялар бўйича зарарлар акс эттирилади.

Масалан, валюта ҳисобварағи бўйича мусбат курс фарқи акс эттирилди:

Кт 5210 "Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари"

Дт 9540 "Валюта курсларидаги фарқлардан даромадлар"

Валюта ҳисобварағи бўйича манфий, курс фарқи:

Дт 9620 "Валюта курсларидаги фарқлардан зарарлар"

Кт 5210 "Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари"

«Бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларда хорижий валютидаги операцияларни акс эттириш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра (1085-сон, 2001 йил 16 ноябрь) хўжалик юритувчи субъектлар баланснинг валюта моддаларини ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича валюта ҳисобварағидан банк кўчирмалари асосида, курслар фарқида ҳосил бўлган мусбат фарқни - "Келгуси даврлар даромадлари" ҳисобварағига, манфий фарқи - "Келгуси даврлар харажатлари" ҳисобварағига киритиш билан амалга оширадilar.

Баланснинг валюта маблағларини ҳар ойда қайта баҳолаш натижасида жамғарилган мусбат ва манфий курс фарқлари қуйидаги тартибда молия-хўжалик фаолияти натижаларига киритилади:

-хорижий валютадаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўйича - уларни ундириш ҳамда (ҳисобдан чиқариш)нинг боришига қараб:

қолган ҳолларда - баланснинг тегишли валюта моддалари билан хўжалик операцияларини амалга оширишнинг боришига қараб. Баланс валюта моддаларини сўм эквивалентида қайта баҳолаш ҳисобот ойининг охириги кундаги Марказий банк курси бўйича амалга оширилади.

Масалан, хўжалик юритувчи субъектнинг валюта ҳисобварағида 100 минг доллар бор. Олдинги ойнинг охириги кунда Марказий банкнинг курси 1 долларга 600 сўмни, ҳисобот ойининг охириги кунда эса 1 долларга 610 сўмни ташкил этди.

ҳисобот ойи учун курс фарқи қуйидагича аниқланади:

$(610-600) \times 100\ 000 = 1000\ 000$ сўм.

Яъни курс фарқи суммаси баланс валюта моддаларининг қайта баҳолашгача ва ундан кейинги қийматиларини қиёслаш йўли билан аниқланади.

Балансинг валюта моддаларига қуйидагилар киритилади:

- кассадаги, банкдаги депозит ва ссуда ҳисобварақларидаги валюта маблағлари, шу жумладан аккредитивлар;
- хорижий валютадаги пул ҳужжатлари;
- хорижий валютада ифодаланган қиска муддатли ва узоқ муддатли қимматли қоғозлар;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, хорижий валютада олинган кредит ва заёмлар.

Қуйидагилар қайта ҳисобланмайди:

- хўжалик юритувчи субъектнинг хорижий валютага харид қилинган мол-мулки (асосий воситалари, номоддий активлари, товар моддий бойликлари);
- устав капитали ҳажмлари ва хўжалик юритувчи субъект, шу жумладан хорижий инвестициялар иштирокидаги хўжалик юритувчи субъект муассислари (иштирокчилари) улушларининг нисбати.

Масалан, ускуна хорижий валютага харид қилинган, унинг қиймати валютада 800 минг долларга тенг. Ускунанинг қийматиини миллий валютада ҳисоблаш учун ушбу операцияни рўйхатдан ўтказиш санасидаги айирбошлаш курси қабул қилинади. Ушбу ускуна олиш пайтида курснинг 1 доллар учун 900 сўмга тенглигини ҳисобга олиб, унинг қиймати 720 000 минг сўм деб баҳоланади, маҳсулот етказиб берувчидан креди-торлик қарзи ҳам ана шунча суммага баҳоланади. Ускуна қиймати валюта курси узгарганида узгармаслиги керак, лекин маҳсулот етказиб берувчидан кредиторлик қарзи суммаси ҳар бир ой охирида, уни ундириб бўлишга қадар, қайта ҳисоблаб борилади.

Айтайлик, ҳисобот ойининг охири кунида курс 1 доллар учун 910 сўмни ташкил этди, яъни, кредиторлик қарзи суммаси сўм эквивалентида энди 720000 минг сўмни эмас, балки 728 000 минг сўмни ташкил этади.

- Ушбу манфий курс фарқи (720000 - 728000) келгуси даврлар харажатлари сифатида акс эттирилади;

Дт 3290 "Бошқа муддати кечиктирилган харажатлар" 8000

Кт 6010 "Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар" 8000.

Тўлаш пайтида курс 1 доллар учун 915 сўмни ташкил этди, яъни маҳсулот етказиб берувчига хўжалик (800 x 915)=732 000 минг сўм ўтказилди.

Бу ҳолда бир ҳисобот даври доирасидан чиқмайди манфий курс фарқи дарҳол зарарларга киритилади:

Дт 6010 «Маҳсулот етказиб берувчилар валюта моддалари билан хўжалик операцияларини пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» 728 000

Дт 9620 "Валюта курсларидаги фарқлардан зарарлар»4000

Кт 5210 "Мамлакат ичидаги валюта хусобварақлари" 732 000.

Илгари 3290-ҳисобварақда акс эттирилган курс фарқи ҳам тўлаш пайтида зарарларга ҳисобдан чиқарилади:

Дт 9620 "Валюта курсларидаги фарқлардан зарарлар» 8000

Кт 3290 "Бошқа муддати кечиктирилган харажатлар" 8000.

Жами: мазкур операция бўйича валюта курсларидаги фарқлардан зарарларнинг умумий суммаси 12000 минг сўми ташкил этади.

«Чет эл валютасидаги операцияларни бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисида» Низомга кўра (Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 16 ноябрда 1085-сон билан рўйхатдан ўтказилган) зарар кўришга йўл қўймаслик мақсадида хўжалик юритувчи субъектларга кредиторлик қарзини ундириш (ҳисобдан чиқариш)нинг узил-кесил муддатига қадар мазкур қарз бўйича жамғарилган манфий курс фарқини уларни қоплаш учун етарли бўлган даромадлар доирасида молия-хўжалик фаолияти натижаларига ҳисобдан чиқаришга рухсат берилади.

9550-ҳисобварақда, гарчи молиявий лизинг ўз табиатига кўра узоқ муддатли ижарадан анчагина фарқлансада, шунингдек молиявий лизинг шартномаси бўйича мол-мулки узоқ, муддатли ижарага беришдан даромадлар акс эттирилади.

Бухгалтерия ҳисобида лизинг операцияларини акс эттириш масаласи жуда мураккаблиги учун биз фақат айрим жихатларга тухтаймиз.

"Лизинг ҳисоби" 6-сон БХМСга кўра лизинг берувчи билан лизинг олувчи ўртасида хўжалик ва бошқа фаолиятни мустакил амалга ошириш мақсадида кўчар ва кўчмас мулкдан вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини лизинг олувчига тақдим этиш тўғрисида лизинг битими (шартномаси, контракти) тузиш натижасида барпо этилган хўжалик қарз муносабати ҳисобланади.

Лизинг шартномаси бўйича бир тараф - лизинг берувчи (ижарага берувчи) - бошқа тараф - лизинг олувчи (ижарачи)нинг топширигига кўра - учинчи тараф ~ ишлаб чиқарувчи (сотувчи) билан ундан ўз маблағлари ҳисобига лизинг олувчи учун мол-мулк харид қилиш учун битим тузиш мажбуриятини олади, лизинг олувчи эса бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олади.

Молиявий лизингнинг мохиятини тушуниш учун, хўжалик юритувчи субъектга юк автомобили керак деб фараз қилайлик, у бевосига сотиб олинганда хўжалик юритувчи субъектга 10 000 минг сўмга тушган буларди. ўз мабларлари булмаса, хўжалик юритувчи субъект банкдан кредит (ёки бошқа манбалардан) олиши мумкин. Кредит олиб, автомобиль сотиб олинса, хўжалик юритувчи субъект балансида узоқ, муддатли актив асосий восита ва узоқ, муддатли мажбурият - 10000 минг сўм суммасида банкдан қарз пайдо бўлади.

Молиявий лизингга ҳисобга олиб, биз унга узоқ муддатли қарз ва активни харид қилиш кўринишини ҳам берамиз.

Бу мисолни бир оз бошқача қуриб чиқамиз ва хўжалик юритувчи субъект молиявий лизинг шартномаси бўйича қиймати 30 000 минг сўм бўлган юк автомобилни олди деб фараз қилайлик, автомобилни унинг учун лизинг олувчи учинчи тарафдан ўз маблағларига сотиб олган. Бунда унинг ижарага олинган ҳар бир йили учун турт йил мобайнида лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчига 10800 минг сўм тўлаш зарур. Демак, бутун лизинг даври учун $4 \times 10800 = 43200$ минг сўм тўлаш лозим. Ҳақиқатда шундай бўладики, лизинг берувчи хўжалик юритувчи субъектга 30 000 минг сўм миқдорида (автомобиль нархи) заём беради. Уни фоизлар билан бирга тенг улушларда қайтариш керак. Лизинг тўловлари суммаси (43200) билан лизингга олинган актив миқдори (30000) ўртасидаги фарқ, молиявий лизингнинг фоизли элементи бўлади ва лизинг олувчи учун харажат (заём тақдим этганлик учун тўлов), лизинг олувчи учун эса даромад ҳисобланади.

Ушбу актив бўйича эскиришни ҳисоблаб езиш ҳар қандай бошқа актив каби амалга оширилади. Ҳар бир лизинг тўлови икки турли тўлов сифатида ҳисобга олинади: тўловнинг бир қисми қарз асосий суммасини (30000 минг сўм) ундиришдан иборат бўлади, бинобарин, балансида мажбурият қамаяди. Тўловнинг бошқа қисми “кредит” дан фойдаланганлик учун фоиз ҳисобланиб, балансида эмас, балки молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботда акс эттирилади, бунда хўжалик юритувчи субъектнинг фойдасини қамайтиради.

Ҳар бир лизинг тўлови қарз қолдигига фоиз ставкаси ўзгармас бўлиб қоладиган қилиб (бу эса узоқ муддатли қарз, ҳисобининг асосий тамойилларидан биридир), ушбу икки қисмга булинади. Фоиз ставкасининг миқдори молия бозори конъюктурасига, инфляция даражаси ва мажбуриятни бажармаслик мумкинлиги билан боғлиқ хатар даражасига боғлиқдир. Юк автомобили мисолида ставка 16,5 фоиз миқдорида белгиланган.

Барча узоқ муддатли мажбуриятлар сингари, лизинг бўйича мажбуриятлар ҳам жорий муддатли - яъни жорий даврда тўлаш лозим бўлган қарз суммаси - ва узоқ, муддатли мажбуриятларга бўлиниши керак. 6950-“Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисм” ҳисобварағи лизинг олувчининг жорий муддатли, 7910-“Тўланадиган узоқ, муддатли ижара” ҳисобварағи эса узоқ муддатли мажбуриятларни акс эттиради, улар асосий қарзни тўлашни ўз ичига олади. Лизинг бўйича фоизлар, юқорида таъкидланганидек, балансида акс эттирилмайди. Уларни ҳисоблаб езиш лизинг тўловларини тақсимлаш жадвалига мувофиқ, амалга оширилади.

Хуллас, автомобилни молиявий лизинг шартномасига кўра опишда буни олувчида қуйидаги тарзда акс эттириш лозим:

Дт 0310 "Узоқ. муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар"
30 000

Кт 6950 "Узоқ, муддатли мажбурияглар –жорий қисм” 4950

Кт 7910 "Тўланадиган узоқ муддатли ижара"25050.

Лизинг тўловлари жорий қисмининг ҳисоб-китоби пулнинг вақт қиймати тамойилидан фойдаланган ҳолда "Лизинг ҳисоби" 6-сон БХМСга кўра амалга оширилади.

6950 ҳисобварақ кредити бўйича жорий тўловнинг ҳисоблаб ёзилган суммаси, дебети бўйича эса - лизинг берувчига тўланган сумма акс эттирилади.

Харажатларни фоизлар бўйича ҳисоблаб ёзиш (30 000 дан 16,5%):

Дт 9610 "Фоизлар кўринишида харажатлар" 4950

Кт 6920 "Ҳисоблаб ёзилган фоизлар" 4950.

Ҳар йили амалга ошириладиган тўлов (10800 минг сўм) икки қисмдан ~ қарзнинг асосий суммасини сўндириш ва фоизлар тўлашдан иборат бўлади:

Дт 6950 "Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қ,исм"4950

Дт 6920 "Ҳисоблаб ёзилган фоизлар" 4950

Кт 5110 "Ҳисоб-китоб варағи" 10800.

Кт 4810 "Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар"
4950

Кт 9550 "Узоқ муддатли ижарадан даромадлар" 1650.

9560 ҳисобварақда қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолашни ўтказишдан. даромадлар акс эттирилади. қимматли қоғозларни қайта баҳолаш билан боғлиқ харажатларни 9690-"Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар" ҳисобварағида акс эттириш мумкин.

Масалан, қисқа муддатли қимматли қоғозлар қайта баҳоланди

Дт 5810 "Қимматли қоғозлар"

Кт 9560 "Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар".

Узоқ муддатли инвестициялар қайта баҳоланганда қайта баҳолашдан даромад резерв сармоя ҳисобварақларида акс эттирилади:

Дт 0610 "Қимматли қоғозлар"

Кт 8510 "Мол-мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар".

Бироқ 12-сон БХМС 22-бандига кўра бозор қиймати бўйича қайта баҳоланган қимматли қоғозлар сотилиши чоғида резерв сармоя ҳисобварақларида акс эттирилган кушимча баҳолашнинг бутун суммаси жорий давр даромад (ёки таксимланмаган фойдани купайтириш) сифатида акс эттирилади;

Дт 8510 "Мол-мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар"

Кт 9560 "қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар".

қимматли қоғозлар нархи туширилганда:

Дт 9690 "Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар"

Кт 5810 "қимматли қоғозлар".

Узоқ муддатли қимматли қоғозларнинг бозор қиймати камайганида уни ушбу қимматли қоғозлар бўйича аввалги қайта баҳолаш доирасида резерв сармойани камайтириш ҳисобига компенсациялаш мумкин. Ушбу қимматли қоғозлар бўйича яратилган резервдан ошиб кетадиган нархни тушириш суммаси харажат сифатида тан олинади.

Масалан, қимматли қоғозларнинг бозор қиймати 60 минг сўмга камайди, аввалги қайта баҳолаш ҳисобига яратилган резерв эса 50 минг сўмни ташкил этади:

Дт 8510 "Мол-мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар"
50 000

Дт 9690 "Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар"
10 000.

Кт 0610 "Қимматли қоғозлар" 60000

9630-ҳисобварақда қимматли қоғозларни чиқариш ва таркатиш билан боғлиқ, харажатлар пул маблағлари ва ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Масалан, қимматли қоғозларни чиқариш бўйича харажатлар тўланди:

Дт 9630 "Қимматли қоғозларни чиқариш ва таркатиш бўйича харажатлар"

Кт 5110 "Ҳисоб-китоб варағи".

9590-ҳисобварақда молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар акс эттирилади.

Фавкулотда фойда ва зарарлар ҳисоби

Фавкулотда ҳодисалар ҳисоби қуйидаги ҳисоб варақларда акс эттирилади:

9710 "Фавкулотда фойдалар" 9720 "Фавкулотда зарарлар". Зарарлар сингари фавкулотда даромадлар ҳам учта мезонга мувофиқ, бўлиши керак:

- жуда камёб (лекин муҳим) ходиса бўлиш;
- хўжалик юритувчи субъектнинг одатий фаолияти билан ҳеч қандай алоқага эга бўлмаслик;
- хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг қарорларига боғлиқ, бўлмаслик.

Ушбу асосий мезонларни эътиборга олиб, шуни ҳам унутмаслик керакки. улар жуда куп ҳолларда қандай даромадларни (зарарларни) Фавкулотда (экстраординар) деб топиш мумкин деган саволга батафсил жавоб бермайди. На солиққа оид, на бухгалтерия қонунлари бу масалани ҳал этмайди, ҳолбуки бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларида у анча аниқ, таърифланган. Масалан, фавкулотда моддаларга қуйидагилар: мол-мулкни тортиб олиш натижалари, йирик бахтсиз ходисалар оқибатлари, жорий этилган қонунлар ёки

меъерий ҳужжатларга мувофиқ тақиқлар натижасида юзага келган зарарлар ва хоказолар киритилади.

Табиий офатлардан кейин инвентарлаш чоғида аниқланган ТМЗлар етишмаслигини акс эттириш фавқулодда даромадлар ва харажатлар ҳисобварақаларидан фойдаланишга мисол бўлиши мумкин;

Дт 9720 "Фавқулодда зарарлар"

Кт 1010 "Хом ашё ва ТМЗлар".

Солиқ ва йигимларни тўлаш учун фойдани ишлатиш куйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади;

9810 "Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар"

9820 "Фойдадан бошқа солиқ ва йигимлар бўйича харажатлар".

9810, 9820-ҳисобварақлар дебети бўйича даромад (фойда) солиғи, ягона солиқ ялпи тушумдан ягона солиқ, инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаб ёзиш бюджетга тўловлар бўйича қарзни хипобга олишнинг тегишли ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акс эттирилади. Ушбу ҳисобварақлар ҳисобот йили тугагач, йиллик бухгалтерия ҳисоботинн тузиш чоғида 9910-"Яқуний молиявий натижа" ҳисобварағи дебетига ёпилади.

Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари па 21-сон БКМСга кўра ҳисобот даври учун даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар вақт фарқлари солиқ самарасининг ҳисоби асосида белгилаилади.

Биз учун янги бўлган баъзи бир тушунчаларга тухтаймиз.

Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар

- ҳисоб сиёсатиға мувофиқ, хиисоблаб чиқариладиган даромад (фойда) солиғи суммаси (9810-ҳисобварақ).

Тўланадиган даромад (фойда) солиғи - солиқ тўғрисидаги қонунларға биноан ҳисоблаб чиқариладиган даромад (фойда) солиғи суммаси (6410-ҳисобварақ).

Кейинға қолдирилган солиқ мажбурияти- солиқ солинадиган вақт фарқларига нисбатан қелгуси даврларда тўланадиган даромад (фойда) солиғи суммаси (6250, 7250-ҳисобварақлар).

Кейинға қолдирилган солиқ талаби - чегириладиган вақт фарқдарига нисбатан қелгуси даврларда қопланадиган даромад (фойда) солиғи суммаси (0950, 3210-ҳисобварақлар).

Қелгуси даврларда кейинға қолдирилган солиқ талабининг ҳисоби ушбу даврларда солиқ солинадиган даромаднинг қамайишида ифодаланади. Кейинға қолдирилган солиқ мажбурияти қелгусида солиқ солинадиган даромадни қупайтиради.

Масалан, хўжалиқ юритувчи субъектнинг солиқ солинадиган даромади ҳисобот даврида 850 минг сўмни, 3210 -"Вақт фарқлари бўйича муддати

кечиктирилган даромад (фойда) солиғи ҳисобварағи бўйича сальдо 80 минг сўмни ташкил эгади. Бунинг маъноси шуки, утган ҳисобот даврларида солиқ солинадиган даромад баланс фойдасидан катта бўлган, хўжалик юритувчи субъект эса бюджетга ҳисоб сиёсатига кўра ҳисоблаб ёзилганидан 80 минг сўм кўп суммани тўлаган.

Муддати кечиктирилган даромад (фойда) солиғи суммаси бўлмаса, айтайлик, вақт фарқлари бўйича 3210-ҳисобварақда бюджетга $850\,000 \times 20\% = 170\,000$ сўм тўланиши керак эди. Бироқ 3210-ҳисобварақ бўйича сальдо бу суммани камайтиради ва хўжалик юритувчи субъект бюджетга 80000 сўмни кам тўлайди:

Дт 6410 "Даромад (фойда) солиғи бўйича бюджетдан қарз"
80 000

Кт 3210 "Вақт фарқлари бўйича муддати кечиктирилган даромад (фойда) солиғи" 80 000.

Демак, хўжалик юритувчи субъект унга нисбатан чегирмалар амалга оширилиши мумкин бўлган, етарлича солиқ, солинадиган даромадни ишлаб топган тақдирдагина хўжалик юритувчи субъект солиқ, тўловларини қисқартириш шаклида иктисодий фойда олади. Шунинг учун хўжалик юритувчи субъект унга нисбатан чегириладиган вақт фарқлари ишлатилиши мумкин бўлган солиқ солинадиган даромад олиши эҳтимоли мавжуд бўлганда кейинга колдирилган солиқ, талабини тан олишдан маъ-но бор.

Бироқ, агар хўжалик юритувчи субъект етарлича солиқ солинадиган даромадни ишлаб топмаса, меъёрий ҳужжатлардан у чегириладиган вақт фарқларини кейинги даврларга ўткази олиши мумкинлиги равшан эмас. Агар ўткази олса, олдиндаги канча даврларга ўтказиши аниқ, эмас.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, айниқса чегириладиган вақт фарқларини кейинги даврларга ўтказиш имкониятлари чегараланган бўлса, хўжалик юритувчи субъектлар солиқларни режалаштиришнинг турли вариантларидан фойдаланишлари керак.

Қаралаётган ҳолатда солиқларни режалаштириш имкониятлари - хўжалик юритувчи субъект аввалги даврлардан ўтказилган вақт, фарқларини чегириш учун тегишли даврда солиқ солинадиган даромадни яратиш ёки купайтириш учун амалга ошириши мумкин бўлган ҳаракатлардир.

Солиқ солинадиган даромад келтирадиган бирор-бир бошқа инвестиция олиш учун солиқ солинмайдиган даромад (масалан, давлат қимматли қоғозларидан даромад) келтирадиган активни сотиш билан ҳам яратилиши мумкин.

Яна бир марта таъкидлаш зарурки, 21-сон БҲМС вақт фарқларини акс эттириш қисмида солиқ қонунчилиги билан боғланмаган, зеро унда вақт фарқларининг солиқ ҳисоби тушунчаси мавжуд эмас. Шу сабабли 21-сон

БХМС мазкур қисмида хозирда бухгалтерия ҳисоби амалиётида фойдаланилиши мумкин эмас. Яқин орада бунга имкон яратилади деб умид киламиз.

9820-ҳисобварақ, хўжалик юритувчи субъектлар фойдасидан тўланадиган бошқа солиқларни ҳисоблаб ёзишларни акс эттириш учун ишлатилади. Масалан, инфратузилмани ривожлантириш солиғи қуйидагича ҳисоблаб ёзилади:

ДТ 9820 "Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича харажатлар"

Кт 6410 "Бюджетдан тўловлар бўйича қарз".

9910-"Якуний молиявий натижа" ҳисобварағи ҳисобот йилида хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг Якуний молиявий натижасини шакллантириш тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мулжалланган. Якуний молиявий натижа (фойда ёки зарар) фаолият ушбу турлари бўйича харажатлар суммасига камайтирилган асосий фаолият бўйича даромадлар, молиявий фаолият бўйича даромадлар ва фавқулодда даромадларнинг молиявий натижасидан жамланади. 9910-ҳисобварақ дебети бўйича хўжалик юритувчи субъект зарарлари (харажатлари), кредити бўйича эса -фойдаси (даромадлари) акс эттирилади. Ҳисобот даври учун дебет ва кредит айланмаларини киёслаш ҳисобот даврининг Якуний молиявий натижасини кўрсатади. Ҳар бир ҳисобот даврининг охирида 9910-"Якуний молиявий натижа" ҳисобварағининг дебет ва кредит томонлари кўрсаткичлари кушилади ва ҳисобот даври учун умумий баланс фойдаси (ёки зарари)ни тавсифлайдиган, ушбу ҳисобварақ бўйича умумий сальдо ҳисобланади.

Ҳисобот йили тугагач, йиллик бухгалтерия ҳисоботини тузиш чоғида 9910-«Якуний молиявий натижа» ҳисобварағи ёпилади. Ҳисобот йилининг соф фойдаси (зарари) 9910-ҳисобварақдан 8710-"Ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдаси (зарари)" ҳисобварағининг дебетига (зарар) ёки кредитига (соф фойда) ўтказилади.

Фойда олинганда:

Дт 9910 "Якуний молиявий натижа"

Кт 8710 "Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (копланмаган зарар)"

Зарар килганда:

Дт 8710 "Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (копланмаган зарари)"

Кт 9910 "Якуний молиявий натижа".

Таянч сўз ва иборалар.

Ҳисоб объектлари.
Ҳисоб субъектлари.
Солиқ.
Солиқ солинадиган объектлар.
Солиқ базаси.
Умумдавлат солиқлар.
Маҳаллий солиқлар.
Тўлов муддатлари.
Даромад.
Харажат.
Молиявий натижа.
Фавкулотда фойда ва зарарлар.
Акция.
Соф фойда.
Акционерлик (ҳиссадорлик) жамияти.
Инвестор.
Дивиденд.
Эмитент.
Хусусий капитал.
Аукцион.
Депозит.
Инвестиция.
Маржинал даромад.

Такрорлаш учун саволлар

1. Устав капитали қандай ҳисобга олинади?
2. Қўшилган капитали қандай ҳисобга олинади?
3. Заҳира капитали қандай ҳисобга олинади?
4. Таксимланмаган фойда (қопланмаган зарар)лар қандай ҳисобга олинади?
5. Грантлар ва субсидиялар қандай ҳисобга олинади?
6. Молиявий натижаларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш ҳисоби қандай ташкил этилади?

17-БОБ. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ

17.1. Ҳисоботнинг моҳияти, аҳамияти ва таркиби

Ҳисобот ҳқжалик юритувчи субъектларнинг қтган вақт ичидаги ишлари натижалари ва шароитлари тқғрисидаги маълумотлар мажмуи бқлиб, ундан фаолиятини таҳлил, назорат қилиш ва бошқариш мақсадида фойдаланилади.

Ҳисобот ахборотлари сотилган маҳсулот, иш ва хизматлар, уларни ишлаб чиқариш харажатлари, ҳқжалик маблағлари ва уларни ташкил бқлиш манбаалари, ишларнинг молиявий натижалари, солиққа тортиш ва дивидентлар тқғрисидаги маълумотларни қз ичига олади.

Ҳқжалик юритувчи субъектлар қз фаолияти устидан кундалик назоратни ҳужжатлар ва ҳисобот регистрларига асосан олиб борадилар. Лекин узоқ вақт (ой, чорак, йил) давомида ҳқжалик фаолиятини якунини билиш учун бу маълумотлар етарли эмас. Уларни умумлаштириш ва тизимга келтириш зарур. Бунга ҳисобот тузиш йқли билан эришилади.

Ҳисоботнинг асосий вазифаси маҳсулотнинг сифати ва ассортиментини ошириш, «Ноу - Хау» ва бошқа тадбирлар ишлаб чиқиш ҳисобига корхона фаолиятини қсиш ва ривожланиш резервларини қидириб топиш ва борозда барқарорлигини таъминлаш бқлиб ҳисобланади. Ҳисобот маълумотлари бқйича раҳбар мулкдорлар ва таъсисчилар ва бошқа бошқарув ва назорат тизими (банклар, молиявий органлар) юқори ва ҳукумат расмий ва бошқарув оргналари олдида ҳисобот беради.

Биринчи навбатда шуни айтиш жоизки, корхоналар (хорижий инвестицияли корхоналардан ташқари) мажбурий тартибда қуйидаги фойдаланувчиларга чорак ва йиллик ҳисоботини топширади:

- таъсис ҳужжатларига биноан мулкдорлар (мулкни бошқариш бқйича ваколатли органлар, таъсисчилар);
- давлат солиқ инспекциясига (бир нусха);
- Қзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан корхона фаолиятини айрим томонларини текшириш ва тегишли ҳисоботни олиш вазифалари юксалтирилган бошқа давлат органларига.

«Бухгалтерия ҳисоби тқғрисида»ги Қзбекистон Республикаси Қонунига биноан:

1. Барча корхона ва муассасалар учун ҳисобот йили 1 январдан 31-декабргача бқлган давр ҳисобланади.

2. Янги ташкил этиган корхона ва муассасалар учун биринчи ҳисобот йили бқлиб, улар юридик ҳуқуқга эга бқлган санадан шу йилнинг 31 декабригача бқлган давр ҳисобланади. 1-октябрдан кейин ташкил этилган (тугатилган, қайтадан ташкил этилган) корхоналар ва уларнинг структуравий бқлинмалари асосида ташкил этилганлардан ташқари корхонлара учун уларнинг юридик

хуқуқга эга бўлган санадан кейин йилнинг 31-декабригача бўлган даврни биринчи ҳисобот йили даври ҳисоблашга рқхсат берилади.

3. Корхоналар чораклик ва йиллик бухгалтерия ҳисоботларини Қзбекистон Респубилкаси Молия Вазирлиги томонидан белгиланган муддатларда топширишдилар.

Ҳисобот раҳбар, бош бухгалтер, башорати корхонанинг бухгалтерия ҳисоботи шартнома асосида ихтисослашган ташкилот ёки мутахассис томонидан юритилса, ҳисоб юритувчи шахс томонидан имзоланади.

Шуни ҳам эслатиб қтиш керакки, корхонанинг ҳқжалик фаолияти натижалари, мулкый ва молиявий ҳолати тқғрисидаги йиллик бухгалтерия ҳисоботи фойдаланувчилар (биржа, харидор, мол юритувчи ва бошқалар) учун очиқ бўлиб нашр этилиши мумкин. Нашр этилган ҳисоботнинг тқғрилиги мустақил аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланади.

Корхонанинг йиллик бухгалтерия ҳисоботи тегишли органларга топширишидан олдин таъсис ҳужжатларида белгиланган таритбда кқриб чиқилдаи ва тасдиқланади. Қзбекистон Респубилкасининг «Бухгалтерия ҳисоби тқғрисида»ги Қонун (16 - модда) билан йиллик ҳисоботнинг қуйидаги шакллари тузиш назарда тутилган:

- 1 - «Корхона баланси»;
- 2 - «Молиявий натижалар тқғрисида ҳисобот»;
- 3 - «Асосий воситалар ҳаракати тқғрисида ҳисобот»;
- 4 - «Пул оқими тқғрисида ҳисобот»;
- 5 - «Хусусий капитал тқғрисида ҳисобот».

Юқоридаги ҳисобот шаклларига изоҳлар ҳисоб - китоблар ва тушинтиришлар илова қилинади.

Баланс чорак ва йиллик ҳисобот таркидига киритилади. Бу «нетто» номли баланс бўлиб, фойдаланувчиларга корхонанинг соф қийматининг ҳажми тқғрисида ахборот беради. Чунки мумкин қиймати жами кқрсаткигга қуйидаги моддлар бўйича эскиришни чиқариб ташлаб кқрсатилади.

Асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқалар, фойда суммаси эса, жамига фақат ҳисобот даврида тасдиқланмаган фойда ҳажмигина ққшилади. Лекин ҳқжалик фаолиятини таҳлил этиш мақсадида балансда қуйидаги кқрсаткичлар сақланиб келган: дастлабки қиймат ва уларнинг эскириши, олинган фойда.

Шқъба корхоналари, филиаллар ва вакилликларига эга бўлган корхоналар консолидаллашган (бирлашган) молиявий ҳисобот тузади.

Шқъба корхоналарга ққйилган ққйилмалар бош корхонанинг молиявий ҳисоботида унинг молиявий ққйилмалари сифатида акс этирилади.

Юридик шахслар қзларининг филиаллари, вакилликлари ва бошқа структуравий бўлинмаларини мустақил балансга ажратиши мумкин, лекин уларнинг баланси ва бошқа ҳисобот шакллари тегишли юридик шахсининг консолидациялашган ҳисоботига албатта ққшилади.

Консолидациялашган ҳисоботга бош корхонанинг молиявий ҳисоботи андозасига биноан тузилади. Лекин вазирликлар, иборалар ва бюджет

ташкilotлари бқйича тузиладиган йиғма молиявий ҳисоботлар бундан мустасно.

Молиявий ҳисобот йил бошидан йиғилиб борувчи жами билан ҳар чоракдан текширилади.

Бюджет муассасалари чорак ва йиллик ҳисоботларини юқори органа Қзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан белгиланган муддатларда топширади.

Айрим ҳқжалик юритувчи субъектлар учун Қзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Молиявий ҳисобот топшириш бқйича бошқа муддатлар белгиланиши мумкин.

Ҳқжалик юритувчи субъектларнинг йиллик молиявий ҳисоботи қизиқувчи банклар, Биржалар, инвесторлар, кредитлорлар ва бошқалар учун очик ҳисобланади.

Очик типдаги акционер жамиятлар, суғурта компаниялар, банклар, фонд ва товар биржалари, инвестиция фондлари ва бошқа молиявий муассасалар, ҳисоботда келтирилган маълумотлар тқғрилигини аудиторлар томонидан тасдиқлагандан сқнг йиллик молиявий ҳисоботни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг биринчи майигача албатта нашр этишлари керак.

Ҳқжалик юритувчи субъект тугатилганда хотима молиявий ҳисобот тузилади.

Корхонани тугатиш бқйича муаммоланинг бухгалтерия ҳисоби, тугатиш баланси ва ҳисобатини тузиш, активлар қийматини аниқлаш ишлари тугатиш комиссиясига юклатилади.

Умидсиз қарзлар ва зарарлар тугатиш балансига ққшилади.

Тугатиш балансида мажбуриятлар уларнинг қайтариш вақитага ҳисобланган фоизлар билан бирга акс эттирилади.

17.2. Молиявий ҳисобот даври ва уни тақдим этиш

Ҳқжалик юритувчи субъектлар томонидан тузиладиган ва тегишли органларга топшириладиган молиявий ҳисоботлар 1 - БҲМС билан тартибга олинади. Молиявий ҳисоботларда қуйидаги ахборотлар тқлик акс эттирилиши керак:

Ҳқжалик юритувчи субъектнинг номи, мулкчилик шакли, юридик манзили, идентификацияланган номери ва субъектни аниқлаб олиш учун зарур бқладиган бошқа реквизитлар;

1. Ҳқжалик юритувчи субъектнинг номи, мулкчилик шакли, юридик манзили, индентификацияланган номери ва субъектни аниқлаб олиш учун зарур бқладиган бошқа реквизитлар;
2. Молиявий ҳисобот бир корхонаникими ёки бир гуруҳ корхонаникими;
3. Ҳисобот санаси ёки молиявий ҳисоботлар қайси даварни қз ичига олиши;

Топширилган ҳисобот ахборотларини тқғри тушуниш учун қуйидига реквизитлар келтирилиши лозим;

1. Молиявий ҳисоботда ққлланилган валюта тури;
2. Ҳисоботда фойдаланилган рақамларнинг аниқлик даражаси, масалан, келтирилган рақамлар минг ҳисобида ёки миллион ҳисобида эканлиги ва ҳ.к.

Молиявий ҳисоботнинг ҳисобот даври бқлиб 1 январдан 31 -декабргача бқлган календар йил ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисоби тқғрисидаги . Қонунниг 18 - моддасига биноан агар юридик шахс 1 - октябрдан қатъий рқйхатдан қтказилган бқлса, биринчи ҳисобот йили кейинги йилнинг 31 - декабрда тугайди. Молиявий ҳисобот қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда календар йилидан ташқари ойлик ёки чораклик қилиб ҳам топширилади.

Молиявий ҳисоботлар учун ҳисобот санаси бқлиб ҳисобот даврининг охирги куни ҳисобланади. Чунончи, субъектнинг йиллик бухгалтерия баланси учун ҳисобот санаси бқлиб 31 - декабр ҳисобланади, молиявий натижалар, тқғрисидаги йилик ҳисобот учун ҳисобот даври бқлиб 1 - январдан 31 - декабргача ҳисобланади.

Молиявий ҳисобот қуйидаги органларга топширлади:

1. Субъект мулкдорларига (давлат мулкни бошқариш ваколати берилган органларга, таъсисчиларга, қатнашувчиларга биноан);
2. Давлат статистика органларига;
3. Қонунчилика биноан бошқа органларга.

Ҳқжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларини кейинги йилнинг 15 - февральдан кечиктирмасдан топширишлари керак.

Айрим Вазирликлар идоралар ва бошқа бошқарув органлари учун Қзбекистон Республикаси ҳисобот топширишни бошқа муддатларини белгилаш мумкин.

Бир шаҳарда жойлашган субъектлар учун молиявий ҳисоботни топширган куни деб уни тегишли жойга ҳақиқий тақдим этган куни ҳисобланади. Бошқа шаҳарларда жойлашган субъектлар учун молиявий ҳисоботни почта орқали жқнатган куни ҳисобланади (бу кун почта корхонасини қўйган штампасида маълум).

Башарти ҳисоботни жқнатган сана дам олиш кунига тўғри келса, ҳисобот топшириш санаси дам олш кундан кейинги кунга қўчирилади.

Чораклик ёки йиллик ҳисоботларни қз вақтида тузишни таъминлаш учун бухгалтериянинг барча бўлимларини ишларни бажариш муддатларини ққрсатиб йиғма иш графиги тузилади. Бухгалтерия ҳисоби қуйида юритилса, график билан белгиланган муддатларда журнал - ордерларнинг жами чиқарилади, зарур бўлса бир регистрдаги сумма бошқа регистрларга қтказилади ва корреспондентланувчи счетлар қзаро муқобил текширилади.

Журнал ордер шаклида ҳисоб юритилганда ой охирига қолган суммаларини қтказиш ва ҳисоб регистрларини хотималаш бўйича ҳисоб ишларининг кетма - кетлиги қуйидагича:

- расшифровка - варақаларидан дебет ва кредит оборотлари журнал - ордерлар ва ведомостларга қтказилади, бунда расшифровка - варақалари ва журнал - ордерларда тегишли белгилар қўйлади;
- 5010 – счєтининг дебети бўйича жамилари 3, 10/1, 13 – журнал ордерларга қтказилади;
- 7, 12, 14, 15, 16, 17 ва бошқа ведомостларнинг аналитик ҳисоб жамлари ҳисобланиб чиқилади. Шундан кейин жами маълумотлари тегишли журнал - ордерларда акс эттирилади;
- журнал - ордерларнинг кредит оборотлари жами ҳисоблаб чиқилади.

Агар журнал - ордерларда счетлар бўйича аналитик маълумотлар акс эттирилган бўлса, маълумотлар жамланиб чиқилади ва кейинги ой бошига қолдиқ аниқланади, корреспондентланувчи счєтлар бўйича алоқаси бор счетларнинг турли регистрлари жами таққосланади. Масалан, 1 – журнал - ордердаги 5010 – счєтининг жами 2 - ведомостдаги 5010 - счет жами билан таққосланади. Бундай ққрсаткичларни таққослиб текшириш барчча журнал - ордерлар бўйича бажарилдаи.

Бундан кейин маълумотлар журнал - ордерлардан бош дафтарга қтказилади. Ундан кейин ҳар бир синтетик счет бўйича дебет оборотлари чиқарилиб кейинги ойнинг 1 - санасига қолдиғи чиқарилади. Бош дафтарга маълумотлар фақат журнал - ордерлардан олиб ёзилади.

Журнал - ордер маълумотларини Бош дафтарга ёзиш мисолини келтирамиз (иккита синтетик счетларга ёзиш маълумотлари келтирилган). Журнал - ордерлар маълумотлари бош дафтарга қтказилгандан сқнг журнал - ордерларда қуйидаги изоҳ берилади: «Оборотлар суммаси Бош дафтарда акс эттирилди» ва санаси ҳам ижрочи ва бош бухгалтернинг имзолари қўйилади.

6010 - «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тқланадиган счетлар»

Ой	Дебети бқйича обороти қуйидаги счётларнинг кредитидан				Жами		Сальдо	
	5110	5510	431 0	Ва х.к	Дебети бқйича	Кредит бқйича	Дебет	Кредит
Январ								
Феврал								
ва х.к								
Ноябр								45400,0 0
Декабр	362.302,4 0	1589 6	100 0		379198,4 0	433629,0 0		99830- 60

2610- «Ишлаб чиқаришдаги брак»

Ой	Дебети бқйича обороти қуйидаги счётларнинг кредитидан (10-ж/о)						Жами		Сальдо	
	1010	6710	6520	8910	2010	2510	Дебет бқйича	Кредит бқйича	Дебет	Кредит
Январ										
Феврал										
ва х.к										
Ноябр										
Декабр	60	200	28	12	272	142	714	714		

Бош дафтарда счётларнинг қолдиғи чиқарилгандан сқнг улар аналитик маълумотлар билан текширилдаи, журнал - ордер шаклининг регистлари маълумотлари бқйича баланс ва бошқа ҳисобот жадваллари тузилади.

17.3. Молиявий ҳисобот шакллари

Бухгалтерия баланси

Молиявий ҳисобот тизимида **баланс** марказий ўрин эгалайди.

Йиллик ҳисобот тартибида унда катта қзғаришлар содир бўлди, чунки халқар операциялар талабларига яқинлашди ва бозор мунособотларига рейтинг мазмуни ички ва ташқи фойдаланувчилар (акционер, таъсисчи, сармоя юборувчи кредиторлар, банклар ва бошқалар) ва ундан фойдаланиш имкониятини беради. Ички ва ташқи қизуқувчилар учун корхона фаолиятининг молиявий натижалари, унинг молиявий барқарорлиги, кредитор қарзларнинг ҳажми, банк ссудалари бўйича қарзлари тўғрисидаги маълумотлар зарур.

Корхона ичида балансда келтирилган ахборотлар ҳаққалик фаолиятини таҳлил этиш харажатлар ва йққотишларни қисқартириш резервларини қидириб топиши, корхона тасарруфидаги қоладиган соф фойда ҳисобидан тўқланадиган жарималар, бурдсизликлар сабабларини бартараф этиш учун кенг қўлланилади.

Йиллик ҳисоботга тушунтириш хати, корхона раҳбарининг фаолиятининг йқналиши тўғрисидаги маълумоти, илова қилинади. Бу корхонанинг асосий аналитик ҳужжатларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бунда асосий кўрсаткичлар бўйича режа бажарилишига таъсир этувчи қуйидаги омиллар очиқ ташланади: миқдори, ассортимент, сифати, маҳсулот сотиш ҳажми, фойда суммаси, таннархи пасайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, самарадорлик, илмий – конструкторлик ишларини натижалари ва истикболлари ва шу қабилар. Тушунтириш хатининг мазмуни ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва технология хусусиятлари билан белгиланади.

Қуйида ҳозирги вақтда қўлланилаётган баланс шаклини келтирамыз.

Қзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 7 – февралдаги 31 – сонли буйруғига 1 – сонли иловасида келтирилган баланснинг шакли мазкур дарсликнинг баланс тўғрисидаги бобида келтирилган.

Консолидаллашган молиявий ҳисоботлар тузишнинг асосий мақсади она ва қизалоқ компаниялар фаолиятини ягона ҳаққалик ташкилотидек қилиб кўрсатишдир. Консолидаллашган ҳисоблар тузиш ва ҳам қизалоқ ҳаққалик жамиятларига қўйилган инвестициялар ҳисоби 8 - БҲМС билан тартибга солинади.

Консолидаллашган балансда она ва унинг барча қизалоқ корхоналарининг моддий заҳиралари бирга қўшиб кўрсатилади.

Консолидаллашган балансни тайёрлашда она ва қизалоқ компанияларнинг ҳисоботларидан тегишли моддалар бирлаштирилади. Она ва қизалоқ компаниялар орасида содир бўлган муомалалар натижаси сальдоланади.

Масалан, бир компания иккинчи компаниядан бўлган қарзини қайтарилиши ёки улар орасидаги олди - сотди муомалари. Ҳисобот тузишда она корхона билан қизалоқ корхона орасидаги бундай муомалалар сўётларнинг умумий жамида акс этирилмайди, чунки олди - сотди муомалалари, қарзни

тқлаш ва уни олиш компания ичидаги пул маблағларини кқпайтириб юборади.

Иккиламчи ҳисоблаш йққотиш мақсадида бир қанча муомалалар бқйича бартараф қилиш, ёки тузатиш усулидан фойдаланилади. Тузатиш усулида фақат ҳисоботни тайёрлаш жараёнида фойдаланиладива она ҳам қизалоқ фирмаларининг бухгалтерия регистрларида акс эттирилмайди. Ҳеч қандай консолидаллашган ҳисоб регистри юритилмайди.

Гуруҳлар ичидаги сальдо ва гуруҳлар ичидаги муомалалар тқлик бартараф қилиниши керак.

Башарти консолидаллашда фойдаланилаётган молиявий ҳисоботлар турли ҳисобот санасига тузилган бқлса, бош корхона тузган молиявий ҳисобот санаси билан қизалоқ корхоналар томонидан тузилган ҳисобот санаси орасида содир бқлган хқжалик муомалалари натижаларига тузатиш киритиш зарур. Лекин барча ҳолларда ҳам молиявий ҳисоботлар тузилган саналари орасидаги муддатнинг фарқи уч ойдан ошмаслиги керак.

Консолидаллашган молиявий ҳисоботларни ягона ҳисоб сиёсатидан фойдаланилган асосда тузилиши керак.

Башарти консолидаллашган молиявий ҳисоботларни тузишда ягона ҳисоб сиёсатидан фойдаланиш имконияти бқлмаса, бу ҳол бқйича бошқа ҳисоб сиёсати ққлланилган консолидаллашган ҳисоботлар қисми билан тушинтириш берилади.

Лекин айрим ҳолларда, агар она ва қизалоқ фирмаларининг фаолиятлари мутлоқ бошқача, бқлса консолидаллашган ҳисобот тузилмайди. Масалан, савдо компанияси банкнинг акциясини ҳаттоки 60 % дан кқпроғи эга бқлса ҳам, қзининг ҳисоботини банк билан бирлаштирилмайди.

Одатда банкрот ҳолатида турган қизалоқ компанияларнинг ҳисоботлари консолидаллашган ҳисоботлар таркибидан ққшилмайди.

Консолидаллашган баланс тузиш учун она ва қизалоқ фирмалар балансларини кқриб чиқамиз.

Баланс моддалари	Она компания	Қизалоқ компания
Касса	100 000	25 000
Бошқа активлар	760 000	60 000
Активлар жами:	860 000	85 000
Кредиторлар	60 000	10 000
Одий акциялар	600 000	55 000
Реинвестиция қилинган фойда	200 000	200 000
Пассивлар жами:	860 000	85 000

Фараз қилайлик она компания қизалоқ компанияни 100 фоиз акциясини баланс қийматида нақд пулга сотиб олди. Қизалоқ компаниянинг баланс қиймати 75000 (85000 - 10000). Она компаниянинг бухгалтерия ҳисобида бу муомала қуйидаги кқринишда бқлади:

Дт 0610 “Қимматли қоғозлар”

75000

Кт 5010 “Миллирй валютадаги пул маблағлари ”

75000

Консолидаллашган баланс тузиш учун иш жадвали:

Моддалар	Она компания баланси	Қизалоқ компания баланси	Тузатиш ёзувлари		Консолидаллашган баланс
			дебет	кредит	
Касса	25 000	25 000			50 000
Узоқ муддатли молиявий қўйилма	75 000				
Бошқа активлар	760 000	60 000		75 000	820 000
Жами:	860 000	85 000			870 000
Кредитлар	60 000	10 000			70 000
Оддий акциялар	600 000	55 000	55 000		600 000
Реинвестиция қилинган фойда	200 000	20 000	20 000		200 000
Жами:	860 000	85 000	75 000	75 000	870 000

Консолидаллашган балансни тайёрлашда қизалоқ компанияга қўйилган инвестиция ҳисобга олинмайди. Бу муомала “Тузатиш ёзувлари” деган катакда кўрсатилган.

Тузатиш ёзувлари консолидаллашган баланс тузишда активлар ва акционер капитали суммасини кўрсатишда иккиламчи ҳисобни бартараф қилади. Консолидаллашган балансда акционер капитали она фирмасининг акционер капиталига тенг.

Қизалоқ компанияга қўйилган инвестицияларни тушириб қолдириб қизалоқ фирманинг акционер капитали ҳажмига тузатиш киритилгандан сўнг консолидаллашган баланс қуйидагича бўлади.

Консолидаллашган баланс			
Касса	50 000	Кредиторлар	70 000
Бошқа активлар	820 000	Оддий акциялар	600 000
		Реинвестиция қилинган фойда	200 000
Жами активлар	870 000	Жами пассивлар	870 000

17.4. Молиявий нтижалар тўғрисидаги ҳисобот

Молиявий нтижалар тўғрисидаги ҳисобот 3 - Миллий бухгалтерия ҳисоби стандартси «Молиявий нтижалар тўғрисидаги ҳисобот»га биноан жорий бухгалтерия маълумотлари бқйича тузилади.

Ҳисоботнинг 010 - қатор 90 «Асосий (операцион) фаолиятдан олинган даромадлар» счётининг тегишли (9010 - 9030) субсчётларидан олинади. Бу счётларнинг суммасидан 9050 - «Сотилган товарларнинг қайтарилиши ва чегирмалар» счётининг суммаси чиқариб ташланади.

020 - қатор суммаси 9110 - «Сотилган тайёр маҳсулотлар таннари» счётининг тегишли субсчётлари (9110 - 9130) дан олинади.

030 - қатор суммасини топиш учун 010 - қатор суммасидан 020 - қатор суммасини айириб ташлаш керак.

«Давр харажатлар, ҳажми» моддасида (сатр 040) 050, 060, 070, 080, қаторларнинг умумий суммаси ёзилади.

«Сотиш бқйича харажатлар» моддаси бқйича (050 қатор) сотиш бқйича харажатлар акс этирилиб, улар 9410 «Сотиш бқйича харажатлар» счётидан олинади.

«Маъмурий харажатлар» моддаси бқйича (060 қатор) маълумотлари 9420 «Маъмурий харажатлар» счётига олинади.

«Бошқа операцион харажатлар» моддаси бқйича (070 қатор) маълумотлар 9430 «Бошқа маъмурий харажатлар» счётига олинади.

«Келгуси солиққа тортиладиган базадан чегириладиган ҳисобот даври харажатлари» моддаси бқйича (080 қатор) маълумотлар 9440 «Келгуси солиққа тортиладиган базадан чегириладиган ҳисобот даври харажатлари» счётига олинади.

«Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар» моддаси бқйича (090 қатор) маълумотлар 9300 «Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар» счётларига олинади.

«Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)» моддаси бқйича (100 қатор) маълумотлар 030 - қатор суммасидан 040 - қатор суммасини айириб ташлаш 090 - қатор суммасини ққшиш йқли билан аниқланади.

«Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар, жами» моддаси бқйича (110 қатор) маълумотлар 120, 130, 140, 150, 160 - қаторлар суммаларини ққшиш йқли билан топилади.

«Дивидент шаклидаги даромадлар» моддаси бқйича (120 қатор) маълумотлар 9520 «Дивидентлар ққринишидаги даромадлар» счётидан олинади.

«Фоизлар шаклидаги даромадлар» моддаси бқйича (130 қатор) маълумотлари 9530 «Фоизлар шаклидаги даромадлар» счётидан олинади.

«Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг)дан даромадлар» моддаси бқйича (140 қатор) маълумотлари 9550 «Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг)дан даромадлар» счётидан олинади.

«Валюта курси фарқидан даромадлар» моддаси бқйича (150 қатор) маълумотлари 9540 «Валюталар курслари фарқларидан даромадлар» счётидан олинади.

«Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари» моддаси бқйича (160 қатор) маълумотлари 9510 «Роятли кқринишидаги даромадлар», 9560 «Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар», 9590 «Молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар» счётларидан олинади.

«Молиявий фаолият бқйича харажатлар» моддаси бқйича (170 қатор) маълумотлари 180, 190, 200, 210 қаторларнинг жами акс эттирилади.

«Фоизлар шаклидаги харажатлар» моддаси бқйича (180 қатор) маълумотлари 9610 «Фоизлар шаклидаги харажатлар» счётидан олинади.

«Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг)» моддаси бқйича (190 қатор) маълумотлар 9610 «Фоизлар шаклидаги харажатлар» счётидан олинади.

«Валюта курси фарқидан зарарлар» моддаси бқйича (200 қатор) маълумотлар 9630 «Валюта курси фарқидан зарарлар» счётига олинади.

«Молиявий фаолият бқйича бошқа харажатлар» моддаси бқйича (210 қатор) маълумотлари 9630 «Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бқйича харажатлар», 9690 «Молиявий фаолият бқйича бошқа харажатлар» счётларидан олинади.

«Умумхқжалик фаолиятининг фойдаси (зарари)» моддаси бқйича (220 қатор) 100 қатор суммасига 110 қатор суммасини ққшиб 170 қатор суммасини ташлангандан ҳосил бқлган сумма ёзилади.

«Фавкулотдаги фойда ва зарарлар» моддаси бқйича (230 қатор) даромади бқйича маълумотлар 9710 «Фавкулотда зарарлар» счётидан олинади.

«Даромад (фойда) солиғи тқлагунча қадар фойда (зарар)» моддасининг (240 қатор) маълумотлари 220 қатор суммасига 230 қатор суммасини (фойда бқлса) ққшиб, (зарар бқлса) чегириб ташлаш йқли билан топилади.

«Даромад (фойда) солиғи» моддаси бқйича (250 қатор) маълумотлар 9810 «Даромад (фойда) солиғи бқйича харажатлар» счётидан олинади.

«Фойдадан бошқа солиқлар ва ййғимлар» моддаси бқйича (260 қатор) корхона томонидан йил бошидан фойда ҳисобидан ҳисобланиб тқланган солиқ ва ййғимлар суммаси акс эттрилади.

«Ҳисобот даврининг соф фойда (зарари)» моддаси бқйича (270 қатор) маълумотлар 240 қатор суммасидан 250 ва 260 қаторлар суммаларини айириш йқли билан топилади.

17.5. Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот

Молиявий ҳисобдан ички ва ташқи фойдаланувчилар учун корхонанинг **асосий воситаларининг таркиби**, уларни иш ҳолати умумий қиймати муҳим аҳамиятга эга.

Бу маълумотлар корхоналарнинг молиявий ҳисобот таркибида тузиладиган «Асосий воситалар таркиби тўғрисидаги ҳисобот»да акс эттирилади. Қуйида бу ҳисоботнинг шаклини келтирамиз.

Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот жадвали мазмунидан кўриниб турибдики, унда асосий воситалар ва уларнинг эскириши белгиланган таснифи асосида қуйидаги кўрсаткичлар бўйича акс эттирилади:

- йил бошига қолдиғи;
- ҳисобот даврида асосий воситаларининг кирими;
- ҳисобот даврида ҳисобдан чиқарилгани;
- йил охирига қолдиғи.

Ҳисоботнинг 3 ва 6 – хоналарида корхона балансида ҳисобга олинган барча асосий воситаларнинг қиймати акс эттирилади.

4 - хонада ҳисобот даврида, ққшимча баҳолаш қиймати ҳам ққшилган ҳолда қуйидаги манбалардан корхона тасарруфига қтган асосий воситалар акс эттирилади:

- пулга сотиб олиш ёки янгидан қуриш;
- айланма маблағлардан асосий воситага қтказилиши;
- бошқа корхона ва ташкиллардан бепул олинishi;
- инвентаризация натижасида ортиқча чиққан асосий воситалари кирими;
- лизинг муомалалари бўйича узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситалар.

5 - хонада қайтадан баҳолаш натижасида нарҳини пасайтириш ҳам ққшилган ҳолда қуйидаги сабабларга кўра хўжалик тасарруфидаги асосий воситалар таркибидан чиқарилган объектлар қиймати акс эттирилади:

- пулга сотилган кераксиз ва ортиқча асосий воситалар;
- асосий воситалар таркибидан айланма маблағларга қтказилган объектлар;
- бошқа корхона ва ташкилотга бепул берилган объектлар;
- эскириши натижасида объектларнинг ҳисобдан чиқарилиши;
- табиий офатлар, авария натижасида ва бошқа сабабларга кўра объектларнинг ҳисобдан чиқарилиши.

7 ва 10 - хоналарда асосий воситаларнинг турлари бўйича ҳисобот даври бошига ва охирига йиғилган амортизация (эскириш) суммаси акс эттирилади.

8 - хонада асосий воситаларни ққшимча баҳолаш натижасида ққшимча ҳисобланган амортизация суммаси ҳам ққшилган ҳолда, ҳисобот даврида барча асосий воситалари бўйича ҳисобланган амортизация (эскириш) суммаси акс эттирилади.

9 - хонада тугатилган, сотилган ва бошқа йқллар билан хқжалик тасарруфидан чиқиб кетган асосий воситалар эскириши кқрсатилади.

11 - хонада асосий воситаларнинг йил бошига қолган соф қолдиқ қиймати акс эттирилади. Бу сумма 3 - хона билан 7 - хоналари суммалари фарқидан иборат.

12 - хонада асосий воситаларнинг ҳибот даври охирига қолган соф қолдиқ қиймати акс эттирилади. Бу сумма 6 - хона билан 10 - хона суммалари фарқидан иборат.

Асосий воситаларнинг жами суммасидан ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш йқналишидагиларнинг ҳаракати алоҳида ажратиб кқрсатилади.

Ишлаб чиқариш йқналишидаги асосий воситалар таркибига саноат, қурилиш, қишлоқ хқжалиги ишлаб чиқариши, савдо ва умумий овқатланиш, қишлоқ хқжалик маҳсулотларини ва бошқа моддий ишлаб чиқариш фаолияти соҳасига тегишли воситалар киради.

Ноишлаб чиқариш йқналишидаги асосий воситалар таркибига коммунал хқжалик, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, маориф, маданият ва шунга қхшаганларда фойдаланиладиган воситалар киради.

«Маълумот учун» деган бқлимнинг 150 – 154 қаторларида асосий воситалар қайси манбалар ҳисобидан сотиб олнганлиги (кирими) акс эттирилади.

17.6. Пул оқимлар тўғрисидаги ҳисобот

Пул оқими тўғрисида ҳисобот маълум бир ҳисобот даврида корхонанинг пул маблағлари ҳолатига операцион, инвестиция ва молиявий фаолияти таъсирини акс эттиради ва шу давр ичида пул маблағлари қзғаришини ккрсатади.

Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот маълумотларидан фойдаланиш куйидаги имкониятларни беради:

- корхонанинг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини ишлаб топиш қобилиятини, шунингдек шунга қхшаган пул маблағларидан фойдаланишда корхона эҳтиёжини баҳолаш;
- корхонанинг соф активдаги қзғаришларни, унинг (унинг тқлов қобилияти ҳам ққшилган ҳолда) молиявий структурасини ва унинг қзгарувчан вазият ва имкониятларига мослашиш мақсадида пул оқимларининг суммалари ва қз вақтида тушишига тасъир этиш қобилиятини баҳолаш;
- турли корхоналарнинг операцион фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни таққослаш. Чунки бу хқжалик фаолиятининг бир хил муоамала ва воқеалари учун бухгалтерия ҳисобининг турли усулларидан фойдаланиш оқибатларини бартараф этади.

Пул оқими тўғрисидаги ҳисоботда ҳисобот даври ичида пул маблағлари оқими куйидаги фаолиятлар бқйича таснифланади:

- операцион фаолияти;
- инвестицион фаолияти;
- молиявий фаолияти.

Операцион фаолиятдан олинадиган пул маблағлари ҳажми корхона фаолияти самарасининг ҳал этувчи ккрсаткичи бқлиб ҳисобланади. Чунки у ташқи молиялаш манбаларисиз қайтариш, меҳнат унумдорлик даражасини сақлаш, девидентлар тқлаш ва янги капитал ққйилмаларни амалга ошириш имкониятини беради.

Операцион фаолиятдан бқлган пул маблағлари ҳаракати биринчи навбатда даромад олиш бқйича асосий фаолият натижаси бқлиб ҳисобланади.

Инвестицион фаолият – бу пул эквивалентига кирмайдиган узоқ муддатли активлар ва бошқа ва бошқа инвестицияларни сотиб олиш ва сотиш, қайтариладиган кредитларни бериш ва олиш. Буларга бино, асбоб - ускуна, номоддий ва бошқа активларни сотиш ва сотиб олиш, акция ёки бошқа қарз мажбуриятларини сотишдан тушган тушум ва бошқа корхоналарнинг акциялари ва қарз мажбуриятларини сотиб олиш, фъчерс, форвард, опцион ва своп - контрактлар бқйича тушумлар ва улар бқйича тқловлар киради.

Фьючерс контракт (муддатли контракт) – бу маълум миқдорда молиявий инструментларни ёки белгиланган миқдордаги товарни эркин савдо биржасида келишилган нарҳда олди - сотди тўғрисидаги шартнома.

Форвард контракти – бу товар ёки молиявий инструментларни келажакда жқнатиш ва ҳисоб - китоб қилиш бқйича олди – сотди тқғрисидаги битим.

Опцион контракт (мукофотли битим) – бу маълум миқдордаги молиявий инструментлар ёки товарларни келишилган муддат ичида белгиланган миқдорда мукофот тқлаш эвазига қайд этилган нархда сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқи.

Молиявий фаолият – бу шундай фаолият турики, унинг натижасида корхонанинг хусусий капитали ва қарзлари ҳажми ва структураси (тузулиши) да қзғариш ҳосил бқлади.

Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот

Хусусий капитал тқғрисида ҳисобот жорий бухгалтерия

маълумотларига асосан тузилиб унда ташқи ва ички фойдаланувчилар учун муҳим кқрсаткичлар мавжуд.

Хусусий капитал тқғрисидаги ҳисобот маълумотларига асосан корхонанинг бозор фаоллиги кқрсаткичларини таҳлил қилиш мумкин. Бу кқрсаткичлар компаниянинг акцияларини қиймати ва даромадлигини таърифлайди.

1. Бир акцияга тқғри келадиган фойда қуйидагича аниқланади:

$$АФ = \frac{\text{Соф фойда (ССФ) – имтиёзли акция бқйича дивидентлар}}{\text{Муомаладаги оддий акциялар}}$$

Бу кқрсаткич муомаладаги бир оддий акцияга қанча соф фойда тқғри келишини кқрсатади. Бу бозор иқтисодиёти шароитида энг зарурий кқрсаткичлардан бири бқлиб ҳисобланади.

2. Акциянинг бозор баҳоси билан бир акцияга тқғри келадиган фойдананинг муносабатлари (БФ) қуйидагича аниқланади.

$$БФ = \frac{\text{Бир акциянинг бозор қиймати}}{АФ}$$

Бу кқрсаткич компаниянинг бир сқм соф фойдасига акционерлар неча сқм тқлашга розилигини билдиради. Масалан, «А» компаниясида бу кқрсаткич 10 бқлиб, «Б» компаниясида 8 бқлса, инвесторлар «А» компаниясининг инвестиция сифатини афвзалроқ баҳолайди. Бу кқрсаткич бошқа компанияларнинг бир акцияга тқғри келадиган фойда динамикаси бқйича баҳоланади.

3. Бир акциянинг баланс қиймати қуйидагича аниқланади:

$$АБз = \frac{\text{Акционер капиталининг қиймати – имтиёзли акциялар}}{\text{Муомаладаги оддий акциялар}}$$

Бир акциянинг баланс қиймати бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларига биноан бир оддий акцияга тқғри келадиган корхонанинг соф активлари қийматини кқрсатади.

4. Бир акциянинг бозор қиймати билан баланс қийматининг нисбати унинг бозор қиймати қанча эканлигини кқрсатади ва у қуйидагича аниқланади:

$$\frac{\text{Бир акциянинг бозор қиймати}}{\text{билан баланс қийматини нисбати}} = \frac{\text{Бир акциянинг бозор қиймати}}{\text{Бир акциянинг баланс қиймати}}$$

5. Дивиденд даромад ёки дивиденд нормаси қуйидагича аниқланади:

$$\frac{\text{Дивидент даромад (ҳақиқий фойда нормаси)}}{\text{Бир акциянинг бозор қиймати}} = \frac{\text{Бир акциянинг дивиденти}}{\text{Бир акциянинг бозор қиймати}}$$

6. Акциянинг даромадлилиги (Ад) муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у қуйидагича аниқланади:

$$Ad = D + (C * -C);$$

бу ерда: D - акцияга эгалик қилиш даврида

C - олинадиган дивиденд суммаси

C^* - сотиш нархи,

C - сотиб олиш нархи

7. Тқланадиган дивидендлар улуши қуйидагича аниқланади:

$$T.d.y = \frac{\text{Бир акцияга тқғри келадиган дивиденд}}{\text{Бир акцияга тқғри келадиган соф фойда}} = 0-90\%$$

Бу кқрсаткич таҳлилининг хусусияти шундан иборатки, унинг «яхши» ва «ёмон» даражаси бўлмайди. Лекин бунинг умумий кқрсаткичи 1 дан ошмаслиги керак. Бу демак компания дивиденд тқлаш учун етарли даражада фойда олганлигини кқрсатади. Агар бу кқрсаткич 1 дан ошиб кетса, компания молиявий имкониятидан оқилона фойдаланмаганлигини ёки резерв капиталдан қарз олганлигини кқрсатади.

Дивидендлар хусусий капитални камайтиради, чунки улар компания тасаруфига қолган соф фойдадан тқланади.

Ўз ўзини текшириш учун саволлар:

1. Корхонанинг мутлоқ тқлов қобилияти қандай аниқланади?
2. Корхонанинг соф айланма маблағлари ёки капитал қандай топилади?
3. Мулк коэффициента қандай топилади?
4. Корхонанинг молиявий қарамлик коэффициенты қандай топилади?
5. Пул оқими тқғрисидаги ҳисоботнинг ташқи фойдаланувчилар учун қандай аҳадмияти бор?
6. Пул оқими тқғрисидаги ҳисоботнинг қандай бқлимлари бор?
7. Хусусий капитал тқғрисидаги ҳисоботда қандай кқрсаткичлар келтирилган?
8. Бир акцияга тқғри келадиган фойда қандай топилади?
9. Молиявий ҳисобот мажбурий тартибда кимларга топширилади?
10. Молиявий ҳисобот таркибига қандай ҳисоботлар киради?
11. Молиявий ҳисоботларда қандай ахборотлар тқлиқ акс эттирилиши керак?
12. Балансинг янги шакли қандай кадрор билан қачон тасдиқланди?

Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати Асосий

1. Бобожонов О. Молиявий ҳисоб./Дарслик. -Т.: Молия, 2002.-660 б.
2. Сотиволдиев А. Замоनावий бухгалтерия ҳисоби. 3 т. /Дарслик. –Т.: ҚЗР Б ва АМА , 2004. -505 б.
3. Каримов А.А. Бухгалтерия ҳисоби. /Дарслик.-Т.:Шарқ, 2004. 592 б.
4. Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби /Дарслик-Т.: Иқтисод-молия , 2005
5. Очилов И.К. ва бошқ. Молиявий ҳисоб. /Ққув ққлланма. – Т.: ТМИ, 2003. -256 б.
6. Кондраков Н. Бухгалтерский учет./Учебное пособия. – М.: ИНФРА, 1996. -147 с.
7. Матвеев А.А. Консолидированная отчетность. Методика и практика. /Учебное пособия. -М. Пресс, 2001.- 235 с.
8. Нидлз Б. и друг. Принципы бухгалтерского учета. /Учебное пособия. -М.: Фис, 1999. -496 с.
9. Петров В.В. и другие. Как читать баланс? /Учебное пособия. – М.: ФиС, 1993. -211 с.

Ққшимча

10. Хасанов Б.А. ва бошқалар. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт. /Ққув ққлланма. -Т.: Иқтисод-молия , 2004.-208 б.
11. Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш. /Ққув ққлланма. -Т.: Ққитувчи, 2005. -170 б.
12. Очилов И.К. ва бошқ. Молиявий ҳисоб-2. /Ққув ққлланма. – Т.: ТМИ, 2004. -260 б.

13. Сотиволдиев.А.С. Иткин.Ю.М. «Замонавий бухгалтерия ҳисоби (Янги счётлар режаси асосида). 2 т./Ққув ққланма. -ПБ ва АА-2002. -360 б.

Интернетдан олинган маълумотлар: “Norma” (Меъёрий-ҳуқуқий программа таъминоти) 2005 йил; [www. gaap.ru](http://www.gaap.ru) (Халқаро бухгалтерия стандартлари); [www. cip.com](http://www.cip.com) (Халқаро Сертификатли Бухгалтер); [www. aicpa.org](http://www.aicpa.org) (American Institute of Certified Public Accountants); [www. buhgalt.ru](http://www.buhgalt.ru) (“Бухгалтерский учет” журнали (РФ)); [http://www.nevod.ru./](http://www.nevod.ru/)